

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1969



В. СМЕРНОВА-РАКИТИНА

ЎРТА ОСИЁНИНГ
МИНГ ЎШ
МУҚАДДАМ ЯШАГАН
ЖАҲОНШУМУЛ
ОЛИМИ-УЛУҒ ҲАКИМИ,
РИЁЗИЮНИ,
МУНАЖЖИМИ,
ФАЙЛАСУФИ,
ШОИРИ ВА
БАСТАКОРИ

3882

1969

ГБ УЗССР

27645

А

АБУ АЛИ ИБН СИННО

• ҚИССАСИ •

Ю $\frac{0}{с. 69}$ 92

ТУХТАСИН ЖАЛОЛОВ
ТАРЖИМАСИ
РАССОМ А. ЦИГЛИНЦЕВ

ТАРЖИМОНДАН

Абу Али ибн Сино ҳақида бадий асар ёзиш — башариятнинг бутун илм-маърифатини ўзида мужассамлантирган, уни келгуси асрлар зинасига кўтара олган буюк, донишманд образини яратиш демакдир. Бу гоят мушкул иш. Агар Ибн Сино яшаган давр узоқ тарихнинг қора пардалари остида қолиб кетгани ҳисобга олинса, бу мушкулот яна ҳам ортади.

Ҳурматли рус адibasи Вера Алексеевна зўр ғайрат ва жасорат кўрсатиб, шу мушкул мавзуда, Урта Осиё халқларига беҳад яқин — Абу Али ибн Сино мавзуида роман ёзибди. Бу мавзу—ёзувчилик истеъдодидан ташқари, олимликни, Ибн Сино билган ҳамма фанлар тарихидан огоҳ бўлишни талаб этади. Бундай тайёргарлиги бўлмаган ҳар қандай адиб ёки адиба жаҳоншумул олим образини ярата олмасди.

X—XI асрлар Мовароуннаҳрнинг сиёсий, ижтимоий воқеаларини бунчалар пухта ўрганмоқ, жаҳон фанига Ибн Сино ва ал-Беруний каби улуг зотларни ҳада этган у давр маданиятини тўғри идрок этмоқ учун фақат Урта Осиё тарихини билиш кифоя қилмасди, бунинг учун араб ва антик дунё маданиятидан ҳам чуқур хабардор бўлмоқ зарур эди. Вера Алексеевна бу борада ҳам заифлардан эмаслигини исбот қилибди.

Шунча тайёргарликдан сўнг у ўн икки йил заҳмат чекиб, ниҳоят, улуг ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг сеvimли образини яратибдики, бу ижодий муваффақият билан адибани қутласак арзийди.

Вера Алексеевна улуг олим образини яратиш ниятида бўлгани сабабли романга жуда кўп илмий масалаларни олиб кирган, илмий асарларнинг мазмунини нақл этган, ёки олимларнинг илмий, фалсафий асарларидан парчалар келтирган.

Холбуки, бизнинг тилимизда кўп илмий, фалсафий терминлар йўқ. Ибн Сино ва ал-Беруний эса ўз асарларини араб тилида ёзган-

лар, улар ишлатган сўзлар ҳозир истеъмолдан чиқиб кетган. Нима қилиш керак? Нима қилганда ҳам асарда давр руҳи сезилиб туриши, ўша замон ҳиди анқиши лозим. Мана шу ният билан бирмунча эскирган илмий терминларни қайта тикладик, қавс орасида эса, ҳозирги замон илмий терминларини ҳам кўрсатиб бордик. Ана шу ишда самимий кўмаклашганлари, оқилона маслаҳат берганлари учун астроном Ғиёс Жалоловга, арабшунос олимларимиздан Убайдулла Каримов, Абдусодиқ Ириёевга, ёш файласуф Мубин Баратовга, врач Солиҳ Зокиров ва моҳир таржимон Миркарим Осим ўртоқларга чин қалбимиздан ташаккур айтамыз.

Таржимада имкон борича ўзимизни эркин тутдик. Китоб яна ҳам яхши, яна ҳам ўқимишли бўлсин деб, кераксиз тафсилотларни қисқартирдик, айрим ўринларни, яна ҳам мантиқийроқ бўлишини кўзда тутиб, ўзгартирдик. Шунга қарамай, асарнинг умумий руҳини тўла сақлашга ҳаракат қилдик. Зотан, бадиний таржимадан мурод — асар руҳини бера билишдир, таржима санъатининг ҳикмати ҳам мана шунда!



БУХОРО



1

V ч юз саксон биринчи ҳижрий йилида¹ тоғларга барвақт қор тушиб, мезон² оқшомлари одатдагидан совуқроқ бўлиб қолди.

Сабзавот ва замбар-замбар узум ортилган аравалар қишлоқдан чиқиб, тунги чўл оғушига киришлари билан аравада келаётган муҳтарам Абу Абдуллоҳ Нотили бу бемаҳал совуқни дарҳол пайқади. У турп, шолғом ва пиёздан иборат бу ноқулай, қаттиқ жойда ғужанак бўлиб ётиш учун бир ёнбошидан-иккинчи ёнбошига ҳўп ағанаб кўрди, охири чидолмай, катта қовунлар орасидан пайпаслаб хуржунини топди, хўрсиниб туриб ундан тўй-маъракаларда киядиган тўнини олди. Тўнни устига ёпгач, Нотилининг сўлгин, заиф бадани аста-секин исий бошлади.

«Кексайган сари руҳимиз ҳам заифлашиб, охири жисмимизнинг асири бўлиб қолади»,— ҳасрат-надомат билан

¹ 381 ҳижрий йили ҳозирги йил ҳисобимиз билан тахминан 990 йилга тўғри келади.

² М е з о н—сентябрь.

ўйлади қария ва тим қора осмонни тўлдириб турган юлдузларга юз ўгириб чалқанча ётди.

Оғлар тиззаларига қадар тупроққа ботиб, оҳиста қадам босарди. Туннинг вазмин сукунاتини чигирткаларнинг чириллаши-ю, гилдиракларнинг гижиллаши бузарди. Тўнтариб қўйилган тагсиз осмон гумбазида юлдузлар олтин киприкларини сезилар-сезилмас қимирлатиб қўярди.

Бундай кечаларнинг қанчадан-қанчаси Абу Абдуллоҳ хотирасида из қолдирган — уйқусиз, оч ўтган кечалар!..

У устоз бўлиш умидида бундай тунларнинг талайини мадрасанинг зах ҳужраларида, китобларнинг сарғайган саҳифаларини аранг ёритган шамнинг хира нурида мутолаа билан ўтказган эди. У китоб танламасди: табиёт ҳақидаги китобни тушириб, илоҳиёт ҳақидаги китобга ёпишар, ер жисмлари ҳақидаги китобни тугатган ҳамон осмон жисmlарига қизиқсинарди. Бинобарин, унинг муаллим-устоз бўлиш истагига ҳеч ким қарши чиқолмас эди, чунки у шарқ донишмандлигини бошқалардан кўра яхшироқ биларди. Бироқ, Нотили мўлжаллаган мансабни у қолиб, ичини ёрса алиф чиқмайдиган бир йигит — мударриснинг анқов жияни эгаллаб кетди.

Чол ўтмиш хотираларига фарқ бўлиб: «Бу мансабдан қуруқ қолишимга, эҳтимол, ўзимнинг соддадиллигим сабаб бўлгандир, чунки мен ҳеч қачон «ўзинг учун ўл етим» нақлига амал қилмаганман-да», — деб ўйларди.

«Банданинг боши — оллонинг тоши» дейдилар. Абу Абдуллоҳ шунча билими билан ҳаётда муносиб жой тополмай, ноилож, суриялик бир мунажжимга ёрдамчи бўлиб кирди. Икковлари инсон тақдири билан юлдузларнинг вазияти ўртасидаги умумий қонуниятни топиш ниятида тунларни омонатгина бир минора устида самога термулиб ўтказардилар. Бироқ юлдузлар, сайёралар, самовий жисmlарнинг ҳаракат доираси — ўн икки бурч ҳам сурияликни масхаралаб куларди. Юлдузлари давлат ва узоқ умр ваъда қилган одамлар, албатта, синиб хонавайрон бўлар ёхуд қўққисдан ўлиб қолардилар. Мунажжим эса ўз ёрдамчиси билан тунларни ёғоч расадхона (обсерватория) майдончасида тўнгғиб ўтказар, сирларини сир тутган сайёраларнинг улуғвор ҳаракатларини ҳормай-толмай ўкузатиб борарди. Мунажжим ҳамма нарсанинг оқибатини оллоҳнинг марҳаматига обориб боғлагани сабабли бу таълимот Абу Абдуллоҳга инсонларнинг тақдири ва коинотни идора қи-

лувчи қонуният нимадан иборат эканини ечиб олишига ёрдам қилмади.

Кўпгина кечалар диний ва илмий мунозаралар билан ўтди. У вақтларда Нотили ҳамма мунозараларга қизғин қатнашарди. Кейинча у бу ажойиб даврни қўмсаб, ҳаловат билан эслайдиган бўлди. Назарида у чоғларда ўзида теран фикрлар оқимини сезар ва ҳар қандай ҳаётий масалаларни ҳал этишга қодирдай кўринарди. Бу бахтли йиллар ҳаддан ташқари тез учиб ўтди! Унинг ўрнига юракни эзувчи танҳолик кунлари келди. Шўрлик чол бу танҳолик кезларини бадавлат одамлар учун китоб ва рисоаларни кўчириш билан ўтказар, шундан келган даромад билан кун кечирарди.

Яшириб ўтиришнинг нима ҳожати бор — Абу Абдуллоҳ ҳаётида қувноқ кечалар ҳам кам бўлмаган. У бундай кечаларни дўстлар даврасида, шароб ичиб, сархуш бўлиб, самимий суҳбатлар билан ўтказарди.

Қария, гўё тасбеҳ ўгиргандай, бу ширин хотираларни бирма-бир эслаб борарди. Кунлар — ғам, ташвиш ва алам билан ўтса, тунги соатлар ҳаминиша билим олиш ва орзу-умид онлари бўлиб қоларди. Нимасини ҳам айтасиз, бу хусусда ўйлашнинг ўзи оғир...

Абу Абдуллоҳ катта ер эгаларининг боғ уйларида, шаҳар савдогарларининг муҳташам ҳовлиларида уларнинг арзандагарига фалсафа, араб тили, қонуншуносликдан дарс бериб юриб, тўсатдан бу иссиқ жойни ташлаб кетган чоғлари кўп бўларди. Чунки малайларнинг бўҳтонлари, хизматкорларнинг чақимчилиги, зеҳнсиз, тарбиясиз эркатойларнинг нозу фироқлари жонга тегиб, тоқатни тоқ қиларди... Чол баъзан маошини ҳам олмай, яшаб турган жойини ташлаб, биринчи дуч келган аравадами, бировнинг туясидами, ёки қирчанғи эшакдами, гоҳ текис карвон йўли билан, гоҳ барханлар орасида аранг кўзга ташланувчи сўқмоқлар билан янги бошпана излаб, номаълум истиқболга қараб равона бўларди.

Йиллар ўтиши билан бундай сафарлар машаққатли бўла борди. Мана ҳозир ҳам Абу Абдуллоҳ қаттиқ, ноқулай сабзавотлар устида ҳилвирган қари жисмини қаёққа қўйишни билмай нолиш қилмоқда, ҳолбуки боёқиш қария шу аҳволда кўп фарсах¹ йўл юриши керак. Пиёзнинг қўланса

¹ Фарсах — узунлик ўлчови — от бир соат мобайнида юриши мумкин бўлган йўл; тахминан 6—8 километрик масофа.

ҳиди димоғни ёрар, қандайдир катта бир турп, бировнинг муштидай бўлиб, ўнг қовурғасига ботиб борарди. Ҳаёт ҳозир унга қувончсиз, шу совуқ эрта куз тунидай қоронғи бўлиб туюлди.

Абу Абдуллоҳ бу сафарни, охирги сафарим, деб ўйлашга мойил бўлса ҳам, қандайдир қора қайғу уни тобора чулғаб бормоқда эди. Уни энг кўп ташвишга солган нарса ўзининг қатъияти — Шарқнинг энг гўзал шаҳри, Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухороини шарифга боришга жазм этиши эди!

Дарҳақиқат, у нимасига ишониб йўлга тушди?

Чолнинг ҳамёнида бору йўғи йигирма дирҳамча¹ пулу аллақачонлар ёзилган учта тавсиянома бор эди, холос. Бундан ташқари, у фалсафий рисоалари шарофати билан пойтахт олимлари орасида қозонган шуҳратига ҳам бир даража умидвор бўлиши мумкин эди. Разм солиб кўрилса, шунинг ўзи ҳам чакки эмас. Чунки бир вақтлар у ҳаётга қуп-қуруқ қадам қўйган эди. Шуниси ҳам борки, у вақтда Нотили йигирма яшар навқирон йигит эди, шундан бери яна қирқ йил ўтди. Тўғри, бу орада у тажриба орттирди, билимига билим қўшилди. Ота-она ҳузуридан фақат етти дирҳам билан чиқиб кетганини эслаб, ҳамёнидаги пулини санаб кўрса, ҳозир уч барабар зиёд маблағи бор экан. Демак, ўлиб қоладиган ҳолда эмас. Мана шу ақидага келгач, чеҳрасидан ташвиш аломати йўқолиб, лабларида табассум пайдо бўлди.

«Тўғри айтади шоир,— ўйлади у,— «олимлик билан бойлик — атиргул билан наргисга ўхшайди, улар ҳеч қачон бир ерда ўсмайди, бир вақтда очилмайди». Илми бор одамнинг молу дунёси бўлмайди, молу дунёси бор одам — илмдан маҳрум бўлади...»

Шундай хаёллар билан чол ухлолмади. Фақат аҳён-аҳёнда мудрар, гафлатда қоларди. Ҳушёр тортгач, яна ўйга ботарди.

Бу орада юлдузлар ҳам сийракланиб, тонг ота бошлади. Аравакашлар Бухорога — улуғ Сомонийлар давлатининг пойтахтига яқинлашиб қолдилар.

Энди ёришаётган уфқда дастлаб нималиги номаълум, улкан қора нарса пайдо бўлди. Аравалар унга яқинлашган сари у мавзун шақлга кириб қад кўтарар, гўзаллашарди. Қирмизи тусга кирган осмон гумбази остида улуғ шаҳар

¹ Дирҳам—30-40 тийинга барабар кумуш танга.

деворининг кунгуралари кўриниб, Абу Абдуллоҳнинг юра-
гида ээгу бир ҳаяжон қўзғади.

«О, илмимизнинг ифтихори, илм-маърифат бешиги Бу-
хоро! Сени ҳам кўрар кун бўларкан-ку!»— деб фикран
хитоб қилди Нотили. У пойтахт мадҳида ёзилган бир
шеърни эслайман деб турганда шаҳар деворига яқиндай
туюлган мураббаъ бир бино диққатини жалб этди. Йўл
дастлаб баланд ва серсоя дарахтлар орасида қад кўтарган
бу бинони бир оз четлаб ўтса ҳам, қайрилишга борганда
унинг ёнгинасидан ўтарди. Шарқ меъморлик санъатининг
бу шоҳ асари чолни шў даража мафтун этдики, агар ара-
вакаш Шодру огоҳлантирмаганда, у шу анқайганича ўн-
қир-чўнқирларнинг бирида аравадан учиб кетарди.

— Мозори амир,— деди аравакашлардан бири.

Абу Абдуллоҳ бу мазор машҳур Исмоил Сомонийнинг
мақбараси эканлигини билди. У аравадан сакраб ерга туш-
ди-да, мақбарага қараб чопди. Чол титраган қўллари би-
лан бу гиштин иморатнинг деворларини ушлади, гиштлар-
ни силаб кўрди, бутун ғам-ташвишларини унутиб, ажойиб
меъморнинг бу мақбарани яратишдаги маҳоратига маҳлиё
бўлиб қолди. Чол бу маънавий ҳаловатдан мақбаранинг
ҳар бир гиштини ўпишга тайёрдай кўринарди.

Агар аравакаш Шодру қистамаганда, Нотили Сомо-
нийлар давлатининг улўғворлиги ва шуҳрати тимсоли бўл-
ган бу тарихий ёдгорлик олдидан ҳали-вери кетмасди.

Уз халқининг тарихи кўпдан буён унинг фикру зикри-
ни чулғаб олган эди. Мамлакатни араб халифаларининг
нонблари — Сафарийлар зулмидан халос этган Сомоний-
лар сулоласининг машҳур ҳукмдори Исмоил Сомонийнинг
ҳаёти ҳақида у жуда кўп ҳикоялар эшитган, кўп нарса
ўқиган эди. Бир вақтлар: «Мен ҳаёт эканман — Бухоро
қалъасининг девори мен ўзим» деб ғурур билан наъра
тортган бу ватан ҳомийси ҳақида Нотили кўп ривоятлар
биларди. У, қаҳрамон — эл муҳаббатига сазовор, деган
ақидада бўлгани сабабли, бу хил ривоятларга шак-шубҳа-
сиз ишонарди.

Нотили бундан бир неча йиллар муқаддам Бухоронинг
ҳозирги амири Нўҳ II усули идора тарихини ёза бошлаган
эди. Бироқ узоқ вилоятда туриб ўйланган асар учун зарур
маълумотлар топиш қийин. Унинг Бухорога жўнашига са-
баблардан бири ҳам шу. Мана ҳозир, узоқ, оғир сафари
охирига етиб, пойтахт деворларига яқинлашганда, Нотили,
Исмоилдан сўнг Сомон хонадонидан бахту иқбол юз ўғир-

ди, Нўҳ II ҳукмронлиги, бундан ўз тўрт йил муқаддам бошланганидек муваффақият билан тугайдими-йўқми, ким билади, деб ғамгин хаёлларга ғарқ бўла бошлади.

Сомонийлар давлати устида қора булутлар тўпланган эди. Шимоли-шарқ тарафдан унга кўчманчи турк қабила-лари — ўғузлар ва қорахонийлар тўхтовсиз ҳужум этардилар. Жанубда қудратли Ғазнавийлар давлати равнақ топиб борарди. Бир вақтлар Исмоил номидан ларзага келадиган деҳқонлар яна бош кўтардилар. Бағдод халифаларининг қутқуси билан мусулмон руҳонийлари яна хатарли тўрларини тўқишга киришди. Улуғ амир авлодлари мухташам сарой ва ҳарамларнинг нозик ҳаёт тарзига берилиб, ўз тақдирларини ва давлат муҳофазасини ким кўпроқ пул берса Бухорони ўшанга сотишга тайёр ёлланган турк ғуломлари тўдасига топшириб қўйдилар. Буларнинг бари-си бирор неклик-яхшилик нишонаси эмасди...

Нотили узоқ вақтлар қумсаб юрган Бухоройи шарифга кириб келаётганда мана шундай фикрлар гирдобиде эди.

Шаҳар дарвозасидан ўтгандан сўнг аравалар тор, эгрибугри йўлга кирди. Нотили пойтахт ғаройиботларидан бирор нарса кўздан қочмасин деб чор атрофга эътибор билан назар солиб борарди, бироқ бундай ғаройиботлар жуда оз эди. Орқаси кўчага қаратиб солинган иморатлар, гўё йўловчини икки томондан қисиб келгандай, кўнгилсиз таасурот қолдирарди. Йўл-йўлакай кўзга ташланган катта-кичик масжидлар олдида намозхонлар ва жулдур кийинган гадолар кўринарди. Бу манзарани кўриб, Абу Абдуллоҳнинг ҳафсаласи пир бўлди.

Чолнинг кўнглида кечган бу кайфият юзида ҳам акс этганини кўрган Шодру ўзини кулгидан тўхтатолмади.

— Кўриб турибман, ота, гўзал Бухоро сизга ёқмай турибди. Аммо сиз, бу шаҳарнинг бўлган-битгани шу, деб ўйламанг! Бу ер шаҳарнинг бир чети. Бу ерда ким яшайди? Дастмойси камроқ савдогарлар, косиблар ва камбағаллар. Шаҳристон, яъни шаҳримизнинг маркази бутунлай бошқа олам. Бундай гўзал жойни худонинг жаннатиде ҳам тополмайсиз! У ерда шундай хашаматли саройлар, хушманзара боғлар, нақшли, кунгурадор масжиду мадрасалар борки, одам қараб тўймайди! Хали бориб кўргандан кейин, ўзингиз ҳам, дунёда Бухородан гўзал шаҳар йўқ, дейсиз. Шаҳар четлари эса ҳамма жойда бир хил. Пойтахтдаги одамлар барвақт туришга одатланган, шекилли. Ҳар қадамда қоп, сават кўтарган йўловчига дуч

келасан. Хуржун, қоп, кажава ортилган эшаклар гизиллаб ўтиб туради. Қўй гўшти, кулоллик буюмлари, ўтин ва кўмир ортилган аравалар турна қатор бўлиб бозорга йўл олган. Баъзи четан боғланган араваларга гоз, ўрдагу товуқ ва товус каби уй қушлари ортилган. Аравалар шаҳарга кириб келди. Туячилар, аравакашларнинг: «Пўшт, пўшт!» деб ҳайқирришлари, новвойларнинг: «Иссиқ нон!», «Ширмойига келинг!», «Еғлик кулча!» деб бақирришлари, бозорчиларнинг ола-говури тобора авж олмоқда.

Рўпарадаги кўримсиз карвонсаройга кўзи тушган Абу Абдуллоҳ, Шодру билан хайрлашиш вақти келди, деб турганда, бирдан аравалар бошқа тарафга бурилиб, катта дарвозадан сабзавот ва мева бозорига кириб бордилар. Бу ерда мева ва сабзавот шу қадар кўп эдики, қараб кўз қамашарди.

Юм-юмалоқ бошига дўппи кийган, юзлари қизил, семиз бир одам аравалар олдига чопиб борди-да:

— Ҳасан, Азиз, Иброҳим!— деб қичқирди.— Юкларни дарҳол туширинглар. Узумни дўконга олиб кир! Қани бўла қолинглар, вақт ўтмасин!

Юкларни туширишга фармон берган киши сабзавот ва мева бозорининг корчалони Усмон эди. У хизматкорларини «Чаққон бўл!», «Нега анқайиб қолдинг?!» деб шошилтитар, ўзи эса шунча семизлигига қарамай, бу араванинг олдидан-у араванинг олдига чопиб борар, араваларнинг гупчагига чиқиб, меваю сабзавотларни кўздан кечирар эди.

Шу онда аравадан тушишга тараддуланиб турган чолни кўриб:

— Бу нимаси? Мен сенга шафтоли қоқи буюрмаган эдим-ку!— деди Усмон масхараомуз бир оҳангда аравакаш Шодруга.

Усмоннинг ҳазили ўзига таъсир қилиб, чунонам қаҳ-қаҳ уриб кулдики, Нотили бу беғубор хандани кўриб хафа ҳам бўлмади.

Чолнинг аравадан тушишига кўмаклашаётган Шодру ҳам Усмон бошлаган ҳазил оҳангида:

— Мен тақсиримни йўлда учратиб қолдим, ё мулла, ё мударрис бўлсалар керак. Бухорода ҳар матонинг бозори бор-ку деб олиб келавердим,— деб жавоб берди.

— Жуда яхши қилибсан!— деди Усмон ўнғайсизланиб, сўнгра одмигина кийинган бу мўйсафидга бошдан-оёқ разм солиб чиққач, ўринсиз ҳазил учун узр сўради.

— Танимасни сийламас, дейдилар. Уринсиз ҳазил учун уэр сўрайман, ота,— деди Усмон ёлворган синиқ оҳангда.

— Ҳеч бокиси йўқ, ўғлим,— Усмонга далда берди чол, лекин бу билан ҳам қаноатланмади, Бухорога келиб биринчи учратгани бу қувноқ, бетакаллуф одамни хижолатдан чиқариш учун ҳазил-кулгиларга шарҳ бера кетди:

— Кулги — руҳимизнинг гизоси, лекин бу маънавий озиқдан ҳамма ҳам баҳраманд бўлолмайди, табиати пок одамларгина сидқидилдан кула олади. Сиз шундай беғубор кулдингизки, мен хафа бўлиш у ёқда турсин ҳавасим келиб кетди.

Бу олижанобликдан Усмон тамом енгил тортиб, Нотилига отасига раҳми келган ўғилдай муомала қилди.

— Биз ҳозир юкларни тушириб саранжомлаймиз, ота, унгача сиз марҳамат қилиб, мана бу айвондаги палосда ўтириб дам олинг.

Абу Абдуллоҳ айвонга бориб, шолча устига солинган тўшакка ўтирди. Аравадаги юкларни бир неча дақиқада тушириб бўлдилар. Усмон деҳқонлар билан ҳисоб-китоб қилиб, тўғри Абу Абдуллоҳ ҳузурига келди.

Хўжайиннинг меҳмон олдига келиб ўтирганини кўрган Азиз дарҳол дастурхон ёзиб тўртта иссиқ нон, бир коса қаймоқ, писта, бодом ва чой келтириб қўйди. Нонушта асноси меҳмон билан мезбон яхшигина танишиб олишди.

Нотилининг: «Нотаниш мусофирга бунчалар илтифот қилаётган мезбоннинг кимлигини билсак бўладими?»— деган саволига Усмон шаҳар корчалонларига хос аниқлик билан:

— Мен бозорнинг оддий бир олиб сотариман; бу дунёга келиб ўрганган нарсам: олиш, сотиш ва санашдан иборат,— деб жавоб берди.

Аммо Усмоннинг ўзи узоқдан даромад қилиб, эҳтиёт-корлик билан саволлар бериб, нотаниш чол ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш ниятида эди. Мезбоннинг хоҳишини пайқаган чол ҳам шум толеидан ҳасрат, фалакнинг гардишидан шикоят қилиб, не муддао билан Бухорога келганини гапириб берди. Ўз даъволарини исбот қилиш учун ўзи ёзган фалсафий рисола, мўътабар зотлар ёзиб берган тавсияномаларни Усмонга кўрсатди.

— Хатлар, эҳтимол, бирор нарсага яраб қолар,— деди Усмон,— лекин уларга унчалик ишониб бўлмайди. Эшитишимга қараганда, сиз тавсиянома билан бориб учрашингиз лозим бўлган Аҳмад ибн Фадлан амирнинг назари-

дан қолиб, қаёққадир қочиб кетган, бошқалари тўғрисида менга ҳеч нарса маълум эмас. Борди-ю, буларнинг хонадонидан жой топилмаса, қайғуриб юрманг. Шу нарса хотирингизда бўлсинки, харидорларим, таниш-билишларим кўп, уларнинг ҳам болаларига мураббий, муаллим керак. Биз ҳаммамиз мусулмонлармиз, бир-биримизга¹ шифқат қилиб, ёрдам қўлини чўзишимиз даркор...— Усмон писта чақиб туриб сўзида давом этди.— Бухорода муносиб жой топиш мумкин, масалан, ҳозир ҳам катта бир саррофниқидида¹, кичикроқ бир савдогарнинг уйида мураббийлик ўрни бор. Лекин уларнинг болалари кўп, сиз қийналиб қоласиз. Учинчи, энг маъқули Абдуллоҳ ибн Сино хонадонидир. Унинг икки ўғли бор, лекин бир-биридан яхши болалар. Абдуллоҳ ибн Сино девонда² молия ишлари мутасаддийси.

— Абдуллоҳ ибн Сино,— ўйланиб такрорлади Нотили,— у балхлик эмасми? Агар янглишмасам йигирма йил муқаддам бир йигит билан танишлигим бор эдики, унинг ҳам номи шундай эди.

— Асли балхлик бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол у сизни танир.


— Агар хотиридан чиқмаган бўлса, таниши мумкин,— деди Нотили Бухорода ҳам эски қадрдони борлигидан қувониб.

Абу Абдуллоҳ гап орасида баъзи танишлари Исмоилия мазҳабида эканига ишора қилиб ўтди. Буни эшитган Усмон чолга алоҳида эътибор қилиб, Абу Абдуллоҳдек мўътабар олим унга меҳмон бўлиб, кулбасига ташриф буюрса бахтиёр бўлажагини айтди.

Бунчалар илтифотдан Нотилининг руҳи кўтарилгандек, қомати ҳам бир даража тикланди. У гўё мурувват этгандай Усмоннинг таклифини қабул қилди. Унинг назарида Бухоронинг қиёфаси яна бир карра ўзгарди: демак, Бухоро олимларнинг қадрига етадиган меҳмоннавоз шаҳар, аммо Нотили ҳаммадан аввал шаҳарни томоша қилмоқчи бўлди. Шунинг учун хуржунидан янги чопони билан тоза салласини олди. У тўнини кийиб салласини ўраб бўлувди-ямки, Усмон гап бошлади:

¹ Сарроф—пул майдаловчи. Катта саррофлар ҳозирги банкирларга ўхшайди.

² Девон—идора, муассаса ёки министрлик.



— Мен дўконга бораман, муҳтарам Абу Абдуллоҳ,— деди сабзавотфуруш,— агар шаҳарни томоша қилиб юриб адашгундай бўлсангиз, бозорни сўранг. У ерда сабзавотфуруш Усмоннинг дўконини ҳамма билади...

2

Меҳмондўст сабзавотфуруш дўконидан чиқиши билан Нотилини кўчадаги одам тўлқини оқизиб кетди. Бозорга қайси йўл билан борилади деб сўрашга ҳожат қолмади. Бозор уни ўз оғушига тортди, ундан қутулиш амри маҳол эди.

Бундай кенг, катта бозорни Нотили етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Балх, Марв, ҳатто Самарқанднинг гавжум, қизгин бозорларини бунга қиёс қилиб бўлмасди.

Ёнма-ён кетган сон-саноқсиз расталар бир-бирларини қисиб тургандай туюлар, уларга қўйилган моллар кўзни қамаштириб, харидорларни имлагандай бўларди. Пойабзаллар, газмоллар, тайёр кийимлар, бош кийимлари, мис идишлар, кулоллик буюмлари, анвойи ширинликлар, қурол-яроғлар, атриётлар, олтин, кумушдан ясалган безак асбоблари — ранг-барангликдан гангиб қолган Нотили тилсимотомуз бозорда нималарни кўрмади! Дўконлар орасида одам шу қадар кўп эдики, игна ташласанг ерга тушмасди. Одамларнинг ола-говури, чакана савдогарларнинг харидор чақириб ҳайқиришлари, эшакларнинг ҳанграши, халойиқ орасидан ҳайдаб ўтиладиган кечиккан қўй-эчкиларнинг маъраши, таомга солинадиган дориворларнинг иштаҳа қўзғовчи хушбўй ҳиди, кўча-кўйда қовуриладиган овқатлар — буларнинг ҳаммаси кекса олимнинг бошини шундай гангитган эдики, шўрлик чол бу сайрдан муроди сартарошхонага бориш эканини аранг эслади.

Сочини олдириб, соқол-мўйловини текислатган Нотили одам тўла бозорда қоқиниб, сурканиб юришни истамади. Агар бу сайру томоша яна давом этса, унинг намози чопони йиртилганидай, белбоғининг қатига қистириб олган ҳамёни ҳам эпчил кисавурнинг қўлига тушиши ҳеч гап эмасди. «Тиқилинч бозор ўғрига қўл келади» деб бекорга айтмаганлар-да.

Бинобарин, эҳтиёткор мўйсафид Бухоронинг маъмурий маркази — шаҳристонга қараб йўл олди.

Ўткинчилардан амир саройи ва масжиди жомега бора-

диган яқинроқ йўлни сўраб-суриштириб. Нотили ҳунармандларнинг бозорга туташган камодам маҳалласидан чиқиб қолди. Бу ерда ҳам савдо-сотик ишлари қизғин бўлиб, жимликдан шикоят қилишга ҳожат йўқ эди. Бироқ, бу — олиб сотарнинг ҳайқириғи, саррофнинг чақириғи, харидорларнинг савдолашиши, ўткинчи бекорхўжаларнинг бемаъни гап-сўзлари эмас, меҳнат жараёнининг табиий сас-садо-си эди. Чолни ҳеч ким шошилтирмас, ҳеч ким товонини босмас, аста қадам босиб моҳир ҳунармандларнинг ишларини кузатиб боришига ҳеч ким халақит бермасди.

Томоша қиладиган нарсалар бу ерда оз эмасди. Дурадгорлар тахтани ўйиб қизларнинг сочидай қовзоқ олсалар, мисгарлар босқоннинг ҳансираши, кўранинг ялиғи олдида бир маромда болға урарди. Устоз курсида ўтириб беқасам чопон тикканда, шогирдлари камбағаллар учун қалами ва маҳалла тўн тикардилар. Нотили ихтиёрсиз равишда заргар дўкони олдида тўхтаб, унинг ингичка кумуш толаларни бир-бирига улаб, енгил тўрга айлантиришига маҳлиё бўлиб қолди. Инсоннинг санъати чолни ҳамиша қувонтирарди. У фойдали ва нафис нарсаларни бунёдга келтирган моҳир қўлларга таажжуб ва эҳтиром билан қараб турарди.

«Наҳотки, — бирдан эслаб қолди чол. — Усмон айтган одам балхлик Абдуллоҳ ибн Сино бўлса? Агар ўша бўлса, жуда соз бўларди-я!»

Нотили ҳунармандлар маҳалласидан чиқаёзганда, эшиклари лағ очиб қўйилган тўқимачилик корхонасига кўзи тушди. Чол ичкарига кириб томоша қилиш иштиёқида эди. Бироқ остонадан ўтган ҳар бир кишини харидор гумон қилиб, бирор нарса олишга даъват қилаётганликларини кўргач, нарироқда тўхтаб қолди. Корхона ҳовлисига шу ерда тўқилган турли-туман газламалар осиб қўйилган бўлиб, уларга покиза кийинган семиз бир йигитча қараб турарди.

Бирорта аёл бу ердан тез ва бепарво ўтиб кетолмасди. Аммо бунинг сабаби хушбичим қоровул эмас, унинг тева-рак-атрофига ёйиб ташланган анвойи нафис газламалар эди. Бу ерда яқинроқ ипак матолар, шойи, беқасам тўнликлар, дарпардалар учун қалин шойилар, саллалик мисқолилар, чолворбоп рангдор мовутлар, жойнамоз гиламчалар, саройбоп катта гиламлар, зигирпоя ипидан тўқилган кўйлакбоп батистлар бор эди.

Тўғри, булардан ташқари жуда гўзал, аммо гоят қим-

мат зардўзи матолар ҳам турардики, бева-бечоралар уларга яқин ҳам келолмасди. Бундай молларни фақат бойлар ва мансабдорларгина харид қила олардилар. Аммо лекин булар шу қадар нафис эдики, эркак ва аёл йўловчилар уларга қараб, олишга кучлари етмаса ҳам, маҳлиё бўлиб қолардилар.

Бу матоларнинг харидорлари пиёда юрмас, эшик олдида ийманиб турмасдилар. Нотилининг кўз олдида одамлар орасидан уч сувори от чоптириб келди. Отларнинг тизгинини югуриб келган бир болага тутқазиб, бир нарсани гапириб, кулишиб корхонага киришди. Хомуш турган томошабинлар уларга синчковлик билан назар ташлардилар. Кимдир Бухородагина эмас, бошқа элларда ҳам машҳур амирлашқарнинг номини тилга олди.

— Айтишларига қараганда, Фоиқ жанобларининг ўғли уйланармиш.

— Бу бадавлат хонадон ҳар нарсани сотиб олишга қодир, — деди яна биров.

Абу Абдуллоҳ харид қилинган нарсаларга разм солиб, бошини қимирлатиб, йўлида давом этди.

Ўз ҳаёллари билан банд Нотили катта бир масжид олдида етганини сезмай қолди. Масжиднинг улуғвор ложувард гумбази бошқа иморатлардан анча юқори қад кўтариб, атрофга ҳайбат тўкиб турарди.

Абу Абдуллоҳ ўз умрида жуда кўп масжидларни кўрган, албатта. Аммо Бухоронинг Жомийи Калон масжидидек муҳташам бинони асло кўрган эмасди. Бу қадар гўзал, бунчалар муҳташам кошонанинг оддий ишчилар қўли билан бунёдга келганига ақл бовар қилмасди. Ойнадек сайқаланган мрамор, мовий ва яшил кошинлар, ичкаридан нур сочиб турган қордек оқ ганж ва заҳармуҳра бинонинг ички-ташқи деворларига зеб-зийнат бериб турарди. Нақшин токчалар, рангдор ғиштин устунлар кўтариб турган тақасимон арklar, мрамор устунлар, ўсимликларга қўшилиб кетган мураккаб чизиқлар, нозик нақшлар, девор бўйлаб кетган гуллар, зарҳал ёзувларга қараб кўз тўймасди. Жомийининг баланд гумбазига узун занжирлар билан осиб қўйилган қандилнинг белбоғлари олтиндан бўлиб, ўртасидан ўтказилган биллур тасма қандилнинг ҳуснига ҳусн қўшарди. Қиррали меҳробга ўймакорнинг шу қадар санъати сарф этилганки, у улкан асалари уясини эслатарди. Минбарнинг энсиз, кичик нарвони ўймакорлик билан ёнгоқ дарахтидан ясалганди.

Масжиднинг гўзаллигига маҳлиё бўлган Нотили кун ботгунча унинг ҳовли ва айвонларини, пештоқ, минора ва ҳужраларини томоша қилиб юрди. Муаззин шом намозига азон айтгандagina у бегона шаҳарда эканини эслаб, қоронғида эҳтимол меҳмондўст сабзавотфурушнинг ҳовлисини тополмасман, деб ўйлаб қолди. Уша онда Нотили яна кун бўйи ўзини таъқиб этиб юрган фикрга толди:

«Албатта, мен Абу Абдуллоҳ ибн Сино билан Балхда учрашганимга йигирма йилча бўлди. Бу орада у увалик-жувалик бўлиб қолган бўлса не ажаб? Вақт парвоздаги қушга ўхшайди. Ҳадегунча ўтади-кетади!..»

3

Абу Абдуллоҳ шаҳарни кеза-кеза Усмоннинг уйига қайтганида аламаҳал бўлган эди. Бу орада Усмоннинг ёр-дўстлари олим меҳмоннинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш иштиёқида тўпланиб, Нотилининг йўлига мунтазир бўлиб турган эдилар. Қош қорайганда бир боланинг имоси билан Усмон дарров ташқарига чиқиб, ҳориб-толиб келган мўйсафид олимни қарши олди:

— Сизни кута-кута кўзларим тўрт бўлди,— қувончини ичига сиғдиролмамай гапира кетди Усмон.— Ҳовлини тополмай овора бўласизми деб ташвишда эдим. Ҳар нучук топиб келибсиз, қани марҳамат, ичкарига ташриф буюрсинлар.

Усмон бу сўзларни шундай оҳангда айтдики, унинг самимийлигига шак-шубҳа қолмади. Бу меҳмоннавозлик, бу одамшавандаликни кўрган чолнинг руҳи кўтарилиб, ҳориб-толиб келганини унутди-да, дадил қадам босиб ичкарига кирди. Меҳмон остонадан ўтиши билан аҳли суҳбат «гур» этиб ўрнидан турди. Ҳаммалари кўришиб бўлгач, мўйсафид олимни эъзоз-икром билан тўрга таклиф қилишди.

Бухоролик меҳмонлар Нотилига диққат билан разм солиб чиқишди. Аммо мажлис ҳадеганда қизиб кетмади, меҳмонлар эҳтиёт билан, парғама қилиб гапиришдан нари ўтмасдилар. Ёнма-ён ўтирган икки савдогар, бир девоннинг кичик мансабдори ва маҳаллий саррофлардан бири Абу Абдуллоҳнинг қаердан келганини, қайси мазҳабга тобелигини билишга қизиқдилар. Шунингдек пойтахтдан олдин вилоятларга тарқалган бирор янгиликни биладими-йўқми деб ҳам сўраб кўрдилар.

Савдогарлардан бири Усмондан:

— Азиз меҳмонингизга Бухоро йўллари маъқул бўлибдими?— деб сўради.

— Бухороликларни кўришим билан йўл азобларини батамом унутиб юбордим,— жавоб берди Нотили эҳтиром билан таъзим қилиб.

— Бу йил Носафда узум жуда арзон дейишади,— деди савдогар суҳбатга жонлилик киритиш ниятида.— Агар савдогарларимиз узум савдосидан тузукроқ фойда кўрсалар Миср халифасига кўпроқ пул юборишга хасислик қилмасдилар...

— Рост, Мисрга кўпроқ пул юборилса арзийди. У ерда парвардигорга яқин кишилар ўтирибди,— уни қувватлади Усмон.

— Мисрликларнинг тақводорлиги ҳаммага аён!— хитоб этди Абу Абдуллоҳ.

«Бу одам шубҳасиз қарматий!¹— деб ўйлашди аҳли мажлис чолга диққат билан қараб.— Эҳтимол Мисрдан халифанинг махсус топшириғи билан келгандир».

— Афтидан Бухорода ҳам аҳли тавфиқ тобора кўпайиб бормоқда,— деб давом этди Абу Абдуллоҳ,— бундай нафис, бундай муҳташам масжидни бунёдга келтириш учун қанча донолик, қанча санъат керак!

— Ҳа, Бухоро масжидлари яхши,— маъқуллади Усмон,— аммо Мисрда, Фотимийларда бундан ҳам яхшилари борга ўхшайди...

Шу сўзларни айтиб, Усмон аҳли мажлисга голибона назар ташлади.

— Ишонч-имоннинг комиллигида Фотимийларга камдан-кам одам баравар кела олади,— деди Нотили.

«Қарматий! Бизнинг мазҳаб кишиси!— аҳли мажлис шоду хуррамлик билан шу ақидага келди.— Фотимийларни қарматийларгина бундай мақташи мумкин».

— Имоннинг комиллиги — инсоннинг энг яхши фазилати,— деб гап бошлади савдогар.— Бунинг улуғ намунасини худо раҳмат қилгур имом Исмоил², сўнграқ эса, Карбало шаҳидларидан Хусайн ибн Али кўрсатди.

— О, имом Исмоил!— хитоб қилди Нотили,— кимки мусулмони комил бўлса, бу зотни эзгу эҳтиром билан эслаши лозим.

¹ Қарматий — шийъий, яъни Исмоилия мазҳабига мансуб одам.

² Исмоилия мазҳабининг асосчиси.

— Оғайнилар, яқинда ҳаммамиз учун мотам куни — Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабининг шаҳид бўлганига элик йил тўлади,— деб мурожаат қилди сарроф Усмоннинг огоҳлантирувчи ҳаракатига эътибор қилмай.— Шу куни ҳаммамиз бизнинг масжидга йиғилиб, у зотнинг руҳи покларига дуою фотиҳа қилмоғимиз даркор...

— Тўғри, бу роса ярим аср муқаддам бўлган эди,— маъқуллади Нотили.— У вақтда кўпларингиз ҳали дунёга келмаган эдингиз, мен бўлсам ўшанда қуръонни ёд билардим. Барча мусулмонларнинг кўнгли қайғу билан тўлганди. У йилларда қанчадан-қанча ҳақиқат пешволари шафқатсиз жаллодлар қўлида ҳалок бўлишди. Нахшабининг қанчадан-қанча мазҳабдошлари сўйилди, бўғиб ўлдирилди! Қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлди! Мен бу даврни жуда яхши эслайман. Бутун мамлакат оҳу фиғонга тўлганди! Одамлар яширинар, қочар, уй-жойларини, дўкон ва корхоналарини ташлаб кетардилар. Уларни таъқиб этишар, тутиб қийнашар, ўлдираар эдилар. Мен гарчи у вақтда ёш бўлсам ҳам, бу даҳшатли ҳодисани сира унутолмайман.

Шу сўзлардан кейин меҳмонлар Нотилига зўр эътибор билан қарай бошладилар. Энди янги меҳмон ўзларининг ҳамфикрлари эканига аҳли суҳбатнинг шак-шубҳаси қолмади. Усмоннинг кайфи чоғ эди. Ниҳоят чол ҳайиқмай юрагида борини айтди-қўйди. Сабзавотфуруш Абу Абдуллоҳ сиймосида қарматийни топиб уйига таклиф қилганидан хушнуд эди. Агар бу кекса олим Фотимийлар юборган вакил бўлиб чиқса Усмон яна ҳам бахтиёр бўларди.

Усмоннинг дўстлари чолни ўз мазҳабдошлари деб билгандан сўнг суҳбат қизғин, жонли тус олди.

Суҳбат қизиби турганда меҳмонхонага янги меҳмон кириб келди. Мезбон бу одамнинг келишини тоқатсизлик билан кутаётган эди.

Меҳмон таъзим қилиб, лекин бир даража виқор билан: — Ассалому алайкум! — деб меҳмонхонага кирди.

Меҳмонни кўрган ҳамон Нотили ҳаяжонлана бошлади. Бу бир вақтлар Балхда бир муҳтасибнинг¹ илмий суҳбатларига қатнашиб юрган йигит эди. У вақтда ўн саккиз яшар, камтар, хушназокат бу йигит энди улғайиб, салобат касб этган бўлса ҳам, юзлари унча ўзгармабди. У илгари ҳам шундай чиройли эди, илгари ҳам тим қора кўзлари

¹ М у х т а с и б — шаҳардаги савдо-сотик ишларини текширив юривчи амалдор.

чақнар, оппоқ тишлари ялтираб ўзига ярашарди, ёши ҳақида эса, онда-сонда оқ аралашган малла ранг соқоли гувоҳлик бериб турарди.

«Мени танирмикан?— бесаранжомлик билан ўйларди Абу Абдуллоҳ.— Кўриниб турибди, энди бу катта одам. Менга ўхшаш дарбадар муаллимни у қаёқдан эсласин!» Нотили бу учрашиш ўзи учун катта аҳамиятга эга эканини яхши ҳис этди.

— Биз ғоят хушнудмиз, муҳтарам Абдуллоҳ,— деди Усмон янги меҳмонга мурожаат қилиб.— Сизнинг ташрифингиз бизнинг хонадон учун катта шараф, албатта! Ўтирганларга бир назар солиб чиқинг. Эҳтимол орамиздан эски қадрдонингиз чиқиб қолар. Аммо сиз у кишини танирми-кансиз?

Абдуллоҳ ибн Сино ўтирганларга эътибор билан қараб, навбат Абу Абдуллоҳга келганда тикилиб қолди. Бирдан юзларида меҳрибонлик нури порлади.

Чол қариллик туфайли оқ юпқа парда қоплаган кўзларини катта-катта очиб қарар, кичкина чўққи соқоли эса ҳаяжондан қалтирарди.

Абдуллоҳ қучоқ очиб, ўша томонга юрди.

— Абу Абдуллоҳ Нотили каби ажойиб олимни унутшим мумкинми!— нидо солди у чолни бағрига босиб.— У Балх шаҳрининг тонг юлдузи эди! Азиз меҳмонимиз мени унутмаган бўлсалар, буни ўзим учун зўр шараф деб билман!

Чол эски қадрдонини маҳкам қучоқлаб, камоли қувонганидан йиғлаб юборишига оз қолди.

Абдуллоҳ каби мўътабар бир кимсанинг Нотилига бунчалар эъзоз-икром, бу қадар меҳрибонлик кўрсатиши аҳли мажлис қошида унинг эътиборини яна ҳам оширди. Ўз қадр қиммати тан олинганидан севинган Абу Абдуллоҳ эса тамом ёзилиб, дарбадарликда кўрган-кечирганларини, эшитганларини, қарматийларга тааллуқли гапларни иштиёқ билан нақл этиб берди. У айтган гапларнинг талай қисми пойтахтдаги маслакдошлари учун тамом янгилик эди. Усмон бўлса, меҳмондорчиликнинг бундай файзли бўлганидан қувониб, тез-тез қўлларини бир-бирига ишқаб оларди.

Энди меҳмонларнинг энг бадгумони ҳам бегоналар олдида миқ этиб бўлмайдиган масалалар ҳақида ёзилиб гапира бошладилар.

Мамлакатдаги кескин аҳвол ҳаммани, айниқса, савдо-

тижорат аҳлини ташвишга соларди. Қўшнисидан кўпроқ билиш — кўпроқ фойда қилиш демак эди. Абдуллоҳ каби девонларда ва амир саройида танишлари бўлган нуфузли мансабдорнинг меҳмонлар орасида пайдо бўлиши суҳбат мавзуини қарматийлар ҳаракатидан кундалик воқеалар мавзуига кўчиришга сабаб бўлди.

— Қани гапиринг, гапиринг, муҳтарам Абдуллоҳ!— деб илтижо қилди Усмонга қўшни савдогар.— Бозор мишмишларга тўла, аммо нимани кутиш, нимадан хавфсирашни ҳеч ким билмайди. Бизнинг улуғ ҳукмдоримиз Нўҳ ибн Мансур яна юриш бошлагани ростми?

Абдуллоҳ бош қимирлатиб рад этса ҳам, кулимсираб бутунлай бошқача жавоб берди:

— Ундай эмас, яхшилар! Амир сўнгги вақтларда шаҳар ташқарисидаги боғда вақти чоғлиқ қилиб, ҳозир овга чиққанлар. Ҳар нечук бизнинг девонда шундай дейишади.

— Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўз кишиларимиз, муҳтарам Абдуллоҳ. Бинобарин, сиз ҳеч кимдан ҳайиқмай, ҳақиқатни айтишингиз мумкин.

— Бу ҳақиқат сизларга аччиқ туюлади деб қўрқаман,— деди Абдуллоҳ овозини пасайтириб.— Буғраҳон¹ Бухорога қарши урушга тайёрланмоқда. Қорахонийлар Етгисув ва Қашқарни забт этиш билан қаноатланмай, Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилмоқчилар. Чўл қўзғалмоқда. Айроқчиларимизнинг хабарларига қараганда, ҳамма кўчманчи қабилалар ошиғич равишда Буғраҳонга қуроли қисмлар юбормоқдалар. Бизнинг карвонлар эндиликда Шарққа сафар қилишга ботинмай қолдилар. Ҳукмдор ташвишга тушиб, қўшиннинг аҳволи билан шахсан ўзлари танишмоқчи бўлдилар.

— Наҳотки Абу Али Симжурий² амирни бесаранжом қилмай, Буғраҳоннинг адабини беролмаса?

— Абу Али Симжурий нимани қила олади-ю, нимани қилолмаслигини ким билади,— жумбоқона жавоб берди Абдуллоҳ,— Буғраҳоннинг қўшини озмунча эмас...

— Бизнинг қўшинимиз ҳам озмунча эмас-ку,— деди савдогарлардан бири,— биз қўшин таъминоти учун шу қадар кўп пул тўлаб турибмизки, хонавайрон бўлишимизга оз қолди.

¹ Буғраҳон—Қорахонийларнинг саркардаси.

² Сомонийлар қўл остидаги Хуросоннинг ҳокими.

— Бизнинг қўшинимиз яхши, аммо амир лашкарларимиз ишончли одамлар эмас.

— Гапингиз тўғри! Ҳеч ерда ҳожиблар¹ орасидагидек хоинлик ва сотқинлик йўқ. Биз савдогарларни очкўз, фойда учун ҳар нарсага ҳозир деб сўкишади. Агар бизни Симжурий ва Фоиқлар билан таққос қилишса, биз авлиё бўлиб қоламиз. Амир улардан на олтин, на еру сувни аяйди. Ҳолбуки, улар амирни бир дирҳам ортиқ берган кимсага сотишга тайёр. Бутун бало шундаки, бизнинг ҳукмдор ҳаддан ташқари олижаноб ва соддадил. Ахир она ватан ҳимоясини фақат ёлланган одамлар қўлига топшириш мумкинми?

— Тўғри,— деди ўйчанлик билан Абдуллоҳ,— амир муҳофизларининг ўз қабиладошларига қарши жанг қилиши даргумон. Шундай бўлгач, эгасиз қиличдан нима фойда? Бундай қўшин билан ғайри динларга қарши жанг қилиш осонроқ. Пайғамбарнинг ўзи кофирларга қарши жанг қилишни маслаҳат беради.

Меҳмонларнинг суҳбати ярим кечагача чўзилди.

Нотили жонланиб, Абдуллоҳ билан Балхнинг қувноқ кечаларини эслади. Буғраҳоннинг юриши, Фоиқнинг ўғил уйлантириши, Бухорога янги муфти тайинланиши ҳақида бир неча оқилона фикрлар айтиб, шунингдек, Абдуллоҳга ҳам маълум балхлик бир шоирнинг шеърларини ўқиб ҳамани қойил қолдирди.

Суҳбат охирида Абдуллоҳ Нотилининг ёнига ўтиб ўтирди.

— Илгаригидек бизнинг мазҳабга содиқ қолганингиздан беҳад хурсандман, азиз дўстим,— деди у чолга.— Бу ҳол сизга муҳим бир илтимос билан мурожаат қилишимга имкон беради. Усмоннинг айтишига қараганда, чуқур билимингиздан ёшларни баҳраманд этишга қарши эмасмишсиз... Ундай бўлса менинг хонадонимни бахтиёр қилмайсизми? Агар, ҳозир бундан юксак ниятларингиз бўлмаса, менинг болаларим тарбиясини ўз қўлингизга олсангиз. Мен уларни қарматий тарбиялашини истардим. Шундай экан, сиздан кўра муносиброқ мураббийни топишим қийин. Мен бу борада қарздор бўлиб қолмайман. Эски қадрдонлик ҳурмати менга кўрсатилган шарафни асло унутмайман.

¹ Ҳожиб — ҳарбий бошлиқ, лашкарбоши.

Қуёш бутун шаҳарга, унинг саройларию кулбаларига, масжиду мадрасаларига, бозору майдонларига бир текисда нур тўкарди; офтоб нуридан ариқдаги сув заррин тусга кириб, тор кўчалар ҳам жазирамага айланган. Бу вақтда иссиққа чидолмай одамларнинг мажоли қурийди. Қиёмга бориб ҳунармандлар маҳалласи тинчиб қолди. Иши у қадар шошилинич бўлмаган одамлар соя-салқин жойларда дам олишга ошиқардилар. Мисгарлар тарақ-туруқ қилиб қўшниларини безовта қилмайдилар. Дурадгорлар тешаю арраларини йиғиштириб қўйишади, зардўзлар ва бошқа кийим-кечак усталари чала тикилган нарсаларига бош қўйиб, пинакка кетадилар. Уйқусираган дўкондорлар ҳам, ҳозир харидор келмайди, деб эшикларини ёпиб қўйишган. Чошгоҳнинг жазирама офтоби одамларнинг тинкасини қуритиб, лоҳас қилиб, ҳаммани уйқу босарди. Бундай пайтларда биров ошхонада, биров чойхонага кириб жон асрар, пулсиз камбағаллар эса девор ва дарахтларнинг соясида, ерда ястаниб ётишарди.

Аммо Бухоронинг ҳамма ерида ҳам ҳаёт тўхтади деб бўлмасди. Бозорга яқин маҳалланинг баланд пахса девори орқасидан одамларнинг овози эшитилиб турарди. Бу ҳовлининг ҳашаматли эшигини очган киши, бир неча қадам юргач, жаннатнинг бир бурчидан чиқиб қолгандай бўлади. Азим қайрағоч дарахти бутун ҳовлига соя солиб, унинг қуюқ япроқлари орасидан тушиб турган қуёш нурлари ҳовлининг тош пилталари устига сочиб қўйилган тилло тангаларга ўшарди. Кичкина фавворадан отилиб чиққан сув, унинг шариллаб мармар ҳовузчага тушишидан пайдо бўлган кумуш зарраларда Ҳасан-Ҳусайн камалаги намоён бўларди. Дарахт остидаги супага катта гилам тўшалган, атрофга шойи якандозлар ёзилиб, юмшоқ парқулар қўйилган. Ана шу супада парқуга суяниб бир чолу тўққиз ва ўн бир ёшлардаги икки бола ўтирарди. Булар — Абдуллоҳ ибн Синонинг болалари: тўққиз ёшли Маҳмуд ва ўн бир яшар Ҳусайн бўлиб, улар билан ўтирган қария устозлари — бизга таниш Абдуллоҳ Нотили эди.

Ҳаво ҳатто шундай соя-салқин жойда ҳам иссиқ. Муаллим Нотилини уйқу элтарди. Агар унинг ўзига қўйиб берилса, тирсаги остидаги юмшоқ ёстиққа бош қўйиб, бирор соат мизғиб олган бўларди. Бироқ Ҳусайн кетма-кет саволлар билан уни ҳоли-жонига қўймайди, Нотили ўз

этиборини сақлаш учун бу сўроқларга қандайдир жавоб қайтариши зарур. Бола эса, етти ухлаб тушинга кирмаган нарсалар билан қизиқади, ҳамма нарсани билгиси келади. Чунончи, нега фавворанинг суви ағдариб қўйилган кўзанинг сувидек пастга эмас, юқорига қараб отилади, нега қуёш ёзда барвақт, кузда кеч чиқади, бошқа мамлакатларда қандай ўсимликлар бор, шунга ўхшаш сон-саноқсиз саволларки; буларнинг баъзилари Абу Абдуллоҳнинг ўзига ҳам маълум эмас. Чол тез-тез эснар, ухлаб қолмай деб ҳаракат қиларди, уйқусираб боланинг саволларига ноҳўя жавоблар қайтарарди. У ўзини тетикликка олса ҳам, барибир боланинг сон-саноқсиз сўроқларига ҳамиша ҳам тўғри жавоб қайтаролмасди. Яхшиямки, худо бор. Чол оғир вазиятда қолганда парвардигори оламга ҳавола қилиб, буни худо билади, деб қўя қоларди. Бутун бало шундаки, бундай жавоблар синчков Ҳусайини қаноатлантирмас эди. Шунга қарамай, у чолни бир-биридан чигал саволлар билан кўмиб ташларди.

5

Абдуллоҳ ўз ҳовлисига кириб келганда болалари ҳам, муаллим Нотили ҳам супада ухлаб қолган эдилар. Абдуллоҳ оҳистагина болалари ёнига чўкка тушди. Отасининг шарпасини эшитиб дастлаб Маҳмуд уйғонди. Ҳусайннинг уйғониши қийин эди. Чунки у тун бўйи ўсимликлар ҳақидаги янги китобдан бош кўтармади. Шунга қарамай, ота овозини эшитиб Ҳусайн ҳам кўзларини очди. Ота кулар, болаларининг елкаларига қоқиб эркалатарди. Нимадандир хурсанд эди у. Ишлари ўнгидан келган кўринади. Худди шундай онларда у болаларини эркалатгани, улар билан ўйнагани келарди. У аҳён-аҳёндагина болалари билан ўйнашга вақт ажрата оларди. Абдуллоҳ кенг пешонали, қирра бурун, сарвқомат киши бўлиб, чиройли сарғиш соқоли, лаби устидаги холи ўзига ярашиб турарди. Устидаги астар-авра жигар ранг зардўзи тўннинг узун енглари қайтарилган эди. Абдуллоҳ кекса муаллимнинг уйқусини бузмаслик учун пичирлаб гапирарди. Охири ўрнидан турди. Дарҳақиқат, унинг ишлари бошидан ошиб ётган эди. Кетиш олдида катта ўғлига қараб деди:

— Ҳусайн, бугун уйга меҳмон келади. Улар илму фандан хабардор кишилар, суҳбатларига ҳозир бўл, ўғ-

лим. Тағин уялиб қолмайлик. Бугун сен учун бирнави имтиҳон бўлади!

Бола ифтихор ва эҳтиром ҳисси билан отасининг орқасидан кузатиб қолди: у қандай келишган, қандай ақлли ва қувноқ одам. Уни мулоҳазакорлиги, олижаноблиги ва муруватпарварлиги учун ҳамма ҳам ҳурмат қилади. Шундай одамнинг боласи бўлиш қандай яхши-я!

Абдуллоҳ ибн Синонинг Бухорога келиб қолганига унча ҳам кўп бўлгани йўқ. Ҳозир болалари кўриб турган осуда, фаровон ҳаёт ҳам бу даргоҳда бирдан пайдо бўлмаган. У жуда ёшлигидан молия назоратида ишлади. Туя миниб у кириб-чиқмаган кўча-кўй қолмаган. Орқасидан қарғаб қолган бева-бечоралар ҳам оз бўлмаган, албатта. Кўп йиллик меҳнати, ғайрати ва иш билармандлиги туфайли уни пойтахтга олиб келдилар. Ҳозир унинг қўл остидаги ўнлаб кичик мансабдорлар амир хазинаси асло камаймасин, сарой аёнларининг кайфу сафоси бузилмасин, турк ёлланма аскарлари вақтида маош олсин деб Ўрта Осиёнинг бепоён шаҳру қишлоқларини кезиб солиқ тўлардилар.

Ҳозир Абдуллоҳ ибн Сино нуфузли мансабдор, у билан дўстлашишни ўз ҳамкорларигина эмас, савдогарлар, олимлар, ҳатто кичикроқ сарой аёнлари ҳам орзу қилишарди. Унинг ҳамёнига пул тушгандан буён ўзининг эски мўътабар хонадонга мансуб эканини унутмас, дастурхони ҳамини очиқ бўлиб, чақирилган ва ўзлари келган меҳмонларни бир хилда қувониб кутарди. Ҳеч жойда Абдуллоҳ ибн Сино уйдагидек қизиқ суҳбатлар, қизгин мунозаралар, хушбўй маю дид билан тайёрланган газак бўлмасди.

Каҳрабо рангли бу хушбўй май Афшана атрофидан, рафиқаси Ситорабону¹нинг боғларидан келтириларди.

6

Ҳовли саҳнига ётқизилган мрамор лавҳалар устига кечки соя ястаниб олди. Хизматкорлар тараддудда: бири шамдонларни осиш учун дарахтдан-дарахтга арқон тортса, бошқалари чойнак-пиёла, коса ва товоқлар таширди. Ҳовлининг бир четидаги қозонда қобили шўрва мил-миллаб қайнар, сал нарироқдаги кўрада жайдари кўмир қип-қизил

¹ С и т о р а—юлдуз демак; тожикларда аёл исми.

чўғ бўлиб, оила пазандаси Аҳмад сихларга битта гўшт, битта ёғ ўтказиб, кабоб пиширишга тайёрланарди.

Қош қорайгач, ҳовли мутасаддийси Абулқосим шамдонларни ёқиб юборди. Олдини атиргуллар қоплаб олган айвонга гилам солиниб, чор атрофга баҳмал, шоҳи яқандозлар тўшалди, парқулар қўйилди. Ёнма-ён қўйилган икки хонтахтага дастурхон ёзилиб, анвойи нозу неъматлар тортилди. Айвон яна гўзаллашган, шоҳона дастурхон меҳмонларга мунтазир эди. Айвон қандай безалгани, дастурхон қандай тузалганини кўздан кечириш учун Абдуллоҳ ибн Синонинг соҳибжамол хотини Ситорабону чиқиб келди. Унинг ёнгинасида акаси Ҳусайнга жуда ҳам ўхшаб тушган уч яшар Гулнора билан мураббия Софиатнинг мовий кўзли қизчаси Марям пайдо бўлишди. Қўғирчоқдек кийинган қизчалар одоб билан болаларга салом қилишса ҳам кўзларида шўхлик, ўйинқароқлик учқунлари порларди. Она Ҳусайн билан Маҳмуднинг бошларини силаб эркалатди.

— Ҳақиқий юлдуз! — шивирлади Ҳусайн укасига, онасининг қимматбаҳо либосларига маҳлиё бўлиб. У онасининг зардўзи кимхоб кўйлаги, ҳарир ипак рўмолидан кўз узолмасди. Ситорабону кулимсираб юриб, уй бекасининг кўзи билан тайёрлик ишларига назар солди, жой шинам, ҳамма нарса муҳайё эканидан қаноатланиб, ичкарига кириб кетди. У ичкарига қараб юрганда ҳовлию айвонда мушку анбар ҳидлари таралди.

Созандалар аллақачон келишган, улар қайрағоч остидаги супада ўтириб олиб, астагина асбобларини созлардилар. Меҳмонлар келадиган вақт бўлиб қолди. Мезбон тоза сарполар кийиб, қўлида қаҳрабо тасбеҳ билан айвонга чиқди. У меҳмонларга таъзим этиб, уларни эъвоз-икром билан қарши оларди.

Меҳмонлар орасида мансабдорлар, Абдуллоҳнинг ҳамкорлари, Бухоронинг иккита машҳур уламози, ҳамиша қувноқ сарой шоири Фируз бор эди. У сира наср билан гапирмас, мудом ўз фикрини назм билан ифода этар, агар ўз ғазалу қасидалари етмаса, жон деб Ҳусайн севган машҳур тожик шоирлари Рудакийнинг ғазаллари-ю, Дақиқийнинг дostonидан парчалар ўқиб кетарди. Ҳусайн уни севарди. Фируз биринчи бўлиб болани ўз ватанининг улуғ шоирлари билан таништирди ва ҳар вақт гап орасида, улар ўз асарларини бегона — араб тилида эмас, ўз она тилида, тожик тилида ёзганларини таъкидлаб қўярди.

Шоирдан сўнг сарой риёзиюни¹ Еқуб ибн Лахия кириб келди. Камоли семизликдан ҳарсиллаб қолган бу серхар-хаша одам ҳамиша, ҳар нарсадан ўян топиб пўнғиллаб юарди. Бу одам ўзини хушчақчақ, мажлисаро қилиб кўрсатишга уринса ҳам, асли табиати тунд эди. Бинобарин, Маҳмуд билан Ҳусайн уни хуш кўрмас эдилар.

Охирида энг мўтабар меҳмонлар келишди. Булар яқинда Бухорога келган икки хоразмлик — Мақсуд ва Адиб эди. Буларга ҳатто Бухоро ҳукмдори Нўҳ ибн Мансур ҳам зўр мурувват кўрсатарди. Булар иккиси яқинда Ғарбга бориб келганлар. Уларнинг бу хусусдаги ҳикоялари кўпни кўрган одамларни ҳам ҳайратда қолдирарди. Абдуллоҳ ибн Синонинг буларни таклиф этишдан муроди дўстларини, шунингдек, ўғли Ҳусайнни улар суҳбатидан баҳраманд қилиш эди.

Қиёмига келтириб пиширилган кобили шўрва, пайдарпай келиб турган иссиқ, хушбўй кабоб, афшананинг қаҳрабо рангли кўҳна шароби, мезбоннинг илиқ сўзлар билан қайта-қайта таомга таклиф этиши меҳмонларнинг кайфини чоғ қилиб, мажлисга руҳ киритди, суҳбат қизиби кетди.

— Рус эли биздан жуда йироқда,— деб нақл эта кетди хоразмлик Мақсуд.— Хоразмдан у тарафга кўпдан бери карвонлар бориб туради. Аммо ҳар қандай савдогар ҳам бундай узоқ ва хатарли сафарга чиқишга жасорат қила бермайди. Биз Адиб билан узоқ вақт бу ишга журъат этолмай юрдик, аммо бизларга рус эли ҳақида шундай ғаройиботларни гапиришди, бир марта бориб келганлар шундай бойиб кетишдики, буларни кўриб туриб бормаслик гуноҳ бўларди.

Мақсудга чой узатишди. У ҳузур қилиб бир-икки хўплагандан сўнг қиссагўйликда давом этди:

— Этил дарёси бўйида қад кўтарган Булғор шаҳрига-ча йўл жуда яхши; ҳар жой-ҳар жойда қудуқлар қазилиб, карвонсаройлар қурилган. Боришда ҳеч қандай хавф-хатар кўрмадик. Булғор шаҳрида эса бизнинг хоразмликлар жуда кўп экан. У ердаги ҳамма нарса: савдогарлар ҳам, мулалар ҳам, мол-дунё ҳам — бари Хоразмдан борган.

Мезбон Мақсудни таомга таклиф қилишидан фойдаланиб, ҳикояни Адиб давом эттирди:

¹ Р и ё з и ё т—математика; риёзиюн—математик.

— Булғор подшолигидан сўнг Этил дарёсининг нариги томонида юриш анча қийинлашди. Аввал биз онда-сонда кўчманчилар кўринган бепоён биёбонга кириб бордик. Кейин шундай қуюқ ўрмонлар орасидан юришга тўғри келдики, бунақасини ҳеч бир мусулмон кўрган эмас. Урмон ёввойи ҳайвонлар билан тўла. Иккита тажрибали йўлбошчи ака-ука славьянлар бўлмаганда, йиртқичларга ем бўлиш ҳеч гап эмасди. Тўғри, бизнинг карвон кичик эмас: минглаб туя, юзлаб соқчиларимиз бор эди.

Бу карвон ўн беш савдогарники эди. Мақсуд иккимиз ҳам баъзи нарсалар олган бўлсак-да, асл ниятимиз Хоразмда Бағдод савдогарлари тарқатган бир миш-мишни, яъни Киев ҳукмдори Владимирнинг мусулмонликни қабул қилгани ростми-ёлғонми эканини аниқлаш эди. Агар бу овоза тўғри чиққан тақдирда ҳукмдорга ҳадя қилиш учун хоразмшоҳ бизга машҳур хаттот Асад Бағдодий кўчирган қуръоннинг нодир нусхасини берган эдилар. Бу қуръонни бебаҳо деса бўлади! Унинг фақат муқоваси беш минг дирҳам туради.

— Дунёнинг нариги четида яшаган қандайдир бир ҳукмдорга, ҳатто у мусулмонликни қабул қилган тақдирда ҳам, шундай қимматбаҳо нарсани совға қилиш нима зарур экан?— сўради мансабдорлардан бири.

— Қуръондан ташқари биз савдо шартномаси ҳам олиб борган эдик,— тушунтирди Мақсуд,— бундан келадиган фойда қуръоннинг қимматидан кўп даража ортиб кетарди. Бироқ, қуръонни ҳукмдорга тақдим қилишга тўғри келмади. Маълум бўлдики, у мусулмон динини эмас, бутун халқи билан насроний динини¹ қабул қилибди. Рум руҳонийлари минглаб киевликларни Днепр дарёсида чўмилтириб, уларнинг бошларида олтин хожларини қимирлатиб, қандайдир юнонча ашулаларни жамоат бўлиб айтганларини ўз кўзимиз билан кўрдик.

— Насроний динини?— бир овозда ғазаб билан нидо солди икки уламо.— Киев ҳукмдорига бунчалар ҳақир диннинг нима зарурати бор экан? У қулларимиз дини-ку!

— Бутун Ғарб ўлкаларида насроний дини қабул қилинган,— изоҳ берди Адиб,— Киев Шарқдан кўра Ғарбга яқинроқ, жаноблар.

— Ҳукмдор Владимирнинг ўзи, унинг мамлакати ва

¹ Насроний дини — христиан дини.

рус элининг пойтахти ҳақида нима фикрдасиз?— деб гапни бўлди Абдуллоҳ, диний руҳдаги суҳбат низога олиб бормаган деган андиша билан.

Адиб билан Мақсуд бир-бирига навбат бермай ҳукмдор Владимир, рус эли ва Киев шаҳри ҳақида сўзлаб кетдилар. Уларнинг сўзларига қараганда рус ҳукмдори қудратли ҳукмдор. Жуда кўп халқлар унинг қаламравида бўлиб, Днепр дарёсидан шимол, ғарб ва шарққа қараб узоқ-узоқларга ёйилиб кетган мамлакатнинг чегараси қаерда эканини аниқлаш амри маҳолдир. Унинг салафлари узоқ Румгача ҳарбий юришлар қилганлар, юнонларнинг жангари лашкарбошилари ҳам, киевликлар ўз кемаларини денгизга қаратибди, деган овозадан ларзага келганлар. Киев ери бой, серҳосил, аҳолиси хушмуомала, оқ кўнгил, аммо ўз гапларини ўтказа оладиган кишилар. Ҳазарлар ва бажанақлар (печенеглар) улардан қўрқади. Киев катта савдо-тижорат шаҳри. Тўғри, у ерда Бухоро, Қиёт ва Бағдоддаги сингари масжид ва саройлар йўқ, аммо аҳолиси тўқ, фаровон ҳаёт кечиради. У ерга Юнонистон ва бошқа ажнабий ўлкалардан жуда кўп савдогарлар келиб туради. Савдогарларнинг обрўи катта. Уларга ҳукмдор ҳузурига киришга ҳам рухсат берилади, байрамларда ҳукмдор саройида зиёфатда бўладилар. Бунинг учун, албатта, сен кичик баққол эмас, катта савдогар бўлишинг лозим.

— Киев ўзи қанақа шаҳар?— ийманибгина сўради отасининг ёнида ўтирган Ҳусайн.

Адиб мамнуният билан болага Киев шаҳри ва Днепр дарёсини таъриф-тавсиф қилиб берди.

— Киев ҳукмдори ислом динини рад этган бўлса, савдо шартномаси тузиш имкони ҳам бўлмагандир?— гапга қўшилди Абдуллоҳ.

— Ундай эмас, муҳтарам мезбон! Ҳукмдор корчалон одам. Дин бошқа, савдо бошқа. Бизни икки ой Киевда олиб қолиб, яхшигина савдолашгандан сўнг, ҳукмдор бир эмас, икки савдо шартномасига қўл қўйди ва бизларга савдо ёрлиғи берди. Биз у кишига яхши гиламлар совға қилиб, қуръонни қайтариб олиб келдик,— деди Адиб кулимсираб.

Уламолар бир-бирларига қарашиб олдилар. Юзларида киноя сояси сезиларди — зотан кофирлар билан савдо-сотик қилиш, улар билан муносабатда бўлиш олоқ таолога мақбул иш эмас-да! Аммо улар лом-мим демадилар: хоразмликлардан нимани сўрардилар! Улар билан жанжал-

лашиб ҳам бўлмайди, чунки амирнинг таважжуҳи шуларда.

Хусайн миқ этмай Адиб билан Мақсуднинг ҳикоясини тинглади. Олам қандоқ кенг ва гўзал! У Нотили билан отасидан Бухоро, Қиёт, шунингдек, Дамашқдан ҳам ўзиб кетган мислсиз Бағдоднинг дабдабалари ҳақида кўп нарса эшитган эди. Муаллими унга Миср ва қадимий юнонлар ўлкаси ҳақида ҳам баъзи нарсаларни айтиб берган эди, бироқ рус эли ҳақида у ҳеч нарса эшитмаганди.

— Рус эли қаёқда ўзи? Қандай экан у? Қани энди ўша жойларга бориб, Днепр билан Киевни кўрсанг! Ким билади, балки у катта бўлиб, шундай узоқ сафарга ҳам чиқар. Ҳозирча саҳҳофлардан суриштириб, рус эли ҳақида бирор китоб топиш лозим. Ажаб эмас топилса.

Тағин май тортилди. Меҳмонлар сархуш бўлиб, суҳбат яна ҳам жонланди. Шоир Фируз хоразмликлар билан мунозарага киришди. Уларнинг жиғига тегиб, Бухорода шундай болалар борки, улар Урганч билан Қиёт олимларидан кўра кўпроқ нарса биладилар, деб туриб олди. Шоир қўли билан Хусайнга ишора қилиб, бу рубойини ўқиди:

Илм офтоби нуридан бўлибсан баҳраманд, ўғлон,
Чарогон бўлди зеҳнинг шуъласидан аржуманд, ўғлон!
Тафаккуринг гул, гидрокинг чечак, аммо бу гулшанда
Ибою камтаринлик гунчаси эркан баланд, ўғлон!¹

У охирги мисрани ўзининг димоғдорлиги билан ҳаммага машҳур Ёқуб ибн Лахияга тикилиб туриб ўқиди. Риёзиюн қизариб, камоли хафа бўлганидан андишасиз шоирнинг адабини беришга ҳозирланди. Бироқ шу аснода ҳар томондан:

— Гапларинг тўғри, Фируз, муҳтарам мезбонимизнинг ўғлига парвардигори олам қандай юксак зеҳну зако ато қилганлигини эслатганинг яхши бўлди. Қани, йигитча, ўз фазлу камолингизни намойиш қилиб, инкишофингизнинг сирру асрорини нақл қилинг-чи!— каби нидолар эшитилди.

Ниҳоят ўғлига бино қўйган отанинг кутган онлари етди. Абдуллоҳ ўз ҳаяжонини бировга сездирмасликка

¹ Китобдаги ҳамма шеърлар шоир Эркин Воҳидов таржимаси. (Т. Ж.)

уринса ҳам, қўлидаги тасбеҳ доналарини одатдагидан тезроқ ўгира бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Меҳмонлар бир-бирларига гал бермай, Ҳусайнга мушоақат қилардилар. Биринчиси сураларини ёддан ўқиб беришни таклиф қилса, иккинчиси қасида ўқиб беришни сўрарди. Хоразмликлар уни узоқ вақт жуғрофиядан имтиҳон қилиб кўришди. Ёқуб ибн Лахия эса, узоқ ўйлагандан сўнг, муғомбирлик қилиб, боладан қадимий ҳиндларнинг шахматга оид бир қондасини шарҳлаб беришни сўради, ҳолбуки бу қондани унинг ўзи ҳам тузук-қуруқ билмасди.

Ҳусайн бу синовдан шараф билан ўтди. Сўралган саволлар унга жуда яхши аён эди. Ахир унинг китобдан бош кўтармаслиги беҳуда кетмаган-да. У бундан кўра мураккаброқ саволларга ҳам жавоб қайтаришга қодир бўлса-да, меҳмонларнинг ўзлари ундай қийин саволларга қодир эмасликларини сезиб қолди. Ҳусайн шошилмай, саволларга дона-дона қилиб жавоб қайтарса ҳам, катталардан ибтиҳон қилиб чўғдай қизарган эди.

Ота ўз фарзандидан рози, у билан фахрланса арзийди. Шунинг учун Абдуллоҳ Фируз ёнида ўтирган Нотилига нигоҳ ташлаб, кўзи билан унга миннатдорлик изҳор қилди. «Буни Усмоннинг уида учратганим жуда яхши бўлди-да,— ўйлади Абдуллоҳ,— менинг ўғлимга худди мана шундай муаллим етишмай турганди».

Аммо Ҳусайннинг ўзи хижолатда эди. Тантаналар уни қувонтирмасди. Назарида, унинг жуда оз, чекланган билимини бу қадар кўкларга кўтариш — илм-фанни камситишдай туюларди.

Фаннинг нималигини, бундан сўнг нималарни ўқиш лозимлигини, фан уни қандай йўлга бошлашини, бу йўлда қандай тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келишини ҳали у аниқ билмасди. Аммо бир нарсага имони комил: фан қандайдир улуғ, гўзал бир нарса бўлиб, унинг учун умрингни бағишласанг арзийди.

Шу масала атрофида ўйга толиб, баъзан бола фанни тоғ чўққисига қиёс қиларди, унга чиқиш зарур деб биларди. Унинг ҳар бир поғонасига кўтарилиш учун сабр, матонат ва узлуксиз машқ талаб этилади. У ерга кўтарилгач, баландликдан йўлнинг босиб ўтилган қисми ҳам, қолгани ҳам аниқ кўринади. Ҳозир у тоғ доманасига эндигина етиб келди, ҳали ҳеч нарса қилгани, ҳеч нарсани кўргани йўқ. Одамлар эса ҳалитдан уни мақташади, унга қойил қоли-

шади, гул-гул очилган отаси билан ҳайратда қолган меҳмонларни кўриб бола шўрлик хижолатда эди.

— Мен ўз ҳаётимда,— деди Адиб,— сизнинг ўғлингиздек заковатли, шундай олим бир боланигина билардим, муҳтарам Абдуллоҳ! Ҳозир у катта бўлиб қолди. Унинг юлдузи Қиётда бизнинг қудратли хоразмшоҳ саройига нур сочиб турибди. Уни оллоҳ таоло ўз ҳимоясида асрагай! Бу олимнинг исми Муҳаммад ал-Берунийдир. Фикримча, сизнинг фарзандингиз ҳам камолга етганда ундан сира қолишмайдиган олим бўлиб етишади.

— Иншооллоҳ!— деб тасдиқлади кекса Абу Абдуллоҳ Нотили,— иншооллоҳ!..

7

Кун ботиш олдидаги аргувони ранг уфқда сўна бошлади. Қош қорайгач, ундан асар ҳам қолмади. Ҳусайн ийманиб туриб муаллимнинг деразасини чертади. Нотили бунинг сабабини жуда яхши тушунади. Мўйсафид одамнинг нураган зинапоядан юқорига кўтарилиши жуда қийин. Лекин у шогирдини яхши кўради, бинобарин, унинг илтимосларини рад этолмайди. Улар уйдан чиқиб, маҳалланинг жимжит кўчасидан қўшни масжидга қараб йўл оладилар. Масжид имоми Нотилининг қалин ошнаси бўлгани учун оқшомлари минорага чиқишларига монелик қилмайди.

Тўқ кўк ва серюлдуз осмон гумбази Бухоро шаҳри устига тўнтариб қўйилгандай. Нарвонинг баланд ва омонат пилла поялари оёқ босганда қирсиллар, ушлаб чиқиладиган панжаралари эса, муаззиннинг қўллари тега-тега сийқаланиб, ялтираб қолганди. Пастдаги йўловчиларнинг аранг эшитилган овози Ҳусайннинг юрагини қувонч билан тўлдирар, назарида қадам қўйган сари осмонга яқинлашиб бораётгандай туюларди.

Ниҳоят минора устидаги майдончага чиқиб олишди. Нафаси қисилган Нотили майдончага чиққан ҳамон юрагини чангаллаб қолди. Ҳусайн эса чолга ачиниб, ташвиш билан боқарди. Чол бир даража тинчланди. У курсида ўтириб, шогирдига мажмуатул кавокиб (юлдузлар туркуми), Сомон йўли юлдузлари ва ғарбда зумрад нур сочиб турган Зухро юлдузини кўрсатиб:

— Бизнинг жума кунлари дам олишимиз мана шу сайёрага эҳтиром ифодасидир,— деб тушутирди у.

Хусайн энди ҳамма катта ва ёруғ юлдузларнинг номларини биларди.

— Мана бунинг оти Орлон камари, пастроқда Шеър алмония (Сириус), мана бу Алвоқе (Вега), мана буниси Алдиборон, ана у капалаксимонлари эса Курси юлдузлар (Кассиопея). Ана у биров тариқ сепиб қўйгандай кўринган юлдузлар туркуми Хулкар дейилади.

Шу пайт осмонга тикилиб турган Хусайн бирдан:

— Ажабо!— деб юборди.

— Нима бўлди, ўғлим?

— Пайқаяпсизми, устоз, Персей юлдузлар туркумида ўтган сафар биз кўрган ёруғ юлдуз кўринмайди-ку?

Нотили кулимсираб жавоб берди:

— Бу Алғул (Алголь). У ҳамиша шундай: уч кун ялтираб, сўнгра сўнади, кейин яна пайдо бўлиб, аввалгидай порлаб туради.

— Бунинг сабаби нима?— деб сўради таажжубланган шогирд.

Аmmo устоз шогирднинг бу саволига тўғри жавоб беролмади:

— Бу худонинг иродаси; унинг ҳаракатидан бандалари ҳеч қачон воқиф бўлолмайди.

— Ахир биз номаълум нарсаларнинг сирру асрорини билиш учун ўқиймиз-ку,— деб эътироз этди Хусайн.

Нотили бу қалтис саволдан қочиб, гапни бошқа мавзуга кўчирди.

Пастда, олисда кундузги ташвишдан ҳориган Бухоро уйқуга толмоқда. Аҳён-аҳёнда қоронғи, тор, эгри-бугри кўчаларда қалтираган нур кўринади. Бу кечикиб уйига қайтаётган шаҳарликларнинг қўлларидаги машъаллар. Юлдузлар эса, тўқ ложувард осмонга зеб бериб, сас-садосиз тантана қилардилар.

Энди Абу Абдуллоҳнинг овозида тетиклик сезила бошлади. Эҳтимол у ёшлик чоғларини хотирлагандир. Нотили шошилмай шогирдига Колдоний мунажжимлари, Миср или ҳайъат олимлари (астрономлари) ҳақида сўзлаб кетди. Сўнгра бундан уч-тўрт минг йиллар муқаддам йил ва ойларни тайин этган олимлар, кайфу сафога берилиб, вақт ҳисобини унутган, кун тутилиш муддатини илгаритдан айтиб беролмай бошлари кетган хитой олимлари Хо ва Хининг фожиали тақдирлари ҳақида нақл этди.

Хусайн бу ҳикояни эшитиб, ой ва куннинг тутилишини илгаритдан қандай айтиб бериш мумкинлигини сўради.

Бироқ, бу савол Нотилининг билим доирасидан тамом четда бўлгани учун у гапни бошқа мавзуга буриб юборди.

Ҳусайн кечалари минорага чиқишни яхши кўрарди. Назарида олам фақат шу ерда бутун кенглиги билан намён бўларди. Аммо чолга бу тик минорага чиқиш тобора қийинлашиб бораётган эди. Устозини кўндириш учун баъзан Ҳусайн муғомбирлик қиларди.

— Бир юлдузнинг номини сира эслолмаяпман,— деди у бир кун эртанги дарсга кириб.

— Қанақа юлдуз?— эҳтиётсизлик билан сўради Нотили.

— Биз уни илгари куни Муштарийнинг (Юпитер) ўнг томонида кўрган эдик. Сиз унинг отини биласизми, устоз?

— Яшил нур сочиб турган юлдузми?

— Йўқ, қизгиш нур сочиб тургани.

— У ерда бунақа юлдуз йўқ эди-ку!

— Худо ҳақи, бор эди.

— Янглишяпсан, болам.

— Кечқурун минорага чиққанимизда сизга кўрсатаман.

— Мен айтдим-ку, бугун минорага чиқмаймиз деб.

Ҳусайн маъюсланди.

— Ундай бўлса, юлдузлар нима бўлади?

— Юлдузлар бир ҳафтадан кейин ҳам сўниб қолмайди.

— У ҳолда мен унинг ўрнини унутиб қўяман. Ҳозир шундоқ кўз олдимда турибди.

Нотили норизо ижирганса ҳам охири таслим бўлади.

Аммо Ҳусайннинг чолга раҳми келарди. Унинг ёшида ҳадеб минорага чиқиш, кечаларни очиқ ҳавода ўтказиш осон эмас. Ҳусайн китоб расталарини айланиб, китобфурушлардан сўраб-суриштириб юриб, охири Батлимус (Клавдий Птолемей)нинг «Альмагест» номли асарини топиб олди. Шундан кейин уйқусиз кечаларни шу китоб устида ўтказа бошлади. «Альмагест»дан маълум бўлишича: Ер ясси эмас, юмалоқ—шарсимон, Ер шари коинотнинг марказида жойлашган бўлиб, унинг атрофида айланиб юрган биллур сферага самовий ёритғичлар бириктириб қўйилган. Коинот Ердан бошқа тўққиз фалакдан иборат, улардан ерга энг яқини Ойдир. Иккинчи фалакда Уторуд (Меркурий), учинчи фалакда Зухра (Венера), тўртинчи фалакда Қуёш, бешинчи фалакда Миррих (Марс), олтинчи фалакда Муштарий (Юпитер), еттинчи фалакда Зухал (Сатурн); саккизинчи фалакда Собиталар (ҳаракатсиз юлдузлар) жойлашган, ниҳоят тўққизинчи фалакул азим-

да, яъни фалак атласида бир қудрати азалий бордирки. у бутун афлокни ҳаракатга келтиради.

Самовий сирларни очиб берган бу ажойиб китобни Хусайн қайта-қайта ўқиб, осмон ёритғичларининг гоҳ оғиб, гоҳ тўғри чиқишларини ўрганар, уларнинг ўз сфераларида махсус марказлар атрофидаги йўлларини — эцикларни қунт билан чизиб чиқарди, чунки бунингсиз сайёраларнинг гоҳ олға, гоҳ эски ўрнига қайтиш учун орқага қараб ҳаракат қилишларини билиб бўлмасди. Энди унинг минорага чиқиш иштиёқи яна ҳам кучайди, чунки сайёраларнинг осмон гумбази остида гоҳ олға, гоҳ орқага қараб «санқиб» юришларини ўз кўзи билан кўриб, кузатгуси келарди.

Аммо 383 ҳижрий¹ йилининг ёз ойлари бошланиши билан минорага чиқишни тарк этишга тўғри келди. Бухоронинг мушкул кунлари бошланди. Буғрохон қўшини музаффарият билан юриш бошлаб, пойтахтга яқинлашиб келарди.

Эҳтиёткор Абдуллоҳ ўз оиласини шаҳардан кўчиришга ошиқди.

Мамлакатдаги аҳвол ростдан ҳам оғир эди. Сомоний лашкарбошиларида Аяч ўз қўшини билан Буғрохонга қарши чиққанда ёв уни тор-мор қилиб, ўзини асир олди. Унинг кетидан бош ҳожиб Фоиқ жангга кириб, Бухоро остоналарида атайлаб енгилди. Мовароуннаҳр ҳукмдори Нўҳ ибн Мансурга шаҳарни голиб қўлига жангсиз топшириб чиқишдан ўзга чора қолмади.

Амир Нўҳ пойтахтдан чиқиб кетаётиб, ўзининг ёлғиз ва кучсизлигини ҳар қачонгидан яхшироқ ҳис этди. У кимга суяниши мумкин? Турк ғуломларигами? Қўшиннинг асосий мойси ва тахт посбони ҳисобланган бу тўда ҳар қандай қабиҳ хиёнатга тайёр эди. Амир билдики, ғулом лашкарбошиларида ҳеч бирига ишониб бўлмайди. Мусулмон руҳонийларига-чи? Руҳонийларнинг қора халқ орасида нуфузи зўр бўлса ҳам, бу тоифа Бағдод халифаларига ён босар, бинобарин, озод фикрли Сомонийлардан кўра ислом ақидаларига содиқроқ Қорахонийлар тарафини олишга тайёрдай кўринарди. Халқ оммаси-чи: унга суяниб бўлмайдами? Амир Нўҳ халқининг хоҳишига беъъти-

¹ 383 ҳижрий йили ҳозирги йил ҳисобининг 992 йилига тўғри келади.

бор қарагани учун халқ ҳам унинг ҳозирги оғир аҳволига эътиборсиз қарарди.

Нўҳ Бухорони қудратли рақибига топшириб чиқиб кетганда, оз сонли халқ кўнгиллиларигина унинг орқасидан эргашиди. Ана шу оз қўшин билан амир қаергадир, пойтахт яқинига яширинди.

Аммо бу гал ҳарам амирига бахту толе кулиб боқди. Бетоблик Бугрохоннинг Бухорода узоқ туришига халақит берди. Одатланмаган иқлимда узоқ яшаш ҳаёти учун хавfli эканини пайқаб, Бугрохон ўз қароргоҳини Самарқандга кўчирди, қўшин ҳам янги қароргоҳга қараб йўл олди. Бу аҳволдан фойдаланган Нўҳ кутилмаганда Бухорога кириб, қулаган тахтини қайта тиклади.

Бир кун оқшом пайтида (ёз охирида), Бухоро ташвиш билан тўлган бир вақтда, эндигина қишлоқдан қайтган Ҳусайн билан Нотили яна минорага чиқишди, аммо бу гал юлдузлар сайрини кузатиш учун эмасди.

Шаҳар чароғон эди. Чор атрофдан мусиқа, ашула ва шоду хуррамлик садолари эшитиларди. Бухоро аҳолиси Бугрохон устидан қозонилган ғалабани ва ўз амирларининг пойтахтга қайтишини байрам қиларди.

— Устоз, нега бухороликларнинг қувончи кўксига сизмаяпти? Ахир, улар яқинда Бугрохонни қулоч очиб қарши олган эдилар-ку, ҳозир эса, худди шундай қувонч билан амир Нўҳни кутмоқдалар,— сўраб қолди Ҳусайн панжарага суяниб турган устозидан.

— Одамлар бир амаллаб вақтичоғлик қилишга ташна,— жавоб берди у.— Озгина бўлса ҳам байрам кайфияти бу жафокашларнинг заҳмат билан ўтган яксанақ кунларига ўзгариш киритади.

Нотили хўрсиниб олди. Афтидан ўз фикр ва мулоҳазаларини болага айтгиси бор-у, аммо бу гапларни у тушунадими-йўқми деб гумонсираб турарди.

— Бизнинг халқимиз Сомонийлар хонадонидан чиққан амирларни кўпдан бери ҳурмат қилиб келади,— давом этди чол.— Улар бизнинг қабилага мансуб бўлиб, ўз урф-одатларимизга содиқ, ўз она тилимизда гапирар эдилар. Улар ҳаминша фан, санъат ва ҳар хил касбларга ҳомийлик қилиб келдилар. Бухоро ана шулар ҳукмронлик қилган даврда улур меъморлар бунёдга келтирган беназир қасрлар, масжиду мадрасалар, осмонпайванд миноралар билан гўзаллашиб, сламга доғ таратди. Аҳоли биринчи Сомонийлар туфайли ташқи душманлардан, маҳаллий замин-

дорларнинг зулму зуҳмидан нажот топган эди. Афсуски у даврлар ўтиб кетди, ҳамма нарса ўзгарди. Кўпдан буён Бухорода биров озод фикр этолмайди, кўпдан буён бу ерда озод фикрга ўрин йўқ! Тахтнинг таянчи бош муфти-ю, жаллод бўлиб қолди! Ҳукмдорларга халқ эътиқоди қолмаганини кўриш менга қаттиқ алам қилади. Халқнинг ёрдасиз, ўғлим, ҳар қандай қудратли шоҳ ҳам қўшинсиз саркарда бўлиб қолаверади.

Нотили яна жим қолиб, йўловчиларнинг шарпаларига қулоқ солди. Аммо бу байрам оқшомида ҳеч ким бу якка минорага қарамас, унда одам бор деб гумон қилмасди.

— Амирлар, турклардан ёлланган қўшин билан мамлакатни идора қиламиз, деб ўйлаганлар,— яна гапга кирди қария.— Улар, олтинга навкарларнинг садоқатини сотиб олиш мумкин деб хаёл қилганлар. Оқибат Бағдод ва қадимий Римдагидек бўлиб чиқди. Ёлланма қўшинга ишонган ҳукмдорларнинг ўзлари корчалон лашкарбошиларнинг қўлида ўйинчоқ бўлиб қолишди. Ҳамма жойда хиёнат, ҳеч ерда ҳимоят йўқ! Бир вақтлардаги улуғ давлатдан нима қолди? Ҳар бири бир четдан, лаҳимроқ жойидан кесиб олмоқда! Абу Али Симжурий ҳадемай мустақил ҳукмдор бўлади. Собиқ гуломлардан Себук-Тегин эндиликда Ғазна султони. Мамлакатимиз тобора хароб бўлмоқда!.. Мамлакатнинг юраги бўлган Бухорони Бугрохонга шундай осонлик билан топширишдики, бундай алам ангиз воқеа, бундай шармандалик ҳеч қачон бўлган эмас. Бинобарин, бу сулоланинг шармандали инқирозини олдиндан кўриб турибман, ўғлим...

Нотили хомуш қолиб, шаҳарга ғамгин назар ташлади. Ҳусайн устозига қаради. Оқшом қоронғисида унинг ажин босган юзларидан кўз ёши оқиб тушаётгандай туюлди.

8

— Солиҳингни ёқтирмайман,— деди Ҳусайн китобдан бош кўтариб, Маҳмудга норизо тикилганча.

Ака-ука эндигина меҳмонларини кузатган эдилар, Маҳмуд эски ўртоқларидан бири Солиҳ ибн Аҳмаднинг кўркамлиги, ақли-фаросати, чиройли либосларига маҳлиё бўлиб, тўхтовсиз уни мақтарди.

— Мен ундан бирор янги гап эшитарман деб ўйловдим,— давом этди Ҳусайн,— кўриниб турибдики, уни бо-

зордаги янги газлама-ю, отаси топиб келган янги гийбатлардан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмайди. Биз уч соат давомида беҳуда нарсалар ҳақида лақиллаб ўтирдик, мен бекордан-бекорга вақтни бой бердим.

— Солиҳ сендан кўра олимроқ бўлгани учун уни камситиб гапиряпсан,— деди Маҳмуд акасининг иззат-нафсига тегиб.

— Ким мендан олим? Солиҳми?— таажжубланди Ҳусайн.— У ҳали қип-қизил нодон-ку!

— Солиҳ нодонми?— кулиб юборди Маҳмуд,— биласанми, сен билган илмлар у билган нарсаларнинг фақат ўндан бирига тўғри келади. У етук адиб. Уни дабирликка¹ тайёрламоқдалар. Ақлли одамларнинг айтишига қараганда, ундан ўткирроқ дабирни топиш қийин эмиш. Бундан ташқари, у ажойиб чавандоз, моҳир мерган, машҳур сайёд, бунинг устига, ашула айтса ҳаммани қойил қолдиради, танбур черткудай бўлса-чи, булбулни маст қилиб елкасига қўндиради. Шундай йигитни камситиш — адолатдан эмас, Ҳусайн...

Укасининг сўзларида Солиҳнинг фазилатларига мафтун бўлишдан ташқари, Ҳусайнга андак тегиб ўтиш оҳанги ҳам бор эди.

— Сен Солиҳни яхши билмайсан, Маҳмуд,— истехзо билан кулиб жавоб берди Ҳусайн.— Унга маҳлиё бўлишинг, хоҳлаганча тақлид қилишинг мумкин, аммо мен ҳеч қачон у билан бир қаторда туришни ўзимга эп кўрмайман!

— Сен қолувдинг энди Солиҳ билан бир қаторда турмаган! Сен у билан олимликда тенг бўлишинг мумкин, аммо ўқ ёйдан отишда, ханжар ташлашда ёки чавандозлик қилишда сираям у билан тенг бўлолмайсан. Сенинг калланг китоб билан тўлган, аҳтимол, ўқ ёйни қандай тортишни ҳам унутгандирсан! Солиҳ бўлса, мўлжалга олган нуқтасини урмай қўймайди...

Ҳусайн жим бўлиб қолди, аммо Маҳмуднинг масхараомуз гаплари ўсмирга анча қаттиқ ботди. Дарҳақиқат нима ҳам деб бўлади, Маҳмуднинг гаплари тўғри-да! Нотили келгандан бери ўтган икки йил мобайнида Ҳусайн ҳар хил машқларни, ўйинларни, ҳатто ёшлигидан ҳавас қилиб келган чавандозликни ҳам батамом тарк этганди. Унинг бутун

¹ Д а б и р — улуғ мансабдорларнинг саркотиблари. Дабирлар кўп қиррали билимга эга бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам ўзларини тута билишлари керак. Дабирлар кўпинча дипломатик ишларни бажарганлар.

вақти китоб мутолааси ва шунга боғлиқ машғулотга кетарди.

Солиҳдек чаққон, бақувват, довиюрак акасининг у билан рақобат қилолмаслиги — китоби донишмандликка у қадар хуши бўлмаган Маҳмудга алам қиларди; ҳолбуки бундай ўйинлар ҳар бир йигит учун зарурий нарса.

Ҳусайн укаси Маҳмуднинг истеҳзоли сўзларидан унинг асли муддаосини пайқаб, ўйга толди. У эски бир латифани эслади: аҳмоқ бир олим ўтириб ҳадеб китоб ўқийверганидан оёқлари қуриб, шол бўлиб қолибди, боши эса ҳеч кимга кераги бўлмаган сафсаталар билан тўлибди.

— Кўрамиз ҳали, Солиҳдан бошқа одам ҳам чиқиб қолар мўлжалга урадиган,— жавоб берди Ҳусайн ва укасига истеҳзоли назар солиб, яна мутолаага берилди.

Шу гаплардан кейин Ҳусайн ҳар кун одатдагидан эртaroқ турадиган бўлиб қолди. Эрта тонгда, ҳали Абдуллоҳнинг ҳовлисида ҳеч ким уйғонмай, Ҳусайн ўз хонасидан чиқарди. Кўзлар уйқу талаб, бадан қандайдир эзилган, оғир. Аммо кечаси билан совиб қолган ҳовуздаги сувга бир шўнғиш билан уйқу батамом қочиб, ўзини тетик ҳис этар, шундан сўнг боққа кириб, қари тутнинг қуриган шохига бўр билан бир доира чизиб, бирин-кетин шу нишонга қараб ханжар отарди. Пўлат тиг ҳавони кесиб бориб, учи билан ёғочга санчилар, ханжарнинг гулдор дастаси билан тигнинг ёғочга кирмай қолган қисми ҳавода лапангларди. Ҳусайн бу машғулотни нишонга беш марта бирин-кетин ургандагина тўхтатарди. Сўнгра ўзи ясаган ўқ ёйни олиб сарой деворига қараб ўқ узар, ўн икки ўқ бирин-кетин деворга бориб қадалгандагина бу машғулот тугарди.

Бундай машқлардан сўнг уйқу ҳақида қандай сўз бўлиши мумкин? Уйдагиларнинг ҳаммаси ширин уйқуда, аммо Ҳусайн китоб очиб яна мутолаага шўнғирди.

9

Абдуллоҳ тез-тез болалари олдига ёшларни таклиф қилиб, меҳмонларни кутиб олишни Ҳусайн билан Маҳмудга топширар, ўзи узоқда туриб, ёш мезбонларнинг хати-ҳаракатини кузатарди.

Болалар дарвоза олдида туриб, ўз тенг-тушларини қарши олардилар.

Мана Ҳусайннинг дўсти Амир келди, у бир мулланинг

ўғли; орқасидан қўшни савдогарнинг ўғли, ака-уканинг муштарак дўсти, юзлари сепкилли сариқ Сури кириб келди. Сўнг Маҳмудни мафтун этган Солиҳ кўринди. У катта саррофнинг ўғли бўлиб, отасининг давлати-ю, унинг аъёнлар билан яқинлигини рўкач қилиб, мақтанишни севарди. Солиҳ дарвоза олдида зебу зийнатли эгар-жабдуғ урилган саман тулпордан қушдек енгил учиб тушди-да, юганини хизматкорга тутқазиб, ҳовлига кириб кетди.

Солиҳнинг устида кимхоб тўн, белида шойи белбоғ бўлиб, чап ёнида белбоғига қистирилган ханжарнинг гулдор сопию фируза қадалган филофи кўринарди. Бошида эса ихчам мисқоли салла.

Солиҳнинг савлати Маҳмудни яна ҳам мафтун этиб, у оғзини очганча анқайиб қолди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! Хуш келибсиз, Солиҳ, марҳабо!— дейишди Хусайн билан Маҳмуд.

Шундан сўнг болалар зиёфат ҳозирланган жойга — айвонга қараб юришди.

Болаларнинг ҳаммаси бир-бирига яқин таниш, ёшликдан бирга ўсишган. Аммо бугунги йиғилиш, ёзда бир-бирларини кўрмай юрганлариданми, ҳарнечук, анчагача қовушмай турди.

Улфатлардан фақат Солиҳгина бепарво гапирарди. У ёзни отасининг боғ ҳовлисида ўтказгани, у ерда чавгон¹ ўйини билан қизиққани ҳақида гапирди.

— Сиз бу ўйинда ҳеч иштирок этганмисиз?— одоб билан Хусайнга мурожаат қилди Солиҳ.— Тўғри, у янги одамга дастлаб қийин туюлади, аммо гоят қизиқ ўйин.

Хусайн лом-мим демади.

— Биз эртадан кечгача шу ўйин билан машғул бўлдик,— давом этди Солиҳ.— Қизиғи шундаки, мен биринчи ўйиндаёқ хол киритдим.²

— Қизиқсан-а, Солиҳ,— хитоб қилди Маҳмуд,— сендек эпчил йигитдан бундан бошқа нимани кутиш мумкин?

Хусайн укасининг ғашига тегмоқчи бўлиб, нописандлик билан гапирди:

— Менимча, ҳар бир киши ҳам хол киритиши мумкин. Бу у қадар қийин иш эмас. Маҳмуд бунинг учун озгина ҳаракат кифоя эканини яхши тасаввур этолмай турибди.

¹ Чавгон—тўп (копток) ўйини.

² Хол киритмоқ—тўпни маррага урмоқ.

Солиҳ таажжуб билан Хусайнга қараб қўйди-да, одоб юзасидан гапни бошқа мавзуга бурди. Аммо Маҳмуд ўзини туюлмади:

— Сенингча хол киритиш енгил бўлса ҳам, ҳолбуки умрингда чавгон ўйнаб кўрмагансан,— деди баланд овоз билан.— Солиҳ сингари маҳорат билан ўқ ёй отиш ёки ханжар ташлаш ҳазил иш эмас!

— Аммо унчалик мушкул ҳам эмас,— деди Хусайн.— Солиҳ, сиз мени кечиринг, мен сизнинг истеъдодингизни жуда ҳурмат қиламан. Бироқ, Маҳмуд баъзан ёш боладек мулоҳаза юргизади, Энди билиши керакки, у кичкина бола эмас, ўн учга қадам қўйяпти.

— Сен кўпдан бери ўқ ёй отганинг, ханжар ташлаб кўрганинг йўқ, шунинг учун мушкуллиги хотирингдан кўтарилган,— деди яна укаси қизишиб.

— Мен бу иш билан машғул бўлмаганимни сен қардан била қолдинг? Мен ханжарни бошқалардан кўра ёмон ташламайман деб ўйлайман,— жавоб берди Хусайн.

Сепкилли Сури жиддий тус олаётган мунозарани юмшатиш учун кулиб юборди. Бироқ кутилмаганда Амир таклиф киритиб қолди:

— Сен ўз ҳунарингни кўрсат, Хусайн, биз ҳакамлик қилиб баҳо берамиз.

— Мен жон деб сиз билан мусобақа қилардим,— деди Солиҳ.

Ёш улфатлар дастурхон олдидан туриб, ҳовлига чиқишди.

Солиҳ гулдор белбоғига қистирилган ханжарини олиб, одати бўйича дамани ушлаб кўрди. Пўлат тиг ўқ сингари қорамтир ва қайишқоқ эди. Хусайн ҳам ўз ханжарини филофидан суғурди. Маҳмуд бўр билан деворга доира нишон чизди, ерни қадамлаб ўлчади-да, мусобақачилар турадиган жойни белгилади. Хусайннинг юраги орқага тортиб кетди. Эплармикин?.. У Солиҳнинг ёнига мардонавор бориб, ўрнини эгаллади. Солиҳ эса бемалол ханжарини ҳавога отиб, дастасидан ушлаб олди-да, Маҳмудга савол назари билан қараб қўйди.

— Тайёрни?

— Тайёр. От!

Хусайн Солиҳнинг ҳар бир ҳаракатини зўр эътибор билан кузатарди. Ханжар ҳавони кесиб бориб, доиранинг қоқ ўртасига қадалди.

— Навбат сенга, Ҳусайн,— деди жиддий қилиб Маҳмуд.

Ранг-қути учган Ҳусайн бутун продасини тўлади.

— Менинг навбатимми?— қайта сўради у ва нима учундир бир оз чапга ўтиб олди.

Ҳусайннинг ханжари ҳам Солиҳ ханжарининг ёнгинасига бориб қадалди, унинг дастаси ҳавода тебраниб турарди.

Ҳусайннинг «ух!» деб юборгуси келди, лекин кулимсираб қўя қолди. У елкасидаги юкнинг ярмини улоқтиргандай енгил тортди.

— Кўряпсанми, Маҳмуд, бу сен ўйлаганча мушкул иш эмас,— деди Ҳусайн укасига қараб.

Маҳмуд жим қолди.

— Ёй-камон ҳам отиб кўрасизми?— деб сўради Амир.

Боятдан бери шу ерда уймалашиб, Ҳусайн учун изтироб чекиб турган оила ошпазининг ўғли Раҳмат чопганича ёйга кетди.

Улар Ҳусайннинг отаси Абдуллоҳнинг ов камонини тортиб кўриб, ўқ танлашди. Яна Солиҳ биринчи бўлиб отди, яна ўқ нишонга бориб қадалди.

Ҳусайннинг юраги яна орқага тортгандай бўлди. Унинг бутун фикру зикри бир нарсага, нима бўлса ҳам, ғалаба қозонишга қаратилган эди. У ёйни дадиллик билан қўлга олиб, шиддат билан тортди ва отилган ўқ тўғри бориб доира ичига санчилди.

— Қойил!— нидо солди Маҳмуд.— Сенинг бундай шаввоз эканингни пайқаманман эканман, Ҳусайн!— У акасига ифтихор билан боқарди.

Бу хитоб Ҳусайнга ёқимли куйдай эшитилди.

— Қани, жўралар, айвонга чиқамиз; ўйинга берилиб, дастурхон мунтазир бўлиб қолди,— таклиф этди Ҳусайн. Ғалаба нашъаси билан юрагида пайдо бўлган эзгу ҳислар таъсирида ҳозир Солиҳ унинг ҳам кўзига ёқимтой кўринди.

Ҳусайннинг кайфи чоғ эди. Бир оз тамадди қилганларидан сўнг у меҳмонларга уд чалиш, ашула айтишда мусобақага ҳозир эканини изҳор этди. Ҳусайн Амир билан Солиҳнинг ашуласини жон-дил билан тинглади-ю, ўзи улардан яхшироқ қўшиқчи бўлса ҳам, бундай моҳир ҳофизлардан сўнг менинг ашула айтишимга эҳтиёж йўқ, деган баҳона билан жўраларининг илтимосларини рад этди.

Кейинча суҳбат жиддийроқ масалага кўчди, Ҳусайн

зўр иштиёқ билан ҳандасадан¹ баҳс очиб, энг мураккаб даъволарни (теоремаларни) осонлик билан ҳал этганини нақл этиб, Солиҳни таажжубда қолдирди.

Бу кеча Хусайннинг уйқусига халақит берган нарса китоблар эмасди. У кундузи бўлиб ўтган воқеани ўйлаб, алламаҳалгача тўлғаниб чиқди. Гоҳ беҳуда шухратпарастликка берилиб, мусобақа ўйнагани учун ўзига таъна қилса, гоҳ шундай мусобақага тайёр эканини эслаб қувонарди.

Субҳидамда уйқусизликдан ўзини ланж ҳис этди, бироқ бу ҳолат узоқ бормади, бир дақиқадан сўнг ўзини яна ҳушёр, бардам сизди. Унинг руҳида бир янгилик рўй бергандай эди: юрагида, йўқ, фақат юрагида эмас, бутун вужудида сассиз бир оҳанг, қандайдир бир вазннинг янграб турганини ҳис этарди. Биринчи марта бу боланинг ҳаётида, ҳеч қутилмаганда, кечаги куннинг ҳамма ташвиш ва ҳаяжонлари, ҳамма алам ва қувончлари шеър бўлиб оқа бошлади:

Меҳнату бедорликка ошно бўл, эй рафиқ,
Барча йўллар ичра сенга бу асл йўл, эй рафиқ!
Бу жаҳонда қўлга кирмас бемашаққат толе, бахт
Ғафлат уйқусила бўлсин ўзга машғул, эй рафиқ!

Хусайн ўзининг қаттиқ тўшагида ёстиққа тирсақларини тираб, юзларини кафтлари орасига олиб, гўё дуо ўқигандай, шеърда саф тортган сўзларни қайта-қайта такрорлар эди.

Юракдан оқиб тушиб, унинг ҳаётга муносабатини, кеча уни қийнаб Солиҳга айтолмаган юрак сирларини ифода этган бу содда мисралар бениҳоя гўзал ва донишмандона кўринарди.

10

Нотили фалсафани жуда улуғлар, уни «фанлар фани» деб атар, ўзининг бу борадаги илми билан беҳад фахрланади. Аммо сирасини айтганда, унинг фалсафа ҳақидаги тушунчаси мактаб ва мадрасада олган билимию онда-сонда қўлига тушган китобларни ўқишдан нари ўтмаган. Бу китобларда ҳам қадим файласуфларнинг асарларидан олин-

¹ Х а н д а с а — геометрия.

ган тарқоқ парчалар кўпинча таржимонлар томонидан бузилиб, қуръон суралари ёки араб талқинчилари тарафидан тасдиқ ё рад этилган бўларди. Мударрислар эса, «кофир» қавмига тушиб қолмаслик учун шогирдларидан китобда айтилган фикрларнинг бирор сўзини ўзгартмай, муҳокама қилмай, гўти қушдай ёдлашни талаб қилардилар. Йиллар ўтиши билан фалсафага оид кўп нарсалар Нотилининг хотирасидан кўтарилган эса-да, у шогирдига юнон файласуфлари ҳақида жуда жонли ва жозибали ҳикоя қила оларди. Ҳусайн устозидан Суқрот, Афлотун ва Арастунинг ҳаётини жуда яхши ўрганиб олди.

Шогирднинг хаёли устознинг ҳикоясини тўлдирарди. Унинг кўз ўнгида қадимий Юнонистон қад кўтариб, денгизнинг мовий ойнасида акс этган мрамор ибодатхоналар, зайтунзорлар, мирта гули қоплаган ям-яшил адирлар, сарвзорлар, юнон худоларининг ҳайкаллари намоён бўларди. У ўзини гоҳ «аввал ўзингни ўрган!» дея нидо қилаётган Суқротдай, гоҳ «академия»нинг соя-салқин хиёбонларида шогирдларига таълим бераётган Афлотундай тасаввур этиб кўрди. Лекин Арасту унинг диққатини ҳаммадан кўпроқ тортарди. Ҳусайн китоблардан Арастунинг Искандари Зулқарнайннинг мураббийси эканини билиб олди. Искандар эса жаҳоннинг энг улуғ фотиҳи бўлиб, бир вақтлар дунёнинг кўп мамлакатларини, жумладан, бутун Ўрта Осиёни забт этган жаҳонгирдир. Арасту фақат шогирди Искандарнигина камолот сари бошламай, илм-фанни ҳам камолотга етказган. Нотилининг айтишига қараганда, Арасту билмаган ҳеч бир илм қолмаган; у ишонтириб айтардики, агар бу файласуф тўплаб тартибга солмаганда, унганча яшаган мутафаккирлар ва олимларнинг асарлари келгуси авлодлар учун ному нишонсиз йўқолиб кетган бўларди. Ҳусайн ўзича, мен ҳам Арастудек то сўнгги нафасимгача кишилик жамияти яратган илм-маърифатни тўплайман, уни ўзимдан кейинги авлодларга қолдириб кетаман, деб аҳд қилди.

Аммо бу донишманднинг таълимоти нимадан иборат эди? Нотили бу сўроққа қаноатланарли жавоб беришга қодир эмас эди. Боланинг сон-саноқсиз саволларидан бир амаллаб қутулиш, ўз обрўсини туширмаслик учун, Арастунини ёшлиқдан тушуниб бўлмайди, улғайгач, ал-Фаробийни ўқиш кифоя, унинг китобида Арастунинг таълимоти жуда равшан шарҳ этилган, деб қўярди. Ҳусайн кейин билса, Нотили Арастунини ҳам, Фаробийни ҳам ўқимаган экан.

Афтидан Нотили фалсафанигина эмас, ўз шогирдининг табиатини ҳам яхши билмас экан. Арастунинг номини эшитган ҳамон Ҳусайн да унинг асарларини ўқиш иштиёқи пайдо бўлди. У отасига бу хусусда шу қадар кўп ёлвордики, охири отаси унинг илтижосини бажо келтиришга мажбур бўлди. Абдуллоҳнинг илтимоси билан дўст уламо-лардан бири болага Арастунинг «Метафизика»сини бериб, руҳонийлар бу асарга гумон билан қарашади, ўқиганда бировнинг кўзи тушмасин, деб огоҳлантириб қўйди.

Қувончи ичига сиғмаган Ҳусайн китобни ўпиб, уламога ташаккур айтиб, уйига қараб равона бўлди.

Нотили ва Маҳмуд билан бир хонада ётган вақтларида улар ором олиб ухлар, Ҳусайн эса шам ёруғида китобдан бош кўтармас эди. Аммо китобга ёзилган маънони уқиш, унинг маъзини чақиш гоят мушкул эди. Дарвоқе, Нотили ҳақ: ростдан ҳам ёшликда Арастуни тушуниб бўлмайдиган чоғи.

Моҳият ўзи нима? Биринчи ва иккинчи моҳият орасидаги тафовут нимадан иборат? Нима учун Арасту турмуш-ни аввал ўн даражага бўлиб, кейин уларни учтага олиб келади: моҳият, ҳолат ва муносабат?

Нима сабабдан модда билан маълум бир шакл ўртасидаги муносабат нисбий бўлади, наҳотки, маълум бир нарсанинг шакли, вужудга келаётганда ўз шаклига эга бўлган модда билан бирлашиш самараси бўлиб, бунёдга келаётган нарсага нисбатан модда бўлса?

Буларнинг бари ноаниқ, жумбоқнамо ва ўн уч яшар боланинг тушуниши сира ҳам мумкин бўлмаган гаплар эди.

Ҳусайн, нодон таржимон юнонча сўзларнинг маънисини тушунмай, Арастунинг фикрларини бузиб берган бўлса керак, деб гумонсирай бошлади.

У асарнинг мазмунини аниқлашга уришиб, ўн марталаб ўқиб чиқди, китобни бошдан-оёқ ёд олса ҳам, бу илм хазинасининг калитини тополмади.

Ўзи мустақил равишда Арасту китобини ўқиб тушуниш мушкул эканини пайқаб, Нотили эслатган ал-Форобий асарини қидира бошлади: Нотилининг сўзига қараганда, Форобий юнон донишмандининг бутун фалсафий таълимотини равшан шарҳлаб берган. Бироқ, танишларнинг ҳеч биридан бу китоб топилмади, Ҳусайннинг фикри-зикри шу китоб бўлиб қолди.

Нотили ўзидан оламжаҳон ўзиб кетган Ҳусайнгагина эмас, ҳатто Маҳмудга ҳам бундан сўнг бирор нарса ўргатишга қодир эмаслигини аллақачон пайқаган, Абдуллоҳнинг уни ўз хонадонида сақлашини эса, унинг раҳмдиллиги, мурувватпарварлиги деб тушунарди. Аммо бировга қарам-боқинди бўлиш — бу ҳалол қариянинг иззат-нафсига тегарди. Бу хусусда аллақачон хўжайин билан очиқчага гапиришмоқчи бўлса ҳам, нечундир бунга ботинмасди. Абдуллоҳ ибн Сино хонадонида ўтказган тўрт йил мобайнида у ҳам хўжайинга, ҳам болаларига, айниқса Ҳусайнга қаттиқ ўрганиб қолган эди. Севгили шогирдидан, бемакон, дарбадарлигини унутишига сабаб бўлган бу хонадондан жудоликни ўйлаганда боёқиш чолнинг юраги орқага тортиб кетарди. Айни замонда қариянинг гурури бу фароғат ҳаётни яна давом эттиришга йўл қўймасди.

Кунлардан бир кун Ҳусайнга ўзининг фойдасиз бўлиб қолганини, бу ердан кетиш ниятида эканини айтди. Бу гапни эшитгач, бола жуда хафа бўлиб, устозидан ўз шубҳаларини унутишни илтимос қилди.

— Мен ҳадемай катта йигит бўлиб қоламан, муҳтарам Абу Абдуллоҳ, ўшанда сиз меникига бориб, уйнинг энг азиз кишиси бўласиз. Ҳозирча биз билан дадамнинг уйда туришингизга нима етсин? У сизни яхши кўради, ҳурмат қилади. Сиз бўлмасангиз ҳаммамизга ҳам ёмон бўлади. Уйимиз ҳувиллаб қолади. Илм-фан ҳақида суҳбат қиладиган кимса ҳам қолмайди!

Бу меҳрибонликдан мутаассир бўлган чол кетишини бир оз пайсалга солди.

Ҳусайн Нотили билан бўлган суҳбатни бир неча бор эслаб кўрди. Муаллимнинг қарори уни ачинтирса ҳам, юрагининг ич-ичида бу қарорда адолат борлигини сезарди. Бировнинг шафқати билан кун кўришга ҳамма ҳам рози бўлавермайди-да. Нотили у билан укаси Маҳмудни бирор нарсага ўргатадиган давр аллақачон ўтиб кетди. Абу Абдуллоҳ мантиқ, ҳандаса, илми ҳайъат ва фалсафадан нимаки билса ҳаммасини, ҳеч нарсани дариг тутмай, болаларга ўргатди. Ҳусайн булар фақат бошланғич билим эканини пайқаб, мустақил шуғуллана бошлади ва укаси Маҳмудни ҳам ўз изига солиб олди. Эндиликда Ҳусайн Нотилини саволлар билан безовта қилишга ҳам қўрқиб қолди: у чолни ўнғайсиз ҳолга туширишни истамасди.

Муаллимнинг ёшликда орттирган, кейинча ёнига ҳеч нарса қўшилмаган билими ростдан ҳам тугаган эди.

«Абу Абдуллоҳ хушфеъл ва олижаноб одам,— ўйларди Хусайн,— у нима билса борини менга берди; эндиликда эса, менинг ҳали камол топмаган билимимга турмушда сира учрамаган фавқулодда бир нарсадай қараб, ҳайрон бўлиб юради. Сўнги вақтларда қандай илмий мавзуда баҳс этмайлик, нечундир мен бу нарсани ундан кўра яхшироқ тасаввур қиламан. Чунончи: у яхши кўрган мантиқни олайлик, кейинча маълум бўлдики, бу фаннинг нозик ва мураккаб жиҳатлари ҳақида ҳанузгача унинг ҳеч бир тасаввури йўқ экан. Нотили менга Форфирийнинг «Мантиққа кириш» («Исагужи») асарини берганда, унинг қийин, ноаниқ жойларини у менга эмас, мен ўзим унга тушунтириб бердим. «Альмагест»нинг мураккаб ҳандаса қисмига етганимизда муаллимнинг мен билан Маҳмудга ҳеч ёрдами тегмади.

Бундан ташқари, энг муҳими ҳам шу бўлса керак, фанда ҳар нарсага бизнинг муаллим сингари соддадиллик билан ишона бериш ярамайди. Унинг фикрича, бирор нарса китобга ёзилдими — шу мутлақо тўғри. Агар унга ақл бовар қилмайдиган воқеа нақл этилса ҳам, бу ҳақда ўзи ўйлаб кўрмай ишонишга тайёр, фақат айтувчи оз-моз олимнамо бўлса бас. Тажриба ва шубҳа, қиёс ва таҳлил унга бегона. У тарихнинг ҳамма воқеаларини сабаб ва натижаларнинг қонуниятига эмас, оллоҳнинг иродасига обориб боғлайди. Ундай бўлса, фан не ҳожат? Олимнинг фарқ этмай, шу зайлда фикр қилиши мумкинми? Бошқа фанларда ҳам унинг йўли шу. Мен бундай қилолмайман! Мен ҳақиқатни билмоқчиман, мен воқеаларнинг сабабини билмоқчиман! Уларни Нотилидан ўрганишим мумкин эмас! Муҳтарам мураббийимиз ҳақли: мен билан Маҳмуднинг ундан ўрганадиган нарсамиз қолмади!»

Хусайн мана шулар хусусида ўйлаб туриб, Нотили даражасида билгани билан сира қаноатланмасликка, шу даражада қотиб қолишга асло йўл қўймасликка астойдил аҳд қилди. «Ҳаётингни илмга бағишламоқ учун,— ўйларди у,— ўзинггача ўтган барча олимларнинг билганини билиб, ўзинг яна илгари қадам босишинг зарур...»

Хусайн Нотилини олим сифатида дилида койиса ҳам, қария ўргатган ҳамма эзгуликлар учун ундан беҳад миннатдор эди. Шу соддадил муаллимдан бошқа ҳеч ким унинг эътиборини ўз элининг тарихи-ю, халқнинг оғир

аҳволига жалб этмаганди. Худди шу чол болани ўз она тили—дарини (тожик тилини) қадрлаш, уни севишга даъват этганди, худди шу қария бу тилнинг ҳозир илмий асарлар ёзилиб ўқитилаётган араб тилидан кўра бойлиги ва гўзаллигини исбот қилиб берганди. Ўз тарбиясидаги болаларни мудом қунт билан ишлашга ўргатган мураббий ҳам шу мўйсафид эди. Чол: «Меҳнатсиз билим олиб бўлмайди!» деб такрорлашни севарди.

Бир неча ҳафтадан сўнг Нотили хўжайин билан гаплашишга қарор қилди.

Илгари кутилгандек Абдуллоҳ муаллимнинг кетишига тиш-тирноғи билан қарши чиқиб, Нотилидек машҳур олимнинг бу хонадонда яшаши оиланинг шарафи, деб уни ишонтиришга уринди. Аммо Нотили ўз сўзида туриб олди. Бошқа илож қолмагач, Абдуллоҳ тез фурсатда уни яхши жойга, хоразмлик бир ошнасининг хонадонига мураббийлик вазифасига жойлаб қўйди.

Ҳусайн ўзининг олижаноб мураббийсини маъюс бўлиб жўнатди, янги хўжайин юборган аравага чиққач, чолнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Ҳусайн ҳам кўз ёшларини тўхтата олмади. У муаллимни қучоқлаб, фурсат топган пайтларда хат ёзиб туришни ва бирор нарсага эҳтиёж сезган тақдирда уни ҳурмат қиладиган дўстлари борлигини унутмасликни сўради. Баъзан муаллимнинг жиғига тегиб, уни деярли ҳурмат қилмагандай кўринган Маҳмуд ҳам, ҳамма ни таажжубда қолдириб, кечки овқатга йиғидан кўзлари қизарган ҳолда чиқиб келди.

Муаллим кетгандан кейин ҳам Ҳусайн жуда кўп вақтини китоб ўқиш, мутолаа қилиш билан ўтказар, уйқуга жуда оз вақт қолдирар эди.

12

Бола ўн тўрт ёшга киргач, бўйи анча чўзилиб, устки лабида қора майса пайдо бўлди. Унинг келишган, ихчам қадду қома тига ўткинчи хотин-қизлар ҳам лоқайд қарамайдиган бўлиб қолишди. Отаси унга қараб тўймас, ҳеч нарсани ундан дариг тутмасди. У шахсан ўзи Ҳусайннинг ҳамёнини очиб кўрар, агар бўш бўлса, уч-тўрт танга пул солиб қўярди. Бу пулни Ҳусайн фақат китоб сотиб олишга ишлатарди.

Кун оққан пайтларда Ҳусайннинг китобфурушлар рас-тасига борадиган одати бор.

У ёшлиги ўтиб, йигитлиги бошланган Бухоро шахрини жуда яхши кўради. Ҳусайн тош терилган йўлдан шошилмай, оҳиста юриб борарди. Яқиндагина отаси Жўи Мулён бўйига янги иморат солиб, оилани кўчириб келганди.

Абдуллоҳнинг янги уйи қўшни аъёнларнинг қасрлари билан тенглаша олмаса ҳам, ҳар ҳолда чиройли ва шинам бўлиб, боғи серсоя-салқин эди. Шаҳарнинг энг яхши қисмида яшаш Абдуллоҳнинг кўнглини кўтарарди.

Бозорнинг олағовури, темирчи ва мисгарларнинг тарақ-туруқлари Жўи Мулёнда эшитилмас, Ҳусайн Рудакийнинг пойтахт латофати ҳақидаги мисраларини такрорлаб, жимжит маҳаллаларда бемалол сайр этиши мумкин эди.

Зулоли Мулиён мушкин бўйи ёдга келар, дўстим,
Аму қирғоқлари қумлоқ эрур, аммоки баҳмалдир.

Аҳён-аҳёнда от туёғининг овози ёхуд аъёнларнинг саройларидан чиққан мусиқа садолари бу сукунатни бузарди. Шаҳар марказига қараб кетган кўча тугаб, Ҳусайн кенг Регистонга чиқиб қолди. Унинг ўртасига қурилган амир саройи кечки шафақда жуда кўркам ва ҳашаматли кўринарди. Сарой атрофида ўнлаб девонларнинг бинолари қад кўтарган эдики, мамлакат мана шу ердан идора қилинарди.

«Дадам мана шу ерда ишлайди»,— деб ўйлади Ҳусайн молия назорати олдидан ўтаётди. Шаҳар қалъасининг кунгирадор деворлари олдидан ўтиб, йигит бозор кўчасига чиқди. Бу ерда ҳар қандай хаёлдан воз кечиб, юк ортилган эшак ва арвалардан, салт отлиқлардан эҳтиёт бўлиб юриш лозим. Шундай қилиб, у тўғри китобфурушлар растасига қараб кетди.

Ҳусайнни у ердаги ҳамма китобфурушлар ҳам, харидорлар ҳам танирди.

Мадраса шоғирдлари китоб кўришни тўхтатиб, фавқулодда истеъдоди Бухорода овоза бўлган ўз тенгдошларига таъзим қилишди. Уламолар, хаттотлар ва бошқа китоб ихлосмандлари унинг саломига баравар алик олиб, ораларида ёш ва табақа тафовути йўқдай суҳбатга киришиб кетдилар. Ҳусайннинг китобга муҳаббатидан фойда кўриб юрган китобфурушлар уни кўришлари билан дўконларидан сакраб чиқиб, ўз молларини мақтаб кетишди.

— Бугун биз томонга ташриф этганингиз жуда яхши бўлди,— деб қувонди Бухоронинг машҳур китобфурушларидан бири Муса семиз.— Кўпгина яхши китоблар топиб

қўйганман, булар ҳаммаси сизнинг ихтиёрингизда. Сизни кутиб, уларни бировга кўрсатганим ҳам йўқ... Сиз қидирган нарсани сотиб қўймай деб қўрқдим...

Ҳусайн дўконга кирди. Муса шошилганча дўконни иккига бўлиб турган гилам тўсиқнинг орқасига ўтиб, сандиқдан бир неча ўров қоғоз, қўтос терисидан муқова қилинган оғир китоблар ва сахтиён муқовали китобчаларни чиқарди. Муса ўз молларини тўхтовсиз мақтаб, уларнинг нархини кўтаришга уринаркан, Ҳусайн китобларни очиб кўздан кечирди. Кўрсатилган китобларнинг аксарияти унга манзур бўлмаса ҳам, баъзиларини танлаб олди ва пул тўлаб дўкондан чиқди. Китобфуруш уни ташқарига кузатаркан, илтифот қилиб тез-тез келиб туришни сўради.

Қош қорайди. Баъзи жойларда чироқ ёқилди. Далалардан кечки салқин шабада эсди. Йигитча, охири Регистонга чиқади-ку, деб биринчи дуч келган кўчага қайрилди.

Тўсатдан, қандайдир пакана, букри бир одамнинг кўримсиз дўконча олдида туриб, уни чақираётганини эшитди.

— Мен ҳозиргина Несадан келдим. Менда кўп қимматли нарсалар бор,— деб шивирлади букри.— Аммо, кўриб турибман, жаноблари фақат китобга қизиқадилар. Менинг дўконимда бу мато ҳам топилади. Мен Бағдоднинг моҳир хаттотлари кўчирган бир неча қуръон ҳам олиб келганманким, уларнинг ҳар бири учун бир динордан¹ тўланса ҳам арзийди. Сизга қуръон керакмасми?— шошилганча сўради букри Ҳусайннинг ижирганиб турганини пайқаб.— Ундай бўлса, сизга бошқа нарсалар манзур бўлар. Қани, марҳамат.

У Ҳусайнни зўрлаб дўконига бошлаб кирди-да, чироқ ёқиб, хон тахтага ўнлаб эски китобларни ёйиб қўйди.

Ундан тезроқ қутулиш учун Ҳусайн икки учта китобни ажратиб оларкан, ўз кўзларига ишонмай, қичқириб юборишига оз қолди. Унинг кўз олдида машҳур шарқ файласуфи Абу Наср ал-Фаробийнинг «Арасту «Метафизика»-сининг шарҳлари» деган китоби турарди. Унинг муқоваси йиртилган, чанг босган бўлса ҳам, Ҳусайн интизорлик билан қидириб юрган китобнинг худди ўзи эди! Ҳусайн букри сўраган пулни дарров тўлаб, кўпдан буён орзу қилиб юрган китобни қўлтиғига қисди-да, тезроқ бориб уни ўқиш учун шамол тезлигида уйига қараб кетди.

Ниҳоят китоб унинг қўлида!

¹ Д и н о р—беш сўмлик олтин пул.

Бутун куз давомида Ҳусайн шу китоб мутолааси билан машғул бўлди.

Бошдан охиригача ёдлаб олинган, лекин ҳанузгача маъноси чақилмаган «Метафизика» эндиликда бошқача янграрди. Арасту китобидаги ҳар бир фикр боланинг кўз ўнгида очилиб равшан бўлар, гўё бировнинг хайрихоҳ қўллари боланинг кўзларини тўсиб турган пардани кўтаргандай эди.

«Ҳақиқий олим мана бундоқ бўлади! — фикрлар хитоб этди Ҳусайн ал-Фаробийнинг йиртилиб кетган китобини миннатдорлик билан варақлаб. — Қани энди мен ҳам, оз бўлса-да, шу улуг донишмандга ўхшасам!»

13

Тун бўйи майда ёмғир томчилаб турди. Саҳарга бориб ёмғир қорга айланди. Шу тариқа икки кеча-кундуз муттасил ёғиб, ҳаммани безор қилди, ерни совуқ бўтқага айлантирди.

Бухоро қиши бошланди.

Ўзига тинч одамлар бола-чақалари билан иссиқ сандалларда роҳат қилиб ўтиришарди. Кўчага чиққанлар гуппи тўн, иссиқ этик ё кавуш-махси, яхши телпақ кийиб чиқарди. Қиш азобини ҳаммадан кўпроқ камбағаллар тортарди. Юпун кийим, йиртиқ-ямоқ пойабзал, ўтинсиз уй — буларнинг қисмати шу эди. Бинобарин, камбағалларнинг кўпинча шу мавсумда ҳаёт билан видолашишлари таажжубланарли эмас.

Тўғри, зотилжам, бод, рабу (бронхит) ва зотилжанаб (плеврит) каби касалликлар бадавлат хонадонларга ҳам ташриф этиб турарди, аммо у хонадонларда қишга мосланган яхши иморатлар, иссиқ кийим ва яхши овқатлар ўлимга йўл бермасди.

Абдуллоҳ хонадонидаги хизматкорларнинг аҳволи, бошқа бадавлат аёнларникига қараганда анча яхши эди. Абдуллоҳ, ёлланган хизматкорларгина эмас, сотиб олинган қуллар ҳам усти бут, қорни тўқ бўлса яхши ишлайди део ўйларди.

Қиш ўртасида ошпазнинг ўғли — отбоқар Али оғриб қолди. Ҳусайн бу қувноқ болани жуда яхши кўрар, шунинг учун тез-тез Алини кўргани борарди. Қишки ошхона ёнига қурилган кичик уйда тўрт жон яшайди: ошпаз Аҳмад, хотини, Али ва кенжаси Раҳмат.

Дастлабки кунлари йигит бурчакдаги юмшоқ тўшакда жимгина ётди. Ҳусайн пайдо бўлиши билан жилмайиб, йўтални тўхтатишга тиришар, уни ёнига чақириб, уйда рўй берган янгиликлар, китоблар ва ёру жўралари ҳақидаги ҳикоясини мароқ билан тингларди. Бироқ Алининг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб бораётганини тажрибасиз Ҳусайн ҳам кўриб турарди. У энди ётиб ором ололмас, қипқизариб, нафаси қисилиб, деворга суяниб ўтирарди.

— Иш чатоқ, кичкина мулла,— шивирлади у, болани орқаваротдан хизматкорлар атаб юрган лақаб билан.— Бугун эрталаб қон олишди, ҳеч нарса наф қилмаяпти... Дадам машҳур табибни чақирди, у берган суюқ доридан томоқларим куйиб кетди... Аҳволим оғир. От ҳадеб мени тепкилиб юрибди... Уни сира эпломмай қолдим. Сиз ёрдам қилинг, кичкина мулла, уни қамаб қўяйлик.

Алининг аҳволи оғир бўлса ҳам, нима учундир Ҳусайн бундай кучли, азамат йигит албатта тузалади, деб ўйларди.

Жуда шилта, совуқ кунларнинг бирида Ҳусайн одатдагидек ошпазникига кирди. Али ярим ҳушсиз ҳолда ётар, лекин юзлари ҳар вақтдагидан осойишта кўринарди. Ҳусайн Алининг ёнига ўтирди-да, касалнинг иситмадан куйиб ётганини кўриб, совуқ кафтини унинг пешонасига қўйди.

— Шундай яхши,— шивирлади Али ва кўзларини юмиб уйқуга кетди.

Ҳусайннинг қўллари дарров терлаб кетди, лекин у беморни уйғотиб қўймай деб қимирлашга қўрқарди. Жуда бўлмагандан кейин у тузукроқ ўтириб, бемор пешонасига бошқа кафтини қўйди. Бироқ Али узоқ ухлолмади.

Уйга пўстин кийган бир одамни бошлаб ҳовлиққан, ҳажонланган Аҳмад кириб келди.

— Мана у, тақсир,— деди Аҳмад ғамгин оҳангда, қўли билан ўғлини кўрсатиб. У Ҳусайнга лоақал қараб ҳам қўймади.

Табиб билан пўстинига шу қадар кўп жой керак бўлдики, унга халақит бермаслик учун Ҳусайн бир бурчакка суқилиб ўтирди.

— Бутун касалликлар табиатнинг ҳаракатидан содир бўлади,— виқор билан гапирди табиб.— Одамга ўт, сув, ер ва ҳаво таъсир қилади. Бири иккинчисига ёрдам қилади ёки халақит беради. Бу йигитчанинг баданида ўт ошиб кетган. Сув, фақат сув унинг баданини ёндираётган алангани ўчиради!— табиб эшитувчига кўпроқ таъсир қилиш нияти-

да паст овозда қироат билан гапирар, кўзларини гоҳ юмиб, гоҳ катта-катта очарди.— Мени илгарироқ чақириш керак эди. У ҳолда бола аллақачон соғайиб кетарди. Унинг тузалиб кетиши учун уч-тўрт пақир сув кифоя эди. Энди уни ҳовузда чўмилтиришга тўғри келади.

Табиб ёруққа қараганда, Ҳусайн унинг семиз мўғулсимон юзи-ю, яккам-дуккам соқолини кўриб қолди. Табибнинг қора, бесаранжом кўзлари гўё совуқ нурини биров пайқамасин деб мудом пирпираб турарди.

— Энг яқин ҳовуз қаерда?— ҳеч кимга қарамай сўради у.

— Кўчанинг охирида, масжид ёнида.

— Уғлингни етакла!

Аҳмад Алининг тепасига бориб энгашганда, у ўрнидан туришга уриниб кўрди, лекин мажоли етмай отасига суяниб қолди.

— Юр, юр, қўзичоғим, ажаб эмас шифо топсанг,— деб чол боласига далда берарди-ю, лекин кўз ёшлари ғамгин юзларини ювиб тушарди.

Табиб эшикни очган ҳамон совуқ шамол нам қорни уйга учуриб кирди. Ҳамма ғужанак бўлди, фақат Алигина совуқ ҳаводан тўйиб нафас олди.

Аҳмаднинг ўзи Алини олиб боролмаслиги ва табибнинг унга ёрдам қилиш нияти йўқлигини кўриб, Ҳусайн сакраб туриб ёрдамга ошиқди. Хонадондаги деярли ҳамма одам тўплангач, кимдир Ҳусайнни шу ҳовлидаги ҳовузчадан фойдаланиш учун рухсат сўрагани отасининг хузурига юборди. Абдуллоҳ қаршилик қилмади, аксинча, табибнинг ҳунарини кўриш мақсадида ўзи ҳам чиқиб келди.

Алини кўйлак ва юпқа чопони билан ҳовузнинг музлаб турган ифлос сувига туширдилар.

Али дастлаб гўё сувнинг совуқлигини ҳам сезмагандек кўринди. У кўзларини юмиб жим ётар, фақат юзигина сқарган эди. Аҳмад эгилиб боласининг бошини тутиб турарди.

Семиз табиб иссиқ пўстинига ўралиб, ғурур билан қарар, ҳадеб вайсар, гўё бой хўжайиннинг диққатини жалб этмоқчи бўларди.

— Совуқ сув ўтдан ғолиб келиши лозим! Аланга намлик ҳужумига бардош беролмай мағлуб бўлади!.. Беморларга шифо топишни бизга ўргатган оллоҳ таоло саломатликнинг хасталик устидан ғолиб келишига ёрдам қилгусидир...

Бир неча минутдан кейин Али гўё ўпкаси оғзига тикилгандек қаттиқ йўтала бошлади.

— Касаллик чиқиб кетяпти,— деди табиб ишонч билан. — Йўталнинг зўридан йигитнинг бутун вужуди ларзага келди. Хазон билан тўлган ҳовузнинг сарғиш сувида енгил мавж пайдо бўлди. Ҳусайн Алининг аянч аҳволига қараб, ҳозир нафаси чиқмай қолади дея ваҳимага тушди. Йўтал пасайди, аммо бемор тўнггий бошлади. Унинг юзлари оқариб кўкараб, совуқдан тишлари такирларди.

— Энди чиқариб олсак бўладими?— умид билан сўради Аҳмад.

— Ҳали эрта, қўйинг, касаллик батамом чиқиб кетсин,— деди табиб бепарволик билан ва ўгирилиб ҳовлидаги иморатларни кўздан кечира бошлади.

Ҳусайннинг фарёд кўтариб, Алини сувдан тортиб олгиси, уни иситгиси, бирор иссиқ нарса ичиргуси келди. Унга қараб Ҳусайннинг ўзи қалтираб кетди. У секингина отасининг олдига бориб, шивирлади:

— Дада, эҳтимол бу ишни бас қилиш зарурдир. Али сувдан чиқмай ўлиб қолади... Табибга айтинг...

— У биздан яхши билади. Сабр қил, ўзиям оз қолгандир...

Ҳовлида одам кўп эди. Аммо таажжуб бир хомушлик ҳукм сурарди. Табибнинг қудратли сеҳридан бири ҳайратда, бири ваҳимада — ҳаммалари жим турардилар.

Али яна йўталди.

— Кўряпсизми, касал ҳали чиқиб кетганча йўқ,— деди табиб голибона оҳангда ва Алининг пешонасини ушлаб кўрди.— Совуқ! Ҳозир бас қиламиз! Ўт сувнинг зўридан ўчди!— У чўнтагидан бир шишани олиб, ичидаги нарсани сувга қўйди. Сув вишиллаб, пуфакчалар ҳосил бўлди.

Табибнинг ишорати билан Аҳмад ва хизматкорлар жиққа ҳўл, бемажол йигитчани сувдан чиқариб олишди. У шу қадар ҳолдан тойган эдики, ҳатто қалтирамасди. Фақат аллақандай бир тўлқин баданида ҳаракат қилгандай бўларди.

Уйда унинг кийимларини ўзгартириб, тўшакка ётқи-зишди.

Отаси Ҳусайнни уйга олиб кетди. Аммо бола туз тотмади. Унинг бутун фикри-зикри Алида эди.

Бирпасдан сўнг у уйдан чиқа солиб, ошхонага чопди. У ерда Алининг укаси Раҳмат маъюсланиб ўтирарди.

— Аҳволи қалай?— ошиқиб сўради Ҳусайн.

— Ўликдай ётибди... Ҳеч нарса билан иситолмаяптилар.

Болалар қош қорайгунча хомуш ўтиришди.

Ошпазнинг уйдан табиб билан Аҳмад чиқди.

— Қонни тўхтатмаслик керак. Қон билан ҳамма дард чиқиб кетади,— вайсарди табиб,— ҳамма нарса худонинг продасига боғлиқ.

Тутун босган қоронғи хонада болалар Алининг Самарқанд қоғозидек оқариб кетган юзини кўришди.

У хириллар, кўкрагида нимадир қулқуллаб, бир тарафга қуюлгандай бўларди. Кўзлари юмуқ, қимтилган лабларидан олдига қўйилган косага қон оқиб турибди.

Ёнида бирдан кексайиб қолгандай букчайиб, оқ соч онаси ўтирарди. Унинг кўз ёшлари ёмғирдай оқиб, боласининг қони тушган косага тўкиларди.

Бу кеча Ҳусайн мижжа қоқмади. У бу ёнидан-у ёнига ағдарилиб кундузи кўрганларини хотирларди. Алининг изтиробдаги юзи, қиш кунининг аччиқ совуғи, муздек ҳовузда чўмилтириш—шуларнинг ҳаммаси унга ором бермасди. Ҳусайн ҳанузгача оғир касални кўрмаган, унга иши тушмаган эди. Ҳанузгача ҳаким ва табибларнинг даволаш тартибларига разм солиб кўрмаганди. Бугун анови қабиҳ табиб айтгандай, одам баданидаги қувватнинг ер, сув, ўт ва ҳаво билан алоқаси ҳақида ҳеч қандай тасавури йўқ эди, аммо, бундай бўлмаса керак, деган беомон шубҳа юрагини кемирар, унга сира ором бермасди.

Бугун бўлиб ўтган воқеаларни қайта-қайта хотирлаб: «Қани энди мен ҳам одамларни даволай олсам» деб ўйларди Ҳусайн.

Илк саҳардаги йиғи овози болани чўчитиб юборди, лекин ҳайратга солмади. Бу — кеча Али кўрган азоб-уқубатнинг мантиқий, қонуний интиҳосидай туюлди.

Бу йилги қиш серёгин ва узун бўлди. Одатда офтоб қизиб, дала ишлари бошланадиган ҳамал ойида ҳам ёмғир қуйиб, нам қор ёғиб, ҳаммани безор қиларди. Кечалари ер музлар, ҳатто яхши уйларни ҳам нам, рутубат босганди. Бутун Бухоро шамоллаш касалининг кулфатидан азоб чекарди. Йўталга гирифтор бўлмаган, хирилламаган, зотилжам кирмаган хонадон камдан-кам топиларди.

Қишнинг охирига бориб Маҳмуд ҳам ётиб қолди. Касаликнинг биринчи кунидеъ Абдуллоҳ машҳур Малик табибни чақирмоқчи бўлди, бу ўша Алини «даволаган» табиб эди.

— Алининг касали вақтидан ўтиб қолганди,— деди у эътироз билдирган оила аъзоларига.— Агар олди олинса, Маҳмуд тузалиб кетади.

Хусайн укаси Маҳмуднинг ҳам Алидек музлаган ҳовузда чўмилишини, совуқ шамолда йўталаб туришини, охири оғзидан қон оқиб мадорсизланишини кўз олдига келтириб, юраги орқасига тортиб кетди. У ёш, бақувват отбоқарнинг ҳалокатига табибнинг нотўғри муолажаси сабаб бўлганини жуда яхши сезганди.

— Дада,— гапга аралашди у,— сиздан ўтиниб сўрайман, табибни чақира кўрманг, у укамни ҳалок қилади!

— Беҳуда гапларни қўй. У табиб озмунча беморни даволагани йўқ.

— Яна қанчадан-қанча беморнинг ҳаётига зомин ҳам бўлди-ку!..

— Демак, оллоҳнинг иродаси шундай..

— Агар оллоҳнинг иродаси шундай бўлса, у ҳолда умуман даволашнинг ҳожати йўқ эди... Кимнинг умри боқий бўлса соғайиб кетар, кимнинг ажали етган бўлса, мана бу нодон табибнинг қўлида азоб чекмай ўлиб кета берарди. Шундай экан, нима учун биз Маҳмудни бу азоби алимга қўйишимиз даркор? Уни худонинг паноҳига ҳавола қилганимиз маъқул эмасми?

Хусайннинг далиллари отасини довдиратиб қўйди.

— Сенингча Маҳмудни табибга кўрсатмаганимиз маъқулми?

— Бу менингча эмас, сизнингча бўляпти, дада,— деди Хусайн,— борди-ю, менимча бўладиган бўлса, табибни эмас, пулни аямай, бирор олим ҳакимни чақариш керак...

Кечки пайт Абдуллоҳ уйида амир Нўҳнинг сарой ҳакими Абул Мансур Қамарий пайдо бўлди.

— Тўғри, ўтга сув қуйилади,— деди у Маҳмудни кўриб бўлгач, кулимсираб,— фақат ҳовузнинг музлаган сувидан эмас, бемор баданидаги мавжуд сувдан. Болани аҳтиёт қилинг. Шамоллашга зинҳор йўл қўйманг, иссиқ тутинглар. Еттинчи куни касал зўраяди. Шунда биз боладан тер чиқаришга уриниб кўрамиз. Тер билан касал ҳам чиқиб кетади. Бу зотилжамнинг оғир шакли, унинг ёнидан жилмай, қараб туриш зарур.

Хусайн ҳақимнинг айтганларини бажо келтириб, Маҳмуднинг олдидан бир қадам ҳам жилмади. Қамарий Хусайннинг зийраклиги ва фаросатини кўриб, ҳайратда қолди. Унинг ёшидаги йигитчаларнинг камдан-ками касалга қарашдек зерикарли ишга қобил бўлади.

Қамарий Маҳмуднинг тез ўзига келиб, соғая бошлашида дори-дармондан кўра касал олдидан жилмаган бу ниҳолдек нозик ва жиддий йигитчанинг хизмати кўпроқ эканини кўриб турарди.

Қамарий охириги марта бу хонадонга келганда, Абдуллоҳга бундай деди:

— Катта ўғлингиз шунқор йигит экан! Унинг ёрдами бўлмаганда Маҳмуднинг касали нима билан тугашини худо биларди...

Бу сўзлар Хусайнни шундай қувонтирдики, у ўз ҳаётини табобатга (медицинага) бағишлаб, келажакда ҳақим бўлишга аҳд этди. «Одамларга ёрдам қилиш энг катта бахт,— ўйлади йигитча.— Агар мен даволашни билганимда Али тирик қоларди...»

Хусайн ҳозирги қарорини шеърга солмоқчи бўлди. У биринчи рубойисини тез-тез такрорлар ва ичида андак қувониб юрарди, аммо ҳозир:

Қаттол душманинг касаллик, ҳақим...—

деди-ю, бошқа мисралар сира қовушиб келмади. Эҳти мол бунинг сабаби Хусайннинг ҳақим бўлиш нияти ҳали у қадар қатъий тусга кирмагани, бу соҳанинг унга бегоналигидадир.

Хусайннинг бахтига оилада бошқа касаллик рўй бермади, у ҳам ўзи сезмаган ҳолда бошқа фанларга берилиб кетди. Ҳозир у Афлотун ва Арасту фалсафасини ва уларнинг талқинчиларини ўрганиш билан банд эди. Бунинг устига Бухорога машҳур фиқҳ¹ олими келиб қолди. Албатта унинг дарсларини тинглаш лозим эди. Табобатни эса ҳозирча қўйиб туришга тўғри келарди.

15

Хусайн кейинги вақтларда, гўё савдойидек, ҳамма нарсаи унутиб, кечаю кундуз ўқигани ўқиган эди. Баҳор ва

² Ф и қ ҳ—қонуншунослик.

ёз ойлари шу тариқа ўтди. Бола ўз хонасининг эшикларини бекитиб, кун бўйи китобдан бош кўтармасди. Кечалари ҳам алламаҳалгача кичик деразасидан шамнинг заиф нури кўриниб турарди. Атрофидагиларнинг ташвиш билан айтган гапларини эшитганда, у жилмайиб китобдан бош кўтарар, лекин чеҳрасида на хасталик, на ҳорғинлик аломати сезилмасди.

— Ҳусайн, болагинам,— дея ёлворарди онаси,— бундай қилаверсанг ўзингни ҳалок қиласан. Юзларинг заффарондек саргайиб кетди. Уканг Маҳмудни қара, шулар билан овга чиқсанг, тенгқурларинг билан ўйнаб-кулиб юрсанг бўлмайдими? Ҳеч бўлмаса бориб бобонгни кўриб кел. У невараларини соғиниб, бир кўришга ташна бўлиб юрибди...

Ҳусайн онасининг сўзларини эҳтиром билан эшитар, ammo ўйин-кулги ҳақидаги таклифларини қатъият билан рад этиб, яна мутолаага киришарди.

Нима бўлди-ю, бир куни Солиҳ келиб, Ҳусайнни бир-галлашиб овга чиқишга кўндирди. Маҳмудни қистаб ўтиришга эҳтиёж йўқ эди, у бу таклифни мамнуният билан қабул этди.

Шундай қилиб, куз кунларининг бирида, шаффоф ҳарир туман саҳро сатҳида энди эрий бошлаган илк саҳарда Навбахор дарвозасидан бир тўда суворийлар чиқиб кетишди. Олдинда Солиҳнинг отаси билан тоғаси ўз дўстлари билан, катталарнинг кетидан Солиҳ ёру жўралари билан борарди. Ҳаммалари чопон остидан енгил совут кийиб олганлар, елкаларида эса овбоп ёй-камалак. Ҳар бир овчининг қўлида лочин, қушларнинг бошларига чарм қалпоқчалар кийдирилган, хўжайинларнинг орқасидан қўшимча қурол-яроғ олиб хизматкорлар, уларнинг кетидан озиқ-овқат ва палослар ортилган туялар борарди.

Қиём пайтда бир манзилга етиб олишди. Бу якранг, зериқтирувчи чўлда сира кутилмаган серсоя, хушманзара водийча эди. Хизматкорлар дарров бир четга чодир тортишди, хўжайинлар кечки салқинни кутиб дам олиб ётишди.

Болалар эса чакалакзорга кириб кетишди.

Бу воҳага жон киргизиб турган қудрат шу ердан отилиб чиққан мусаффо булоқ суви-ю, шу тиниқ сув билан тўлиб-тошган ҳовуз эди. Унинг атрофида ўсган муаззам қайрағоч, ёнғоқ, ўрик ва бодом дарахтларининг яшил япроқлари ерга тангача офтоб туширмасди. Чўлда ўтлар аллақачон қовжираб кетган бўлишига қарамай, бу сернам,

салқин жойда ажриқ ҳамон кўм-кўк кўкариб турарди. Булоқдан чиққан сув қирғоқларига қатор толлар экилган ариқдан оқиб, жарлик бўйлаб узоқ-узоқларга кетар, ниҳоят барханлар орасига сингиб йўқоларди.

Булоқ ёнидаги адирликда қад кўтарган Мустафо авлиёнинг мозорига икки мўйсафид ҳам посбонлик, ҳам шайхлик қиларди. Воҳанинг бир четида, саксовул ва жийдалар орасида бир-иккита кулба кўринарди.

Водийни кесиб текис йўл ўтган. Бу ерда карвонлар тўхтаб дам олади, от ва туяларни суғорадилар, шаҳарлик сайёдлар ҳам тез-тез келиб туришади. Келувчиларнинг ҳеч бири бу ерда ётган авлиёнинг арвоҳини йўқламай, шайхларга бирор танга садақа бермай кетмайди.

Камоли семизлигидан аранг нафас оладиган бир шайх болаларга, бу ерда ётган авлиё савдогарлар ва овчиларнинг пири, унинг арвоҳи мадад кутганларни ноумид қолдирмайди, бахтсизликдан, омадсизликдан ва ёмон кўздан асрайдди, деб тушунтирди. Шайх болаларга шу қадар суллоҳлик билан қарардики, улар ночор қолиб, унинг косасига чақа ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.

Кун ботиш олдида катталар чодирдан чиқишди. Ов бошланди. Садақа олган авлиёнинг арвоҳи қўлладими, ёки қизиқиб кетганиданми, ҳарнечук, Ҳусайн ўзи кутмаган ҳолда китоб ва илмий машғулотларни батамом унутиб, моҳир овчидай буталар остига яширинганча, қўйиб юборилган лочинларнинг ўз қурбонлари устига ташланишини нафас чиқармай кузатар, эпчил хизматкорларнинг лочинлар чангалидан илвасинларни ажратиб кажавага солишларини тўлқинланиб томоша қиларди.

Қош қорайганда хизматкорлар чодирлар олдида гулхан ёқиб, семиз илвасинларни сихга тортиб пишира бошладилар. Чўққа ёғ томиб жизиллар, аланга оларди. Ҳамма ёқни кабоб ва чўл кўкатларининг хушбўй ҳиди тутиб кетган эди, шу он гиламда чўзилиб, тимқора осмонга тикилиб ётиш жуда кўнгилли эди.

Эртасига ҳаммалари илк саҳарда туришди. Ҳали совуқ эди. Ҳусайн муздек сувда ювиниб жунжикиб кетди. Овчилар гуруҳларга бўлиниб, турли томонга тарқалишди. Илвасинлар, тустовуқлар шу қадар кўп эдики, ҳатто уларни қўл билан ҳам тутса бўларди. Ёз бўйи донлаб семирган дала қушлари ялқовланиб, қочиб эринарди.

Ҳусайн бирга борган гуруҳ манзилга барвақт қайтиб келди. Ёнларига илвасинлар осиб олган мамнун ва қувноқ

овчилар чодирга етаёзганда, узоқда бошқа суворийлар кўринди.

— Ана, яна бир гуруҳ қайтиб келмоқда,— деди Хусайнга ҳамроҳларидан бири.— Афтидан ҳамманинг ови юришган кўринади.

Суворийлар яқинлашганда Хусайн разм солиб қараса, улар илвасин эмас, икки отда кимнидир олиб келишарди. Чодир ёнида хизматкорлар арқон ва қавзоқдан тўқилган замбарни оҳистагина ерга туширишди. Хусайн чопганча бориб Солиҳнинг оппоқ оқариб кетган юзларини кўрди, унинг кўзлари юмуқ эди. Хусайн дастлаб уни ўлган деб гумон қилди, бироқ ўртоғининг енгил инграганини эшитиб, бу фикрдан қайтди. Маҳмуд отдан туша солиб, акасига воқеа қандай рўй берганини уқтира кетди.

— От ариқдан сакраганда Солиҳ йиқилиб тушди. Унинг оёғига бир нарса бўлди шекилли, нима қилишни ҳам билмайман. Бухорога олиб боришга вақт кеч, қоронғи тушгунча етиб бориб бўлмайди, бунинг устига сал ҳаракат унинг жонига жабр. Бир одамни отасининг ҳузурига, яна бирини табибга юбордим, бироқ Абу Солиҳдан дарак йўқ, табибни эса эртага қиёмдан кейингина кутиш мумкин. Хусайн, Хусайн! Нима қиламиз?— қаттиқ уҳ тортиб бошини ушлади Маҳмуд.— Унинг оёғига бир қара-чи, Хусайн, балки нималигини биларсан. Ахир, сен илми ташрихга¹ оид нарсаларни кўп ўқирдинг-ку!

Солиҳ билан Маҳмудни назорат қилиб юриш топширилган икки тоғаси Хусайнга илтижо билан боқарди. Гўё ягона халоскор мана шу йигит эди уларнинг назарида.

Қаттиқ хижолатда қолган Хусайн ўзини осойишта тутишга ҳаракат қилиб, аввал Солиҳни чодирга олиб киришни буюрди. Сўнгра ўткир овчи пичоғи билан этик ва чолворни кесиб, Солиҳнинг шишиб кўкарган оёғини очиб кўрди, уни товонидан юқорига қараб беозор силаб-сыйпалади; оёқ синмаган, қўймичидан чиқиб кетган эди. У ўзи ўқиб чиққан бир тиб китобини эслади, унда оёқ чиқишининг мана шу хили ҳақида баҳс юритилиб, бу камдан-кам учрайдиган нарса, бундай чиққан суякларни ўз ўрнига солишнинг махсус йўли бор, дейилган. Китобда, икки оёқни учидан боғлаб, сўнгра уларни имкон борича кериб, орасига ёўлага ўхшаш бир нарса қўйиш маслаҳат берилган. Аммо бу ишнинг қандай қилиниши аниқ кўрсатилмаган. Аф-

¹ Илми ташрих — анатомия.

тидан, муаллифнинг ўзи ҳам буни билмаган, бунинг устига Ҳусайн ҳам у вақтда бу ишга алоҳида эътибор этмаганди.

«Хаёлда эмас, амалда одамга ёрдам қилишим мумкин бўлган яна бир пайт келди. Агар мен ҳаким бўлганимда уни қандай тузатишни билар, қандай қилиб оёққа бостириш қўлимдан келарди,— хафа бўлиб ўйлади Ҳусайн,— бироқ мен одамга фойда келтирадиган фанлардан кўра бошқа фанларга кўпроқ вақт сарф қилдим».

Солиҳ нолиш қилар, Ҳусайн эса хаёлга фарқ бўлиб, унинг ёнида хомуш ўтирарди. У тўсатдан сакраб турди-да, овчилар тутиб келган беданалардан бирини олиб, патларини юла бошлади. Патлар ҳар томонга учиб, гилам устига тушарди. Ҳусайн астагина бедана оёғини қайириб чиқарди-да, уни қайта жойига солишга уриниб кўрди. Дастлаб бу ишдан ҳеч нарса чиқмади. Икки панжаси билан оёқни бўгин остидан тутиб туриб, яна бир уринган эди, бедананинг чиққан оёғи ўрнига тушди.

«Шошма,— деб ўйга толди Ҳусайн,— Солиҳнинг оёғини икки панжа билан ушлаб бўлмайди-ку! Борди-ю, оёқларини кериб кўрсак-чи?..» Шу йўсин билан чиққан суякни жойига солиш осон, бироқ ўлик бедана оёғида синаб кўрилган тажрибани тирик Солиҳнинг оёғига татбиқ қилиш қандай бўларкин?

— Маҳмуд!— деб қичқирди Ҳусайн укасига қараб.— Шу дўнгликларда ҳар хил ҳайвонларнинг ини бор. Бир амаллаб менга бирорта жониворни, юмронқозиқми, шунга ўхшаш бирор нарсани тутиб кел, лекин тириклайин, тезроқ бўл!

Маҳмуд икки хизматкор билан дўнгликка қараб чопиб кетди. Ярим соатдан сўнг у Ҳусайнга сап-сарик, қўрқиб қалтираб турган кичкина юмронқозиқни келтириб берди, овчилар уни эски, синашта усулда, яъни инига сув қуйиб тутганлари учун боёқиш жонивор жиққа ҳўл эди.

Ҳусайн бу жониворни чодирга обориб, унинг нозик бўғинларини анчагача силаб кўрди. Кейин унинг орқа оёғини қисиб қайирмоқчи бўлди. Жониворнинг жони оғриб, чийиллаб Ҳусайннинг қўлини тишлади. Буёдай бўлишини кутмаган Ҳусайн қўрқиб, қўлларини очиб юборди, юмронқозиқ қўлдан чиқа солиб гилам остига яширинди. Ҳусайн уни ушлайман деб ўткир тишларнинг заҳрини яна бир бор тотиб кўрди. Шундан сўнг бу кичкина махлуқни дастрўмол билан боғлаб қўйишга тўғри келди.

Хусайн унинг устига энгашиб, яна оёғини бўғиндан чиқаришга уринди, бироқ бўлавермади, у қаттиқроқ босди, бирдан қўллари остида бир нарса қирсиллагандай бўлди, жонивор чийиллаб юборди, Хусайннинг қўлида унинг синган оёғи осилиб қолди.

Хусайн чўчиб кетди.

— Шўрлик!— деб пичирлади у ранг-қути учиб.— Энди сени даволаш лозим бўлиб қолди.

Хусайн дарров иккита ёғоч топиб, юмроннинг оёғини таранг тортиб боғлади. Жонивор эса дард тўла кўзлари билан унга боқиб ҳамон чийилларди. Юмронни чодирнинг бир бурчагига, ўзи ва Маҳмуд ётган ерга обориб ўтирдида, ярим ҳушсиз ётган ўртоғига қараб ўйга толди.

«Қандай қилиб бунга ёрдам берсам экан,— беомон фикр унинг юрагини пармалар, у ҳозир ҳар қандай тажрибани ўзида қилиб кўриб, Солиҳни тузатишга тайёр эди.— Мана бундай қилсак-чи?— деди Хусайн бошига келган фикрни бир шаклга солиб. Ҳаммаси ҳам тўғридай туюлганди, бироқ юмрон оёғини чиқараман деб синдириб қўйиши уни шу қадар чўчитиб юбордики, у жуда аҳтиёткор бўлиб қолди.— Бизнинг бошқа чорамиз йўқ, дадил бўлишимиз лозим»,— деб аҳд қилди ва чодирдан чиқиб кетди.

Чодир олдида хизматкорлар Абу Солиҳни кутиб, турли-туман овқатлар пиширишар, бироқ ёш хўжайиннинг тўсатдан бундай бахтсизликка йўлиқиши ҳамманинг таъбини хира қилиб қўйганди. Бинобарин, одатда қий-чув билан бўладиган бу ишда ғайри-табiiй бир сокинлик ҳукм сурарди. Солиҳнинг ёш тоғалари барглари сарғайган дарахт соясида ўтирар, уларнинг ёнида Хусайн гуруҳидаги овчилар туришар, ҳаммалари овоз чиқармай, гўё бировнинг уйқусига халақит беришдан қўрққандай, пичирлашиб гаплашардилар. Узоқ уфқда қандайдир қора нуқталар пайдо бўлди. Бошқа овчилар тўпланаётганга ўхшайди.

— Менга қара,— деди Хусайн хизматкорлар бошлиғига,— Солиҳ минган отни обориб бир четга боғла, унга сираям сув бера кўрма, фақат икки-уч ҳовучдан шўр арпа едир. Эшитяпсанми? Эҳтимол ўшанда хўжайиннингни даволай олармиз.

Хусайн ўйлаган йўл қалтис эди, аммо Солиҳнинг эндигина етиб келган отаси ўғлининг оғир аҳволини кўриб, бу таваккалга рози бўлди.

Кечаси билан ҳаяжонланиб ухламай чиққан Хусайн эрталаб хизматкорларга Солиҳни кўтариб келиб, отга минди-

риб қўйишни буюрди. Йигитчанинг нолишлари ва ўзидан кетиб қолишига қарамай, хизматкорлар буйруқни бажо келтиришди. Ташвишдан ранг-қутн учган Ҳусайн Солиҳнинг оёқларини отнинг кечаси билан очиқиб салқиган қорнига боғлади. Кейин хизматкорларга, отга сув беринглар, деб буюрди. Камоли ташналикдан мажоли қуриган от суви шундай ичдики, қўйиб берса қудуқни қурутгудек кўринарди. Хизматкорлар мешларда тўхтовсиз сув ташиб турдилар. Сув ичган сари отнинг қорни кўтарилиб, Солиҳнинг оёқлари аста-секин керилиб, тўғриланиб борарди. Ҳусайн отнинг ўнг томонида, ўртоғининг чиққан оёғи ёнида туриб, уни диққат билан кузатиб турарди. Отга яна икки меш сув беришгач, у сонни хиёл босган эди, қирс этган товуш эшитилди. Ҳусайн хўрсиниб юборди: бўғин жойига тушганди!

Ҳусайн Солиҳнинг оёқларини ечиб, хизматкорларга, ёш хўжайинни обориб жойига ётқизинглар, деб буюрди-ю, ўзининг ҳам ўлгудек чарчаганини ҳис этди. Солиҳнинг ёнгинасига, жойига бориб ётган ҳамон қотиб ухлаб қолди.

У қулоғи тагида шивирлаган овоздан уйғонди.

— Парвардигори олам бу йигитга ўткир ақлу идрок ато қилган,— таниш овоз эшитилди Ҳусайннинг қулоғига.— Бундай оддий усул ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Мен бу боланинг олдида таъзим қилишим лозим. Қаранг, Абу Солиҳ, ўғлингиз фароғатда ётибди. Унинг оёғи қуймичидан чиққанига ишонгинг келмайди. Иситма деярли сезилмайди.

Ҳусайн кўзини очиб, сакраб туриб таъзим қилди.

— Яхши ухладингми?— эркалаб ҳол сўради Абу Солиҳ. Касал устида энгашиб турган новча, барваста одам эса (бу Бухоронинг машҳур ҳакими Абул Мансур Қамарий эди) Ҳусайнга ўгирилиб, унинг елкасига қоқиб туриб деди:

— Сенинг қандай ҳушёр ва қобил йигит эканингни иккинчи дафъа кўриб турибман, Ҳусайн. Менинг олдимга келиб ўқи, болам. Табобат борасида нимаинки билсам ҳаммасини сенга ўргатишга тайёрман. Шундай хуш идрок шоғирд менинг ишимни давом эттиради деб фахрланаман.

Қамарийнинг Ҳусайнни ўз мактабига таклиф этиши унинг учун зўр шараф эди. Зотан унинг шоғирдлари қато-

рига киришни ўзини табобатга бағишлаган ёшларнинг кўпи орзу қиларди. Қамарий ҳақим ва муаллим сифатида Сомонийлар давлати хорижида ҳам маълум ва машҳур эди.

У бадавлат ва муътабар хонадоннинг вориси бўлиб, Искандария ва Бағдодда ўқиди, Шарқнинг машҳур ҳақимларидан таълим олди. Ҳали қирқ ёшга тўлмай, моҳир жарроҳ бўлиб танилди, унинг табобатга онд асарлари тиббий мактабларда ўқитиларди.

Хусайн Қамарийнинг таклифидан мамнуният билан фойдаланди.

Алининг маънисиз, бемаҳал ўлимидан Хусайн ҳануз изтироб чекарди: йигитнинг ҳалокатига сабаб нима, тиббнинг нодонлигими ёки оллоҳнинг иродасими? Бу омонсиз савол унинг вужудини шундай қамраб олгандики, Қамарий таклиф этмаган тақдирда ҳам эртами-кечми бориб, тиб илмини ўрганиши муқаррар эди.

Тиб илми унга оғир туюлмади. Муаллимнинг раҳбарлигида, бошқа шогирдлар билан биргаликда у Буқрот Ҳақим (Гипократ) ва Жолинус (Гален)нинг содда, ҳаммабоб тилда ёзилган асарларини ўқиб чиқди, юнон ҳақими Алкмеон китоби асосида илми ташрихни ўрганди, муаллими касалларни кўргани борганда у ҳам бошқалар сингари устози билан изма-из юрди.

Бухороликлар ҳар қуни эрталаб мана бундай бир манзарани кўришлари мумкин эди: барваста, ясанган Қамарий ҳар хил қабилаларга мансуб, одмигина кийинган шогирдлари олдида юриб боради. Уларга дуч келган йўловчилар четга чиқиб, Бухоронинг тор кўчаларида уларга йўл бериш учун аравалар деворларга қисилиб тўхтади. Йўловчилар эҳтиром билан қўлларини кўкракларига қўйиб, таъзим қилиб ўтишади.

— Улуғ ҳақим келяпти!— дейишади шаҳарликлар бир-бирларига қараб.

«Улуғ ҳақим» эса, ҳеч нарсага эътибор қилмай, тиб илмининг ҳали шогирдларига номаълум саҳифаларини шарҳлаб, уқдириб бораверади. Йўлда бошланган бу дарс Бухоронинг кичкина касалхонаси «Доруш-Шифо»га етганда тўхтади.

Касалхонанинг узун, пастак биноси майдоннинг уч тарафига чўзилган бўлиб, унинг ўртасида қад кўтарган енгилгина ёғоч болохонада шу ернинг хизматчилари яшарди. Уч катта хонанинг эшиклари кўкаламзор майдонга қараб очилар, у ерга азим тут дарахти соя ташлаб турарди.

Тут остида баланд супа. Ёзда «Доруш-Шифо»нинг ичига сифмаган касалларни шу супага ётқизишарди.

Ҳусайн касалхонанинг қайси бўлмасига қадам қўймасин, димоғига «гуп» этиб бемор баданининг нохуш ҳиди уриларди. Ўзига тинч одамлар пул тўлаб ётган катта, ёруғ бўлмада ҳам, камбағаллар ётган пастак, димиқ бўлмада ҳам чечак, зотилжам, юрак буруқ, ҳатто жарроҳ пичоғига муҳтож касаллар ёнма-ён ётишарди. Учинчи — кичкина хона хотинлар учун ажратилган эди. Қамарий бу бўлмага шогирдларидан навбатчи қўймасди.

Танла дейишса Ҳусайн ҳаминша иккинчи бўлмани сўрарди. У ерда касаллар кўп эди. Камбағаллар даволаган ҳақимга ҳеч нарса тўлашмас, бирор нарса совға қилишмасди.

Қамарий ўз ёрдамчиларига жуда кўп вазифалар топширар, зарур нарсаларнинг барини ёдда тутиш учун ўткир хотира лозим эди. Шогирдлари орасида фақат Ҳусайнгина касалхонанинг ҳамма ишларига улгурар, ҳеч нарсани унутмай, ҳаммасига кўз-қулоқ бўлиб турарди.

Касалларнинг ҳар бири, ёнидаги шериги сингари, оғир ва хатарли бир дарднинг аламини тортарди. Бири терламага гирифтор бўлиб иситмада ёнса, бошқаси санчиққа чиқолмай қорнини ҳовучлар, учинчиси умуртқаси майишиб, дарднинг зўридан нурсиз кўзлари билан умидсиз боқар, унинг ёнгинасида эса бадбўй ҳид таратиб, яна бири оккулдан (гангренадан) ўларди. Тери касаллигига гирифтор бўлганларга қарашнинг ўзи даҳшат эди. Тери сили билан оғриганларнинг ейилиб кетган баданлари, тажовузкор ўсма (рак) касали, пашшахўрда (пенденка)га йўлиққанларнинг битмайдиган яралари Ҳусайндан кўра тажрибалироқ одамни ҳам ваҳимага соларди.

Фақат гиёҳвандлар, бангиларгина хомуш, ҳаракатсиз ётардилар. Ҳар томондан келиб турган савдогарлар шаҳар аҳолисининг анча қисмини қора дори ва гашишга¹ ўргатиб қўйишган эди. Бу оғудан заҳарланганларнинг шикоят қилиши, асабийлашиши, хархаша даврлари дарҳол ўтиб, ҳаракатсизлик, лоқайдлик даври бошланарди. Юзларнинг қўрғошин тусига кириши, иштаҳанинг бўғилиши, уйқусизлик, иродасизлик, ҳаракатсизлик ва ниҳоят ўлим—қора дори ва гашишга берилганларнинг бирдан-бир қисмати эди.

Ҳусайн касалларнинг ҳар бирини дастлаб муаллим

¹ Гашиш—наша.

ўргатган усулда даволашга уринар, бу усул наф қилмаган тақдирда ўзи йўл қидирарди: китобларни кўздан кечирав, шерикларидан сўраб-суриштирав, ҳатто табиб ва қишлоқ примчиларининг тутган йўл-йўриқларини ҳам эътибордан четда қолдирмасди. Қамарий йигитга халақит бермасди. Чунки у Маликка ўхшаган нодон жодугарлардан кулиб, халқ ўзи шундай дорилар тўплаган, шундай муслажа йўлларини топганки, уларга ҳавасинг келади, фақат ҳақиқий тажрибани фирибгарликдан фарқ этмоқ керак, деб шогирдларига бир неча бор айтган эди.

Хусайн дори тайёрлашга ҳам киришиб кўрди.

Илгари касалхонада Қамарийнинг ёрдамчиси кекса юнон дори тайёрларди. Бироқ, унинг бошқа ишлари ҳам бўлиб, дори тайёрлашга унча эътибор қилмасди. Бинобарин, Хусайн бу ишни ўз зиммасига олди. У беморга нима фойда қилди, қайси дори кучли таъсир этди, қайсиниси вақтинча фойда берди, узоқ таъсир этгани қайси бўлди—мана шуларни диққат билан мушоҳада этиб, ўрганиб борарди. Дорининг таъсири номаълум бўлиб, миқдори таваккалига тайинланган чоғларда Хусайн уни бирор ҳайвонда тажриба қилиб, ташналик билан натижасини кутарди.

Хусайн пайқадик, беморларга доридан ташқари тоза ҳаво, дори қўшилган илиқ сувда ётиш ва парҳез овқат фойдали экан, ҳаммадан ҳам турмуш шароитини яхшилашнинг фойдаси кўп экан. Агар касалхонада бемор уйдига нисбатан тинч, хотиржам ётса, соғайиши осон бўлади, борди-ю, ташвиши ортса, нотинч бўлса, аксинча, касалнинг оғирлашишига олиб келади.

Хусайн ўз мулоҳазаларини устози Қамарийга арз этди. У бир лаҳза ўйга толиб, сўнгра йигитнинг елкасига қоқиб туриб, деди:

— Кузатиб юр, болам, кузатиб юр! Бизнинг ишимизда ҳали жуда кўп нарса равшан эмас, ўрганилмаган, ноаниқ. Кимки табобат илмига ўз мушоҳадаларини қўшса, одамларга ёрдам қилган бўлади.

Хусайн касалхонадалигида бир неча бор шундай беморларни олиб келишдики, улар шошилишча ёрдамга муҳтож эдилар. Бундай онларда унинг фаросати ва билими шарофатидан неча жонлар ўлимдан омон топдилар. Шунингдек, Хусайннинг қўлида талайгина одам жон бериб, уни бу маъшум ҳодисанинг сабаби ҳақида ўйлатиб қўйди.

Шогирдининг бу ҳолдан ғам-ғуссада қолганини кўрган Қамарий унга тасалли берди:

— Қайғурма, камбағаллар ҳақимга кўпинча оғир ва зиятда мурожаат қилишади. Улар дастлаб азойимхон ва бахши-қушночларга қаратишади, уларнинг им-димлари касални баттар қилади, бизнинг «Доруш-Шифо»га келгач, бирдан мўъжиза кутишади, ҳолбуки ҳаётда мўъжиза бўлмайди. Агар беш бемордан бирини даволай олсак, шунинг ўзи катта бахт.

— Ҳеч қачон даволашни ўрганолмайман, шекилли! Чунки жуда оз нарсани биламан!— деди умидсизлик билан Ҳусайн.

— Модомики худованди карим одамга касални билиш учун фаросат берган экан,— деб уқдирди Қамарий,— одам тажриба орқали уни билимга айлантириб юборади. Сенинг фаросатинг ўткир, Ҳусайн. Баъзан мен бундан сўнг сенга нима ҳам ўргатаман, деб ўйлаб қоламан. Ахир, ёш тулпор қари отни қувиб ўтади-да.

Тез фурсатда Ҳусайннинг ўзи ҳам Қамарий нимаики билса барини ўргатиб бўлганини, бундан кейин ҳамма нарсани унинг шахсий кузатувчанлигига, ўқиши лозим бўлган китобларга, тўплаши зарур тажрибаларга боғлиқ эканлигини тушунди. У тез-тез шундай тасодифларга дуч келардики, уларнинг сабабини на устози, на ўзи биларди. Ҳусайн Қамарийнинг, табобат аҳлининг муҳим фазилати унинг ҳассослигида, деган тасдиқи ҳам янглиш эканини пайқаб қолди. У эски бир китобдан қадим замон ҳақимларидан бирининг: «Фаросатга эмас, касалликнинг нишонларини кузатишга умид боғлаш лозим» деган фикрига дуч келиб, бу фикр Қамарийнинг тасдиқидан ишончлироқ деб билди.

Касалликларни, уларнинг нишонларини мустақил равишда ўрганиш, янгидан-янги дорилар излаш зарур — Ҳусайн ўйлаб-ўйлаб мана шундай хулосага келди. Ҳозирча эса, унинг ҳали камол топмаган касби одамларга фойда келтираётганини кўриб, қаерга чақиринса шу ерга мамнуният билан бораверарди. Камбағаллар бойлар билан баравар унинг ёрдамига кўз тутиши мумкин эди. Бухороликларга азоб бераётган энг оғир касалликлардан ҳам Ҳусайн жирканмас, ҳазар қилмасди, камбағаллар яшайдиган тоғ хулбалар, шаҳарни ботқоққа айлантирган лой, чанг, ҳовузларнинг сарғайиб қурт босган ифлос сувлари тез-тез юқумли касалликларнинг тарқалиб кетишига сабаб бўларди. Аммо ўн беш яшар Ҳусайн ибн Сино қимматбаҳо либосларининг кир бўлишидан қўрқмай, қандайдир вайрона

кулбаларда юриб, бахтсиз болаларни ажалнинг беомон панжасидан қутқазиб оларди.

Ҳусайн ўзини қаерга қўйишни билмай, ўз хонасида тинимсиз айланар, ўтириб кўрар, қаламини қўлга олар, китоб варақларди... У Буқрот Ҳақимнинг титилиб кетган катта китобини юзинчи бор ўқиб чиқарди. Бу китобни ёддан билса ҳам, яна ўзига керак бирор янгилик чиқмасмикан дея умид қиларди. Китоб ҳикматли сўзлар билан бошланарди: «Кимни дори тузатмаса, ўт тузатади; кимни ўт тузатмаса, пичоқ тузатади; кимни пичоқ тузатмаса, ўлим тузатади». Бу афоризмни кўп ҳақимлар кўчириб, кўз-кўз қилишларини йигит биларди, бу уларнинг масъулиятларини бир даража камайтириб, виждон азобини енгиллаштирган. Аммо Ҳусайн ўзини масъулиятдан халос этиб, виждон азобидан қутулмоқчи эмасди.

У ҳамма нарсани билишни, ўз кучига ишонишни истарди. Қамарий ундаги интилишни болалик хархашаси деб, оталари билмаган нарсаларни барибир у ҳам билолмаслигига ишонтиришга уринар, унинг майлини қайтарарди. Шогирд эса, ўз қанотларини ёзиб, мустақил парвоз қилишга интилар, чунки ҳаётнинг ўзи мудом унинг олдида жиддий ва оғир муаммоларни қўйиб, тез ҳал этишини талаб қиларди.

Икки кун муқаддам Ҳусайнни кечаси бир савдогар бойнинг уйига қақариб кетишди. Кекса ота-онанинг ўн икки яшар ёлғиз фарзандлари оғриб қолибди. Ҳусайнни эшик олдида қарши олган ота бу мусибатдан шу қадар ҳаяжонга тушгандики, ҳатто нима гап эканини аранг тунтирди.

— Уни халос эт, боламни халос эт! Бутун давлатим сеники, ишқилиб ўғлимни халос эт!— такрорларди шўрлик.

Аммо касалга биринчи қарашдаёқ Ҳусайннинг ранги ўзгарди.

— Кеча соппа-соғ, қувнаб юрган эди,— ўзини зўрға босиб давом этди ота.— Кун бўйи ўйнаб, чопиб юрганди. Икки соат муқаддам қорнининг ўнг тарафи қаттиқ оғриб, тўсатдан уйғониб кетди. Аввал қусди, кейин эси оғиб қолди. Мен ўша заҳоти сизга киши юбордим. Наҳотки, азроил унинг тепасида қанот ёзган бўлса?.. Албатта, ҳамма нарса оллоҳнинг хоҳишига боғлиқ. Бироқ у ҳали болаку, эндигина ҳаётга қадам қўйди-ку!..

Ҳусайн боланинг билагини ушлаб, томирни тополма-

ди. Шишган қорин қаттиқ оғриб турар, сал тегилса дардининг зўридан боланинг юзлари бужмайиб кетарди.

Хусайн қанақа касал эканини дарҳол билди. Бу касални кўп ҳакимлар ёзиб ўтганлар. Ушаларнинг ўзлари оғир ҳолларда бу касалнинг оқибати ўлим деб огоҳлантириб қўйишган. Даволаш йўлини ҳеч ким билмаган. Кўп нишонлар ва бемор аҳволига разм солиб, Хусайн шундай оғир тасодифларнинг бирига дуч келганини пайқади. Балки шу ерда ростдан ҳам пичоқ ишлатиш лозимдир?

Икки кун давомида ёш ҳаким фойда қилиши лозим бўлган ҳамма воситаларни ишга солиб кўрди, аммо оғриқни бир оз пасайтиришдан бошқа ҳеч натижа чиқаролмади. Китобларда тавсия қилинмагани сабабли жарроҳлик қилишга ботинмади. Бемор боланинг юрак уриши тобора секинлашиб, охири тўхтаб қолди.

Хусайн бу хонадондан умидсизланиб, юраги эзилиб, ўзининг ожизлигидан хафа бўлиб чиқиб кетди. Бу ҳиссиёт сўнгра унга ором бермай қўйди.

«Менинг ҳакимликка нима ҳуқуқим бор? — сўрарди Хусайн ўз-ўзидан.— Мен яра-чақани тузатишим, ич кетарни тўхтатишим, беморга маккайи сано беришим, унинг чиққан қўл-оёғини солишим мумкин — ўқиб-ўқиб топган матойим, тўплаган илмим шу! Нодон Маликдан менинг нима фарқим бор? Ҳеч қандай! Биз касаллик вақтида одам баданида нималар юз берганини эмас, ҳатто соғлом баданининг ички тузилишини ҳам билмаймиз, бас, бу ҳолда қандай қилиб касални даволай оламиз? Мана бу бахтсиз болани олайлик. Нима учун унинг қорни шишиб кетди? У ерда нима юз берди? Ёшликда менинг ҳам қорним шундай қаттиқ оғриган чоғлар бўлган, овозимнинг борича қичқириб, уйни бошимга кўтарганман. Шунда қоринни силаш ёки у ёқ-буёққа қимирлашдан ором олардим. Бу болага эса қўл тегизиб бўлмайди. Мени маккайи сано ёки ичакларни ювиш билан дарҳол даволар эдилар, унинг касали учун бу хил тадбирлар муқаррар ҳалокатга олиб боради. Қани энди боланинг қорнини ёриб, нима гаплигини билсанг. Агар шундай деганимда, унинг ота-оналари мени расвойи радди маърака қилиб ҳайдаб юборардилар. Бугина эмас, мени бирорта мансабдорга тутиб беришлари ҳам мумкин эди. У ҳолда бундай шаккоклик учун бошим кетиши ҳам ҳеч гап эмасди».

Хусайн мана шундай қайғу ва изтироб ичида Қамарчйнинг уйига қараб кетди. Устоз шогирднинг сўзларини

эътибор билан тинглади. Лекин унинг шубҳаларини еча олмади.

— Ҳайвонларни ёриб кўр, сенга берадиган маслаҳатим шу, холос. Сенинг ҳаяжонларинг менга таниш, ўғлим.

Бироқ бу хил касалликни ҳайвонларда ҳеч ким учратмаганини Ҳусайн яхши биларди.

У саволларига жавоб тополмай, шубҳалари ечилмай, диққат бўлиб устозининг уйдан чиқиб кетаётганда, Қамарий сўраб қолди:

— Сенинг сирингни очмаслик учун ўз жонини фидо қиладиган киши борми?

— Топилади,— жавоб берди Ҳусайн ошпазнинг ўғли Раҳматни кўзда тутиб.

— Керак бўлганда айтаман, уни бу ерга бошлаб келасан...

17

Ҳусайн ўз хонасига кириб олиб, тиб илмига оид китобларини синчиклаб кўриб чиқди, баъзиларини араб, эрон ва тожик наққошлари расмлар билан безаган эдилар. Бу суратлар рассомлик санъати жиҳатдан бенуқс бўлса ҳам, уларда Ҳусайн кўрмоқчи бўлган асосий нарса — аниқлик йўқ эди.

Энг ишончлиси қон томирлари ва ҳазм қилиш органларининг Гален асаридан кўчирилган нусхаси бўлиб, Ҳусайн диққат билан қараса, унинг остига: «Маймунга қараб чизилган» деб қўйилибди.

«Бу машҳур ҳаким ростдан ҳам маймунга қараб чизганмикан? Коҳинларнинг таъқибидан қўрқиб, унинг ўзи шундай деб ёздими ёхуд руҳонийларнинг эътиборини четга буриш учун араб таржимонлари қўшдимикан?— ўйлади Ҳусайн.— Мен маймун топганимда ҳам қувонардим, афсуски, бизнинг Бухорода мушук ва кучукдан бошқа нарса топиб бўлмайди...»

Мушук ва кучукларни эса у аллақачон ёриб кўрганди. Фақат бир марта отасидан қўй сўраб олди, кейин Раҳматнинг ёрдами билан қўшнининг ҳаром ўлган отини топиб текширди.

Мускуллар, пайлар, катта қон томирларининг йўналиши, ўпка, жигар ва буйракнинг одам танасининг тузилишига бир қадар ўхшашлиги бор, бироқ қорин тузилиши ит ва мушукниқига қараганда бошқача. Ажабо, одамники қана-

қа экан? Хусайн бемаҳал ўлган бола касалининг нишонларини ҳайвонларнинг қорнида топмади.

Қамарийнинг уйдан қайтгач, Хусайн Раҳматни ўз хонасига чақириб, дарҳол ечинишини илтимос қилди.

У ийманса ҳам, хўжайини ва дўстининг хоҳишига бўйсунди.

Хусайннинг ингичка, чаққон бармоқлари Раҳматнинг баданида сирганиб, у ёқдан-бу ёққа бориб келар, кичкина кўмир билан ички аъзоларнинг фараз этилган ўрнига белги қўярди.

— Наҳотки шунча топиб келган ҳайвонларим сенга камлик қилган бўлса?— таъна билан сўз қотди Раҳмат.— Наҳотки илоҳий бир мавжудотни — одамни масхаралаш зарурати туғилган бўлса?

— Раҳмат, ошнажон, агар мен итларга ҳаким бўлишга тайёрланганимда Бухорода мендан ўткири бўлмасди,— кулиб жавоб берди Хусайн,— бироқ мен одамларни даволашим керак! Мени камситяпти деб ўйлама. Сен энг яқин дўстим ва ёрдамчимсан!.. Одамнинг ички тузилишини билишим шу қадар зарурки, ўзимни ёриб кўришга ҳам тайёрман...

— Мени ёриб қўя қол,— андак жимликдан сўнг таклиф этди Раҳмат,— мен сабрлиман, бардош бераман.

— Жинни бўлдингми?

— Ахир сен билишинг керак-ку... Яхшиси мени ёриб қўя қол, лекин қитиқлама... мана шунисига тоқатим йўқроқ...— баданлари чизма-чизиқ, ярим яланғоч Раҳмат кула-кула ўрнидан туриб, эшикка қараб чопди.

— Шошма, шошма! Бугун дадамнинг олдига мулла Саид келмоқчи эди. Агар сени бу алпозда кўрса иккимиз ҳам балога қоламиз.

— Мулла — қитиқдан ҳам ёмон нарса... Сабр қилишга тўғри келади,— деб Раҳмат ёш, бақувват баданини Хусайнга тутиб турди.

— Йўқ,— деди Хусайн ғамгин оҳангда Раҳматнинг орқасидаги кўмир изларини арта туриб,— тери ички аъзоларни жуда яхши ёпиб турибди. Агар мурдани ёриб кўрмасам, ҳеч қачон ҳақиқий ҳаким бўлолмайман...

— Хусайн!— ваҳима билан хитоб қилди Раҳмат,— наҳотки динга — шариятга чанг солсанг? Ўйлаб кўр, у дунёда худонинг ғазабига йўлиқма тагин!

— У дунёгача ҳали йўл узоқ, Раҳмат,— деди Хусайн.— Бу дунёда эса одамлар оғриб, азоб чекиб ўлмоқда, биз

ҳақимлар бўлсак, уларга ёрдам қилолмаймиз, чунки ҳеч нарса билмаймиз...

— Сен бу дунёда ҳам хавф-хатар остида қоласан. Агар бу ишингни биров пайқаб қолса, оқибати жуда ёмон бўлади... Аммо ёрдамчига эҳтиёж туғилса, менинг номимни унутма!..

Ҳусайн кулимсираб, дўстининг елкасига қоқиб қўйди.

— Сендек содиқ ёрдамчи билан ҳам мендан бир нарса чиқмас деб қўрқаман. Борди-ю чиққанда ҳам ҳали-вери эмас, албатта...

Аммо содиқ бир ёрдамчи бу икки йигит ўйлагандан кўра тезроқ зарур бўлиб қолди.

Анча кундан бери уйига бормагани учун Қамарийнинг ўзи Ҳусайнга одам юборди. Келган киши: «Ишончли одамингиз билан кутмоқдалар»,— деди.

Ҳусайн билан Раҳмат бирга жўнашди.

— Нега йўқолиб кетдинг? Яна ит ёриб кўргандирсанда?— ҳазиломуз сўради устоз ва Ҳусайнни бир четга тортиб, Раҳматга ишора қилиб давом этди:— Сен унга ишонсанми?

— Ўзимга ишонгандай,— жавоб берди Ҳусайн.

Ҳақим ўгирилиб, ёш йигитга диққат билан қараб чиқди.

— Бугун эрталаб,— гап бошлади у,— «Доруш-Шифо»-да бир камбағал анови савдогарнинг ўғли оғриган касал билан ўлди. Сенга ўхшаш, Ҳусайн, мени ҳам бу касал қизиқтиради,— шивирлаб давом этди ҳақим, уйда учаласидан бошқа ҳеч ким бўлмаса ҳам.— Эшитишимга қараганда, уни Куйган мозорга кўмишармиш. Агар Раҳмат кўмаклашса, мен унга бировнинг номини айтаман. У шу одамни қидириб топсин. Бахтга қарши менинг бу ишни қилиши мумкин бўлган хизматкорим ҳозир далада. Бирдан-бир умидимиз Раҳматда...

Раҳмат бўйинини қашлаб қўйди.

— Бўпти! Одамлар асло билишмайди, оллоҳ билан келишиб олармиз... Ҳалиги сирли номни айтаверинг менга!— Раҳмат ҳазил қилди-ю, лекин лаблари бўзариб кетди.

Бухоронинг шимол тарафида бир харобазор бўлиб, у ярим аср муқаддам бошланган даҳшатли ёнғинда куйиб

кетган маҳаллаларнинг ўрни эди. Тахминан шу пайтларда бу ерда ғариблар гўристони пайдо бўлганди. Шаҳар доирасида бу гўристоннинг пайдо бўлишига маъмурлар норозилик билдирган бўлсалар ҳам камбағаллар ўз ўликларини худди шу ерга келтириб, одатда қош қорайганда кўмишарди. Куйган мазор ёнгида хароб бўлган майдоннинг озгинасини ишғол қиларди. Қолган қисмида эса бева-бечоралар ертўла қазиб, чордевор ва кулбалар қуриб яшарди.

Бу жой жуда хунук ном чиқарганди. Қош қорайиши билан тузукроқ кийинган одам у ерга яқинлашишга ботиномасди. Ҳатто шаҳар соқчилари жуда зарур бўлган кезларда у ерга ўн-ўн бештадан бўлиб боришарди. Бу ерда уйсиз қашшоқлар, бозор кисавурлари, йўлтўсарлар, амир зиндонидан қочган жиноятчилар йиғилган эди. Бу харобазорга кирган одам ўзини мустаҳкам истеҳкомга тушиб қолгандай ҳис этарди.

Раҳмат мана шу тарафга йўл олди. Бу ерни биринчи марта кўраётгани йўқ. Гўристоннинг ўнг тарафида, шаҳарнинг нураган девори ёнида дайди итларни тутиб, терилари билан савдо қиладиган мўйсафид бир одам яшарди. Ҳусайнга ёриб кўриш учун ит керак бўлганда, Раҳмат териси шилиб олинган итларнинг ориқ тўшларини арзонгина сотиб оларди. Аммо бу гал гап дайди итларнинг тўши устида эмасди. Бироқ Қамарий тайинлаган кулбанинг соҳиби Раҳматнинг тақлифига у қадар таажжубланмади. Фақат нархи ҳақида гап бўлди, лекин у ҳам Раҳматга унча қиммат туюлмади.

Ҳусайннинг ўз ўртоғига бўлган комил ишончи бежиз эмасди. На ёшлик, на тажрибасизлик ва на қўрқув унинг ҳақимлар топшириғини тўла-тўкис бажаришига халақит бермади.

Эртасига кечга томон Ҳусайн билан Раҳмат Қамарийни олиб кетгани келишди.

Устоз одмироқ кийим кийиб, асбоблар солинган қутичани олди-да, ёшлар орқасидан шаҳдам қадам ташлаб, Куйган мазор томон йўл олди. Раҳмат харобазорнинг энг овлоқ, хилват жойидан ярим вайрона, ташланди бир чордеворни вақтинча ижарага олганди. У икки ҳақимни тўғри шу тарафга бошлади.

Тадбиркор йигит ҳамма нарсанинг ғамини еган эди. Шамлар ёқилганда уйда қандайдир эски эшикнинг тахталаридан ясалган узун стол, ёнида бир вақтлар бу ерда истиқомат қилган одамлардан қолган хонтахта кўринди.

Ерга эса қамиш тўшаб қўйилганди. Ҳақимлар ўз асбобларини хонтахтага қўйишди, Ҳусайннинг ёзиб-чизиш учун олиб келган бир даста қоғози ҳам шу хонтахта устидан жой олди.

Раҳмат деразаларни қалин дарпардалар билан ёпиб, қўл ювиш учун бурчакка бир обдаста сув обориб қўйди.

— Баракалла, шоввоз!— деди Қамарий.— Қув йигит экан! Фақат бир нарсани унутибди. Агар сувсаб қолсақ томоғимизни нима билан ҳўллаймиз?

Раҳмат сирли кулимсираб, тоқчадан кўзачани олиб кўрсатди:

— Жаноб ҳақимларга шу кифоя қилармикан?

— Кифоя қилади, Раҳмат. Бебаҳо йигит экансан, кам бўлма!

Қамарий ҳазиллашар, унда қандайдир жонлилик, қувноқлик пайдо бўлганди. Бу фавқулодда ҳолатга разм солиб, Ҳусайн устозининг ўзидан кўра кўпроқ ҳаяжонда эканини пайқади.

Бир неча дақиқадан сўнг Қамарий билан Ҳусайн икиси қолишди. Раҳмат Қамарий буйруқларини топшириб келган кишисини қарши олгани кетди. Ҳусайн орада ўтган фурсатни ҳисобга олмай, дўстининг ҳаяллаб қолганидан ташвишлана бошлади. Гоҳ уни алдаб ўлдиришди деб ўйласа, гоҳ зиндонга жўнатишди деб гумон қиларди. У аллақачон кўнглида Раҳматни бу ишга тортганидан пушаймон бўлганди. Назарида ўзининг билиш истагини қондириш учун бошқаларни бу хатарнок ишга даъват қилмай, ҳаммасини ўзи қилиши зарурдай туюлди. Қамарий гўё шогирдининг гумонларини пайқагандай, уни гап билан безовта қилмай, хонтахта ёнида ўтириб олиб, қоғозга алланималарни чизиб, белгилар қўярди. Тун яримдан оққанда кимдир белгиланган шартга мувофиқ секингина деворни қоқди. Ҳусайн чўчиб тушиб, югурганча эшикни очгани кетди. Қоронғида кирганларни кўрмади, лекин ҳансирашларини эшитиб, нимадир, оғир нарса олиб келганларини пайқади. Ҳаммалари биргаликда бу «оғир нарсани» ичкарига олиб кирдилар. Ҳусайн илгаритдан тайёрланган пулни чиқариб берди.

Замбар кўтарганлар ҳақимга хизмат қилишга доим тайёр эканликларини изҳор қилиб, қайтиб кетишди.

— Сизларни ҳеч ким кўрмадимиз?— ташвиш билан Раҳматдан сўради Ҳусайн.

— Назаримда ҳеч ким кўргани йўқ. Бундай зулматда



ким ҳам кўради? Бунақа вақтда ит ҳам овоз чиқармайди.

Хусайн билан Қамарий қопни ёриб, ундан мурдани олиб столга қўйишди. Уларнинг олдида ўрта яшар кишининг териси суягига ёпишган қоқ гавдаси турарди. Ўта озғинлик узоқ йиллик қашшоқона ҳаётдан, юз ва соқолларидаги тупроқ бўлса аллақачон лаҳадга кириб чиққанидан дарак берарди.

— Танийман боёқишни,— деди Қамарий,— ўлим олдида кўп азоб чекди.

Бу бахтсиз кечагина ўлган бўлса ҳам, хонага тананинг бузила бошлаганидан дарак берувчи қўланса ҳид таралди. Раҳмат беихтиёр бурнини беркитиб, юз ўгирди. Хусайн ҳам дастлаб жиркангандай бўлди-ю, ammo Қамарийнинг бемалол ва диққат билан ишлаётганини кўриб, ўзини тутиб олди.

Кекса ҳаким ингичка, узун пичоқ билан мурданинг қорин бўшлиғини ёрди. У шу қадар ишонч билан ҳаракат қилардики, Хусайн унга қараб туриб, бу Қамарийнинг биринчи иши эмас, деган фикрга келди. Бироқ тадқиқотчининг синчковлиги бу оний фикрни бир лаҳзада енгди.

Ҳакимлар ўлик устида бир неча соат иш олиб бордилар. Навбат билан ички аъзоларни олиб кўришди. Хусайн шоша-пиша уларнинг шаклини қоғозга тушириб, ҳар бирининг тузилишини ёзиб чиқди. Энди уларга бу одам ва савдогарнинг ўғли нима сабабдан ўлгани маълум бўлиб қолди. Катта ичакдан ўсиб чиқиб, усти чандиқлар билан қопланган қуртсимон нарса шамоллаб шишиб кетганди.

— Бунақа ортиқ ҳар бир одамда бўладими?— сўради Хусайн уни ёғоч қисқич билан кўтариб.— Ҳайвонларнинг ҳеч бирида бунақасини учратганим йўқ.

— Билмайман, эътибор этганим йўқ,— жавоб берди Қамарий.

Катта ичакдаги ўсманнинг яраларидан бири тешилиб, қорин бўшлиғи йиринг билан тўлганди. Хусайн қўшни аъзоларни диққат билан текшириб чиққач:

— Қаттиқ оғриқ ва қорин шишишига сабаб мана шу экан-да!— деб юборди.

— Аъзоларнинг бир-бирига алоқасига эътибор қил,— деди Қамарий,— бу бадандаги муҳофаза кучларнинг таъсири.

— Муҳтарам устоз,— мурожаат қилди Хусайн,— ўз вақтида жарроҳлик қилиб, бу ортиқни олиб ташлаш йўли билан одамни ҳалокатдан сақлаш мумкинми?

— Менинг билишимча, ҳали ҳеч ким қорин бўшлиғига пичоқ теккизишдек қалтис ишга журъат этган эмас. Аммо мен бу иш билан ўз вақтида шуғулланиш, яъни яра пайдо бўлиши билан дарҳол даволаш орқали ўлимдан сақлаш мумкин деб ўйлайман. Сенинг фикринг қандай?

Хусайн ичакларнинг тузилишига эътибор билан қараб, бош силкиб қўйди.

— Ичакларни ёғ аралаш сув билан ювиб, енгил овқат берилса, касалга ижобий таъсир қилмоғи зарур. Беморга селдерейн уруғини қайнатиб бериш, оғриқни пасайтирадиган дори ичириш ҳам наф қилар деб ўйлайман...— Ўнгит устозига савол назари билан қараб қўйди.

— Сен таклиф этган нарсалар касалликнинг бошланишида фойда қилиши шубҳасиз. Аммо мана бунга ўхшаш оғир ҳолларда ўлимдан омон йўқ...

«Ўйлаб кўриш лозим,— деди Хусайн ўз-ўзига,— наҳотки бошқа чора топиб бўлмаса?»

Қорин ва ичаклар билан танишиб бўлишгач, юракка навбат келди. Улар бу билан жуда кўп шуғулландилар. Уни бўй ва энига тилиб чиқишди. Унинг ичидаги бўшлиқни, қон томирлари қуйиладиган жойини, миҳбас (клапан)-ларини, уларни идора қиладиган мускулларни кўздан кечиришди.

Ўпкани ёриб кўрганда шошилишга тўғри келди. Хусайн ўпкада баъзилари тузалиб битган, баъзилари ҳали битмаган қора доғларни кўриб қолди.

— Устоз, бунга қаранг, булар сил касалининг нишоналари эмасми?— тўлқинланиб мурожаат қилди Хусайн.

Аммо қизил ўнгач билан овора бўлиб турган Қамарий буни рад қилди:

— Кўйсанг-чи, қанақа сил? Бу ўпканинг мўътадил ҳолати. Буқрот Ҳакимни эслаб кўр: «Ўпка кўкракни тўлдириб туради; чапга мойилроқ, ўпка қисмлари деб аталган бешта бурчаги бор, кул ранг; майда тешиклар тепасини қоплаб олган; тузилиши ари инидек хоналардан иборат».

Касалликнинг бу аниқ нишоналари ўпканинг мўътадил ҳолати эканига Хусайн сира рози эмасди, бироқ кеча охирига етган, Раҳмат эшикдан чиқиб, оқараётган осмонга ташвиш билан қарарди.

Субҳидам чоғида у олимларни, тез бўлинглар, тонг ёришгунча бу ишларнинг изини йўқотиш зарур, деб қистай бошлади. Хусайн таассуф билан столдан узоқлашди. «Одамнинг ич сирларини, яна қачон бўлмасин, очиш мен-

га муяссар бўлармикан? — ўйларди йигит. — Ҳали қон йўллари кўрилгани йўқ, бош ва орқа мия, асаблар, бўғинлар, хуллас ўрганилмаган нарсалар камми!»

Аммо ортиқ туриш мумкин эмасди, ҳар икки ҳаким ҳам Раҳматнинг ташвиши бежиз эмаслигини яхши билшарди.

Қамарий кетди. Ҳусайн билан Раҳмат мурдани яла қопга солиб, ҳовлига чиқариб кўмишди, тепасига қамиш ёйиб, устидан тупроқ тортишди ва унинг устига ахлат уйиб қўйишди. Энди яқинда бу ерда чуқур қазилган деб ҳеч ким гумон қилмасди.

Ҳусайн билан Раҳмат кулбадан чиқиб, уйларига раван бўлганда қуёш анча кўтарилиб қолган эди.

Шу биргина кеча Ҳусайнга Қамарийда ўқигач йилларидан кўпроқ нарса берди. У биринчи марта одам танасини бутун тўлалиги ва мураккаблиги билан тасаввур этди. Хавфу хатарларга қарамай, унга одам танасининг тузилиши ҳақида маълумот берган устозидан беҳад миннатдор бўлди. Шунинг билан бирга йигит биринчи дафъа, Қамарий қандай олим, деган масала устида ўйлаб кетди. Унинг мурдани очиб кўриши биринчи марта эмаслиги аён эди. Агар у одамнинг катта ичагида қуртсимон ўсма бор ё йўқлигига сира эътибор қилмаган бўлса, унинг одам танасининг тузилиши ҳақидаги билими нимадан иборат? Нега у ўпкадаги яраларнинг изига бунчалар лоқайд қаради? Наҳотки бу нарсалар уни қизиқтирмаса?

Мурда ичида кўрилган ҳар бир нарса йигитга шу қадар муҳим туюлдики, унга лоқайд қараш — жиноят билан баравар эди. Ҳақиқий билим манбаига дуч келган Ҳусайн одам танасининг ҳар бир ҳужайрасигача ёд билмай, бировни муолажа қилолмаслигини яхши англади.

«Агар Қамарий чала муллаликни ўзига эп билса, мен бу даражада қолишни истамайман. Одам танасини яна ёриб кўришим керак, — такрорлар эди Ҳусайн. — Руҳонийларнинг лаънатига қолсам ҳам, имондан айрилсам ҳам, қиёматда жаҳаннам азобларига дучор бўлсам ҳам, мен ҳар нарсадан воқиф, ҳақиқий ҳаким бўлмоғим керак...»

Раҳматнинг харобазор аҳли билан танишлиги Ҳусайннинг ниятларини рўёбга чиқаришга ёрдам қилди.

Ёзда Бухорода бир касаллик тарқалиб, юзлаб одамларнинг ёстигини қуритди. Ҳакимлар унинг олдини олиш-

га ожизлик қилдилар, руҳонийлар эса, уни осий бухороликлар бошига худо юборган бало деб эълон қилишди.

Хусайн бир ҳафта давомида кунига бир неча марта лаб камбағал мешкобчининг уйига қатнаб, унинг хотини Фотимани даволаш билан овора бўлди. Ҳар хил кўкатлардан ўзи тайёрлаган дори шубҳасиз беморга наф қилди: иситмаси пасайиб, қорин оғриғи бир даража босилди, касаллик бошлангандан буён биринчи марта тинчгина кўзи уйқуга кетди.

«Афтидан яхшигина чора топганга ўхшайман,— кўнгилида қувонди Хусайн,— энди уни бошқа беморларда ҳам синаб кўришим лозим».

У шундай фикрлар билан бемор олдидан чиқиб кетди.

Эрталаб у тўғри Фотиманинг уйига келди. Эшик олдидеяқ йиғи-сиғи, дод-фарёд овозини эшитди. Остонадан ўтиши билан Фотима қариндошларининг сочларини юлиб фарёд қилаётганларини, зор-зор йиғлаётган болаларини, бурчакда қовоқ солиб ўтирган эрини кўрди.

— Улдими?!— сўради ёш ҳаким маъюслик билан.— Ахир у кеча кечқурун соппа-соғ эди-ку! Кечаси қандай аҳвол рўй берди?

Унга ҳеч ким жавоб бермади. Мотамзадалар баттар бақириб, нола қила бошладилар. Изтироб ичида гарангсиб қолган Хусайн ўликхонадан чиқиш учун эшикка қараб йўл олганда, кимнингдир ориқ қўллари елкасига текканини сезиб, чўчиб кетди. Орқасига ўгирилиб, ўз олдида новча бир мўйсафидни кўрди. Қийғир бурун, чўзиқ юзли бу одамнинг малла чопони шундай узун эдики, этаклари ерга тегарди. Унинг галати қиёфасида қандайдир салобат бўлиб, унга нисбатан эҳтиром уйғотарди. Қарияларни ҳурмат қилишга одатланган Хусайн унга таъзим этди.

— Кечқурун соғая бошлаган бу аёлнинг тўсатдан ўлиши сабабини билмоқчимисан?— сўради қария арава гилдирагининг гичиллашидай ингичка овозда.— Тинчлан, болам, бу ерда сенинг ҳеч қандай гуноҳинг йўқ. Агар одамларнинг нодонлиги бўлмаганда у ҳозир тирик бўларди. Кеча сен кетган ҳамон эри келди-да, хотини тузалаётганидан севиниб, унга палов ва ёнғоқ ҳалвоси егизди, кўп есанг тез дармонга кирасан, деб беморни бу таомлардан имкон борича кўпроқ истеъмол қилишга мажбур этди. Натижада тонг отгунча беморнинг аҳволи оғирлашди. Шу вақтда мен уй ёнидан ўтаётиб, қий-чувни эшитиб қолдим, нима

гап деб уйга кирдим. Ёрдам қилиш вақти ўтган — касал жон бераётган эди.

— Нега у бундай қилди?— қичқириб юборди Ҳусайн.— Касалга фақат енгил овқат берилади, у ҳам оз-оздан деб бир неча бор огоҳлантирган эдим-ку!

— Бунга сен уларни сираям ишонтира олмайсан,— деди чол кулимсираб ва боши билан тўпланганларга ишора қилиб.— Улар бақувват овқат саломатликнинг манбаи ва ҳеч қачон зарар қилмайди, деб қаттиқ ишонадилар. Бу бахтсиз хотиннинг худди шу бугун ўлиши тақдир китоби-га олам яратилмасдан олдин ёзиб қўйилган, деб фараз қилишга тўғри келади.

— Агар ҳамма нарса тақдирга боғлиқ бўлса, одамларни даволашнинг нима кераги бор-у, бизнинг ҳақимлигимиздан нима фойда?— норозилик билдирди Ҳусайн.

— Бу борада донишмандлик қилиб ўтирмаймиз!— эътироз этди чол.— Одамларга имкон доирасида ёрдам қилмоқ зарур. Ҳақимлик бу борада бизга имкон беради, ҳақимлик шарафли ва қувончли касб. Муваффақиятсиз ишдан ноумид бўлмаслик, нодонларнинг қилмишини кўриб, руҳсизланмаслик лозим. Ҳали ўз йўлингга жуда кўп бахтли ва бахтсиз ҳодисаларга дуч келасан. Аммо нима бўлса ҳам ундан қайтма! Сенинг истиқболинг порлоқ, ўғлим...

Ҳусайн нотаниш чолга ҳайрат билан боқди, назарида у буни танигандай бўлди.

Йигитнинг таажжубомуз назарини чол дарров пайқади.

— Ҳа, мен сени танийман, ўғлим,— деди қария,— бутун Бухорода фақат сен менга кераксан, фақат сенгина мендаги билимнинг вориси бўла оласан. Кўпдан буён сенинг ишларингга разм солиб юраман.

Ҳусайн, суҳбатдошим ким бўлди экан, деб эҳтиром билан сукут сақларди. Бирдан хотирига келди: «Э, бу ўша хўжа Исҳоқ-ку!» Ҳа, ҳа ўшанинг худди ўзи, бу қария ҳақида қанчадан-қанча ривоятлар юради.

У бир вақтлар Сомонийлардан бирининг сарой ҳақими бўлган дейишади. Камоли билимдонлигидан ҳамма олимлар унга таъзим қилишган. Уни энг бадавлат ва муътабар хонадонларга таклиф қилар эканлар. Бироқ шаҳзода валиаҳднинг ўлими уни бирдан амирнинг маҳраמידан номаҳрамига, дўстидан душманига айлантирган. Кимдир, ёш шаҳзоданинг ўлимига ҳақимнинг ўзи сабабчи, деб овоза тарқатди; туҳматга ишондилар. У қочишга мажбур бўлди,

яшириниб юрганида хотини ўлди, қизи қаёққадир ғойиб бўлди. Кўп йиллар ўтгач, уни таъқиб этган амир ўлиб, бу иш ҳамманинг эсидан чиққандан сўнг Исҳоқ Бухорога қайтиб, ҳеч кимга қўшилмай, ўз ҳаётини илм-фанга бағишлади. Ғийбатчилар уни жодугар деб аташарди, аммо ундан ҳеч ким ёмонлик кўрмаган, ёрдам сўраб келганлардан у яхшилиқни дариг тутмаган.

«Кам деганда юз ёшга киргандир», — кўнглидан кечирди Ҳусайн ишонч ва илтифот учун яна бир карра ташакур айтиб.

Чол билан йигитнинг дўстлиги шу тариқа бошланди.

20

Хўжа Исҳоқнинг суҳбати йигитда зўр таассурот қолдирганидан у тез-тез чолни йўқлаб уйига борадиган бўлиб қолди.

Исҳоқ ярим вайрона кулбада бир хизматкори билан яшарди. Ҳовлининг атрофини ихота қилиб турган девор ҳар жой-ҳар жойдан қулаган, боғдаги узум ва бошқа мева дарахтлари қаровсиз, дераза рўпарасидаги кафтдайгина ерда супурги поялари ўсиб ётибди. Фақат томорқада, дарё бўйидаги пастликда кенг бир майдон қариянинг ғамхўрлигидан кўм-кўк сабзавор бўлиб, кўрганнинг ҳавасини келтирарди. Исҳоқ бу майдонга доривор ўсимликлар экиб, биров кириб пайҳон қилмасин деб доим хабар олиб турарди.

Еш жиҳатдан ораларида катта тафовут бўлишига қарамай, Исҳоқнинг ўзини барабар тутиши Ҳусайнни жуда қувонтирарди. У тез-тез йигитни ўзининг шифобахш ўсимликлар экилган майдонига бошлаб бориб, уларнинг қандай дардларга даво бўлишини, йиғиш, қуритиш тартибини ташунтирарди. Баъзан улар туяларга миниб, узоқ чўлларга қараб равона бўлишарди. Фақат шу атрофда ўсадиган доривор ўсимликларни қидирар эдилар. Бу хил сайру саёҳатлар ҳар иккисини қувонтирган узлуксиз суҳбатлар учун муносиб фурсат бўларди.

— Одамларга фойда келтиришни ўйлаган кимса ҳормай-толмай ўзигача қилинган ишларни ўрганиши зарур, — уқтирарди чол йўл-йўлакай. — Қалтабин одамларгина ўз кучим билан ҳамма нарсанинг тагига етаман деб ўйлайди, бу нарсани бошқалар аллақачон билганини лоақал суриштириб ҳам кўрмайди. Яхши ҳақим бўламан десанг бир неча

дорини билиш камлик қилади, ўғлим, бунинг учун тиб илмининг тарихини ўрганиб, ундан хулоса чиқариш зарур.

Хусайн сергакланди. Бу даромад келажакда қизиқ нарсалар ваъда қиларди, гўё Исҳоқ бутун тиб илмининг тарихини ўзида гавдалантиргандек, йигит унга аҳтиром билан қаради.

— Табобат билан одамлар қадим замонлардан бери шуғулланиб келганлар. Ҳамиша касаллар бўлган, ҳамиша ҳақлими, ҳақсизми уларни даволаган одамлар бўлган. Тиб илмининг ёруғ юлдузлари Буқрот Ҳакимни, Жолинусни сен биласан, уларнинг асарларини ўқигансан. Бироқ Осиё ҳакимларини эшитганмисан? Тўғри, биздаги ҳакимларнинг кўпи ажнабийлар — ё сурияликлар, ё машхур Жундишапур академиясидан келган олимлар, ёхуд Искандария мактабига мансуб мисрликлар эдилар; ўз элларидан билим олиб келган яҳудий, насроний ва ҳинд ҳакимлари ҳам бўлган. Аммо кейинги асрларда ўзимизда машхур ҳакимлар етишиб чиқди. Сенга машхур яҳудий олими Исҳоқ ал-Исроилий ёзган муҳим бир китобни бераман, уни ўқиб чиқ, бу билим хазинаси, унда безгак ҳақида баҳс этилган. Шунингдек, Абу Бакир ар-Розийнинг «Мажмуаи кабир», «Муолажоти Мансурий» номли асарларини ўқимай туриб, ҳакимлик ҳақида ўйлаш мумкин эмас. Мен ёшлигимда шу китобларнинг муаллифида ўқиган эдим. Улуғ ҳаким эди! Унинг гаплари жуда тўғри: «Миёғлаб ҳакимлар, аҳтимол, минг йиллар мобайнида тиб илмининг камолоти йўлида заҳмат чекканлар. Бинобарин, кимки уларнинг асарларини синчиклаб ўқиса, уларнинг мағзини чақишга ҳаракат қилса, қисқа ҳаётида юз йил касалларнинг олдига югургандан кўра кўпроқ нарсани билиб олади».

Чол ўйга толди, Хусайн унинг фикрини бўлмади.

— Мана яқинда,— худди уйқудан уйғонгандек баланд овоз билан бошлади қария,— Султоннинг сарой ҳакими Адуд ад-Даула Буида вафот этди. Бу менга таниш ҳакимларнинг энг яхшиси. У кекса ва тажрибакор эди; ҳар бир касалнинг ўз ҳиди бор, дер эди, касалнинг нималигини ҳамиша ҳаммадан олдин аниқлаб берарди. Айтишларича, у нимаики билса, ҳаммасини ёзиб бир китоб қилган. Агар биров менга шундан нусха кўчириб берса, давлатимнинг ярмини берардим. Али ибн Жаъфар ҳам яхши ҳаким эди, аҳтимол даданг уни билар? Марк ибн Жастасий Хоразмда донг чиқарди, Яҳё ал-Исроилий Нишопурда. Солиҳ ибн

Аҳмад Самарқандда, сенинг муҳтарам устозинг Абул Мансур Қамарий ҳам илм-фанга ўз армуғони билан кириб келди. Ўқи, ўғлим, ўқи! Ҳозир ҳам баъзи нарсаларни биласан, бироқ ҳали кўп нарсани билишинг даркор, шундагина одамларнинг ҳақиқий шифокори бўласан.

Мўйсафид Исҳоқ ваъдасига вафо қилиб, йўлда учраган ҳар бир кўкат, ҳар бир ўсимликка боланинг диққатини жалб этар, уларни тўплашга ундарди.

— Мен қариб, оғирлашиб қолдим,— дер эди у.— Энди менинг эгилишим қийинлашиб қолди.

Сочдаги оқ келтирур оппоқ кафаннинг белгисин,
Ҳам эгик қад гўрга таъзим айлаганнинг белгисин,

деб бекорга айтмаганлар-да!

Етмиш-саксон йиллар аввалги чаққонликни абадий йўқотдим... Ҳозир юлган кўкатинг бизга керак. Ушандан кўпроқ юл. Арғувон шаробга солиб қайнатилса, у ҳам анорнинг пўчоги сингари қорин оғриғига даво бўлади. Ҳу анови, бу эмас, ўнг тарафдаги ним ранг япроқлисини юл. Уйда ундан йирингни йўқотадиган малҳам ясаймиз. Сен шуни эсингда тутки, табиатда мавжуд ҳамма нарса: тош, кўкат, жонивор — шуларнинг барида одам баданига таъсир қиладиган хислат бор.

Эсингдами, Рудакий нима деган:

Ҳар гиёҳки, захрга дору эрур,
Ҳам ўзи вақто келиб оғу эрур.

Ҳусайн баъзан мўйсафид Исҳоқни салқин жойга ўтқазиб, туяларни чўктириб қўйиб, ёлғиз ўзи доривор ўсимликларни қидириб кетарди. Чўлда ёввойи гиёҳларнинг атриётини ҳидлаб, эркин кезиб юрарди. У келажак ҳаётни тасаввур қилиб кўрар, тоғлар орқасидаги узоқ, қадам етмаган ўлкалар, саёҳатлар, мулоқотлар, илмий кашфиётларни ўйларди. У ер юзидаги ҳамма гиёҳлар, маъданлар ва тирик ҳужайраларнинг хосиятларини чуқур ўрганган улур ҳаким бўлишни орзу қиларди. У ўз билимини тезроқ ишга солишни ташналик билан кутар, ундан ёрдам сўраган ҳар бир одамни, ҳаётдан умидини узган беморларни ҳам муолажа қилиб тузатишни ўйларди. У йўлда учраган ҳар бир гиёҳга тикилиб боқар, унинг ҳамма хоссаларини, қайси дардга даво эканини аниқлашни, нозик япроқ пардалари

орқасида қандай сир яшириниб ётганини билиб олишни истарди.

Ҳозирча у кезиши мумкин бўлган йўл Жайхун¹ соҳиларидан нари ўтмаса-да, ибрат назари билан қараган кимсага бу ерда ҳам ғаройиб нарсалар кўп эди. Учраган гиёҳларнинг бир қисми унга таниш бўлгани учун уларни дадиллик билан юларди, бошқаларини Қамарий ва Исҳоқдан эшитганди, бироқ уларнинг таъриф-тавсифлари баъзан бу гиёҳларнинг ташқи кўриниши ва гулларига мос келмасди, бундай чоғларда ўзининг фаҳм-фаросатига ишониб, уларни бир оз шубҳа билан тўплашга тўғри келарди. Шундай ўсимликлар ҳам учрардики, улар ҳақида Ҳусайнга ҳеч нарса маълум эмасди, аммо улар ўзларининг шакли билан нечундир уни қизиқтирар эди. Агар гиёҳнинг бирор қисми одам танасининг бирор аъзосига ўхшаса, бу гиёҳ худди шу аъзога даво бўлади, дер эди Хўжа Исҳоқ. Чолнинг айтишича, оллоҳ ўсимликни одамнинг фойдаси учун яратган. Уқтин-ўқтин сира кўрилмаган гиёҳлар учраб қоларди. Йигит бундай ўсимликларни дўстларим ёки китоблар ёрдамида аниқлайман деб алоҳида тўпларди.

Баъзан Ҳусайн доривор гиёҳлар излаб, узоқ-узоқларга кетиб қолар, кейин бир боғ кўкатни кўтариб, ҳориб-чарчаб, аммо мамнун бир қиёфада кекса Исҳоқ ҳузурига қайтар ва тўплаган гиёҳларини намойиш қиларди. Елғиз қолиб зериккан чол дарҳол уларни текшириб хилларга ажратар, алоҳида-алоҳида тўпларга қўярди. Ориқ панжалари билан ўсимлик бандларидан ушлаб туриб, Ҳусайнга тушунтира кетарди:

— Мана бу карандис, отлар жуткирув касалига йўлиққанда бирдан-бир дори, одамга эса, зотилжам касали ва йўталлардан шифо беради. Мана буниси кекек деган хавфли гиёҳ. Унинг одамга қандай таъсир қилиши ҳали ўрганилмаган, аммо ҳайвонлар кекек ўсган жойларда дарров семиради-ю, кейинча ғалати бир касалга йўлиқади. Уларнинг оёқлари тўнғиб, қоқшалга гирифтор бўлгандай қирлиб кетади. Енгил ҳолларда ич кеткизадиган дори ва ичакларни илиқ сувда ювиш фойда қилади. Тажрибали чўпонлар кекек учраган жойларда мол боқмайдилар...

Мана бу кўкат сариқ чой дейилади. Бу кўримсиз, нозик кўкатдан кўра мукамал нима бор? Унинг томири, танаси, япроқлари ва сариқ гулларида жуда кўп ҳикмат

¹ Ж а й х у н — Амударё.

яширинган. Мен қулоқ соламан, ўғлим, қани, сен бу гиёҳ ҳақида билганларингни бир бошдан сўзлаб бер-чи...

— Мен хотирамдан хафа эмасман, устоз,— кулимсираб жавоб берди Ҳусайн.— Гиёҳларнинг хоссалари ҳақида сиздан эшитганларим ҳаммаси эсимда. Сарик чойнинг қайнатмаси қонни тўхтатадиган энг яхши восита. Истеъмол қилинса қачонлардир шамоллаган ичакларни тузатади, юракбуруқ касалига эса, энг шифокор дори шу. Тери яллиғлаганда унинг сувига латта ҳўллаб босилса дарҳол қайтади, уруғидан олинган ёғ яра ва куйганнинг давоси бўлади. Шарбати асабларга таскин беради.

— Баракалла, ўғлим! Энди айт-чи, мана бу нима?

— Бу аю-чоч,— йигит томири билан юлиб олинган сариқ гулли садасимон гиёҳни чолга узатди.— Бундан қўтир ва канага қарши дори ясаш мумкин. Мана бу бадан деб аталади, бу ўсимликдан қонни тўхтатадиган дори тайёрлайдилар. У ҳамма жойда машҳур гиёҳ. Буниси бўзnoch,— Ҳусайн сариқ гуллари очилиб турган бир даста ўсимликни кўтариб кўрсатди.

— Бу дармана,— деди чол.— Дарманани барвақтроқ юлибсан, у ҳозир гуллайди, уруғи сунбулада етилади.

— Биламан, ота, шунинг учун озгина юлдим. Аммо сиз эътибор қилмадингиз чоғи, бу гижжа сургиси сифатида ҳаммага маълум оддий дармана эмас.— Ҳусайн чолга япроқлари ва ғунчалари кумушсимои дағал бутани узатди.

— Тўғри, мен дармананинг бу хилини билмайман,— деди Исҳоқ диққат билан гиёҳни қараб чиққач.— Хато қилмаяпсанми ишқилиб? Буни дори ўсимлик деб сенга ким айтди?— чол гиёҳни ҳидлаб, япроқларини қўлида эзиб кўрди.

— Кекса бир қишлоқ табиби. Арзимайдиган бир хизматим учун у менга шу гиёҳнинг хосиятини тушунтирди. Ўзим ҳам буни текшириб кўрдим. Бу — оқ ер дарманаси, одам баданидаги ҳамма текинхўрларга қарши энг кучли дори. Ўтган йил шифохонада бунинг ёрдами билан гижжаларнинг ҳамма турларини суриб чиқарган эдим. Агар бу дармананинг қайнатмасини истеъмол этилса одамдаги ришта ҳам ҳалок бўлади...

— Демак, сендан ўзим ҳам баъзи нарсаларни ўрганишим мумкин экан,— эркалатиб гапирди Исҳоқ.— Энди қайтадиган вақт бўлиб қолди. Кеч кирыпти... Гиёҳларингни уйда синчиклаб текшираминг...

Ҳусайн тўплаган гиёҳларини боғлаб, туяга ортиди.

— Менинг тириклигимда,— деб писанда қилди Исҳоқ туяга минатуриб,— мен билган нарсаларнинг ҳаммасини билиб олишинг керак. Агар мен одамларга фойдали нарсалардан бирортасини ўзим билан қабрга олиб кетсам — ҳаётимдан сира рози бўлмасдим.

Исҳоқ Ҳусайнни ўз уйида анчагача тутиб қолди. Икковлашиб кечгача гиёҳларни қуритишди, малҳам, сурги, шарбат тайёрлашди. Устоз шахсий тажрибасида нималар орттирган бўлса ҳаммасини тезроқ шогирдига ўргатишга шошиларди. Чолнинг уйдан мудом қайнаётган дориворлар, тутаётган ёғ ва қуриётган гиёҳларнинг ҳиди анқиб турарди.

Кечга бориб қуёш лола ранг уфқда яширингач, чанг-тўзон кўтарилган йўлда суворийлар ёки кичик туя қарвони намоён бўларди. Исҳоқнинг тош терилган ҳовлисида от туёғининг тақиллагани ёки арава гилдирагининг гижиралагани эшитилгач, жиддий, салобатли қария йўловчиларни қарши олиб, улар билан алоҳида хонага кириб кетарди. Мушк-анбар, қизил гул мойи, кофур (камфара) ва бошқа қандайдир нотаниш хушбўй ҳидлар, шунингдек, чанг-тўзон, ботаётган қуёш, поданинг маърашлари, хўжайиннинг ўз хизматкори Ҳакимни чинқириб чақиришлари — шуларнинг ҳаммаси Ҳусайннинг хотирида ўрнашиб қолган.

Кейинчалик Ҳусайн билдики, кекса Исҳоқ дори-дармонлардан ташқари упа-элик, пардоз-андоз буюмлари мутахассиси бўлиб, асосан Бухоро таннозларидан тўпланган маблағ ҳисобига яшар экан. Аммо ўзи бу хусусда Ҳусайнга бир нима демагани учун Ҳусайн ҳам бу тўғрида оғиз очмасди.

Кечаси, осмон гумбази жанубнинг йирик юлдузлари билан тўлганда, устоз ва шогирд боғ ўртасига қурилган баланд мезанага чиқиб, узоқ самога тикилишарди.

Илиқ куз кечаларидан бири, тўлин ой ерга оқ чойшап ёзган пайтда Исҳоқ қўлларини Ҳусайннинг елкасига ташлаб, бундай деди:

— Агар мен юлдузларга ишонганимда, сенинг тақдирингни айтиб берардим, ўғлим! Лекин мен юлдузсиз ҳам тақдирингни олдиндан кўриб турибман. Қарийб бир йилдан бери сени кузатиб келаман, табиатингнинг шаклланишига разм солиб бораман. Ҳозирдаёқ сенинг қайси йўлдан боришингни айтиб берса бўлади. Бунинг учун гўё юлдуз-

лардан маслаҳат сўрагандай бўлиб кўринишнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.— Чол муғомбирона кулимсираб, ўз кўрғонига туташган поёнсиз чўлга тикилди.

Хусайн яна бир нарсани кутгандай, Исҳоққа қараб қўйди.

Чол андак хомушликдан сўнг яна давом этди:

— Мен сенга разм солиб юраман, ишларингни кузатиб бораман: қандай ташналик билан олға тикилишингни, ўз вазифангга зўр масъулият ва эътибор билан қарашингни кўриб тураман. Сенинг муддаонг нималигини, нимага интилишингни биламан, бинобарин, сенинг йўлинг қандай бўлишини олдиндан кўриб турибман. Агар юлдузларнинг тили бўлганда, эҳтимол менинг айтганларимни тасдиқлар эдилар.— Чол яна жим қолди.— Сенинг йўлинг — сарсонлик ва меҳнатдан иборат! Интиҳосиз, қаттиқ меҳнат! Чексиз, бегараз, мазмундор ва шавқбахш меҳнат — сенинг қисматинг бўлади, болам! Сен ҳамма вақт, ҳамма жойда ишлайсан, қашшоқликда ҳам, бадавлат бўлганингда ҳам, юмшоқ кўрпа устида ҳам, йўлда, эгарда ҳам ишлайсан! Меҳнат ва сарсонлик!.. Ота уйини ташлаб кетгач, кўп вақтгача одамларнинг нималигини билмай юрасан. Вазиятинг шундай бўладики, истиқомат қилиб турган жойингни тарк этиб, бошқа ёққа кетишга тўғри келади. Аммо сен тарк этган жойинг учун ачинмай, умид ва қувонч билан янги ўлкалар сари равона бўлишга кўникиб қоласан. Сен гоҳ қашшоқ, гоҳ бадавлат, гоҳ қочқинчи, гоҳ зиндон асири, гоҳ ҳукмдорларга маслаҳатчи, гоҳ султонларнинг ҳамтовоғи бўласан. Сен давлатмандларнинг ҳакими, камбағалларнинг шифокори. Сен бир илмни таг-туғи билан ўрганиб, янги-сига интиласан. Сен шундай асарлар қолдирасанки, улар сендан сўнг узоқ асрлар яшаб, довруғинг бутун оламни тутади. Мен аминманки, юрагингда ёниб турган муқаддас нарсдан — билимга ташналик, одамларга, уларнинг осойишталигига муҳаббат, бошқаларнинг манфаати йўлида жон куйдириб ишлашдан асло тоймайсан! — Исҳоқнинг овози тобора кўтарилиб, панжалари Хусайннинг елкасига ботиб борарди.— Хотирингда тут, ўғлим, қийинчиликлар олдида тайсалланиб ўтирма, уларни енгилга ўрган! Мен сенга ишонаман! Мен шунга ишонаманки, сен улуғ йўлингдан қайтмайсан, зеро шу йўлдан боргандагина зolimларга эмас, башариятга хизмат қила оласан! Шуни ҳам унутма-ким, устоз учун шоғирднинг камолот сари боришидан кўра катта қувонч йўқ!

Исҳоқ билан ошналик туфайли Ҳусайн наботот (ботаника) ҳақидаги билимини кенгайтирди, жуда кўп эски ва янги нусхаларни ўрганди, қария Хитой ва Ҳиндистондан олиб келган кўп дориларнинг таркибини ва уларни тайёрлаш тартибини ўрганди. Буларнинг ҳаммаси диққат билан тўпланган, муфассал ёзилган ёки қария хотирасида авайлаб сақланган фойдали маълумотлар эди. Кекса Исҳоқ, Ҳусайнни ўз ишларининг давомчиси, унинг ўзидай тўловчи, тартибга солувчи бўлади, деб ишонарди. У бир неча бор шу хусусда йигит билан гаплашиб ҳам олганди.

Бироқ Ҳусайннинг ўзи бошқача ўйларди.

Ҳаёт унинг олдига бир саволни учинчи мартаба кўндаланг қилиб қўймоқда — у бундан сўнг қайси йўл билан бориши керак? Абу Абдуллоҳ Нотили билан хайрлашганда ҳам, Абул Мансур Қамарийнинг машғулотлари охирига етганда ҳам мана шундай савол туғилганди, энди Ҳўжа Исҳоқ ҳам шу саволни такрорлаганда, Ҳусайн ўйлаб қолди: «Ажабо, менинг йўлим шу эмасми?» Аммо ҳар томонлама ўйлаб кўргандан сўнг йигит ишонч ва қатъият билан ўз-ўзига деди: «Йўқ! Бу йўл менга торлик қилади! Ҳақиқий олим ўзини Нотилининг сўқмоғи ёки Қамарий билан Исҳоқнинг тор йўллари билан чеклаб қўймаслиги керак. Улар берган маълумот менинг олдимда шундай кенг майдон очдики, энди мен одамларга ҳам, фанга ҳам устозларимга нисбатан кўпроқ фойда келтирадиган кўринаман!..»

21

Амир саройининг юксак деворлари орқасида ва унинг махфий хоналарида нимаки рўй берса, ҳаммаси Бухоро мансабдорлари, савдогарлари, ҳатто косибларнинг уйларида акс садо берарди. Баъзан тўғри, баъзан ақлга сиғмайдиган овозалар дарҳол шаҳарга тарқалиб, турли-туман гап-сўзга сабаб бўлар эди.

Бинобарин, бутун Бухоронинг бир оғиздан, ҳозирча шивирлаб бўлса ҳам, амирнинг оғир касаллиги ҳақида гапириши бечиз эмасди. Шу куни валиаҳд Мансур ибн Нўҳ укалари билан жума намозидан келаётиб, бозорга бир назар солмоқчи бўлди. Юқоридаги миш-мишлардан озиқланган аҳли раста унга шу қадар иззат-икром кўрсатдики, бу дабдаба уни ҳанг-манг қилиб қўйди. Қирриқ савдогарлар, отининг туёғига чанг қўнмасин, деб шаҳзоданинг йўл-

ларига тоза гиламлардан поёндоз солишди. Холбуки, бундай иззат-икром фақат амирга қилинар, у эса ўзидан бошқаларга, жумладан ўз оила аъзоларига ҳам, бу зайилда эҳтиром кўрсатмасликни талаб қилар эди.

Шу куни Хусайн Қамарийнинг уйига таклиф этилган эди. Машҳур ҳаким жума кунлари боғ ҳовлисида ёру дўстларига зиёфат берганда Хусайнни сира эсдан чиқармасди, чунки уни ўз ўғлидай яхши кўрарди.

Абдуллоҳ ибн Сино жума намозидан қайтиб, сабрсизлик билан ўғлини кутарди: амирнинг соғлиги ҳақида Хусайн ўз устозидан энг сўнгги янгиликларни эшитиб келиши мумкин. Аммо Хусайн бугун меҳмондорчиликка бормади. Чоштгоҳ пайтида Қамарийнинг хизматкори ҳалослаб келди-да, хўжайини ўз шогирдига мунтазир эканини айтди.

Хусайн дарҳол хизматкор билан йўлга тушди. Қамарий уни амир саройи яқинидаги шаҳар ҳовлисида интизорлик билан кутарди. У жудаям ҳаяжонланган ва паришон эди. Сарой ҳакимига хос одатий сипоҳликка риоя қилмай, Қамарийнинг ўзи Хусайн истиқболига чиқди.

— Жуда муҳим бир масала юзасидан сенга одам юборишга тўғри келди,— деди шогирди билан кўришган заҳоти.— Сенинг сир сақлай олишингга ишонса бўладими? Гап муҳим давлат сирини устида боряпти. Хукмдоримиз оғир касал...

— Бу сир бутун шаҳар аҳолисига ошкор-ку,— деди Хусайн кулимсираб.

— Майли шундай ҳам бўлсин!— деди Қамарий.— Борди-ю, бу ҳақда мен гапираётганим маълум бўлса, саройдаги юқори мартабамга қарамай балога қолишим турган гап. Энди вақтни бекорга ўтказмай, асосий масалага кўчамиз. Мен ҳам, бошқалар ҳам амирнинг касалини билолмай, уни қандай даволаш ҳақида беҳуда бош қотириб ётибмиз. Бу касал табобат илмига маълум касалликларнинг ҳеч бирига ўхшамайди.

— У заҳарланган эмасми?— сўради Хусайн устозига тик қараб.

— Дастлаб менда ҳам шундай бир гумон пайдо бўлган эди,— иқрор бўлди Қамарий,— бироқ бу ҳеч ақлга сизмайди. Амир дастурхонига қўйиладиган таом жиддий назоратдан ўтади. Сарой аҳлидан бири татиб кўрмай, у ҳеч нарса емайди, ичмайди. Бундан ташқари, мен маълум заҳарларнинг таъсирини ўрганиб чиқдим. Амирда булар-

нинг ҳеч бир нишонаси кўринмайди. Йўқ, сабабини бошқа ёқдан қидиришга тўғри келади. Сени шунинг учун чақиртирдим. Сенинг фаросатингга қаттиқ ишонаман. Эҳтимол у бизга менинг ҳамма билимимдан кўпроқ нарсани айтиб берар.

— Мақтовларингиз учун чин кўнгилдан ташаккур, устоз, аммо ишончингизни оқлолмайман деб қўрқаман. Сиз билан ал-Лаҳиз каби табобат юлдузлари ўзларининг ожизликларига иқрор бўлганда, менга ўхшаш янги, тажрибасиз одамдан қандай фойдали салоҳ-маслаҳат чиқсин!

— Шундоқ бўлса ҳам, бу масала устида ўйлаб кўришингни илтимос қиламан, ҳеч бўлмаса, мен учун қил бу ишни. Борди-ю, амир — оллоҳ таоло умрини боқий қилсин! — ўлиб қолса-ю, мен унинг сабабини аниқлай олмасам, у ҳолда менинг аҳволим нима бўлишини тасаввур қиласанми, болам?

— Сиз учун, устоз, мен ўз ҳаётимни ҳам дариг тутмайман, — хитоб этди Ҳусайн. — Энди сиздан илтимос: менга ҳукмдорнинг аҳволини тасвишлаб беринг!

Қамарий гўё амирнинг касаллик ҳолатини ақл кўзи олда гавдалантириш учун кўзларини юмиб ўтирарди. У аста гапга киришди.

— Сўнги уч ой мобайнида ҳукмдорнинг саломатлиги жуда яхши эди. Руҳи кўтаринки, кайфи чоғ кўринарди. Илгари уни қийнаб юрган уйқусизлик ҳам йўқолди. Кўрган тушларини эрталаб ҳикоя қилиш унга қандайдир ҳаловат бағишларди. У бизнинг гапимизга қулоқ солмай, аччиқ дори ичишни тарк этгандан бери бутун касалликлардан халос бўлганини айтиб, биз ҳақимлардан куларди. Бундан тўрт кун муқаддам тўсатдан унинг аҳволи ёмонлашди. Ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган бўлиб қолди. Кечалари мижжа қоқмай чиқади. Сал қимирлаш учун бутун продасини ишга солиши керак. Овқатга қўл урмайди. Юзларига гўё тупроқ сепгандай, тили қуруқ. Баъзан алаҳсийди. Шунинг билан бирга бирор ерининг оғриганини кўрсатувчи нишона йўқ. Нодон одамлар, — саройда бунақалар оз эмас, — амирни биров сеҳрлаб қўйган деб шивирлашади. Унга душман руҳонийлар, амир исломни шаккоқлар ва даҳрийлардан етарли ҳимоя қилмагани учун оллоҳнинг ғазабига гирифтор бўлди, дейишади.

— Муҳтарам устоз, сиз айтган гаплардан мен ҳукмдорнинг аҳволини зўрға тасаввур қилмоқдаман, — деди Ҳусайн хафа бўлиб. — Сизга бу ҳақда бирор нарса дейиш

учун уни ўзим текшириб кўришим керак. Эҳтимол шунда бошимга бирор бамаънироқ фикр келиб қолар.

— Тўғри айтасан, Ҳусайн! Беморни кўрмасдан касални тайин этишни талаб қилмай, уни сенга кўрсатишим зарур. Шундай қиламан ҳам. Бугун уйдан чиқма. Сени олиб кетгани киши юборишади. Ўзинг яхши биласан, бугун бизниқида меҳмон бўлмайди. Ҳозир мен кеча-кундуз амир ётоғидан нари силжимаяпман.

Ҳусайннинг кунни энтикиб кутиш билан ўтди. Тезроқ беморни ўз кўзи билан кўргуси келарди. У бутун китобларини ва қўлёмаларини варақлаб чиқиб, Қамарий айтиб берган нишонларни топмади.

Қамарий Ҳусайнни саройга чақириб келиш учун бутун чораларни кўрди. Сарой ҳақимларига ўз шогирдининг номини айтиши билан бирдан уларнинг жаҳди чиқди. Ҳолбуки, ёш ҳақимнинг шаҳар аҳолиси орасида зўр шуҳрати борлиги уларга ҳам маълум эди. Нима? Туки тушмаган жўжани, она сути оғзидан кетмаган болани ҳукмдорнинг ётоғига чақириб? Уни ҳазрати олийларининг ҳузури муборақларига киритиш? Одамзоднинг энг улуғи ҳисобланган бир зотнинг муолажасини шунга ишониб топшириш?! Бу — кичик мансабдорнинг арзандаси учун жуда ортиқча шараф бўлмасмикан?

Аммо ҳақимлар ўйлаб-ўйлаб, бошқача қарорга келдилар. Амирнинг касали оғирлигига ҳамма иқрор. Унинг ҳаёти қил устида. Бирор кор-ҳол рўй берса, ҳақимларни, ўз ҳукмдорини муолажа қилолмаган, амирнинг ҳаётини сақлашга уриниб кўрганларга монелик қилган, деб айб-лашлари мумкин. У ҳолда биринчи бўлиб Қамарий, менинг маслаҳатимга қулоқ солмай, амирнинг ўлимига сабаб бўлишди, деб ҳамма жойда жар солиши турган гап. Амирнинг ҳаёти — бахтсизликнинг тагсиз жари устига қурилган фароғат кўприги. Бу кўприкнинг қулаб кетишига сира йўл қўйиб бўлмайди. Мана шу ақидага келган сарой ҳақимлари, малол келса ҳам, Қамарийнинг таклифига рози бўлишди.

Кун оққанда Ҳусайнга одам юборишди.

Ҳусайн фикрга фарқ бўлиб, отлиқ кетиб борарди, орқасидан катта кулранг эшакка миниб Раҳмат равона бўлди. Раҳмат Ҳусайнга нисбатан серсавлат ва пурвиқор кўринарди. У ўзининг энг яхши чопонини кийиб, саллани ҳам қунт билан ўради. Йўловчилардан бирортаси: «Саройга кетаётган бу ёш ҳақимларнинг кўриниши мунчаям олим-

намо», деб айтар умидида тез-тез уларга кўз қирини ташлаб қўярди.

Бироқ ҳеч ким бундай мақтов билан уни қувонтирмади. Аксинча, бир чолга йўл бўшатиб беришга улгурмагани учун уни тарбиясиз, нодон, деб сўкиб ҳам берди.

Бу Раҳматни унчалик ранжитмади. У дарров билдики, чол одамнинг фарқига бормас экан. Энг кўнгилсиз ҳодиса кейин бўлди: саройга фақат Ҳусайинни киргизишди-да, Раҳматдан дори солинган қутичани олиб, унга, «хоҳласанг уйга қайтиб кет, хоҳласанг ҳовлида хўжайинни пойлаб тур» дейишди.

Ростини айтганда, амир саройининг ҳовлиси ҳам чакана жой эмас, ҳар ким ҳам бу ерга киролмайди.

Йўлбошловчилар Ҳусайинни дарров амирнинг шахсий ётоғига бошлаб бордилар. Йўлаклар, хоналар, ички ҳовлилар, айвонлар ва зинапоялар шундай тез ўзгариб турардики, кўриб кўз қамашарди. Урганмаган одамнинг бу ердан йўл топиб қайтиб чиқиши амри маҳол эди.

22

Ҳусайин амирни ўзига оро бериб, олтин безакларини ярқиратиб Бухоро кўчаларидан ўтганда бир неча бор кўрган эди. Шоҳона либосларданми, сарой сартарошларининг ҳунариданми, упа-лик олудалигиданми, серсавлат вазир-вузаролар даврасида юрганиданми, ҳарнечук, ҳукмдор ҳаммиша унга новча, чиройли, сарвқомат ва ёшдай кўринарди. Хушнуд қизил юзлар, мастона шаҳло кўзлар, ўқдай кетган ингичка муртлар ва ҳилолсимон қошлари бор эди амирнинг. Бухоронинг ҳамма сатанглари амирга ўхшаш учун соқолларини ҳафсала билан текислатар, қош ва мўйловларини тердирар эдилар. Ҳукмдорнинг ўзига мунча зеб беришида она саройида олган заифона тарбиясининг таъсири сезиларди.

Ҳозир Ҳусайиннинг олдида бетоблик ва уйқусизликдан азоб чекиб, чўпдек қуриган аянч одам ётарди. У шунчалар кичкина ва озғин эдики, устига ёпилган кўрпа хиёлгина кўтарилиб турарди. Кул ранг юз, сийрак, салқи мўйлов, атрофга лоқайд қаровчи сўник нигоҳ, хуллас, амирда улуғворлик нишонаси кўринмасди, ҳақимлар олдида касаллик азобини тортган оддий шаҳарлик эмас, улуғ давлат ҳукмдори ётганига ишониш ҳам қийин эди.

«Зоти олийларига маҳрамлик — шуҳрапарастликнинг чегараси ҳисобланган шахс мана шу! — киноя билан кўнглидан ўтказди Ҳусайн. Бунинг ихтиёрсиз нигоҳини қанчадан-қанча одамлар улуғ бахт деб билишади. Қанчадан-қанча шоирлар тубанликка шўнғиб, хушомадгўйлик қилиб, унинг ҳузурида қасида ўқишга, ўзида йўқ фазилатлар билан уни мадҳ қилишга тайёр туришади! Зиқна ҳукмдорнинг нозик бадани устига энгашиш, унинг этига малҳам суркаш, ичакларини тозалаш ва сўғалини кесиб шарафига ноил бўлмоқ учун машҳур ҳакимлар қанчадан-қанча можароларга бош қўшиб, озмунча қабихлик қилишадими?»

Сарой ҳакимлари Ҳусайнни кўриб хомуш ерга қарашди. Йигит уларнинг хафа ва паришон юзларига разм солиб, амирнинг касали ҳақида бирор янги нарса айтолмасликларини пайқади. Қамарий уни ётоқхона остонасида кутиб олди:

— Амир билан ёлғиз қолдиришларини талаб қил, фурсатдан фойдаланиб, беморнинг аҳволини бекаму кўст ўрган! — деди у шивирлаб.

Ҳусайн бу оқилона маслаҳатга амал қилди. У ўзини ҳукмдор билан ёлғиз қолдиришларини талаб этганда, овозига ўзи ҳам ишонмади, — у шундай дадил ва ишонч билан янградик, ҳакимлар ихтиёрсиз бир-бирларига қараб қўйишди. Аммо беморнинг хиёл ишораси уларни дарҳол чиқиб кетишга мажбур этди.

Ҳусайн беморни текширишга киришди. Аммо тадқиқот чуқурлашган сари ёш ҳаким боши берк кўчага кириб боргандай бўларди. Амирнинг бадани бағоят заиф, гўё у қирқ ёшга эмас, кам деганда саксон ёшга киргандай эди. Унинг бадани барча касалликларнинг маконига айланган: жигар ҳам, буйрак ҳам, қорин ҳам, юрак ҳам чатоқ. Бу касалликлар ўндан зиёд беморга бемалол етарди. Аммо амирнинг ҳозирги оғир аҳволига булардан биронтасининг таъсири сезилмасди. Ҳусайн беморни эшитиб, у ёқ-бу ёғини ушлаб, силаб турганда, бошига бир ўй келиб қолди. «Сен бир марта бунақа синиқ, лоқайд юзни, бўшашган мускулни, хира, бепарво кўзни, бутун аъзонинг бўшашганини кўрган эдинг-ку!» Лекин қаерда? Қачон? Бирдан қора доридан заҳарланиб, «Доруш-Шифо»нинг ифлос палатасида ётган бахтсиз беморлар кўз олдига келди. Аммо бу фикр ўзига маъқул тушмади. Агар амир қора дори ёки гашишга ўрганган бўлса, нега ўзини ундан маҳрум этиб азоб чекади. У истаган вақтда бу заҳарни истеъмол этиб, азобдан қуту-

лиши осон-ку! Шундай бўлса ҳам, Хусайн қўрқа-писа ундан сўрашга қарор қилди:

— Мени авф этинг, ҳукмдор, лекин мен сизнинг саломатлигингиз ҳақи билишим керак: гоҳо қора дори ёки гашиш чекиш одатлари йўқми?

Амир ғазаб билан қош чимирди. Бир лаҳзага унинг бошида одатдаги ҳукмдорлик шивирлаб қолди.

— Менга бундай одобсиз савол беришга қандай журъат этдинг?! Бухоро амирининг бундай нарсага муҳтож эмаслигини ўзинг ҳам билишинг керак-ку!..

Шундай деди-ю, ҳолдан кетиб жим қолди, унинг юзларида бояги лоқайдлик аломати пайдо бўлди. Шу пайт жом чалинди, касал ётган хонага дастурхончи ва ошпазлар киришди. Амир овқатланадиган вақт бўлган эди. Чаққон хизматкорлар амир ётган жойга нозу неъматлар тортилган хонтахтани олиб киришди. Ҳавода иштаҳа очадиган хушбўй ҳид таралди. Амирнинг қўлларини гулоб билан ювиб, оппоқ сочиқ билан артишгач, ҳоври чиқиб турган таомлардан татиб кўришни таклиф қилишди. Уларнинг ҳар бирини аввал ошпазнинг ўзи татиб кўрди. Хусайн ўз кўзи билан кўрдик, амирни заҳарлаш энгил иш эмас экан.

Аммо бемор таомларнинг ҳеч бирига қўл текизмай, афтини буриштириб, олдига қўйилган ҳамма товоқ ва ликопларни нафрат билан нари суриб қўярди. Ошпазлар, нима бўлди, деб таомларни беҳуда татиб кўрардилар. Юзига дориворлар сепилган хушбўй палов олиб кирганларида амир бир даража жонланди. Аммо бир ошам ошни оғзига олиб борди-ю, уни туфлаб юборди:

— Бемаза бўтқа, оғизга олиб бўлмайди,— деб хириллаб қўл силтади. Товоқларни олиб чиқа бошлашди.

Хусайн бу қизиқ манзарани эътибор билан кузатиб турарди. У дарров ётоқхонадан чиқиб, палов олиб келган ошпазни тўхтатди.

— Муҳтарам ошпаз,— деди у,— мумкинми, паловдан татиб кўрсам? Нега у бизнинг ҳукмдоримизга бунчалар ёқмади, оллоҳ таоло у кишининг умрларини зиёда қилсин!— Шу сўзлар билан бир ошам ош олиб, оғзига солди.

У таажжубда қолди, негаки палов девзира гуручидан пиширилган ва гоят лаззатли эди. Хусайн ўзи ҳам сезмай яна бир ошам олди.

Юзларидан ёш оқиб тушаётган мўйсафид ошпаз эҳтиром билан унинг олдида олтин товоқни тутиб турарди.

— Бутун умрим саройда ўтди,— алам билан гапирди

у,— ҳукмдоримизнинг отаси улуғ Мансур ибн Нўҳга ҳам ўзим палов пиширдим. Ҳеч ким, ҳеч қачон мен пиширган таомдан юз ўгирган эмас. Энди эса мана бундай шармандалик... Нима учун амир менинг паловимдан жирканади, сира тушунмайман. Ҳеч бўлмаса сиз еб кўринг, муҳтарам ҳаким!

Ҳусайн яна бир неча ошам еди.

Хушбўй, серёғ шоҳона палов оғизда эрирди. Ҳакимга оламда бундан кўра лаззатли таом йўқдай туюлди.

— Афсуски, мен амир эмасман,— деди у ҳазиллашиб,— йўқса сизга «моҳир пазанда — сарой ошхонасининг безаги» деган унвон берардим. Сизнинг паловингиз ростдан ҳам лаззатли, лекин амир бетоблиги сабабли сизнинг санъатингизга муносиб баҳо беролмай турибди. Сабр қилинг, унинг касалини тузатамиз, сўнг кунига уч мартадан палов талаб қиладиган бўлади!

— Илиқ сўзларингиз учун ташаккур, ўғлим,— шивирлади чол кўз ёши аралаш табассум қилиб.— Нима учун худо мени бундай ғазабига олдики, менинг санъатим ҳукмдор тупуриб юборадиган даражага келибди,— давом этди у қалтираган овоз билан.— Бутун Бухорода менчалик ширин палов пиширадиган ошпаз топилмайди. Мен машҳур пазандаларнинг авлодиданман, лаззатли таом пишириш сирлари бизда авлоддан авлодга қолиб келади. Мен пиширган паловни улуғ одамлар мақтаганлар, бизда меҳмон бўлган қанчадан-қанча амир ва султонларга манзур бўлган. Худо умрини бергур ҳукмдоримиз ҳам бир неча бор менинг дунёдаги ҳамма ошпазлардан ўтиб кетганимни таъкидлаган эдилар. У киши бошқа одамнинг овқатини хоҳламай, мени ҳамма юришларига, саёҳатларга, ҳатто овга ҳам бирга олиб борардилар. Кутилмаганда бахтсизлик рўй берса бўладими?..

— Қандай бахтсизлик?— қизиқсинди Ҳусайн.

— Уч ой муқаддам иситма касалига йўлиқиб, ўлишимга бир бахия қолди. Амир паловсиз туролмайди. Ошпазликни ёрдамчим Насруллога топширишга тўғри келди. У пиширган ош шоҳона дастурхонга муносиб эмас, бозор ошининг ўзи. Бунинг устига у ифлос ва ҳамиша қора дори ичиб юарди. Аллақачон уни ҳайдаб юборишларини талаб қилишим мумкин эди. Бироқ раҳмим келади.— Кейин билсам, у биринчи кун шундай палов пиширибдики, амининг жаҳллари чиқиб, йигирма беш таёқ уришга амр қилибдилар. Тўсатдан қандайдир муъжиза юз бериб, унинг

овқати ҳукмдорга ёқиб қолибди. Мен касалдан тузалиб, ишга тушаман деганда, ошхона мутасаддиси амирга паловни фақат Насрулло пиширишини айтиб, мени ҳукмдорнинг хотинларига ошпаз қилиб қўйди. Шундай қилиб, менинг санъатим камситилган эди... Аммо мен Насруллонинг тантанаси узоққа бормаслигига ишонардим. Худди шундай бўлиб чиқди. Худованди карим ҳақни ноҳақ қилмайди! Бундан беш кун муқаддам Насруллони юз таёқ уриб зиндонга солишди, мени эса яна амир ошхонасига қайтаришди. Афсуски, ҳукмдорнинг тоблари қочиб, менинг паловимдан жирканадиган бўлиб қолдилар. Албатта, у кишини лаънати Насрулло сеҳрлаб қўйган, жувонмарг бўлгур!— деб чол баттар йиғи бошлади.

— Нима учун Насруллони зиндонга солишди?— сўради Ҳусайн.

— У кайф билан ҳукмдорга олтин товоқда эмас, сопол товоқда ош киргизибди! Амир буни ўзлари учун таҳқир билиб, шундай дарғазаб бўлибдиларки, у лаънатини минорадан ташлатиб юборишларига бир бахия қолибди. Лекин яна раҳм қилибдилар. Тўғри, бу ерда ҳам у муттаҳамга жодугарлиги асқатган.

Кекса ошпазни жўнатиб, Ҳусайн бир неча дақиқа хаёлга ботди. Ошхона можароси билан амирнинг касали орасида бирор муносабат йўқмикан? У мана шу жумбоқ устида бош қотириб турганда, Қамарий келиб хаёлини бузди.

— Қалай?— сўради кекса ҳаким.— Бошингга бирор фикр келдими?

— Йўқ, устоз, назаримда ҳали ҳамма нарса қоронғи. Шунга қарамай менда касалнинг сирини билиш умиди йўқ эмас, ҳозирча булар аниқланмаган, равшан эмас, бинобарин, эртагача сизга бирор нарса деёлмайман. Ҳозирча амирга тинчлантирувчи дори бериш керак. Бу билан у ҳеч бўлмаса кечаси андак ухлаб олади. Бошимга бирор гап келган-келмаганини мен сизга эрталаб айтаман.

Улар ажралишди, Ҳусайн саройдан чиқиб кетди.

23

Ўз фикр-хаёллари билан маст йигит қаёққа бораётганини билмай, кўчаларда кезди, қандайдир дарвоза ва майдондан ўтди, нотаниш ерларда санқиб юра-юра, қош қорайганда шаҳар дарвозасидан анча йироқда — чўлда ўзига келди.

— Мен қаёққа келиб қолдим?— қаттиқ нидо солди у. гўё уйқудан уйғонгандай атрофга назар солиб.— Эҳтимол шаҳар дарвозаларини беркитаётгандирлар, мен уйга ҳам боролмай қоламан!

Бироқ унга ҳеч ким жавоб бермади. Чўлда оқшомнинг ваҳимали сукунати ёйилганди. Орқада, анча йироқда, энди кўтарилаётган туман орасидан Бухоро шаҳрининг баланд деворлари ва қалъа минораси элас-элас кўзга чалинарди. Олдинда, тепаликнинг доманасида гулханнинг пушти шуъласи милтиллаб кўринарди.

Ҳусайн шу тарафга қараб кетди.

Гулхан қалаб турган одам новча, озгин чол эди. Афтидан у ёшлигида кучли, сарвқомат ва чиройли йигит бўлган. Утган йиллар ва турмуш унинг қаддини эгиб, юзларига чуқур ажинлар туширган, ақлли кўзларига қайғу-ҳасрат ин қурган. Шаҳло кўзли озгин бир бола янтоқ, шохча ва тезак териб келиб, гулханга ташлаб турарди. Гулхан ёнида бир отар қўй ётарди.

— Ассалому алайкум, ота!— Ҳусайн чолга таъзим қилиб, гулхан ёнида дам олишга рухсат сўради.

— Марҳамат, болам! Меҳмон ҳамиша мезбоннинг қувончи, у чўлга келса ҳам қувонч келтиради,— жавоб берди чўпон ва йигитни гулхан олдидаги пўстакка ўтиришга таклиф қилди.

Ҳеч нарса сўрамай, Ҳусайннинг саройга бориш учун кийган қимматбаҳо либосларига ҳам таажжубланмай, чол дастрўмол ёзиб меҳмони олдига суви қочган нон ва тошдек қотган пишлоқ қўйди. Гулхан атрофида ўтириб, учовлон тамадди қилиб олишди. Кейин бола ерга яна бир неча ёски қўй терисини ёзди, чўпон Ҳусайнни пўстакда ёнбошлаб, дам олишга таклиф этди.

— Шаҳар дарвозалари аллақачон бекилди. Қишлоқлар ҳам анча узоқ, ҳаво иссиқ. Шу ерда ётиб, эрта билан қаёққа бориш лозим бўлса кета берамиз,— деди у.

Ҳусайн пўстакда ёнбошлади. Аммо ухлагиси йўқ эди. Унинг фикри ихтиёрсиз равишда амирнинг сирли касали атрофида айланарди. Чўпон ухлолмай бир ёнбошидан-иккинчи ёнбошига ағдарилар, булут босган осмонга қараганча хўрсиниб қўяр эди.

Чолнинг қандайдир оғир ўйлар тазйиқи остида эканини пайқаб, Ҳусайн унга яқинроқ сурилиб сўради:

— Исмингизни билмаганим учун мени кечиринг, ота, назаримда турмушингиз анча оғир кўринади — кундузги

шунча ишдан кейин кечаси ухлолмай ётишингиз бундан далолат бермайдими?

— Менинг номим Усмон. Сен жуда ёш экансан. Эҳтимол бой ҳамдирсан, бас мен гадонинг гаплари сенга етиб борармикан?

— Ёшлик кун сайин ўтиб боряпти, бойлик тўлаганим йўқ ва тўпламоқчи ҳам эмасман.

— Сен тўламасанг, отанг мажбур этади, отанг мажбур этмаса, турмушнинг ўзи мажбур қилади. Биласанми, пул пулга интилади, савдогарлар тили билан айтганда, пулни пул топади...

— Мен пулга интилган эмасман. Бундан кейин ҳам интилмайман. Ҳаётни пул безамайди! Мен одамларни билмоқчиман, уларга ёрдам қилишни ўрганмоқчиман.

— Агар ҳамма ҳам сендек фикр юритганда, ўғлим, эҳтимол тирикчилик анча энгил бўларди... Агар менинг ҳақимда бирор нарса билмоқчи бўлсанг, эшит, соғлом қалин тарозусига солиб кўр: бизнинг турмушимизни мана шундай етиб ким яратган? Оллоҳми, одамларми ёки пулми?— Усмон ҳаёлчан, гўё ҳикоя қилмай, ўз-ўзига гапираётгандай давом этди:— Бир вақтлар менинг озгина ерим, ўрикзорим бўларди. Мен онам, хотиним, уч ўғлим ва қизимни боқиб, ўлпонларни ҳам вақтида тўлардим. Хотиним икковимиз ҳордиқ нималигини билмасдик, албатта. Болаларимиз катта бўлиб ёрдамлари тегар деган умидда яшардик. Биз болаларнинг улғайишини кутиб юрганда, ўзимиз сезмай, қизимиз балоғатга етиб қолди, бахтга қарши, соҳибжамол қиз бўлиб етишди.— Усмон хомуш бўлиб қолди.— Уни сенга қандай таъриф қилишни билмайман. У ҳур ва парига ўхшамаса керак, чулки кулишни жуда яхши кўрарди. Тўғри, мен на ҳурни, на парини кўрганман. Агар эртақлардаги гап рост бўлса, улар хомуш, сипоҳ бўлиб, ҳарир либосларда юришади. Бизнинг Ҳабиба эса мудом гапиргани гапирган, кулгани кулган, дағал бўз кийимда юрса ҳам атир гулдек очилиб турар эди. Қизимиз заминдорнинг ўғлига ёқиб қолибди. Марҳум заминдор адолатли чол эди: биздан ортиқча нарса талаб қилмасди, еримизга вақтида сув бериб турарди. Сенга шуни ҳам айтиб қўяйки, бош ариқ ўшанинг еридан ўтар, бу сув бўлмаганда бизнинг экинларимиз қовжираб қуриб кетган бўларди. Унга меросхўр бўлиб қолган ўғли отасига сираям ўхшамади: ёмон, жанжалкаш одам чиқди. Юзлари чандиқ, оёғи оқсоқ...

— Қаерликсиз, ота?— ташвиш билан сўради Ҳусайн ва бошини кўтариб, тирсагига суянди.

— Афшана қишлоғи ёнидан, Бухоронинг анови томонида у,— Усмон қўли билан шимолни кўрсатди.

«Исо тоға бўлса керак»,— бесаранжом бўлиб ўйлади Ҳусайн чолнинг тавсифида Бухорога тез-тез келиб турадиган ўз тоғасини таниб.

— Ёш заминдор Ҳабибани менга беринглаб деб талаб қилди, қизча буни эшитиб, дод-фарёд кўтарди. Биз уни қўшни қишлоқдаги холасиникига жўнатдик — хўжайиннинг эсидан чиқар деб ўйладик. У эса, қизни бермасанг — сув бермайман, деб икки оёғини бир этикка тикиб туриб олди. Ариқдан ҳамма сув ичарди, бир мен эмас, қўшнилари ҳам экин-тикинлари сувсиз қолди. Бутун қишлоқ аҳоласи бориб ёлвориб кўрди, аммо у баттол бари бир кўнмади. Анча-мунча пул ҳам тўплаб беришди, олмади. Камбағал бойни нима билан ҳам қувонтирсин...

Қизчага бутун қишлоқ ёлворди, у эртагача ўйлашга муҳлат сўради, эрталаб уни ҳеч ердан қидириб тополмадик — қочиб кетибди. Уни айблаб бўладими — бизнинг хўжайин одам эмас, бориб турган ҳайвон-да. Биз унинг қаердалигини аниқлагунча, экинларимиз қовжираб кетди. Аксига олиб, ўша йили шамол кўп бўлди. Далани қум босди. Қишлоқ халқи бир қадоқ ҳам дон ололмади. Ўттиз хўжаликнинг сен туфайли хароб бўлиши нима деган гап, биласанми, ўғлим? Ўз қариндошларингдек бўлиб қолган ўттиз хўжаликнинг емоққа нони, ўлпон тўлашга қурби йўқ! Демак, ўлпон тўловчилар хўжалик бошлиғи бўлган ўттиз кишини қулликка топшириши керак. Буларни қутқазिश учун мен нима қилишим керак эди?

Ҳусайн бу алам-ангиз ҳикояни эшитиб, жуда хафа бўлди. Ички бир овоз унга, қишлоқнинг бахтсизлигига сен ҳам бевосита айбдорсан, деб шивирлар эди.

— Яхшиямки сарбозликка одам излаб, ҳарбийлар келиб қолишди,— давом этди Усмон,— улар бамисоли қузгун: одамзоднинг бахтсизлигини дарров сезишади — болаларим билан мен сарбозликка сотилиб кетдик. Биз учун тўланган ҳақ қишлоқнинг уч ойлик солиғига аранг етарди. Кета ётиб хотинимга, қизни қидириб топ ва менинг номимдан шу сўзларимни унга етказ, деб тайинладим: «Юз киши ҳалок бўлиб, бир киши омон қолгандан кўра бир киши ҳалок бўлиб, юз кишини халос этгани афзал!..»

Усмон яна жим қолди. У ҳам, Ҳусайн ҳам бир неча да-

қиқа хомуш ётишди. Чол ҳамон бир ёнбошидан-иккинчисига ағдарилиб хўрсинарди. Хусайнда ҳикоянинг давоми-ни эшитиш истаги зўр эди, бинобарин:

— Агар малол келмаса, ҳикояни давом эттиринг,— деб илтимос қилди у.

— Менинг ҳасратларим ҳали ҳам сени зериктирмади-ми, ўғлим? Энди ўзи ҳам оз қолди. Хотиним Ҳабибани қидириб топибди. Ҳабиба эса ўзи хўжайиннинг олдига борибди. Қизимиз ўшанинг уйида туғриқда ўлди. Унинг ўғлини бувисига топширишди. Қишлоқнинг суви учун биз ана шундай ҳақ тўладик.

— Ўғилларингиз нима бўлди?— секин сўради Хусайн.

— Иккитаси урушда ўлди. Кимга қарши, не боисдан уруш бўлди, билмайман. Ҳукмдорларнинг нима учун мудом жангу жадал қилишларини тушуниб бўлармиди? Уша урушда мени Буғрохон аскарлари асирга олишди. Хайриятки, йўлда қочиб қутулдим, йўқса қул қилиб сотишарди.

— Болаларингиз фақат иккитамиди?

— Йўқ, учта эди.

— Кейингиси қаерда?

Чолнинг юзлари оқариб кетди. Афтидан, бу ҳақда гапириш унга оғир эди, бир муддат хомушликдан сўнг у ўзини тутиб олди.

— У уйга қайтиш учун ўз қисмидан қочибди. Ун етти ёшда эди шўрлик, худди ҳозирги сенинг ёшингда. Аммо йўлда қўлга тушибди. Уни уриб-уриб, охири ўлимга ҳукм қилишди.

— Ўлдиришдимизми?— ларзага келиб сўради Хусайн.

Чўпон сўзсиз бош қимирлатди.

— Ўлим олдида уни яна бир кўрай деб яширинча Бу-хорога келдим. Ҳаётга энди қадам кўяётган шундай ёш йигитнинг ўлдирилишини ўйлаганда, юрагим торс ёрилиб кетгудай бўларди. Янги масжид қурилишида тош ташиб бир неча дирҳам тўплаган эдим. Шуларни зиндон назоратчисига берувдим, у мени зиндонга киргизиб юборди. Олтин калит ҳар қандай эшикни очади... Мен Алини бағримга босдим (кенжамизга шундай ном қўйган эдим), бироқ назоратчи мени дарров итариб зиндондан чиқарди, бегона одамни киргизганини биров кўриб қолишдан қўрқарди. Эртасига Алининг боши танасидан жудо қилинди...

Чол юзларини бекитиб, хўнграб йиғлаб юборди. Хусайн юрак-бағри эзилиб унга қаради. Шундай бўлса ҳам у яна битта савол берди:

— Анови бола кимнингиз бўлади?

— Бу неварам Жаъфар — Ҳабибанинг боласи. Қишлоққа қайтиб келсам уйим бузилиб, вайрона бўлиб ётибди. Еримни қум босиб кетибди. Хотиним ўлибди, катта оиладан қолган ягона тирик жонни қўшнилар ўз тарбияларига олибдилар. Мана энди Жаъфар мен билан бирга бегоналарнинг ерида бегоналарнинг қўйларини боқиб юрибди.

Чол Ҳусайндан:

— Сен нима дейсан, болам, нега бизнинг тақдиримиз дарёси бу ўзандан оқди? — деб сўраганда унинг овозида ғазаб, нафрат эмас, чуқур, ноилож қайғу сезиларди. Бироқ у жавобни кутмай, ўрнидан туриб қўйларнинг олдига кетди, уларни санаб чиққач, яна келиб ўз жойига — пўстакка чўзилди. Ҳусайннинг назарида у шу заҳотиёқ уйқуга кетгандай туюлди.

Ҳусайн тун бўйи мижжа қоқмади. Усмон оиласининг ҳалокатига ўз тоғаси сабаб бўлганини ўйлаганда юраги ёрила ёзарди. Агар ўшанинг шаҳватпарастлиги ва бераҳмлиги бўлмаганда, зебо Ҳабиба ҳам, чолнинг учала ўғли ҳам тирик бўларди. Усмон ҳозир пири бадавлат бўлиб, ўзининг бир парча ерини обод қиларди. Йигит ўз тенгдоши Али ўлим соатларини кутиб ётган Бухоронинг қоронғи зиндонини кўз олдига келтирди. Ахир жаллоднинг келишини кутишдан ҳам даҳшатли нарса борми! Бирдан шу зиндонда амирнинг ошпази Насрулло ётганини эслаб қолди. Амирнинг сирли касали унинг бошидан бошқа фикрларни сиқиб чиқарди. Насрулло амирга сопол товоқда ош сузиб бергани учун юз таёқ еди. Эҳтимол, у жазоланишини билиб, амирга тайёрланган овқатларнинг бирига заҳар қўшиб бергандир? Ахир, шундай бўлиши ҳам мумкин-ку! Шу бахтсизни кўриб, ундан сўраб-суриштириш керак. Ошпазни қандай қилиб гапга солишнинг режаси тайёр эди. У Усмоннинг сўзларини эслади: «Олтин калит ҳар қандай эшикни очади». Мардикорлик қилиб юрган бир камбағал дирҳам билан зиндонбонни сотиб олган бўлса, наҳотки шу ишни динор ёрдами билан қилиб бўлмаса? Ҳар ҳолда бир уриниб кўриш зарур. Шу ўйлар билан у ҳам ухлаб қолди.

Қуёш нурлари кўринар-кўринмас йигит ўрнидан турди. У оз ухлаганга одатланган эди. Соф ҳавода ўтказилган кеча уни анча тетик қилиб қўйганди. Усмон билан хайрлаша туриб, деди:

— Нону тузингиз учун кўп раҳмат. Сиз билан нева-

рангизга ёрдам қилмоқчиман. Кексайган вақтда уй-жойсиз юриш оғир нарса, мен сизга шаҳардан иш топиб бераман. Бухорога бориб, Бағдодий масжидини излаб топинг. У ернинг каттаю кичиги сизга Абдуллоҳ ибн Синонинг уйини кўрсатиб қўяди. У менинг отам. У сизга енгил иш топиб беради, Жаъфар билан икковингиз бизникида турасизлар. Эсдан чиқарманг, тезроқ боринг.

Усмон Ҳусайнга миннатдорлик билан қаради.

24

Ҳусайн эрталаб уйга келиб пул олди-да, дарров ўз ишига жўнади. Бозорга етгач, тор, эгри бир кўчага бурилди. Бу ердаги қатор дўконларда ҳар хил дори-дармон, малҳам, хушбўй ёғлар, упа-элик ва бошқа пардоз буюмлари билан савдо қилишарди. Йигит дори тайёрлаш учун зарур нарсаларни харид қилиб юрган таниш дўконига кирди. Бу ерда кенг бинонинг ним қоронғи деворларига қуритилган доривор ўсимликлар боғ-боғ қилиб осиб қўйиларди. Талқон ва суюқ дорилар қутича ҳамда бошқа идишларга солиниб, токчаларга қатор қилиб териб ташланган эди. Булардан тибет мушки, лаванда, розмарина ва аргувоннинг қоришиқ иси келарди. Офтоб нурлари деразага осилган юпқа тери парда орқали ўтиб, қуритилган кўкатларни ёритиб турарди.

Дўкондор ўз харидорини тавозе билан кутиб олди. Ёш ҳакимга оғир касални даволаш учун қора дори кераклигини билгач, унинг афти ўзгарди, шундай бўлса ҳам, яшириб қўйилган қутичадан ўн дона мошранг дори олиб берди.

— Ишқилиб биров билмасин, муҳтарам ҳаким, бунинг орқасидан бизни таъқиб қилишларини ўзингиз яхши биласиз,— илтимос қилди у Ҳусайндан олтинларни ола туриб.

Энди ишнинг энг қийини — зиндонга кириш қолганди. Абдуллоҳнинг дўстлари, амир мансабдорларининг барчаси ҳам сотқин, деб қайта-қайта гапиришарди. Шунинг учун Ҳусайн бу ишнинг муваффақиятли чиқишига гумонсирасмасди.

Зиндон Регистон яқинида, саройдан сал пастроқда, серқатнов кўчалардан бирининг бурчагида эди. Сарой болохоналаридан бирининг айвони шу тарафга қараган бўлиб, амир ва аъёнлар шу ердан туриб, баъзан қатл маросимла-

рини томоша қилардилар. Харсанг тошлардан қурилган баланд девор зиндоннинг чор атрофини қуршаб турар, бу кар деворлар орқасида нималар бўлаётганини ҳеч ким билмасди.

Темир дарвоза олдида, эски гиламда ўтирган қоровуллар зерикканларидан ошиқ ўйнашарди. Худди шу ерда маҳбусларга овқат ва кийим олиб келган қариндош-уруғлари, ёру дўстлари маъюс айланиб юришарди. Новча, тақаббур назоратчи бу нарсаларни «чої пули» берганлардангина қабул қилиб, қолганларини ҳайдаб юборарди.

Бу манзарани анчагина кузатиб турган Ҳусайн қатъият билан назоратчи томон йўл олди. У эса башанг кийинган бу йигитни аллақачон кўриб, иш билан машғул бўлса ҳам, ундан кўз узмасди.

— Амирулмўъминимизнинг бош зиндонбони сиз бўласизми?— сўради Ҳусайн.

Гарчи савол берилган одам зиндонбон ёрдамчиларидан бири бўлса-да, дарров жиддий тус олиб, кибр билан бош қимирлатди.

Ҳусайн уни бир четга тортиб, ўзининг ҳақим эканини, ҳатто амирнинг ўзини даволаётганини, зиндонга кириб амирнинг собиқ ошпази Насруллони кўриши лозимлигини айтди.

— Бундай хизмат учун мен бир динорни ҳам аямасдим,— шивирлади Ҳусайн қўлида янги олтин тангани ўйнаб туриб.

— Сиз бўлмаган нарсани сўраяпсиз,— жавоб берди у олтиндан кўз узмай.— Агар биров билиб қолса, жаллод амирнинг фармони билан менинг бошимни кесади. Майли, менга уч динор беринг, яхши одам экансиз, киргизиб юбораман, кейин нима бўлса бўлар...

Ҳусайн савдолашиб, охири икки динорга кўндирди ва тиллоларни назоратчига бериб, шу заҳотиёқ зиндонга кириб кетди.

Тош ётқизилган зиндон ҳовлиси ўртасидаги пастак мезананинг туйғукларига темир панжар қопланган. Деворга қапишган эшикдан пастга, маҳбуслар ётган жойга тушилади. Ёғоч зиналар пастга тушган сари нам ва тийганчоқ бўла бориб, охири ҳўл деворни ушлаб тушишга тўғри келади.

Ҳусайн Бухоро зиндонидаги мудҳиш манзара ҳақида кўп нарса эшитган бўлса-да, ўз кўзи билан кўрганлари эшитганларидан кўп даража ошиб кетди. Чиркинлик, бад-

бўй ҳид, оҳу зор уни остонадаёқ тўхтатишига сал қолди. Аммо ҳақимлик касби уни одам турган ҳар қандай жойга нафратсиз қарашга ўргатган, бу ерда ҳам йигит кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деб пича тайсалланди-ю, охири ўзини қўлга олиб, дадиллик билан ичкарига кирди.

Назоратчи бир неча бор «Насрулло!» деб қичқирди, лекин унга ҳеч ким жавоб бермади.

— Менга бир дирҳам берсанг Насруллони топиб бераман. Унинг қаердалигини мен биламан,— шивирлаган хирқироқ овоз эшитди Ҳусайн.

Йигит ўгирилиб, соқол-мўйлови ўсиб кетган бир кимсанинг ўзига яқинлашиб келаётганини қоронғида аранг пайқади. Назарида бу одамнинг ёшли кўзларида ақл нури чақнагандай бўлди.

— Сен кимсан, нима учун бу ерга тушдинг?— кумуш танга узатиб туриб аста сўради Ҳусайн.

— Мен қарматийман,— секин жавоб берди маҳбус Ҳусайн узатган тангага ориқ қўлларини чўзиб.— Мисрдан мактуб олиб келганим учун қамашди... Рамазонда бу дўзахга тушганимга уч йил тўлади... Мени тамом унутиб юборишди... Қани, кетимдан юр!

Назоратчи ошпазни қидиргунча қарматий Ҳусайнни тезлик билан зиндоннинг нариги бошига олиб кетди.

— Мана Насрулло,— шивирлади қарматий қўли билан ҳаракатсиз ётган одамни кўрсатиб.— Уйғотиб кўр. Мудом ётгани ётган...

Қарматий қаёққадир ғойиб бўлди, Ҳусайн ошпазнинг устига энгашиб елкасидан тортди. Аммо ётган одам унга қараб ҳам қўймади. У ўқтин-ўқтин хўрсинар, бутун бадани тортишарди.

— Менга қара, Насрулло,— деди Ҳусайн астагина унинг қулоғига.— Сенинг олдингга бир иш билан келдим. Агар менинг саволларимга жавоб берсанг, эҳтимол, мушкулнингни осон қиларман.

Насрулло жавоб ўрнига яна хўрсиниб қўйди.

— Мен сенга ёрдам қиламан,— деди яна Ҳусайн.

— Агар менга шафқат қилмоқчи бўлсанг, ўлдир. Фақат мана шу мени азобдан қутқаради.

— Ўлдирмай, дардингга даво топаман.

Насрулло ҳушёр тортди.

— Нима демоқчисан?— сўради у кўзини сал очиб.

— Менда тарёк бор...

Ошпаз Ҳусайннинг қўлларига ёпишди.

— Тезроқ бер, бутун умрим ҳақингга дуо қилиб юрман! Агар шафқат қилсанг, худойим сенинг ўтмишдаги ва келажақдаги ҳамма гуноҳларингни кечирсин!..

— Мен дуо билади сотиб оладиган гуноҳ қилганим йўқ. Яхшиси, саволларимга тўғри жавоб бер!

— Нима деяпсан ўзи? Мен ҳеч нарса билмайман! Амирга сопол товоқда ош сузишдан бошқа гуноҳим йўқ. Ушанда ақлдан озган эканман. Бутун гуноҳим мана шу! Худо хайрингни берсин, менга тезроқ тарёк бер!

— Яна ёлғон гапирсанг, ҳозироқ кетаман.

— Сенга нимани айтиб беришим керак? Мен тушунмай турибман.

— Амирнинг овқатига бирор нарса солиб берганмидинг?

Насрулло чўчиб тушди:

— Йўқ! Йўқ! Мен ҳеч қачон амирнинг овқатига бирор нарса солганим йўқ...

— Ёлғон гапирма!..

Ҳусайн бўз халтачадан икки дона юмалоқ тарёкни олиб, Насруллога кўрсатди. Маҳбуснинг кўзлари жавдираб кетди.

— Бер!— деди у қалтироқ қўлларини чўзиб.

— Тўғриси айт!

Насрулло Ҳусайннинг тарёк ушлаб турган қўлларидан кўз узмай, пала-партиш гапира кетди.

— Тўғри, мен ёлғон гапирдим... Ҳукмдорнинг овқатига бир нарса солиб берганман, лекин ҳам келтирадиган нарсамас, шодлик келтирадиган нарса солиб берганман... Эски ошпаз бетоб бўлиб қолганда, бу иш менга топширилди. Мен яхши ош қилолмасдим. Мен пиширган ошни ҳеч ким ёқтирмасди. Шунинг учун биринчи кунидек хўп калтак едим... Аммо ҳаммадан устун чиқишга аҳд қилдим. Амирга менинг паловимни манзур қиладиган восита қўлимда эди. Агар шуни ишга солсам, амир мен пиширган паловни еб, яхши тушлар кўради. Ҳаётнинг лаззатини сезади... Ана шу мақсадда ошга жиндак тарёк солдим, худди мен ўйлагандай бўлиб чиқди! Менинг паловимдан лаззатлироқ таомни амир ҳеч қачон еган эмас... Эски ошпаз тузалиб чиққанда, уни қайта ўз ўрнига қўйишмади. Ишлар туппа-тузук бораётган эди. Бундан бир ҳафта бурун амирга палов пиширдим, тарёк солиб қойилмақом қилиб қўйдим. Фалокатни қарангки, ошни сузиш вақтида, кайф билан тилло товоқ у ёқда қолиб, зарҳалланган сопол товоққа

сузиб кирибман. Хоҳ инон, хоҳ инонма, гап шу. Шундан кейин амирнинг газабига қолдим. Энди менинг жоним сенинг қўлингда. Агар бу гапни вазира айтгудай бўлсанг, у тириклайин теримни шилиб олади. Аммо, тарёксиз ҳам менинг узоқ яшашим қийин...

Шўрлик иқрор бўлишга бўлиб, ваҳимадан дағ-дағ қалтирарди. Ҳусайн унинг гапларини эшитиб, анча енгил тортди. У, таёқ билан урганлари учун Насрулло ўч олиб, амирга заҳар бергандир, деб қўрққан эди. Тасодифан тарёқ таъсирига тушган ҳукмдорни даволаш мумкин деб умид қиларди йигит... У ошпазга бир неча юмалоқ тарёқ ва бир неча дирҳам пул бериб, палов можаросини бошқа ҳеч кимга айтма, деб тайинлади.

— Агар тилингни тийиб юрсанг, мен сени тезроқ бўшатиб юборишга ҳаракат қиламан,— ваъда қилди ёш ҳаким ва шонилгаича юқорига чиқадиган йўлни излаб кетди.

Эшикнинг олдига келганда Ҳусайн яна қарматийга йўлиқди. У йигитга кир латтани узатди.

— Мен бунга қора куя билан ўз номимни ёздим,— деди у,— олижаноблик қилиб буни бир мусулмони комилнинг қўлига бер. Ким билан гаплашаётганимни билмайман, аммо менга ёрдамнинг тегар деб умид қиламан...

Ҳусайн назоратчининг овозини эшитиб, латтани дарров қўйнига солди.

Назоратчи бор товуши билан қичқирарди:

— Бу лаънати қаерда қолди? Барибир мен уни топаман, бу ярамасларнинг ярмини уриб абжақ қилсам ҳам, барибир топаман!

— Овора бўлманг, жаноб!— уни тўхтатди Ҳусайн.— Бу жаҳаннамда юришга ортиқ тоқат қолмади. Ошпазни кўролмасам садқаи сар, унингсиз ҳам ишим битиб қолар. Ишимиз битмаса ҳам икки динор сизники бўлсин.

Назоратчи Ҳусайннинг пулни қайтариб олмаганига ҳайрон бўлиб, уни эҳтиром билан зиндондан ташқарига кузатиб чиқди.

— Хизматингизга ҳамиша ҳозирман, жаноби муҳтарам. Худо сақласин-ку, мабодо бу зиндонга тушгундай бўлсангиз, бу ерда сизнинг иззат-ҳурматингизни бажо келтирадиган одам борлигини унутманг...

Ҳусайн бу ваъдани эшитиб, кулимсираб қўйди. У кўчага чиқиб, тоза ҳавода тўйиб нафас олди. Унга зиндонда кўрганлари умр бўйи нутилмайдигандай туюлди.

От етаклаган бир одам сарой майдонини кесиб тез юриб борарди, бу — кеча Ҳусайнни бошлаб келган киши эди. Муъолишда унинг Ҳусайнни туртиб кетишига сал қолди.

— Муҳтарам ҳақим,— деди у,— сизнинг тездан саройга боришингизни талаб қиляптилар.— Кейин Ҳусайннинг қулоғига шивирлади:— Худо ўз паноҳида асрасин. Ҳукмдоримизнинг аҳволи анча оғирлашиб қолди.

Ҳусайн дарҳол саройнинг баланд дарвозасига қараб бурилди.

Саройдаги хоналарда ҳаяжон ҳукм сурарди. Бу ерга ҳукуматнинг катта мансабдорлари тўпланиб, бўлажак воқеани аҳтиёткорона кутиб турардилар. Амирнинг илтифотидан баҳраманд бўлганлар маъюс ва ғамгин кўринарди. Бошқалар — амирнинг ўлими билан ўз ҳаётларида силжиш кутганлар эса табассумдан ўзларини аранг тийиб туришарди. Амир элчиларни қабул қилиб, тантанали маросимлар ўтказадиган катта таноби хонадан имомлар ва муллалар рафоқатида серсоқол қария — Бухоро муфтиси ўтиб кетди. У ҳозир мамлакатдаги ҳамма масжидларга, амирнинг соғайишини сўраб тўхтовсиз ибодат қилишни буюриб, чопар юборган эди.

Амир ётган уйнинг кираверишидаги хонада Ҳусайн ҳамма сарой ҳақимларини учратди. Уларнинг маъюс юзларидан касалнинг аҳволи оғирлашгани очиқ сезилиб турарди. Ҳусайнни кўриб, Қамарий дарров унга яқинлашди.

— Қаерларда юрибсан? Сенга иккинчи дафъа одам юборишим. Бирор нарса ўйлаб топдингми? Амирнинг аҳволи шундай оғирки, кечгача яшашини ҳам худо билади. Илк саҳардан бери титраб-қақшайди, тиришади, бақиради. У ҳамма ҳақимларни ҳайдаб чиқарди, бизларни табобатдан беҳабар нодонлар деб койиб берди. Ҳозир шайх Саид унга муқаддас оби замзам ичириб, куф-суф қиляпти. Албатта булар беҳуда гаплар...

— Муҳтарам устоз,— секингина пичирлади Ҳусайн,— мен ҳукмдорнинг нотоблик сабабини топдим. Бошқа хонага чиқайлик, бу қизиқ воқеани сизга батафсил нақд этиб бераман...

Улар бошқа хонага кириб кетишди. Аммо Ҳусайн, деворнинг ҳам қулоғи бор, маталига риоя қилиб, нимаики би-

либ келган бўлса ҳаммасини Қамарийга шивирлаб ҳикоя қилиб берди.

— Энди унга кўпроқ тарёк беришга тўғри келади,— деб пичирлади у пировардида.— Шунда у дарров тузалади, кейинча биз унинг миқдорини камайтириб бориб, ҳукмдорни ундан тамом қайтарамиз... Лекин сиздан ёлвориб сўрайман, амирга нима бўлганини ҳеч кимга айта кўрманг. Бўлмаса бечора Насруллонинг боши кетади. Бунча хавфу хатардан кейин уни на амир, на вазир афв этади...

Қамарий Ҳусайинни бағрига босди.

— Сенинг фаросат ва қобилиятингга бекорга ишонган эмасман, ўғлим! Сен амирнигина эмас, мени ҳам қутқардинг. Энди мен таъналардан қутулдим. Аммо сен қўрқма, мен сенинг шуҳратингни тортиб олмоқчи, сенинг муваффақиятингни ўзимники қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Амирга фақат сенинг шарофатинг билан унинг касалини аниқлаш ва керакли дорини топишга муяссар бўлганимни айтаман. Ошпаз масаласига келсак, мен уни фош қилиб ўтирмай, аксинча, бўшатиб юборишга ҳаракат қиламан. Шуниси ҳам борки, биз уни ортиқ амир ошхонасига яқинлаштирмаймиз.

Қамарий Ҳусайинни бошлаб, бошқа ҳақимлар турган хонага кирди. Ҳамманинг эътибори шуларда эди. У бошини тик кўтариб, шогирди билан амир ётган хонага кириб кетди.

Еш ҳақимнинг кўзи ғалати манзарага тушди. Амир илгаригидек ҳашаматли жойида чўзилиб ётарди. Худди Насруллодек унинг ётлари тиришиб тортишарди. Юзлари яна баттарроқ тупроқ тусига кирган, кўзлари яна ҳам сўнган. Ёнида ўтирган ориқ шайх эса алланарсаларни пичирлар, сўнгра амирнинг тепасига энгашиб «суф» деб қўярди. Шайхнинг куф-суфлари жонига текканиданми ёхуд икки ҳақим ҳузурида хижолат ҳиссиданми, ҳарнечук, амир ижирганиб, шайхга чиқиб кетишни ишора қилди. Шайх чиқиши билан Қамарий амирга яқинлашиб:

— Улуғ ҳукмдор, шогирдим икковимиз сиздаги хасталик сабабини аниқладик, иншооллоҳ, тез фурсатда сизни ундан халос этамиз!— деди.

Амир кўзларини хиёл очиб, унга ишонқирамай қаради.

Шу пайт Ҳусайн бир юмалоқ тарёкни амирга узатиб:

— Улуғ ҳукмдор, бу ғоят сертаъсир дори,— деди у,— уни ютиш билан дарҳол дардингиз таскин топади. Агар бу

гапим нотўғри чиқса, мен ёш бошим билан жавоб беришга ҳозирман.

Амир «ба нияти шифо» деб дорини ютиб юборди.

Кечагина ҳамма умидини узган оғир касалнинг тўсатдан тузалиб қолиши ҳаммани ҳайратда қолдириб, Бухорода дув-дув гап бўлиб кетди. Қамарий ва заковатли шогирдининг номи одамларнинг оғзидан тушмасди. Улар ҳақида мақтовлар еру кўкка сиғмай кетди. Лекин уларга ҳасадчилар ҳам йўқ эмас эди. Изза бўлиб қолган сарой ҳақимлари Ҳусайни омади келган нодон, фирибгар деб аташди. Руҳонийлар буни шайтоний иш деб пичирлашарди. Албатта бу иш сеҳр-жодусиз бўлмаган, ахир бу шуҳратпараст гўдакнинг яқинда ўлган жодугар Исҳоқ атрофида гирдикапалак бўлиб юриши бечиз эмас! У дўзахи чол ўзининг шайтоний ҳунарларини мана шу қарматий ибн Синонинг ўғлига ўргатиб кетган, албатта. Ниҳоят муфти, имом ва муллалар ҳам амирнинг тўсатдан тузалишини ўз хизматларидек талқин эта бошладилар. Дарҳақиқат, мамлакатдаги ҳамма масжидларда кеча-кундуз тўхтовсиз ибодат қилиб, амирга шифо тилаганлар шулар эмасми? Уларнинг дуо ва ибодатлари худонинг даргоҳида қабул қилиниб, амир шифо топди. Бу ерда ҳақимларнинг ҳеч қандай хизмати йўқ.

Аmmo амирнинг валломатлигига қойил қолса арзийди. У ўзига келгандан кейин шифокорларини унутмади: дармонга кириб, тахтга ўтирган куни унинг фармони билан Қамарий ва Ҳусайни саройга чақириб келишди. Амир уларни сарой аъёнлари ҳузурда қабул қилди. Улар кириб амирга таъзим бажо қилгач, ҳукмдор уларнинг билим ва жонбозликларини мақтади. Шундан сўнг хазиначи мукофотларни улашди. Қамарий бир халта динор ва катта феруза кўзли узук олди. Ҳусайнга тилла узук билан сарой ҳақимлигига ёрлиқ беришди.

Шу пайт амир билан Ҳусайннинг кўзлари тўқнашди. Йигитнинг жовдираган кўзларига қараб амир пайқаддики, унинг қандайдир талаби бор.

— Сени сарой ҳақими қилиб тайинлашимиздан розимисан? Яна қандай талабинг бор? Агар бўлса, тила тилагингни!— илтифот қилди амир.

— Эй улуғ ҳукмдор, сизнинг мукофотингиз менинг арзимас хизматларимдан кўп даража ошиб кетди. Аммо мен яна бир илтифотингизга муҳтожман. Менинг билимим кам ва чекланган, уни кўпайтириш — чуқурлаштириш учун менга шундай китоблар керакки, уларни Бухорода пулга топиб бўлмайди. Улар сизнинг машҳур кутубхонангизда ётибди. Менга яна бир шоҳона илтифот қилиб, шу ажойиб кутубхонага кириб ишлашимга рухсат берсангиз.

Амир бир оз ўйга толди, сўнгра хазиначиға қараб деди:

— Бу ёш олим элимизнинг умиди, бизнинг билим хазинамизға дохил бўлишға сазовор камдан-кам одамлар жумласидан кўринади. Амримиз шулки, бу киши хоҳлаган вақтда кутубхонаға киришиға рухсат этилсин!

Шу сўзлар билан амир қабул маросими тамом бўлганиға ишора қилди.

Ҳусайн саройдан қувониб, терисига сигмай чиқди. Унинг орзуси ушалди. Унинг олдида Шарқдаги энг бой кутубхонанинг эшиклари очилдики, унга ҳозиргача машҳур олимлар ва буюк шоирларгина киришға муяссар бўлардилар.

27

Бундоқ қараганда амир соппа-соғ кўринарди. У одатдаги машғулоти ва кайфу сафосига қайтганди. Аммо унинг баданини ҳар хил касалликлар кемириб ташлаган эди. Шунинг учун гоҳ базм қизиб турганда, гоҳ кечалари қорни ёки юраги оғриб, ҳаммани ташвишға соларди. Бинобарин, сарой ҳақимлари мудом ҳозиру нозир турардилар. Чунки уларни истаган соатда ҳукмдор ҳузурига чақиришлари мумкин эди.

Ҳусайн сарой ҳақими бўлгани учун, эҳтимол йўқлаб қолишар, деб кўп вақтини шу ерда — саройда ўтказарди. Бинобарин, сарой ҳаётининг мазмунсизлиги, яроқсизлиги унинг кўз олдида кун сайин намоён бўла борди. Базмлар, майхўрлик, ўйин-кулги, бузуқчилик, можарожўйлик - Нўҳ ибн Мансурнинг яқин кишилари асосан мана шулар билан шуғулланардилар. Уларнинг бирортасини на давлат иши, на ўз хўжаликлари қизиқтирмайдигандай туюларди. Кимлардир улар учун ўлпон тўплар, кимлардир уларнинг ерларини экар, мол-қолларини боқар, улар эса пулни шундай

бемалоллик билан шопирардиларки, кўрган одам булар охириги кунларини кечираётгандир деб гумон қиларди.

Хусайн амирнинг шахсий мулозимларидан ёшларни ўз улфатлари даврасига тортишга уриниб кўрди. Аммо улуг мансабдорлар ва бой деҳқонларнинг бу чаласавод, сархуш арзандаларининг суҳбати совуқ, кўнгилсиз бўларди.

Саройга тўпланган олимлар ҳам унга ёқмасди. Улар шухратпараст, димоғдор, ҳукмдор олдида хушомадгўй бўлиб, олдиларига ташланган суяк учун бир-бирларини бўғиб ўлдиришга тайёр турардилар.

Йигит ўзининг саройдаги лавозимига муқаррар офат, қутулиб бўлмайдиган мажбурият деб қарарди. У бўш соатларини сарой кутубхонасида ўтказарди.

Кириш ҳар кимга ҳам насиб бўлмайдиган бу нодир китоблар ҳарамига биринчи дафъа қандай ҳаяжон билан қандам қўйгани унинг хотирида яхши сақланган.

Сипоҳ ва мутакаббир кутубхоначи Абулҳасан Муъизий уни нописандлик билан қарши олди, аммо унга узатилган қоғозда давлат муҳрини кўргач, дарров муомаласини ўзгартириб, устма-уст таъзим қилиб, ҳақимнинг хизматига доим тайёр эканини изҳор эта кетди. Тўғри, Хусайннинг ҳозир кутубхонани кўрсатишни талаб қилиши уни бирмунча довдиратиб, саросимага солиб қўйди. Шунга қарамай, у бир оз ланжлик қилгандан сўнг йигитни кутубхонага киришга таклиф этди.

Улар биридан-бирига ўтиладиган хоналарда юриб борардилар. Вақт ўтиши билан деворлардаги нақш ва ўймакорликларнинг ранги ўчган. Шифтларнинг бурчаклари ва тўсинлар ўргимчак ини ва чангдан қорайиб кетган; ерга шарти кетиб парти қолган гиламлар тўшалган эди. Девор бўйлаб қатор қўйилган оғир сандиқларга гулдор темир қопланиб, мис тасмалар тортилган.

Хусайн теварак-атрофга ажабсиниб қараганча семиз, пакана кутубхоначининг орқасидан юриб борарди. У эса ғайри-табiiй бир чаққонлик билан йўрғаларди. Абулҳасан у келаётган-келмаётганини аниқлаш, келаётган бўлса унга қисқача изоҳ бериш учун тез-тез тунд, сариқ юзини йигитга ўгириб қарарди. Унинг сўзларидан маълум бўлдики, ҳар хонада бирор илм-фанга оид китоблар сақланаркан.

Афтидан кутубхоначи китобларни тузук-қуруқ тушунмаса ҳам, қайси сандиқда қанча китоб борлигини, муқовалари нимадан қилинганини, энг қимматбаҳо нусхаларга

қанчадан пул тўланганлигини жуда яхши биларди. У чопони остидаги чўнтагидан бир даста калит чиқарди, икки-учта сандиқчани очиб, қунт билан ёзилган китоблар тавсифини олиб кўрсатди. Бу унинг бекор ўтирмай, ҳалол хизмат қилаётганини кўрсатувчи далил вазифасини ўташи лозим эди.

Ҳусайн кутубхонада мутолаа қилиб ўтирган мўйсафид олимларни кўрарман деб ўйлаган эди. Аксинча, дераза ёнида жимгина ўтирган бир қанча ёшларга дуч келди. Улар гўё ўзларининг бу ерда эканликларини билдирмасликка урингандай девор ва сандиқларга сиқилиб ўтирар эдилар.

Ҳусайннинг таажжуб билан қараётганини сезиб, Абулҳасан изоҳ берди:

— Бу одамлар — бизнинг ходимларимиз. Улар китобларнинг чангини артиб, уларга қурт-қумурсқа тушмаслигини кузатиб боришади. Бу ерда иш шу қадар кўпки, айтган билан сиз ишонмайсиз! Китоблар ҳамиша тоза ва янгидай кўриниши учун муқоваларини махсус эритма билан ювиб туришга тўғри келади. Бинобарин, бошқа хоналарда шундай одамлар учраса таажжубланманг.

«Ходимлар» ўз вазифалари — китоб тозалаш билан чекланмай, мутолаа қилаётганликлари Ҳусайннинг назаридан четда қолмади. Аммо у кутубхоначининг эътиборини бунга тортишни истамасди. Кутубхоначи эса Ҳусайнни хонама-хона олиб юришда давом этди. Бир хонага кирганда:

— Энди сизга энг қимматбаҳо китобларни кўрсатаман, — деди ифтихор билан Абулҳасан ва чўнтагига қўл солди, сўнгра қўлидаги калитларни бир-бир қараб чиқдида, саросимага тушиб қолди. Бир оз ўйга толгач, Ҳусайнга тасалли берди: — Бир-иккита калитни унутибман. Сиз шу ерда томоша қилиб тулинг, мен ҳозир келаман, — деб ташқарига чиқиб кетди.

Ёлғиз қолган Ҳусайн дераза олдидаги пастак сандиқ орқасида китоб ушлаб ўтирган кишига қаради. У йигирма саккиз-йигирма тўққиз ёшлар чамасида бўлиб, юзлари япалоқ ва ориқ киши эди.

Нотаниш одамнинг кўзлари диққат билан йигитга тикилди.

— Сиз ўқиётган бу кўҳна китоб нима экан, дўстим? — сўради Ҳусайн унинг олдидаги пастак лавҳада турган катта китобга қараб.

— Ўқиётган дейсизми? — киноя билан сўради нота-



ниш.— Йўқ, мен ал-Киндийнинг «Мадҳия»сини чанг, қурт ва куюдан тозалаб ўтирибман. Хўш, ўзларни нимани тозаламоқчилар?

Хусайн ихтиёрсиз кулиб юборди.

— Бу ерга тозалаш учун эмас, ўқиш учун келган бирдан-бир одам мен ўзим шекилли.

— Сўраганинг айби йўқ, азизим, сиз ким бўласиз? Амирга сираям ўхшамайсиз, ёш жиҳатдан сизни сарой олимларидан деб ҳам бўлмайди.

— Мен яқинда ҳукмдоримизни муваффақият билан даволаб, сарой ҳакими унвонини олдим,— хижолат тортиб жавоб берди Хусайн ўзининг ўта ёшлиги ва кўрimsизлигидан қаттиқ ўкиниб.— Улуғ амиримизнинг марҳаматлари жўш уриб, менга ўз кутубхоналарига киришга ижозат бердилар. Номим Хусайн ибн Сино.

— О, сизни ҳам кўрадиган кун бор экан-ку!— қувонч билан нидо солди нотаниш.— Бухорода ҳамманинг оғзида сизнинг номингиз! Энди мен ҳам ўзимни таништирай,— давом этди у ўрнидан туриб Хусайнга яқинлашаркан,— лекин менинг номим унақа машҳур эмас, ўз ватаним — Хоразмда мени Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний деб аташарди. У ерда бу номнинг бир оз аҳамияти бор эди. Бу ерда, Бухорода, мен шунчаки йўл-йўлакай келиб қолган аяч бир қувғинди, холос.

Хусайн суҳбатдошига зўр эътибор билан қаради. Новча, ориқ, кифтлари кенг бу одамнинг қора сочларига аралашган оқ толалар бўлмаганда ҳали жуда ёш кўринарди.

— «О, сизни ҳам кўрадиган кун бор экан-ку!»— Беруний оҳангида, унинг сўзларини такрорлаб хитоб этди Хусайн ва кўзларида қувонч нури чақнади.— Мен бир неча йил муқаддам ўз ватандошларингиздан сизнинг хусусингизда кўп нарса эшитгандим. Энди сизни Бухоройи шарифда, сизбоп китоблар тўлиб-тошган бу ажойиб кутубхонада қутлашга муяссар бўлганим учун гоят бахтиёрман...

Шу пайт Абулҳасан келиб, Хусайнни бошқа хоналарга бошлаб кетди.

Хусайн кейинги кунларда саройдаги хизматдан бўш соатларини кутубхонада ўтказадиган бўлиб қолди. Абулҳасан китоб танлашда унга раҳбарлик қилмоққа уринарди. Маъносиз, лекин муқоваси чиройли китобларни зўр бериб тавсия қилаверарди. Йигит эса эҳтиром сақлаб, лекин қатъият билан унинг хизматини рад этарди. У ҳар куни

янгидан-янги сандиқлардаги китобларнинг мундарижаси билан чуқур танишиб борарди. Энг нодир китоблар оддий сандиқларда экани тез фурсатда унга аён бўлиб қолди. У ҳаяжон билан бу сандиқлардан ибн Рустенинг қомусини, Абу Тоҳир Тайфурий ва ал-Балазурий каби тарихчиларнинг асарларини, ал-Истахрий ва ибн Хаукал сингари жуғрофиюлларнинг китобларини олиб кўрди. У ерда риёзиёт, илми ҳайъат, наботот, ҳайвонот ва бошқа фанларга оид қанчадан-қанча нодир китоблар ётарди. Бу китобларнинг аксарияти ҳақида Ҳусайннинг илгари ҳеч қандай тасаввурини йўқ эди ва муаллифларининг номларини ҳам эшитмаганди.

У кунлик ишини якунлаб, алам билан ўйлаб кетди: «Мен кўп нарсани биламан деб юрар эканман, энди ўйлаб қарасам, менинг билганларим — билим дарёсидан бир томчи экан. Ўз билимлари билан бу сандиқларни тўлдирган олимлар олдида мен нима деган одам бўлдим? Кўрмаган китобларимнинг лоақал ўндан бирини ўқишга умрим кифоя қилармикан?»

Илгаритдан Ҳусайннинг юрагида ёнган билимга ташналик эндиликда шундай аланга олдики, у дунёдаги ҳамма нарсани вақтинча унутиб юборди.

Ал-Беруний ҳам кутубхонада ўтказилган вақтини аярди, чоғи. Бинобарин, Ҳусайн билан рўпара келганда кулимсираб салом бериш билан чекланар эди. Аҳён-аҳёндагина улар вақт топиб, ўзаро икки-уч оғиздан гаплашиб олардилар.

28

Совуқ куз оқшомларининг бирида ал-Беруний ва Ҳусайн ўқишларини бир вақтда тамомлаб, кутубхонадан бирга чиқишди. Аччиқ шамол дарахтларни ларзага келтирар, эзиб ёмғир қуяр эди. Ҳусайннинг эти жунжикиб кетди. Йигит туя жуни солинган иссиқ тўнига ўралиб, кутубхона олдида тўпланган ёмғир сувидан сакради. Шеригининг ҳам сакраб ўтишига ёрдам қилиш учун унга қўл чўзиб, унинг панжалари тўнғиб қолганини сизди. Бу уни ўзига сездирмай, олимнинг кийимига сарсоб солишга мажбур қилди. Ҳайҳот! Унинг кийими ғоят юпун эди. Эски чолвор, ёзлик астар-авра тўн, оёғида маҳсисиз кавуш. Кутубхонада Ҳусайн Берунийнинг сарпосига эътибор қилмаган экан. Ҳозир бу аҳволни кўриб, унинг юраги ачишиб кетди.

— Айтинг-чи, дўстим,— сўради у,— бу кеча жудаям бандмисиз? Гап шундаки, сиз билан танишиб қолганимни отамга айтган эдим. У киши сизни хоксорона кулбамизга таклиф этишни менга топширганларига талай вақт бўлди. Агар бугун мен билан бирга боришга рози бўлсангиз, бизни беҳад бахтиёр қилган бўлардингиз...

— Бугун менинг омадим келган кун,— жавоб берди Беруний.— Бирданига иккита хушxabар олдим. Шунинг учун сизнинг таклифингизни бажону дил қабул қилиб, кечани менга хайрихоҳ одамлар даврасида ўтказаман.

Абдуллоҳнинг уйи илиқ-иссиқ эди. Ҳамма хоналардаги катта, гулдор мис манқалларда кўмир чўғи ловилларди. Совуқда тўнғиб қолган Берунийнинг баданига дарров иссиқ югурди. Аммо ловиллаган саксовул чўғидан ҳам мезбонларнинг меҳрибонлиги, илиқ муомалалари уни кўпроқ иситди. Абдуллоҳ мўтабар меҳмонни қаерга ўтқазишни билмас, энг лаззатли таомларга таклиф қилар, дастурхон ва хонадонга илтифот қилишни сўрарди. Беруний иззат-икром учун ташаккур айтди.

— Меҳмон отангдан азиз деганлар,— навозиш этди Абдуллоҳ.

Беруний кулди.

— Бизнинг Хоразмда бу мақолнинг давоми бор: меҳмон келганда — асир, кетганда — шоир бўлармиш.

Абдуллоҳнинг ошналари орасида олимлар йўқ эди. Буларнинг бари ё савдогарлар, ё майда саррофлар, ёинки яқинда боғ ҳовлиларидан шаҳарга қайтиб келган тўқ деҳқонлар эдилар. Шу билан бирга улар бир ажнабийнинг олдида ер чизиб ўтиришни хоҳламасдилар. Бинобарин улар бир-бирларига сўз бермай, Берунийга ўзларининг фалсафа ва бошқа фанлардан хабардор эканликларини кўрсатишга уриндилар. Дастурхон ёзилган ҳамон улар бир мазҳабнинг иккинчи мазҳабдан устунлиги, Исмоилия мазҳабининг асослари, қадимги ва ҳозирги файласуфлар ҳақида муноқаша бошладилар.

Ал-Беруний бу мунозарага қатнашмаса ҳам, эътибор билан қулоқ солиб ўтирарди.

Абдуллоҳ ва унинг дўстлари меҳмондан унинг ўзи ҳақида бирор нарса сўрашни одобдан эмас деб ҳисоблашса ҳам, Бухорода кўп гап-сўзга сабаб бўлган Хоразм воқеаларини сўраб-суриштирмай туролмадилар. Беруний ўз ватанида рўй берган воқеалар ҳақида қанча хасислик билан

гапирмасин, ихтиёрсиз ўзи ҳақида ҳам сўзлашга тўғри келди.

Хоразм яқингача иккига бўлинганини ҳамма биларди. Жанубда Қиётни пойтахт этиб, Хоразм шоҳлари сулоласи ҳукмронлик қилса, шимолда Урганчни пойтахт қилиб, Бағдод халифалари қўйиб қўйган, лекин аллақачон ўзларини мустақил эълон қилган амирлар сулоласи ҳукмронлик қиларди. Суҳбатда ҳозир бўлганлар бундан бир неча ой муқаддам Урганч амири Маъмун Қиётни босиб олиб, мамлакатни бирлаштиргани ва хоразмшоҳ унвонини олганини ҳам билишарди. Беруний истар-истамас, кейин нималар рўй берганини ва Қиёт ҳукмдорининг тарафдори, унинг яқин кишиси бўлган бир шахснинг, яъни ўзининг нима учун ватанидан қочиб кетишга мажбур бўлганини қисқагина ҳикоя қилди. Сўз орасида Журжон ҳукмдори Қабус ибн Вушмагир билан хат ёзишиб турганини, унинг ўз болаларига мурабийлик қилишни сўраб, бир неча бор таклифномалар ёзганини айтиб берди. Ҳозир у Хоразмни тарк этиб, Журжонга кетяпти, йўл-йўлакай Бухорога тушган, вақтини беҳуда ўтказмаслик учун Абулҳасанга илтимос қилиб, Сомонийлар кутубхонасига киришга рухсат олган ва у ерда кўпдан буён ўйлаб юрган китоби устида ишламоқда. Бугун унга бирга кетадиган карвон жўнашга тайёр деб хабар қилишди...

Меҳмонларни жўнатиб, Ҳусайннинг хонасига киргандан сўнг, Беруний ёзилиб гапирди.

— Ҳаммаси қуруқ гап,— деди у зарда билан.— Бугунги гапларни мингинчи мартаба эшитишим... Бу баландпарвоз сўзларнинг бариси ҳам кераксиз безакка ўхшайди... Улар ўз мунозараларида нималарни эсга олишмайди! Кимларнинг сўзларини далил қилиб келтиришмайди! Бундай қулоқ солсанг, уларни билим хазинаси деб ўйлайсан, аслида эса, ёшликларидида калтак еб юриб учта номни, беш оғиз гапни ўрганиб олганлар, энди умр бўйи шу билан савдолашиб юрадилар...

Ҳусайн ҳамжиҳатлик билдириб кулимсиради. Унинг ўзи ҳам бу ҳолни бир неча бор бошдан кечирган; ҳеч қачон, ҳеч кимни ишонтирмайдиган, бирор фойдали хулосага олиб келмайдиган, мудом бир хил бу анъанавий мунозаралардан безор бўлиб, бирор нарса деб юборишдан ўзини аранг тутиб турган чоғлари кўп бўлган эди.

— Тагин ал-Киндий, ал-Форобий ва Арастуни эслаб қўйишади,— давом этди Беруний.— Улар бу улуғ одам-

лар ҳақида нима билишади? Ҳеч нарса! Анови семиз чолнинг бурчакда ўтирган нимжон саррофга таъна қилганини эшитдингизми? Эмиш Арасту «бир марта» эмас, «бир дафъа» деган... Мунозараларнинг мазмуни бир пулга арзимади! Исломи дини озод фикри шундай занжирбанд қилганки, хаттотнинг хато кўчирган сўзи учун одамлар бир-бирини еб қўйишга тайёр...

Беруний андак фикрга толиб, яна давом этди:

— Биз ҳозир дастурхон атрофида бадавлат одамларнинг ўзларини халқ атаб, халқ номидан гапирганларини эшитдик. Ахир шулар ҳақиқий халқ турмушини — деҳқонлар, косиблар, мардикорлар ва камбағаллар турмушини билишадими? Бу савдогар ва мансабдорлар ҳамиша тўқ, устбоши бут, яхши ҳовли-жойли одамлар. Улар улуғ мансабдорлар ва катта ер эгалари сингари бекорхўжалар эмас, албатта. Аммо ҳақиқий халқ оммасидан анча йироқ одамлар. Мен ўзим авом орасидан, паст табақадан чиққанман. Менга билим бериш оиламизнинг кўп мушкулотига сабаб бўлди. Мендаги қобилиятни кўриб, маҳалламиздаги ўн бешта камбағал онам муаллимга тўлаб турсин деб охириги ҳовуч донларини беришди. Шундагина мен халқ нима эканини тушундим. Ахир буни унутиш мумкинми? Улар нима бўлса ҳам, орамиздан бир одам билим олсин деб, ўйлаб ўтирмай, қўлларида нимаики бўлса сарф этишди. Мен бу гапларни ўз мезбонимга — бадавлат оиланинг фарзандига гапираётганим учун кечиринг, дўстим. Мен умуман сизга таъна қилиш ниятида эмасдим. Сизнинг дўстларингизни ранжитишни эса сира ҳам ўйлаган эмасман... Мен айтган гаплар, ўз ихтиёримдан ташқари, юрагимдан тошиб чиқди. Бунинг устига мен жудаям серзарда одамман. Сизни, назаримда, жуда яхши тушунман. Сиз яқинларининг ғамаламига бепарво қарайдиганлардан эмассиз. Фикримча, қуруқ гапни амалий ишдан фарқ қила оласиз... Айтинг-чи, азизим, мен бу гапларим билан сизни ранжитиб қўймадимми?

— Йўқ, азизим! Гарчи бадавлат хонадонда ўсган бўлсам-да, худди сиздай ўйлайман.

— Бундан гоят хурсандман,— деди Беруний хотиржам бўлиб.— Биз жуда оз гаплашган бўлсак-да, мен биринчи учрашишдаёқ сизни ўзимнинг ҳамфикрим деб ҳис этганман. Мана шу ишонч туйғуси ўз фикрларимни сизга очиқ-ойдин айтишга имкон беради. Бу менга шунинг учун ҳам ҳуқуқ берадики, назаримда иккимиз ҳам битта йўлни тан-

лаганмиз. Сиз ҳам, мен ҳам илм-фанга содиқмиз. Ҳеч қачон унга бевафолик қилмаймиз...

Хусайн таъзим қилиб, суҳбатни давом эттирди.

— Сизнинг очиқчасига гапиришингиздан беҳад мамнунман. Самимий гапларингиз менга ҳам ўз шубҳаларим ҳақида очиқ сўзлашга имкон беради. Шундай бўлмаганда, мени безовта қилаётган масалалар ҳақида сиздан бир нарса сўрашга ботинмасдим... Агар сиз менинг фанга қараб йўл тутганимга ишонган бўлсангиз, илмий ишга ўзингиз қайси усуллар билан киришингиз ҳақида гапириб бермайсизми? Мен кўр-кўрона излайман, аммо ҳанузгача ҳеч нарса тополмайман...

— Эҳтимол менинг усуллар ҳақида гапиришим ҳали эртароқдир,— кулимсиради Беруний.— Мен ҳам уларни доим қидираман, аммо баъзи сўқмоқларини топиб ҳам қўйганман. Менинг фикримча, ишга киришишдан олдин ақлимизни кераксиз нарсалардан, ёшлиқдан миямизга сингиб кетган, ёскирган, мавҳум фикрлардан озод қилишимиз лозим. Ўз фикримиздан ғаразни, шуҳратпарастликни, маъносиз рақобатчиликни, «пешонамда бори шу» деб қараб туришни — хуллас, ҳақиқат олдида бизни кўр қилиб қўядиган ҳамма нарсани қувиб чиқаришимиз шарт. Мана шунга эришгач, биз ўзимизни ўраб олган муҳитнинг тамомила бошқача эканини кўрамиз, уни аслда қандай бўлса, шундай тушунамиз.

— Илмий ҳақиқат-чи?— қизиқсиниб сўради Хусайн.— Улар ҳаммаси тафаккуримизнинг меваси эмасми?

— Назаримда, бу ерда ҳам ҳаммадан олдин тажриба ва далилга асосланиш даркор. Табиат ҳодисаларини изоҳлашда табиатнинг ўзига, унда мавжуд қонуниятга асосланиш лозим. Бир нарсани ўрганишни унинг таркибидаги бўлақлардан бошлаш керак. Кузатиш, қиёс этишни ўрғанинг, хулосаларни бир-бирига чоғиштириб, улардан табиат қонуниятига мос келадиганини танлаб олинг. Китобларга ҳам шундай муносабатда бўлинг.

— Ахир биз табиатнинг ҳамма қонунларини билолмаймиз-ку,— эътироз қилди Хусайн.— Балки табиатдаги шундай бир ўзгариш тасвирига дуч келармизки, у бизга ёлғон-нотўғридай туюлар, у ҳолда нима бўлади?

— Мен айтиб турибман-ку: кузатинг, қиёс этинг, чоғиштириб кўринг. Далилнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилмагунча хулоса чиқаришга ошиқманг. Шунинг ҳам унутмангким, фавқулодда ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар

кўпинча ҳақиқатга хилоф бўлиб чиқади. Фан учун асосий нарса — кузатиш ва тажриба. Бизнинг тафаккуримиз сўнггисига суянади. Масалан: биз кўрамизки, қуёш эрта-лаб чиқади, кечқурун ботади. Мана шунга асосланиб, у ер атрофида айланади, деган хулосага келамиз. Тафаккуримиз бу ҳаракатнинг риёзий (математик) ва жаррул асқол (техник) қонунларини билишга имкон беради. Самовий ҳодисаларни кузатмай туриб, ҳар қандай ақли расо одам ҳам бундай хулосага келолмасди. Лекин шуни ҳам сизга айтишим лозимки, менинг шахсий кузатишларимга асосланган хулосам бутунлай бошқа.— Беруний атрофга қараб олиб, овозини пасайтирди. Холбуки хонада иккалаларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.— Мен илми ҳайъат олимларининг қуёш ер атрофида айланади, деган гапларига сираям ишонмайман, менимча, еримиз қуёш атрофида айланади...

— Ахир, биз бунга ўз кўзимиз билан кўриб тураемизку!— қизишиб хитоб этди Ҳусайн.— Нима, биз ўз кўзимизга ҳам ишонмайликми?

— Нега сиз уларга кўр-кўрона ишонишимиз керак деб ўйлайсиз? Ярим фарсах масофада туя сизга ўрикнинг донасидай кўринади, аслида эса, у одамдан катта. Тўғри эмасми? Самовий жисмларнинг ер атрофида айланишига қараб Батлимус уларнинг уйғун системасини тузди. Лекин ундан беш-олти аср муқаддам юнон олими Аристарх Ер — Қуёш ва ўз ўқи атрофида айланади, шунинг учун назаримизда бурчул афлок бўйлаб чопиб юргандай туюлади, деган фикрни ўртага ташлади. Бунинг учун уни ёмон ният билан худоларни нотинч қилишда айбладилар. Мен Қиётдан қочгандай, у ҳам Афинадан қочишга мажбур бўлди. Бироқ олимларни таъқиб этган билан ҳеч нарсани исбот қилиб бўлмайди! Ким ҳақли эканини яна текшириб кўриш керак: Аристархми, Батлимусми? Шу муаммо ҳақида ҳам ўйлаб юраман. Бироқ уни ҳал эта олармиканман? Нима бўлганда ҳам бу иш жуда кўп меҳнат, узоқ вақт талаб қилади, эҳтимол мендан кўра ақли расо одамни ҳам талаб этар.

Ҳусайн чуқур ўйга толди. Аммо Берунийнинг сўзлари уни ишонтиролмади. Ернинг бутун аҳолиси билан бўшлиқда айланиши унинг бу борадаги тасаввурига сира яқин келмасди.

— Сизга яна бир мисол келтираман. Бу текширилмаган даъвонинг оқибатига доир,— давом этди Беруний.—

Сиз аҳтимол бир неча бор эшитган ёхуд китобларда ўқигандирсиз: илон зумрадни кўрса кўзи тушармиш.

— Албатта, бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди.

— Сиз буни текшириб кўрганмисиз?

— Олимлар шу фикрни тасдиқлаб турганда, менинг текширишимнинг нима ҳожати бор?

— Шундай бўлса ҳам мен ўзим текшириб кўрдим. Атайлаб ярим йил илонлар орасида уймалашиб юрдим. Илонларни зумрад солинган гажавага қамаб қўйдим. Зумрадни совуқ кўзлари рўпарасида тутиб турдим. Бўйинларига осиб кўрдим. Бироқ, илонлардан бирортасининг кўзи тушмади, лоақал кўр ҳам бўлмади.

— Ҳазил қилаётганингиз йўқми?

— Асло ҳазил қилаётганим йўқ. Илмий ҳақиқатга эришмоқ учун қандай тўсиқларни енгиш зарурлигини билиб қўйинг, демоқчиман. Сиз ўйлаб-ўйлаб, бу сохта илмий даъво табиатнинг ҳамма қонунларига хилоф-ку, деган ақидага келишингиз турган гап... Бундай мисолларни истаганча топиш мумкин!..— Беруний ҳар бир ғояни тажрибада текшириш зарурлиги борасидаги фикрини шиддат билан ёқлар, исбот этарди.

Ҳусайн табассум билан унга қаради.

— Исботларингизни эшитишга бўлган иштиёқ фикрларингизга қўшилмай туришимга сабаб бўляпти, муҳтарам ал-Беруний...

Келажақда ўз халқларининг ифтихори бўлиш насиб этган бу икки кишининг суҳбати ярим кечадан ўтгунча давом этди. Бу тунги суҳбат улар иккиси ҳам ҳал этишга жиддий аҳд этган кўп масалаларни қамраб олиб, уларнинг келгуси ҳаётида ўчмас из қолдирди.

— Биласизми, дўстим,— фикрга толиб яна сўз бошлади Беруний, икковлари ҳам ҳориб-толиб бир кўрпанинг тагига кириб ётганларидан кейин,— табиатни кўпроқ мушоҳада этган сари ҳамма ерда шиддатли кураш бораётгани менга равшан бўлиб бормоқда. Атрофга назар солиб кўринг, ҳамма тирик жон бир мақсадни кўзлайди; яшаш, кўпайиш. Одамзод ҳаётида ҳам айна шу ҳол. Кураш бутун мавжудотда... Бойлар камбағалларни бўғмоқда, «ўрта ҳоллилар» ҳам қашшоқларнинг елкасидан итариб, бойлар қаторидан ўрин олишга уринмоқда. Олим ҳодисаларга ибрат назари билан қараши, мазлумлик камбағалларнинг азалий қисмати эмаслигини равшан билмоғи керак. Руҳонийлар, давлатни худо беради, деб камбағалларни сабр қи-

лишга даъват этишади. Йўқ, бўлмаган гап!— яна ҳаяжон билан хитоб қилди Беруний.— Моддий бойлик жамият ўртасида нотўғри тақсим этилган! Кўпинча бир бурда нонга зор бўлган халқнинг бир тўда бекорхўжаларга — бойларга хизмат қилиши адолатдан эмас! Улар ўз кучларини ҳам, ўз устларидаги бунча адолатсизликни ҳам тушунмайдилар. Улар шундай авом, бесавод қолар экан, бу адолатсизликни ҳеч қачон тушунмайдилар. Ҳақиқий олимнинг биринчи иши — нодонликнинг бу даҳшатли туманини тарқатиб юборишдан иборат бўлиши керак.

Ҳусайн Берунийнинг қўлларини ушлаб, чақнаган кўзлари билан унга тикилди.

— О, дўстим, мен бу ишга бутун ҳаётимни бағишлаганга тайёрман!

Беруний унинг тўлқинланган юзига қараб кулимсиради ва секин жавоб берди:

— Мен ҳам. Менда бошқача йўл бўлиши мумкин эмас!

— Мен ҳам шу йўлдан бораман, сизга ваъдам шу!

Икки дўстни уйқу элитганда, тонг яқинлашган эди. Илк саҳарда Беруний Ҳусайнни уйғотди.

— Қани, дўстим, энди хайрлашамиз,— деди у енгил ҳазил билан,— «Урта миёна» бўлиб қолманг. Фаровон ҳаётга ортиқча зеб берманг. Тунги суҳбатларимиз хотирингизда бўлсин. Бундай кечалар такрорланмайди. Хайр, энди! Яна кўришамизми-йўқми, ким билади! Мен баъзи-баъзида сизга хат ёзиб тураман. Агар хатларда ёмон хулқим сезилиб қолса, койиб юрманг!

Ҳусайн уни кузатиш учун сакраб ўрнидан турганда, Беруний руҳсат бермади, эшикдан чиқиб кетди, чиқди-ю, дарҳол орқасига қайтиб, бу гал тамом бошқача, қандайдир ғамгинлик билан паришонлик ўртасидаги бир ҳолат ва оҳангда гапирди:

— Сиз ҳали жуда ёшсиз, лекин менинг укамсиз, бинобарин, кеча келган иккинчи хушхабарни ҳам сизга айтиб қўймоқчиман. Дўстларимнинг хабарига қараганда, уйда — Хоразмда хотиним қиз кўрибди, отини Райҳон қўйибдилар...

Шу янгиликни айтибоқ Беруний чиқиб кетди, хонада Ҳусайн ёлғиз қолди. Назарида уй бирдан бўм-бўш, совуқ кўриниб, шинамлигини йўқотди, гўё ҳозиргина чиқиб кетган дағал, серзарда ва қизиққон одам уни тўлдириб тургандай эди.

Ҳусайн кигизга ўтирди-да, икки тиззасини қучоқлаб,

киприк қоқмай бурчакка тикилиб қолди. Юраги тез ва тўлқинланиб урарди. Унинг қаёққадир чиқиб кетгуси, катароқ, муҳимроқ ишлар қилгуси келарди. Аммо ақл-идрок уни қўлга олиб, хотиржам ўйлашга мажбур этди.

У кечқурун ва кечаси бўлган ҳамма гапларни фикран қайтарди. Беруний билан суҳбатини атайлаб секин, тўхтаб-тўхтаб такрорлади. Фавқулодда бир нарса дейилмаган бўлса ҳам, унда қандайдир улуғ воқеанинг шоҳиди бўлгандай кайфият ҳукмронлик қиларди. Ҳар бир сўз ўз маъносидан кўра кўп даража аҳамиятли туюлди. Ҳеч ким ҳеч қачон Ҳусайн билан бундай гаплашмаганди. Унга худди мана шу керак экан. У кўп йилдан бери излаб, бирор мураббийсидан топмаган нарса ҳам шу экан. Энди, йўл-йўлакай Бухорога қўниб ўтган бир кишининг тасодифий учрашуви унинг истиқбол йўлларини ёритиб юборди.

«Ҳақиқий олимнинг йўли мана шу!— ўйлади Ҳусайн.— Излашлар, хатолар, текшириш ва тажрибалар билан тўлиқ сермашаққат йўл; билимни муттасил такомиллаштириш йўли, унга абадий ташналик йўли!.. Мен Берунидан ажраб қолмайман, бизнинг йўлимиз бир!..»

29

Ҳусайннинг ўйлари охирига етганда, у ўтирган хона офтоб нурига тўлган эди. Кеч кузда камдан-кам бўладиган бу очиқ кундан қувонган йигит дадил сакраб турди-да, Раҳмат олиб келган кўзачадаги совуқ сувда ҳузур қилиб ювинди. Апил-тапил нонушта қилиб, кутубхонага боришга ҳозирланди. Унда бунчалик янги фикрларни қўзғаган тунги суҳбатдан сўнг китобга иштиёқи яна ҳам зўрайган эди. Бироқ Раҳмат келиб, дадаси меҳмонхонада кутиб турганини айтди.

Меҳмонхонада Абдуллоҳ ёлғиз эмасди. Хонтахта атрофида яна бир нотаниш киши ўтирарди. Одатга хилоф бўлса-да, саҳарлаб дастурхонга палов келтириб қўйилган. Ғариб меҳмоннинг оқариб, кўкиш тус олган юзи узоқ вақт кун ёруғини кўрмагандай, лекин чақнаган кўзларида юрак ҳарорати бор. Ҳусайн бу кўзларни қаердадир кўргандай эди, лекин қаерда, қачон кўрганини эслаёлмади.

— Мана у, менинг халоскорим!— хитоб этди меҳмон сакраб туриб Ҳусайнни бағрига босаркан.— Раҳмат, мана мен тирикман, ёруғ дунёни кўриб турибман!

«Даволаган касалларимдан бири бўлса керак» — ўйлади Хусайн, аммо кимлигини сираям эслолмади.

Йигит бунча қизгин кутиб олган кимсани танимаётганини билинтирмаслик учун сипориш билан гапирди.

— Сиз ҳали ўзингизга келмабсиз, рангларингиз оппоқ, жуда бедармон кўринасиз. Кўпроқ очиқ ҳавода юриш, ҳеч бўлмаганда Шаҳристонда сайр этиш зарур, ўшанда рангингизга қон югуради.

— Эҳтимол бундай сайру саёҳатлар Бухорода менга фақат зарар келтирар, — кулимсиради меҳмон Абдуллоҳга ғалати кўз қисиб. — Менга жуда ҳам мусаффо ҳаво керак. Бугун кечаси бу ерларни тарк этиб кетаман. Олий ҳиммат ибн Сино ва унинг дўстлари мени Журжонга кетадиган карвонга ҳамроҳ қилиб қўйишди, у ердан, агар зарурат туғилса, Мисрга ҳам ўтиб кетиш унча қийин бўлмас деб умид қиламан. Ана у ерда мен тоза ҳавода нафас олишим мумкин.

— Сизни зиндондан халос этган худованди карим йўлда ҳам ўз паноҳида асрасин, аш-Шерозий! — деди Абдуллоҳ ибн Сино. — Биз умидвормизки, сиз сиҳат-саломат Мисрга бориб, бизнинг мактубимизни ҳақиқий ислом ҳомийлари қўлига топширгайсиз... Сизга пул тўпланган. Ҳозир бизнинг дўстларимиз сиз билан хайрлашгани келишди. Унгача илтифот қилиб таомга қарасинлар.

Мана шундагина Хусайн аш-Шерозийни қаерда кўрганини эслади. Бу ўша амир зиндонда латтага номини ёзиб берган қарматийнинг ўзи эди. Хусайн латтани отасига берган эди. Мазҳабдошлари бутун махфий воситаларни ишга солиб, уни зиндондан озод қилишди.

Аш-Шерозийнинг Журжонга жўнайдиган карвон ҳақидаги гаплари билан Хусайннинг хотирига Беруний тушди.

— Муҳтарам аш-Шерозий, — деди у, — менинг сизга битта илтимосим бор. Шу карвон билан бирга, сизга ҳамроҳ бўлиб ал-Беруний номли ёш олим кетади. Унга йўлда менинг энг эзгу хоҳишларим билан бирга мана бу узукни ёдгорлик тариқасида топширсангиз. — Хусайн бир бадавлат одам совға қилиб берган узукни қўлидан чиқариб, қарматийга узатди.

— Менинг ҳам эзгу истакларим унга ҳамроҳ эканини айтиб, мана буни бериб қўйинг, — деди Абдуллоҳ унга олтин солинган халтачани узатиб.

Ҳусайн кутубхонага келиб, тўғри тиб илмига оид адабиётлар сақланадиган хонага кирди. Хўжа Исҳоқ ҳаёт чоғидаёқ у, кекса олимнинг маслаҳатига кўра, ўзига ўхшаш ёш ҳақимлар учун табобатга оид мухтасар бир асар — «Тиббий истилоҳлар лугати» ёзиш фикрига тушган эди. Сўнги ҳафтада шу иш билан жиддий шуғулланмоққа киришди.

Кенг бинодаги сукунат жиддий илмий машғулотга майл уйғотарди. Фақат аҳён-аҳёнда Абулҳасаннинг овози бўш хоналарда янграб, жимликни бузади. Бу илм ҳарамиди фақат Абулҳасангина барала овоз чиқариб гапирарди.

У қадар кўп бўлмаган «китоб тозаловчилар» хилват бурчакларда хомуш ўтиришарди.

Тиб илмига оид китоблар солинган сандиқлар озмунча эмасди. Ҳусайн улардан Қамарий ёхуд марҳум Исҳоқ тавсия этган, шунингдек, ҳеч ким эслатмаган китобларни топиб мутолаа қилар эди. Бу ерда тожик, эрон ва араб ҳақимларининг жиддий ва ғоят қимматли илмий асарлари билан бир қаторда қуруқ ва диний-мутасаввуф китоблар ҳам жуда кўп эди. Шундай китобларнинг бирида касалликларнинг пайдо бўлиши ҳақида баҳс юритилиб, оллоҳ бандаларининг гуноҳларига қараб, ё ўзи уларга дард юборади, ёинки ёвуз жинлар орқали бир дардга гирифтор қилади, дейилган. Бошқа бир китобда Афлотун, Плотин ва Жолинуслининг фикрлари келтирилиб, одамни «қудрати азалий»нинг бир зарраси деб, касалнинг пайдо бўлиши, касалликнинг жараёни ҳам шу руҳда талқин этилган. Бу ерда Пифагор мактаби мухлисларининг асарлари ҳам мавжуд бўлиб, уларда табобатни рақамларнинг хислати сифатида талқин қилишган, мунажжим-ҳақимларнинг асарларида одамнинг саломатлигига сайёраларнинг таъсири бор, деб кўрсатилган. Булардан ташқари, азоймхонларнинг дуолар китоби, бахши-қушноч рисоалари, кинначилар рисоласи, чилтонлар ёрдами билан касални даволаш қоидалари ва бошқа бидъатлардан иборат талай китоблар мавжуд эди.

Катта бир китоб Ҳусайннинг диққатини жалб этиб қолди. Унда олмос, фируза, зумрад, лаъл, ёқут, марварид каби жавоҳиротларнинг шифобахш хислати бор, деб даъво қилинган. Илгари, аҳтимол, Ҳусайн бу даъволарга ишонган бўларди. Аммо Берунийнинг илоҳ ва зумрад ҳақидаги

гаплари юқоридаги даъволарнинг тўғрилигига шубҳа туғдирди. Амир касал бўлиб ётганда унинг олдида сочилиб ётган жавоҳиротларни эслади. Агар уларнинг бунчалар шифобахш хислати бўлганда, ҳукмдор касалининг сабабини излаб Қамарий билан унинг бунча бош қотиришига ҳожат қолармиди? Йўқ, буларнинг барини жиддий равишда текшириб чиқиш зарур! Шундагина ҳақиқатни билиш мумкин! Нотили бир вақтлар унга олтин қидирувчилар ҳақида сўзлаб берганди. Улар тоғ-тоғ қум ва тоғ жинсларини ювиб, остида қолган ялтироқ олтин зарраларини тўпларкан. Жуда оғир меҳнат! Олим ҳам худди шу тариқа кераксиз нарсаларни ташлаб, ҳақиқат зарраларини битта-битта тўплаб бориши зарур. Ҳусайн ёзмоқчи бўлган китоби ҳақида ўйлаб кетди. Унга жиддий текширишдан ўтиб, тўғрилигига заррача шубҳа қолмаган нарсаларнигина киритиш мумкин. Бўлмаса, бу китоб хурофот, бидъат ва нодонликнинг ҳайкали бўлиб қолади. Синаш, тажрибада текшириб кўриш, чоғиштириш, ақл тарозусига солиб ўлчаш — бўлажак китоб мана шу қоида асосида ёзилиши лозим!

Йигит шу қоидага амал қилиб, энг муҳим илмий асарларни танлади, улардан зарур жойларини ёзиб олди, улар уйғотган фикр ва мулоҳазаларни алоҳида қоғозларга қайд этиб борди. Шундай қилиб, вақт қандай ўтгани сезилмасди.

31

Бухоро амири Нўҳ ибн Мансур ҳаётининг сўнгги соатларини кечирарди. Баҳор эди. Бодом ғарқ гуллаган чоғ. Азим қайрағочлар, баланд теракларнинг учларидаги куртаклар очилиб, нафис япроқлар кўрина бошлади. Бухоро боғлари ҳарир гул либосига бурканди. Кечалари булбуллар ғазалхонлик қилар, йигитлар сарвқомат қизлар шаънига қасидалар тўқирдилар. Лола гулидан аргувон тусига кирган қир-далалар кўнгилларга шукуҳ бағишлаб, одамларни ўз бағрига чорларди. Мамлакат ҳукмдори эса саройда, ўзининг серҳашам ётоғида бемажол, бемадор ётарди. Унинг юзлари қаҳрабодек сарғайган, нурсиз кўзлари бир нуқтага тикилган, қорни ва оёқлари даҳшатли равишда шишган эди. У энди амр этмас, талаб қилмас, фақат нола чекарди. Бу гал Қамарий билан Ҳусайн иккиланиб турмай, амирнинг аҳволи оғир, ҳаётидан умид йўқ, деб эълон қилишди. Табобат ўз заифлигини тан олди, ҳақимлар сурпа-тахталарини йиғиштириб қўйишди. Қандайдир дуохон-

лар ҳали ҳам, амирни тузатамиз, деб изғиб юришарди, лекин уларни остонага йўлатмай ҳайдаб юборишди.

Энди бош муфти амир ётоғида камдан-кам кўринса ҳам, унинг валиаҳд Мансур ҳузурига тез-тез кириб тургани ҳаммага аён эди. У бўлажак ҳукмдор ёнида ёстиққа ўтириб олиб, унинг қулоғига алланималарни, шивирлар эди. Унинг гоҳ жиддий, гоҳ юмшоқ сўзларини ҳеч ким эшитмаган бўлса ҳам, мазмунини билиш қийин эмасди. У валиаҳдни, суннийликни мустаҳкамлаб, шаккокларни, озод фикрлиларни қаттиқ таъқиб қилишга даъват этар, Бағдод халифаларининг иродасига тамом бўйсуниб лозимлигини таъкидлар эди. Мансур диққинафас бўлиб, эсноғини аранг тўхтатиб, бу узундан-узоқ ваъзу насиҳатнинг тугашини хомуш кутарди. У сабр қилишга мажбур эди. Чунки бу семиз, сассиқ чолга кўр-кўрона бўйсунган қудратли руҳонийлар тоифаси унинг тахтга чиқишига монелик қилиши мумкин эди, валиаҳд буни яхши тушунарди.

У ўлим соатларини кутиб, саройдан чиқмас, овга, сайру саёҳатга бормасди. Аммо икки укаси — амирнинг иккинчи хотини, курд маликасининг ўғли Абдул Малик ва жанговар шоир Исмоил бундай ҳаловатдан маҳрум бўлишни истамас эдилар. Оталарининг ўлим тўшағида ётганини билганлари ҳолда улар ҳозир ҳам саройда йўқ эдилар.

Қамарий, Ҳусайн, яна икки сарой ҳакими жон бераётган амирнинг бошидан нари кетмасдилар, бу машъум воқеа рўй бергандан сўнг улар, амир оламдан ўтди, деб эълон қилишлари лозим. Амир ётган хона нимқоронғи ва жимжит, бурчакда тутатилган исриқ ҳиди ҳамма ёқда баравар анқийди. Уртадаги шероз гилами устига тўшалган шоҳи якандозда юзларини ажин босган қари имом ўтирарди. Унинг олдидаги лавҳада қуръон, икки тарафидаги кумуш шамдонда мум шамлар нур сочиб турарди. Чол бошини қимирлатиб, қуръондан охират ва жаннат ҳақидаги сураларни қироат билан ўқирди. Эшик олдида вазир ва аёнлар уймаланишарди.

Амир хонада нималар бўлаётганига парво қилмай ётарди. У шу тобда олам билан видолашаётганини сезармикан? Унинг ҳаёт шами сўниб бораётганини пайқармикан? Қолдириб кетаётган оиласи ва Сомонийлар давлатининг тақдири ҳақида ўйлаётганмикан?

Ҳозир амирнинг бирор нарса ўйлаши даргумон. Унинг оёқларидан жон чиқиб, зил-заминдай оғирлашиб борар,

ундан чиққан совуқ кўкракка кўтарилиб, бутун баданга тарқаларди. Унинг нафас олиши гоҳ тезлашар, гоҳ сусайиб, яна суръат оларди. Ҳусайн азоб чекаётган одамга раҳми келса ҳам, аини замонда ҳақимларга хос синчковлик билан нафас олишнинг бу ғалати хилини кузатиб турарди. Илгари бундай ҳолни буйрак касалидан ўлаётганларда кўрганди. Ҳусайн фикран бу ҳолни ёзилажак китобига киритди.

Жон чиқиши яна ярим соат чўзилди. Охири амирнинг бадани тиришиб-тортишди. Нафас олиши тўхтади. Ҳамма бирдан хўрсинди.

Қамарий марҳумнинг томирини ушлаб кўрди, лабларига кумуш ойна тутди. Унда туман пайдо бўлмагач, ҳозир турганларга ғамгин оҳангда, амир оламдан ўтди, деб расмий равишда эълон қилди. Имом қироатни тўхтатди. Вазир увузаролар Мансурга таъзим қилиб, шу билан уни мамлакатнинг янги ҳукмдори деб тан олишди.

Шу аснода эшик олдида шарпа эшитилди, амирнинг кичик ўғиллари Абдул Малик ва Исмоил кириб келишди. Уларнинг қувноқ кайфияти воқеани пайқаган замон ўзгариб, қайғуга айланди. Мансур икки укаси билан бирга амир ётган жойга яқин келиб тиз чўкишди, оталарининг сарғайиб шишган қўлларини юзларига суркаб, фарзандлик одобини бажо келтиришди. Улар ўринларидан турган ҳамон йиғи-сиғи кўтариб, хонага хотин-халаж кириб келди.

32

Бухоро баҳори оламини гулистон этганда, рамазон ойининг бошларида Мансур ибн Нўҳ отасининг тахтига чиқди.

У отасининг идора усулини заррача ўзгартирмади. Давлатнинг таянчи бўлиб илгаригидек турк ёлланма аскарлари қолди. Бош муфтининг суннийлар вазиятини мустаҳкамлаш ҳақидаги насиҳатлари ҳам қуруқ гап бўлиб қолаверди. Давлат идорасини вазирга ҳавола қилиб, ўзи ўсмирлигидаёқ одатланган ўйин-кулги, кайфу сафога берилди. Базмлар базмларга, ов овга улашиб кетди.

Мансурга ўз яқинлари орасида кундан-кун обрўси ошиб бораётган тенгқури — ўн етти яшар Ҳусайн ибн Синони кўриш жуда ҳам кўнгилли эди. Мансур уни ўзининг сарой ҳақими қилиб тайинлади ва доим унга навозишлар қилиб турди.

Еш амир соппа-соғ бўлиб, ҳакимларнинг ғамхўрлигига муҳтож эмасди. Шунинг учун Ҳусайнга амирнинг касали ва ўлими муносабати билан узилиб қолган илмий машғулоти янада жаҳду жадал билан давом эттиришига ҳеч ким халақит бермасди.

Мансур ҳукмронлик қилган икки йил бутун ҳаётини илм-фанга бағишлаган ибн Сино ҳаётида сўнгги ташвиш-сиз йиллар бўлди.

У ўзининг ўқиш-ёзишлари билан банд бўлиб, саройга камдан-кам киргани учун Бухоро устида яна қора булутлар пайдо бўлганини сезмасди. Аммо отаси Абдуллоҳ ибн Сино эса доим амалдорлар, солиқ тўловчилар ва бошқа ўлкалардан келиб турган савдогарлар билан алоқада бўлгани сабабли мамлакатдаги аҳволни жуда яхши билар, тобора ташвиши ортиб борарди. Қачонки ёру дўстлари уникида йиғилса, албатта, иликхонларнинг яширинча урушга тайёрлик кўраётганлари, амирга дўстлик даъвосида юрган Маҳмуд Ғазнавийнинг можарожўйлиги ва бош муфтининг гапларини инобатга олмагани учун Мансурга қарши тиш қайраб юрган руҳонийлар ҳақида сўз борарди.

Ҳусайнлар оиласи ҳамон фароғатда яшарди. Укаси Маҳмуд мактабни муваффақият билан тугатиб, бир девонга ишга кирди, девон бошлиғи унинг қобилиятини мақтаб эси кетади. Синглиси Гулнор ҳуснда онасига тортиб, чўпон юлдузидай порларди. Энди оилада яна бир ўсмир пайдо бўлди. У келган кунидан бошлаб ҳамманинг эркатойи бўлиб қолди. Бу — чўпон Усмоннинг невараси Жаъфар эди. Ҳусайн чўпон гулхани ёнида тунаган ўша кечадан сўнг чол невараси билан Абдуллоҳ ибн Сино ҳузурига келди. Бу одам ҳақида ўғли огоҳлантириб қўйгани учун Абдуллоҳ уни очик чеҳра билан қабул қилиб, унга иш берди. Абдуллоҳ ибн Сино отни яхши кўрар, отхонасидан чавандоз туркман отлари аримасди, шуларни парвариш қилиш Усмонга топширилди.

Ҳусайн Жаъфарнинг қобилиятли бола эканини пайқаб, унга дастлаб ўқиш-ёзишни, кейинча ҳисобни ўргата бошлади.

33

Мансур ибн Нўҳнинг тахтга чиққанига икки йил тўлди. Еш амир аввалгидай ўйин-кулги билан вақт ўтказиб, пойтахтдан кўра кўпроқ шаҳар ташқарисидаги боғ-роғларида

яшарди. У баъзан Ҳусайнни ўша ерда ўтказиладиган катта базмларга чақиртирар, лекин бу камдан-кам бўларди. Шунинг учун бўлса керак, бир кун ярим кечада уни уйғотиб, дарров амир ҳузурига бориши зарурлигини айтганларида, у анча ташвишга тушиб қолди.

Келган одам бу бемаҳал чақирувнинг сабабини айтмаган бўлса ҳам, унинг авзойига қараб, амирга бирор корҳол юз берган, деб тахмин қилиш мумкин эди. Бинобарин, Ҳусайн ҳар эҳтимолга қарши дори-дармон ва тиббий асбобларни олиб, дарҳол йўлга тушди.

Чопар қўлида ёруғ машъал билан йўлни ёритиб, от қўйиб борар, унинг кетидан сур отини қамчилаб Ҳусайн еларди.

Мана сарой. Аммо унинг кўриниши ғайри-табиий эди. Саройни ўраб олган турк ғуломлари нечундир кин ва ғазаб билан қарашади. Серзарда юзбоши сарой зинапоясига Ҳусайннигина эмас, ҳатто уни бошлаб келган одамни ҳам яқинлаштирмади.

— Бу ерда сиз қиладиган иш йўқ, ҳақим,— деди у қовоқларини солиб,— саройда бошқа ҳақимлар бор.

Шу сўзлар билан у йигитнинг отини шаҳар томонга буриб, қаттиқ қамчилади.

Эрталаб сарой зинапоясидан туриб, шунингдек, масжид минбарларидан амирнинг отдан йиқилиб тўсатдан ўлиб қолгани, ўрнига укаси Абдул Малик подшоҳ бўлгани эълон қилинди. Аммо кечга бориб бутун шаҳар халқи, Мансур руҳонийлар бошлаб бериб, ғуломлар амалга оширган фитнанинг қурбони бўлди, деб бир-бирларининг қулоқларига пичирлай бошладилар. Амир ўлимининг тафсилоти ҳам ошкор бўлди. Фитначилар амир ухлаб ётганда бостириб кириб, унинг кўзларини ўйиб олганлар. Мансур бу йиртқичларча қийноққа чидолмай ҳалок бўлган.

Еш амир Абдул Малик эндигина давлат ишига киришганда янги бир мусибатга дуч келди. Амир Нўҳ ҳаёт чоғидаёқ Мовароуннаҳрнинг катта қисмини босиб олган қорахоний подшоҳларидан Наср Бухорога қарши юриш бошлади.

Турк аскарларига ишониб бўлмасди. Уларнинг юриштуришлари кишининг ғашини келтирадиган бўлиб, ўз қабиладошларига қарши урушишдан бош тортишди. Амир ёрдам сўраб халққа мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Ташвишга қолган пойтахтнинг ҳамма масжидларида мамлакатни босқинчилардан қутқозишни сўраб ибодат қи-

лишар, имомлар халқни Сомонийлар сулоласини ҳимоя қилишга даъват этардилар. Аммо шу руҳонийларнинг юқори табақаси аллақачон Наср билан бир қарорга келиб, киши билмас, халқни урушга аралашмасликка, иликхонлар билан алоқани тиклашни амирнинг ўзига ҳавола қилишга чорларди.

— Агар Наср ғалаба қилса,— деб шивирларди халққа бош муфтининг махфий қутқучилари,— сизларга фақат фойда бўлади. У сизлардан ўтган йилнинг боқимонда солиқларини талаб қилмайди.

Амир ҳузурига чақирилган Бухоро аҳолисининг вакиллари Абдул Маликка тахминан бундай жавоб қилишди:

— Агар бизга кофирлар ҳужум этганда, ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб ғазотга отланар эдик. Аммо урушнинг сабаби моддий бойлик бўлса, унда мусулмонларнинг жон фидо қилмоқлари жоиз эмас.

Абдул Малик халқни ишга сололмади. Наср қўшини ҳеч қандай қаршиликка учрамай, пойтахтни забт этди.

34

Пойтахтнинг гинч, осойишта ҳаёти тугади. Шаҳарда ён-гин пайдо бўлиб, элни талаш, зўравонлик ва одам ўлдиришлар авжга минди. Бадавлат одамлар сарой-равақларини, мол-дунё ва қулларини ташлаб қочишди. Қочишга имкони бўлмаганлар эса эшик-дарвозаларини бекитиб, офатдан паноҳ деб ўз уйларида яшириндилар.

Яқиндагина Абдуллоҳ ибн Сино янги, ҳашаматлироқ уй сотиб олиш ниятида эди. Ҳозир у шу нияти амалга ошмаганига шукур қиларди. Унинг оддий уйи диққатни жалб этмас, бу уйда таловчилар назаридан четда қолиш мумкин эди.

Наср пойтахтга кириши билан амир авлодларининг ҳаммасини зиндонга солишга фармон берди. Бу фалокатдан сўнг Сомонийлар сулоласининг, қачон бўлмасин, қайта тикланишини тасаввур қилиш ҳам қийин эди.

Абдуллоҳ ва унинг болалари қулаган сулолага содик эдилар, улар Сомоний ҳукмдорлари сиймосида озод фикр ва илм-фаннинг ҳомийларини кўрсалар, Наср қўл остида озод фикрнинг ҳам, илм-фаннинг ҳам, санъат ва адабиётнинг ҳам инқирозга юз тутишини кўрардилар.

Абдуллоҳ Ҳусайнга, уйдан чиқма, деб тайинлаган бўл-

са ҳам, у уйда биқиниб ўтиролмасди, баъзан дарвозадан ташқарида пайдо бўлиб, бир вақтлар Нотили билан юлдузларни кузатган минорага чиқарди. Иликхонлар бостириб кирган куннинг эртасига минорага чиқиб даҳшатли ёнғин, кўкка кўтарилган алангани кўрди. Бозор ва унинг атрофидаги маҳаллалар ёнарди, лекин ёнғин уйлариининг қарши томонида эди. Ҳусайн пастга тушиб, ҳар эҳтимолга қарши отасини огоҳлантирмоқчи бўлиб турганда, бирдан Шаҳристон томонда кўтарилган тутуи ва алангани кўриб қолди. Бир лаҳза ҳайронликдан кейин у ёнғин чиққан жойни аниқлади.

— Во дариг!— ғусса билан нидо солди Ҳусайн.— Наҳотки кутубхона ёндирилган бўлса?..

У отасининг насиҳатини ҳам унутиб, миноранинг омонат пиллапоясидан тез тушди-да, ҳозиргина ёнғин кўринган томонга қараб чопди.

Регистонда одам қайнарди. Одамларнинг кўпчилиги Наср жангчилари эдилар, улар бугдой ранг, қора соч йигитлар бўлиб, устларида дағал кийим, бошларида катта телпак, ёнларида қилич, қўлларида қамчи тутиб юрардилар. Булар орасида бухороликлар ҳам санқиб юришарди. Улар ўз ҳиссаларига бирор нарса тушиб қолар умидида келганлар. Саройни соқчилар тўдаси қўриқлаб турарди. Аланга қуршаб олган кутубхона биноси олдига ҳеч ким яқин йўлатилмасди. Узоқдан панжара дарвоза орқали бир неча хизматкорнинг эринчоқлик билан мешларда сув ташиб деворларга сепаётганларини кўриш мумкин эди. Улар орасида кийимлари куйган, салласи чувалган семиз Абулҳасан кўринарди. Унинг аччиқ ноласи майдонга ҳам барала эшитилиб турарди.

Кутубхона ва ундаги бебаҳо асарларнинг куйиб кул бўлганини кўрган Ҳусайннинг юраги ғам-ғуссага тўлди. Агар йўлни соқчилар тўсиб турмаганда, эҳтимол у камоли аламзадалиқдан ўзини алангага ташлаган бўларди.

Устунлар ёниб, бино аста қулади, ўт яна ловиллаб, учкунлар фаввора бўлиб отилди. Ҳусайн ҳамма нарса барбод бўлганини фаҳмлаб, қўли билан кўзларини бекитди.

Фигонлар дуд бўлиб қучса фалакни,
Жаҳон бўлмай эди мангу қоронгу...—

деб хитоб қилди Ҳусайннинг ёнида биров.

Ғам-ғуссадан авзойи бузилиб, панжарага қапишиб олган йигитнинг вазияти майдонда ҳукм сурган шунча олаговур, шовқин-сурон, қий-чувда ҳам одамларнинг диққатини жалб этди, шекилли. Бир йўловчи диққат билан Ҳусайнга тикилиб, кулимсираб деди:

— Нима бўпти, муҳтарам Ибн Сино, ёнса ёнар! Сиз у ердаги донишмандлик пиёласини охиригача сипқордингиз. Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда, бошқа одамлар мендан ўзиб кетмасин деб, аҳтимол ўз қўлим билан куйдириб юборардим.

Ҳусайн бу гапдан ўзига келиб, қаҳру ғазаб билан йўловчининг орқасидан югургунча, у одам Регистонни тўлдириб турган оломон орасига кириб ғойиб бўлди.

«Бу одамлар ўзлари тушунмай қандай мудҳиш жиноятлар қилишади!— Уйлади Ҳусайн умидсизланиб аста уйга қайтаркан.— Нодонлар ва жоҳилларнинг дилхушлиги учун нималарни барбод қилаётганликлари, қандай бебаҳо кутубхона куйиб кулга айланаётгани уларнинг эсларига ҳам келмайди! Одамзод бошқаларнинг ҳаётини яхшилаш, билмаганини ўргатиш, бахтсизларга ёрдам қилиш, касалларни даволаш учун шу пайтгача нимаки яратган бўлса— барини, яъни кишилик жамиятининг кўп асрлик улуг ва бой тажрибасини жоҳил бир бошлиқ йўллаган аҳмоқлар галаси бир онда нест-нобуд қилиб юборади! Ўзинг ва асаринг тақдир қўлида уйинчоқ бўлгач, қандай яшаб бўлади, қандай ишлаб бўлади? Сен ўз билиминг самараларини амирларга, султонларга олиб келганда, хўжа Исҳоқ аҳволига, ҳатто ундан ҳам баттарроқ аҳволга тушмайсан, деб ким кафил бўлади? Олимнинг меҳнати халқ учун тушунарли, зарур ва қимматли бўладиган замон ҳам бўлармикан? Бинокор янги кутубхонага пойдевор солганда, бу — бойнинг анқов ворисларига эмас, унинг ўз ўғлига кераклигини тушунадиган замон келармикан?»

Уй-фикрларига ғарқ бўлиб кетаётган Ҳусайн тўсатдан елкасига теккан нозик қўл, қулоғи остида жаранглаган андак ҳазиломуз қиз овозидан чўчиб, қичқириб юборишига оз қолди.

— Жоним, нега бунча хаёлга ботибсиз, нега бундай ғамгин кўринасиз?

Ҳусайн ҳарир пардага ўралган аёлга тикилиб қаради-ю, оқариб кетган ғамгин юзларида табассум пайдо бўлди.

— Нима қилиб юрибсан, Марям? Шундай нотинч вақтда қиз боланинг кўчада тентиб юриши яхшими?

— Жуда шошилиб турибман. Ҳусайн, ёлғиз кетишга қўрқаман,— пичирлади Марям,— агар сизнинг илм-фан билан банд эканлигингизни, вақтингиз қимматлигини билмаганимда, мени обориб қўйинг, деб сўраган бўлардим.

Ҳусайн қизнинг муғомбирлигидан кулимсираб, у билан ёнма-ён кетди. Марям энагасининг қизи бўлиб, Ҳусайн уни болалигидан бери билар, онасига ўргангандек унга ҳам ўрганиб қолганди.

Энага Софиат Абдуллоҳнинг собиқ чўриси бўлиб, Ҳусайн билан Маҳмудни тарбиялагандан сўнг озод этилди. Ҳозирги машғулоти ажнабий элларнинг ширинликларини пишириб, бадавлат хонадонларга обориб сотишдан иборат. Унинг иши жуда юришган. Уч боласи унга қарашади, она-ласи ўзига тинч.

Маҳмуд акасига, Марям сени кўрса гул-гул очилиб кетади, деб тегажоқлик қилишни яхши кўрарди. Аммо акаси мудом унинг гапини бўлар, баъзан жеркиб ташларди. Ҳусайннинг ўзи ҳам бир неча бор Марямга нисбатан юрагига қандайдир оромбахш дард сезганди.

— Нима учун ғамгинсиз, Ҳусайн?— унинг кўзларига қараб сўради Марям.— Сизникига ҳам босқинчиларнинг қадами тегдими?

Ҳусайн йўқ дегандай бош чайқади.

— Наҳотки одамнинг юзига ўз ғуссасигина соя солса? Амирнинг ўз авлодлари билан зиндонда ётиши, Бухорони кўчманчилар талашади, Сомонийлар кутубхонасидек бебаҳо хазинанинг куйиши оз ғуссами, Марям?

Марям Ҳусайн томонга энгашиб шивирлади.

— Иш сиз ўйлагандай ёмон эмас, Ҳусайн. Мен сиздан кўра кўпроқ нарсани биламан. Амир авлодлари қайси мезананинг остида эканидан, уларга ким соқчилик қилаётганидан, кимлар хабар олаётганидан воқифман. Шунга инонингким, уларнинг атрофида содиқ хизматкорлар бор. Демак, қайғу тоғининг бирини елкангиздан иргитиб ташлаш мумкин! Уларнинг тақдири ёмон эмас, ҳали Бухорони ҳам қайтариб олишади. Фақат сабр қилинг! Ҳозир мен шуларни деб онамнинг олдига чопиб кетяпман. Эртага уларга севимли ширинликларини юбориш зарур.

Ҳусайн сергакланди.

— Демак?..

— Ҳа,— унинг гапини бўлиб шивирлади Марям.— уларни қочаришади... Худо ҳақи, бировга оғиз оча кўр-

манг...— яна Ҳусайннинг елкасига оҳиста қўл текизиб, чопганча пахса деворда аранг сезилиб турган кичкина эшикка кириб кетди.

Ҳусайн уйга ғоят тўлқинланиб қайтди. Бугунги воқеалар уни шу қадар ларзага келтирган эдики, шунча вазминлигига қарамай, кўрган ва эшитганларини отасига гапириб берганда ҳўнграб юборишига оз қолди.

Абдуллоҳ амир авлодлари ҳақидаги янгиликни эшитиб анча қувонди. Икки кундан кейин Софиат кириб келганда унга бир халта пул берди.

Софиат Сомонийларга содиқ бухороликлардан яна қанча халта тўплаганини ким билади? Улар ҳеч нарсага қарамай, ўзларининг толесиз амирларини кўчманчилардан афзал деб билардилар. Етти йил муқаддам Бугроҳон ўзининг кўнгилчанлиги ва бир даража маърифати билан Бухоронинг бадавлат аҳолисини сотиб олган бўлса, Наср ўз аскарларидан ҳашаматли ҳаёт тарзи билан фарқ қиларди, холос. Бинобарин, руҳонийларнинг можарожўйлигидан йироқ турган бадавлат бухороликлар Сомонийларни қутқариш учун, ҳеч бўлмаса, пул билан ёрдам қилишга уриндилар.

Бир неча кундан кейин, амирнинг укаси Исмоил ўзига хизмат қилиб турган қулининг кийимини кийиб, Ўзганда асоратда ётган жойидан қочибди, деган овоза тарқалиб, бутун шаҳарни ҳайратда қолдирди. Синчиклаб қидиришлар, ёлон қилинган мукофотлардан ҳеч нарса чиқмади.

35

Бухоро давлатининг умумий аҳволига онд оғир ўйлардан, кутубхонанинг куйиб барбод бўлиши туфайли туғилган ғуссалардан Ҳусайнни иш қутқарарди.

Икки йилча муқаддам, Нўҳ ибн Мансур ўлимидан сал ўтгач, Ибн Сино оиласининг икки қўшниси Ҳусайнга бир неча китоб ёзишни таклиф этишди.

Китобга ташналардан бири кекса савдогар Абул Ҳасан ал-Арудий бўлиб, сочлари оқаргунча унинг бу ташналиги қонмади. У ўз вақтида кўп ўлкаларни кезган, сон-саноқсиз кишилар суҳбатида бўлган, қанчадан-қанча китобларни ўқиб туширган эса-да, умр бўйи ўзи киролмаган Сомонийлар кутубхонасини ўйлаб юрарди. Ҳусайннинг бу кутубхонага киришга рухсат олганини эшитиши билан йигитдан

мудом шу хусусда сўраб-суриштирадиган бўлди, ҳатто унинг сўзлари асосида бир нарса ёзишга ҳам уриниб кўрди, бироқ ҳеч нарса чиқмади. Уни бу кутубхонадаги ҳамма нарса: китобларнинг танлашиши ҳам, уларнинг ташқи кўриниши ҳам, мундарижаси ҳам қизиқтирарди. Мўйсафид йигитга кутубхона баёнини ёзиб чиқишни таклиф этиб, Ҳусайндан у ерда нимаки ўрганган бўлса ҳаммасини шу китобга киритишни илтимос қилди.

Бебаҳо кутубхонанинг ёниб нобуд бўлишидан изтиробга тушган Абул Ҳасан ал-Арудий ҳозир Ҳусайннинг ўзи-дек аламига чидолмай, куйиб-қақшаб унга тасалли берарди:

— Майли, ўғлим, сенинг китобинг ўтган замон олимларига, уларнинг бебаҳо асарларига қўйилган ҳайкал бўлсин! Биз иккимиз, қўлимиздан келгунча, ёндирилган китоблардаги билимнинг асосий нуқталарини сақлаб қолмоғимиз керак. Токи келгуси авлод сенинг асарингга қараб кишилик тафаккурининг йўналишини аниқлай олсин. Ёз ўғлим! Агар умрим бевафолик қилмаса, келгуси олимлар ёнғинда нималар ҳалок бўлганини билишсин деб, китобингни кўп нусхада кўчиртириб қўяман.

Ҳусайн Абул Ҳасанининг таклифини мамнуният билан қабул қилиб «Мажмуа» номли китоб ёза бошлади. Сомонийлар кутубхонасида ўқиган барча китобларининг туб моҳияти унинг ўткир хотирасида нақшланиб қолганди. Ҳусайн олимларнинг асосий фикр ва нуқтаи назарларини шундай енгиллик билан ифода этардики, гўё илгари уларни бир жойга ёзиб қўйгандай эди.

Ҳусайн ҳанузгача китоблардан ўрганган билими ва фикрлари доирасида юрарди. У ҳозирча ўрганиш даврида эди. Аммо тобора билими чуқурлашиб, ўзининг шахсий тажрибасини ташналик билан кутар, янги фикрлар, янги хулосалар билан майдонга чиқиш учун ҳеч бир китобда кўрсатилмаган фактларни тўплаб борарди.

Иккинчи қўшниси — машҳур Бухоро қонуншуноси Абубакир ал-Барқий сўраган китоб унинг биринчи марта ўз фикр-мулоҳазалари, ўз нуқтаи назарини баён қилишига сабаб бўлди. У Ҳусайндан ўзи учун фикҳ илмига оид китобларга ва қуръонга шарҳлар ёзиб беришни илтимос қилди. Бу ерда йигитнинг ўз фикрлари талаб қилинарди, биринчи марта у қуръон, шариат ва мусулмон қонуншунослиги, унга оид сон-саноқсиз шарҳларни ўзича таҳлил ва талқин этиб, мустақил фикрини айтиши лозим эди.

«Ҳосил ва маҳсул» номли катта китоб шу тариқа пайдо бўлди. Бу китобни Абубакир ҳеч кимга кўрсатмас, у ҳақда гапирмасди, қонуншунос ва тафсирчи бунчалар шуҳратига ўз билими эмас, ёш қўшниси Ҳусайн ибн Синонинг қобилияти сабаб экани ошкор бўлишидан кўрқарди.

Ҳусайн бўлса ўз фикрларини мунозараларда Абубакир қизғин ҳимоя қилганини кўриб кулиб қўярди.

36

Мусибат Ҳусайнлар хонадонига қавс ойининг рутубатли бир тонготарида келди. Тун тинчлигини бирдан итларнинг вовиллаши, қўшниларининг дод-войи бузиб юборди.

Беш хизматкор билан ҳовлини кўриқлаши лозим бўлган Усмон кимнингдир дарвозани ураётганини эшитиб, дарров шу томонга югурди. Қаттиқ ёғочдан қилиниб, раҳларига темир қопланган эшик бу зарбалардан қимир этмасди.

Ҳамма эркаклар ҳовлига чопиб чиқишди. Бу ерда Адуллоҳнинг ўзи, икки ўғли, меҳмон бўлиб келган жияни, эски хизматкор Абул Қосим, ошпаз Аҳмад, унинг ўғли Раҳмат, яна икки хизматкор, Усмон, унинг беш ёрдамчиси, ҳаммаси бўлиб ўн беш киши бор эди.

Итларнинг акиллаши, хотинларнинг қий-чуви, бегона эркакларнинг дағал овозлари, узоқдан чопиб келаётган отларнинг дупур-дупури бир-бирига қоришиб, субҳидам қоронғилигида кишини ваҳимага соларди.

Дарвоза пайдар-пай зарбалардан ларзага келар, девор орқасидаги шовқин-сурон тобора кучаяр, қамалдагилар эса нафасларини ичларига ютиб, кутиб турардилар. Усмон астагина бориб, ҳовлини ўраб олган баланд девор ёнидаги тошга чиқиб тирқишдан мўралади. Энди анча ёришиб қолгани учун у дарвоза олдида тўпланиб, алланима ҳақида ҳовлиқиб гапирётган суворийларни кўрди. Шу пайт бир суворий девор тагига келди-да, эгар устида тик туриб, девор оша ҳовлига назар солмоқчи бўлди. Бироқ у одам унча эпчил бўлмаганиданми ёки мастмиди, ҳар ҳолда қўллари сирпаниб кетиб, ўз оти туёқлари остига ағдарилиб тушди.

Усмон кўрганларини гапирмоқчи бўлиб ўгирилди-ю, қўшни ҳовлини ажратиб турган девордан бирин-кетин сакраб тушаётган одамларни кўриб, қичқириб юборди.

Хужумнинг қутилмаган томондан бошланиши уй муҳофазачиларини гафлатда қолдирди. Бир лаҳзага ҳаммалари довдираб қолишди, ҳатто Абдуллоҳ ҳам ночор аҳволда қолиб, савол назари билан Хусайнга боқарди.

— Дада, Абул Қосим, Раҳмат,— қичқирди у масъулиятни ўз зиммасига олиб,— сизлар дарвозани қўриқланглар! Маҳмуд, уч кишини олиб уй томонга бор, у ёққа ҳеч кимни қўймаслик керак!

Ўзи Усмон ва унинг беш нафар ёрдамчилари билан бирга девордан ошиб тушганларга қарши ташланди. Икки тўда богдаги отхона олдида тўқнашди. Таловчилар икки чандон ортиқ ва яхши қуролланган эдилар. Аммо Хусайн ва унинг қўл остидаги одамларга бу ернинг баланд-пасти беш қўлдай маълум эди, бундан ташқари, улар душманни уйга киритиш, у ердаги аёлларни таҳқир остида қолдириш мумкин эмаслигини жуда яхши билардилар. Қаҳру ғазаб Хусайннинг кичик тўдасига куч бағишлади. Тўқнашувда душман тўрт кишини йўқотиб, девор томонга чекина бошлади. Нарвонсиз ундан ошиб ўтиш мумкин эмасди. Буни кўргандан кейин уларнинг бир қисми катта тут дарахтига тармашди. Ниятлари ундан нарвон ўрнида фойдаланиб, тутдан деворга, девордан кўчага сакраб туриш эди. Таловчиларнинг иккинчи қисми бўлса отхонанинг ғадир-будир деворига ёпишиб, унинг пастак томига чиқишди. Маҳмуд акиллай бериб товуши бўғилаёзган итни қўйиб юборди. Агар томга чиқиб олган уч киши қўлларига ёй олмаганда босмачилар енгилган ҳисоби эди. Ҳовлида ёйдан отилган ўқларнинг шувиллаб учгани эшитила бошлади. Хусайн дастлаб дарвоза тарафдан қичқириқ эшитди, кейин уй муҳофазачиларидан кимдир инграб юборди. Хусайн шу тарафга қараб чопмоқчи эди, бироқ ёнида турган Усмон уни бостирма тагига тортди.

— Ҳалок қилишади!— деди у,— сабр эт, бизникилар бекиниб олишади. Томдагилар бўлса ҳозир ўқларини отиб тугатади. Қара! Улар ҳаммасини отиб бўла ёздилар,— у девор тагида ётган ўқларни кўрсатди.

Бирдан томда фарёд кўтарилди. Бу — Маҳмуд отган ўқдан яраланган босмачининг фарёди эди. У кўкрагига теккан ўқни ушлаганча, қонга бўялиб, Хусайннинг оёқлари остига қулаб тушди.

Хусайн ўзини ушлаб турган Усмоннинг қўллари тўсатдан бўшашганини сезиб қолди. У чолга ўгирилиб, унинг

тонг гира-ширасида оппоқ оқарган юзини, қонли кийимини кўрди.

— Усмон ота!— нидо солди Ҳусайн.— Отажон, сизга нима бўлди, яраландингизми?

— Ундан баттар шекилли,— шивирлади у йигитнинг қўлига суяниб.— Болам Жаъфарни унутма! Сенга топшираман...— Усмонни ғарғара тутди.

Ҳусайн чолнинг ўз қўлида осилиб қолганини сезди. «Бечора,— афсус-надомат билан ўйлади Ҳусайн уни оҳиста ерга қўя туриб.— Бисотида нимаики бўлса, ҳаммасини — ер-суви, оиласи, ҳатто ҳаётини ҳам бизнинг оила дастидан йўқотди. Шўрлик, боёқиш Усмон ота...»

Аммо Ҳусайн чолнинг жасади совигунча ҳам қараб туролмади. У Усмоннинг кўзларини юмиб, шериклари томонга қараб чопди.

Энди ҳовлида душманлар қолмаганди. Томда қолган икки киши Ҳусайннинг талаби билан қиличларини ташлаб, чордона қуриб ўтиришар, бир хилда бош тебратиб, ўз қисматларини кутишарди.

Кўчадаги шовқин-сурон ҳам секин-аста пасая бошлади: афтидан, тонг ёришиб, таловчилар тум-тарақай қочган кўринади.

Ҳусайн отаси турган гуруҳга қараб чопди. Уни довдираб қолган Раҳмат кутиб олди. Ҳамма ёқ қон эди, ҳатто дарвоза тахталарига ҳам қон сачраган.

— Хўжайинни уйга олиб кетишди. Тез боринг, унинг аҳволи ёмон,— Раҳмат бу сўзларни айтиб улгурмай, Ҳусайн орқасига ўгирилиб чопиб кетди.

Абдуллоҳ биринчи хонада, гилам устида ётарди. Унинг докадай оқарган юзи Ҳусайнга Усмоннинг юзини эслатди. Унинг меҳрибон ва ёқимли чеҳрасига сокин бир қайғу соя солганди. Атрофига ҳамма бола-чақалари тўпланган. Оёқ томонда ўтирган она йиғлаб, унинг беҳол қўлларини силарди.

Ҳусайн чўкка тушиб, чаққонлик билан кўйлакни кесди. Ўқнинг учи қориннинг устки қисмига чуқур ботганди. Ҳусайн биринчи марта отасига ҳаким сифатида яқинлашди ва ҳаким сифатида бундай оғир ярадорни даволаш одам қўлидан келмаслигини тушунди. Унинг кўз ўнги қоронғилашиб, юраги қисилди. Узини босиб олиб, ёрдам қилишга ўрганиб қолган Раҳматни чақирди-да, ўз ишининг фойдали эканига заррача шубҳаланмасликка тиршиб, отасининг ярасини очди.

Уқ учини чиқариб олиш, ярани боғлаш ва Абдуллоҳни ўз жойига обориб ётқизиш учун талай вақт кетди. Ҳусайн отасининг олдидан нари кетгандан сўнг ўзининг ҳам яраланганини пайқади. Назарида уй айлана бошлади, оёқ босолмай қолди, агар Раҳмат бўлмаганда йиқилиши аниқ эди. Ҳусайннинг этакларида қон қотиб қолганини ҳам биринчи бор Раҳмат кўрди. Раҳмат ёрдамида ўз ётоғига ўтиб кетаётиб, Ҳусайн кичкина Жаъфарни учратиб қолди. Бола йиғлаб қизарган катта кўзлари билан унга тикилиб турарди.

— Йиғлама, йигитча,— эркалаб гапирди Ҳусайн боланинг сочи олинган бошига қараб туриб,— бу қайғу сенинг ҳаётингда сўнггиси бўлиши учун қўлимдан келган ҳамма чорани кўраман. Сен менинг укам бўлиб қоласан, Жаъфарвой...

37

Орадан бир неча кун ўтиб, йигирма ёшли Ҳусайн катта оиланинг бошлиғи бўлиб қолди. Бир умр қўйнинг нархи билан қизиқмаган, унни қаердан олишлари ҳақида бош қотирмаган, сабзавот учун қаёққа одам юборишни аллақачон унутган, отасининг шарофати билан бунча нарсага пул қаердан олиниши устида ўйлаб кўрмаган Ҳусайн бу ташвишларнинг ҳаммасини ўз зиммасига олиши керак эди.

Хайриятки, ёнида Маҳмуд бор, хушфёъл, қувноқ ва ақли расо Маҳмуд бундай ишларда акасида кўра абжирроқ эди.

Ёш амир — шоир ва жангчи Абу Иброҳим Исмоил Сомоний вақтинча Бухорони ишғол қилиб, Ҳусайнни бир девонга ишга қўйди.

Ҳусайн хизматга қатнаб юриб, сўнгги нотинч йилларда Бухоро кўчаларининг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетганини кўрди. Шаҳарнинг энг обод қисмида кўп уйлар куйиб, култепага айланган. Эндиги бинолар ўтга чидамли гишт ёки пахса деворли қилиб қурилмоқда эди. Ҳовлиларни ўраб олган деворлар ҳам баланд кўтарилиб, кўпларида душманга ўқ узиш учун тешиклар қўйилган. Бухоро секин-аста бутун дунёдан сайёҳлар ва савдогарлар келиб турадиган очиқ, меҳмондўст шаҳар қиёфасини йўқотиб борарди. Ҳозир улар молу жонларидан қўрқиб Булғор, Урганч ва Самарқанд томонларга боришни мақбул кўрар-

дилар. Ҳатто бухороликларнинг ўзлари ҳам ўғузлар, қорахонийлар ва бу бахтсиз ўлкани талашни кўзлаган бошқа бировларнинг қўлига тушмасин деб бор нарсаларини ҳам чиқармасликка тиришардилар.

Савдо-тижорат аҳли озайиб, Бухоро бозори ҳувилаб, камбағаллашиб қолди. Косиблар ҳам эртага харидор чиқишига ишонмай, истар-истамай ишлардилар.

Фақат масжидларда ибодат авжида эди. Пойтахтнинг ясанган, сўзамол имом ва муллалари мўминларни товба-тазарруга даъват қилиб, тасалли берардилар. Илгаригидек гадолар намозхонларни ўраб олар, муаззин мўминларни беш вақт намозга даъват қилиб азон айтарди.

Девонга хизматга кетаётиб Ҳусайн тез-тез йўлдаги масжиди жомега кирарди. Бу ерда оилаларининг эски қадрдони, илгариги қўшнилари Абу Амир имомлик қиларди.

Бу ибодатхонанинг содда салобати, ибодат жараёнидаги муҳташам сукунат йигитга қандайдир ҳаловат бағишларди. Одамлар, масжид худонинг уйи дейишади, Ҳусайн эса, худонинг уйи мана шу жоме, у шу ерда, дейишга тайёр эди.

Бухоро руҳонийлари тез-тез диний мунозаралар ўтказардилар. Абу Амир бундай мунозараларга албатта Ҳусайнни ҳам таклиф этарди.

Мантиқ, фикҳ ва тафсирда¹ ягона ҳисобланган Ҳусайн бундай мажлисларнинг гули бўларди. Бир-бирига мухолиф гуруҳларнинг ҳар бири уни ўз тарафига тортишга уринарди.

Руҳонийлар одамларнинг диққатини ҳаётини воқеалардан четга тортадиган бемаъни мунозаралар ишқивози эдилар. Ҳозир мамлакат бошига тушган бу серташвиш, оғир кунларда улар ўз фаолиятларини яна ҳам кучайтирдилар.

Ҳукмдорлар учун энг оғир пайтларда Сомонийларга нисбатан қилган хоинона ҳаракатларини хаспўшлаш учун улар ойлаб мана бундай бемаъни мавзуларда мунозара қилардилар: «Муҳаммад пайғамбарнинг дунёвий ҳукмдорга қараши», «Мусулмонлар оллоҳнинг иродасига бўйсунмаслиги мумкинми?», «Оллоҳ таоло кимларни ўз ҳимоясида асрайди?» ва ҳоказо.

¹ Мантиқ, фикҳ ва тафсирда—логика, қонушнослик ва қуръонни шарҳлашда.

Бу мунозаралар китоблар ва айрим диний ибораларнинг мазмуни атрофида айланганда, Ҳусайн уларга қатнашиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлар, шу билан уни ўз қавмларидан бири ҳисобланган Абу Амрни қувонтириб юрарди. Бироқ руҳонийларнинг Сомонийларга қарши янги фитна уюштириб, халқни шунга тайёрлай бошлаганини пайқаган ҳамон Ҳусайн бу мунозараларга қатнашишни тўхтатди.

Имом Абу Амир уни йўлга солишга уриниб кўрди.

— Мен девонда жуда бандман, муҳтарам Абу Амир,— одоб билан жавоб берди Ҳусайн ўз мулоҳазаларини айтишдан аҳтиёт бўлиб.— Ҳукмдоримиз муҳим бир ишни йўлаб қўйганлар, вақтимга ўзим мутасаддий эмасман.

Бир неча ҳафтадан сўнг ҳукмдор Исмоил Мунтасир қайта хуруж бошлаган Насрга қарши юриш бошлаши билан Абу Амир Ҳусайнга яна киши юборди.

Имомнинг уйи ёш олимга эскидан таниш эди. У болалик чоғида бу ерга — жўраси Амирнинг олдига бир неча бор келиб кетганди. Бироқ бу уй ҳозир ўзининг бойлиги, саришта-саранжомлиги билан уни ҳайратда қолдирди, чунки илгари бу нарсалардан нишон ҳам йўқ эди.

Меҳмонлар анчагина эди. Ҳусайн уларнинг барини танирди. Кўк саллали икки имом, бир неча руҳоний, Абу Амрининг муовини, булардан ташқари, Ҳусайн яна икки-уч кишини эсладики, булар диний мунозараларнинг доимий қатнашчилари эдилар. Улар мунозарага бевосита қатнашмас, аммо ўтирган жойларидан дудмол луқмалар ташлаб, баъзан нотикни ҳам шошириб қўярдилар.

Кекса имом Ҳусайнга алоҳида ҳурмат ва мурувват кўрсатган бўлиб, уни чап ёнига ўтқазди, бир кечада уни боқиб семиртиришга қасд қилгандай, зўр бериб таомга таклиф қила кетди.

Зиёфат авжига чиққанда янги бир меҳмон кириб келди. Ҳусайннинг пайқашича, бу одам мезбон учун кутилмаган, кўнгилсиз кимса бўлса ҳам, ҳурмат қилиниши мажбурий эди.

Ҳусайн унга диққат билан тикилди. Қирқ ёшлардаги бу барваста одамда катта мансабдор ёки омади келган савдогар салобати бор эди. Либослари ва шевасига қараб, уни келгинди дейиш мумкин эди.

Абу Амир бундай мўътабар меҳмонни қаерга ўтқозишни билмай, саросимага тушиб қолди. Ниҳоят имомлардан бирини нарироқ силжитиб, ўзининг ўнг томонига ўтқазди.

да, боя Хусайинни қистагандай уни ҳам таомга таклиф қила бошлади, лекин бу меҳмон қистатиб ўтирмади.

Келгинди икки таом орасида чолга алланимани пичирлаб, уни хурсанд қилиб қўйди.

Абу Амир мезбонлик қондасини жудаям қотириб юборди, интизомга ўргатилган хизматкорлар унинг кафтларини енгилгина бир-бирига уриб қўйишини бамисоли буйруқдай қабул қилиб, бир зумда бажо келтирардилар.

Меҳмонларнинг жағи тинмай, ўз-ўзлари билан банд эканидан фойдаланиб, мезбон Хусайн томонга энгашди.

— Сизга муҳим бир таклифим бор, азизим, — мулоҳимлик билан шивирлади у. — Ҳа, жуда муҳим, — у йигитга кўз қисиб қўйди. — Шу иш туфайли сизнинг ҳам ишларингиз юришиб, Исмоилнинг хизматини йиғиштириб қўйишингиз мумкин бўлади, унинг саккиз динорига зор бўлиб юрмайсиз.

Хусайн ҳайрон бўлди: биринчидан, нега Бухоро ҳукмдорининг номи булар учун оддийгина Исмоил бўлиб қолди, иккинчидан, имом унинг маоши миқдорини қаердан бунчалар аниқ билиб олди?

— Сизга арзимаган иш учун йигирма динор маош ва бутун сарфу харажатларингизни тўлашни таклиф қилмоқдалар, — шивирлади имом ва бошқа меҳмонларга ўғирлди.

Хусайн унчалнк гўл эмасди. йигирма динор маош ва оила сарфу харажатлари беҳудага тўланмаслигини дарҳол пайқади. «Арзимас иш учун» шунча тўланар экан, демак, у кимгадир керак.

— Қаҳрамон Наср қўшини яна Бухорога яқинлашиб келмоқда, сиз буни эшитдингизми? — Хусайн томонга энгашиб секингина сўради мезбон. — Сомонийлар давлати бугун-эрта батамом қулайди.

— Сиз бу хабарни қаердан эшитдингиз? Девонда тамом бошқача гаплар юрибди-ку.

— Мансабдорлар ёлғон гапиришади. Эҳтимол ўзлари ҳам ҳақиқий аҳволдан беҳабардирлар. Мен буни ишончли одамдан эшитдим, — Абу Амир бошини сал қимирлатиб янги меҳмонга ишора қилди.

«Қаҳрамон Наср яқинлашиб келмоқда, — ўйлади Хусайн, — демак, яна қирғин, яна талаш, яна ёнгин бўлади. Бу даҳшатдан онам билан синглимни қандай сақлашим

лозим? Афшанага — қариндошлар олдига юборсаммикан? Йўқ, у ерни кўчманчилар яна ҳам бемалолроқ талашади...»

— Бизга Бухорода нуфузи бор одам керак, — яна Хусайнга қараб шивирлади мезбон, — унинг руҳонийлардан бўлмаслиги маъқулроқ. Бизга Бухоро халқи ишонадиган, ўзига доғ текизмаган покиза мусулмон керак.

— У сизга нима учун керак, муҳтарам Абу Амир?

— У Сомонийлар худонинг ғазабига гирифтор бўлиб, заволга юз тутганини, оллоҳ таоло улуғ қорахонийлар авлодининг мартабасини кўтараётганини халойиққа тушунтириши керак.

— Шунинг учун йигирма динордан маош тўланиб, оиласининг бутун сарфу харажати давлат ҳисобига бўлади, денг? — ғазабини аранг тутиб сўради Хусайн.

— Фикримча, савдолашиб буни ўттиз динорга чиқариш ҳам мумкин, — деди Абу Амир кулимсираб ва яна меҳмонлари билан гаплашиб кетди.

«Булар одамдан ватанини арзонгина сотиб олиб, бошқа қабилаларга беришмоқчи! Дарвоқе, «биз» дегани ким? Абу Амир кабиларми? Ёки кўк саллали имомларми?» Хусайн ғазабдан қайнаб-тошса ҳам бировга сездирмай тезроқ бу қабиҳ йиғилишдан чиқиб кетишни ўйларди.

Хусайн қулай фурсатни пойлаб, зарур ишларни ўртага солиб, тезроқ уйга кетишга ошиқди.

— Қандай фикрга келдингиз, ўғлим? — сўради Абу Амир. — Сизнинг ўрнингизда мен бўлсам рози бўлардим. Баъзан шариатга тамоман зид гапларни айтгансиз. Агар биз билан бирга бўлсангиз у ҳақда ҳеч ким ҳеч қачон гапирмайди, акс ҳолда мен ҳеч нарсанинг кафилини олмайман... Сўнгра сизнинг қарматий эканингиз ҳақида ҳам гапирмаган маъқул, шундай эмасми?

— Мен қарматий эмасман, буни бошқалардан кўра сиз яхшироқ биласиз-ку!

— Сиз бўлмасангиз, сизнинг отангиз, укангиз, — эркалагандай кулимсираб давом этди имом. — Яхшиси, буни эсламаслик, бу хусусда гапирмаслик. Хўш, энди нима дейсиз?

— Мен ўйлаб кўраман, — йигит бу гапни юрагидан аранг юлиб чиқарди ва эшикка қараб бурилди.

Хусайн Абу Амирнинг дарвозасини эндигина очиб, остонадан ҳатлайман деб турганда, кимдир орқасидан чақриб қолди.

Хусайн ўгирилиб, ҳайратда қолди: уни чақирган нота-

ниш одам имомнинг энг кейин кириб келган меҳмони эди. У Хусайннинг олдига келиб, бетакаллуф елкасига қўл ташлади.

— Улар хасислик қилишяпти, биз сиз каби улуғ олимга икки барабар ортиқ тўлашга тайёрмиз.

— Сиз ким бўлдингиз?— таажжубланиб сўради Хусайн.

— Мен Ғазнадан келдим. Бухорога Ғазна, Хирот ва эҳтимол Хуросон ҳукмдори улуғ Султон Маҳмуднинг топшириғи билан келганман,— у кўз қисиб кулимсиради.— Эшитяписизми, эҳтимол Хуросон ҳукмдори!— такрорлади у Хусайннинг кўзларига муғомбирона тикилиб.— Биз сизнинг тўғрингизда кўп нарса эшитганмиз, бинобарин, Султон Маҳмуд сизни ўз даргоҳига таклиф этмоқда, зеро илм ва санъат аҳли шу кишининг саройларидагина паноҳ ва ҳимоят топиши мумкин. Менга бошқа ҳар хил ишлардан ташқари, Ғазнага ҳақиқий қонуншунос олимларни таклиф қилиш ҳам топширилган. Мен сизни бирга олиб кетишим мумкин. Бухорога қараганда бизнинг Ғазна тинчроқ. Бунинг устига бизда бу ердагилар сингари хасислик қилишмайди. Яхши олимлар учун Ғазнани хазина деяверинг. Султон Маҳмуднинг маъжусийлар ватани Ҳиндистонга қарши муқаддас сафарга ҳозирланаётганини эҳтимол эшитгандирсиз. Ана шу бутпарастларга қарши урушмоқ, уларга қарши ғазавот эълон қилмоқ кори хайр, деб фатво ёзган фақх тиллога ботади. Сизнинг эса бир амаллаб кўнгилингизни топармиз! Ҳозирча «хамир учидан патир» деганларидек, мана буни олиб туринг,— Султон Маҳмуднинг элчиси Хусайнга бир халта тилло узатди.

— Йўқ,— деди Хусайн ўзини орқага тортиб,— йўқ, мен аввал ўйлаб кўришим керак, ғазавот ҳақида мадҳия ёза оламанми-йўқми.

— Майли, ўйлаб кўринг,— деди нотаниш ноилож рози бўлиб.— Бир неча кундан сўнг жавоб кутиб уйингизга бораман.

Шу гаплардан кейин Султон Маҳмуднинг элчиси яна Абу Амир меҳмонхонасига, Хусайн эса уйига қараб кетди. Йигит йўл-йўлакай ҳозир эшитганларини ақл тарозусига солиб, минг хил хаёлларга борди. Сомоний Исмоил Мунтасирга қарши уюштирилмоқда бўлган бу фитналар унинг покиза табиатига хилоф бўлганидек, Султон Маҳмуднинг бахтсиз Ҳиндистонни талаш учун бидъатларни рўкач қилиб бошлаётган ҳарбий можароларини ҳам у си-

ра ҳазм қилолмасди, бундай ишлардан жирканарди. Агар Амир Исмоил Мунтасирга Бухоро руҳонийлари уюшти- раётган фитнани очиқ айтса, пойтахтда яшаши мумкин эмаслигини яхши биларди. Аммо Бухоро боёнларидан ан- часи кўчиб кетган Ғазна ёки Ҳиротга боргиси келмади.

Тун бўйи ака-ука — Ҳусайн ва Маҳмуд гаплашиб чи- қишди. Бу оилавий маслаҳатга она ва сингилларини, шу- нингдек эски, содиқ хизматкорлари Абул Қосимни ҳам чақирди.

Эртасига уй анжомларини йиғиштира бошладилар.

Ҳусайн ҳукмдорнинг Бухорога қайтишини кутмай, ўзи унинг қароргоҳига борди. Руҳонийлар уюштираётган фит- надан амирни огоҳлантиришни у ҳукмдорга садоқатгина эмас, сеvimли ватанига муҳаббат деб тушунарди. У шун- дай қилди — ҳукмдорни огоҳлантирди. Ҳолбуки Сомоний- лар қуёши заволга юз тутганини Бухоро руҳонийларидан кўра яхшироқ биларди.

Афсуски, унинг сўзлари ёш амирга унчалик таъсир қилмади.

Сал илгари ўз яқинлари билан майхўрлик қилиб, ҳали ўзига келмаган Исмоил мақтанчоқлик билан жавоб берди:

— Бизнинг давлатимиз ҳеч қачон ҳозиргидай мустақ- кам бўлган эмас. Иликхонларнинг ҳужуми ҳақидаги ово- залар асоссиз, беҳуда гаплар. Бош муфти ва имомлар тах- тимизнинг бақувват таянчи.

Ҳусайн амирни ишонтиролмай қароргоҳдан хафа, но- умид бўлиб қайтди.

У келиши билан оила она тупроқдан кўчди. Кечаги оилавий маслаҳатда Хоразмга кетишга қарор қилинган эди.



Коразм



1



Сўнги йилларда Урта Осиёда қўзғалиб, Бухорони иликхонлар зулмига гирифтор этган бўронлар ҳозирча Хоразмга етмаганди. Жайҳуннинг ҳаётбахш сувларидан яшнаган серҳосил бу воҳа турк кўчманчиларининг таловчилик ҳужумларидан, кучайиб бораётган ғазнавийлар давлатининг назари-эътиборидан четда қолиб келарди.

Сўнги йилларгача мамлакат икки хонликка бўлиниб, бирининг пойтахти жанубда Қиёт, иккинчисининг пойтахти шимолда Урганч шаҳри эди. Берунийнинг ҳикоясидан маълумки, Урганчнинг ғайратли, жанговар ҳукмдори Маъмун ибн Муҳаммад тўрт йил муқаддам Қиётни босиб олди, у ернинг ҳукмдорини ағдариб, хоразмшоҳ унвони билан бутун Хоразмни бир давлат байроғи остида бирлаштирди. Мамлакат пойтахти деб эълон қилинган Урганч тез суръат билан обод ва маъмур бўла бошлади. Янги хоразмшоҳ ўз пойтахтига ҳашаматли тус бериш, маърифатли ҳукмдор деб ном чиқариш учун илм ва санъатга ҳомийлик қилар экан, деган овозани эшитиб турли касб эгалари, савдо-тижорат аҳли, шунингдек олимлар, рас-

сомлар, шоирлар ва хаттотлар турна қатор бўлиб Урганчга йўл олдилар. Ишончга сазовор одамлар Ҳусайнга худди шу руҳда гапирган эдилар. Мана шунинг учун Ибн Сино оиласи Урганчга кетишга қарор қилган эди.

Бир куни субҳидам чоғида, шарқ энди арғувони тусга кираётган пайтда, ҳали уйғонмаган Бухоронинг кимсасиз кўчалари бўйлаб кичик бир қарвон йўлга чиқди. Олдинда салобат билан қадам ташлаб бораётган малла ранг нор туяни кекса Абул Қосим миниб олганди. Унинг кетидан бўйниларидаги қўнғироқчаларини жаранглатиб, уй анжомлари ортилган тўққиз туя ва беш нафар суворийлар борарди. Орқада кетаётган отларнинг бирига, иссиқ кийимларга ўралиб, Ситорабону ва Гулнора миниб олгандилар. Ўз ҳаётида биринчи марта узоқ саёҳатга чиққан қизнинг кўзларида қувонч нури порларди. Ҳусайн ва Маҳмуд ихчам чавондоз отларга миниб, оналарига яқинроқ масофада боришарди.

Шимоли-ғарбий дарвозанинг уйқусираган дарвозабонлари каттагина чой пули олгач, дарҳол уйқулари қочиб, шошилиб-пишилиб оғир зулфинларни туширишди ва кетувчилар орқасидан анча вақтгача таъзим қилиб туришди. Қарвон шаҳар гўристонидан ўтиб, ўзи кўтарган чангтўзон булутида кўздан ғойиб бўлди.

Ҳусайн шаҳар кўриниши, унинг уйлари, боғлари, саройлари, масжидлари, хуллас ўзига азиз, болалигига яқин ҳамма нарсаларни хотирида сақлаб қолишга уриниб, бир неча бор орқасига қайрилиб қаради. У гўё бу ерга қайтиб келолмаслигини илгаритдан сезгандай, гўё бу нарсаларни охириги марта кўраётгандай эди.

Йўловчилар шаҳардан узоқлашган сари йигитнинг юраги эзилиб борарди. Киндик қони тўкилган, ёшлигини ўтказган, ҳамма кўча-кўйлари таниш бўлган Бухоро шаҳри унга нечоғлик азиз эканини у энди тушунди. Тўғри, уни янги жой, янги ҳаёт ва мулоқотлар кутарди, бироқ булар ҳозир йигитни қизиқтирмас эди. У бу ерда ўзининг биринчи орзулари, биринчи илмий муваффақиятлари ва унча равшан бўлмаса ҳам, Марямга бўлган биринчи, беғубор севгиси, севгилисини қолдириб кетмоқда эди. Китобдан бош кўтармай юрганда, иш билан банд чоғларида у ҳақда кам ўйлагандай туюлса ҳам, уни кўриб, у билан гаплашган онларида юраги фароғат ва қувонч билан тўларди. У бундан кейингисини ўйламас, бундан сўнг муносабатлари қандай бўлишини сира тасаввур этмасди, Бухо-

рода экан чоғида бу нарсалар уни бесаранжом қилмаганди. Ҳозир эса у кўз очиб кўрган шахринигина эмас, кўз очиб кўрган маъсум қизини ҳам ташлаб кетаётганини алам билан ҳис қилди. Уялиб ўтирмай, Марямнинг онаси Софиат холани, болаларингизни олиб, биз билан Хоразмга юринг, деб таклиф қилолмаганидан кўп пушаймон эди.

Ҳусайн охирги марта Бухорога ўгирилиб қараганда, шаҳар девори устида кимнингдир оқ рўмолини кўргандай бўлди.

«Эҳтимол бизнинг орқамиздан Марям қараб тургандир, эҳтимол унинг юраги ҳам меники сингари ҳасрат-надомат билан тўлгандир»,— алам билан ўйлади Ҳусайн.

Шу кайфият устида, ихтиёрсиз равишда сўзлар шеър бўлиб қуюлди:

О қуёш, айт, тунда қайга айладинг сен ижтиноб?

Айт, узоқ элларда нелар кўрганингни, офтоб!

Кимни кўрдинг ишқ занжирида қадди печу тоб,

Юзда заҳмат, кўзда ҳасрат, дилда сўнгсиз изтироб.

Уйга толиб бораётган йигит дастлаб йўлнинг қандайлигига эътибор бермади. Йўл эса жуда яхши, юзлаб, ҳатто минглаб карвонлар босиб ўтиб текислаган, қулай йўл эди. Жўнаш олдида Ҳусайн, Маҳмуд ва Абул Қосим, қайси йўл билан Урганчга бориш керак, деб хўп кенгашиб олдилар. Кўпни кўрган одамларнинг маслаҳатига мувофиқ улар энг узоқ, аммо энг хавфсиз йўлни танлаб, Жайхун орқали юришга қарор қилишди.

Дарёгача бўлган йўлнинг дўлабки қисми жуда яхши ва Ҳусайнга таниш эди. У кекса дўсти Исҳоқнинг олдида бориш учун бу ерлардан бир неча бор ўтганди. Ундан кейинги йўл нотаниш бўлиб, Ҳусайн теварак-атрофга қараб бир оз овунди. Икки кундан сўнг карвон Жайхун бўйидаги қизгин савдо-тижорат шаҳри Амулга етиб келди. У ерда катта юк кемасини кира қилиб отлар, туя ва юкларини ортишди.

Хоразм шу ердан бошланарди. Денгиздек кенг Жайхуннинг сариқ лойқа суви енгил мавж уриб оқadi. Жуда кўп юк ва елкан кемалари, шунингдек балиқчи қайиқлар дарёда сузиб юрарди. Амул олдида улар шу қадар кўп тўпланган эдики, Ҳусайн ёллаган кемани дарға дарё ўртасига аранг олиб чиқди. Эшкакчилар деярли чов солмасдилар, оқим ўзи кемани олға қараб суриб борарди.

Ҳусайнлар онласи тушган кема экинзорлар ёнидан сузиб ўтади. Йўлда гоҳ зинапоялари сув бўйига гушган карвонсаройлар, гоҳ қалъалар, гоҳ шаҳар деворлари дуч келади. Мамлакат ўз хавфсизлигини эҳтиётлик билан сақлаётгани сезилиб турарди. Кема Уч-Керсинда икки кун тўхтаб қолди, йўловчилар шу савдо шаҳарчасида ҳордиқ чиқаришга қарор қилдилар. Йўлнинг ҳам энг қийини босиб ўтилган эди. Ҳусайн шаҳар аҳолисини эътибор билан кузатди. Улардаги кўп нарса нотаниш эди — одатлари ҳам, кийимлари ҳам бошқача; бухороликларнинг кўзи ўрганган салла, чопон кўринмасди, одамлар оддий калта камзул ва узун қора қалпоқ кийиб олишган. Буларнинг шаклу шамойили, суҳбатда одоб ва услублари ҳам тамом бошқача эди.

Бухорода ҳам Ҳусайн Қиёт ва урганчлик одамларни тез-тез учратиб турарди. Бинобарин, у оз вақт ичида бу халқнинг феълу атворини ўрганиб олди. Мовароуннаҳрликларга қараганда буларнинг муомаласи дағалроқ бўлса ҳам, меҳнатсеварлиги, савдо-сотик, касбу камолга қобилияти билан ажралиб турарди.

«Булар олдида бухороликларга қараганда ўзингни соддароқ тут, эҳтимол шундагина улар билан аҳил бўлиб яшарсан»,— деб ўйлади Ҳусайн ва болалигида Софиат хола бир неча бор айтган эртакни хотирлаб кулимсиради.

«Қадим замонларда Шарқнинг улуғ подшоҳларидан бири вазиру вузароларидан аччиғлиниб, уларни жуда узоқ чўлга — ўз давлатининг бир чеккасига бадарга қилишга амр этибди. Сарбозлари подшоҳни хафа қилган одамларни дарров тўплаб, уларни жудаям узоққа, бир қумлоқ жойга оборибдиларки, у ерда фақат йиртқич ҳайвонлару илонлар яшаркан.

Йиллар ўтибди. Бу орада подшоҳ кўп жангу жадаллар қилиб, ўзга элларни босиб олибди, подшоҳлик чегараларини кенгайтирибди, хазинасини тўлдирибди, бошқа халқларга даҳшат солиб, бир вақтлар ўзи бадарга қилган фуқароларини унутиб юборибди. Кунлардан бир кун овга ҳозирланиб, мамлакатда овлоқ ер қолмади, ўлканинг ҳамма бурчаклари обод ва маъмур бўлди, деб зорланибди. Ана шунда бир вақтлар ўз яқинларини сургун қилган чўл хотирига келиб, шу чўлдан хабар олиш учун чопарлар юборибди.

Подшоҳнинг чопарлари йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, охири гуллаб яшнаган бир воҳага келишибди. Чор

атроф қулф уриб турган экинзор, мевалари шарбат тўкиб турган боғу роғ эмиш. Йигим-терим вақти экан. Далада барваста, бақувват эркаклар ишлаётганмиш, улар нозик сарой аёнларига сира ўхшамасмишлар.

Чопарлар ўз кўзларига ишонмай, адашиб бошқа жойга келибмиз деб гумон қилибдилар. Аммо аҳolidан сўраб-суриштириб билсалар, худди ўша жойнинг ўзи экан.

Улар саройга қайтиб келиб, подшоҳга кўрганларини гапириб беришибди, сургун қилинганларнинг ҳатто тиллари ҳам ўзгарибди, одам аранг тушунадиган бир ҳолга келибди, деб айтишибди.

— Уларда гўшт бор эканми?— деб сўрабди подшоҳ.

— Бор, шаҳаншоҳим!

— Уни нима деб аташар экан?

— Хор дейишар экан.

— Ўтинни-чи?

— Разм дейишар экан.

— Майли, улар шу ўлкада яшай берсинлар, шу ернинг хўжаси бўлсинлар, аммо у диёрга мен ном қўяман, унинг номи Хоразм бўлади. Уларнинг зурриётини қуритмаслик учун турк чўриларимдан қирқтаси ўша ерга юборилсин».

— Мана шунинг учун хоразмликларни турклардан ажратиш жуда қийин,— деб эртагини тугатарди Софиат хола.

2

Дарё сафари унчалик ҳориб-толиқадиган эмасди. Ҳусайннинг оила аъзолари уззукун кема сиртида туриб нотаниш, янги ҳаёт тарзини кузатиб борардилар. Кема гоҳ қирғоққа яқинлашиб, гоҳ дарёнинг ўртасига бориб олиб, секин сузарди. Шундай чоғларда ер анча узоқлашиб, соҳилдаги қишлоқлар олисдан жуда кичрайиб кўринарди.

Чор атрофдаги уфқларгача чўзилиб кетган экинзорларни кумушсимон ариқлар кесиб ўтар, тоғ этакларида узумзор боғлар қулф уриб ётарди.

Ун кун деганда жангу жадаллар ва табиий офатлардан зарарланган бўм-бўш Қиётга етиб келишди. Кема шу ерда тўхтаганда, соҳилга келиб туташган вайрона берунни (шаҳар атрофини) кўздан кечириб, Ҳусайн нуқул Берунийни эслар, фикран унинг уйи қаердалигини аниқлашга уринарди. Кейин Маҳмуд ва Раҳматлар билан бирга нотаниш кўчаларни кезиб, ағдарилган хоразмшоҳнинг таш-

ландиқ саройига бориб, теварак-атрофидан яқинларининг ҳам қаровсиз ётган уйларини топишди. Афтидан шуларнинг бири Берунийнинг уйи бўлса керак. Ҳусайн унинг оиласини кўриб, дўстидан салом еткизмоқчи эди. Бироқ ҳамма уйлар бўм-бўш бўлиб, эшикларга қулф солинган, ҳовлиларнинг атрофида, дарвозалар олдида шўра, бурган ва супурги поялари ўсиб ётарди. Бирор одамдан сўраб-суриштиришни эса Ҳусайн эҳтиётсизлик деб биларди. Йигитларнинг кўнгли ғаш бўлиб, гўё гўристондан қайтгандай бир кайфиятда келишди.

Ун беш кун деганда узоқдан Урганч шаҳрининг деворлари кўринди.

Кема хўжайини йўловчиларни, соҳил шаҳардан беш фарсах берида, у ерда юкларни тушириб, шаҳарга карвон бўлиб кириш лозим, деб огоҳлантирди.

Соҳилда уларга Хевадан қайтиб келаётган иккита урганчлик савдогар туялари билан ҳамроҳ бўлишди. Ҳусайндан унинг ўзи ва ҳамроҳлари хоразмшоҳдан ҳимоят излаб келаётганликларини эшитиб, савдогарлардан бири уларни ўз уйига таклиф қилди, иккинчиси эса, Урганчни томоша қилдиришга ваъда берди. У вақтни бекорга ўтказмай, карвонни ўз гўзаллиги билан машҳур ал-Ҳажжож дарвозаси орқали олиб ўтди. Йўловчилар шаҳар дарвозаси олдида, ҳозирги хоразмшоҳнинг отаси амир ал-Маъмун қурган сарой ёнида тўхтаб, бу муҳташам кошонанинг гўзаллигидан ҳангу манг бўлиб қолдилар. Саройнинг шуниси ҳайратомуз эдики, унинг улуғ гумбазлари бинони ерга босмай, осмонга кўтариб тургандай туюларди. Нафис нақшлар билан безатилган арklar гўзал гиламни, саройнинг ўймакорлик билан ишланган дарвоза ва эшиклари нозик каштани эслатарди. Майдоннинг нариги томонида янги сарой барпо этилмоқда бўлиб, ҳавозалар орасидан унинг минора ва гумбазлари кўриниб турарди.

Бу ажойиб манзарани бир оз томоша қилгандан сўнг карвон меҳмондўст савдогарлар кетидан ўз кўриниши билан Бухорони эслатовчи кўчалар бўйлаб аста юра бошлади. Янги келганларга Урганчнинг шундай жойлари кўрсатилдики, улардан Бухоронинг ҳиди келиб турарди. Бинобарин, улар дарров бу шаҳарга кўникиб қолдилар.

Ҳусайн билан укаси бир неча кун дам олиб, хотин-халажнинг ишларини тартибга солгач, икковлашиб хоразмшоҳнинг вазири Абул Ҳусайн Суҳайлий ҳузурига боришди. Бухорода бу одамни қарматийларга хайрихоҳ деб айт-

ган эдилар. Хусайн шу муносабат билан махсус фақиҳ либосини кийиб олди.

Вазир муғомбир ва доно сарой аёни эди. У тез-тез Бухорога бориб, у ерда Хусайн ибн Сино ҳақида кўп эшитган ва айғоқчилари орқали марҳум Абдуллоҳ ибн Синонинг болалари Хоразмга кўчиб келаётганини билган бўлса ҳам, йигитлар ҳузурига кириб келиши билан ўзини бу хусусда ҳеч нарса билмагандай қилиб кўрсатди.

Лекин уларни ўз ёнига ўтқазиб дастурхон чақирди, сўнгра савол-жавоблар бошланди.

Хусайн сарой найрангларини жуда яхши билгани учун вазирнинг сиёсатини дарров тушунди, Маҳмуд бўлса, биринчи дақиқада андак доводи раб қолди. Шунга қарамай, ҳар икки йигит оталари, ўзлари ва билим даражалари ҳақида одоб ва назокат билан сўзлаб бердилар.

— Ўғлим,— деб хитоб этди вазир Хусайнга қараб,— кўриб турибман, сиз донгдор бўлмаса ҳам мўътабар оиладансиз. Либосингизга қараб ҳукм қилиш мумкинки,— давом этди у,— бошқа фанлардан кўра қонуншуносликда маҳорат касб этгансиз. Ҳозир мушкул аҳволда эканингизни эътиборга олиб, сизнинг тўғрингизда ҳукмдоримизга арз қилишим мумкин. Биз ҳозир у кишининг дово раҳбарликлари остида Хоразм учун янги қонунлар ишлаб чиқмоқдамиз, бинобарин, моҳир қонуншуносларга талаб тугилиши мумкин.

— Бухорода,— гапга қўшилди Маҳмуд,— акам фикҳда маҳорат касб этганларнинг бири саналарди. Эҳтимол сизларда тадаб бошқачадир...

Вазир диққат билан Маҳмудга қаради. Унинг оқилона сўзлари, маъноли қарашлари, нур ёғилиб турган юзлари — хуллас ҳаммаси вазирга ёқиб қолди.

— Гавҳар ерда қолмайди,— жавоб берди вазир ва Хусайнга ўз ҳимояти, шунингдек, саройдан муносиб хизмат ваъда қилиб, укаси билан гаплашиб кетди.

Маҳмуд Хусайндек ҳар тарафлама чуқур маълумотли бўлмаса ҳам, унинг билими ўша давр мансабдорларининг ўрта савиясидан юқори эди. Агар бунга унинг одоб ва назокати, ўткир фаҳму фаросати қўшилса, уни бир девоннинг файзи деб айтиш мумкин эди. Бунинг устига Маҳмуд ҳам акасидек хушбичим, хушсурат йигит эди, вазир бўлса кўпдан бери Хоразм ёшларига назар солиб, ўзига иккинчи дабир тополмай юрарди.

— Сени бўлса, ўғлим,— деди Суҳайлий Маҳмудга қа-

раб,— ҳозирча ўз идорамга кичик мирза қилиб оламан. Пайғамбаримиз, яқинларга ёрдам қил, деб ўргатганлар. Бунинг устига сен етимсан, етимларга ёрдам қилиш савоби азим, дейдилар.

Йигитлар қабулхонадан чиқиши билан вазир бир ишни қойил қилиб қўйгандек қўлларини бир-бирига ишқаб олди.

Ака-ука отга мингандан сўнг Ҳусайн кулиб турган Маҳмудга қараб, деди:

— Қизиқ, бу қари тулки бизга муғомбирлик қиламан деб ўзи лақиллаб қолганини тушунармикан?

— Балки вазир, бухороликлар хоразмликнинг ниятини пайқамайди, деб ўйласа керак,— кулиб жавоб берди йигит.

Бир неча кундан сўнг Ҳусайнни хоразмшоҳ Маъмур қабул қилди. У Сомоний амирларига қараганда анча содда бўлганидек, ўз вазирига ўхшаган қилвири ҳам эмас экан. Ҳар ҳолда у ўзини бухоролик олим Ибн Сино ҳақида ҳеч нарса билмаганга олиб ўтирмади. Аксинча ундан Бухоро ҳақида баъзи нарсаларни сўраб, Сомонийларнинг тақдири ҳақида ўз мулоҳазаларини айтгандан кейин Ҳусайннинг хизмати масаласига ўтиб, уни саройдаги мажлиси уламога (олимлар мажлисига) келишни таклиф қилди.

Хоразмда яшаб, мамлакат ҳаётига разм солиб, Ҳусайн бу ернинг бошқа жойларга нисбатан осойишта ва маъмурлиги сабабларини билди. Хоразм Мовароуннаҳрнинг бошқа марказларидан узоқда бўлгани сабабли қорахонийларнинг Сомонийлар сулоласини ҳалокатга олиб келган жангу жадалларидан четда қолган, бу ҳол ҳатто унинг ярим мустақил давлатдан мустақил давлатга айланишига ёрдам қилган.

Волга бўйларидан Хитой ва Эронга қараб кетадиган йўл устида бўлгани сабабли Хоразм аллақачон катта савдо марказига айланган эди. Халқининг жонсарақ ва меҳнатсеварлиги, экинзорларни сув билан таъминлаб турган ариқ, анҳорларнинг кўплиги, ернинг ҳосилдорлиги, Ҳазар ва Булғор подшоҳликларига қарши музаффарона юришлар, у ерлардан олиб келинган қуллар, қул савдоси, Хоразм чегараларининг яхши мудофаа этилганлиги — мана шулар Хоразмни бой ва маъмур этган омиллар эди. Шарқ ва Ғарб билан яхши савдо муносабатида бўлган Урганч катта бозорга айланиб, унга минглаб фарсах йўл босиб ҳар томондан савдо-тижорат аҳли ёғилиб келарди.

Хусайн шаҳарнинг савдо-сотиқ ишларига сарсоб солиб кўрдики, бу ерда ҳамма нарса истаган миқдорда топилади. Савдогарлар мўйна, тери, қурол-яроғ, темирдан ясалган буюмлар, ҳайвонот, гилам, газмол, мева, пишлоқ каби нарсалар билан савдо қилардилар.

Аммо Хоразмнинг асосий даромади қул савдосидан эди. Қул савдогарлари, илгари Қиётга олиб боргандек, Урганчга қул болаларни олиб келишар, Урта Осиё ва Эрон подшоҳларининг вакиллари уларни тўда-тўда қилиб сотиб олардилар. Булар вояга етгач, қўшни сафини тўлдирар — ғулмлар деб аталарди.

Еши каттароқ қулларни уй ишларида, қурилиш, ариқ-анҳор қозиш ва деҳқончиликда ишлатиш учун сотиб олардилар.

Бу ерда дунёнинг турли бурчакларидан қул қилиб келтирилган турли тусдаги қиз-жувонларни ҳам топиш мумкин эди. Подшоҳ ҳарамлари учун канизакбоп соҳибжамоллар билан бир қаторда гилам тўқувчи, шоҳибоф, энага ва мол-ҳолга қарайдиган чўрилар ҳам сотиларди. Бу тирик буюмларнинг қиммати уларнинг кўрки, соғлиги, бирор ишга қобилияти ва ёшларига қараб белгиланарди.

Қул савдоси учун ажратилган карвонсарой ва майдонлар қулларга ғамхона, қулдорларга катта даромад манбаи эди.

Шаҳарда савдо-сотиқнинг жонланиши қул олиб келадиган карвонларга боғлиқ эди. Бу шундай қулай буюм эдики, у билан фақат қул олиб-сотарлар эмас, шаҳарнинг мўътабар одамлари ҳам шуғулланардилар. Шундан шаҳар бойиди, шундан айрим шахсларнинг даромади ошди, шунинг фойдасидан Урганчни безаб турган ажойиб масжид ва саройлар қурилди.

Урганчда бир оз яшагандан сўнг Хусайн билдики, хоразмликлар орасида ҳам бутун кучини мамлакатда илм-фаннинг, санъат ва адабиётнинг ривожига бағишлаган қобилиятли одамлар озмунча эмас экан. Уларнинг энг машҳурларини мажлиси уламода — хоразмшоҳнинг машҳур сарой «Академия»сида учратди.

Хусайн шуни ҳам билдики, хоразмшоҳнинг «Академия»ни бунёдга келтириб, унга энг яхши олимларни тортишдан муроди маърифатпарвар шоҳ деб ном чиқаришгина эмас. Илм ва санъатга эътибор қилишни ҳаётнинг ўзи талаб қиларди.

Меъморлик, риёзиёт ва бошқа табиёт фанларини ўрган-

май туриб қалъалар, саройлар, масжидлар, омборлар, кўшин учун турар-жойлар қуриш мумкин эмасди, кимёни билмай ойна ишлаб чиқариш, маъданларни ишлаш, ранг тайёрлаш ҳақида ўйлаш беҳуда хаёл бўларди. Жуғрофияни ва тарихни билмай туриб, жонсарақ Хоразм савдогарларининг узоқ йўлларга сафарга чиқишлари амри маҳол эди. Деҳқончилик ва сув хўжалиги ҳам ишнинг кўзини биладиган мутахассислар талаб қиларди. Маъмун мана шу ҳаётий талабларни жуда яхши биларди. Шунинг учун у олимларни ўз атрофига тўплаб, уларга шоҳона илтифот ва муруватлар қиларди.

Ҳусайн биринчи марта мажлиси уламога келганда аҳли мажлис ёш Бухоро олимини ўз тенгқурларидек қабул қилишди. Уларнинг бари ҳам Ҳусайн ҳақида кўп нарса эшитган бўлиб, унинг сиймосида илм осмонининг янги юлдузини табриклашди.

Буларнинг аксарияти марҳум Исҳоқ ғойибона таништирган зотлар эдилар, жумладан машҳур ҳаким Абул Хайр ал-Хаммар, Абу Носир Арран ва тарихчи ибн Мискавихни йигит яхши эсларди.

3

Ҳусайн укаси билан Урганчда боғ-роғлик яхши бир уйни сотиб олишди. Ситорабону қизи Гулнора билан янги уйга кўчиб ўтишди. Йигитлар шу ҳовлида ўзларига алоҳида хоналар қуришди.

Ҳусайн янги уйнинг энг катта хонасини ўзига ишхона қилиб, токчаларга сон-саноқсиз китобларини териб қўйди. Уйнинг қолган қисми Раҳмат билан Жаъфар ихтиёрида эди.

Уй ишларини тартибга солгач, олим илмий ишларига шўнғиб кетди, чунки вазир ўз ваъдаси устидан чиқиб, уни фақиҳлар шўросига тайинлаган эди.

Бирлашган Хоразм учун тайёрланаётган қонунлар мажмуаси кўп вақт, меҳнат талаб қиларди.

Вазир янги қонун лойиҳаси тузишни топширган фақиҳларнинг деярли ҳаммаси қонуншуносларнинг эски авлодига мансуб эди. Уларнинг аксарияти мавжуд тартибларнинг заррача ўзгариши ҳақидаги гапни эшитишни ҳам истамасдилар. Улар оппоқ соқолларини силжиллатиб, сарғайиб чанг босган катта китобларни рўкач қилиб, қуръон оятлари ва шарият ақидаларига андак хилоф нарсани таклиф қилишга ботинган ҳар бир кимсани еб қўйишга тайёр эдилар. Бу иш-

нинг миридан-сиригача ошно бўлган қирпи, қилвири қонуншунослар эса эскирган қонунларга шундай муғомбирона нарсалар қўшардиларки, уларни қози ёки мансабдор ўз манфаатига қараб шарҳлаши мумкин эди.

Ҳусайн уларнинг энг кичиги эди. Унинг фикр ва мулоҳазалари ҳозирча ҳисобга олинмаса ҳам, унга ҳайиқиб қарашарди. Ҳусайн билдики, бу эскилик шайдойилари орасида ҳеч ким унинг фикрини қувватламайди.

У биринчи марта фақиҳлар мажлисига келганда бошида пайдо бўлган умид, орзуларини истехзо билан эслади. У ўшанда мукамал ва асосланган ахборот тайёрлаб, қонунга асос бўладиган нарсаларга фақиҳлар диққатини жалб этмоқчи бўлган эди. Унинг фикрича бу асослар: олий адолат, қонун олдида барчанинг бараварлиги, ҳар бир одам, ҳатто у бесавод-авом бўлса ҳам ўз ҳуқуқ доирасини, қонун олдидаги бурчларини аниқ ва равшан билишидан иборат эди. Қонун олдида барча бош эгиши керак: оддий фуқаро ҳам, улуғ мансабдор ҳам, ҳатто ҳукмдорнинг ўзи ҳам. Ёш олим ўз фикрларини асослаш учун қадимий юнон ҳуқуқшунослари Ликург ва Солондан, Шарқнинг улуғ қонуншуносларидан далиллар келтирган эди. Ўз ҳамкасбларининг диний ақидалар асири эканликларини ҳисобга олиб, ўзи олға сураётган қонун асослари қуръон ва шариатга хилоф эмаслигини исбот қилишга тиришган эди.

У ўз фикрларини қоғозга туширди-ю, лекин мажлисда ўқиб бермади. Шариат пешволаридан бир нечаси узундан-узоқ гапириб, аллақандай эски китобдан келтирилган далилда айрим сўзларнинг ўрни алмашгани учун бир-бирларини нодонликда айблашгандан кейин, кекса қози газаб устида катта бир китобни олиб ўзидан ҳам кексароқ бир уламонинг бошига туширди-да, жазаваси тутиб ўзи йиқилди. Ҳусайн унисини ҳам, бунисини ҳам ҳушига келтиришга ҳаракат қилди. Улар ўзларига келгач, мажлис ёпилиб, уламолар бир-бирларининг юзларига тупуриб тарқалишди.

— Оллоҳ таоло бадаларини баравар қилиб яратмаган, уни тузатиш бизнинг қўлимиздан келмайди,— деб бақирди мажлисда мўйсафид бир фақиҳ.

Аҳволи руҳияни ҳисобга олиб борган Ҳусайн ёзилажак қонунга худди мана шу фикр асос бўлишини дарҳол тусунди.

Ҳуқуқшунослар мажлисида ўтирганда Ҳусайннинг юрагида адолат ҳисси туғён урганди. Шариат пешволари халқ анъана ва одатларини назар-писанд қилмай, мусулмонлар-

нинг тоат-ибодат қоидаларини биринчи ўринга қўярдилар. Улар қуръон кўрсатмаларига заррача бепарволикни гуноҳи азим деб атардилар. Улар таҳорат қилмаган, намоз ўқимаган, рўза тутмаган ҳар бир кимсанинг бошини олишга тайёр эдилар. Ҳажга бормаган, закотдан бўйин товлаганлар ҳам қаттиқ гуноҳкор эди улар назарида.

Буларни кузатиб юриб, одатни шариятдан ажратиш керак, деган фикрга келиб қолган Ҳусайн бу тоифа орасида нима деб гапириши мумкин? Борди-ю, бу таклифни ўртага солгундай бўлса, уни дарҳол шариятга чанг солган шаккокка чиқариб, расвойи радди маърака қилиб, Хоразм тупрогидан ҳайдаб юборишлари мумкин. Бу ҳам тақдирнинг шаккок устидан чиқарган энг юмшоқ ҳукми бўларди.

Шунинг учун Ҳусайн бундай мажлислардан қаттиқ хафа ва дилгир бўлиб, ўз лавозимини лаънатлаб қайтарди. Бир кун қаҳру газабдан ёниб, ўзи кўрган воқеаларни укасига айтиб берди. Бироқ, қувноқ, беғам Маҳмуд бу гапларни эшитиб қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Ростдан улар бир-бирларини бўғишиб юрибдими? — кулгидан ичаги узилаёзиб сўради у.

— Ҳали ҳам боласан, Маҳмуд! Бу ерда куладиган ҳеч нарса йўқ. Менинг аламдан фарёд қилгим келяпти...

Маҳмуд акасининг авзойига разм солиб, унинг куладиган ҳолда эмаслигини пайқади-да, жиддий тус олди. У акасини жуда яхши кўрарди, ҳозир унга жудаям раҳми келди.

— Бир гап айтсам нима дейсиз? — сўради у. — Сиз вазир билан гаплашишингиз лозим. У ақлли одам, хафалигингизни дарров тушунади. Мен эртагаёқ ундан сизни ўз ҳузурига чақиришни илтимос қиламан.

Эртасига кечқурун Маҳмуд акасига вазир уни жума куни қабул қилажagini айтди, лекин нотоброқ бўлгани учун девонда эмас, ўз уйида қабул қиларкан.

Белгиланган соатда Ҳусайн вазир Абул Ҳусайн Суҳайлий ҳузурида ҳозир бўлди.

Вазирнинг уйи атрофи баланд паҳса билан ўралган ҳовлининг ўртасида эди. Дарвозадан уйгача хиёбон билан бориларди. Хиёбоннинг икки тарафига қатор қилиб экилган мева дарахтлари йўлакка қуюқ соя солиб, тангадек офтоб туширмасди. Хиёбон ички ҳовлига кираверишдаги ўймакор арк билан тугаб, олти қиррали мрамар ҳовузга кумуш сув пуркаётган фаввора, унинг атрофига турли шаклга солиб экилган ва қийғос очилган анвойи атиргуллар кўзни қувонтирарди. Товуслар думларини ёзиб, кўм-кўк майсазорда

савлат тўкиб юрар, тилло ранг тустовуқлар жонсараклик билан у ёқдан-бу ёққа чопишарди. Аммо Ҳусайни ҳаммасидан ҳам вазирнинг уйи ҳайратда қолдирди. Уйнинг олд томони кошинкор бўлиб, ранглар бир-биринга қуюлиб товланарди. Уймакорлик билан ишланган деразаларга қизил, кўк, сапсар ойналар қўйилган. Ганж билан силлиқ қилиб шувалган қатор устунлар гумбазсимон пеш айвонни қўлда кўтариб тургандай туюларди. Бутун бино араб эртақларидаги кичик бир қасрни эслатарди.

«Бундай шоҳона ҳаёт кечирган одам менинг шубҳаларимни тушунармикан?»— деб ўйлади Ҳусайн мармар зинапоядан чиқаётиб. Аммо уни уй хўжасининг оддийгина хонасига бошлаб кирганларида ўзининг шубҳаларидан иккилана бошлади. Бу ерда дабдабали ва нозик ҳаёт тарзини кўрсатувчи бирор нишон йўқ эди. Бу жиддий, корчалоп одамнинг маскани эди. Бу ерда на қимматбаҳо гилам, на кимхоб дарпарда, на чинни идишлар, на олтин-кумуш анжонлар бор. Кўзга ташланган нарса фақат териб қўйилган сон-саноксиз китоблар-у, каноп билан боғлаб қўйилган қоз ва хариталар эди.

Суҳайлий пастаккина кенг сўрида, кун иссиқ бўлишига қарамай, пар кўрпага ўралиб ётарди. Юзлари саргайиб чўзилган, кўзлари ичга тортган, қушларникига ўхшаган бурни осилиб бўзарган лаби устига тушган эди. Кўпдан бери бўялмаган соқолининг ости оппоқ оқариб, иягига тузук ёпишмагандай туюларди.

Вазирнинг кўриниши Ҳусайни таажжубга солди. Унда ҳакимларга хос синчковлик ҳисси уйғониб, бу ерга келишининг сабабини ҳам унутди.

— Сиз нотобмисиз, муҳтарам Абул Ҳусайн?— сўради у одатдаги салом-алиқдан сўнг.

Суҳайлий ижирганиб қўйди. Ўз касали ҳақида гапиравериш унинг жонига текканди. Бироқ меҳмон яқингача Бухоро амирининг сарой ҳакими эканини эслаб, паст овоз билан буйракдаги тошдан қаттиқ азоб чекаётганини сўзлаб берди.

— Бизнинг улуғ ал-Ҳаммар тош кесиш ва тош майдалашдан ўзга чорани кўрмайди. Буларнинг иккиси оғир азобдан иборат, менинг ёшимда бунга бардош бериш қийин. Касал кун сайин кучайиб борса ҳам, жарроҳ пичоғи остида ётишдан кўра шунинг ўзига чидаш яхшироқ. Бугун азондан бери фарёд қилиб чиқдим, эҳтимол жарроҳлик қилмай, мени бу касалдан халос этадиган бирор хил дори ёки малҳамни биларсан?

— Агар вазир жаноблари ўзларини бир кўриб чиқишга рухсат берганларида бир нарса деган бўлардим.

Беморни синчиклаб текширган Ҳусайн ал-Хаммарнинг тахмини у қадар тўғри эмаслигини пайқади. Тош ажралган бўлса-да, жуда оз ва майда эди, касалнинг пайдо бўлишига буйракда тўпланган қум сабаб бўлган.

— Хўш, қалай?— сабрсизлик билан сўради вазир савол-жавоб тугаган ҳамон.— Сенинг қўлингда шифо топармиканман?

— Сизни тез фурсатда бу оғриқдан, аҳтимол, касалнинг ўзидан ҳам халос этиш менга насиб бўлар деб ўйлайман, жаноб вазир.

— Жарроҳлик қилмасдан-а?

— Ҳа, жарроҳлик қилмай тузатарман деб ўйлайман. Энди менга айтинг-чи, кун давомида қанча пиёда юрасиз?

— Менинг ишим шу қадар кўпки, пиёда юришга сира фурсатим йўқ. Ҳатто саройга — ҳукмдоримиз ҳузурига ҳам отлик бораман.

— Агар саломатликни хоҳласангиз бу одатни тарк этишга тўғри келади. Кейин мен билмоқчи эдим: қаердан яхши қимиз топса бўлади?

— Менинг йилқибонларим туркманлар, улар асосан бия сути билан кун кўришади.

— Дарҳол ўшаларга киши юборинг, улар сизга ҳар кун эрталаб бир мешдан яхши қимиз юбориб туришсин.

— Сен мени қимиз билан даволамоқчимисан?— ҳафсаласи пир бўлиб сўради вазир.— Мен бўлсам, сенда Хитойдан келтирилган шифобахш томирлар бор деб ўйлабман. Шу томирни жуда яхши дори деб айтишган эди, мен шу дори учун Хитойга одам юбормоқчи бўлиб турувдим. Наҳотки қимиздай оддий нарса шифо берса?

— Менимча қимиз сиз учун энг яхши дори бўлади,— жавоб берди Ҳусайн.— Оддий нарсаларнинг шифобахшлиги кўпинча хотиримизга ҳам келмайди. Бунга тезда ўзингиз ҳам ишониб қоласиз.

Хизматкор от чоптириб бориб, икки соат деганда, бир меш қимиз олиб келди. Ҳусайн дарров уни қайнатилган сувга қўшиб, беморга бир коса ичкизди. Шундан сўнг хизматкорларга, вазирни кийинтириб боққа олиб чиқинглар, деб буюрди.

Вазир дастлаб оғриқнинг зўридан инқиллаб, зўрга юрди. У дам ўтмай ўтириш учун гиламча ва ёстиқ сўради. Аммо Ҳусайн, ҳали юриш керак, деб туриб олди. Суҳайлий

бир қадам босишга ҳам мажоли қолмаганини айтгандан сўнг ҳақим уни тўхтатиб, бир пиёла қимиз ичирди-да, яна олға бошлади. Хизматкорлар дарров вазирнинг жонига тегди. У «Илон қаригач, қурбақа унга миниб олади» деган эски мақолни такрорлаб, уларни ҳайдаб юборди. Шундан сўнг Ҳусайн уни қўлтиқлаб юрди. Вазирнинг бутун вужудидан тер оқиб кетди. У катта шойи рўмол билан юзларини артиб борарди. Баъзан Ҳусайн тўхтар, хизматкорлар яна қимиз келтириб берардилар.

Улар шу тариқа бир фарсахча йўл юрганларидан сўнг Ҳусайн вазирни оила ҳаммомчисига топширди. Бемор кеч-қурун яна боғда айланиши ва бир кўзача қимиз ичиши лозим эди.

Эртасига вазир ўзини анча тетик ҳис этди.

— Қимиз ва ҳаммомнинг билан бутун вужудимни ювиб чиқдинг,— кулимсираб гапирди Суҳайлий.— Ичу тошим топпа-тоза бўлгандай назаримда.

Вазирнинг доим одамовидек кўринган юзи ҳозир Ҳусайнга оддий ва хушфёъл туюлди.

— Айт-чи, азизим,— давом этди у,— сен қум деб атаган бу нарса қандай қилиб менинг буйрагимга тушиб қолди?

— Бу одам баданида мудом ўтириш ва нотўғри овқатланиш натижасида пайдо бўлади. Агар кунига кам деганда икки соатдан пиёда юрмасангиз касаллик қайтарилиши мумкин, у ҳолда қимиз ҳам фойда қилмайди.

Бир ҳафта давомида Ҳусайн ҳар куни эрталаб вазирнинг олдига келиб, унга қимиз ичирди, бир неча соатлаб юришга мажбур этди.

Вазирнинг юзларига қон югуриб, оғриқ эсидан ҳам чиқиб кетди. Бир оз юриб қимиз ичгандан сўнг у қаттиқ ухлайдиган бўлиб қолди. Бу орада у бир-икки дафъа саройга ҳам бориб келди. Хайриятки, ҳукмдор бошқа яқинларига илтифот қилиб қўймабди, мана шу ташвиш уни анча безовта қилиб юрарди.

Ниҳоят у ўзини тамом соғайган ҳис этди.

— Агар зарурат туғилса дарҳол сенга одам юбораман,— деди у Ҳусайнга эркалаган оҳангда,— ҳозирча айт-чи, ўғлим, мени бундай муваффақият билан даволаганинг учун қандай мукофот талаб қиласан?

Еш олим ажиб бир виқор ва назокат билан жавоб бериб, даволашга киришганда ҳеч қандай мукофот ҳақида ўйламаганини, ҳар бир беморга — у шоҳми, гадоми ёрдам бериш ҳақимнинг бурчи эканини таъкидлади. Агар вазир қонун

лойиҳаси тузиш ниятида тўпланган фақиҳлар йиғилишида нималар бўлаётгани тўғрисида унинг фикр ва мулоҳазаларини эшитса, шунинг ўзиёқ унга катта мукофот эканини айтди, вазирнинг маъқуллаб бош қимирлатганидан руҳланиб, юрагидаги дардини батафсил гапириб берди.

Вазир унинг сўзини бўлмай, диққат билан тинглади.

— Қани, ўзинг нимани таклиф қиласан? — деб сўради у бир оз жимликдан сўнг.

— Агар фикрларимни баён этишга рухсат этилган бўлса, улар қуйидагича: қонун ҳаммадан олдин адолат асосига қурилиши керак, уни мумтоз шахслар манфаатига эмас, бутун халқ манфаатига йўллаш зарур. Давлатнинг тақдири фуқаронинг қандай яшашига боғлиқ. Агар у кулфат тортса, оч қолса, солиқлар билан хонавайрон қилинса, адолат излаб тополмаса, ҳамма жойда бедодликка учраб, ўзини ҳимоясиз ҳис этса, давлат таназулга юз тутади, бориб-бориб қандайдир ажнабий жаҳонгирга ем бўлади. Халқнинг маъмуриги, фароғати ҳар қандай усули идоранинг биринчи ва асосий мақсади бўлмоғи лозим.

Хусайннинг илҳоми ошган сари нутқи қатъийлашиб, ёшлик ғайрати жўш ура бошлади. Сухайлий тобора унга эътибор билан қарар, мужмал қилиб бош қимирлатарди.

— Йиғилишда фақиҳлар фақат давлат манфаати тўғрисида гапиришади-ю, аммо бутунлай бошқа нарса ҳақида ўйлашади. Уларнинг бирортаси ҳам аввал халқнинг ғамини ейиш кераклигини хаёлига ҳам келтирмайди, унинг орзумидларини ҳеч бириси эътиборга олмайди. Оллоҳнинг олдида ҳаммамиз баравармиз, улар эса, оллоҳ бизни баравар яратмаган ва абадий шундай қолиши керак, деб ўйлайдилар! Бу бутунлай нотўғри, албатта! Тарихнинг сабоғи ҳам шу — деҳқон озод бўлиши, заминдорлар асоратидан қутулиши керак!

— Сен қарматиймисан? — тўсатдан унинг сўзини бўлди вазир.

— Йўқ, мен қарматий эмасман, лекин отамиз имом Исмоилни жуда ҳурмат қиларди, — секин жавоб берди Хусайн, — укам билан мени ҳам бу исмни ҳурмат қилишга ўргатган.

— Сенинг сўзларинг устида ўйлаб кўраман, — деди вазир мулоҳимлик билан. — Менимча бунда ҳақиқат зарралари бор. Аммо фақиҳлар орасида адолатнинг обрўси йўқ, бинобарин, уларни бирор нарсага кўндира олишингга умид қилмайман. Энди муолажа учун ташаккур маъносида мендан мана бунга қабул эт.

Вазир қўлидаги қимматбаҳо узукни чиқариб ёш олимга узатди.

Хусайн Суҳайлийга таъзим қилиб, унинг ҳузуридан ни-маданлиги аниқ бўлмаса ҳам, руҳланиб чиқиб кетди.

Бир неча кундан сўнг Хусайнни яна вазир ҳузурига ча-қиришди, лекин бу гал уйига эмас, девонга бориши керак эди.

Суҳайлий уни меҳрибонлик билан қабул қилди. У илгаригидек қомати кўтарилган, салобатли эди. Янги бўялган соқолининг заррин толалари кумуш ип билан гул тикилган кўк чопонига тушиб, унинг салобатини яна ҳам ошириб юборган эди. Қовоқлари осилган бўлиб, гўё нигоҳини суҳ-батдошининг назаридан яширгандай туюларди.

— Мен сиҳат-саломатман,— жавоб берди у одоб билан ҳол сўраган Хусайнга,— энди пойтахтимизда ҳақим деган улуғ номга муносиб одам борлигидан беҳад хурсандман. Аммо ҳозир сизнинг ҳақимлик хизматингизга эмас, бошқа бир хизматингизга аҳтиёж сезмоқдамиз. Икки йил муқад-дам вафот этган кекса бир олимнинг катта қўлёмасини ол-дик. Унда давлатимиз тарихи қадимги замонлардан бошлаб жуда батафсил ва тўғри баён этилган дейишади. Эҳтимол бу асарни бошқалардан кўра сиз яхшироқ баҳолай оларсиз. Агар у қороз бўяшни яхши кўрган чолнинг қуруқ лақма-лигидан иборат бўлса, бу қорозларни ташлаб юбориш мум-кин. Борди-ю, унда чиндан ҳам қимматли фикрлар бўлса, дарров котибларга буюриб нусхаларини кўпайтирамиз, токи ёшларимиз мамлакатнинг ўтмишидан огоҳ бўлсинлар. Хизматкорлар марҳумнинг қўлёмасини сизга келтириб беришади. Уни шошилмай, эътибор билан ўқиб чиқинг! Хизматингиз учун сизга илгаритдан, шу бугуннинг ўзида-ёқ ҳақ тўланади, бу иш билан шуғулланган вақтда ҳеч нар-сага аҳтиёж сезмаслигингизни истардим... Бундан ташқари, бу даврда сизни фақиҳлар мажлисига қатнашишдан озод қиламиз. От билан туяни бир аравага қўшиб бўлмаслигини яхши биламан. Келгуси ҳақида яна ўйлаб кўрамиз.

Вазир қабул тугади деб ишора қилди.

Хусайн унинг ҳузуридан аллақандай қоришиқ ҳислар таъсирида чиқиб кетди. Суҳайлий, вақтинча бўлса ҳам, уни кўнгилсиз, мақсадсиз ишдан озод этиб зўр илтифот қилди, албатта. Иккинчи жиҳатдан, аслини олганда, у қонун тузиш ишларидан четлатилдики, бу эски фақиҳларнинг ғалабаси эди. Бу воқеалардан Хусайн қуйидаги хулосага келди: ва-зир унинг қонун ҳақидаги мулоҳазаларини бемаҳал ҳаракат

деб билган, чунки фақиҳлар шўросида унга жуда озчилик тарафдор бўлиб, кўпчиликнинг жиддий қаршилигига дучор бўлиши муқаррар, унинг таклифларини Хоразм қонунларига қисман киритиш ҳам, орқангда ҳеч қандай таянч бўлмай, мусулмон оламининг ҳамма қора кучларини ўзингга қарши оёққа тургизиш демакдир.

Жуда кекса, жуда эҳтиёткор вазир бундай таваккалга бормасди, албатта.

Шунинг билан бирга у Ҳусайннинг эркин фикрларига эътироз ҳам этмади, унинг аҳволини ёмонлаштириб ҳам қўймади, аксинча: ёш олим қонунлар устида бош қотирганда ҳеч қачон қўлёзмани кўриб чиқиши учун ваъда қилинган миқдорда пул ишлолмасди.

«Хайр майли, кўрайлик-чи, охири нима бўларкин,— ўйлади Ҳусайн.— Менинг севикли табобатим ўзим билан, бу ўринда мен нодон табибларнинг кўҳна анъаналарига риоя қилмай, ўз нуқтаи назаримни ўтказишим мумкин. Бу соҳада ёшларга виждоним амри билан таълим бера оламан. Янги қарашлар асосида тарбияланган ёшлар эртами-кечми ўлимга маҳкум эскиликка қарши исён кўтариб, мен қилолмаган ишларни қилишади...»

Ҳусайннинг илтимоси билан мирзалардан бири қўлёзмани кўриш учун уни идорага бошлаб кирди. Ҳусайн тоқчада тартибсиз ётган бир қучоқ қалин Самарқанд қоғозини кўрди. Қунт билан ёзилган майда дастхат унга танишдай туюлди. Аммо муаллифнинг номи кўрсатилиши лозим бўлган биринчи ва охириги саҳифаларни топиш учун сарғайган варақларни анча титкилаш керак эди.

— Буни олиб кетаман деб овора бўлманг,— деди мирза,— эртага қўлёзмани уйингизга элтиб беришади. Ҳозир хазиначининг олдига боришимиз зарур.

Шу он хазиначининг ўзи уларнинг истиқболига чиқди. Унинг қўлида кичик, лекин оғир тугунча бор эди. Вазир бирор нарса ҳақида фармон берса кўз очиб юмгунча бажо келтириларди.

Ҳусайн уйда тугунчани очиб қараса, ичидан бир тери халтада олтин чиқди. Вазир ўз ҳақимига сипоҳона ҳақ тўлаган эди.

Эртасига эрталаб Ҳусайнга вазирнинг девонидан қўлёзмани келтириб беришди. У қўлёзмани гиламга ёзиб, саҳи-

фаларини тартибга солмоқчи бўлиб турганда Раҳмат кириб келди.

— Анови иблис башара одам яна келди,— деди у.

Раҳмат Ҳусайнга, уни қандайдир ғалати бир одам кўрмоқчи бўлиб юрганини, аммо ҳар сафар ёш олим йўқ вақтида келиб кетаётганини бир неча бор айтган эди.

— Бўпти, чақир! Эҳтимол касалдир ёки бирор касал юборгандир.

— У касалдан кўра ўғрига ўхшайди,— гудурлади Раҳмат, шундай бўлса ҳам Ҳусайн билан гаплашмоқчи бўлган одамни бошлаб кирди.

Бу одамнинг қайси қабилага мансублигини аниқлаш қийин эди. Қуш бурун, қора юзли, ўғри кўзли, қоракўлдай жингалак соқолли бу одамни Африка томондан дейиш мумкин. Унинг узун, озғин гавдасини ўша давр пойтахт олифталарининг севикли либоси — оловдай қип-қизил ятак ўраб турарди. Аммо ятак шу қадар жулдуз ва калта эдики, лоқал остидаги тўннинг йиртиқ-ямоқларини ҳам бекитолмасди.

У уйга кириб салом берган ҳамон гўё бировнинг эшитиб қолишидан қўрққандек шивирлаб гап бошлади:

— Мен мисрликман. Гермес Трисмегист ибодатхонасининг қоҳинларидан таълим олганман, жуда кўп олий илмларни биламан, илми нужум, илми найранг (каббала) ва жодугарлик сирлари менга беш қўлдай аён,— деб шивирлади нотаниш чақнаган кўзларини ўйнатиб.

Унинг сўзлари Ҳусайнни у қадар таажжублантирмади. У Бухоро ва Урганчада ўзларини жодугар атаб, авом халқни алдаб юрган одамлар борлигидан воқиф эди. Одамларни авраш учун бир неча сўзни фасоҳат билан гапира олган, ёнида андак тарёғи бўлган ҳар бир фирибгар афсункорман деб даъво қилиши мумкин эди. Зоҳирий кўриниши ва қарашлари кишини ҳайратга соладиган бунга ўхшаган одамларга эса худо берганди.

Ҳусайн уни гиламчага ўтиришга таклиф қилди.

— Мени фирибгар, қаллоб деб ўйламанг,— деди у шовилиб гиламга ўтираркан.— Мен айтаётган гаплар тамом ҳақиқат, мен буни шу ерда исбот қилишим мумкин. Аммо мен бошқа иш билан келганман. Ҳозир бутун фикрим кимёгарликда. Мен сизнинг улуғ олимлигингизни биламан, бинобарин, ёрдамингизга умидворман.

Ҳусайн, нотаниш одам пул сўраб келган-ку, деб ўйлади-да, Раҳматдан ҳамённи олиб бер, дейишга тараддудлан-

ди. Бироқ нотаниш ҳозирча пул сўрамай, ҳамон боягидай, сирли товушда шивирлаб, ўз хусусида гапирарди.

— Кечирасиз, жаноб, сизнинг исми шарифингиз нима?— сўради Ҳусайн унинг сўзини бўлиб.

— Ахвар Жимда ўғли, ҳали мен сизга айтмаганмидим?— таажжубланди меҳмон.— Мен оддий маъданларни олтинга айлантириш йўлини топган машҳур Миср олими Жимданинг ўғли бўламан!

Ҳусайннинг машҳур Жимда билан танишлиги унинг ўғли билан ошнализидан зиёд эмасди. Лекин Ахвар бундай фикрни ёнига ҳам йўлатмас эди.

Атрофга эҳтиёткорона назар солиб, уйда иккалаларидан бошқа ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил этгач, у Ҳусайннинг олдига бир ҳовуч сариқ маъдан қуюлмаларини тўкиб ташладики, улар ростдан ҳам олтинга ўхшарди.

— Мана!— деди кимёгар таманно билан уларни кўрсатиб.— Кўряпсизми, мен қайси йўлдаман? Биладан, сиз ҳам менга ўхшаш қашшоқ олимсиз. Шунинг учун ҳам мен худди сизнинг ҳузурингизга келдим. Отам қолдирган китобнинг сўнгги саҳифалари йиртилган, аммо мен йўқолган саҳифаларни тиклаш учун юзлаб тажрибалар ўтказдим, оқибат нималарга эришганимни ўзингиз кўриб турибсиз! Мен қилмаган охириги бир тажриба қолди, тагин бир ўзгаришни қилиб кўришим лозим. Менга кўмаклашинг, сизга бутун сирни очиб бераман. Мен билан бирга боринг, ўз устахонамни кўрсатай, қандай илгарилаб кетганимни ўз кўзингиз билан кўринг.

Ахвар, гўё Ҳусайн унинг сўзларига қойил қолиб, орқасидан эргашишига заррача шубҳа қилмагандай, сакраб ўрнидан турди. Оловсимон яктагига ўралганча эшик олдига бориб, тоқатсизлик билан хўжайинни кута бошлади.

Бошқа табиёт фанлари сингари кимё ҳам кўпдан бери Ҳусайнни қизиқтириб келарди. Ҳусайн Бухорода экан чоғида дори тайёрлаш мақсадида кичик маъмал¹ ташкил этиб, унда ал-куҳл (спирт), оқтош, чақмоқтош, нушодир (нашатири), натрун (сода), мисдан тўтиё, темирдан қоразон олиб, уларнинг таъсирини яра-чақаларда синаб кўрганди. Сомонийлар кутубхонасида машҳур кимёгарларнинг, жумладан, Абу Мусо Жаъфар ас-Сўфининг асарларини ўқиб, дастлаб уларга рағбат билан киришди. Кимёгарлар ўз назарияларини қадимги олимларнинг тўрт унсур таълимоти асосига

¹ Маъмал—амалиёт ўтказиладиган жой; лаборатория.

қурганлар, булар: ўт, сув, ер ва ҳаво бўлиб, бунга яна таркибида маъданлар ҳиссасини акс эттирган — симоб; материянинг олов таъсирида ўзгаришини кўрсатувчи олтингургурт; ўзида бузилмаслик хоссасини акс эттирган — туз ҳақидаги тушунчани ҳам қўшиб олганлар.

Гераклитнинг¹ фикрича, моддаларни ташкил этган асосий унсурлар бир-бирига айланиш қобилиятига эга. Шунинг учун кимёгарлар бутун кучларини сеҳрли тош топишга ва унинг ёрдами билан, унсурларнинг ўзгарувчанлигидан фойдаланиб, оддий маъданларни нодир маъданга айлантиришга қаратганлар.

Гераклит, Арасту, ас-Сўфи ва Содиқнинг асарларидан Ҳусайн ҳар хил моддаларнинг илгари номаълум хислатларини ўрганиб, кимёвий тажриба усулларини ўзлаштириб олди, аммо ҳанузгача бирор кимёгар мис ёки симобни олтинга айлантира олмаганига ишончи ортди. Тасодифан кимё соҳасида кўп ишлаган, бу борада улуғ кашфиёт арафасида турган одамга йўлиқиб қолди. Ёш олимнинг синчковлиги қўзғалиб, унинг тажрибасини бориб кўришга рози бўлди.

Мисрлик Ҳусайнни шаҳарнинг шарқий чеккасига бошлаб борди. У ергача шундай тор, пастқам йўллар билан боришдики, бундай жойлар борлиги ёш олимнинг тушига ҳам кирмаган эди. Бу маҳалла Урганчга сираям ўхшамасди. Паҳса ёки гувалақдан қурилган уйларнинг деразаси ҳовлига эмас, кўчага қараган эди. Кичик дўконлар ва устахоналардаги буюмлар кўриниши билан Хоразм молларидан яққол ажралиб турарди. Маҳалла аҳолиси ҳам тубжой хоразмликларга ўхшамасди. Ҳусайннинг кўз олдидан гоҳ славянлардек оқ, гоҳ ҳабашдек қора, гоҳ хитойлардек ясси қисик кўзли одамлар ўтиб борарди. «Бу озод этилган қуллар ва ажнабийлар маҳалласи бўлса керак», фаҳмлади у ва зўр эътибор билан ўткинчиларни кузата бошлади.

Ахвар атрофи ўралган қуп-қуруқ қўрғондаги кичик бир уйда яшарди. Хўжайин уч марта тақиллатгандан сўнг эшик очилиб, Ҳусайн иккиси ичкари киришди.

Эшикни очган қоп-қора, пак-пакана одам мисрликдан кўра ҳиндистонликка ўхшаб кетарди. У Ҳусайнга бир разм солиб қаради-да, дарров ўчоқ бошига қараб кетди, у ниманидир қайнатмоқда эди.

¹ Гераклит — бизнинг эрамыздан 500 йил муқаддам яшаган юнон файласуфи.

Хусайн кирган катта ним қоронғи хона кимёгарнинг ҳам ишхонаси, ҳам ётоғи эди. Ёниб турган кўранинг яллиғи девор ва шифтга уриб турарди. Хонада тутун ва аллақандай ачитғич ҳид бурқсирди. Мисрлик яктагини ечиб, тезобдан куйган, қоракуя теккан кир, жулдур чопонида қолди. У латта-путталарни тимискилаб, орасидан бир парча эски кигизни тортиб олди-да, уни ерга ташлаб, имо билан Хусайнни ўтиришга таклиф қилди. Бир лаҳза ўтар-ўтмай, шошилганча кўра олдига келиб, гўё Хусайннинг борлигини унутгандай, пакана одамга қараб ўшқира кетди. У бўлса, ҳеч қандай эътироз этмай, пасайган алангага кўпроқ дам боса бошлади. Кимёгар бир оз тинчлангандан сўнг эскириб сарғайган бир бойлам қоғозни эҳтиётлик билан қўлига олиб, Хусайннинг ёнгинасига, ерга ўтирди.

— Отам, улуғ Жимданинг менга қолдирган мероси мана шу! Қоғозда олтин тайёрлашнинг сирлари баён этилган. У фақат фозил одамларгина тушунадиган махфий тилда ёзилган. Сиз буни тушунмайсиз, аммо мен сизга унинг мағзини чақиб бераман.

Шундан сўнг мисрлик ўз эътиқодига сабаб бўлган далилларнинг баёнига киришди:

— Биласизми, Мисрдаги Гермес ибодатхонасининг махфий ҳужраларида жуда қадим замонлардан буён тош лавҳалар сақланиб келади, уларга қадим замон донишмандлари олтин тайёрлашнинг сирларини ёзиб кетганлар. Бу нотаниш хатларни ўқиб ўрганиш учун қоҳинлар минг йиллар давомида уриниб келдилар, аммо ҳеч нарса қилолмадилар. Кейинча, Мисрни араблар забт этгандан сўнг, махфий ҳужранинг қаердалигини, унинг сирларини билган ягона бош қоҳин бу сирни бировга айтишга улгурмай ўлдирилган эди. Агар бу тош лавҳаларни тасодифий равишда менинг отам топиб ўқимаганда,— қиблагоҳимиз дунёнинг энг қадимий тилларини биларди,— улар ҳануз ёруғ дунёни кўрмай ётардилар. Отам илгари ҳам кимё билан шуғулланган, аммо тошларда ўқиганидан фойдаланиб шундай олтин ясашга эришганки, ҳеч ким уни ҳақиқий тиллодан фарқ қилолмаган. Бахтга қарши отамни жинлар билан алоқада айблаб зиндонга солишди. У шу ерда ўлдирилди, аммо ўлим олдидан олтин тайёрлаш сирлари ёзилган мана бу қоғозни менга бериб юборишга муваффақ бўлган.

Ахвар бир оз жим қолди, сўнгра яна дадил гапирга кетди:

— Мана у: «Ўн ҳисса мис, бир ҳисса олтингугурт, ярим

ҳиссадан симоб ва борудни¹ аралаштириб қозонга сол ва тўққиз кун эрит, эритиш жараёнида ҳар тўққиз соатда бир марта кавлаб тур... кейин...» Отамнинг хати мана шу муҳим жойида узилиб қолади,— деди Ахвар.— Ундан сўнг мана булар айтилган: «...бир томчи ал-иксирни² очилиб турган гулнинг барги ва танаси билан... Сенга қолдирадиган хазинам мана шу ал-иксир билан ғамлар, болам. Шиша эски боғимиздаги катта анжир тагига кўмилган, ўша ердан топиб оласан...»

Кимёгар оғир оқ тортиб, сўнг яна давом этди:

— Отам билан турмада ўтирган авом деҳқон унинг мактубини менга етказиб беришни бўйнига олган-ку, аммо ундаги ҳар бир сўзнинг қандай аҳамияти борлигини ўйламай бир чекасини йиртиб юборган. Йиртилган жойи бўлмагани сабабли мен қачон, қанча ал-иксир қўшишни билолмадим. Йўқолган сўзларни тиклаш учун жуда кўп тажрибалар ўтказдим. Энди менинг тақдиримни ҳал этувчи охири тажриба қолди...

Ахвар секин гапирган бўлса ҳам, узоқ нутқ уни чарчатиб қўйди, шунинг учун охириги сўзларни нафаси қисилиб аранг тугатди. Кўкрагидан отилиб чиққан хирқироқ овоз оғир ўпка касалидан дарак берарди.

Бу нимжон ва касал одамдаги ишонч ва эътиқоднинг бунчалар мустаҳкамлигига Ҳусайн ҳайрон қолди. Олтип тайёрлаш имкониятига ишонмаса ҳам, бу касал тентакнинг бундай қизғин рағбати ўзига ҳам бир даража таъсир этганини пайқади.

— Хўш, менга ёрдам қиласизми?— ҳоли-жонига қўймай сўрарди Ахвар.

Ҳусайн маъқул ишоратида ихтиёрсиз бош қимирлатиб қўйди.

— Мен эритмаларни бир томчидан тўқсон саккиз томчигача тажрибадан ўтказиб билдимки, менга зарур миқдор тўқсон тўққизинчи томчи экан. Тажрибаларимнинг аксарияти ажойиб натижалар берди. Мен олиб борган қуюлма ни ўзингиз кўрдингиз. Уларнинг энг яхшилари тўққизинчи томчидан пайдо бўлди. Агар биз бу узил-кесил тажрибани қилиб кўрсак, эҳтимол, тилсимотнинг тагига етармиз. Қалай, энди менга ишонасизми?

Ҳусайн кун бўйи кимёгарлар орасида бўлди. Ахвар ўз тажрибалари хусусида гапириб, қандайдир эритмани кўр-

¹ Б о р у д—селитра.

² А л - и к с и р—эликсир.

сатди, у олтинни эслатганидек, ортиқча эритиш натижасида куйган маъданга ҳам ўхшаб кетарди. Нима учундир Ахварнинг умиди кўпроқ шуларда эди. «Агар уларни ўз вақтида ўтдан олинганда, эҳтимол олтин бўларди». Ҳамиша у ўзи гапирди. Устод деб аталган иккинчи одам эса миқ этмай, қорайиб кетган қозон ва қозончаларини кавлаш билан овора эди. Кун бўйи кимёгарлардан бирортаси овқат ҳақида оғиз очмади, афтидан булар қозонни сувга ташлагандай эдилар.

Ахвар тажриба учун кимёвий моддалар етмаслигидан шикоят қилиб гапиргандан сўнг, Ҳусайн ҳамёнидаги бор пулини чиқариб унга берди-да, бир қисмига овқат олинглар, деб тайинлади.

Ахвар қизил яктагини елкасига ташлаб, шамолдек учиб чиқиб кетди. Ҳусайн, Устод хомуш ишлаб ўтирган ўчоқ бошига келди.

У тўсатдан гапга киришиб кетди:

— Ахвар—ҳақиқий олим, унинг отаси ҳам зўр олим эди, фақат у олтин топаман деб беҳудага овора бўлиб юрибди... Агар Ахвар фақат олтин ҳақида ўйламаганда, қанчадан-қанча фойдали нарсалар қилган бўларди. Илгари биз у билан хушбўй ёғлар, шиша тугмалар, атриётлар ва упа-элик ишлаб бир яхши яшардик, олтин ҳам чўнтагимиздан канда бўлмасди. Энди бўлса, олтин қидириб чақадан қуруқ қолдик. Ахварга ёрдам берганингиз учун сизга кўп раҳмат, жаноб. Мен уни, диққатчиликдан ўлиб қолади, деб қўрқардим. У ўз тажрибасини бошлайдиган вақт келяпти, бизда эса, на пул бор, на керакли буюм. Айтинг-чи, жаноб, сизга ранг керак эмасми?—кутилмаганда у гапни бошқа ёққа бурди.

Ҳусайн қошларини кўтарди.

Устод эшикка қараб қўйди.

— Ишқилиб, Ахварга айта кўрманг. Унинг бошида фақат олтин. Мен бўлсам яна баъзи ишлар билан шуғулланаман...

Устод аллақайси бурчакдан чиройли ёрқин рангларга бўялган лахтакларни олиб қўйди. Ҳусайн уларнинг орасида худди Ахварнинг яктагидан кесиб олингандай қип-қизил бир лахтакни кўриб қолди.

— Мана бу намуналарга қаранг. Эҳтимол ўзингизга керак бўлар ёхуд бирор кимсага шу хусусда хабар қиларсиз. Биз бу ерда бегона одамлармиз, кимнинг олдига боришни ҳам билмаймиз... Мен Қиётда нотаниш бир савдо-



гарга таклиф қилсам, у бизнинг устимиздан чақимчилик қилибди, бизни мажусийлар деб шаҳардан чиқариб юборишди...

Хусайн турли-туман бўлиб товланиб турган намуналарга ҳавас билан боқди.

Устод қизил лахтакни кўрсатиб, соддадиллик билан уқтира кетди:

— Бу рангни бир қўнғиздан олдим. Мана бу оч мош ранг ҳам шундан қилинган, қизилни бу рангга айлантириш учун ҳашоратни олдин намлаб, сўнгра қуёшда қуритиш лозим, агар ўтда қуритилса тўқ мош рангга айланади.

— Яшил ранг-чи?

— Яшил ранг мисдан чиқади. Аммо у тайёрлангунча заҳарланиб қолмаслик учун кўп эҳтиёт бўлиш даркор. Ранг тайёрлаш усулини мен батамом ёзиб қўйганман,— деди Устод.— Арабча ёзганман, сиз уни ўқий оласиз,— деб намуна лахтаклар билан бир дафтарни Хусайннинг қўйнига солиб қўйди.

Ахварнинг пайдо бўлиши билан суҳбат узилиб қолди. Мисрликнинг юзлари илгаригидан ҳам тўлқинланган кўринарди.

— Мен ҳозир ҳамма нарсани қозонга соламан,— деди у у ёқдан-бу ёққа зир югуриб.— Энди менда тажриба учун ҳамма нарса муҳайё! Тўққиз кундан сўнг биз қозондан биринчи олтин қайроқ чиқариб олишимиз мумкин! Устод, катта кўрага ўт ёқиб, дам босиб юборинг!

Хусайн уйига қайтганда ўзи ҳам Ахварнинг изланишлари таъсирига тушиб қолганини пайқади.

5

Эртасига саройда йиғилиш ўтказилди. Унда шоирлар газал, қасидаларини ўқиб, хоразмшоҳ ва яқинларини хурсанд қилишди. Шеърлар вазнларнинг енгиллиги, радиф ва қофияларнинг тўла ва мумтозлиги билан ҳамманинг диққатини тортарди. Аҳли мажлис ўйноқи шеър садоларидан кайф қилиб, шоирларни олқишлардилар. Аммо шеърларнинг аксариятида шаклга зеб берилган бўлса ҳам мазмун саёз, фикр теран эмасди. Мажлис охирида кимдир Рўдакийдан ўқишни таклиф этди. Рўдакийдан сўнг улуғ Фирдавсийни эслаб қолишди. Хусайн «Ақл мақтовиди бир неча сўз» деган ўзи севган парчани ўқиб берди:

Ақлу идрок сенга бўлса раҳнамо,
Жаҳлга бермас ўрин дил мутлақо.
Тинлга донишларни, ўзга танла йўл,
Кез жаҳону кўп билан суҳбатда бўл!
Кимки бўлсанг қилмагил меҳнатни бас,
Тинмагил илм олмоғингдан бир нафас.

Ҳақиқий шеърятдан шавққа тўлган меҳмонлар жимиб қолишди. Сарой шоирлари яна бир-бирига гал бермай ўзларининг маддоҳликдан иборат ғазал ва қасидаларини ўқий бергач, Ҳусайннинг шеър ўқишдан ҳафсаласи пир бўлди. Ҳолбуки ўқишга арзигулик рубойлари озмунча эмасди. У буларни юрагида сақларди, рубойлар унинг чуқур фикрлари маҳсули, юрагининг бир парчаси эди, шунинг учун бу ҳиссиз қофиябофлар, бу ялтироқ сўз шайдойилари олдида ўз юрагини очиб ташлашни истамади. Аммо бу маъракада шеър ўқимаслик учун сабаб кўрсатиш лозим эди. У дафтарни уйда унутиб қолдиргани, ёддан бирор мисра ҳам ўқиёлмаслигини ваз қилиб кўрсатди. Мажлисдан чиқиб кетаркан, ҳар бир қофиябоф шоир эмас, шеърга тоза ҳислар ва теран фикрларни сингдира олган кишигина ҳақиқий шоир бўла олади, деган ишончи яна ҳам зўрайган эди.

Уйда ҳамма ухлаган эди. Ҳусайннинг ётоғини ёлғиз шам аранг ёритиб турарди. Хонтахтада Раҳмат келтириб қўйган давот, қалам ва қоғозлар, унинг устида хиёл сўла бошлаган гуллар турарди.

«Қандай ёқимтой бу Жаъфар», — деб ўйлади у ва қоғоз устига энгашди. Унга бола хати билан: «Бизнинг Ҳусайн учун биринчи очилган гуллар» деб ёзиб қўйилган эди.

Ёш олим атиргулни чаккасига тақиб олди. Гулнинг совуқ япроқлари қизиб турган юзига, ҳиди эса димоғига ҳаловат бағишлади.

Ҳусайн яна уч шамни ёндириб, уларни хонтахтага қатор қилиб қўйди-да, бошқа нарсаларни йиғиштириб, бу кеча вазир юборган қўлёзмани текшириб кўришга қарор қилди.

«Бу иш мендан қанча вақт оларкан?» — беихтиёр ўйлади у.

У саҳифаларнинг бирида «Азиз шогирдимга» деган сўзларни ўқиб, вақт ҳақидаги андишасини унутиб юборди. Устознинг ғоят катта иш устида ҳам шогирдини унутмаганлиги ёш олимга қаттиқ таъсир этди.

Аммо тартибсиз варақларни жой-жойига қўйиб, бағиш-

лов ёзилган биринчи саҳифани топганда, ҳайратдан лол бўлиб қолди. У тамом унутиб юборган кекса устоз Абу Абдуллоҳ Нотили ўзининг «Хоразм тарихи» номли асарини унга, Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синога бағишлаган эди.

«Азиз шогирдим, қарилигим қувончи Ҳусайн,— деб ёзган эди кекса олим,— агар бу хоксорона асарим сенинг қўлингга тушса — охириги орзум ушалган бўлурди...»

Йигитнинг юраги эзилиб, кўзлари жиқ ёшга тўлди. Кимсасиз, бахтсиз мўйсафид мусофирликда, ўлиш олдида ҳам уни, Ҳусайнни ўйлаган, у эса ёш, бақувват ва соғлом бўла туриб, ҳаётнинг икир-чикирлари билан ўраллашиб, кекса устозини тамом унутиб юборган. Бу фикр Ҳусайнда алам ва чуқур таассуф ҳиссини уйғотди. Абу Абдуллоҳ унинг олдидан бир соядек ўтиб кетди, ҳолбуки кекса устоз учун у умид ва қувонч, тирик таянч экан...

Хаёл сураётган Ҳусайнни енгил бир сас ўзига келтирди. Кўзини очиб қараса, олдидаги қоғозга сўлиган гулнинг қизил япроқлари тўкилиб ётибди.

Оқ қоғоз уза мисоли кўз ёш,
Гулбаргларини тўкар қизил гул.
Сен йиғлаётирмисан? Чалиб куй,
Келмасми чаманга қайта булбул?..—

деди Ҳусайн ғамгин илжайиб ва гул япроқларини бир четга суриб, Нотили қўлёзмасини текширишга киришди.

Қоғозлар орасида Хоразм тарихидан бошқа Нотилининг бир неча рисоалари, чол унга тез-тез айтиб юрган Сомонийлар тарихининг битаёзган қўлёзмаси, айрим фикр-мулоҳазалар ёзилган қоғозлар ва ҳар хил хатлар бор эди.

Ўйчан, жонсарак, кунжиков ва соддадил чолнинг қалби Ҳусайннинг кўз ўнгида ёзилган, саргайган саҳифаларда намоён бўлди-қолди. Ҳусайн зўр миннатдорлик билан устознинг «Хоразм тарихи» қўлёзмасини ўқишга киришди.

Бу катта тарихда кўп нарсалар ёш олимнинг кулгисига сабаб бўлди. Ишонувчан, соддадил чол бу ерда ҳам соддадиллигини қўймаган. Рад этиб бўлмайдиган тарихий воқеалар билан бир қаторда мамлакат ўтмишига оид ақл бовар қилмайдиган афсоналарни ҳам шарҳ-изоҳсиз қўлёзмага кирита берган. Қаҳрамонона жанглар тасвири хурофот, бидъатлар баёни билан чатишиб кетган. Зўр давлат аҳамиятига молик воқеалар тарихчи учун аҳамиятсиз кичик

ҳодисалар тасвирига қўшилиб кетган. Аммо қунт билан танлаб тўпланган бой маълумотлар келажак тарихчиларига кўп неъмат берарди—асарнинг қиммати ҳам шунда эди.

Асарнинг энг қизиқ, энг муҳим жойи Боғдод ҳалифасининг Хуросондаги ноиб Қутайба ибни Муслимнинг уч юз йил муқаддам Хоразмга юриши, ўлкани кунфаякун қилиб, уни забт этишига бағишланган қисми эди. Бу хусусда араб муаррихлари бир неча бор ёзишиб, голибнинг «маъжусий оташпарастлар» устидан галабасини кўкларга кўтарган эдилар. Нотили ҳарбий юришлар ва жангларнинг тафсилотини уларнинг ўзларидан олиб, шунинг билан бирга халқ орасида юрган ривоятларга асосланиб, Хоразм халқининг чет эл босқинчиларига қарши мардонавор, фидокорона жанглари манзарасини тиклади, рад этиб бўлмайдиган далиллар келтириб, араблар Хоразмга бойлик, фароғат эмас, қаттиқ асорат олиб келганликларини, бу элнинг қадимий ва ажойиб маданиятини барбод этганликларини исбот қилди. Бу саҳифалар хоразм халқига чуқур хайрихоҳлик, унинг шонли ўтмишига, унинг урф-одатларига ҳурмат ва бахтиёр келажакига қаттиқ ишонч билан тўлиб-тошганди.

Ҳусайн тонг отгунча қўлёзма мутолааси билан шуғулланиб, фикран мураббийси билан суҳбатлашди, ўз шубҳаларини унга айтиб берди, қизиғи шундаки, Нотилининг самимий фикрларидан кўп саволларига жавоб ҳам топди

6

Ахвар келиб кетгандан сўнг Раҳмат гиламда сочилиб ётган ялтироқ сариқ нарсаларни топиб, бу олтин-ку, деган ишонч билан Ҳусайнга берди. Аммо ёш олим, ўзи текшириб кўрмай, кимё мўъжизаларига ишона берадиган соддадиллардан эмасди.

У саррофдан тезоб, куйдирилган суяк талқони, олтиннинг софлигини текширишда керак бўладиган бошқа дориворлар олиб келди.

Раҳматни кичик кўрага ўт ёқишга буюриб, Ҳусайн Ахварнинг «олтинини» қайта эритишга киришди. Бироқ тажриба ва тадқиқотлар бу сариқ қуюлмаларнинг олтинга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини кўрсатди. Булар ё кўрғошин, ё қалайи қуюлмаси, ёинки зарҳал берилган оддий мис бўлиб чиқди. Тезоб тегиши билан зарҳал қорая бошлади, эритилганда кўрғошин билан қалайи мисдан дарҳол ажра-

либ, Ахварни бир пул қилди-қўйди. Ҳусайннинг юрагида кимёгарнинг билимигагина эмас, ҳалоллигига ҳам шубҳа туғилди. «Шуниси ҳам борки,— деб ўйлади у,— ўз ҳиссиётига шайдо бўлган бу бадбахт ҳаммадан олдин ўзини алдаб юрибди».

Моддий ёрдам учун миннатдорлик билдириб, мисрлик «сеҳрли ал-иксир»дан Ҳусайнга озгина қўйиб берган эди. Ёш олим ўзи мустақил равишда бир неча тажрибалар ўтказиб, шу баҳона билан ал-иксирнинг маъданларга таъсирини синаб кўрмоқчи бўлди. Ҳусайн Урганчдан кимёга оид бир неча китоб топди, булар унга номаълум асарлар эди. У бирор қимматли йўл-йўриқ топиш умидида уларни қунт билан ўқиб чиқди. Шуларнинг бирида, энг бамаънисида қўйидагилар ёзилган эди:

«Оллоҳ таолонинг иродаси ва хоҳиши билан кимё—оддий маъданларни олтин ва кумуш каби нодир маъданга айлантирувчи фан деб аталур. Оллоҳ бизларга етти хил маъдан ато қилибдур, улар: олтин, кумуш, қўрғошин, қалайи, темир, мис ва гулбутади. Симоб ва олтингургурт етти маъданнинг ҳаммасига асос бўлиб, уларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишига, яъни норасо маъданнинг расо ҳолатга ўтиб нодирлашмоғига сабаб бўлур. Агар симоб тоза бўлса, унинг олтингургурт билан қўшилмаси истаган миқдор бўлмоғи мумкин. Тез совиган қўшилмадан олтин олмоқ мумкин бўлур. Симоб алоҳида эритилган олтингургуртга қўшилса мис вужудга келади. Олтингургурт билан симоб тозаланмай эритилса, олтин ўрнига темир ҳосил бўлади. Агар бу маъданларнинг қўшилмаси жуда тез кавлашиб турилса, қалай вужудга келади, улар яхши қўшилиб кетмаса қўрғошин бўлиб қолғусидир. Оддий симобга заҳарли симоб ва туз қўшишдан ҳам олтин бунёдга келгани маълумдир...»

Ҳусайн китобда олтин тайёрлашнинг Ахвар ўқиб берган усулларига ўхшаш тавсияларга ҳам дуч келди.

Ёш олим кўп ишларини бир четга йиғиштириб кимёга ёпишиб олди, жуда кўп тажрибалар ўтказиб, бугунгача исботга муҳтож эмас деб ҳисобланган нарсаларни текшириб кўрди. Аммо у тажрибалар ўтказиб юриб шунга қаттиқ ишондики, ҳеч қандай тозалаш, ҳеч қандай қўшилмалар, ҳатто сеҳрли тош ҳам, сирли ал-иксир ҳам маъданни олтинга айлантиролмайди.

«Эҳтимол бу қудратли фан узоқ келажакда ушбу санъатни ҳам эгаллар,— деб ўйлади у,— аммо ҳозир бу восита-

ни топганича йўқ, бу воситани қадимги халқлар ҳам билган эмас».

Нотили қўлёмасини ўрганиш, ўзининг кимёвий тажрибалари билан банд бўлиб, Ҳусайн Ахвар келиб кетганидан бери бир ойча вақт ўтганини сезмай қолди. Бу орада мисрлик бирор марта ҳам уникига келмади, ана шундагина у Устод топширган дафтарни эсладики, бугунгача уни очиб кўришга фурсат топмаганди. Уни ўқиб чиққандан сўнг Ахварнинг олтинини ҳам унутиб юборди. Мана ҳақиқий олтин қаерда экан! Бу кичкина одамнинг турган-битгани ақл-ку! У ҳамиша, ҳар ердан топиладиган оддий жисмдан ажойиб ранглар тайёрлаш усулини ихтиро этибди! Ҳусайн бу кашфиётдан ёш боладек қувониб кетди. Андак текширишдаёқ Устод топган рангларнинг аъло сифати аниқланди.

Устод ўзи корхона очиши керак, унинг матоига харидорнинг сон-саноғи бўлмайди!

Ҳусайн саройдаги мажлисда ўқиб эшиттириш учун Устоднинг ихтироси ҳақида дарров ахборот ёзди. Вазир ва шоҳ унга моддий ва маънавий ёрдам қилишади. Бунга Ҳусайн ишонарди. Улар мисрлик кашфиётининг аҳамиятини тушунишади. Урганчнинг кўп сонли йигирув ва тўқимачилик корхоналари учун яхши ва арзон ранг топиш жуда зарур, ранг гилам тўқувчилар учун ҳам ниҳоят зарур ашё.

Жума оқшомида ҳамма олимлар саройга йиғилишди. Вазир мудом бундай мажлисларда иштирок этарди.

— Мен бир кашфиётга ҳомийлик қилишларини сўрадим, муҳтарам Абул Ҳусайн,— деди ёш олим вазирга қараб.

— Сизникигами?— мурувваткорона жилмайиб сўради у.

— Йўқ, у олимнинг эмас, ҳунарманднинг кашфиётидир.

— У қандай ажойиб нарса ихтиро қилибди?— нописандлик билан сўради Суҳайлий.

— У ажойиб ранглар тайёрлаш усулини топибди.

— Ранг?— қошларини чимирди вазир,— улар нимага зарур экан?

— Матолар учун.

— Матоларгами? Ахир мен муҳтасиб эмасман-ку. Нима ёрдам қилишим мумкин? Тайёрлаб сота берсин, унга ким монелик қилади?

Вазир шартта тескари бурилиб, шу билан гўё бачкана нарсалар ҳақида давлат аъёнларини безовта қилиш ярамайди дегандай бўлди.

Иккинчи кун Ҳусайн муҳтасибга бекорга мурожаат қилди. У муҳтарам олимни ҳурмат билан қарши олди-ю, Устоднинг ишига аралашини қатъиян рад этди — корхоналарнинг ишларига бош қўшишга ҳақим йўқ деб баҳона қилди, у ўзига фойда чиқмайдиган ишларга аралашини ёқтирмасди. Дарҳақиқат, камбағал ва мусофир қосибдан унга нима ҳам чиқсин!

Муҳтасибдан ҳеч иш чиқмагач, Ҳусайн бўёқчилар оқсоқоли ҳузурига борди. У ҳам Ҳусайинни эътибор билан тинглади-ю, Устодга ёрдам қилиш масаласига келганда гапни бошқа ёққа бурди. Бунинг ҳам нияти пора эди.

Ҳусайн ҳоргин ва маъюс бир қиёфада уйига қайтди. Ўз ҳовлисига яқинлашганда уни таниш бир савдогар тўхтатди.

— Муҳтарам Ибн Сино,— деди у,— жуда ташвишли кўринасиз, аҳтимол пулга муҳтождирсиз. Агар шундай бўлса, менинг ҳамёним сизнинг ихтиёрингизда.

Ҳусайн савдогарга ташаккур айтиб, ўз оворагарчилигини сўзлаб берди, суҳбатдоши кулимсиради.

— Сиз, олимлар, ҳамиша шундайсиз! Ҳамма нарса қонун асосида бўлсин деб, нуқул катталарга мурожаат қиласиз, рад этишса диққат бўлиб юрасиз... Биз савдогарлар эса катталарсиз, ўзимизча беҳато ишлаймиз, бу ишларни тўғрилаш жуда осон. Менинг бир бўёқчи ошнам бор. У яқинда синиб, кичик корхонасини бекитишга мажбур бўлди. Агар унга ўн динор берсангиз у энг зарур қарзларини тўлаб, яна корхонасини очиб юборади, сиз айтган Устодни ўзига халфа қилиб олади, шу билан одам гулистон. У менинг қўшним, ҳозир уни ҳузурингизга юбораман.

Икки соатдан сўнг бўёқчи Ҳусайиннинг ҳузурида пайдо бўлди. Улар ўзаро ҳамма нарсани келишиб олгач ёш олим бу янгилликни Устодга етказиш учун кимёгарлар томон йўл олди. У уйдан сал нари ўтиши билан шу тарафга чопиб келаётган Устодга кўзи тушди.

— Хўжайиним сизни айтгани юборди. Тез юринг! У ҳозир эритмани чиқариб, уни олтинга айлантиради, икки марта ҳеч нарса чиқаролмади, эндиги муваффақиятга ишончи зўр...

Ҳусайн кулимсираб қўйди.

Устод қовоқ солиб унга қаради.

— Олтин яшаш мумкин бўлмаса ҳам унга худоларнинг раҳми келар деб ўйлайман. Бечора Ахвар шундай бетоб,

шундай эзилганки, агар бугун ҳам олтин чиқмаса у муқаррар ҳалок бўлади...

Хусайн йўлда тўхтаб қолди.

— Устод,— деди у қатъиятсизлик билан.— Менда соф олтин бор, шу пулга сиз учун корхона очсакмикин деб юргандим, балки сиз худоларнинг Ахварга раҳми келгани маъқул деб ўйларсиз...

— Уни олиб борайлик бўлмаса,— илтимос қилди мисрлик,— онт ичиб айтаманки, бу пулингизни ишлаб қайта-раман.

Кичкина, ориқ Устод Хусайннинг олдига тушиб олиб шундай йўргалаб кетдики, Хусайн унинг кетидан аранг етиб юрарди.

Улар ажнабийлар маҳалласига кириб борганда одамларнинг шу томонга қараб чопаётганларини кўриб қолишди. Улар уйга яқинлашган сари оломон қуюқлашиб борарди. Қичқириқ ва ҳар хил овозлар эшитила бошлади. Дарвоза ёнида оломон тиқилиб ётарди, ҳовлига киришнинг сира иложи йўқ.

— Ўзи нима гап?— Устоддан сўради Хусайн.

Аммо Устоднинг юзларига дилхасталик соя солиб, жавоб беришга мадори ҳам, хоҳиши ҳам қолмаган эди.

Ҳовлида баланд кўтарилган аланганинг қалтироқ ёғдуси ваҳимага тушган оломоннинг юзларини ёритиб турарди.

— Ахвар! Ахвар!— деб қичқирганча Устод ҳовлига қараб отилди.

Оломон бўлиниб, Устоднинг кетидан Хусайн ҳам ҳовлига отилиб кирди.

Кимёгарларга ҳам маскан, ҳам корхона вазифасини ўтаган кичкина уй куйиб кул бўлган эди. Хусайн билан Устоднинг кўз ўнгида девор қийшайиб аста қулаб тушди. Аланга охириги мартаба кўкка талпинди-ю, сўнган учқунлар кўмирга айланиб, пастга ёмғирдек қуйилди.

Фақат гишт кўра ва бир ёнга қийшайган қозонгина чала ёнган ўтин ва лахчага тўлиб турарди.

Буларнинг бари шундай тез юз бердики, Хусайн ҳайратда қолиб, тушидами-ўнгидами эканини англамай қолди. Устоднинг умидсиз фарёдигина уни ўзига келтирди.

— Ахвар! Ахвар!..

Аммо Гермес Трисмегист ибодатхонасининг сирларини ўрганган улуғ Жимданинг ўғли — кимёгар Ахвар бу чақириққа жавоб беролмасди: кўранинг ёнида унинг таниб бўлмас даражада куйган жасади ётарди.

Устод кетгандан сўнг бу ерда қандай ҳодиса рўй берганини айтиш қийин эди. Бироқ Ҳусайннинг кўнглидан шундай бир фикр ўтди: ал-иксирнинг тўқсон тўққизинчи томчисидан ҳам бирор натижа чиқмаслиги аниқ бўлгач, Ахвар шеригини атайлаб жўнатмаганмикан?

7

Бир куни эрта саҳарда, Ҳусайн эндигина уйғониб, ишга тушаман деб турганда, уни бир касални кўргани чақирди. Урганчда ёш олим шифокор ҳакам сифатида танилган эди.

Ориқ, букчайган кекса хизматкор ҳар гапида кўз ёши тўкиб, Ҳусайнни шундай тор кўчалар билан бошлаб кетдики, субҳидам ғира-ширасида оёқ ости аранг кўринарди.

У оҳистагина эшик қоқиши билан девор орқасида кучук акилади. Кейин дарвоза олдида кимнингдир оёқ шарпаси эшитилди.

— Юсуфмисан?

— Ҳа. Ҳақимни бошлаб келдим, жаноб.

Нураган дарвоза аста очилиб, Ҳусайн ҳовлига кирди. У гўё қарилик салтанатига қадам қўйгандай бўлди. Дарвозани очган хўжайин ҳам қари, ҳануз вовуллаб турганит ҳам қари эди, нураб бир томонга энгашган уй эса алмисоқдан қолгандай кўринарди.

Хўжайиннинг қорамтил юзларини шундай ажин босгандики, биринчи қарашда шафтолининг данагини эслатарди. Унинг ғамгин боққан ақлли кўзлари нимжон гавдасига сира мос келмасди.

Ҳусайн унга таъзим қилиб, бемор олдида бошлаб киришни сўради.

— Сенинг ҳақимлигинг ростми?— гумонсираб сўради чол.— Мени афв эт, сени бунчалар ёш деб ўйламаган эдим. Кимда ўқигансан?

— Мен Бухороданман,— жавоб берди Ҳусайн унинг диққат билан қарашидан хижолат тортиб.— Ўша ерда ўқиганман. Бинобарин, менинг устозларимни танимаслигингиз ҳам мумкин.

— Илтимос қиламан, уларнинг номларини айт,— сабрсизлик билан талаб этди хўжайин.

Ҳусайн бунчалар ишончсизликдан кулимсираб қўйди,

— Менинг биринчи устозим Бухоро амирининг сарой

ҳақими машҳур Абул Мансур Қамарий эдилар, аммо мен кўпроқ ҳақим Хўжа Исҳоқдан таълим олганман.

— Сен ростдан ҳам Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино-мисан?

— Ҳа.

— Ундай бўлса, уйга ташриф буюр, оллоҳ таоло умрингни зиёда қилсин. Бизнинг беморимиз ёш жувон, шунинг учун сени сўраб-суриштиришга тўғри келди. Мени кечир, болам!

Чолнинг кетидан Хусайн даҳлизга кирди. Хўжайин эшиклардан бирини аста чертди. Бир кампир келиб эшикни очди. Чол бирор оғиз гапирмай ҳақимни хонага бошлаб кирди. Бу ерга бисотларидаги ҳамма яхши нарсаларни тўплаган бўлсалар керак. Деворга гилам осилган, дарпардалар шойидан, беморнинг устига кимхоб сўзана ёпилган, аммо буларнинг ҳаммаси ҳам эскирган, тўзиган эди. Бу фақирона кулба, бу эски-тускилар орасида ётган ёш жувоннинг чеҳраси айниқса ёрқин кўринарди.

Хусайн уйга кирган ҳамон жувон нимадан оғриб ётганини англади. Нафас олишнинг оғирлиги, юзларида пайдо бўлган қизил доғлар, кўз остларидаги кўкиш соя, қаттиқ йўтал касалнинг нималигини айтди-қўйди. Беморнинг нам қўлини ушлаб туриб кўкрагига қулоқ солгач, ҳақим билдики, касал жуда оғир аҳволда, бу ерда табобат қаттиқ кураш олиб бориши лозим, лекин ҳаммадан ҳам баданнинг табиий кучи зарур эди, ажабо, беморда бу куч қолдимикан? Касал ниҳоят даражада оғир, ўпка икки томондан шамоллаган, зотилжамнинг энг қаттол шакли эди бу.

Умрининг охирги соатларини яшаб турган бу жувонга Хусайннинг жуда ҳам раҳми келди.

— Мен рафиқангизга дори бераман, у дардини пасайтиради,— аста шивирлади Хусайн хўжайинга қараб, аммо шу пайт касалнинг оёқ томонида қимирлаган латта-путталарга эътибор билан тикилиб қолди.

Ҳақимнинг қўли текканда ҳам ўзига келмаган бемор бирдан қимирлаб, астагина кўзларини очди.

— Лола,— шивирлади у,— ухла, Лола, ухла, қўзичоғим...

Латталар остидан боланинг юзи кўринди, сўнгра кичкина, ҳурпайган ва кўзлари уйқусираган қизча чиқди.

— Ойим ҳалиям тузалмадиларми?— деб сўради у чолдан.

У бошини қимирлатиб йўқ деган бўлди ва болани қўлига олиб, меҳр билан бағрига босди.

Хусайн эшик олдида турган кампирга энгашиб, аста шивирлади:

— Гўдакни олиб кетиш керак, унинг олдида гапириб бўлмайди...

Аммо қизча чолни маҳкам қучоқлаб, ундан ажралишга сира кўнмади.

— Сен мен билан арабча гаплашишинг мумкин,— деди чол ҳақимнинг ўнғайсиз аҳволда қолганини кўриб.— Бу тилни бола ҳам, онаси ҳам билмайди.

— Нега мени илгарироқ чақирмадингиз? Ахир рафиқангиз анчадан бери оғриб ётибди-ку. У қаерда бундай қаттиқ шамоллаб қолди?— деб сўради Хусайн чолдан, у эса қўлида қайта ухлаб қолган болани эҳтиётлик билан кўтариб, ҳақимни кузатиб борарди.

— У бирор ерим оғрийди деб зорланмаган эди,— хи-жолат тортиб жавоб берди у,— кечагача ёстиққа боши теккан эмасди. Мен тентак чол бўлсам, унинг нохушлигини юрак сиқилишидан деб ўйлабман. У кўп оғир кунларни кечирди. Унинг қайғулари бежиз эмас эди.

— Мен кечқурун яна келаман ва қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан, ҳозир эса бир кунлик дори юбораман,— деди Хусайн ва хўжайиннинг нимадир чўзган қўлини қатъиян рад этди.— Сиз менга фақат бир нарсани тушунтиринг, уйингизни қандай қилиб топаман?

Хусайн бу жойни эслаб қолиш учун бирор белги қидириб атрофга қаради ва бирдан ҳайратланиб ҳовлининг ўртасида тўхтаб қолди. Деворнинг у томонида, дарахтлар орасидан ўзи илми ҳайъат билан шуғулланиб юрган мезана кўринди. Хусайн яқинроқ бориб билдики, бу ҳовли ростдан ҳам ўз девори орқасида экан.

— Агар рухсат этсангиз менинг хизматкорларим шу бугуноқ ҳовлиларимиз орасида эшик очиб беришади. У ҳолда мен тез-тез касалнинг ҳолидан хабар олиб тураман. Кейин уни бекитиш қийин эмас, агар...

— Агар Адолат ўлса,— хўжайин унинг гапини бўлди ва кўзларидан оққан ёш бўйнидан қучоқлаб ётган боланинг жажжи қўлларига томди.

— Ноумид шайтон деганлар,— тасалли берди Хусайн,— аммо боланинг онаси билан бир жойда туриши яхши эмас. Агар касал оғирлашса у ўзгага юқиши мумкин. Қизчани бундан эҳтиёт қилиш зарур.

Шу сўзлардан кейин Хусайн девор оша сакраб ўз боғига тушди.

Ҳигит шу кунларда қанча банд бўлмасин, бу кутилмаган ошналик қайта-қайта хотирига келаверарди.

Зоҳирий кўриниши ва нутқи олимга ўхшаган бу мўйсафид ким бўлди? Бу соҳибжамол жувон нега ҳалокат ёқасида турибди? Бу чордевор ичида қандай воқеалар юз бермоқда? Отасига ўхшамаган бу қизча кимни эслатяпти? Ҳусайн кун давомида бир неча бор ўзига шундай саволлар бериб кўрди, лекин иккинчи марта касални кўргани борганида ҳам, ундан кейинги қатнашларида ҳам бу сўроқларга жавоб топмади.

Чол одамови, вазмин, айни замонда ғамзада эди. Ҳусайн ундан сўраб-суриштиришга ибод этарди. У фақат шунин билдики, қўшнингги номи Ҳасан ибн Ҳаким экан. Бироқ мушоҳадакор ҳаким тасодифий ошнаснинг тарих, жуғрофия ва фалсафани жуда яхши биладиган олим одам эканини тезда пайқаб олди. Қандайдир бир сабаб билан чол ўзини четга олиб, одамларнинг диққатини жалб этмай яшашни маъқул кўради. Ҳусайнга шуниси ҳам равшан бўлдики, ёш жувон унинг хотинигина эмас, ҳатто қариндоши ҳам эмас, қизча ҳам унинг қизи эмас, ҳолбуки Ҳусайн бемор жувонни хотинингиз деб айтганда, Ҳасан ибн Ҳаким уни лоақал тузатиб ҳам қўймади.

Ҳусайн бу сир пардаси орқасида қандайдир бир сабаб билан мушкул аҳволда қолган бахтсиз одамларни кўрарди. Шу билан бирга у тасодифий равишда бу оиланинг муҳтожлик исканжасига тушиб қолганини ҳам пайқайди.

Кунлардан бир кун Ҳусайн китоб растаси ёнидан ўтаётиб, қўшнингги кекса хизматкори билан китобфуруш орасидаги бир воқеанинг шоҳиди бўлиб қолди.

Хизматкор катта бир китобни сотмоқчи, унга қўйган нархи ҳам деярлик ортиқ эмас, аммо китобфуруш у сўраган нархнинг ярмини таклиф қилиб, шўрлик чолнинг ёлворишларига ўламан олло деб кўнмай турарди. Ҳусайн кекса Юсуфнинг кўзига кўринмаслик учун хизматкорни юбориб, китобфурушни бир четга чақиртириб келди.

— Китобни эгаси сўраган нархга сотиб олаверинг, у менга керак. Бу савдодан ҳаён кўрсангиз кўрсангизки, зиён кўрмайсиз,— шивирлади Ҳусайн, хизматкор нари кетгач, у дўкандорга тайинлади:— Шу чол китоб олиб келса, айтган нархига олаверинг, бу пулларни мендан қайтариб оласиз. Эсингизда бўлсин, уни хафа қилиб юрманг.

— Афсуски, бу китобларнинг сизга кераклигини илга-

ри билмабман, муҳтарам Ибн Сино,— деди китобфуруш.— Бу чол менга қанчадан-қанча китоб ташиди-ю.

Китобфурушнинг ҳақини тўлаб, Ҳусайн китобнинг муқовасини очди-ю, ички варақдаги ёзувни ўқиб ҳайратдан қошлари чимирилиб кетди. Бу Хоразм олими Аввам ибн Абдусамад Ҳаким Қиётининг юнон олими Страбоннинг юнончадан арабчага таржима қилган асарининг биринчи томи эди. Ҳусайн эса бу хоразмлик олимнинг асарларини Сомонийлар кутубхонасида бир неча бор кўрган эди. Варақнинг устки бурчагига қора сиёҳда, майда хат билан: «Севикли шогирдим Муҳаммадга — Абдусамад» деб ёзилганди. Тақдим этилганига талай вақт бўлган бу кўҳна ёзув китоб соҳиби ҳақидаги жумбоқни ечишга ёрдам берарди.

Ҳусайн бемор жувонни ҳар куни бориб кўрар, унинг шифо топиши учун бутун билим ва тажрибасини ишга соларди. Қариянинг Ҳусайннинг жонбозлигига зўр ишонч билан қараши, унинг муолажа усулини маъқуллаши, айтганларини бажо келтириши уни беҳад қувонтирарди. Ҳаким Африка сабри¹ шарбатини олиб келганда чол жуда ҳам қувониб кетди. Афтидан у ҳам бу ўсимликнинг шифобахшлигидан огоҳ кўринарди.

Иккинчи ҳафтанинг охирига бориб беморнинг иситмаси пасая бошлади. Бироқ ҳали у дармонга кирмаганди. Шундан сўнг Ҳусайн беморга асал аралаш гулоб ичиришни буюрди. Бу ўпка касалларида кўп мартаба синаб кўрилган шифобахш дори эди. У чолга ярим йил мобайнида бу дорини канда қилмай беморга ичириб туришни буюрди.

Фақат гулобнинг ўзи жувонни халос этмаслигини Ҳусайн жуда яхши биларди. Бундай касалдан сўнг у бақувват таом еб, осойишта ҳаёт кечириши зарур эди. Ҳусайннинг хизматкорлари бу хонадонга муттасил масаллиқ ташийдиган бўлишди. Аммо ҳакимнинг бу мурувватпарварлиги қарияни қувонтирмас, у бемор жувон ва унинг қизчаси туфайли ўз ғурурини енгиб, келтирилган нарсаларни базўр қабул қиларди.

Бир кун Ҳусайнни кузатаётиб Ҳасан ибн Ҳаким ғамгинлик билан бундай деди:

— Эзгу хислатларинг учун беҳад миннатдорман, ўғлим. Олам ёвузликлар билан тўлган бу оғир даврда эзгулик нодир фазилат бўлиб қолди. Тақдирга шукурлар бўлсинким, у мени сен босиб ўтган йўлга солиб қўйди. Сен

¹ С а б р — шифобахш ўсимлик; алоэ.

энг азиз кишим томонидан менинг ҳимоямга топширилган аёлни халос этдинг. Ўз қарилигимни бундай қашшоқлик, бундай ғамгинлик, бундай хор-зорликда кутиб оламан деб сира ўйламаган эдим.

— Агар сиз менинг дўстлигим ва кўмагимни қабул қилишга рози бўлсангиз ўзимни бахтиёр деб билардим, ота.

Бироқ чол қатъият билан рад қилди.

— Сенинг дўстлигингдан фақат бир нарса кутаман — сендан ўзимни тортиб юрганим учун мени айблама, ёрдам масаласига келганда, сендан бу аёлни даволашдан бошқа ёрдамни қабул қилолмайман. Гапни пардапўш қилганим учун узр, ўғлим, аммо шунга инонким, зарур бўлса, сен учун ҳаётимни бағишлашга ҳам тайёрман.

Кундан-кунга аҳволи яхшиланиб бораётган беморни яна бир кўрай деган ният билан боққа кирган Ҳусайн икки ҳовлини бирлаштириб турган эшик ўрнига девор уриб қўйилганини кўрди. Фақат ҳали қуримаган нам деворгина илгари бу ерда эшик борлигидан нишона бўлиб қолганди.

Демак, эҳтиёткор Ҳасан ибн Ҳаким бундан кейинги борди-келдига чек қўйиш учун ошиғич равишда эшикни бекитишга, деворни қайта тиклашга қарор қилган.

Ҳусайн билан бирга ўсган, ундан икки ёшча каттароқ Раҳмат ҳали ҳам олим сиймосида ўзи билан ўйнаб юрган ёш болани кўрар, ўзини эса тажриба орттирган донишманд киши ўрнида тасаввур қилишни яхши кўрарди. Шу сабабга кўра тез-тез Ҳусайнга ақл ўргатишга уринарди.

Эшик бекитилганини ва қўшни аёл муолажаси тўхта-тилганини эшитгач, Раҳмат бундай деди:

— Хайрият чол ҳам инсофга келибди! Бўлмаса шу ҳам гапми, сал нарсага бир этиб сенинг олдингга чопади. Китоблар чала ётибди, устахонада олов ёқилмаганига талай вақт бўлди, уламолар мажлисига аталган рисола ёзилмай турибди — унга эса бари бир! Уялмай-нетмай кечаси-ю, кундузи худди амир ҳузурига чақиргандай чақиради! Бари бир бу аёл тузалмайди-ку, шундай бўлгач, унга шунча вақт сарф қилишнинг нима ҳожати бор?

Одатда Раҳматнинг ўз мулоҳазаларини айтишига монелик қилмай, уни эшитиб, ичида кулиб юрадиган Ҳусайннинг бу сафар жаҳли чиқди:

— Мен сени бунчалар шафқатсиз ва тентак деб сира ўйламагандим! Агар менинг дўстим бўлишни истасанг, Раҳмат, — деди у жиддий ва қатъий йўсинда, — эсингда

бўлсинким, мен учун инсон ҳаётидан кўра муҳимроқ нарса йўқ. Агар ҳақимлик бурчим талаб этса мен ҳар қандай зарур ишни ҳам ташлаб кетишга тайёрман. Ҳақимнинг лоқайд бўлишга ҳаққи йўқ! У касални даволаш учун ақл ва қалбнинг бутун кучини ишга солиши лозим. У одамларни ҳамёни билан ҳисоблашмай, чин юракдан севишни лозим. Бой билан камбағални фарқ қилган ҳақим — ҳақимларнинг пастарини бўлади. Пул учун бойни даволаб, камбағалдан юз ўгирган ҳақимга минг лаънат! Бундан ташқари, ҳақим ҳеч қачон ноумид бўлмаслиги керак, умид — ҳақимнинг энг яхши ёрдамчисидир. Бизнинг қўшни аёл эса, сенинг башоратингга қарамай, тирик қолади. Зотилжам ўтди. Шундай бўлгач, нега у жувон яшамас экан? Одамни халос этмоқ — ҳақим учун энг олий мукофотдир!..

Бу суҳбатдан сўнг бир неча йил ўтгач, Ҳусайн тўсатдан қўшнилари ҳақидаги ҳақиқатдан огоҳ бўлиб қолди.

8

Ҳусайн Урганчга келиши билан унинг атрофида толибул илмлар — шоғирдлар пайдо бўла бошлади.

Унинг келганини эшитгач, биринчи бўлиб Абдуллоҳ ибн Синонинг эски ошнаси, Хоразм савдогари Мақсуднинг икки ўғли келди.

— Отамиз сизнинг тўғрингизда кўп ҳикоя қиларди,— дейишди улар Ҳусайнга.— Сиз болагингиздаёқ уни ҳайратда қолдирган экансиз. Чол бизни бу ерга юбориб, дунёда фақат уч олимга — ал Форобий, ал-Беруний ва сизга ишонишни таъкидлади. Биз, илтифотингизга умидвор бўлиб, сиздан таълим олмоққа келдик.

Уларнинг иккиси ҳам оталари сингари савдо-тижорат билан шуғулланар, савдо карвонлари билан Бағдод, Хитой ва Русга қатнардилар. Булғор ва Этил шаҳарлари эса уларнинг мудом бориб-келадиган ерлари эди. Ёш бўлишларига қарамай, уларнинг иккиси ҳам ҳаётда кўп нарсаларни кўрган, анчагина ҳаётий тажрибага эга эдилар. Ҳусайннинг олдига эса, жуғрофия, илми ҳайъат, қонуншунослик ва шу билан бирга ҳамма фанларнинг онаси — фалсафани чуқурроқ ўргатинг, деб келган эдилар.

Жуғрофия, илми ҳайъат буларга саёҳат чоғида бакор келиши аниқ, қонуншунослик эса, алданиб қолмаслик учун ҳар бир корчалон одамга керак бўлади. Аммо фалсафа

масаласига келганда, уни мусулмон руҳонийлари ўргатган аянч доирадан кўра кенгроқ миқёсда ўрганиш — ўткир зеҳн ва зако талаб қилади.

Хатто шундай ўткир йигитлар учун ҳам бу ғайри-табиий талаб эди. Хусайн нима дейишини билмай қолди. У буларнинг савияларини билмас, мураккаб дарсни содда-лаштириб беролмасман деб қўрқарди. Бунинг устига у дарс бериб кўрмаганди, бундай ишга салоҳияти борми-йўқлигини билмасди. Бинобарин, дарс қуруқ баёнчилик бўлиб қолмасин деган андишага борарди. Бироқ талабалар Хусайннинг ҳар хил важларига қарамай, ўз талабларида қатъий туриб олдилар ва тездан яна уч ўртоқларини бошлаб келдилар. Улардан бири имом Саиднинг ўғли бўлиб, ўткир ақли, мантиқий тафаккурга мойиллиги билан ажралиб турарди, номи Рустам эди.

Бу беш ўртоқ бир неча йилдан бери Хусайндан таълим оларди. Савдогар болаларининг гоҳ бири, гоҳ иккинчиси иш билан кетиб қолар, баъзан узоқ йўқолар, бироқ ватанларига қайтган ҳамон албатта ёш, ҳамқур устозлари Хусайн ҳузурида ҳозир бўлардилар. Рустамда дарсдан кетиб қолиш камдан-кам рўй берарди.

Ўз билганларини ўзгаларга ўргатиш қувончли иш бўлиб чиқди. Бир вақтлар Беруний иккиси ўйлаган ўйларнинг рўёбга чиқишини одамларни маърифатли қилишда кўрарди Хусайн.

«Урганчда ҳеч бўлмаса Бухородаги Фаржик мадрасасига ўхшаш бир мактаб бўлса жуда соз бўларди! Қанчадан-қанча ёшлар унда илм-маърифат ўрганардилар!» — дея кўп ўйларди Хусайн.

Дарсларига қатнайдиغان шогирдлари кўпайган сари бу фикр ҳам унга ором бермайдиган бўлиб қолди. Аммо бу фикрни қандай рўёбга чиқаришни билмасди. Мактаб учун кўп ҳужрали катта бино зарур эди. Бундан ташқари, ҳукумат ундай мактаблар учун одатда вақф ери ажратгуси эди. Бўлмаса, ҳеч қандай жамияти хайрия бундай харажатни ўз зиммасига ололмайди. Хоразмшоҳга мурожаат қилиш зарур эса-да, рад жавоби олишдан қўрқиб Хусайн тараддудланиб юрарди. У ўзини мамлакат ҳукмдори сўзларига қулоқ соладиган даражада улуғ одам деб санамасди. Вазир орқали мурожаат қилишга ҳам ёш олим ботиномасди, чунки қонун лойиҳаси тузишда, Устодга ёрдам сўраганда вазирнинг ўзини тутиши ўта аҳтиёткорона эди. Бинобарин, мактаб хусусида ҳозирча уламолар мажлисида

танишган олимлар ва ўз шогирдлари билан гаплашиб хаёл суриши мумкин эди.

Хоразмликларнинг илм-фанга интилиши Ҳусайнни бир оз таажжублантирди, шунинг билан бирга жуда қувонтирди. Унинг эслашича, Бухоро ёшлари буларга нисбатан енгилтакроқ бўлиб, кўпроқ ўйин-кулги, кайфу сафога мойилроқ эдилар.

Бу ерда, Урганчда, Ҳусайн авом халқ орасидан Берунийдек улуг олим етишиб чиққанининг сабабини пайқай бошлади. Ҳусайн Хоразм ёшлари орасидан яна шундай истеъдод эгалари етишиб чиқишига ишонарди. Булар учун мактаб айтиқса зарур эди. Бироқ ҳозирча бу хом хаёл, бинобарин, Ҳусайн ўзида мактаб ва бир неча мударрисни мужассамлаштириб, шогирдларига талай фандан дарсгўйлик қиларди.

«Тиббий истилоҳлар лугати» устидаги ишни Ҳусайн Урганчда ҳам қунт билан давом эттирмоқда эди, энди бу иш кечасига кўчирилганди. Борган сари ёш ҳакимга иши кўпроқ тушиб турган шогирдлари, беморлар, шунингдек хоразмшоҳ «Академия»сидаги мажлислар кўп вақт талаб қилар, аммо вақт етишмасди. Яна бир неча одам йиғилиб, бизга табобатни ўргатинг, деб туриб олишди.

Тонг отиши билан фалсафа ўрганаётган шогирдлари келишарди. Ҳусайн улар билан машғулёт бешларди. Ёшлар муаллимнинг дарсини муҳокама қилишар, Ҳусайнга саволлар беришар, машғулёт туфайли бешларида пайдо бўлган фикр ва мулоҳазаларини айтардилар.

Ҳаммадан кўпроқ Рустам гапирарди. Унинг гаплари бамаъни ва нозик бўларди. У ҳамиша шавқ билан оқилона сўзларди. Рустамнинг муваффақияти Ҳусайнни қувонтирар, у билан бошқаларга қараганда кўпроқ машғулёт ўтказар эди. Аммо нима учундир ундаги фалсафага рағбатнинг жиддийлигига ишонмасди. Рустамнинг шерикларига фалсафа оғирлик қиларди. Нуқул моддий нарсаларга қараб фикр юритишга ўрганган бу ёшларга баъзи мавҳум масалалар сира етиб бормасди.

Баъзан талабаларга жуда қийин бўлганда Ҳусайн уларга бундай деб тасалли берарди:

— Менинг кузатишларимга қараганда, ҳар бир соғлом одам мавҳум тушунчаларни англаш қобилиятига эга. Бутун гап мана шу қобилиятни тўғри ривожлантира билишда, унинг рўёбга чиқиши эса, уч босқичдан иборат бўлади.

Дарсларнинг бирида Ҳусайн шу масалага тўхталиб, унга аниқлик киритишга уринди.

— Биринчи босқичда ақл ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган гўдакка ўхшайди, аммо у ҳамма нарсани ўрганиши мумкин,— тушунтирди Ҳусайн.— Иккинчи босқичда ўқий бошлаган болага ўхшайди. У биринчи дафъа қўлига қалам олиб, ҳарфларни ўрганadi, нарсаларни ҳисоблай бошлайди. Фақат учинчи босқичдагина у ҳарфлардан ўз ҳиссиётини ифода этувчи сўзлар туза олади, мавҳум тушунчаларни англашга киришади. Аста-секин ҳамма нарсани идрок эта бошлайди. Сизлар, азизларим, ҳозирча иккинчи босқичда турибсиз, аммо учинчи босқичга кўтарилиш учун етарли зеҳн ва законгиз бор.— Ҳусайн ўз фикрларини яна ҳам соддалаштириш ниятида давом этди:— биров тез ҳаракат қилади-ю, биров секин деб қайғурманг. Болалар ҳам худди шундай бўлади. Улар ҳам ҳар хил ёшда юришга ўрганadилар. Барибир кечроқ йўлга кирганлари ҳам олдингиларини қувиб етишади ва шундай тенглашиб олишадики, бизга қараб ҳеч ким ҳеч қачон Рустам тўққиз ойлигида йўлга кирган, Аббос эса ўн бир ойлигида, мени эса бир ёшда деб айтолмайди. Сизлар ҳам шундай. Озгина вақт ўтиши билан улғайиб, учинчи босқичга кўтарилиб olasиз. Рустамдан ҳам, устозларингиздан ҳам ўзиб кетасиз. Бунинг учун бола машқ қилиб қўлни ёзувга ўргатганидек, мудом ишлаб, мияни тафаккурга ўргатмоқ лозим. У ҳолда бизнинг миямиздаги ҳамма қобилият баравар инкишоф этади.

— Наҳотки инсон қобилияти мияда жойлашган бўлса?— сўради Рустам.

— Менинг кузатишларимга кўра, инсондаги барча ақлий кучларнинг маскани унинг миясидир,— жавоб берди Ҳусайн.— Шунинг ҳам айтиш керакки, ташқи сезги аъзоларимиз орқали оладиган ҳислар миянинг олдинги қисмига боғлиқ, мавҳум ва умумлашган тушунчалар қобилияти миянинг ўрта қисмида ривожланади. Хотира эса миямизнинг орқа қисмида сақланади.

— Руҳонийларимизнинг айтганлари бутунлай хато экан-ку!— хитоб этди Рустам.— Бу нодонлар оллоҳ таоло юрагимизга солиб қўйган жон бутун ақлий фаолиятимизга раҳбарлик қилади деб ҳисоблашади!

— Мен ҳақлими, руҳонийлар ҳақлими, бу масаланинг муҳокамаси дарсга тааллуқли эмас,— деди Ҳусайн,— бугун улар билан баҳслашмоқчи эмасман. Мен фақат дўст-

ларимизни ноумид бўлмасликка чақирмоқчиман, холос.— У ёш савдогарларга эркалатувчи назар ташлади.

Хусайн учун уларнинг дағалроқ ростгўйлиги Рустамнинг муғомбирона сўзамоллигидан кўра азизроқ эди.

Хусайн тез-тез бу йигитга қараб, у илм-фанда камолот сари борармикан ёки сердаромад мансаб танлармикан, деб ўйлаб қоларди. Рустамнинг пул ва шуҳратга интилишига Хусайннинг шубҳаси йўқ эди. Йигитнинг отаси Урганчдаги энг катта масжиднинг имоми эди. Эл орасида, унинг бойлиги худонинг даргоҳида хизмат қилиб топилган ҳалол мол эмас, деган овозалар юрарди. Аммо Рустам тез-тез шу борада сўз очиб, мени пул-мол қизиқтирмайди, сўфиларнинг бахтли, тинч ҳаёт тарзига эришиш учун шаҳар ҳаётини, унинг кайфу сафосини ташлаб кетиш ниятидаман, деб таъкидлашни яхши кўрарди. У завқ билан ўзини жаҳонгашта файласуф, ҳаққа эришмоқ учун риёзат чеккан шайх, элга панду насиҳат қилиб, одамларни ҳидоятга бошлашга қодир дарвеш сиймосида тасаввур қиларди. Шундай онларда унинг гўзал чеҳраси хаёлчан бир ҳолатга кирар, бугдой ранг юзлари оқарар, гўё қўлида асою устига жанда кийган дарвешдек, кўзлари узоқ уфққа термилар эди.

Уртоқлари унга қараб кулишса ҳам, уни ҳурмат қилишарди. Оталарининг савдо ишларини қолдириб, қаландар жандасида шаҳарма-шаҳар кезиб, косиб ва деҳқонларга фалсафий ҳақиқат ҳақида ваъзу насиҳат қилиш улардан ҳеч бирининг ақлига сиғмасди. Бунинг учун бошқача бўлиб яралиш зарур эди, Рустам ана шундай бошқача яратилганлар жумласидан эди.

Рустам фалсафага шу қадар қаттиқ берилган эдики, у кунига бир неча бор устози ҳузурига келиб, у билан суҳбатлашар, ўз шубҳаларини айтар ёки китоб олиб кетарди.

Тўғри, унинг ҳовлига кириб энг аввал ичкарига — хотинлар турадиган томонга тикилиши Раҳматнинг назари эътиборидан четда қолмасди. Бироқ бу тасодифий ҳол бўлиши ҳам мумкин-да.

Эрталаб фалсафа дарси тугаши билан бўлажак ҳакимлар етиб келардилар. Шулар билан бир вақтда ҳовлига касаллар ҳам кириб келишарди.

Хусайн камбағалларни бепул даволаб, уларни шогирдларига кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланарди, холос. У ёш-

ларни шу тариқа ўқитар, яъни касалликни касалларни кўриш йўли билан аниқлар, сўнгра бу касалликнинг нишона ва сабабларини батафсил таҳлил қилиб берарди. Бадавлат одамлар ҳақимни уйларига чақирардилар. Хусайн шу ерларга ҳам шогирдларидан бир-иккитасини ёрдамчи тариқасида бирга олиб борарди. У ҳар бир тасодифдан ўз тажрибасини бойитиш ва ёшларга бирор нарса ўргатиш учун фойдаланарди.

Бўлажак ҳақимлар машғулотиغا Хусайннинг синглиси Гулнора ҳам қатнашиб турарди. Одобли, ақлли ва камгап бу қиз акаси учун жуда яхши ёрдамчи бўлиши муқаррар эди. Эркак ҳақимлардан ийманиб, ўзларини кўрсатмаслик натижасида кўп аёлларнинг ҳалок бўлаётганликлари туфайли Хусайн Гулнорага кўпроқ хотинлар касалини ўргатишга уринарди. Аёл касалларни кўриш чоғида Гулноранинг ҳозир бўлиши асрлар давомида тарбия топган хотин уятчанлигини енгишга ёрдам қиларди.

Машғулотларда Гулнора ўзини ҳамиша йигитлардан четроқ тутишга ҳаракат қилар, акасидан бошқа ҳеч ким билан гаплашмасди. Саволлари ҳам фақат дарсга тааллуқли бўларди. Гулноранинг одоб ва назокатига қарамай, унинг эркаклар жамиятида иштирок этиши машғулотга қандайдир тантанали тус берарди.

Ҳамма унга эҳтиром билан қарар, баъзи эркакларни кидан ҳам ўтиб кетган зеҳну закосига қойил қолишарди. Урта Осие халқларига энди сингиб келаётган хотинларга тубан бир махлуқ, ўйинчоқ деб қараш Гулнорага нисбатан сираям тўғри келмасди. У аёл либосидаги ўртоқ, дўст ва ҳамкор эди.

Аmmo ҳамма ҳам унга шу зайлда қарамасди.

Ўттиз беш ёшларга кирган корчалон аттор Ҳорун қизнинг келишган, сокин чеҳрасини ҳарир ҳижоб орқали кўриши биланоқ уни севиб қолганди.

Рустам ҳам муаллимнинг синглиси билан бир-икки учрашгандан сўнг табобатга майл кўрсатиб қолди. Энди у сўфиларнинг мақсадсиз кезишларини қатъий қоралай бошлади. Унинг эндиги шиори сўфи ўз панду насихати билан фақат руҳимизнигина эмас, танимизни ҳам даволаши лозим, деб тасдиқлашдан иборат эди. Рустам кун бўйи Хусайннинг ёнидан нари кетмасди. У фалсафа ва табобат дарсларига қатнашар, муаллими билан касалларни бориб кўрар, дори тайёрлашга кўмаклашар, кимёвий тажрибалар ўтказар, Хусайннинг топшириғи билан жон деб ҳар то-

монга чопар, хулласи калом оиланинг яқин кишиси бўлиб қолган эди.

Гулнорага кўнгил қўйишдан бошқа бутун кунни муаллим ёнида ўтказишга бу йигитни нима мажбур этди? Нима сабабдан у ёшликнинг енгил-елпи ҳузур-ҳаловатларидан воз кечиб, муккаси билан илм-фанга берилиб кетди.

Бу дастлаб Рустамдаги ҳамма эзгу ҳисларнинг бир йўла ловиллаши эди. Бу ростдан ҳам илмга интилиш, ўзаро мусобақа қувончи эди. Бу одатда ёшликда бўладиган катталарга эргашиш, Ҳусайнга бўлган эҳтиром ифодаси, у босиб ўтган йўлдан бориш, ўшанинг ўзидай бўлиш орзуси эди.

Бироқ тез фурсатда Рустам билдики, иккинчи Ҳусайн бўлиш учун унинг қобилияти кифоя қилмайди. У йигирма олти ёшга киргунча жуда кўп нарсаларни ўрганишга улгурган. Рустам ҳам бирданига фалсафа, табобат ва кимёга ёпишиб олган бўлса-да, бахтга қарши ҳаммасида Ҳусайннинг шогирди даражасидан юқори кўтарилмади. У ҳеч бир соҳада ўзига мустақил йўл очолмади. Шундан сўнг ҳасад кичкина қурт бўлиб унинг юрагини кемира бошлади. Ҳусайннинг ўзгаларга андак эътибори, бошқаларни заррача рағбатлантириши ўз эҳтиросларини ақлга бўйсундирилмаган Рустамга қаттиқ ботарди. Борди-ю, муаллимга баравар бўлиш унга насиб этмаса, ҳеч бўлмаганда у машғулотда, муаллимнинг уйида биринчи бўлиши даркор. Аммо Ҳусайн шогирдлари орасида кимнингдир имтиёзли бўлишини сира истамас эди.

Рустам ва савдогар болалари билан ўтилаётган фалсафа машғулоти интиҳосига ета ёзди. Ёш олим дарсга тааллуқсиз шарҳлардан эҳтиёт бўлиб, шогирдларини фалсафий фикр тараққиёти билан мунтазам ва аниқ таништирди.

Тўрт йигит ўзларини ақлий тараққиётнинг «учинчи босқичига» кўтарилгандай ҳис этдилар.

Аммо Рустам, мураббий биздан олий босқични, ўзликдан кечиб, фано бўлиш даражасини яширдикки, ноқис ақл билан бу босқичга кўтарилиб бўлмайди, деб кулиб юрарди.

Мақсуднинг катта ўғли Аббос бундан ранжиб, муаллимга арз қилди.

Рустам билан Ҳусайн орасида гап қочишининг биринчи сабаби шу бўлди.

Иккинчи сабаб бундан кўра жиддийроқ бўлиб, буниси Хусайнни Рустамга дарс беришдан воз кечиш даражасига келтирди.

Хусайн синган Ҳорунга ёрдам қилиш ниятида уни Устодга таништирди. Устод бу даврда ажойиб ранглар тайёрлаб, анча оёққа туриб олганди. Ҳорун унга шерик бўлгач, иккиси жаҳду жадал билан рангдан ташқари ҳар хил хушбўй ёғлар, упа-элик ва атриётлар ишлаб чиқара бошладилар. Ҳар иккиси ҳам иш биларманд, меҳнатсевар одамлар эдилар. Ҳорун карвонлар билан алақасёққа бориб, хушбўй нарсалар олиб келарди. Тез фурсатда уларнинг ишлари ривож топиб, аҳволлари анча яхшиланиб қолди.

Шунда Ҳорун, Хусайндан сўраб кўр-чи, сингласига совчи юборсам бўлармикан, деб Рустамдан илтимос қилди. Рустам Ҳоруннинг бу илтимоси ҳақида Хусайнга оғиз очмай, унинг номидан номуносиб даражада қатъий ва дағал рад жавоби берди.

Ҳорун аламини ичига ютиб юрса ҳам, муаллим билан учрашганда чидолмай, ўзига нисбатан илтифотсизликнинг сабабини сўради. Рустамнинг ўзбошимчалиги шу тариқа ошкор бўлиб, Хусайнни қаттиқ ранжитди.

Энди Ҳорунни хафа қилган Хусайн эмас, Рустам бўлиб чиқди ва Ҳорун аламини ичига ютмай, ўртоқлари орасида, бунақа одамни ўлдирсанг ҳам арзийди, ҳали у менинг қўлимга тушади, ўшанда таъзирини бераман, деб очиқ-ошкор айтиб юрди.

Ўртоқлари уни, барибир Гулнорага совчи юборишингдан ҳеч мурод ҳосил бўлмайди, деб юпатишларига қармай, у таҳдид қилишдан қайтмади.

Рустамнинг бахтига бир неча кундан сўнг Ҳорун қаёқ-қадир ғойиб бўлди. Орадан бир ой ўтгач, ўртоқлари кўп қийинчиликлар билан уни турмадан топдилар.

Хусайннинг обрўси уни қамоқдан озод қилишга сабаб бўлди, бироқ Ҳорунга шундай оғир айб қўйилган эдики, шўрлик савдогар дарҳол Урганчни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Таниш қози орқали Хусайн билса, унинг устидан чақимчилик қилиб хат ёзилган экан, хатда уни динга ҳурматсизлик, шаккоклик, маъжусийлар билан алоқа қилиш, фоҳишлик ва бошқа ғайри-шаръий ишларда айблашибди.

Бу воқеа Хусайннинг юрагида алам-ангиз, аммо ҳозирча ноаниқ шубҳа туғдирди.

Хоруннинг бошига тушган ташвишнинг сабабларини суриштиришга ҳозирча Хусайннинг вақти йўқ эди. Унга, Хорунни дўстлари пул билан таъминлаб, хавфсиз жойга жўнатишди, бу ишнинг тафсилотини аниқлашни Хусайннинг шогирди Аббос ўз зиммасига олди, деб хабар қилишди. Аббосга эса муаллим бемалол ишонса бўларди. Олимнинг ўзи бошқа ишлар билан шу қадар банд эдики, бош қашишга қўли тегмасди.

Хоразмшоҳ «Академия»сида муҳокама қилиш учун ёзаётган жуда кўп илмий рисоалари ва «Тиббий истилоҳлар лугати»дан бошқа Хусайннинг бошида янги катта илмий асар ёзиш фикри пайдо бўлди.

У жуда ёшлигида, биринчи дафъа фалсафа билан шуғуланган чоғидаёқ бутун фалсафа системасини мунтазам равишда ўзида акс эттирган бир китоб йўқлигидан афсусланиб юарди. У кўпинча, қани энди бутун фалсафани ўз ичига олган мукамал бир китоб бўлса-ю, топилиши қийин ҳар хил китобларни қидириб юрмай ўшандан ўқиб қўя қолсак, деб орзу қиларди. Тўғри, ал-Форобийнинг «Донишмандлик жавоҳирлари» номи асари мавжуд эди. Бироқ у қанча теран ва аҳамиятли бўлишига қарамай, у қадар мукамал ва содда эмасди. Энди бу мушкулотга Хусайннинг шогирдлари дуч келгач, у фалсафа фанининг ибтидо-сидан интиҳосигача ўз ичига олган мукамал асар ёзмоқчи бўлди, бунинг учун қадимий юнон файласуфи Фалесдан бошлаб ал-Форобийгача ҳамма файласуфларнинг фалсафий фикрларини муфассал баён қилиш ниятида эди. Мана шу фикр унга ором бермай қўйди. Бир неча ойдан буён у ёзилмажак китобнинг режасини ўйлаб, керакли адабиётларни тўплаб, ўқиб юарди. Юнон тилини чуқур билмаслик асл нусхалардан ўқиб ўрганишни қийинлаштирар, аммо ёш олим турли таржима ва шарҳларни бир-бирига таққослаб, уларнинг туб моҳиятини аниқлаб оларди.

Ниҳоят ҳамма нарса тайёр бўлди. Гўё сўзлар ҳам ўзи қуйилиб келадигандай туюларди. Бироқ ёзишга киришганда бу тайёр сўзлар қаёққадир қочиб кетди. Унинг миёсида пайдо бўлган уйғун фикрлар оқими бирдан ўз аҳамиятини йўқотди. Ёзишга чоғланган китоб шувалмаган иморатдай қулаб, уюлиб ётган ғишт ва тошга ўхшаб қолди. Хусайн тартибсиз ётган бу ғишларнинг қайси бирини қаерга қўйишини билмасди.

Бошқа мутафаккирларнинг одам ва оламнинг мавжудияти сабаби ва мақсади ҳақидаги, одам идрокининг табиати, коинотнинг тузилиши ва истиқболи тўғрисидаги фикрларини баён қилиш билан чеклана олмаслиги тобора равшан бўлиб борарди. Бу масалаларни изоҳлашда ўз қарашларингни айтмасдан ўтиб бўлмайди. Хўш, нимадан бошлаш лозим?

У хонтахта олдида ўтириб, деразага қараб хаёл суради. Олдида бирор ҳарф ёзилмаган тоза қоғозлар. Хусайннинг юрагида шубҳа пайдо бўла бошлади. Бу улуг ишнинг қўлидан келармикан? Назарида у ҳеч қачон ўз фикрларини ўзгаларга етарли даражада содда ва ишонarli қилиб беролмайдигандай. Бирдан пайдо бўлган ишонchsизлик шу қадар кучли эдики, у ноумид бўлиб бу ишдан тамом қўл силташи мумкин эди. Қўшни хонада, ҳеч нарсадан шубҳаланмай, қандайдир хўжалик иши билан машгул Раҳматга ҳавас билан қарарди Хусайн.

«Шундан сўрасаммикан-а?— паришонлик билан ўйлади у.— Ахир у бир неча бор менга қўл келган эди-ку. Эҳтимол ҳозир ҳам ёрдами тегар...»

Ёш олим шу ондаёқ кулимсираб қўйди — у жуда яхши билардики, Раҳмат эмас, қайта-қайта ўйлаган, гўё мантиқий, табиий равишда қоғозга тушиши лозим бўлган фикрларини унинг ўзи ифода этиши даркор. Ўз китоби билан фалсафий фикр тарихининг руҳонийлар тарафидан туманлаштирилган тўғри йўлини очиш, уни диний, хурофий сафсаталардан тозалаш — унинг иши эди.

Хусайннинг диққати ошиб борарди. Нега бундай? Ахир у нима ёзишини биларди, қандай ёзишни ҳам биларди, фикр жавҳарини очиб беришни ҳам жуда яхши тушунарди. Бироқ, китобнинг дарвозаси бўладиган, қолган ҳамма фикрларни ўз орқасидан эргаштириши лозим бўлган жумлани тополмайди!

— Хусайн! — шикоятомуз хитоб қилди шу вақт Раҳмат. — Ишлаётганинг йўқми? Бир ўйлаб маслаҳат берчи, бир ярим дирҳамни қандай қилиб ўн кунга етказамиз?

Хусайн пешонасига уриб қўйди. «Демак, мендан бошқалар ҳам шубҳа азобида қийналмоқда экан!» У кулиб, қаламни давотга ботирди — боятдан бери тутқич бермай юрган фикрлар қўйилиб келмоқда эди.

Раҳмат анчагача жавоб кутиб турди.

— Ҳаяллаб қолдинг, дўстим! — жавоб берди Хусайн. — Мен ўзим сендан ёрдам сўрамоқчи эдим, аммо бир амал-

лаб сени бу ташвишдан қутқаздим. Энди менга халақит берма. Яхшиси якак тўнимнинг киссасига қўл солиб кўр, ўшанда бир неча дирҳам бўлса керак. Шулар мендан кўра яхшироқ маслаҳатчи бўлади...

10

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун саройига илгаригидек олимлар ҳафтада бир йиғилишар эдилар.

Одатда Ҳусайн бу мажлисга отлич борарди. Бугун андак бўш вақти бўлганидан пиёда боришга аҳд этди.

Ҳусайн ёшлигидан шаҳарда кезиб, унинг ҳаётига назар солиш, оломон ичига қўшилиш, халқ ва унинг меҳнатини кузатишни яхши кўрарди. Мана шундай сайру саёҳат ҳар сафар қандайдир бир янгилик келтириб, нимадир унинг ақли-ю, қалбига неъмат бағишларди.

Расталар орасидан ўтиб келаётган Ҳусайн бир тўда халқни тўплаб, оғиз кўпиртириб ваъзхонлик қилаётган маддоҳга йўлиқди. Оломонни ёриб ўтиш қийин эди. Ҳусайн ноилож тўхтаб, унинг сўзига қулоқ солди. У ҳар кун масжидларда айтиладиган гапларни бўғилиб такрорлар эди.

— Жаннат фароғати комил мусулмонларгагина насиб бўлади!— деб бақирарди маддоҳ.— Кофирларга қарши гозотга тайёрланинг! Ер юзидан бу нопокларни, бу бадкирдорларни йўқотинг!

«Мутаассиб!— ўйлади Ҳусайн ижирганиб.— Ўта мутаассиб! Сўнгги вақтда булар шаҳарда жуда ҳам кўпайиб кетди».

Тор йўлдан кетаётган олим гоҳ одамларга панду насихат қилаётган мулаларга, гоҳ ғайри-табiiй овоз билан бақириб турган қаландарларга йўлиқарди. Ҳусайн Бухорода бу дарбадарларни бу миқдорда, бу шаклу шамойилда учратмаган эди. Олайган кўзлар, ғайри-табiiй овоз, жанда, кулоҳ, мунчоқли ипларга осиб олинган қора кашкуллар... Буларнинг ҳаммаси одамни ваҳимага соларди. Илоҳий ҳислар туғениданми ёки ақлдан озибми, ҳарнечук, уларнинг жазавалари тутиб: «Оллоҳу акбар! Ё илоҳа иллаллоҳ Мухаммадан Расул оллоҳ!..» дея ўзларини уриб бақирганларида оломон даҳшат билан уларга қарарди.

Тўпланган одамларнинг бири қаландарларнинг кашкулига чақа ташлаб кетса, бошқалари қўлларига нон бериб ўтар эдилар.

— Қўлингизга қурол олинг! Кофирларга қарши жангга отланинг! Банияти газот деб майдонга кириг! Улган — шаҳид, ўлдирган — ғозий!..— деб бақирешарди қаландарлар.

«Ажабо, бизнинг хоразмликларга нима бўлди ўзи, нега улар бунчалик диндор бўлиб қолишди?»— кулимсираб ўйлади олим ва шу ондаёқ хаёлга ботди.

Ҳусайн фикран сўнгги йилларга назар солиб, кутилмаганда қуйидаги хулосага келди: ростдан ҳам халқнинг динпарастлиги, аниқроғи, унга ҳар хил диндор шахсларнинг таъсири сўнгги йилларда жудаям зўрайиб кетди. Саёқ муллалар ва қаландарлар Хоразм шаҳарларига, айтиқса Урганчга жуда кўп келадиган бўлиб қолдилар. Юзлаб одамлар уларнинг панду насиҳатларига амал қилиб, уларини ташлаб Ғазнага бориб, у дунёю бу дунёларини обод қилиш ниятида ғозий¹ бўлиб олдилар.

Олим бирдан тўхтаб қолди. Қандай қилиб у ишга бу қадар шўнғиб кетибдики, атрофида рўй бераётган воқеалардан беҳабар қолибди? Қандай қилиб у дарбадар қаландарларнинг кимнингдир қатъий иродаси билан йўлланган тарғиботчилар эканини пайқамай қолибди. Ахир, улар соғлом ва бақувват одамларни алдаб, бегона қўшин сафига тортмоқдалар-ку! Хоразм қишлоқларидан ишчи кучини тортиб олиб, мамлакатни заифлаштириб қўймоқдалар-ку! Улар мамлакатга нодонлик, мутаассиблик уруғини сеппиб, талончилик уруши, газотни мадҳ этмоқдалар-ку! Ҳусайн олға қараб юрарди-ю, лекин қаёққа кетаётганига эътибор ҳам қилмасди.

«Ҳаёт жуда тез, деярли кўз ўнгимизда ўзгариб борапти,— ўйлади Ҳусайн.— Сомонийлар, Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразм ҳукмдорлари ҳимоя қилган озод фикр — улар заволга юз тутгач, дин номи билан юритилган хурофот ва бидъатларга ён беради. Агар бу ҳол Хоразмда шу даражага етган бўлса, мусулмон руҳонийларининг маркази — Бухоронинг ҳоли не кечди экан?..»

Ҳусайн Бухоро руҳонийларининг, Сомонийлар ҳимоя этишга арзимаиди, деб қилган безбетликларини алам билан эслади.

Дарвоқе, бу ерда, Хоразмда ҳам аҳвол ундан яхши эмасди. У, фақиҳлар шўросида одатни шариатдан ажратиш ҳақида сал шама қилганда, мажлисда рўй берган жиддий қаршилиқни хотирлади. Сўнгги вақтда олимлар ўз

¹ Ғозий — ислом дини учун курашувчи.

мажлисларидагина эмас, одатда ислом ақидалари, расм-русумларига бепарво қарайдиган сарой арзандалари ҳам ўта эҳтиёткор бўлиб қолган эдилар.

Хусайн бозорнинг тинч расталарини оралаб бораркан, тўхтовсиз ўйлар, ўйларидан хулосалар чиқарар эди.

Уч аср муқаддам араблар ўзлари фатҳ этган ўлкаларга олиб келган ислом — ўткир ва ҳамма ерга кириб борувчи дин бўлиб чиқди. Ҳиндистондан Испаниягача миллионлаб мусулмонлар кунига беш мартаба ишларини ташлаб ибодатга тўпланадилар. Минглаб масжидларда оллоҳ ва унинг пайгамбари Муҳаммадга ҳамду санолар ўқилади. Ибодатхоналар фойдасига закот ажратмай туриб, бир тийин киссадан киссага ўтмасди. Агар Сомонийлар қаламравидаги ўлкаларда Арабистон, Кичик Осиё ва бошқа турк мусулмонлари яшайдиган мамлакатларга нисбатан диний асорат бир даража енгилроқ бўлса, ҳозир, афтидан, бу фарқ йўқолганга ўхшайди.

Хусайн кўнглида диний расм-русумларга ҳамиша танқидий қарарди. Қарматий оилада тарбияланиш ўз мевасини берди. Тўғри, у ҳеч қачон исломга қарши рўй-рост гапирмас, ҳамиша мана бу рубойида айтилган фикрга риоя қиларди:

Бу «доно»ларга сен бўлмоқчи эрсанг ҳамнишин, улфат,
Эшак бўлгил, эшаклик феълини ҳар лаҳза қил одат.
Уларнинг даврасида сен мабодо ажралиб қолсанг,
Ки яъни бўлмасанг эшшак, отинг кофир бўлул албат.

Диндорлар фаолиятидан кўз юмиб, қулоқларга пахта тиқиб, сарой олими унвони билан ўзини ҳимоя қилиб, бемалол ишлаш мумкин эди. Бироқ, Хусайн ҳозир ҳар қачонгидан кўра равшанроқ кўрардики, диний таъсирнинг кучайиши мамлакатнинг яна ҳам кўпроқ қотиб қолишига, халқни яна кўпроқ ҳуқуқсизликка, асоратга олиб боради. Гарчи у оқил ва мушоҳадакор бир шахс сифатида ҳанузгача бу борада ўйламаган эса-да, мусулмонлик ақидаларининг тубсиз ва илмий ҳақиқатдан йироқлигини, бу дин талқинлари ақидапарастликдан нари ўтмаслигини, ислом ҳар қандай озод фикрни бўғиб қўйишини кўпдан бери биларди.

Агар қўйиб берилса, руҳонийлар ҳаётнинг ҳамма соҳаларини босиб олишларини Хусайн ҳис этарди. Бу — илмининг ривожига, ҳар қандай тараққиётга хотима демак эди.

Нодонлик, мутаассиблик ва жаҳолат ҳужумига қаршилик кўрсатмоқ учун куч йиғиш зарур эди.

«Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун — ақлли одам, лекин ўта қўрқоқ,— деб ўйлади Хусайн.— У шайхул ислом ва руҳонийлар билан муносабатни бузишни истамайди. У мустақил бўлишни, динларга эркинлик беришни, илм-фанга ҳомийлик қилишни хоҳлайди, аммо шу шарт биланки, бу ҳеч кимга малол келмаса, бировнинг жиғига тегмаса. Агар олимлар бир кучга айланиб, муфтиям уларнинг фикри билан ҳисоблашадиган бўлса, у олимлар тарафида бўлади, аммо улар бирор нарсада янглишса, уларни сотиб юборади. Бизнинг олимларимиз орасида эса ҳаёт лаззатидан кечиб, илм-фанга бериладиган, унинг учун курашадиганлар жуда оз. Йўқ! Шунга эришиш зарурки, Хоразмшоҳ аллақачон Урганчга таклиф этган Абу Саҳл Масихий билан бирга ал-Берунийни ҳам чақирсин. Мана бу ҳаминша улуғ ишлар учун жон фидо қилишга тайёр одам! Ўсиб бораётган жаҳолатга қарши курашда мана шу одамгина таянч бўла олади!»

Энди Хусайн олимлар мажлиси ҳақида ўйлаб кетди. Бугун у ерда тантанали шароитда ал-Берунийнинг Журжондан хоразмшоҳга туҳфа қилиб юборган «Аждодларнинг излари» номли ажойиб асари муҳокама қилинади. Мусофирликда юриб, ватанини соғинган қувғинди олим ярашиш учун биринчи бўлиб қўл чўзганини ҳамма тушунарди.

Шу муносабат билан Хусайн катта нутқ тайёрлаб, унда Хоразм олимнинг асарига юксак баҳо берди. Ҳозир у шу нутқнинг охирини ўйлаб кетди. Унинг охири ал-Маъмунга мурожаат тарзида бўлиб, Хоразмнинг улуғ фарзандини ватанига чақириш, унинг учун уламолар мажлисининг эшикларини очишга даъват қилишдан иборат бўлмоғи керак.

Эҳтимол, хоразмшоҳнинг жаҳди чиқар, чунки ал-Беруний ҳанузгача ҳозирги хоразмшоҳнинг отаси тахтини тортиб олган Қиёт ҳукмдорларига содиқ ҳисобланарди. У Журжонда ҳам ана шу қулаган сулоланинг иттифоқчиси Қабус ибн Вушмагирникида яшарди. Нима бўлса ҳам, Хусайннинг виждони, олимнинг виждони бу қувғиндини қайтариш ҳақида рўй-рост гапиришни талаб қиларди.

Ўз фикрлари билан банд Хусайн Урганчнинг тўғри саройга олиб борадиган серҳашам кўчасидан чиқиб кетганини ҳам сезмади.

Бу ер ҳамиша гавжум бўларди. Чунки кўчани иккига ажратган майдоннинг бир ёғида масжиди жоме, унинг рўпарасида ошхона ва карвонсарой бор эди.

Олаговурга эътибор қилмай, Ҳусайн илгари қараб юрди. Қаршисидан тўхтовсиз пиёдалар, суворийлар, арвалар, орқадан эса аср намозига ёки ўйин-кулги учун шошилиб, карвонсаройга кетаётган йўловчилар келишарди.

— Кўчада ҳаракатнинг кўплиги Ҳусайнни ҳушёр тортишга мажбур этди. Шунга қарамай, одамларнинг нима учун бир тарафга қараб ёпирилиб кетаётганини сезмай қолди. Шу тарафдан фарёд, қичқириқ овози келарди. У оломон ичидан одамларни икки томонга ёриб, икки суворий чиққанини, семиз отларнинг сағрисига қамчи босиб, қушдай учиб кетганларини кўрди, холос. Чанг осмонга кўтарилиб, бир зумда суворийлар кўздан ғойиб бўлишди. Чанг бир оз босилгандан кейин Ҳусайн тўпланиб турган оломон олдига борди.

— Нима бўлди?— сўради у.

Бекорхўжалар яхши либос кийган олимга дарров йўл беришди.

Ерда юз тубан тушиб, қўли остида қайрилган, қора либос кийган новча, қотма одам ётарди.

— У четга чиқишга улгуролмади,— тўпланганлар шоша-пиша тушунтира кетдилар,— бир от уни йиқитди, иккинчиси сакраганда туёғи тегиб кетди. Тирикми, ўликми, билмаймиз...

Ҳусайн ерда ётган одамнинг устига энгашди.

— Кийимларингизни ифлос қилманг, жаноб,— қичқиришди одамлар,— уни ўзимиз кўтарамиз! Либосларингизни булғаманг.

— Мен ҳақимман,— деди Ҳусайн азобдидани оҳистагина бир ёнига ағдаришга уриниб.

Бир неча киши унга кўмаклашишга ошиқди. Бир четда бу манзарани кузатиб турган салобатли шайх рўпарадаги эшик олдида турган хизматкорга қараб, деди:

— Хўжайиндан сўра-чи, бу бояқишни ҳовлига олиб киришга рухсат берармикан? Бир мусулмоннинг кўчада ўлиб қолиши яхши эмас-ку!..

Хизматкор жавоб ўрнига дарвозани катта очиб қўйди.

Тўрт киши касални олиб кириб, астагина дарахт остидаги супага ётқизишди.

Ҳовли бадавлат одамга қарашли бўлса керак. Катта деразалар ойнавандлик бўлиб, уйнинг бир томони жимжи-

мадор гулхонага туташганди. Ҳовли ўртасидаги фавворадан бир текисда отилиб чиққан сувнинг кумуш зарралари кечки шафақда ҳар хил товланиб, мармар ҳовузга тушар, унда сузиб юрган олтин балиқларнинг ўйинига мусиқа ва-зифасини ўтарди.

— Бу ҳовли кимники?— қизиқсинди Ҳусайннинг орқасидан кириб келган шайх.

— Хўжайинимиз савдогар эдилар. У киши ўтган йил вафот этдилар. Энди буларнинг ҳаммаси у кишининг бева хотинлари билан қизчаларига қарайди.

— Ўғиллари йўқмиди?— қизиқсинди шайх.

— Биттагина қизлари бор.

— Эй, аттанг! Шунча нарса бекор совурилар экан-да.

— Йўқ, совурилмайди,— ғудурлади хизматкор ва Ҳусайн ҳушсиз касални текшириб ётган супага қараб кетди.

Дастлабки текширишлардан ҳақимга маълум бўлдики, ваҳима қиладиган ҳеч бир кор-ҳол рўй берган эмас. Юрак ҳамма ҳушдан кетганларники сингари секинроқ уриб турибди. Қўл-оёқ бутун.

Афтидан, касал шунчаки лат еганга ўхшайди. Хизматкорлар совуқ сув, латта ва бир оз илиқ шароб олиб келишди, ҳақим дарҳол касални ҳушига келтирди.

У кўзини очган ҳамон хижолат ичида ташаккур айтди, Ҳусайнга, уни кўтариб кирган хизматкорларга, нима учундир ўзининг бош халоскори деб ўйлаган салобатли шайхга қараб:

— Раҳмат, биздан қайтмаса худодан қайтсин,— деб қуллуқ қилди.

Касал қаттиқ қўрқиб, фақат бир-икки жойи кўкаргани аниқлангач, Ҳусайн хотиржам бўлиб, ёш жория олиб келган жомга қараб қўл ювгани кетди. У нечундир ҳақим ишлаб турган супа ёнида эмас, деразаларнинг бири олдида кутиб турарди. Жория чиройли хитой кўзачасидан сувни шундай секин қуярдики, йигит анча ҳаяллаб қолди. Ниҳоят у муаттар, ҳарир сочиқни қўлга олганда ҳовлидаги одамларнинг ҳаммаси чиқиб кетганди.

Ҳусайн қизга ташаккур айтиб, эшикка қараб юрди. У ерда хизматкор бир қўлида Ҳусайннинг яктак тўнини, иккинчи қўлида эзилган, қат-қат қилиб тахланган қандайдир бир хатни ушлаб турарди.

— Ростдан улуғ табиб экансиз,— деди эҳтиром билан хизматкор,— бу касални шундай тез тузатдингизки, ҳазрати Азроил жонини олишга улгуролмай қолди!..

— Биз ҳазрати Азроил билан мусобақа қилганмиз,— деди Ҳусайн ҳазиллашиб,— айтишингиздан, бу гал мен ютганга ўхшайман.

— Рост айтасиз, рост,— деб тасдиқлади хизматкор Ҳусайнга тўнини узатиб. Ҳусайн тўнини елкасига солиб кетишга ҳозирланганда,— хатингизни унутманг, жаноб,— деб қолди хизматкор.

— Бу хат меники эмас.

— Сизники, тақсир. Мен уни чопонингизнинг ёнидан топдим.

Ҳусайн хатни қўлига олиб айлантириб кўрди. Бир неча бор қатланган қоғозга муҳр босилган. Лекин ҳеч қандай ном йўқ. Хатни очиб ўқишга олим уялди.

— Эҳтимол бу хат менга эмас, уйнинг эгасигадир.

Хизматкор кулиб юборди.

— Бизнинг хўжайинимиз йўқ, кексайган хотинлари ҳеч ердан мактуб олмайдилар.

— Шундай бўлса ҳам сиз хатни у кишига бир кўрсатинг.

— У киши ҳозир шаҳарда эмаслар, эртага қайтадилар.

— Хат сизда турсин. Агар бугун ҳовлига кирган кишилардан ҳеч бири уни суриштириб келмаса, уй бекаси хатнинг ўзига тегишли эканини тан олмаса, у ҳолда менга олиб боринг. Менинг уйимни топарсиз деб ўйлайман.

— Мен сизни биламан, жаноб, қаердан қидиришни ҳам биламан.

Одамлар ёрдам сўраб Ҳусайнга тез-тез хат ёзиб турардилар. Агар бу воқеа ўз уйида рўй берганда у сираям таажжубланмас эди. Аммо бу ерда...

Ҳусайн дарвозага қараб юриши билан бояги қиз уйдан чопиб чиқиб, уни тўхтатди ва хизматкорни нари жўнатиб, муддаога кўчди.

— Кичкина хоним сизни деразадан кўриб қолибдлар,— деди у ҳансираб туриб,— у киши сиздан шу кунни унутмасликни сўраб мана бу ёдгорликни бериб юбордилар.— Қиз шошилганча Ҳусайннинг қўлига тугунчани тутқазиб, чақнаган кўзлари билан бир қия боқди-да, арзон, ялтироқ тақинчоқларини жаранглатиб чопиб кетди.

Ҳусайн кўчага чиқиб тугунчани очди. Ундан хитойи шоҳи дастрўмолу фируза нақшли кумуш билагузукнинг эндигина синдирилган бир бўлаги чиқди.

Ҳусайн йигирма етти ёшга киргунча хотинлар оламига эътибор қилмаганди. У билган аёллар ё чўрилар, ё озод



севги фаришталари эдилар. Бутун вужуди билан ишга берилиб, у хотин, оила масалалари устида бош қотирмаган, Хоразмнинг муътабар оилаларидаги қизларга назар ҳам солмаганди.

Ҳозир рўмолча ва билагузук воқеаси билан унинг юрагида шундай севги, бахт ташналиги пайдо бўлдики, уни на фан, на иш қондира оларди.

Саройгача қолган озгина йўлдан у юриб эмас, учиб кетди ва қандайдир эзгу ҳаловатдан гул-гул очилиб, мажлислар хонасига дадил кириб борди.

11

Ҳусайн Жаъфарни жуда севиб қолди. Бола учун ҳам унинг тутинган акаси ва мураббийси энг ажойиб одамлардан бири эди. Ўзининг банд бўлишига қарамай, Ҳусайн ҳамиша унинг учун вақт ажратарди. Ҳусайн шөгирдларига табобатдан дарс берганда Жаъфар комил ҳуқуқ билан кириб тинглар, бундан ташқари, улар ҳар кун саҳарлаб бир-икки соат алоҳида машгулот ўтказардилар. Ҳаким касалларни кўргани борганда тез-тез Жаъфарни ҳам бирга олиб борадиган бўлди. Ҳозир ўн икки ёшга кирган Жаъфарнинг муваффақияти Ҳусайинни қувонтирарди. Чунки бу ақл, зеҳн ва заковат бой болалари билан камбағал болаларида бир хил эканини яққол кўрсатиб турарди. Жаъфарнинг заковати уни ўзи билан ўқиётган савдогар ва мансабдорларнинг болаларидан анча юқори кўтариб қўйди.

Жаъфар очиқ кўнгил эди, у Ҳусайнга ўз ишлари, ўқишлари ҳақида ҳамиша гапириб юрарди. Аммо бир сири ҳам бор эдики, буни ҳатто суюкли акасига ҳам айтмаганди, йўқ, айтолмаганди.

Бундан бир ярим йиллар муқаддам Жаъфар боғда ўйнаб туриб, бехосдан тўпини қўшни ҳовлига тушириб юборди. Девор жуда баланд бўлиб, ундан нарвонсиз ўтиб бўлмасди. Боланинг ўткир кўзлари пастда, буталар ўсиб ётган жойда кичик бир тешикни кўриб қолди. Уни кенгайтириб, қарши томонда ҳам ўсиб турган аллақандай буталар орасидан чиқиш ҳеч гап эмасди.

У кириб қолган ташландиқ ҳовлида сас-садо эшитилмасди. Нарироқдаги ярим вайрона уйда тирик жон йўқ деб ўйлаш мумкин эди. Жаъфар атрофга назар солиб, ўз тўпини кўрди-ю, ўшанга ташланди.

— Ҳой бола, кимсан? Қаердан келдинг?— заиф овоз эшитилди қўққисдан.

Жаъфар атрофга аланглаб, катта чинор тагида юзини ажин босган озгин мўсафид турганини кўриб қолди. Унинг кул ранг чопони шундай жулдур эдики, худди ўзи тагида турган чинорнинг пўстлогига ўхшарди.

— Мени кечиринг, бобо,— гудирлади бола,— тўпим...

— Бу сенинг коптогингми? Мен уни олиб девордан ошириб ташламоқчи эдим,— деди олижаноблик билан чол.

— Энди сизни сираям безовта қилмайман, бобо,— афв сўради бола хижолат тортиб деворга тисариларкан.

— Дада, ким билан гаплашяпсиз?— жаранглаган овоз эшитилди шу пайт. Дарчадан саккиз ёшли қизчанинг чеҳраси кўринди.— Вой, ўғил бола-ку,— хитоб қилди у.— Қаердан келибди? Ҳой бола, отинг нима?

Дераза катта очилиб, у ердан озгин, сочлари узун, кўзлари сузгин ёқимтой бир қизча кўкатлар устига сакраб тушди.

— Бу тўп сеникими? Мунчаям яхшийкан! Бир куни энагам мэнгаям тўп ясаб бергандилар-у, жуда кичик эди, ҳадеб юнглари тўкилаверарди. Мен билан бир оз ўйнагин! Ҳеч бўлмаса бирпасгина ўйна! Майлими, дада?— у болани кўриб қувонган эди, у билан чопиб-чопиб ўйнагуси келарди, шунинг учун боёқшиш қизча бирам ёлворардики, дастлаб қош-қовоғи тушиб турган чол маъқул ишорасида бош силкитиб қўйди.

— Сен менга айтмадинг-ку, отинг нима?— яна гапга киришди қизча.

— Отим Жаъфар. Сеники-чи?

— Менинг отим Райҳона. Ойим Лола деб чақирадилар. Сенга қайсиниси ёқса, ўшани айтавер.

— Райҳона? Мен бунақа отни сира эшитмагандим...

— Мен сени танийман! Сен ойимни тузатган ҳақимнинг ўғлисан. Боғларингда жудаям чиройли бир хола бор, оти Гулнорабону.

— У акам Ҳусайннинг синглиси. Сен уни қаердан биласан?

— Кичкиналигимда бизникига келган эдилар. Кейин ўриikka чиққанимда кўрувдим, сени ҳам ўшанда кўрганман. Ўшандан бери сен билан ўйнасак деб юардим. Менинг жудаям ўйнагим келади. Яхшиям сен келиб қолдинг. Дадам билан ойим мен билан ўйнашмайди. Энди ҳеч зерикмайман. Ахир сен келиб турасанку-а? Ҳадеб ўқийвераман.

Бунақада ҳар ким ҳам зерикади-да. Сен ҳам доим ўқийсанми?— қизча ниҳоят ўз тенгқурини топгани учун қувнаб-қувнаб кулар, тўхтовсиз гапирар, севинганидан терисига сиғмасди. *с*

Чол ўзаро қувноқ суҳбатлашиб турган болаларга ғамгин назар соларди. Охири қизчани бир баҳона билан уйга жўнатди-да, Жаъфарнинг елкасидан қучиб, гап бошлади.

— Қулоқ сол, болам! Ҳар куни Райҳонанинг олдига келиб ўйнаб кетсанг мен қувонардим, албатта. Боёқиш дугона ва дўстларсиз жуда зерикади. Унинг ҳаётида қувонч жуда кам. Аммо мен баъзи нарсаларни сенга айтишим керак, болам. Сен менинг сўзларимни тушунишга қобилсан, албатта. Биз қувғиндимиз. Бизнинг бу шаҳарда яшашимизга тоқат қилишолмайди. Гўё биз вабо касалига йўлиққандай ҳамма биздан ўзини олиб қочади, ҳолбуки биз ҳеч қандай ёмонлик қилмаганмиз, бировга зараримиз тегмаган. Сенинг аканг катта олим ва олижаноб одам. Мен ундан шу қадар кўп яхшилик кўрдимки, унга ҳаётимни берсам ҳам бу қарздан қутулолмайман. Биз билан бордикелди қилиш эса унинг бахтсизлигига сабаб бўлиши мумкин. Битта-яримтаси чақимчилик қилса, хоразмшоҳнинг назаридан қолиши ҳеч гапмас. Аканг бунга зарурат қолмаганда ҳам бизникига келиб-кетиб турмоқчи эди. Аммо мен йўл қўймадим. Шунинг учун, гарчи Райҳона билан ўйнайдиган болалар йўқлиги ўзимга алам қилса ҳам, сенинг келиб-кетишингга рухсат беролмайман...

— Ундай бўлса,— тортинибгина эътироз этди бола,— бугун келган йўл билан келиб тураман. Унда менинг келганимни ҳеч ким билмайди. Бу ерга келганимни ҳеч кимга, ҳатто акамга ҳам айтмайман.

— Хайр, майли, билганингни қил, азизим,— деди чол хаёлга ботиб.— Райҳонага жуда раҳминм келади...

Ошналик шу тариқа дўстликка айланди. Жаъфар ҳам Райҳона сингари чолни севиб қолди.

Ўз вақтида Ҳусайн пайқагандек Жаъфар ҳам тездан билдики, қария улуғ олим экан. У кекса Ҳасандан кўп ажойиб нарсаларни билиб олаётганини бир неча бор акасига айтмоқчи бўлди. Улар бир-бирларидан хурсанд бўлишларини ҳис этиб, акаси билан чолни учраштиришни кўп мартаба ўйлаб ҳам кўрди. Бироқ вақт ўтар, бола эса ваъдасига мувофиқ хомуш юрарди.

Бу сир кутилмаганда ошкор бўлиб қолди.

Аллақачон вазирнинг шахсий котиби лавозимига кўтарилган Маҳмуд хоразмшоҳнинг топшириғи билан олимлардан Абу Саҳл Масихий ва ал-Берунийни Хоразмга таклиф қилиш учун Журжонга бориши лозим эди. У сўнги оқшомни акаси ҳузурда ўтказмоқчи бўлди, шунинг учун укаси келгунча Ҳусайн яна бир неча касални кўриб улгуриш ниятида одатдагидан барвақтроқ уйга қайтди. Уйда Жаъфар кўринмагач, боққа чиқди, чунки бола шу ерда китоб ўқиб ўтиришни яхши кўрарди.

Боғ тантанали сукунатда эди, бундай ҳол одатда кузда, табиат ўз бурчини ўтаб, қишни кутганда бўлади. Осмон ёздагига қараганда узоқроқ, яна ҳам мовийроқ кўринар, фақат ҳавода сайр этган мезон қаерга тушишини билмай, боши оққан томонга сузарди. Ҳусайн овоз чиқариб бу сасизлик салтанатини бузгиси келмади, болани бирор дарахт остидан топиш умидида кетаверди.

Тўсатдан буталар орқасида эшитилган кулги ва енгил оёқ товушидан сергакланиб тўхтади.

— Мени ушлаб олмагунингча китобни бермайман, Жаъфар,— деган қўнғироқдек овоз эшитилди ва шу он бир қизча йўлакка чопиб чиқди. У Ҳусайнни кўриб тўхтади, уялганидан одмигина кўйлагининг енглари билан юзини бекитиб олди.

— Китобни бер, Райҳона!— Жаъфарнинг жаҳл билан хитоб этгани эшитилди-ю, сал ўтмай буталар орасидан ўзи чопиб чиқиб, акаси Ҳусайнга дуч келди ва қип-қизариб ерга қаради.

— Райҳона?— такрорлади олим қизчага яқинлашиб, унинг юзини беркитиб турган қўлларини бир четга тортаркан,— Райҳона? Бу оппоқ қиз қаердан келиб қолди?— қизнинг юзларига термилиб туриб сўради Ҳусайн.

— Мен Ҳасан отанинг қизиман,— жавоб берди у.— Ҳозир кетаман, сизга халақит бермайман.

— Сен менга сираям халақит бермайсан,— эркалаб жавоб берди у,— бизникига келганинг жуда яхши бўлибди. Мен хурсандман. Бироқ қўшнимизнинг қизининг оти Лола эди, шекилли.

— Кичкиналигимда ойим Лола деб юрганлар, асли отим Райҳона.

— Мен бугун дадангнинг олдига кираман, Райҳона,— қатъият билан деди Ҳусайн.— Албатта кираман. Ҳозир эса шошилишга тўғри келади, Жаъфар. Сен билан мени касаллар кутиб турибди...

— Бизнинг улуг хоразмшоҳ, назаримда, сиздан жуда мамнун кўринади,— деди Маҳмуд акасининг хонасига кириб.— Менимча у кўпдан буён ал-Берунийни қайтариш ниятида бўлса ҳам, бу фикрни ошкор айтишга ботинолмай келарди.

Хусайн бош кўтариб, ёзаётган хатини бир четга сурди-да, таажжубланиб укасига қаради.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг,— изоҳлаб кетди у,— ўз фуқароси, чор атрофда донг таратган ажойиб олим унинг «Академия»сида бўлмай, гурбатда яшашни афзал деб билишига шоҳ қандай тоқат қилсин? Бизнинг Маъмун бошқа хислатлари билан бир қаторда хўжалик ишларига кўзи етадиган одам. Бирор қимматли нарсанинг қўлидан чиқиб, бошқаларнинг қўлига тушишига тоб-тоқати йўқ. Назарида ўзининг «хусусий мулки» ҳисобланган ал-Берунийнинг бошқа ҳукмдорнинг шон-шуҳратига сабаб бўлиши унинг уйқусини ўчириб юборади. Ўз обрўсини туширмай, уни Хоразмга қайтариш шоҳнинг фикру зикри эди, албатта. Сиз уни бу ўнғайсиз вазиятдан қутқардингиз. «Академия»да Берунийнинг «Аждодларнинг излари» асари муҳокама этилганда сизнинг оташин нутқингиз ҳаммани тўлқинлантириб, хоразмшоҳга ёрдам қилди. Энди Берунийнинг Хоразмга таклиф этилиши гўё унинг ўз хоҳиши билан эмас, машҳур сарой олимининг рўй-хотири учун қилинган илтифотдай туюлади.

Хусайн кулиб юборди.

— Майли, сен айтгандай бўлсин! Шоҳ илтифотининг замирида нималар борлиги хусусида тортишиб ўтирмаймиз,— кулимсиради Хусайн.— Энг муҳими шуки, биз ғалаба қилдик. Мен Беруний учун беҳад мамнунман. У гурбатда жуда зериккан эди. Ниҳоят ватанига қайтиш имкони туғилди. Сирасини айтганда, бунинг Хоразм учун ҳам аҳамияти зўр. Урганчда ҳақиқий олимлар кўпми? Шу кунда улар жуда зарур. Ҳаётнинг ўзи риёзиёт, жаррул асқол, илми ҳайъат, кимё ва табиёт ҳақидаги билимимизни кенгайтиришни қатъий талаб қилмоқда. Бунинг ўрнига, кўр-япсанми, сўнги вақтларда руҳонийлар бош кўтармоқдалар. Ҳамма масжидларда оғизларидан кўпик сочиб, илм-фанга қарши ташвиқот қилмоқдалар, ҳамма олимларни даҳрийга чиқариб, динни мадҳ этмоқдалар. Улар ўз тўрларига шоҳни тушириб олмоқчилар, қора халқни қўрқитиб, мутаас-

сиблик, жаҳолат уруғини сепмоқдалар. Уларнинг ҳайқириқ ва таҳдидларидан илм-фанни юракдан севиб ҳурмат қилувчилар ҳам ҳайқииб қолишди. Сездингми, улар қандай эҳтиёткорлик билан дудмал қилиб гапирадиган бўлиб қолдилар? Мана шу чоғда олимлар ўз эътиқодларини дадил ҳимоя қилиб чиқишлари, теварагимизда қуюқлашиб бо-раётган зулматни тарқатиб юборишлари зарур. Беруний — ҳақиқий курашчи. Унинг орамизда бўлиши, унинг мард-лиги сафларимизни мустаҳкамлайди. Унинг ёрдами билан биз қоронғилик, жаҳолат ва мутаассибликка қарши жанг-га кирамиз.

— Назаримда ҳозирги аҳволнинг соя томонларига ор-тиқча баҳо бераётганга ўхшайсиз,—эътироз этди Маҳ-муд.—Имомлар, руҳонийлар ҳаминша фанга қарши чиқиб келганлар. Бу улар учун ҳаётий зарурат. Кўр-кўрона эъти-қод уларни ҳам тўйдиради, ҳам кийинтиради. Агар қавм-лари масжиддан совиб қолса — уларнинг киссалари бўшаб қолади.

— Сен ҳақлисан, албатта! Бироқ нега улар ҳозир бун-дай жону жаҳд билан ва ҳамжиҳат бўлиб ҳужумга кириш-ди? Буларга кимдир четдан далда беряпти деб ўйламай-санми?

Маҳмуд ишонқирамай кулимсиради.

— Ким? Бағдод халифасига ҳозир Хоразм ишларига аралашидан ҳеч қандай фойда йўқ-ку!

— Руҳонийларнинг орқасида бошқалар, бу ерда фитна кўзгаб, давлатни заифлаштириб, сўнгра осонлик билан уни босиб олишни ўйлаганлар бор.

— Сиз Маҳмуд Ғазнавийни кўзда тутиб гапиряп-сизми?

— Ўшани албатта! Наҳотки билмасанг: унинг тушига ҳам Хоразмни забт этиш киради.

— У Ҳиндистонга қарши уруш тайёргарлиги билан овора-ку. Ўлжа ҳам у ерда кўпроқ.

— Йиртқичнинг иштаҳаси чегарани билмайди. Дарво-қе, муллаларнинг ғазотни мадҳ қилишлари ҳам бежиз эмас. Шу туфайли Хоразмнинг минглаб ўктам йигитлари ҳинд юришига қатнашиш ниятида Ғазнага жўнаб кетишди. Айтгандай, менинг қўлимда султон жосуслари Урганчда-ги ҳар бир воқеани кузатиб, бизнинг ишларимизга арала-шаётганини кўрсатувчи далил ҳам бор.

— Қандай далил? — қизиксиниб сўради Маҳмуд.

Ҳусайн чўнтақларини қидириб, кир ва эзилган бир

қоғозни олиб укасига узатди. Бу хат ҳаммаси бўлиб ўн сатрдан иборат эди. Бироқ уни ўқиши билан Маҳмуднинг юзларида ташвиш аломати пайдо бўлди.

Мақтубнинг мазмуни ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмасди. Унда жосусга, юборилган пуллар шоҳнинг атрофини ўз кишиларимиз билан ўраб олишга сарфлансин, саройда юз берган воқеалар синчиклаб текшириб борилсин, деб кўрсатма берилганди. Бундан ташқари, унга сарой масжидига янги тайинланган имом билан алоқада бўлиб, у тўплаган маълумотларни хат муаллифига юбориш топширилган.

— Бу хат қандай қилиб сизнинг қўлингизга тушди?

Хусайн йўлда от йиқитиб кетган одам ва унга тиббий ёрдам кўрсатгани ҳақида сўзлаб берди.

— Эҳтимол жосус ўшанинг ўзи бўлиб, хат унинг кисасидан тушиб қолгандир. Агар у хатни йўқотиб қўйганини пайқаганда ҳам, эслатиб ўтирмай, тезроқ қочишга ҳаракат қилиши турган гап. Мен хатни уй эгаларидан бирортасига тааллуқли деб, уни уй бекасига топширинглар, деган эдим. Бека хатни менга юборибди, чунки у ҳовлида яшовчиларнинг ҳеч бири хат йўқотмаган экан. Хатни ўқи-гач, унинг кимга тегишли экани ҳақида бирор ишорат чиқар деб ўйлагандим. Мана ўзинг ҳам кўриб турибсан, унда ҳеч қандай ишора йўқ.

— Бу хат Султон Маҳмуднинг қидирув ишлари бошлиғи Алиф Ҳиротийдан эканига ҳеч шубҳа йўқ. Вазир кўпдан бери, унинг айғоқчилари Урганчда тўлиб кетган, деб гумонсираб юради. Ҳар эҳтимолга қарши бу хусусда вазирни хабардор қилиб қўйиш лозим. Хатни менга берасизми?

— Марҳамат, ола қол! Бироқ, ҳатто Суҳайлий ҳам Султон Маҳмуд жосусларига қарши бирор чора кўришга ҳайиқади деб ўйлайман.

— Буларнинг бари ал-Берунийнинг келиши жуда ҳам зарур эканини кўрсатиб турибди. Бошқа ҳар қандай одамга қараганда у шоҳнинг кўзини яхшироқ оча олади, унга таъсир эта олади. Бироқ бирдан унинг фикри ўзгариб, бу ёққа келишга кўнмайдими деб қўрқаман.

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Биринчидан, мен унга муфассал хат ёзиб, унинг бу ерга келиши зарурлигини айтаман, сен бу хатни унга топширасан, иккинчидан, Урганчда унинг учун қизиқ янгилик бор. Яна қанақа янгилик де? Унинг хотини ва қизи топилди. Қаердан дегин?

Мана бу деворнинг орқасидан,— Ҳусайн қўли билан боғнинг нари бурчига ишора қилди.— Улар бизнинг қўшнимиз, хатда бу ҳақда ёзаман, аммо ҳамма гапни қоғозга ишониб бўлмайди. Шунинг учун қолган тафсилотни ўзини айтиб берасан. Бу хабардан унинг қандай қувонишини тасаввур қиламан. Ахир у бутун оиласини ҳалок бўлган деб юради. Мактубларнинг бирида: «Хоразмда мени ҳаётга ундаган ҳамма нарсани йўқотдим»,— деб ёзган эди. Энди бу хабар унинг қайғуларига хотима беради.

— Гапларингиз, охири мурод-мақсадларига етишди, деб тамом бўладиган эртакка ўхшайди,— деди Маҳмуд кулимсираб,— унга бу янгиликни етказиш мен учун жуда кўнгилли. Хушxabар билан одамларни қувонтириш элчиларга камдан-кам насиб бўлади. Энди бу воқеани менга батафсил ҳикоя қилинг.

— Охири бахайр бўлар деб ўйлайман, аммо эртакнинг ўзи жуда ҳам алам-ангиз,— жавоб берди Ҳусайн.— Афсуски биз буни илгарироқ билмабмиз. Урганч амири, ҳозирги хоразмшоҳнинг отаси шаҳарни босиб олганда Қиёт подшоҳи Абу Абдуллоҳ Муҳаммаднинг энг яқин маслаҳатчиси ал-Беруний қочишга мажбур бўлади. У бир неча вақтгача бировнинг боғ ҳовлисида яшириниб яшайди ва шу ерда бошпана берган кишининг қизига уйланади. Хоразмда яшаш жуда ҳам хавfli бўлгандан сўнг у рафиқасини қайнота ҳимоясида қолдириб Журжонга қочади. Тез фурсатда қизнинг ота-оналари вафот этади, уй-жойларни сотиб қарага тўлашади, кўкрак боласи билан қолган ёш жувонни Берунийнинг кекса устози Абдусамад Аввам ибн Абдусамад Ҳаким ўз тарбиясига олади. Бироқ уни ҳам уламолар бир асари учун даҳрийликда айблаб, сирдан ўлимга ҳукм қилишади. Чолга қочиб яширинишдан ўзга чора қолмайди. У Қиётдан Урганчга кўчиб келиб, бу ерда Ҳасан ибн Ҳаким номи билан яшайди. Чол қарийб ўн йилдан буён шу ерда истиқомат қилади. Бир савдогарнинг ҳисоб-китобини қилиб, шунингдек, ўзи ва Берунийнинг китобларини сотиб, «чиқма жоним» тарзида кун кўриб келади.

— Эсингдами,— давом этди Ҳусайн,— Гулнора иккимиз ёшгина қўшни жувоннинг қаттиқ ётиб қолганини гапириб бергандик. Уша жувон ал-Берунийнинг хотини эканини мана бугун аниқладим. Агар буни илгарироқ пайқаганимда, у аллақачон оиласининг тақдири ҳақидаги ташвишдан қутулар, булар ҳам бунчалик мусибатга йўлиқиб,

кулфат тортмасди. На чораки қария менга кимликларини айтмай, сир сақлаб келди. Шу тариқа деярли тўрт йил ўтди, фақат бугун Жаъфарнинг қўшни қизчани Райҳона деб чақирганини эшитгач, бу номни бир мартаба Бухорода Берунийдан эшитганимни эслаб қолдим ва чолнинг ҳузурига бориб, бу оила сиридан мени вақф қилишни талаб этиб туриб олдим.

— Яхшиям қизга бундай нодир ном қўйишган экан,— кулимсиради Маҳмуд,— бундан ҳам яхшиси шуки, Беруний оиласи бизнинг қўшнимиз бўлиб чиқди. Художўй одамлар бўлса, оллоҳнинг марҳамати чегарани билмайди, дер эдилар, албатта!..

— Кошки эди бу марҳамат ҳамиша одамларнинг саодатига хизмат қилса!

— Бу жуда катта талаб, албатта! Яхшиси айтинг-чи, чолнинг иши нима бўлади? Ҳали ҳам ҳукм ҳукмлигича қола берадими?

— Ун йилга яқин вақт ўтди. Ҳукм кучини йўқотди деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, у бу даврда риёзиётга оид шундай ажойиб асар ёзганки, ҳар қандай олимнинг ҳаваси келади. Мана, ўша китоб.— Ҳусайн ўз олдида тартиб билан таҳланган қоғозларни кўрсатди.— Мен буни бир оз варақлаб, жуда қимматли асар эканига ишонч ҳосил қилдим. Аминманки, биз уни афв этишларига эришамиз ва бу қайғули қисса қувончли хотима билан тугайди...

— Бундай хушxabар билан уни, гарчи у иккиланиб турган бўлса ҳам, Хоразмга келишга дарҳол кўндираман!— қувониб нидо солди Маҳмуд.

— Назаримда, у буларсиз ҳам ватанига қайтса керак...

13

Маҳмуд кетгандан сўнг Ҳусайн ўз ҳаётига бунчалар катта таъсир кўрсатган Беруний билан яқинда бўлажак учрашувни тасаввур этиб, ҳаловатдан сарҳуш бўлиб юрарди. Буроқ тўсатдан бу покиза қувончга губор тегди.

Кумуш билагузукнинг ярмини унга туҳфа қилганларидан бери ёш олим қайта-қайта шу безакнинг эгаси ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолди. У қизни ҳеч қачон кўрмаган, ҳатто номини ҳам билмасди, аммо тасаввурда бир боқиши жаннат роҳатини бағишлайдиган соҳибжамол қиздай гавдалантириб юрарди. Агар Ҳусайн сеҳру жодуга ишон-

ганда, бу синиқ безакда ҳам қандайдир сеҳр бор деб ўйлаган бўларди. Қандайдир бир оҳанрабо уни мудом шу нотаниш қиз яшаган кўчага тортар, у қаёққа бормасин ўзи ҳам сезмай унинг уйи томон қайриларди. Уйга яқинлашиб, юраги дук-дук урган ҳолда, бу сафар мўъжиза рўй беради: ёш хоним гул, рўмолча ёки хат узатиб, кимлигини ошкор этади деган умид билан ўзини овулар эди... Бироқ дарвоза берк бўлар, унинг олдида хизматкор кўринмас, ҳовли кимсасиз, ҳувиллаб тургандай туюларди. Бундай ҳолларда Ҳусайини ғам босар, лекин шундай бўлса ҳам, у ўзининг самарасиз сайру саёҳатини қайта-қайта такрорлайверар эди.

Шундай сайру саёҳатларнинг бирида у тасодифан шогирдининг отаси имом Абу Рустам Саид билан учрашиб қолди. Йигитни тўхтатиб, ўғлига кўрсатилган эътибор учун ташаккур айтгач, имом сўз орасида сўраб қолди:

— Эшитишимга қараганда, сиз ҳукмдоримиз ҳузурида ал-Берунийни Хоразмга қайтаришни илтимос қилибсиз, шу гап ростми?

— Дарҳақиқат, бу борада ноқис ақлим етгунча ўз мулоҳазаларимни арз этгандим, аммо оқилона қарор — илтифот қилиб, менинг мулоҳазаларимни эшитган ҳукмдоримизнинг донишмандликлари самарасидир, — жавоб берди Ҳусайн.

— Кўп яхши қилгансиз, ўғлим! Ал-Беруний ислом олами фахрланса арзийдиган комил мусулмонлар жумласидандир. Эҳтимол сиз унинг сўнгги китобини ўқигандирсиз?

Ҳусайн қандай китоб ҳақида сўз бораётганини билмасди, имом эртага уни Рустамдан юборишга ваъда қилди.

Китобни олиб, Ҳусайн унинг номини ўқиган ҳамон қўлдан тушириб юборишига сал қолди. Бу Ҳусайн Бухорода, ёшлигидаёқ, ҳалол олим учун уруш ва жаҳолатни оқлашдан кўра тубанлик йўқ, деб ўзи ёзишга рози бўлмаган «Ғазот мадҳияси» эди! Мана бу китобни битта-яримта беҳаё одам эмас, ажойиб олим, унинг дўсти ёзбди!

Бу шундай бир даҳшат, шундай бир кутилмаган ҳодиса эдики, Ҳусайн нима деб ўйлашини ҳам билмасди. У китобни бир тарафга иргитиб, икки қўли билан бошини ушлаб қолди.

Ғазот — кофирларга қарши муқаддас уруш эълон қилишдан иборат бўлиб, бутун дунёни босиб олишни орзу қилган араблар бунга қуръонга киритганлар. Шунинг учун

газот сўзи унинг тасавурида қиргин, зўравонлик, вайрон этилган шаҳарлар, қон дарёси, уйилиб ётган мурдалар, қул ва чўри қилиб сотилаётган хотин ва болаларни гавдалантириб, нафратини қўзғарди. Ал-Беруний ўз китобида шунча қабоҳатни қандай мақтар экан? Ёки Ҳусайн уни яхшигина билмаган, адашганмикан? Биринчи таассурот одатда алдамчи бўлади, дарвоқе, ички заруратдан, самимиятдан эмас, фақат пул учун китоб ёзиш мумкин экан-да! Нима учун бу асар ёзилди? Эҳтимол Журжонда яшаш Берунийнинг жонига тегиб, Ғазнага бормоқчи бўлгандир? Бунинг учун у Султон Маҳмуднинг кўнглини олиши, унинг қора қилмишларини оқлаб, фатво ёзиб бериши зарур-да! Нега Беруний ўз мактубларининг бирортасида бу китоб ҳақида эслатмади? Демак, буни яширган, сир тутган!.. Демак, қандай қабихлик қилаётганини ўзи ҳам сезган!.. Энди дунёнинг энг гўзал қизи юборган гул ҳам Ҳусайнга тасалли беролмасди. Нотаниш ёр кўйида самарасиз юришлар ҳам ўз-ўзидан тўхтаб қолди.

14

Уша йили ёз жуда иссиқ келди. Шаҳарда яшовчи бадавлат одамларнинг аксарияти боғ ҳовлиларига кўчиб кетишди.

Ҳусайн ёзни хоразмшоҳнинг боғ саройларидан бирида ўтказишга таклиф этилди. Бу жой ўзининг ажойиб боғроғлари билан машҳур эди. У ердаги кенг ички-ташқи ҳовли олим ихтиёрига топширилди. Ҳусайн узоқ ўйлаб ўтирмай, бутун онласи ва бир неча шогирди билан шу ерга кўчиб келди. Ҳусайнга кўрсатилган улуғ эҳтиром замирида нималар ётгани кейинча аниқланди. Шоҳнинг хўжалик ишлар мутасаддийси боғ-саройга сувсизлик таҳдид қилаётганини жуда яхши биларди. Инжиқ Жайҳун бир неча йилдан бери ўзанини ўзгартириб, тобора қумлар ичига сингиб борарди. Боғ-роғлар ва экинзорларни суғориш борган сари қийинлашиб, мураккаблашиб кетмоқда эди. Не-не ҳасрат билан ўстирилган мева дарахтлари қуриб-қовжираб борарди. Тездан ариқ, анҳорлар қазиниш зарур эди, йўқса ҳамма дов-дарахт ва гиёҳлар қуриб барбод бўлиши мумкин эди. Ҳусайн сув хўжалиги борасида чуқур билимга эга бўлган мутахассис, қимматга тушадиган бу ишларнинг режасини тузишни фақат ўшанга ишониб топшириш мумкин. Уни боғ-саройга кўчириб, шоҳ ва унинг

хўжалик ишлар мудри бу ташвишлардан хотиржам бўлишни ўйлаган эдилар.

Сувсизлик балоси боғ-саройнигина эмас, теварак-атрофдаги қишлоқларни ҳам хароб қилганди. Деҳқонлар қум ҳужумига қарши кучлари етганча курашиб кўрдилар. Улар сон-саноксиз майда ариқлар қазинди, лекин бу тадбир бор намни йўқотишдан бошқа фойда бермади. Сув бундай ариқларда экинзорга етиб бормай, ярим йўлда ерга сингиб кетар ёки бугга айланарди. Деҳқонларнинг ерларига сув берадиган анҳор эса йилдан-йилга тўлиб, саёзлашиб борарди.

Қўшни қишлоқларнинг бирига бориб Хусайн мудҳиш манзарани кўрди. Кечаги ҳосилдор ерларни эндиликда қум босиб, яроқсиз шўрхокка айланган. Боғлар қовжираб нобуд бўлмоқда. Баъзи деҳқонлар аллақачон кулбаларини ташлаб, бошлари оққан томонга кўчиб кетишган. Бошқалари ҳам эртами-кечми тақдирлари шундай бўлишини билишади. Ҳолбуки унча узоқ бўлмаган ерда дарё бепарво оқиб ётар, унинг озгина суви минглаб далаларни бўстон қилишга етарди.

Қишлоқнинг аҳволи шу қадар умидсиз эдики, боқимондаларни ундиргани келган ўлпончи жавраб-жавраб, қўл силтаб қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Узининг билим ва ғайратидан фақат шоҳнинг боғу роғина эмас, юзлаб деҳқон хўжалиги омон топишини Хусайн яхши тушунарди. Деҳқонлар ҳам буни ҳис этишарди. Улар илк саҳарда келиб, подшоҳ боғининг дарвозаси олдида олимнинг чиқишини пойлаб ўтиришарди. Зотан уйда қиладиган ишлари ҳам йўқ эди. Ола чиққан экин қовжираб кетган, ҳайвонларни сўйиб еб бўлишган, онда-сонда омон қолган мева дарахтларига қараш учун хотин-халажнинг ўзи кифоя. Деҳқонларнинг тош қотган юзларида бирор мазмуннинг ифодаси кўринмасди. Эҳтиёж уларни шу қадар сиқиб қўйгандики, гўё ўлпончини ҳам, қум бўронини ҳам, ҳатто очликдан келадиган ўлимни ҳам бир хилда бепарволик билан қабул қилгудай эдилар. Шунга қарамай, Хусайн ва у билан бирга ер ўлчайдиган асбобларни олиб юрган Раҳмат пайдо бўлиши билан уларнинг кўзларида жонланиш сезиларди. Афтидан улар ёш олимдан мўъжи-за кутардилар.

Хусайн қишлоқ ерларининг барини ўлчаб чиқди, уларнинг шаклини чизди, тупроқни текшириб, шундан кейингина режа тузишга киришди.

У маҳаллий суғориш системаси тузиш ниятида эди. У ҳолда подшоҳнинг боғ-роғларига келадиган бош ариқнинг ортиқча суви билан қишлоқ ерларини ҳам суғориш мумкин бўларди. Кам одам, камбағал қишлоқ аҳолиси анҳор қазишдек катта ишнинг уддасидан чиқмаслигини олим яхши биларди.

Хусайнга муғомбирлик қилишга тўғри келди. Агар унинг ниятидан хўжалик ишлар мутасаддийси воқиф бўлса, дарҳол устидан шикоятлар ёғдириши муқарраб эди. Вақтинча ўз ниятларини ҳатто шогирдларидан ҳам сир тутишга тўғри келарди. Бунинг устига боғ-саройга мўлжалланган анҳор қазишнинг бошланишига ҳали анча вақт бор, хўжалик ишлар мудири уни қишда қаздирмоқчи эди, деҳқонларга эса сув жуда зарур эди.

Хусайн бошқаларда шубҳа туғдирмаслик учун мана бундай йўл тутди: бўлажак анҳор изидан ўн қадам пастроқда деҳқонлар кичик ариқ қазишлари керак, унга икки йил давомида чиғир билан сув тортилади. Агар дарёнинг суви яна ҳам сурилгудай бўлса, у ергача яна ариқ қазиб, чиғирни кўчириш мумкин. Олимнинг муддаоси шу эдики, шоҳ ерларига қарата қазиладиган катта анҳорга сув қўйилиши билан у дарҳол ўн қадам ердаги юмшоқ тупроқни ювиб, қишлоқ ариғига қўшилиб кетади, кейин уларни ажратиш мумкин бўлмайди ва ажратишга ҳожат ҳам қолмайди, зероки Хусайннинг мўлжалидаги катта сув келгудай бўлса, шоҳнинг боғ-роғларидан ошган сув деҳқонларнинг экинига бемалол етади.

Деҳқонлар кетмон ва белкурак тайёрлаш билан банд эдилар, энди ҳар куни эрталаб биргина мўйсафид шайх келарди. Оёғи оқсоқ, кўзлари қисқ, ўзи кичкина ва чўққи соқол бу чол Хусайн ишлаб турган уйнинг остонасига ўтириб олиб, у режа чизаётган қоғозлардан кўз узмай қараб турарди. У баъзан оғир сўлиш олиб, бошини қимирлатар, тилини чапиллатиб қўярди.

Хусайннинг иши унга қашшоқ қишлоғига панжаларини чўзиб келган девларни ҳайдаш учун ўқиладиган сеҳргар дуосидай туюларди. У ҳатто бир марта, сеҳрланган варақ ўлпончига ҳам таъсир қиладими, деб сўради. Хусайн кулиб юборди, кекса шайх эса ғамгин бош чайқаб, бундай деди:

— Ундан ёвуз дев дунёда йўқ. У биз очдан ўлаётгандагина қайтиб кетади, аммо бизни шу даражага унинг ўзи олиб келди. Мана ҳозир у қайтиб кетди, агар биз ариқ

чиқариб, ерларимиз яна ҳосилга кирса, аҳтимол кўчиб келар. Қани энди унинг дийдорини бирор йил кўрмасак...

Ниҳоят деҳқонлар ариқ қазишга киришганда, Ҳусайн ҳар куни уларнинг овқатига ўн дирҳамдан пул бериб турди, бўлмаса оч деҳқон бир кетмон ҳам тупроқ ташлай олмасди.

Тайёрлаган қоғозларини шогирдларига бериб, ишни кузатиб боришни уларга топширди. Узи эса шоҳ ҳовлисининг ишлари билан шуғулланиши лозим эди. Шогирдлар бу хил топшириқдан таажжубланиб, Ҳусайндан сўрашди:

— Устоз! Бу на табобат, на фалсафа! Бас, биз нима билан ёрдам қиламиз?

— Бу бизнинг ҳаётимиз фалсафаси,— кулиб жавоб берди Ҳусайн.— Бир ўйлаб кўринг-а, бу ҳаётий тасодифдан қанчадан-қанча фалсафий масалалар келиб чиқади. Бундан ташқари, бу ерда табобатга оид жиҳатлар ҳам бор. Наҳотки сиз қишлоқ ерларига сув қуйиш билан қанча одам ҳаётини сақлашингизни билмасангиз? Мен сизга табобатнинг вазифаси беморни даволашгина эмас, балки касалликнинг олдини олиш, деб бир неча бор айтган эдим, яна бирортангиз, фан билан ҳаёт бошқа-бошқа яшайди, деб ўйлаб юрманг. Табобат билан қизиқсинувчилар марҳамат қилиб, қанча одамни очлик ҳалокатидан қутқазганлари ҳақида ўйласинлар, файласуфлар эса, ишдан холи вақтларида, ариқдаги сувнинг оқишини ҳаётимизнинг оқиши билан таққослаб кўрсинлар.

Ҳусайн ҳазиллашиб гапирарди, шогирдлари ҳам ҳазил тарзида жавоб қайтарардилар.

— Бироқ биз бу нотаниш ишнинг уддасидан чиқолмаймиз, устоз!

— Агар сизлар бу ишга эътибор билан қарасангиз, албатта уддасидан чиқасиз, бу унчалик мураккаб нарсаси эмас. Шунинг учун бир ҳинд донишманди: «Ўзи ўргатаётган нарсани тажрибада кўрсата олган устоз — ҳақиқий устоз, устозидан ўрганган тажрибани ишга татбиқ қила олган шогирд — муносиб шогирд», — деб айтган. Мана энди менинг ҳақиқий устозу ўзларингизнинг муносиб шогирд эканингизни исбот қилишингиз лозим...

Ҳусайн кулиб юборди, шогирдлари эса бу ишда ҳам табобат, ҳам фалсафа бор дегани ҳазилми-чинми эканини билолмай, далага, ариқ қазиш иши қандай бораётганини кўришга кетдилар.

Урганчда хоразмшоҳнинг фармони билан ал-Беруний

учун катта ҳовли ажратилган эди. Аммо Абдусамад олимнинг оиласини у ерга кўчиришни пайсалга солиб турарди. У ичида, эҳтимол Беруний бошқа хотин олгандир, балки эскиси билан яшашни хоҳламас, деб қўрқарди. У ўз фикрини ҳатто Ҳусайнга ҳам айтмасди, лекин Ҳусайн буни ўзи пайқарди. Ёш олим ўзининг шубҳалари ва Беруний китоби келтирган аламларга қарамай, бу вазиятдан қутулиш йўлларини изларди. У Беруний билан биринчи учрашув шу ерда бўлсин, деб чолни оиласи билан шоҳнинг боғ-саройига, ўзи яшаб турган ҳовлига таклиф қилди. Абдусамад бунга рози бўлди.

Ҳамма ишдан хабардор донишманд чолнинг рафоқати, суҳбатлари Ҳусайнга беқиёс ҳаловат бағишларди. Қариянинг эркин фикрлари хурофот, таассубдан йироқлиги унга жуда ҳам маъқул келарди.

— Нега сизни даҳрийликда айблаганларининг сабабини энди тушуниб турибман, муҳтарам Абдусамад,— кулди Ҳусайн,— сиз ҳатто қуръондан ҳам эркин фикрларни қувватлайдиган оятлар қидирар экансиз, бу даъволарингизни қандай қилиб рад этишни билмаган руҳонийларни баттар газабга келтиради.

— Танҳоликда ўтказилган ҳаётнинг афзаллиги шуки, азизим, мен ҳамиша ақлим, юрагим ва виждоним раҳбарлигида фикр юритардим. Ўз фикрларим ҳақида бировга ҳисоб беришга мажбур эмасдим. Қашшоқликнинг яхши жиҳати ҳам мана шунда,— жиддий жавоб берди чол.

Иш билан, шогирдлари ва бу донишманд чол суҳбатидан ўтказган ёз ойлари умр бўйи Ҳусайннинг хотиридан чиқмайдиган бўлиб қолди.

Оқшомлари Ҳусайн бинонинг Беруний оиласи яшаган қисмидаги айвонга чиқиб ўтирарди. Унинг саккиз шогирди айвоннинг мармар зиналарига келиб ўтиришарди. Очиқ деразадан гоҳо Райҳонанинг жилмайган чеҳраси, унинг орқасидан онасининг сояси кўринарди. Ишларни тамомлаб Раҳмат ҳам келиб шу жамоатга қўшиларди.

Ҳусайн кўпинча Абдусамаддан унинг саёҳатлари, Қиёт ҳукмдори саройидаги ҳаёт тарзи ҳақида сўраб-суриштирарди. Чол ёшлигини шу даргоҳда ўтказгани учун кўрган-кечирганларини шундай жонлантириб ҳикоя қилардики, тўпланганлар уни зўр мароқ билан тинглардилар.

Баъзан фалсафий, илмий мунозаралар бошланарди. Бунда Ҳусайн биринчи дафъа ўзининг фалсафий қарашларини баён қилишга уриниб кўради; ҳеч кимни ишонтир-

май, гўё ўз-ўзича гапиргандай, ўзининг коинот ҳақидаги тушунчаларини ривожлантириб борарди.

— Борлиқнинг ҳудуди ҳам, хили ҳам йўқ. Оламда борлиқдан кўра умумийроқ нарса ҳам йўқ. Борлиқнинг тарҳи йўқ, зероки ундан кўра маълумроқ нарса йўқ. Борлиқ шундай нарсаки, бўлак нарсаларнинг ҳаммаси ундан вужудга келади. Аммо ўз яшашини бошлаган ҳамма нарса моддий сабабга эгадир. Илгари мавжуд бўлмаган, лекин энди вужудга келаётган ҳамма нарса, шубҳасиз, моддага эга, зеро жамики вужудга келтирилган нарсалар, заруратан, вужудга келишигача моддий тайёрланган, ўз-ўзича имкониятга эга бўлмоғи керак... Менимча,—бир оз жимиб давом этди Ҳусайн,— ҳамма мавжуд нарсалар уч тур борлиққа эга: ё нарсаларгача, ё нарсаларда, ёинки нарсалардан кейин. Нрсаларгача борлиқ гоё шаклида мавжуд бўлади, нарсаларда эса, ҳамма мавжудот кўзга ташланадиган борлиқ тусини олади, яъни мангу бунёдга келтирилган воқеликка айланади. Нрсалардан кейин уларнинг борлиғи киши фикрида тушунча шаклида қолади...

— Худо-чи?— сўради шогирдлардан бири.— Парвардигорнинг ҳаётимиздаги аҳамияти нимадан иборат?

— Биз тажриба орқали фақат шундай нарсаларни билиб оламизки, бу нарсаларнинг мавжудлиги уларни вужудга келтирган сабабларга боғлиқ. Аммо бутун борлиқдаги сабабларнинг сабабини билишга интилганимизда худо ҳақидаги тушунчага келиб тақаламиз. Худо — бутун мавжудотнинг бош сабаби деган ақидага келиб қоламиз.

— Мен сизни унчалик тушунолмай турибман, устоз,— деди Рустам.— Наҳотки оламни худо яратмаган бўлса? Наҳотки худо ҳам бошқа нарсалар сингари борлиқдан иборат бўлса?

— Менимча олам заруратдан келиб чиққан, бинобарин, у ҳам бош сабаб сингари мангудир...

— Хато қилмаяпсизми, устоз?— яна Рустамнинг эътирози эшитилди.— Агар олам худо каби мангу бўлса, унда қандай қилиб парвардигор дунёни олти кунда яратган бўлади? Бундан ташқари, эслайсизми, устоз, қуръонда айтилганки: «Оламдан олдин яккаю ягона худо мавжуд бўлган, қиёмат бўлиб, олам кунфаякун бўлганда яна худонинг ўзи қолади. У ибтидо ва интиҳо. У зоҳир ва бойтин. У қудратли ва доно. У ҳамма нарсани биледи ва ҳамма нарсага қодир...»

— Ҳусайн, ўғлим,— кекса Абдусамаднинг овози Рус-

тамнинг сўзини бўлди,— менинг тобим қочиб боряпти. Урнимдан туришимга кўмаклашиб, уйга элтиб қўйсанг яхши бўларди.

Хусайн дарҳол қариянинг олдига борди.

Чол унинг қўлига суяниб, оҳ-воҳ қилиб уйга кириши билан қоматини тиклаб, унинг қўлини қўйиб юборди-да, шивирлаб гапирди:

— Азизим, мен ҳеч қачон ўзим учун қўрқмаганман, аммо сен учун қўрқаман. Илтимос шуки, сенинг фалсафий қарашларинг ҳақида иккимиз танҳо қолганда гаплашамиз.

15

Подшолик ерларида буғдой ўроғи бошланди. Иш қизгин бориб турганда қишлоқ оқсоқоли кўз ёши қилиб Хусайннинг олдига чопиб келди. Олим дарҳол йиғиштирилиб, дори-дармон олиб, унинг кетидан чопди.

Далада деҳқонлар буғдой боғларини араваларга ортардилар. Аравалар турна қатор бўлиб хирмонларга қараб борарди. Хусайн хирмонларнинг бирига яқинлашиб қаради: эгаларидек оч, ҳорғин ҳўкизлар бўйинтуруқ ва мола ни аранг судрарди. Хотинлар янчилган буғдойни шамолда шопириб, тозаланган донни қоплардилар.

Хирмондан сал нарига сепиб қўйилган сомон устида ранг-рўйи мурдадек оқариб кетган бола ётарди — бу оқсоқолнинг яккаю ягона ўғилчаси эди. Бош томонида ўтирган онаси ўз гавдаси билан офтобни тўсиб, боланинг устига соя қилиб турарди. Унинг кўзлари тўла ёш бўлса ҳам, ерга томмай, офтобда қоп-қорайиб кетган юзларидаги кенг ажинлар орасида йўқоларди. У қора қанотдай қўллари билан боласига ёпишиб олган хира пашшаларни қуварди.

— Оёғи,— деди ҳансираб нафаси оғзига тиқилган оқсоқол қўли билан хирмон томонни кўрсатиб,— моланинг остида қолди...

Хусайн чол қўли билан ишора қилган тарафга қаради.

Мола устида Ўлмаснинг ўрнига келган бошқа бола ўтириб, узун таёқ билан озғин ҳўкизларни ҳайдарди.

Хусайн боланинг устига энгашди. Авайлаб унинг чанг оёқларини ушлаб кўрди ва бирини пўслоққа ўраб маҳкам боғлади.

Бола кўзини очмай секин инграб қўйди.

Кейин Хусайн ўрнимдан туриб, боланинг отасини бир четга чақирди.

— Бир оёқнинг суяги тиззадан ошиққача майда-майда бўлиб кетган. Уни даволаб бўлмайди. Мен фақат оёқни кесиб ташлашим мумкин. Тиззадан сал пастроқдан...

Ота хомуш қаради.

— Мен бундай синиқнинг тузалганини сира кўрган эмасман,— давом этди Ҳусайн,— агар бирор мўъжиза юз берганда ҳам ўғлингиз бу оёғини босолмайди. У сиздан баттар оқсоқланиб, қўлтиқтаёқсиз юролмайди.

— Оёқсиз деҳқон бўлиши мумкин эмас,— шивирлади чол.— Секин-аста очдан ўлганидан — ҳозир, бирдан ўлгани афзал.

— Шунга ишонингким, дўстим, агар қўлимдан келса, албатта ўғлингизнинг оёғини сақлаб қолардим. Ўзингиз қаранг, суяк майда-майда бўлиб, илиги ҳам оқиб кетган, бу ҳолда оёқ барибир қуриб қолади...— Ҳусайннинг нафаси қисилгандай бўлди, лекин у қатъий туришим керак деб ўйларди, чунки шундан бошқа чора йўқ эди.

Она қўли билан ҳамон пашшаларни ҳайдарди. Боланинг мажақланган оёғи бировникидай, гўё кесилгандай шишиб, кўкариб сомон устида ётарди.

— Майли, кесишни эртага қолдирамиз,— деди олим довдираб қолган отага.— Эрталаб кўрайлик-чи, у ўзини қандай ҳис этаркан. Аммо уни бесаранжом қилманг, жойидан жилдирманг...

Ҳусайн болага бир неча томчи оромбахш дори бериб кетди. Ота хаёл сурганича қолди.

Бахтсиз бола ҳақидаги огир ўйлар Ҳусайнга уйқу бермади, у эрталаб болани кўргани келди. Бироқ хирмонга етиб бормади, йўлда беморни замбарга солиб қишлоққа олиб кетаётган одамларни кўриб қолди. Ҳаким йўлни кесиб, уларнинг олдидан чиқишга ошиқди.

— Нега болани олиб кетяпсизлар?— таъна билан сўради Ҳусайн.— Ахир, мен келгунча жилдирманглар, деб айтган эдим-ку!

— Энди бу ҳақда ташвишланмаса ҳам бўлади, тақсир. Энди уни олиб кетиш мумкин,— хотиржамлик билан жавоб берди унга юз-кўзларидан ақл томиб турган нотаниш, тетик бир мўйсафид.

Ҳусайн ундан, бу нима деганингиз, деб сўрамоқчи бўлиб турганда, у ён тарафдаги сўқмоққа бурилиб, тездан гойиб бўлди.

— Наҳотки бола ўлиб қолган бўлса?— ваҳимага тушиб ўйлади ёш олим.— Яхшиси оёқни кеча кесиш даркор

эди, уни бу аҳволда қолдириш мумкин эмасди. Томирининг бир маромда уриши, тинч уйқуси мени чалғитиб қўйди. Бу менинг кечирилмас хатоим, албатта!..»

Хусайн лабларини тишлаб, замбар кўтарганлар кегидан уйга кирди. Деҳқон кулбаси ним қоронғи бўлиб, унга фақат эшикдан ёруғ тушар, эшикни эса чол ўз гавдаси билан тўсиб турарди. Замбар ерга қўйилиши билан Хусайн унга яқинлашиб, боланинг қўлини ушлади. У томирни ушлаб, шу йўл билан унинг қачон жон берганини аниқламоқчи эди. Бироқ боланинг қўли иссиқ ва нам, томири эса бир текис уриб турарди Бола тинч уйқуда эди. Хусайн унинг оёқларига қаради. Бирида кеча ўзи ўраган оқ латтани кўрди, иккинчи синган оёқ эса оқ тупроқ лойига буланган латталар билан қаттиқ ўраб боғланган эди.

— Буни ким даволади?— шивирлаб сўради Хусайн.

— Муслим табиб. У тун бўйи Улмаснинг суякларини тўплади, эрталаб оёқни боғлаб, уйга олиб кетинглар, деди.

— Суякларни тўплади?— таажжубланди Хусайн.— Оёқни кесдими?

— «Суякларни тўлаб кўрамиз» деди, лекин кесмади.

— Мен у билан гаплашим керак.

— У кетиб қолди. Сиз уни кўрдингиз-ку.

— Қачон келади?

— Икки ҳафтадан кейин келишга ваъда қилди. У суяклар ўсади, оёқни кесишга ҳожат йўқ, деди. Сизни, ташвиш тортмасинлар, сўзларига қулоқ солмаганим учун хафа бўлмасинлар, деб айтди.

Хусайн Муслим табибнинг сўзлари устида ўйлаб кетди.

У ўзи, Буқрот Ҳаким, Жолинос ва араб олимларининг табобатга оид асарларини ўрганган ҳаким, бундай қалтис ҳолда оёқни кесишдан ўзга чора йўқ, деб ўйларди. Чунки табобатга доир китобларнинг ҳаммаси ҳам шу фикрни тасдиқлар эди. Бироқ қандайдир бир синиқчи, ўз ҳамқишлоқларидан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган, табобат фани юлдузларидан беҳабар, эҳтимол саводсиз бир табиб келиб, оёқни кесиш ҳақидаги фикрни қатъиян рад этиб, болани тузатишга бел боғлабди. Ажабо, ким ҳақли?

«Табибнинг ўзига ишончига сабаб нима экан?— ўйлади Хусайн.— Катта тажрибали кимсагина бундай ишга журъат қила олади. Ахир қишлоқда қўл-оёқ синиши каби

ҳоллар тез-тез рўй бериб туради. Улар нажот истаб фақат синиқчи табибларга мурожаат қилишади. Албатта, бу бир шахснинг тажрибасигина эмас. Табиблар қадим замонлардан бери аста-секин орттирган тажрибаларини тўхтовсиз ривожлантириб, наслдан-наслга бериб келишади. Табиблик шу йўсинда бунёдга келган. Бу нарсага эътиборсиз қараб бўлмайди. Фараз қилайлик, бу шунчаки, кузатувчанлик ва тажриба натижаси бўлсин, бироқ бизнинг ҳаётдан ажралган, тажрибадан узоқ назарий хулосаларимизнинг лоақал шунчалик ҳам замини йўқ-да. Йўқ, табиблардан ҳам баъзи нарсаларни ўрганиш мумкин. Ҳар ҳолда кўрамиз! Агар болада иситма пайдо бўлса,— ўйлашда давом этди у,— у ҳолда жарроҳ пичоғига эҳтиёж туғилади. Ҳозирча беморни қувватга киритиш даркор».

Хусайн Ўлмаснинг онасига бир неча танга пул бериб, болага бақувватроқ овқат бериб туринглар, деб тайинлади.

Икки ҳафта давомида у ҳар куни беморнинг олдига келиб, унинг аҳволини кузатиб борди. Аммо боладан иситма чиқмади. Йиринг ҳам кўринмасди. Бола тетик ва қувноқ эди, оғриқ сезмасди. Бироқ суяклари ўсаятимикан? Бу савол Хусайнга ором бермай келарди.

Муслим табиб роса икки ҳафта деганда кириб келди.

Хусайн шу куни эрталабдан бери боланинг ёнида пойлаб ўтирганди. Еш олим Муслим табибнинг ёшини ҳурмат қилиб унга салом берди, у ҳам қўлини кўксига қўйиб, виқор билан алиқ олди.

Еш ҳаким билан кекса табиб бир-бирларига қизиқсиниб қарашди, ҳар иккиси учун ҳам ҳозир ҳал қилувчи дам эди.

Табиб устарадек ўткир пичоқ билан тошдек қотган латтани кесиб, дадиллик билан уни икки тарафга кериб қўйди. Қат-қат латталар ичида тўғри, баравар оёқ кўринди. Бу — Хусайн биринчи дафъа кўргандаги сингари юмшоқ, суяк солинган халтага сираям ўхшамас, ўзи оқ латта билан боғлаб қўйган оёқдан сира фарқ қилмасди. Фақат териси шўрлаб қуриқшаган, қон бир текисда юрмагани сабабли рангпарроқ кўринарди. Табиб ва ҳаким навбат билан оёқларни юпқа пўстлоққа ўраб боғлашди.

Синиб майда-майда бўлган оёққа биринчи қарашдаёқ Хусайн билдики, қандайдир мўъжиза юз берган. Оёқ суяклари жой-жойига келтирилган, гарчи у Хусайн даволаган оёқдан калтароқ бўлса ҳам, ҳар ҳолда учига ёғоч улаш лозим бўлган кемтик оёқ эмас, ҳақиқий оёқ бўлади.

Чол беморнинг онасига бир шиша малҳам ва бир оз суюқ дори берди, малҳамни оёққа сурканг, суюқ дорини ичкизинг, деб тайинлади.

Табиб ва ҳаким бирга чиқишди.

— Сиз буюк шифокорсиз!— хитоб қилди Ҳусайн табиб санъатидан қойил қолиб.— Менга таниш ҳакимларнинг бирортаси бундай синиқни даволай олмасди! Боланинг оёқ суяклари майда-майда бўлиб кетганди. Сиз уларни шундай жой-жойига қўйибсизки, бирортаси ўз ўрнидан силжимади! Сиздан ёлвориб сўрайман, айтинг-чи, сиз буни қандай қиласиз? Бунинг учун нима талаб қилсангиз розиман.

Дастлаб табибнинг қош-қовоғи тушди, аммо Ҳусайннинг ҳаяжонланган юзига боққач, кулиб юборди.

— Агар бу бола оёққа босиб кетса, мен ўз ҳунаримни сизга ўргатишга ваъда бераман, борди-ю, унинг оёғи қуриб қолса ёинки жуда калта бўлса, у ҳолда менинг санъатим сизга фойда келтирмайди, ўғлим. Уч ҳафта сабр қилинг, бола юриб кетиши билан мен сизнинг хизматингизга ҳозир ру нозир бўламан.

Шундай деб, чол катта йўлдан сўқмоққа бурилди ва дадил қадам ташлаб олға кетди.

«Мен эмас, мана бу оддий қишлоқ табиби ҳақ бўлиб чиқди-ку,— ўйлади Ҳусайн уйга қайтиб келаётиб.— Ҳаётда қанчадан-қанча сир яшириниб ётади! Албатта китобларда жуда кўп билим қамраб олинган. Аммо ҳамма билим китобда деб бўлмайди. Уларда айтилганларни бекаму кўст деб, қуръон оятларидек ақидага айлантириш ярамайди. Ҳамма нарсани тажриба қилиб, синовдан ўтказиш, янги йўллар қидириш даркор, афтидан ҳамиша, ҳамма жойда, ҳаммадан ўрганишга тўғри келади».

Ҳусайн машҳур бир меъморни эслади. У бир куни, мен кўп муваффақиятларим учун бинокор усталар олдида бурчлиман, улар кўпинча менинг саҳв-хатоларимни тузатиб қўядилар, деб иқрор бўлганди.

Ҳусайн уйга келаётиб, узоқдан боғ-сарой дарвозаси олдида бир неча суворийни кўрди. Афтидан, улар дарвозадан отлиқ кириш мумкинми-йўқлигини билолмай тўхтаб туришарди. Ҳусайн қадамини тезлатди.

— Ҳусайн!— укасининг таниш ва меҳрибон овозини эшитди у.

Табассумдан гул-гул очилган Маҳмуд отдан сакраб тушиб, акасининг истиқболига чопди.

— Келганинг жуда яхши бўлди! Сени кўришга ташна эдик. Онамиз жуда ҳам соғиниб қолдилар,— деди Ҳусайн қувониб Маҳмудни бағрига босаркан.

— Ҳаяллаб қолганимиз учун айб менда эмас, муҳтарам меҳмонимиз ҳам тезроқ келиш учун семурғ қанотида учишга ҳозир эдилар.— Маҳмуд акасига ўзларига яқинлашиб келаётган новча, қотма кишини кўрсатди.

— Ибн Сино, дўстим!— камоли қувонганидан овози тикилиб гапирди у ва Ҳусайнга қўлларини чўзди.

— Беруний!— қувонч билан нидо солди Ҳусайн ва қучоқ очиб эски қадрдонини, улуғ маслакдошини бағрига босди.

Дўстлар бир-бирининг оғушидан чиқиб, тикилишиб қолишди. Ўтган ўн йил ҳар иккисида ҳам из қолдирган. Ҳусайннинг ўсмирлиги, Берунийнинг ёшлиги ўтиб кетган. Энди камолот ёшидаги икки эркак бир-бирларига синовчан назар ташлаб, эсларида қолган ёшлик нишонларини қидирардилар.

Берунийнинг юзлари аввалгидек жонли ва асабий кўринади, фақат бир-иккита ажин тушган-у, қоп-қора сочларини иккига бўлиб турган оқ чизиқ кенгайган. Аммо бутун қиёфаси мардона шаклга кирган. Ёшликдаги дағаллик тамом йўқолган. Муомаладаги дағал услуб ўзгариб, осойишта ва ёқимли тус олган, овозда мулойимлик пайдо бўлган, ҳайрат тўла кўзлар илгаригидек ўткир нур билан чақнарди. Беруний табассум этганда, Ҳусайн унинг пешонасида бир неча чизиқни кўриб қолди.

Ҳусайн ҳам ўзгарган. Унинг юзларида ўсмирларга хос мулойимлик қолмаган, бўйи чўзилиб, ўзи озиб кетган, келишган қадду қомати ёнида турган Берунийнинг бўйидан ҳам баландроқ кўринади. Аммо йиллар ҳали унда из қолдиришга улгурмаган. Унинг чўзиқ, бугдой ранг юзи, қайрилма қошлари, узун киприклари, ақлли кўзлари меҳмонга Сомонийлар кутубхонасида биринчи дафъа учратгани болани эслатиб турарди.

— Сизни кўрганимдан беҳад мамнунман,— деди Беруний эркалаган оҳангда.— Сиз ҳамон ўшасиз.

— Урганчда бизга,— қувнаб гапирди Маҳмуд,— боғсаройга боринглар, у ерда ҳаммага жой етса керак, дейиш-

ди. Муҳтарам Абу Саҳлани ҳам меҳмон бўлишга кўндирдик.

Ҳусайн дарҳол орқасига ўгирилди. Учинчи отлик ҳам шошилиб келиб, Маҳмуднинг орқасида, эски қадрдонларнинг учрашувини табассум билан кузатиб турарди.

Беруний Ҳусайнни ўз ҳамроҳига қаратди.

— Мана бу киши бизнинг Хоразмга келишимизга сабаб бўлган муҳтарам Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино бўладилар! Бу киши менинг содиқ дўстим, оиламнинг халоскори!— Беруний қўли билан Ҳусайнни кўрсатди, сўнг-ра ҳамроҳига қаради.— Мана бу жаноб менинг мураббийим Абу Саҳл Исо ал-Масихий, мен бу кишининг ҳузурларида ҳам кўп қарздорман...

Ҳусайн эҳтиром ила таъзим этиб, эътибор билан меҳмонга қаради. Насоро олими — буюк файласуф, риёзию ва ҳайъатшунос Абу Саҳл Масихий ҳақида у кўп мартаба эшитган, унинг асарларини ўқиган, Берунийга ёзган мактубларида у хусусда сўраб-суриштирган эди. Аммо уни Хоразмга даъват қилиш тўғрисида қайта-қайта илтимос этганда, Абу Саҳл Бухоро китоб растасида бир неча бор ўзи кўриб юрган кичкина, жонсарақ одам бўлиб чиқар, деб сира ўйламаган эди. Ҳусайн Бухородан жўнаб кетадиган чоғда у ҳам шаҳарда кўринмай қолганди, аммо унинг чинқироқ овози, кескин ҳаракатлари, мулойим нигоҳи, мовий кўзлари ҳануз йигитнинг хотирида эди.

Ҳозир у кексайибди, семирибди, аммо ҳаракатлари ҳамон тетик, Шарқда камдан-кам учрайдиган мовий кўзлари ҳали ҳам эркалаб, хайрихоҳона боқарди.

Абу Саҳл ҳам Ҳусайнни таниб, юмуқ лабларига мамнулик табассуми югурди.

Бу орада хизматкорлар отларни олишди, дарвоза катта очилди.

Ҳусайн меҳмонларни уйнинг Беруний яқинлари яшайдиган қисмига бошлади.

Тоқати тоқ бўлишига қарамай, эҳтимол шу ҳиссиёт билан курашибми, ҳар ҳолда Беруний тайсаллаб қадам босар, ҳатто баъзан тўхтаб, Ҳусайннинг сўнгги мактубида кўтарилган баҳсни давом эттирар эди. Айвон рўпарасига келиб Беруний тўхтади, у ранг-қути учиб, ҳаяжон ичида аста-секин зинапоядан тушиб келаётган Абдусамадни кузатарди. Охири чопиб бориб, унинг қуруқ гавдасини қучоқлади, ҳамма нарсага истехзо билан қарайдиган, сўзлари

тиканак Берунийнинг кўзлари кутилмаганда ёшга тўлиб, юзларини ювиб туша бошлади.

Хусайн чидолмай юзини бошқа ёққа ўгирди.

Уй эшигининг кесакиларини ушлаб, ҳаяжондан рамақда жони қолган Беруний рафиқаси турарди. Шўх Райҳона эса, қўрқанидан ранглари оқариб, сас-садосиз онасига ёпишиб олганди. Қизча отасига жудаям ўхшаб кетганини Хусайн шундагина пайқади. Гўё ажойиб бир рассом ёш Берунийнинг жажжи суратини чизгандай.

Абдусмад Берунийни айвон тарафга йўллади.

Беруний зинадан кўтарилиб, эшикка қараб отилди.

— Адолат!— шивирлади у қўлнини чўзиб.— Адолат!— такрорлади у ва ҳушдан кетган хотинини аранг ушлаб олди.

17

Хусайн илк саҳарда боққа чиқиб, у ерда Берунийга йўлиқди. У билан юзма-юз гаплашмаслик учун аввал орқага қайтмоқчи ёки ўзини жуда шошилиб тургандай кўрсатмоқчи бўлди. Аммо Беруний ҳеч нарсани сезмай, тўп-пата-тўғри унинг рўпарасидан чиқди.

— Сизни Хоразм ерида, оталарингиз диёрида табриклайман, муҳтарам Абу Райҳон,— деди назокат билан Хусайн.

— Мен ўз бахтимга ишонмай турибман,— завқ-шавқ билан жавоб берди Беруний.— Назаримда ақлдан озганману буларнинг ҳаммаси мажнунона ширин хаёллардай туюлади! Ун икки йил бегона ўлкаларда, бегона саройларда сарсон-саргардон бўлиб юриш одамнинг ақлий фаолиятига ижобий таъсир қилолмайди...

— Эҳтимол,— Хусайн елкасини қисиб қўйди.— Аммо ақлий фаолият ҳамма учун ҳам бош мақсад эмас... Айтишларича, одамлар дарбадарликда баъзан ҳақиқий фаннинг ривожидан кўра ўз шахсий фароғатлари устида кўпроқ қайғуради эмишлар...

Беруний унга ҳайрат назари билан қаради.

— Ростини айтганда, бу йўл билан бойинган илм аҳларини мен жуда оз учратганман,— бепарволик билан жавоб берди у.— Сиз билан бу хусусда гаплашмоқчи эмасдим. Бугун мен билан суҳбатлашишга вақт ажрата оласизми?

— Агар сизга зарур бўлса — марҳамат...

— Мен сизнинг асарларингиз масаласига қайтиб, мак-

тубларимизда бошланган муҳокамани давом эттиришни истардим,— деди Беруний Ҳусайннинг сўзларидаги сергакликни сезмай.— Мен мудом сизнинг илмий ишларингизни кузатиб келдим; китобларингизга қараб, ҳодиса ва хулосаларни қандай усул билан умумлаштирганингизни кузатдим. Булар мени жуда ҳам қизиқтирди. Билдимки, сизга энг муҳими тажриба, сиз фақат ўшанга ишонасиз. Бу ҳақиқий олимлик нишонаси. Сизнинг соф ва кимёгарлар олтини устдаги синовларга бағишланган асарларингиз ҳам ҳақиқий илм аҳллари учун фан тарихида бус-бутун бир даврни ташкил этмоғи мумкин.

Беруний гўё биров унинг гапини бўлиб, муддаосини айтишга ҳалақит бераётгандай тез гапирарди.

— Мен сизнинг илми ҳайъатга оид асарларингизни ҳам кўриб чиқдим, улар Журжонгача етиб борди. Мен Батлимус усулига қўшилмаслигим мумкин, аммо сизнинг сайёраларнинг ўз ўқлари атрофида айланишларини ҳисоблашдаги энгил усулингизга қойил қолмай иложим йўқ. Қадим файласуфларнинг назарияларини талқин этишда ҳам катта хизматингиз бор. Одамлар сизни ҳам ал-Форобийдек «Устози соний» деб атаганларида шогирдларингизга ҳавасим келади... Сиз сўнгги йилларда кўп нарса қилишга улгурдингиз... Оллоҳ таоло менинг тилимни заҳаролуд, юрагимни тошдан қаттиқ қилиб яратган, шунга қарамай, мен сиздан жудаям рози эканимни аллақачон айтмоқчи эдим. Бухородаги суҳбатимиз ҳамон эсимда. Сиз ўзингиз белгилаган йўл билан дадил юриб бормоқдасиз...

— Сизга ҳам айни сўзлар билан жавоб беришни истардим, муҳтарам Абу Райҳон,— деди Ҳусайн совуққина қилиб ва ўзини олимдан сал четга олди.

Аммо Беруний ўзида камдан-кам рўй берадиган дўстона ҳислар таъсирида Ҳусайннинг муомаласидаги совуқликни ҳали ҳам сезмай, соя хиёбонда олдинга тушиб тез юриб борарди.

— Шунингдек сиз билан эндигина тамомлаган тарихий асарим ҳақида фикрлашмоқ истардим,— давом этди у.

«Мана унинг тасдиқи!— ўйлади Ҳусайн,— мен болалик қилиб, бу одамда хўп янглишган эканман! Учрашувимизга қанча аҳмоқона умидлар боғлагандим! Одамлар қандай ўзгаради-я!»

— Бунақа асарлар мени у қадар қизиқтирмайди,— кутилмаганда Ҳусайннинг оғзидан чиқиб кетди.

Беруний тўхтаб, эшитганига ишонмай, сўради:

— Сизни менинг китобларим сингари асарлар қизиқтирмайдими?

Ҳусайн ўзининг қизишганидан уялиб гудирлади:

— Мен ҳозирги пайтда тарихдан узоқман демоқчи эдим, холос.

— Эски устозингиз Нотилининг Хоразм тарихига оид асарлари рўйхатини яқинда менга, Жўржонга юборган сиз эмасмидингиз? Бу қўлёзма менда кўп фикрлар уйғотди деб ёзган сиз эмасмидингиз? Нима учун эндиликда тарихдан узоқ бўлиб қолдингиз?— кескин саволлар берди Беруний.

— Мен кўп ўқидим, кўрдим, таққосладим,— жиддий ва кескин жавоб берди Ҳусайн,— натижада шу эътиқодга келдимки, жаҳонгирлик, зўравонлик фан ва маданиятни ҳеч қачон олға силжитмайди, ҳеч қачон халқнинг аҳволини яхшиламайди. Мен учун илгаригидек ҳаётнинг бош мақсади маориф ва адолатдир. Бу ҳаётимнинг бурчи бўлиб, мен уни ҳеч қачон ўзгартирмайман, умид қилгандимки, сиз ҳам буни ўзгартирмайсиз деб... Бинобарин, мени ҳар қандай тарих ҳам қизиқтира бермайди, сиз ёзган тарих эса, мени умуман қизиқтирмайди. Ҳозир мени кечиринг. Офтоб кўтарилиб қолди, шогирдларим менга мунтазир...— Ҳусайн Берунийга таъзим этиб, уйга қабар йўл олди.

Ҳусайннинг сўзларидан изтиробга тушган, сабабини англамаган Беруний ҳайрон бўлиб, унинг орқасидан қараб қолди.

— Ибн Сино,— хириллаган овоз билан чақирди у.— Ибн Сино!

Ҳусайн тўхтаб, ўгирилди. Унинг ранги ўчиб, юзлари оқарган эди.

Берунийнинг ҳам ранг-қути учганди. Лаблари ва бурнининг учи қалтирар, титрарди.

— Ибн Сино,— нафаси тиқилиб такрорлади у,— яна бир оғиз гапиринг-чи, сиз менинг қайси асаримдан бу қадар норизосиз?

— Ўзингизга ҳам аёнки, мен «Ғазот мадҳияси»ни кўзда тутиб гапирмоқдаман,— қатъият билан жавоб берди Ҳусайн.

— Бундоқ денг...— Беруний енгил тортиб, дўстининг орқасидан кузатиб кулди. Аммо Ҳусайн ҳеч нарсани кўрмай, эшитмай, уйга қараб кетди.

Абдусамад кундузи ташвишманд бўлиб, ҳаяжонланиб Ҳусайннинг олдига кирди. У қарияни одатдагидек самимий ва дўстона қабул қилди, лекин ўзи хижолат ичида экани яққол сезилиб турарди.

— Ораларингда нима гап қочди?— сўради чол.

— Мен номуносиб иш қилиб қўйдим,— хафақонлик билан жавоб берди Ҳусайн.— Нима бўлганда ҳам мен бу ерда мезбон эканимни унутибман.

— Гап бунда эмас,— жавоб берди чол.— Беруний расм-русумлардан юқори кўтарилган одам, аммо мен... уни бир даража нотоб деб ўйлаб турибман.

— Нима бўлди?— саросималанди Ҳусайн.

— У эрталабдан бери кулади. Бу унда сира кўрилмаган ҳол.

— У сизга нима деди?

— Сен у билан гаплашишни истамаганингни айтди, холос. Хўш, нима гап ўзи?

Ҳусайн қоғоз сақланадиган сандиқча олдига бориб, ундан кўк сахтиён муқовали китобни олди.

— Қаранг, ота,— деди у китобни қарияга узатиб,— мен сизни ранжитишни истамагандим. Бу хусусда Беруний билан ҳам гаплашмоқчи эмасдим. Бироқ у ўзи бу «тарихий асар» ҳақида сўз очганда мен чидаб туролмадим...

Абдусамад биринчи саҳифани очди.

«Бисмиллоҳу раҳмону раҳим, худованди карим йўлида Абу Муҳаммад Беруний тасниф этган «Ғазот мадҳияси»,— ўқиди қария ва унинг ажин босган юзлари оқариб кетди.

— Сен бунга ўқиб чиқдингми?— сўради у Ҳусайндан.

— Йўқ, ўқиёлмадим. Бир оз варақлаб чиқдим. Бу разилона китоб Султон Маҳмуднинг буйруғи билан ёзилганини кўриб, дилгир бўлдим-да, улоқтириб ташладим...

— Наҳотки шуни у ёзган бўлса?— оғир сўлиш олиб нидо солди чол.

— Йўқ, у эмас!— остонадан туриб жавоб берди Беруний. У эсанкираб қолган дўстларига кулимсираб қаради-да, уйга кириб, Абдусамаднинг қўлидан китобни олди.— Қани бу сермашмаша китобни мен ҳам бир кўриб қўяй-чи. Мен у ҳақда эшитишга кўп эшитдим-у, ҳали ўзини кўрганим йўқ...

У китобни варақлаб-варақлаб, улоқтириб ташлашга ҳозирланганда кўзи биринчи саҳифага тушиб қолди.

— Дўстларим!— бирдан қичқириб юборди у.— Наҳотки сизлар бунинг нима эканини дарров пайқамаган бўлсангиз? Наҳотки сизлар қалбаки нарсани биринчи дафъа кўрган бўлсангиз? Бунинг устига сизларга аёнки, мени ҳеч қачон Абу Муҳаммад деб атаган эмаслар...

Хусайннинг юзлари лоладек қизариб кетди.

— Демак буни сиз ёзган эмассиз? У ҳолда ким ёзган?

— Кимлигини билмайман, аммо мен эмас!

— У ҳолда мени кечиринг, азизим!— хитоб қилди Хусайн дарров Берунийнинг сўзларига ишониб.— Худо ҳақи, ҳамма муқаддас нарсалар ҳурмати кечиринг! Қандай қилиб мен бунга ишона қолганимга ҳозир ўзим ҳам тушунмай турибман.

Беруний кулди ва Хусайннинг елкасига қоқиб, уни хижолатдан чиқаришга уринди:

— Бу воқеа сизни қаттиқ қақшатганидан хурсандман. Бу — менинг ҳақимда ғоят юксак фикрда эканингизни исбот қилади!..— Беруний истеҳзо билан дўстига қаради.— Ҳеч бокиси йўқ, Ибн Сино! Бу дўстлигимизни мустаҳкамлайди! Дўстнинг бундай хиёнатига чидаб бўлмайди! Агар сиз шундай қилгудек бўлсангиз, менинг ҳам тоқатим тоқ бўларди!— Шу ондаёқ гўё ораларидаги кўнгилсиз англашилмовчиликни унутгандай, ёки Хусайнни хижолатдан чиқариш ниятидами, ҳарнечук, бошқа мавзуга кўчиб, давом этди:— Сиз икковингиз ҳам, сиз Ибн Сино ва менинг муҳтарам устозим Абдусамад ота ҳам Хоразмда талай иш қилиб қўйдингиз. Мен устозимнинг китобини ўқий бошладим. Фикримча, устоз у ерда катта ва муҳим мавзуни ҳал этмоқчилар. Хуллас, сизларнинг илмий тақдирингиздан беҳад мамнун эканимни яна бир бор такрорлашга тайёрман.

— Наҳотки сен ўз тақдирингдан рози бўлмасанг, Абу Райҳон?— табассум билан сўради чол.— Мен сени тушунмай турибман! Бир вақтлар ўзинг, одамнинг тақдири унинг ўзига ўхшайди, деган эдинг. Яхшининг тақдири — яхши, ёмоннинг тақдири — ёмон.

— Ҳамма олимларнинг тақдири бир хил,— жиддий оҳангда сўз қотди Хусайн.— Биз ўсимликка ўхшаб, ўзимизгача тайёрланган заминда ўсиб чиқамиз, япроқ чиқарамиз, гуллаймиз, бошқалар бизнинг йўлимизни давом эттириши учун уруғ қолдириб кетамиз. Қандайдир мукамал, давом эттиришни талаб этмайдиган, мустақил нарса яратиш ҳеч биримизга насиб бўлмайди, ҳақиқий шоирлар,

буюк рассомларнинг асарларигина наслдан-наслга, асрдан-асрга ўтиб боқий яшайдилар. Сиз билан мен қилаётган ишлар оллоҳ таолонинг тарозусида бир хил тош босади. Биз аждодларимиздан ўзиб кетгандай, бизнинг авлодларимиз ҳам сиз билан мендан ўзиб кетишади. Ўсувчи ва ривожланувчи ҳаётнинг улуғ адолати ва қувончи ҳам мана шунда. Шуни идрок этишнинг ўзи менга кифоя қилади. Мен истиқболнинг бир зинаси бўлганимдан хурсандман....

— Балли,— тасдиқлади хаёлга чўмган Беруний,— биз аллақачон Афлотун, Арасту, Батлимус ва ал-Фаробий каби буюк олимларни чўққилар деб аташни бас қилдик. Биз уларнинг асарларини ўқиб чиқиб, уларни ўз тажрибаларимиз билан тўлдирмоқдамиз, шунингдек, қачон бўлмасин, бизникини ҳам кўриб чиқиб тўлдирадилар... Аммо гап «чўққилар» ҳақида борадиган бўлса, мен сиз билан баҳслашишга тайёрман!— бирдан гапни бошқа мавзуга кўчирди олим.— Менимча, Журжонга юборган сўнгги асарингиздаги даъволар тўғри эмас!

Беруний қизишиб кетди, Ҳусайннинг кўз ўнгида биринчи дафъа Бухорода кўргани дағал, серзарда одам яна намоён бўлди. Бу одамда эски, қизиққон Берунийдан жуда кўп нарса сақланиб қолгани унга ғалати туюлди. Ҳусайн қулимсираб, астагина Абдусамадга қараб қўйди. У Ҳусайнни дарҳол фаҳмлаб, бош ирғиб қулимсиради.

— Бунақасини ўқитиш менга ҳам енгил эмас эди!— деди у соддадиллик билан.

Беруний бўлса, дўстларининг гапириб турганларига эътибор қилмай, давом этди:

— Фалсафий изланишларингиз жуда қизиқ, дўстим, аммо сиз танлаган йўл масаласида менинг учта асосий эътирозим бор. Бу тўғридан-тўғри «чўққилар»га тааллуқли бўлиб, уни жиддий равишда кўриб чиқишга тўғри келади. Биринчидан, сиз ислом ақидаларига қаттиқ ёпишиб олгансиз, иккинчидан, мен Арастуга яқинлигингизга қаршиман, биласизми, мен унинг таълимотини ҳеч қачон тўла-тўқис қабул этган эмасман; учинчидан, Афлотун ва унинг халафлари бизнинг йўлдошимиз эмаслигини унутмаслик керак!..

Беруний ёниб гапирарди. Унинг сўзларидан бу масалалар уни жуда қизиқтирганини ва унга дахл қилганини тушунмоқ мумкин эди. У ўзининг ҳақлигини исбот қилиш учун ҳар қандай мунозарага тайёр эди.

Бироқ бояги кўнгилсиз воқеадан сўнг Ҳусайн мурасага мойилроқ эди, шунинг учун жудаям беозор оҳангда эътироз этди:

— Агар менинг мулоҳазаларим билан Афлотун фалсафаси орасида ўхшашлик бор деган эътиқодга келган бўлсангиз, унинг назариясини ёмонроқ манбалардан ўргангансиз деб қўрқаман. Арасту борасидаги эътирозингиз ҳам тўғри эмас. Борди-ю, мен ундан бир нарса олганимда ҳам, бизнинг заминда инкишоф топадиган, мақсадга мувофиқ жиҳатларини оламан. Ислоом масаласига келганда, менинг бу борадаги қарашимни ўзимдан кўра устоз Абдусамад ота яхшироқ айтиб берадилар.

— Тўғри, тўғри,— гапга қўшилди чол,— у бутунлай даҳрий бўлиб кетди! Яқинда у шундай жиддий гапларни айтдики, ҳатто мен ҳам қўрқиб кетдим. Биз коинотнинг пайдо бўлиши, унинг моҳияти каби асосий масалаларда мустақил мулоҳаза юргизишга одатланмаганмиз... Унинг айтганларидан менинг тушунишим шу бўлдики, худо унинг тасавурида бизнинг ислом оллоҳидан тамом фарқ қилади. У оддий, танҳо ва комил — бу ўз-ўзини таниган соф идрокнинг ўзгинаси. У борлиқ сингари абадий, борлиқ эса, худонинг қудрати билан яратилмай, табиий заруратдан бунёдга келган. Мана шунинг ўзиданоқ Ҳусайннинг руҳонийлардан тамом бошқа йўлда бораётганини билиб олсанг бўлади.

— Агар мустақил фикр юритишга уринаётган бўлсангиз мен жуда мамнунман,— деди Беруний.— Ҳозир қайси масалалар устида ўйлаб юрибсиз?

Ҳусайн кулимсиради.

— Ёшим улгайган сари ўз дунёқарашимни аниқлаш, белгилаш заруратини сезмоқдаман. Ҳозир ўз шоғирларим учун бир фалсафий рисола ёзиш ниятидаман, аммо менда фақат фалсафа туркумигина эмас, бутун фанларни қамраб оладиган катта бир қомус ёзиш орзуси тобора ўсиб, мустаҳкамланмоқда. Фанларни ўзимча туркумларга бўлиб, улар ҳақида шу китобда фикр юритмоқ ниятидаман... Мени Арастуга ҳаддан ташқари яқинликда айблаб янглишяпсиз, Абу Райҳон. Мен уни ҳурмат қиламан, у биз олимларга кўп нарса берди. Аммо шуни унутмаслик керакки, унинг хатолари ўз мисолида яққолроқ кўринади, мен ана шуларни тузатиб, ўз йўлим билан бораман...

Ҳусайн гапириб туриб, деразага қаради-да, бирдан сакраб турди.

— Дўстларим, ахир бугун рамазон эмас-ку! Агар бу гапни давом эттира берсак сизларни очдан сулайтириб қўяман.

— Мен таомдан кўра суҳбатга кўпроқ иштаҳо сезмоқ-даман,— жавоб берди Беруний.

Аммо Ҳусайн билан Абдусамад ўринларидан қўзғалишди.

— Қолганини дастурхон атрофида гаплашамиз,— ваъда қилди чол.— Бундан ташқари, аввали худо, қолаверса шоҳ ва Ҳусайннинг марҳамати билан бизга ҳали-вери бир-биримиздан жудо бўлиш хавфи йўқ.

Дўстлар эҳтиром билан Абдусамаднинг қўлтиғига кириб, оҳиста хонадан чиқишди.

Аммо таомдан сўнг ҳам олимлар бир-бирларидан сира ажралишолмади. Суҳбатлари алламаҳалгача чўзилди.

Уфқ ҳам қоп-қорайиб кетди, уйдаги чироқлар ҳам сўнди. Фақат Ҳусайннинг хонасидан ёруғ чиқиб турарди.

Толиқиб қолган Абдусамад тўрда парқуга ёнбошлаб олганди. Ҳусайн билан Беруний пастроқда ўтириб, ҳамон баҳслашардилар.

Арасту, Афлотун, ал-Фаробий, Беруний ва Ҳусайннинг фалсафий қарашларини аллақачон муҳокама қилиб бўлишганди. Абу Райҳон ўзининг фанга қарашини, асарлари хусусидаги фикрларини айтиб бўлган эса-да, суҳбат мавзуи сира тугамас эди.

Баҳс бир неча мартаба кескин тус олди. Қизиққон Берунийнинг овози Ҳусайннинг мулойим овозини босиб кетарди.

— Сиз ҳаддан ташқари юмшоқ, меъеридан зиёдроқ риоягарсиз!— қичқирди у.— Нодонлар ва жаҳолатпарастларни қириб ташлаш даркор! Сиз эса уларга риоя қилиб юрасиз!.. Улар ўзларининг аҳмоқона ҳаёллари билан илми ҳам ифлос қилишади, шунинг учун улар ҳатто касал бўлишса ҳам менинг раҳмим келмайди.

— Сиз турли нарсаларни қўшиб юборяпсиз, дўстим,— эътироз этди Ҳусайн,— нодонлар ва чала мулларнинг менга илмий рақиблиги бир гап бўлса, уларнинг менга ҳақим сифатида, нажот истаб мурожаат қилишлари бошқа гап, азизим, мен бошқа касалларга қандай қарасам уларга ҳам шундай қарашим керак...

— Агар сиз фанга ишонсангиз, агар сиз фақат илгор фикрларгина фойда келтиришига ишонсангиз, уларни нест-нобуд қилиш даркор!— қизишди Беруний.

Абдусамад бу гапларга қулоқ солиб куларди, суҳбат жуда кескинлашиб кетганини сезгач, эҳтиёткорлик билан гапни бошқа ёққа буриб юборди.

— Бу нимаси, ахир!— хитоб қилди у.— Наҳотки мен ҳамиша сизларга энагалик қилсам? Сен қачон осойишта гапиришга ўрганасан, Абу Райҳон?

— Эҳтимол қилган савоб ишларим туфайли равзага қадам қўйганимда ўрганарман.

— Мен биламан,— давом этди чол,— сиз иккинги турли одамларсиз, шундай бўлса ҳам дўстсизлар. Бинобарин, осойишта суҳбат қилишни ўрганиш керак-да!

— Биз шунга ҳаракат қиламиз, устоз,— тасалли берди Абу Райҳон.

Ҳусайн Абдусамаднинг ёнгинасига сурилиб ўтирди ва:

— Сизни қўйнаб қўйдикми, домла?— деб сўради.— Толиқиб қолдингиз, балки дам олишингиз лозимдир?

— Йўқ! Сизларни кузатиш, суҳбатларингизга қулоқ солиш шу қадар қизиқки, мен чарчаганимни унутиб юбордим. Иккинги табиятан шу қадар бошқа-бошқасизки, қараб ҳайратда қоляпман! Сени, Ҳусайн, Абу Райҳондан кўра яхшироқ биламан. Унинг ҳақида эса китоблари, сенга ёзган мактублари, бугунги айтганлари ва ёшлик даврига оид ўз хотираларим асосида фикр юритишим мумкин.

— Ахир, бу жуда кўп-ку!— деди Беруний меҳрибонлик билан чолга қараб.— Шу маълумотлар асосида мен сизга қандай бўлиб туюламан?

Абдусамад унга тикилиб қаради.

— Менинг фикримча,— мамнуният билан бошлади чол, суҳбатга қўшилишим орадаги жиддийликни бир даража сусайтирар деган умид билан,— сенинг асосий хислатинг — башариятни севишдир. Ҳусайн бўлса, одамни севади. Мен аминманки, сен оламнинг осойишталиги учун ҳаётингни беришга тайёрсан, аммо ўз яқинларинг кўпинча нафратингга сабаб бўлғусидир. Тўғри эмасми?

Беруний бошини қимирлатиб қўйди.

— Сен унинг сингари,— Абдусамад кўзи билан Ҳусайн томонга ишора қилди,— бутун вужуди эриб кетган кампирни ёки қорин солган муллани ёнида туриб парвариш қилолмайсан, аммо ҳамма кампирларнинг яшариши ва муллаларнинг мулла эмас, ҳақиқий олим бўлишлари учун жонингни ҳам аямайсан!— Абдусамад кулиб давом этди:— Агар сенинг фандаги йўналишингга келсак, назаримда, ҳозир сени аниқ фанлар кўпроқ ўзига тортмоқда, назариёт

сенга амалиётдан кўра яқинроқ, тўғри, амалиётда ҳам чакки эмассан, албатта!.. Табиатинг бўлса, бахтга қарши, ёшлик чоғингдагига нисбатан заррача юшмабди. Ҳолбуки шаклу шамойилинг илгари мен кўриб юрган бадфеъл, серзарда болага эмас, пурвиқор, мўътабар бир мансабдорга ўхшайди... Бироқ сенинг табиатинг хавfli эмас, чунки ёнмаган ёндирмайди, деб бежиз айтилмаган...

— Бизнинг ювош Ҳусайнимиз ҳам ёндирадиган кўри-нади-ку.

— Бизнинг Ҳусайн бир маромда ёнади, сен эса тез-тез ловиллаб кетасан... Майли, ўз ватанингда, Ҳусайн билан ёнма-ён ишлаб, сен ҳам бир маромда ёнадиган бўласан... Ҳозирча, болаларим, мени ўз хонамга обориб қўйинглар.

Олимлар боққа чиққанда субҳидам эди. Абдусамадни ўз хонасига бошлаб боргунларича шарқ пушти ранг касб этди. Боғда сас-садо эшитилмасди. Бу субҳидам сукуна-тида йўлакдаги қадам товуши ҳам, энди уйғонган қушлар-нинг чугурлаши ҳам шовқинга ўхшарди. Сал овоз чиқарилса, шаффоф ҳавода узоқ-узоқларга бориб акс садо берарди.

— Юринг, бир оз айланиб келамиз,— шивирлаб таклиф этди Беруний субҳидам сукунاتини бузишга қўриқиб.— Мен кўпдан бери Хоразмим ҳавосида нафас олманман!

— Ундай бўлса, қишлоққа кирамиз, мен бир касал боладан хабар олишим керак,— деди Ҳусайн ва Берунийни катта боғ орасидан бошлаб, дарё томонга олиб кетди.

У ерда олимлар Жайхуннинг қум босган эски ўзани бўйлаб кетишди. Бу ердан кичик кўрфаз соҳилида ҳўкизни эгарлаб, қишлоқнинг янги ариғига сув чиқараётган ёш бола аниқ кўриниб турарди. Илк саҳар бўлишига қарамай, далада одамлар кўринарди.

— Биламан Хоразмнинг алмисоқдан қолган чиғирини!— хитоб қилди Беруний. Сўнгра диққат билан далаларни кўздан кечирди.— Шунча оқилона тортилган ариқларга қадимий чиғирдан сув чиқарилмоқда! Бу ерлар кимники?

— Биз бораётган қишлоқ аҳолисининг ерлари.

— У ернинг одамлари меҳнаткашми ёки ёлқовми?

— Қашшоқ, лекин ҳаммаси меҳнаткаш одамлар. Уларнинг ерлари сувсиз қолганди, кўриб турибсиз-ку Жайхун қаёққа қараб йўл олган.

— Уларга сиз ёрдамлашгандирсиз?

— Мен фақат ерни ўлчаб, режа тузиб бердим, холос.

— Ариқлар жой-жойига қазилган, жуда оқилона!—
Беруний яна далага назар солиб чиқди.— Аммо бу кўҳна
чиғирлар сираям ярамайди. Модомики мен бегона ерларда
сувнинг кучи билан унинг ўзини ҳаракатга келтиришни
ўрганган эканман, ўз ватанимда буни рўёбга чиқармоқ ме-
нинг бурчим...

У Беруний чиғир ва уни идора қилишнинг ибтидоий усу-
лига қараб туриб, жарангдор бегона тилда алланималар
деб гапирди. Хусайн айрим таниш сўзларни пайқаб қолди.

— Юнон тилини ҳам ўргандингизми? Уқилган парча-
нинг маъноси нима?

— Юнонларнинг ибодатида: «Меҳрибон Зевес, суғор,
суғор, афиналикнинг еринию қирини...»,— деган иборалар
бор. Афтидан, ҳамма жойда ҳам сув — ҳаётнинг бош ман-
баи бўлиб келган.

— Чиғир масаласида сиз хотиржам бўлинг, дўстим, у
келгуси йилгача яшайди, холос. Қишда подшоҳлик ерлари
учун катта анҳор қазилади, унда чиғирга эҳтиёж қолмайди.

— Анҳор? Қаердан ўтади у?

— Сиз билан мен турган жойдан.

Беруний эгилиб, тупроқни сиқимлаб кўрди.

— Ювиб кетадими?

Хусайн кулиб юборди.

— Дарҳол пайқадингизми? Ювиб кетар деган умид-
дим бор.

— Яхши ўйлабсиз. Шоҳ ҳеч нарса йўқотмайди, қиш-
лоқ бўлса сувсизлик офатидан қутулади. Ватандошларим
учун сизга ташаккур, дўстим...

Уч ҳафтадан сўнг, белгиланган кунда, Муслим табиб
Хусайннинг ҳузурини пайдо бўлди. Бир-икки кун илгари
кичкина Улмас таёққа суяниб юра бошлаган эди.

Табиб шоҳнинг боғ-саройига шундай дадил кириб кел-
дики, гўё ҳар кун бу ерга кириб юргандай.

Унинг қўлида қандайдир узунчоқ нарсалар солинган
халтача бор эди.

«Чол хонага кириб, атрофга бир назар солиб қўйди. Хо-
нада Хусайн билан синглиси Гулнорадан бошқа ҳеч ким
йўқ эди.

— Муҳтарам табиб, менинг шогирдларим бор,— илтимос қилди Ҳусайн,— агар рухсат этсангиз уларни ҳам чақирай. Ешларнинг сиздан ўрганиши кўп яхши бўларди.

— Қишлоқ табибига ишонсангиз чақира беринг,— кулиб рухсат берди у.

Ҳусайннинг шогирдлари тўплангач, чол ўрнидан турди.

— Мен сизларнинг устозларингиздек гапиролмайман, шунинг учун синиқни қандай даволашимни кўрсатаман. Қайси бирларингиз хоҳласангиз бу ишни такрорлашингиз мумкин. Менга ҳам шу йўсинда ўргатганлар.

У халтани очиб, ичидан битта хурмачани олди, бу хотинлар сут қуядиган, қатиқ уйитадиган оддий хурмача эди. Хурмача бўш эди. Чол уни қайта халтага солиб бўғиб боғлади. Сўнгра қулочкашлаб уни эшикнинг кесакисига урди. Хурмача мажақ-мажақ бўлиб, сополлар жаранглаб кетди.

— Боланинг оёғи ҳам мана шундай мажақ-мажақ бўлиб кетганди,— тушунтирди табиб диққат билан кузатиб турган Ҳусайн ва унинг шогирдларига.

Табиб чордона қуриб ўтирди-да, халтадаги синиқ сополларни силаб-сийпалаб кетди. У синиқларнинг бирини пастга туширса, иккинчисини юқорироқ кўтаргандай бўлар, бир томонга бўртиб турганларини эса силаб текисларди. Шу тариқа у анчагина уриниб, охири халтадаги синиқ сополларни яна хурмача шаклига келтирди. Гарчи унинг четлари қалин матодан тикилган халтага суяниб турган бўлса ҳам, ҳар ҳолда хурмачанинг худди ўзи эди.

— Менинг ҳунарим мана шундан иборат. Энди суякларни ўстириш қолди, холос.

Шу сўзларни айтгач, Муслим табиб ўз санъатидан ҳайратда қолганларга таъзим қилиб чиқиб кетди.

Ибн Сино ва Беруний оиласи Урганчга кўчиб келгандан кейин, орадан уч-тўрт кун ўтгач, Ҳусайннинг номаълум ёр кўйида танда қўйиши яна бошланди.

Кузнинг охириги иссиқ кунлари. Баланд осмонда пахтадек оппоқ булутлар қат-қат қилиб уйиб ташлангандек кўринади. Кечки пайт бутун оламга қирмизи шуъла сочиб қуёш ботади. Урганчдаги қошоналарнинг минора ва қуббалари шу алангада куйиб бораётгандай туюлади.

Ҳусайн шаҳараро кезиб, на оқшомнинг лола ранг чеҳрасига, на бозорнинг одатдаги шовқинига эътибор қиларди. У енгил шабададан узилиб тушган қуруқ япроқларнинг шитирлаши-ю, ўз қалбида пайдо бўлган аллақандай куйни эшитарди, холос. Шу тариқа юрагида мисрама-мисра бир ғазал бунёдга келмоқда эдики, уни «номаълум маъшуқага» деб аташ мумкин эди.

Ҳусайн таниш дарвоза олдидан секин ва кўринишидан бепарво ўтиб кетди, аммо юрагида ҳамон: ҳозир эшик очилади-ю, ниҳоят ўзимнинг зебо санамимни кўраман, деган ўша эзгу умид.

Бироқ дарвоза ҳамишагидек берк бўлиб, девор орқасида майин сукунат ҳукм сурарди.

Шаҳарга келганларига икки ҳафта бўлаёзганда, Ҳусайн ҳам рўмолча билан билагузук воқеасини туш эмасмиди дея шубҳалана бошлаганда, онаси жорияни Ҳусайнни чақиришга буюрди.

— Бекам сизни чақиряптилар,— шивирлади қиз.

Ҳусайн Ситорабонуни болохонада учратди. Бону панжарага суяниб, диққат билан боққа қарарди. У ҳали ҳам сарвқомат, хуш сабот эди. Ҳусайн эҳтиром билан онаси қаршисида туриб, эътиборсизлик билан унинг рўзғор ҳақидаги мулоҳазаларини тингларди. Чунки бу ишларнинг ҳаммасини Абул Қосимнинг ёрдами билан айти муддао қилиб бажариш мумкинлигини, ҳозирги маслаҳат эса, шунчаки бир интизом учун ўртага солинаётганини биларди.

— Ана у ёққа бир қара,— бирдан гапни бўлиб, қўли билан боғ томонга ишора қилди она,— Гулноранинг дугонаси қандай соҳибжамол қиз!

Ҳусайн паришонлик билан Ситорабону кўрсатган томонга назар солди.

Дарахт тагига солинган гиламда Гулнора, вазирнинг кичик қизи Тошбиби ва яна қандайдир оқ пушти либос кийган нозик, оппоқ нотаниш қиз ўтирарди.

Ҳусайн қизга бир назар солди-да, дарров ундан юз ўгириб:

— Ростдан ҳам гўзал, шекилли,— деб. қўя қолди.

— Бу Люсибонунинг қизи Робиа,— таъкидлади она боласининг эътиборсизлигидан ранжиб.— Ажойиб қизча, бунинг устига жуда бадавлат...

Ҳусайн кулиб, юзларини онасининг қўлига босди.

— Мен сизни зериктириб қўйдимми, нега ҳадеб менга

бой қизларини кўрсата бошладингиз, ойи?— муғамбирона савол қотди Ҳусайн.

— Сени бахтли бўлсин дейман-да, болам.

— Мен шундоқ ҳам бахтлиман. Бунинг учун ҳеч қандай қизнинг кераги йўқ.

Шундан сўнгги ойларда Ҳусайн онаси ва синглиси яшайдиган хонага кирганда у ерда кўпинча Гулноранинг янги дугонаси — Робиани учратадиган бўлиб қолди. Бу қизнинг Ҳусайнга бефарқ қаролмаслиги равшан сезилиб турарди. Ҳусайннинг келиши яқинлашди дегунча у гулгул очилиб, қўшиқ айтар, рақсга тушар, ўзи ўқиб чиққан сон-саноқсиз китоблардан қизиқ-қизиқ воқеаларни нақл этар, бироқ остонада олимнинг келишган қадду қомати пайдо бўлиши билан лоладай қизариб, қўлидан руд тушиб, хомуш бўлиб қоларди. Қизнинг бу ҳаяжонларини уйдагиларнинг ҳаммаси сезарди-ю, аммо Ҳусайннинг парвойига ҳам келмасди. Ситорабону яна бир неча бор ўглининг диққатини унга жалб этишга уриниб кўрди; Ҳусайн қизга меҳрибонлик қилар, у билан қувнаб гаплашар, лекин тамом бепарво эди. Фақат сарой кўчадаги ёш хонимгина унинг фикру зикрини қамраб олганди.

Кузга бориб Робиа оза бошлади ва дугонасининг уйига ҳам кам келадиган бўлди.

Бир куни Робиа онаси билан Ситорабону хонадонига келиб, бирдан тоби қочиб қолди. Бесаранжом бўлган Гулнора қизнинг эътирозига қарамай акасини чақирди.

— Хўп нозик ниҳолсизлар-да!— ҳазиллашди у ишига халақит берган синглисига.— Бош оғриги ҳам сизларни ваҳимага солади.

Шундай бўлса ҳам у ишини тўхтатиб, катта уйга қараб кетди.

— Ташвиш қилманг, ҳозир қизингизни даволаймиз,— деди онаси билан суҳбатлашиб турган Люсибонуга тасалли бериб...

Робиа Гулноранинг ётоғида илгаригидан ҳам оқариб ётарди.

— Мен соппа-соғман,— деди у,— ҳаким жанобларини сираям бесаранжом қилмоқчи эмасдим. Бу ҳаммаси Гулноранинг иши...

Аммо Ҳусайн энгашиб, иситма бор-йўқлигини билиш учун унинг пешонасини, сўнг томирини кўриш учун қалтираб турган қўлини ушлади. Ушлади-ю, кутилмаганда, унинг ўз қўллари қалтираб, юрак уришининг зўрлигидан

кўзларини юмди. У кўзларини очиб таажжуб билан ўз кафтига қаради. Унда ҳанузгача қизнинг нозик оқ панжалари ётарди. Таниш билагузукнинг иккинчи ярми оддий кумушга уланиб, Робианинг ингичка билагини безаб турарди.

— Сиз ўшами?— ихтиёрсиз хитоб этди Хусайн.

Робиа бош қимирлатди.

— Нега илгарироқ менга билдирмадингиз?— шивирлаб сўради олим вужудини ҳиссиёт қамраб бораётганини сезиб.

— Мен ҳаминша шу билагузукни тақиб юрардим, аммо сиз бирор марта қайрилиб қарамадингиз,— жавоб берди у аранг эшитилар овоз билан ва болаларники сингари катта-катта кўз ёшлари юзларидан оқиб тушди.

— Қандай бефаросатман!— қақшаб таассуфланди Хусайн ва сарой кўчадаги ажойиб қиз Робиа эканидан жуда қувонди. Зотан бундан кўра яхшироғини тасаввур қилиш мумкин ҳам эмас-да!

Хусайн унга қараб тўймасди.

Хоразм йигити ва хитой қизидан вужудга келган Робиа ростдан ҳам соҳибжамол қиз эди. Бундан ташқари у Урганчда ўзининг ўткир ақли ва чуқур маълумоти билан машҳур эди. У эндигина ўн етти ёшга кирганди. Кўпчилик уни Урганчнинг биринчи даражадаги гўзали деб ҳисобларди. Муътабар оилага мансублик, назокат ва латофат, отасидан қолган катта давлат уни подшоҳнинг синглиси-ю, вазирнинг қизи билан яқинлаштириб қўйганди.

Буларнинг ҳаммаси қизни шу даражага кўтаргандики, Ибн Синодек олимгина эмас, ундан юқорироқ мансабдорлар ҳам унинг илтифотини ўзлари учун бахт деб ҳисоблардилар.

Хусайн ўзининг қайси фазилати билан соҳибжамол Робиани мафтун қилиб қўйганини ўйлаб тагига етолмасди. Қизнинг гул баргидек нозик юзлари, оппоқ қўллари, қора шахло кўзлари, умуман фавқулодда қиёфати уни батамом сеҳрлаб қўйганди. Унинг гўё узоқдан эшитилаётгандай оҳиста, майин овози ҳам Хусайнга жуда ёқиб қолганди.

Хусайн савдойи бўлиб қолди: оҳ тортар, шеърлар ўқир, ўзи газал тўқир, ҳатто ишга ҳам қўли бормасди. Энди унинг бутун фикру зикри Робиа билан банд эди.

Бир суҳбат чоғида Робианинг ўзи ўқиган китоблар ҳақида баён қилган мулоҳазалари Хусайнни ҳайратда қолдирди. Ҳозир ўзлари билан бирга истиқомат қилаётган

тоғаси унга хитой тилини ўргатибди. Қиз бу тилда бемалол ўқир, зарур парчаларни Ҳусайнга таржима қилиб берарди. Бундай олима қиз Ҳусайннинг илмий фаолиятида жуда яхши ўртоқ ва ёрдамчи бўлади, деб ўйлаш мумкин эди.

Аммо бир нарса куёвнинг гашига тегарди. Бу — Робианинг сеҳр-жодуга, туғилиши олдида қандайдир бир фирибгар мунажжим тўқиган юлдузномага муккаси билан кетгани эди. Мунажжим унинг тақдирини тайинлаганда, у ўқимишли қиз бўлади, деган экан, шунинг учун у китобни қўлдан қўймасди, у ҳаётнинг биринчи ярмида кўп йўл юради дейилган экан, шунинг учун бутун Хоразмни ва Хуросоннинг бир қисмини кезиб чиқибди. Мунажжим уни бадавлат бўлади, деган, бу давлатни отаси қолдириб кетди. Энди у, агар мунажжим янглишмаган бўлса, чиройли ва заковатли йигитга тегиши керак. Шунинг учун Робиа Ҳусайнни биринчи кўришдаёқ менинг эрим мана шу деб, унинг тезроқ совчи юборишини кутарди.

Бу нуқсонлар Ҳусайннинг Робиага бўлган майлини сусайтирмади. У уйланишга аҳд қилди.

Ҳусайннинг уйланиши оиладаги уч тўйнинг биринчиси эди. Ундан сўнг Маҳмуд вазирнинг кичик қизи Тошбибига уйланди. Энг кейин Гулнорани бухоролик эски қадрдонлари Солиҳга узатишди.

21

Бир кун шаҳар дарвозаси очилган ҳамон ҳамма ёғини чанг босган, чарчаган бир йўловчи Урганчга кириб келди. Унинг либослари ва рамақда жони қолган отига қараб жуда узоқдан келаётганини пайқаш қийин эмасди. Ўзига керак Ҳусайн ибн Синонинг уйини дарров топиб, дарвозани тоқатсизлик билан бирин-кетин қоқиши илк саҳарда меҳмон келганидан дарак берди.

Раҳматнинг таажжубланиб, қувониб хитоб қилишлари Ҳусайнни ишини тўхтатиб, ташқарига чиқишга мажбур этди.

— Солиҳ, қадрдоним! — нидо солди у келган одамнинг болаликдаги дўсти Солиҳ эканини таниб.

Солиҳнинг озиб кетган юзлари севинч табассуми билан ёришди, Ҳусайн билан қучоқлашиб кўришди-ю, дарров ундан ажралиб:

— Сиз билан ёлғиз қолиб айтадиган гапларим бор,— деди.

Дўстлар уйга киришди.

— Мен қочоқман,— уйга кириб Солиҳнинг айтган биринчи сўзи шу бўлди.— Айтинг-чи, мени қабул қила оласми ёки бошқа бошпана қидирайми?

— Бирор ножўя иш қилиб қўйдингизми?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, менинг уйимни ўз уйингиздай билинг,— жавоб берди Хусайн.— Лекин бўлган воқеаларни ҳордиқ чиқаргандан сўнг ҳикоя қиласиз.

Ҳориб-толиб келган Солиҳ кун бўйи ухлаб, кечқурун ҳам кўз очмади, агар Маҳмуд келиб уни уйготмаганда кечаси ҳам ухлаб чиқарди.

— Солиҳ, азизим, сени бағримга босаман деб кун бўйи кутиб ўтирдим! Ана у ноинсоф Хусайн эндигина олдинга киришга рухсат берди, тур дўстим, тур. Сенинг суҳбатингга жуда муштоқмиз.

Солиҳ кўзини очиб, сакраб ўрнидан турди ва эски дўсти билан қучоқлаша кетди.

— Бошимиздан қанча йиллар, қанча воқеалар ўтди, Маҳмуд,— деди у бир оз орқага тисланиб дўстига тикилганча.— Кўриб турибман, сен яшнаб бораётган кўринасан! Бир вақтлар мени олифта деб тегажоқлик қилардинг, энди мен бу сўзларни ўзингга нисбатан юз бор такрорлашга ҳақлиман.

— Биласанми, жўра,— кулди Маҳмуд,— вазирнинг мирзаси жулдур кийимда юролмайти.

— Сенинг бахтинг билан қувонаман, Маҳмуд. Мен муҳтарам Абдуллоҳ фарзандларининг ёруғ истиқболига ҳамиша амин эдим.

— Мен ким бўлибман! Хусайн десанг бошқа гап...

— Хусайннинг довуғи узоқ-узоқларга тарқалган,— ифтихор билан гапирди Солиҳ.— Ҳатто Ғазнада ҳам унинг номи буюк эҳтиром билан тилга олинади.

— Ғазнада? Ҳали сен Ғазнадан келяпсанми?

— Мен у ердан қочиб келдим.

— Ундай бўлса, дўстим, сен бизга кўп нарсаларни айтиб беришинг мумкин. Ҳозир дунёнинг ҳар бир шаҳридан кўра Ғазна тўғрисида кўпроқ гапиришади, лекин ҳеч ким аниқ маълумотга эга эмас. У ерда нималар бўлаётганини ўзимизга яқин кимсадан, сендан эшитишимиз жуда кўнглили. Қани, тезроқ кийин. Мана кийимларинг. Хусайннинг

олдида меҳмонлар бор. Лекин улар ҳақиқий дўстлар. Сен уларнинг олдида таф тортмай гапиришинг мумкин.

Хусайннинг дастурхони атрофида Абдусамад ва Беруний ўтиришган эди. Улар иккиси ҳам Солиҳга диққат билан қараб чиқишди. Чол хайрихоҳ табассум этиб:

— Дўстларимизнинг дўсти — бизнинг дўстимиз, — деди.

Солиҳ эҳтиром билан таъзим қилди.

Хусайн Солиҳни ўнгайроқ жойга ўтқазди, унинг жуда очлигини билиб, бир неча хил таомни унга яқинроқ суриб қўйди.

— Ёшлик билан учрашув шарафига! — деди Хусайн қўлидаги қадаҳни кўтариб.

— Содиқ дўстлар саломатлигига! — деди Солиҳ қадаҳни сипқариб, — ҳақиқий дўстлик шарафига!

Солиҳ овқат егунча меҳмонлар билан мезбонлар узилиб қолган суҳбатни давом эттиришди.

— Шундай қилиб, Маҳмуд, сенинг фикрингча, халифанинг хоразмшоҳга алоҳида илтифот қилиши замирида бирор ғараз йўқми? — савол берди Беруний.

— Албагта. Шоҳимизнинг давлат ва қудрати кун сайин ошиб бормоқда. Халифа қудратли давлатлардан таянч қидиради. У бош бўлган диний ҳокимият инқирозга юз тутиб боряпти. Ахир уни ҳозир бутун мусулмон дунёсининг бошлиғи деб бўладими? Кардовада бошқа халифа ҳукмронлик қилмоқда. Мисрда ҳам шундай. Бағдоднинг ўзида давлат идораси шийлар сулоласидан бўлган Буитлар қўлида. Ҳол шундай экан, халифа қудратли подшоҳларга хушомадгўйлик қилса не ажаб? Қўшнилар ва рақиблар олдида халифанинг алоҳида илтифотини кўз-кўз қилиш — хоразмшоҳ учун ҳам фойдадан холи эмас, албатта. Шунинг учун вазир ҳукмдорга халифа элчиларини катта тантана билан кутиб олиб, шу муносабат билан сайлу томошалар уюштиришни маслаҳат берди.

— Дўстлар орасида сенга ўхшаш ҳар нарсадан воқиф бир кимсанинг бўлиши жудаям яхши-да, Маҳмуд! — деди Беруний енгил киноя билан. — Бироқ, менинг назаримда, шоҳнинг ўзи сенинг вазирингдек бу масалага шунчаки бир гап деб қарамайди, шекилли. У бу борада ҳатто мен билан Хусайн каби хоксор одамларнинг фикрини билмоқчи. Шу муносабат билан иқрор бўлишим керакки, биз бу хусусда бир ўйлаб олиш учун муҳлат сўрадик. Иккимиз ҳам дабдурустан подшоҳга нима дейишни билмай қолдик.

— Нега бунча бош қотираётганларингизга тушунолма-
япман. Эҳтимол халифанинг бу дўстона ҳаракатидан ҳам
бирор ғараз қидираётгандирсизлар?

— Одобсизлик бўлса ҳам сўрашга тўғри келади,— гап-
га аралашди Солиҳ,— подшоҳингизни қандай улуғ илти-
фот кутмоқда?

— Бизнинг подшоҳимиз ўзларининг художўйликлари,
дини исломга қувват ва равнақ берганлари учун халифа-
дан Маккада тикилган табаррук сарполар ва «Давлатнинг
кўзи, исломнинг беағи» унвони берилгани хусусида хабар
олдилар.

— Ана холос!— хитоб этди Солиҳ.— Лекин бизнинг
Султон Маҳмуд бунга сираям рози бўлмайди! У бу унвон-
ни олишга шу қадар ишонган эдики, сўнгги вақтларда Ғаз-
нанинг ҳамма масжидларидаги ибодатда уни шу унвон би-
лан: «Давлатнинг кўзи, исломнинг беағи» деб атардилар.
Эҳтимол у бундай фармонни ҳар соатда кутиб тургандир.
Демак, бу янгиликдан у қароқчининг диққати чиқади, мен
мана шундан хурсандман!

Хусайн билан ал-Беруний кўз уриштириб олди-
лар.

— «Қароқчи» дедингми, ўғлим, мен тўғри эшитдим-
ми?— сўради Абдусамад.

— Ҳа, у бориб турган қароқчи,— такрорлади Солиҳ ва
кўзларида газаб ўти чақнаб кетди.— У қароқчи, таловчи
ва қабиҳ одам! Хусайн, агар менинг сўзларимга қўшилма-
сангиз уйингиздан қувиб чиқаришингиз мумкин, лекин
мен кўрган-кечирганларимни айтиб бўлгунча қулоқларин-
гизни беркитманг!

— Тинчланинг, дўстим,— деди Хусайн қўлини йигит-
нинг елкасига қўйиб.— Бу ерда дўстлар ўтиришибди.
Агар сиз бизга бирор нарса демоқчи бўлсангиз, биз хай-
рихоҳлик билан қулоқ соламиз, марҳамат.

— Эҳтимол эсларсиз, отамни Султон Маҳмуднинг ўзи
чақиртириб олган эди,— деб бошлади Солиҳ оний жимлик-
дан сўнг.— У ўзигача биров ҳурмат қилган, бирор ҳукмдор
қадрлаган кишиларни атрофига тўплашни яхши кўрарди.
Сомонийлар инқирозидан сўнг четда қолган энг маълумот-
ли одамларни шу тариқа қизиқтириб олиб кетди, агар
унга хизмат қилишга рози бўлсалар Сомонийларнинг ҳам-
ма шоирларини, олимларини, рассомларини ўз теварагида
тўплашга тайёр эди. Биз Бухородан сизлардан илгарироқ
жўнаган эдик, отам бутун бойлигини олиб кетганди. Биз

тўғри бориб аждаҳонинг комига кирамиз деб сира ҳам ўйламаган эдик...

Солиҳ хаёлга чўмиб бошини эгди, Ҳусайн ўртоғининг чиройли юзида мусибат изларини кўриб ачинди.

— Ғазна,— яна бошлади Солиҳ,— ростдан иккинчи Бағдод деб аталишга сазовор шаҳар, унинг ташқи кўриниши чиройли, бой ва муҳташам. Шаҳар тоғлик жойда барпо этилган, у ерга фақат бир йўл билан бориш мумкин, уни ҳарбийлар шундай аҳтиётлик билан қўриқлаб туришадикки, дунёнинг бирор йўли бундай қўриқланмайди. Бутун шаҳар Султоннинг улуғ қаср-қалъаси атрофида жойлашган, унга минглаб одамларни сифдириш мумкин. Сарой-қалъада Султон ва яқинларининг уйларида ташқари ҳарбийларнинг турар жойлари, зиндон ва масжид бор. Бу биноларнинг ҳар бир тоши ҳинд асирларининг елкасида ташиб келтирилган. Сарой деворлари орқасида — шаҳарда ҳам сон-саноқсиз саройлар, ҳарбийлар турар жойи, масжидлар бор. Ғазнада ўн сарбозга биттадан мулла тўғри келади. Иккинчи Бағдоднинг қиёфаси мана шундай! Шуниси ҳам борки, Ғазна ҳашамат ва дабдабада Бағдоддан ўзиб кетади. Бу ерга қанча бойлик тўпланганини сизлар тасаввур ҳам қилолмайсиз, дўстларим. Бунчалар бойлик ва ҳашаматнинг ҳаммаси Ҳиндистонга қилинган таловчилик юришлари самарасидирки, бош қароқчи Султон Маҳмуд буни «ғазот» деб атайди. У тинч аҳолини талайди, уйлари, ибодатхоналарни вайрон этади, йўлда учраган ҳамма нарсани куйдиради, асирлар ва ўлжаларни Ғазнага ташиб олиб келади. Ғазна афсонавий бойлик ва ғамхонага айланди.

— Аҳоли қандай яшайди? — қизиқсинди Беруний.

— Аҳоли! — истехзо билан кулди Солиҳ. — Аҳоли турли табақадан иборат, сиз қайси табақани кўзда тутмоқдасиз? Бир ҳовуч бойлар, судхўрлар, улуғ мансабдорлар, руҳоний ва ҳарбий бошлиқларнинг оstonаси тиллодан, албатта. Улар ҳарбий ўлжанинг кўп қисмини ўзлаштириб олишадилар, бу етмагандай, аҳолига турли-туман солиқлар солишадикки, унинг катта қисми шуларнинг ҳамёнига келиб тушади. Аҳолининг бошқа табақалари оғир аҳволда яшайди. Косиблар кўпинча оч қолишадилар, пайдарпай солинаётган солиқлар деҳқонларни кўз очирмай қўйди. Кам ер, камбағал деҳқонлар бор-йўғидан ажралиб, чоракор ва мардикор бўлиб ишлашга мажбур бўляпти. Ғазнадан таш-

қарида, яъни яқиндагина Султон босиб олган вилоятларда аҳвол яна ҳам мушкулроқ.

Солиҳ бир хўрсиниб, яна давом этди:

— Мана мен Хуросон орқали келдим. Бу бой вилоят эди, ҳозир у ерда очлик ҳукмронлик қиляпти. Нон шу қадар қимматки, унга яқин бориб бўлмайди. Очликдан одам гўшти ейишгача бориб етишибди! Ҳолбуки Султон талаб келган молу дунёсини қўядиган жой тополмай турибди...

— Наҳотки ислом ҳомийси деб ном чиқарган Султон очликдан қирилаётган мусулмонларга ёрдам қўлини чўзмаса?— сабри тугаб гапга қўшилди Маҳмуд.

— Қасамёд қилиб айтаманки, айтганларим ҳаммаси рост, дўстим. Шуниси ҳам борки, мен ўн бир йил мобайнида Ғазнада кўрганларимнинг юздан биринигина гапиряпман. Сен Султонни ислом ҳомийси деяпсан. Бу тўғри! У қуръон оятларига қаттиқ амал қилади, лекин ўз фойдаси учун унга амал қилади. Қуръон кофирларга қарши урушни савоб деб атайди. Бу Султоннинг ҳиндларга қарши таловчилик урушини оқлайди. Унинг кўк байроғи остида шундай одамлар тўпланмоқдаки, улар на ўз ҳаётларини, на бошқаларни аяйди. Улар қон тўкишади, Султон бўлса забт этилган элларнинг бойлигини қўлга олади. Агар унинг «ислом ҳомийси» деган шуҳрати бўлмаганда, ўз байроғи остида бу миқдорда ғозийларни тўплай олмасди. Бу тўда кимлардан иборат эканини сизлар тасаввур ҳам этолмайсиз! Бу қўшинни тўлдирганлар: қароқчилар, қотиллар, қочоқ қўллар, дарвешлар ва хонавайрон этилган деҳқонлардир. Мана шуларнинг ҳаммаси мусулмонлик даъвосидаги одамлар. Кўк байроқ уларнинг ҳаммасини бирлаштиради, баравар қилиб қўяди. Ғозийлар қанча кўп бўлса, зафарга ишонч шунча зўр бўлади! Маҳмуд жангу жадал билан қон дарёсида сузиб юрибди...

Солиҳ кўкрагини очганда унинг қўллари қалтираб кетди.

— Мени афв этинглар, нафасим етмай турибди,— деди у.

Ҳусайн йигитга яқинроқ ўтириб, унинг елкасидан қучоқлади.

— Тинчланинг, дўстим, бир оз дам олинг. Агар гапириш оғир бўлса, кейинроқ айтарсиз.

— Мен бутун ҳасратларимни айтиб тугатмай тинчлана олмайман. Адоват туйғуси мени бўғиб ташляпти! Ғазна

да қолиб, пайт топиб, бу ҳайвонни ўлдирмаганим учун ўзимни сираям кечиролмайман...

— Унинг ғозийлари сизни парча-буриш қилиб ташлаган бўлардилар,— деди Беруний.

— Агар ўша қонхўрни дўзахга жўнатиб, сўнгра ўзим ҳалок бўлсам, минг қатла рози бўлардим!— қатъият билан хитоб этди Солиҳ.— У ҳолда худованди карим менинггина эмас, бутун яқинларимнинг гуноҳларини минг йил олдин афв этган бўларди! Бутун бало шундаки, унинг олдига етиб бориш амри маҳол. Одамлар унга қандай нафрат билан қарашини у яхши билади, шунинг учун ўзини ёлланган, ҳадялар билан сотиб олинган ва қўрқитилган муҳофизлар — соқчилар ва жосуслар девори билан ўраб олган.

Солиҳ ўрнидан сапчиб турди-да, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Меҳмон ва мезбонлар Солиҳга халақит бермадилар.

— Унинг Бухородаги ҳаётини эслайсанми? Бу йигитга толе қандай кулиб боққанди?— деди шивирлаб укасига Ҳусайн.— Шўрлик, қандай ўзгариб кетибди?..

— Ғазнада давримизнинг энг улуғ шоири Фирдавсий яшайди.— Абдусамадга қараб гапирди Беруний.— Агар у зот ҳам Маҳмуддан озор кўргудай бўлса — бу ўта шармандалик бўлади!..

Фирдавсий номини эшитиши билан Солиҳ ғамгин кулимсираб тўхтади.

— Фирдавсий Ғазнада эди, аммо ҳозир Тусга кетиб қолди,— деди у.— Шоирлар ва олимлар ҳомийси деб шуҳрат қозонган Султон Маҳмуд у кишини саройга сиғдирмади. Бутун умрини сарф этган улуғ асари «Шоҳнома»ни Ғазнага олиб келиши, уни Султон Маҳмуд каби йиртқич ҳайвонга бағишлайман деб ўйлаши Фирдавсийнинг хатоси эди, албатта! Ғазна улуғ одамнинг жойи эмас! Султоннинг вазири, бадбин ва ҳийлакор Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий «Шоҳнома»дан эронийларнинг туронийларга ҳужум қилиши ва халқ қаҳрамонларининг босқинчиларга қарши исён кўтаришлари акс эттирилган ўринларни топиб, бу сиёсатга хилоф деб билибди. У эски урфларимизни улуғлашга қарши чиқибди, яна қандайдир ислом эътиқодларига дахл этадиган жиҳатлар топиб, Султонга арз қилибди, у эса, ҳомийлик ўрнига улуғ ва кекса шоирни жанговар филлари оёғи остига ташлашга ҳасд қилибди. Ўзларига номатлуб кимсаларга Ғазнада мана шундай муносабатда бўлишади! Бахтсиз қарияни ўз ватани Тусга

юборишни сўраб дарғазаб Султонни аранг кўндиришди. Бир нечта санъат мухлислари пул тўплаб, кекса шоирни савдо карвони билан Тусга жўнатишди. Аммо у ҳам бўш келмади! Маҳмуд улуғ шоир устидан ғалаба қозонолмади! Фирдавсий шаҳар чегарасидан чиқа солиб, мана бу ҳажвияни ёзибди. Шоирни кузатиб борган дўстлар бу шеърни дарров бизга етказиб бердилар. Шеър Ғазнада оғиздан-оғизга ўтиб, уни ҳамма ёдлаб олди.

Ўтиб неча йиллар яшайдир мудом
Жаҳонда улуғ иш ва доно калом.
Неки бор жаҳонда, унутгай башар,
Фақат кори хайру, фақат шеър яшар.
Аё шоҳ! Сен эрдинг бир оддий одам,
Танир бўлди назмим туфайли олам.
Ўтиб неча йиллар, неча асрлар
Харобот ўлуру бу сарой, қасрлар.
Вале назм ила тузганим иморат
Улуғ меҳнатимдан бўлиб шаҳодат
Жаҳон турғуча бўлғуси устивор,
Халойиққа мендан қолур ёдгор.
Агарчи жаҳондин юмулгай кўзим,
Тириклар ичинда яшарман ўзим.

Солиҳ шеърни ўқиганда ранглари баттар оқариб, кўзлари чақнаб кетди.

— Ажойиб нарса! Тўғри эмасми? Шоиргина сўз билан бундай тиг уриши мумкин!

— Бироқ шундай бўлса ҳам, Султон шоирлар ва олимларга ҳомийлик қилармиш-ку!— гапга аниқлик киритиш учун Беруний сўз қотди.— Овозаларга қараганда, Султон уларга нисбатан хоразмшоҳдан кўра кўпроқ мурувват қилармиш, унинг саройида фан ва шеърят юлдузлари порлармиш-ку. Булар ёлғонми, қуруқ овозами?

— Ғазнада тақдир шу тарафга ирғитиб ташлаган ёхуд ўзлари янглишиб келиб қолган бахтсизлар кўп,— жавоб берди Солиҳ.— Мен «бахтсизлар» деб айтдим, чунки мудом қаҳру ғазаб ва ўлим таҳдиди остида яшаган одамларнинг бахтли бўлишларига ишонмайман. Султон саройида унинг улуғлиги ва таловчилик урушларини мадҳ қилувчи ўнлаб шоирлар бор. У ерда ҳатто «шоирлар шоҳи» Абул Қосим Унсурий ҳам бор. У яхши шоир, лекин Маҳмудга

шу қадар берилганки, агар Султон ҳақида ёмон фикрлар баён қилса ўз отасини ҳам аямайди.

Ғазнада олимлар ҳам оз эмас,— давом этди Солиҳ,— аммо улар бутун ақл-идрокларини Султонга манзур бўлишга қаратганлар. Агар риёзиёт олими бирор вазифани ҳал этса, албатта, уни Султонга ёқадиган бир шаклга солиб келади. Файласуф хулосаси ҳам ҳар хил қиёслар орқали ҳукмдорнинг мислсиз шижоатию тенгсиз саховатини қайд қилишдан иборат бўлади. Агар бирор олим Султоннинг улуғлиги ва олижаноблигига шак келтириб, бировга шивирлагундай бўлса, балойи азимга қолади. Бу ерда жосуслар шу қадар кўпки, унинг бошлиғига сенинг келгусидаги фикрларинг ҳам маълум бўлиб туради.

Мен сизларга кўрган-кечирганларимни тезроқ айтишга ошиқяпман, чунки хоразмшоҳ аллақачон Султондан мени тутиб бериши ҳақида талабнома олмадимикан деб қўрқаман.

— Сенга нима бўлди, Солиҳ, нега бунчалар бесаранжом кўринасан?— куюниб сўради Маҳмуд.— Кунжиковлик учун мени кечир, лекин шуни унутмаки, бу ердаги одамларнинг ҳар бири сенга ёрдам қилишга тайёр...

Солиҳ жим қолиб, фикрларини тартибга сола бошлади.

— Бошимга тушган фалокатлар нимадан бошланганини айтишга ҳам қийналаман... Султон Маҳмуд шунча бойлигига қарамай, ўлгудай суллоҳ ва тамагир эканини сизларга айтган эдим. Унинг мансабдорлари ва руҳонийлари ҳам ўзидек суллоҳ, тамагир одамлар. Ғазнага борган ҳар бир одам ё ўзи талаш лозим, ёки ўзини талон-тарож қилишларини кутиши лозим... Султоннинг яқинлари ўзгаларнинг пулу молидан фойдаланиш учун кўп бадавлат оилаларни қириб юбордилар. Кимдир бизнинг Бухородан кўп молу дунё олиб келганимизни пайқаб, Султонга чақибди. Шундан сўнг бўлар-бўлмасга отамга ёпишиб оладиган бўлишди. Бекордан-бекорга уни даҳрийлик ва шаккокликда айблашди. Бу аҳмоқона туҳмат эди, лекин Ғазнада адолат йўқ. Пора бериб қутулишга тўғри келди. Сўнгра қандайдир қози отамнинг қарматийлар билан алоқасини эслаб қолибди. Бу айбни устимиздан олиб ташлаш учун янги масжидга минора қуриб беришга мажбур бўлдик. Ўтган йил мени даҳрийликда айблашди. Отам порага пул тўплагунча бир ойдан зиёд зиндон азобини тортдим. Охири мени зиндондан чиқаришди. Шундан сўнг биз аста-секин Ғазнадан қочиб, бир оз Ҳиротда яшаб, кейин Ғазнавийлар дав-

лати чегарасидан чиқиб кетишга ҳаракат қилдик. Султоннинг жосуслари кўплигини сиз биласиз. Ғазнадан чиқиб, икки-уч фарсаҳ йўл юришимиз билан Султон сарбозлари бизни қувиб етишди...— Солиҳнинг лаблари титраб, зўрға гапирарди.— Отамни кўз ўнгимда қийма-қийма қилиб ташлашди. Онам билан синглимни Ғазнага олиб кетдилар. Бахт фақат менга ёр бўлди. Атрофимни ўраб олган бир неча қароқчини чошиб ташлаб, тоққа қараб от солдим ва шу йўсинда саломат қолдим... Бироқ бу ҳаётнинг менга нима кераги бор,— дея хитоб қилди у асабийлашиб хонани айланаркан.— Мен бир гадо ва қувғиндиман! Ҳатто отамнинг йўлда чия бўри ва калхатларга ем бўлиб қолган жасадини ҳам кўмолмадим! Онам билан синглимни ҳам қутқазиб қололмадим! Бу шундай шармандаликки, унга тоқат қилиб бўлмайди! Аммо мен тирикман! Мен қасос оламан! Шундай қасос олайки...— Солиҳ охириги сўзларни қичқириб айтди ва кўзларида ғазаб учқунлари чақнаб, юзлари мағрур тусга кирди.

Оғир давр эди. Одам ҳаётининг унчалик қадри қолмаганди. Шунга қарамай, Солиҳнинг ҳикояси бу ерда ўтирганларнигина эмас, ҳар қандай бағри тош одамни ҳам ҳаяжонга солиши муқаррар эди.

Солиҳ жимиб, хонанинг қоронғироқ жойига ўтирди.

— Қайғурманг,— имкон борича осойишталик билан гапирди Ҳусайн,— аминманки, Урганчда сизга ҳеч зарар-заҳмат етмайди. Беруний иккимиз хоразмшоҳдан сизни Султонга бермасликни илтимос қиламиз. Маҳмуд ҳам қўлидан келган яхшиликни сиздан дариг тутмайди — вазир уни жуда ҳурмат қилади. Ҳозирча, сизнинг пойтахтга келганингизни биров билмасин. Энг хавфсиз: бизнинг уйда қолиш ва ундан чиқмаслик. Сиз дам олинг. Бошқа нарса ҳақида ҳозирча ўйламанг... Нима қилишни келажак ўзи кўрсатади.

Солиҳ ухлаш учун Маҳмуднинг хонасига кетди. Узоқ жудоликдан сўнг икки ўртоқнинг гапирадиган гаплари кўп эди. Ҳориган Абдусамад ўз уйига кетди. Ҳусайн билан Беруний иккиси қолишиб, хийла вақтгача аҳволни муҳокама қилишди. Солиҳнинг гапларидан кейин ҳар иккалалари бир фикрга келишди, яъни Бағдод халифасидан келадиган ёрлиқ муносабати билан бўладиган тантаналардан хоразмшоҳни қайтаришга қарор қилдилар.

Эртасига ҳар икки олим саройга келиб, халифанинг «илтифоти»га ортиқча аҳамият бермаслик кераклигига,

агар шу муносабат ортиқча дабдаба қилинса, Урганч билан Ғазна орасида адоват пайдо бўлиши мумкинлигига ҳукмдорни осонлик билан ишонтирдилар. Натижада халифа элчиларини кутиб олиш учун Беруний бошлиқ вакиллар юборишга қарор қилинди. Ёрлиқ ва табаррук сарполарни топшириш ортиқча дабдабасиз, пойтахтдан анча узоқ Кўчук қалъада ўтказилди.

22

Ҳусайн ўз режаларига тўғри баҳо берадиган, қатор илмий масалаларни ҳал этишда ёрдам қила оладиган дўстга, суҳбатдошга муҳтож эканини ал-Беруний келгандан кейингина пайқади.

Хоразм олимларининг бирортаси ҳам Ибн Синонинг ўзидек ҳамма фанлардан огоҳ аллома эмасди. Бинобарин, Урганчда экан чоғида у ал-Берунийсиз қандайдир танҳолик сезарди. Хоразмшоҳ «Академия»сида айрим фанларда маҳорат касб этган кимсалар — файласуфлар, риёзиюнлар, илми ҳайъат донишмандлари, мунажжимлар, ҳакимлар, кимёгарлар бўлса ҳам, бутун фанларни бир йўла қамраб олган, Ҳусайн кўришга муштоқ бўлган улуғ аллома сафдошлари орасида йўқ эди. Ўзининг илмий тажрибалари ва хулосаларини китоб ва рисоаларда баён қилгач, Ибн Сино бу ишларга муносиб баҳо берадиган ёки ўзининг тажриба ва қарашларини унга қарши қўйиб танқид эта оладиган олим дўстга эҳтиёж сезарди. «Ҳақиқат мунозарада туғилади»,— деган эски мақолни қайта-қайта эсларди-ю, жиддий мунозара қилгудай одам тополмасди.

Ўз назариялари ва қарашлари устида одилона танқидга муҳтож ал-Беруний ҳар иккалаларида пайдо бўлган масалалар бўйича қизгин муҳокамага киришиб кетди.

Ҳозиргача тинч ва қаттиқ интизом остида ўтказиладиган саройдаги илмий мажлислар ҳам тездан қизгин мунозара майдонига айланди. Мунозараларнинг жуда ҳам қизиб кетишига Берунийнинг ёшларга хос эҳтиросли, кескин ва баъзан меъёридан ортиқ нутқлари сабаб бўлди. Масалан, Ибн Синонинг «Улчовларнинг чегараси» асари муҳокама қилинганда кекса юнон олими Онофре Католус музокарага чиқиб, нотўғри даъво билан одамларнинг шу қадар кўп вақтини олдики, ал-Беруний қизишиб унга бақриб юборди.

Саройда ўтказиладиган илмий мунозараларга шаҳар-

нинг ҳамма маърифатли одамлари қизиқсиниб қарарди; улар мажлисга қатнашишга муяссар бўлган кимсалардан мунозарачиларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир таклифини билиб олишга ҳаракат қилардилар. Бу мунозаралар қулоғига чалинган руҳонийлар ҳам шивирлашиб қолишди. Руҳонийларнинг диний мунозараларда ўткирлашган димоғларига саройдан даҳрийлик ҳиди ура бошлади.

Хоразмшоҳ ҳозирча бадгўйларни қўлда тутар, уни озод фикрлиларга ҳомийликда айблаган халифанинг оғзига туҳфалар тиқиб, нафасини чиқармас эди.

Бир неча йил давом этган бу илмий мусобақа натижасида Абу Райҳон Беруний ва Ҳусайн ибн Синонинг илмий даҳоси айниқса тез ўсиб камол топди.

Ўз ватанига қайтишдан қувонган Беруний Хоразмнинг яшнаётган хўжалигига зарур бўлган ҳар бир ишга бажону дил киришарди. Суғориш масаласида у тавсия этган усулни кўрган хоразмшоҳ бу масалада ундан кўра муносиброқ маслаҳатчи тополмаслигини пайқаб, дарҳол Берунийни мироббоши қилиб тайинлади. Маъмун ибн Маъмун аста-секин ишондики, мамлакатни идора қилишнинг бошқа соҳаларида ҳам ал-Беруний мислсиз бир сиймо. Ундаги давлат донишмандлиги, кузатувчанлик, тарихдан хабардорлик ва сиёсатдонлик назокатини яхши билиши — хоразмшоҳни тез-тез унга мурожаат қилишга мажбур этарди.

Ал-Беруний билан бир қаторда хоразмшоҳ Ҳусайнни ҳам ўз яқинлари сафига тортди. Бироқ ёш олим учун сарой ҳаётининг ҳеч қандай қизиғи йўқ эди.

Ҳусайн саройдаги «Академия» мажлисларигагина қизиқиб қатнашарди — нима бўлганда ҳам бу илмий муҳит бўлиб, у ерда бир қанча ҳақиқий олимлар бор эди. Бунинг устига дўстининг бир қадар ёрдами билан Ҳусайн хоразмшоҳни Урганчда мадраса қуриш зарурлигига ишонтирди, шу тариқа унинг орзуси рўёбга чиқаётгандай туюларди.

Ҳусайн саройдаги ҳурмат ва манфаатни ўйламай, асосан табобат соҳасидаги билимини чуқурлаштирар, кўпроқ дарс берар, китоб ёзиш билан шуғулланарди.

У ёзаётган китобларда, у дарс бериб турган фанларда шундай нозик масалалар келиб чиқардики, улар Ҳусайнни чуқур ўйга солиб қўярди. Ҳусайн ўз шогирдларига қадимги дунё файласуфларининг қарашларини баён қилиб берганда, фаннинг асосий қоидаларини изоҳлаганда бу масалаларни четлаб ўтиши мумкин эди. Аммо ҳаётга ва фанга унинг ўз қарашларини аниқлаш, уларни ўзининг

муस्ताқил асарларида баён этиш навбати келганда, олдида у сакраб ўтолмайдиган ғов борлигини билиб қолди.

Ақл-идрок ва мантиқ равшан кўрсатиб турган ҳаёт ҳақиқатига ёшлигидан вужудига сингиб кетган ислом ақидалари ғов бўлиб турарди. Шунинг учун у табиёт олими сифатида тўплаган бутун билим ва тажрибаларини дин нуқтаи назаридан қайта баҳолаб, шубҳа остига олишга мажбур эди. Бу тажрибалар унга олим ақли эмас, дин хато қилганини очиқ-ойдин айтиб турарди. Мантиқ ва тажрибалар, борлиқ моддий нарса, материя абадий, у яратилган эмас, деб турганда, у нима ҳам қилсин? Бу ҳақиқатни қуръоннинг, оламни оллоҳ яратди, деган ақидаси билан қандай қилиб мослаб бўлади?

Ер усти қатламларини ўрганиб, Хусайн қатламларнинг қадимлигига разм солиб кўрди. Тоғ қатламларида тошга айланган ҳайвонлар, балиқлар ва ўсимликлар — буларнинг бу ҳолатга келиши учун неча юз минг йиллар вақт ўтиши кераклигини кўрсатарди. Буларнинг ҳаммаси ҳассос олимга, ернинг тадрижий ва узоқ қатламланишидан ташқари, денгиз тубини қуруқликка айлантирган қандайдир шафқатсиз ўзгаришдан дарак бериб турарди. У бундай ҳодиса ҳақида қуръонда ҳеч қандай ишорани кўрмаганди. Аксинча, ҳамма диний китоблар, олам бири неча минг йил муқаддам оллоҳнинг иродаси билан олти кунда яратилган, деб даъво қиларди. Хусайн мана шу зиддиятнинг интиҳосига етмоқ истарди. Берунийнинг бу борадаги ҳукми узил-кесил эди: у бир кун дилидагини шартта айтиб, дунёда ҳудога жой тополмайман, деб юборди.

Коинот руҳонийларга нисбатан Хусайннинг кўзига мураккаброқ ва гўзалроқ кўринарди. Табиатда ҳали ўрганилмаган нарсалар кўп бўлиб, улар ўзларининг сабаб ва оқибат қонунлари мантиқига асосланиб ривожланар, шунинг натижасида оллоҳнинг иродаси ҳақидаги диний ақидаларга зид бўлиб чиқарди. Гарчи Ибн Сино дўсти ал-Беруний сингари жасур бўлмаса-да, ҳар ҳолда у ҳам ўз тасаввурдаги оламда худонинг ўрни қанақа бўлиши керак деган саволга сабот билан жавоб изларди.

~~Хусайннинг~~ Хоразмга келганига ўн йил бўлди. Бу даврда у кимёга оид талай тажрибалар ўтказиб, бир неча

китоблар ёзди. Сўнги вақтларда Урганчининг кўп олимлари шу фан билан шуғулланган эсалар-да, уларни ҳамшагидек оддий маъданни олтинга айлантириш қизиқтирарди, холос.

Илмий мунозаралар ишқибози хоразмшоҳ кекса ва обрўли олимлардан бири — Али Аббосдан «Академия» йиғилишида ўзининг ва Хоразм кимёгарларининг илмий ишлари ҳақида батафсил ахборот беришни сўради.

Хусайни эса муориз қилиб тайинлади.

Мунозара тайинланган куни олимлар одатдагидан барвақтроқ йиғилишди. Сарой ёнидаги боғ одамга лиқ тўлди. Олимлар шохнинг чиқишини кутиб салқин хиёбонларда сайр қилиб юришар, ранг-баранг гулларни томоша қилишар, аммо ҳаммаларининг фикри-зикри бўлажак мунозара билан банд эди. Али Аббоснинг кимёга онд асари кўпчиликка маълум эди, баъзилар уни ўқиган бўлсалар, баъзилари ўқиганлардан эшитган эдилар. Ибн Синонинг бу мунозарага қатнашиш дарағи ҳам кўпчиликни қизиқтирарди. Олимлар унинг кимё билан кўп шуғулланиб, анча тажрибалар ўтказганини билишарди.

— Барибир булардан бирортаси олтин ясашни кашф этганда ҳам уни айтишмайди,— деди хиёбонда кезиб юрган кекса риёзиюн ноумид қўл силтаб.

— Мен бундай кашфиётга умуман шубҳа билан қарайман,— жавоб берди соддадил Ибн Мискавейх.— Шунча йилдан бери тарих билан шуғулланиб, бирор жойда шундай мўъжиза рўй берганини эшитмадим. Ҳолбуки кимёгарлар алмисоқдан бери олтин қидириб келишади...

— Айтишларича, Али ибн Аббос бунинг аксини жиддий далиллар билан исбот қилармиш-ку!

— Ҳа, у кишининг юриш-туришларига қараб, кўзлари нимага тушса шу нарса олтинга айланади, деб айтиш мумкин...

Сухбатдошлар шогирдлари билан боғда савлат тўкиб юрган Али Аббосга қараб кулимсираб қўйишди. Бу кеккайган мўйсафид гўё фахрлангандай семиз қорнини олдинга чиқариб юрарди. У тўпланган олимларга сал таъзим қилиб ўтди-да, фақат Хусайни ўз табассуми билан шарафёб этди.

— Сиз менинг рисоламни тушунарсиз деб умид қилман, ҳурматли Ибн Сино?— такаббурлик билан сўради у.

— Тушунарман деган умидим бор,— босиқлик билан жавоб қилди Хусайн.

Ҳозиргина кириб келган Абу Саҳл билан ал-Беруний Ҳусайнга яқин келишди. Ёш олим ўз дўстининг кўзлари бундай илиқ ва майин нур билан порлаганини ҳеч қачон кўрмаганди.

— Қойилма.., дўстим!— нидо солди Беруний бир ўрам қоғозни Ҳусайнга узатиб.— Нутқингизнинг асосий фикрлари жуда мароқли. Уларни ўқиб, айрим тажрибаларининг натижаси ҳам шундай чиққанини эсладим. Бироқ мен улардан сиздек хулосалар чиқара олмагандим.

Олимлар учовлашиб чиройли хиёбондан секин юриб борардилар. Баҳор майсалари ерни, ниҳолларни ва дарахтларни ҳарир яшил либосга ўраб, чор атрофга хушбўй атриёт сочарди.

Ал-Беруний овозини бир оз пасайтириб давом этди:

— Сиз ёзган нарсанинг чуқур ички мазмуни бўлиб, бугунги мажлисда айтиш жоиз бўлмаган фикрларга олиб келади. Нутқинг мухтасар ифодасида уларни алоҳида бўрттирмай яхши қилгансиз...

— Сиз модданинг чиримайдиган зарралари ҳақида гапиряпсизми?— Берунийга қараб сўради Ҳусайн.

— Албатта!

— Сиз оламнинг яратилмаганига далиллар қидириб юрган вақтдаги суҳбатимизни эслайсизми?— сўради Ҳусайн.— Модомики табиатда сира чиримайдиган, яъни ҳеч қачон нобуд бўлмайдиган зарралар мавжуд экан, шундай бўлиши табиий. Бундан чиқадиган хулоса равшан. Модомики улар нобуд бўлмас экан, демак улар туғилмайди ҳам. Бошқача айтганда, улар мангу яшаб, ҳамма жонли ва жонсиз мавжудотни ташкил этади.— Ҳусайн ўз ҳамроҳларига қараб секин гапирар, аммо унинг овози шундай ишонч билан янгрардики, биров қулоқ солмаяптими, деб Абу Саҳл Масихий хавфсираб атрофга қараб қўйди.— Ўзингиз ўйлаб кўринг, дўстларим, оламда ҳеч нарса нобуд бўлмаслигини ҳис этишдан кўра қувонч борми? Ҳатто тирноғимизнинг бир зарраси ҳам юз йилдан сўнг лола япроғида намоён бўлиши, Абу Саҳл соқолининг толалари буғдой донига айланиши мумкин!

— Мен ҳамини сўзингизга қувониб қулоқ соламан, ҳурматли Ибн Сино,— мийиғида кулиб гапирди Абу Саҳл.— Фикрларингиз дадил ва равшан, аммо уларнинг нечоғлиқ изчиллигини ҳамини ҳам тушуна олмайман. Сиз ўз илмий тажрибаларингиз асосида коинот билан бир вақт-

да пайдо бўлган, чиримайдиган зарралар мавжудлигига ишонибсиз. Коинот — сизнинг фикрингизга қараганда, шу зарралар сингари яратилмаган ва нобуд ҳам бўлмайди. Улар фақат бир шаклдан иккинчи шаклга киради, холос. Ундай бўлса бу мангу дунёда худо нима қилади?

— Бу билан ҳазиллашманг, Абу Саҳл! — хитоб этди Ҳусайн. — Олимларимизнинг фожиаси ҳам шундаки, биз оллоҳга жой қидириб, унга вазифалар тайинлашга уринамиз!

— Секинроқ гапиринглар, шаккоклар, — деди кулиб Беруний ва дўстларини қучоқлаб, уларни одамлар кириб кетаётган дарвоза томон йўллади.

Хоразмшоҳ аркони давлати рафоқатида боққа кириб келди.

Шоҳнинг кетидан ҳамма олимлар одатда «Академия» мажлислари бўладиган хонага киришди. Ҳусайн эса панжара дарвоза олдига келиб, у ерда кутиб турган Раҳматни чақирди. У соқчиларга эътибор қилмай Ҳусайнга кичик, аммо оғир қутичани узатди.

Икки қўллаб қутини кўтарган ҳолда ёш олим ҳам хонага кирди ва бир четда, Абу Саҳлга яқинроқ жойда ўтирди.

Хизматкорлар ҳаминшагидек дастурхон ёзиб, совуқ шарбат келтириб қўйишди.

Али Аббос бир коса совуқ шарбатни сипқорғач, ўридан туриб шоҳга таъзим этди.

— Қулогимиз сизда, муҳтарам Али Аббос, — деди шоҳ парқуга ўнғайроқ ёнбошлаб.

Али Аббос инқилаб, ҳансираб ўқишга киришди.

Ҳусайн мажлисгача кимёгарнинг рисоласи билан танишишни истамади, аммо унинг нимадан иборат бўлишини батафсил айтиб бериши мумкин эди. У билардики, Али Аббос одатга хилоф келадиган бирор қадам қўймайди. Шундай бўлгач, китобнинг бир саҳифаси худо ва пайғамбар мадҳига ажратилади, сўнгра бир-икки саҳифа хоразмшоҳ Маъмурнинг фазилатларини санашга бағишланади. Мана шундан кейингина асосий масалага кўчилади, бу ҳам олтинни ясаш мумкин, бу мана бундай, мана бундай манбалардан маълум дейишдан иборат бўлади. Сўнгра Али Аббос бу соҳада ишлаган сари ўз фикрининг гўгрилигига ишончи ошиб бораётганини айтади, сўнгра у олтин ясашнинг «жуда тўғри» усуллари ҳақида гапирди. Охири худо ва хоразмшоҳга мадҳу санолар билан тугатади.

Хусайннинг тахмини тўппа-тўғри бўлиб чиқди, фақат у чолнинг ўз тажрибалари ҳақида бу қадар кўп гапириб, ҳаммага маълум қондаларни бу қадар кўп такрорлашини ўйламаган экан.

Али Аббос гапини тугатгач, шоҳга таъзим қилиб, бориб жойига ўтирди.

— Демак яқинда олтинимиз кўпаяр экан-да, шундайми?— кулимсираб сўради шоҳ.

— Энг кейинги тажрибалар қолди, шаҳаншоҳим,—хитоб қилди Али Аббос,—яна бир оз гайрат, яна андак сарфу харажат, шундан сўнг олтин хазинангизга сувдек оқиб келади...

— Биз олимларимизнинг бу борадаги саъю ҳаракатларига хайрихоҳлигимизни баён этамиз. Энди ёш олимимиз Ибн Синонинг фикрларини билмоқ истардик.

Хусайн хонанинг ўртасига борди-да, хонтахтанинг устидан дастурхонни олиб, унга ўз қутисини қўйди. Ҳамма ёш олимга ўгирилди.

Хусайн қисқа ва равшан қилиб, Али Аббос даъволарининг пучлигини тушунтирди. Кимёгарлар ўтказган сон-саноксиз тажрибалар сунъий равишда олтин яшаш одамнинг қўлидан келмаслигини кўрсатади. Унинг, Хусайннинг ўз тажрибалари ва бошқа кўпгина кимёгарларнинг тажрибалари ҳам Али Аббос даъволарининг аксини кўрсатди. Ҳамма тажрибалар оддий маъданнинг олтинга айланиши мутлақо мумкин эмаслигини исбот қилади...

— Йўқ, йўқ, муҳтарам Ибн Сино!— қичқирди Али Аббос.— Йўқ, наҳотки шу гапларнинг самимийлигига ўзингиз ишонсангиз?

— Нима учун мен ўзим ишонмаган нарса ҳақида гапираман?

— Билмайман!— қўлларини икки тарафга ёйди Али Аббос.— Муҳтарам ал-Беруний келгандан бери сиз ёшларда, қандайдир эски, асрлар бўйи давом этган тушунчаларни рад этиш одати пайдо бўлди. Нега бундай қиялпсизлар, мен билмай қолдим!

— Биз инкор учун инкор қилаётганимиз йўқ. Биз исбот талаб қиламиз ва уни топгандагина ишонамиз. Эҳтимол, илмий ишнинг бу янги усули ҳар бир янгилик сингари дастлаб одатдан ташқари ва кутилмагандай туюлар.

— Янгилик фойда келтирса яхши,— қатъий гапирди Али Аббос.— Агар сиз шу минбарда туриб, олтин яшашни топдим, деб хабар қилганингизда бу фойдали янгилик бў-

ларди. Бироқ бунинг ўрнига сиз қадимий ва ҳозирги замон мўътабар олимларининг фикрларига қарши бориб, уларнинг ҳаммалари асрлар давомида янглишиб келганлар, деб ишонтирмоқчи бўляпсиз, ўзингизни эса, ҳеч нарса ихтиро қилмай, ҳатто маъданни олтинга айлантириш имкони инкор қила туриб, ҳақ деб биласиз. Йўқ, бу менинг сизга бўлган эҳтиромим билан сира қовушмайди! Қандай қилиб сиз Гермес халафларининг улуғ ютуқларини инкор этасиз?

— Айтинг-чи, муҳтарам Али Аббос,— кулиб туриб сўради Ҳусайн,— сиз ўз умрингизда кимёгарлар ясаган бирор парча олтинни кўрганмисиз?

— Мен кўрдим деб айтолмайман. Аммо шу ҳақда ўқинганман, мўътабар одамларнинг ўз ҳаётларини шунга бағишлаганларини яхши биламан... Ниҳоят ўзим ҳам шуларнинг бириман...

— Азизим, сизнинг машҳур кимёгар эканингизни биламан, бу борада зўр рағбат билан ишлаган одамларни бир неча бор учратдим. Мен ҳатто олтин ясайман деб ҳалок бўлган одамни ҳам кўрганман, аммо олтин ясаган одамни ҳеч қачон кўрган эмасман!

— Сиз тездан уни кўрасиз, шундай одам қаршингизда турибди,— кеккайиб жавоб берди Али Аббос.

Ҳусайн унга таъзим этди.

— Мен ундай зотни табриклаш билан бахтли бўлардим! Ҳозирча, мен сизга, эй улуғ ҳукмдор, сизларга, муҳтарам олимлар, ўзимнинг узоқ ва машаққатли изланишларим самарасини намойиш қилмоқчиман.

Ҳусайн қутини очиб, хонтахтага бир қанча қуюлмаларни тўкди. Уларнинг баъзилари олтинга ўхшар, баъзилари нурсиз, кул ранг, айримлари эса кўмирсимон эди.

— Мана мен ўтказган эллик тажрибанинг натижалари,— деди у қуюлмаларни кўрсатиб.— Булардан ўттизтаси эски китобларда кўкларга кўтарилган энг яхши усулларда ўтказилди. Бу усуллар муҳтарам Али Аббос бу ерда мақтаб ўтган усулларнинг ўзгинаси. Бироқ у киши бу усулларни ишга солиб, унинг натижасини олиб келишга ҳафсала қилмаганлар. Эҳтимол, тажрибаларнинг оқибати у кишининг хатосини кўрсатиб, ҳафсалаларини пир қилгандир, бу ерга олиб келишга уялгандирлар? Мана бу, улуғ ҳукмдор, кўргошин, қалай ва миснинг қўшилмаси,— Ҳусайн холдор қўнғир қуюлмани юқори кўтарди.— Мана буниси мис ва симоб қўшилмаси, Гермес шогирди усулида тайёрланганки,

у кишининг номларини мухтарам Али Аббос эслатиб ўтдилар. Кўриб турибсизки, булар олтинга сираям ўхшамайди.

Хоразмшоҳ қўл чўзиши билан мулозимлар Хусайн келтирган намуналар ётган хонтахтани кўтариб, ҳукмдор олдига олиб келдилар.

— Мана бу нима?— сўради у ялтироқ бир нарсани кўтариб.

— Бу шу ахлатларнинг энг яхшиси. Олтин суви югуртирилган оддий мис. Сохта динорларни шу тариқа тайёрлашади.

Хоразмшоҳ кулиб юборди.

— Сиз Али Аббосга маълум ҳамма усулларда ишлаб кўрдингизми?

— У киши айтиб ўтган ҳамма усулларда тажриба қилиб кўрдим, улардан ташқари яна турли имкониятлардан фойдаланиб, йигирма хил усулни ишга солиб кўрдим. Натижа мана шу ўзлари кўриб тургандай!.. Бирор марта бирор маъданнинг таркибидаги модда ўзгармади; текширган вақтда ҳар қандай қуюлма эриб, асли таркибидаги моддага айланади. Менинг тажрибаларим бизнинг билимимиз шароитида оддий маъданни нодир маъданга айлантиришга уриниш беҳуда гап эканини исбот қилади, чунки моддаларнинг ўзига хос таркиби уларни бошқа нарсага айланишига йўл қўймайди. Моддаларни бир-бирига қўшишдан янги модда бунёдга келмайди, фақат эскининг ўзи келиб чиқади.

— Сеҳрли тош-чи? Сиз унинг мавжудлигини ҳам инкор этасизми?— пишиллади Али Аббос.

— Инкор этаман! Мухтарам ҳукмдор, илтифот қилиб мана буларга бир назар солингиз!— Хусайн яна қандайдир майда нарсаларни хонтахтага тўкиб қўйди.— Мана булар сеҳрли тошлар! Булар ҳам мўътабар манбаларда кўрсатилган усуллар билан тайёрланган! Мен ўз тажрибаларимда ҳам булардан, ҳам ал-иксирдан фойдаландим. Шаҳаншоҳим кўриб турибдиларки, булардан ҳеч қандай наф йўқ...

— Демак,— хоразмшоҳ ўйчан гап бошлади,— қадимий кимёгарлар ўз ҳукмдорларини алдагандай, уларнинг халафлари бизни алдамоқдалар...

— О, улуғ ҳукмдорим!— қўрқиб қичқирди Али Аббос,— мен сизни алдамайман!

— Йигирма йил давомида отам, акам ва мен кимёгарларнинг беҳуда гапларига ишониб, уларга ёрдам қилиб келдик, соф олтин хашладик, лекин бунинг эвазига улардан бир қора чақалик манфаат кўрганимиз йўқ... Мен бу шай-

тоний васвасадан қутулганимдан хурсандман...— Хоразмшоҳ енгил нафас олди.

— О, ҳукмдорим! Мен олтин ясайман! Онт ичаманки, бу нарса мендан чиқади.

— Олтин суви югуртирилган мисданми? Менга бунақаси керакмас!.. Ибн Сино, қани айтинг-чи, энди бу бекор-хўжалар нима билан шуғулланишлари мумкин?

— Буларнинг ҳаммалари билимдон одамлар, шоҳим. Энди қўлдан келмайдиган ишга беҳуда вақт сарф қилмай, олтингугурт, туз қидиришсин, темир, мис ва қалайи тозалашнинг энг яхши усулини топишсин, бизни ўраб олган табиатни текшириш билан шуғулланишсин. Бу ҳолда улар бизга номаълум кўп маъданларни топишади... Хуллас, одамларга фойда келтириш учун, олтинга айланса ажаб эмас, деган хом хаёл билан қўргошин қайнатиб вақт ўтказишнинг ҳожати йўқ...

— Мен атрофимизни ўраган табиатни жон деб текшираман!— хитоб этди Али Аббос.— Бунга менинг етарли қобилиятим бор!..

Хоразмшоҳ унга қараб кулиб юборди. Сўнгра ўрнидан туриб Хусайннинг ёнига борди ва Берунийни ўз олдига чақирди.

— Бу одамларнинг олдида тиз чўксанг арзийди,— деди у икки олимни қучоқлаб,— зероки, илмда буларнинг тенги йўқ! Фан эса ҳар қандай ҳукмдорликдан юқори туради.

24

Бағдод халифаси Қодирнинг шоҳга табаррук либос билан фахрий унвонга ёрлиқ юборгани Хоразмда камданкам одамга маълум бўлиб, Ғазна аҳолисига бу овоза умуман етиб бормаганди. Шунга қарамай, Султон Маҳмуд хоразмшоҳнинг назокатини юқори баҳолаб, унга ташаккур изҳор қилиш маъносидами ёхуд Хоразм билан Ғазна орасидаги дўстлик алоқасини мустаҳкамлаш мақсадидами, ҳарнечук, элчиси орқали кичик синглисини Маъмунга бериш ниятида эканини шама қилибди.

Хоразмшоҳ бу таклифга қандай жавоб қилиш ҳақида ўйлаб, ҳали ўйига етмай, келиннинг акаси, бўлажак язнаси унинг ҳузурига меҳмон бўлиб келди.

Ибн Сино Султон Маҳмудни биринчи дафъа у аркони давлати билан Урганчга кириб келганда кўрди. Маҳмуд

зардўзи либослар билан ўзига оро бериб, оппоқ гажир отга миниб ўтди. Унинг ёноқ суяклари туртиб чиққан сарғиш сокин юзидан бирор маънони уқиб бўлмасди. Султон кутиб олувчиларнинг олағовури ва мусиқа садоларига эътибор қилмай, вазминлик билан кўзларини ерга тикиб борарди; бу сипоҳийлик гўё бир девор бўлиб, уни ўз подшоҳларининг меҳмонини кутгани чиққан халқдан ажратиб турарди. Подшоҳни ўраб олган суворийлар хоразмшоҳнинг гўзал саройи қаршисига етиб келганда Ҳусайн биринчи марта унинг ўғри кўзи бу муҳташам кошонага суқлик билан тикилганини кўриб қолди.

Султон Маҳмуд билан иккинчи учрашув бир неча кундан сўнг унинг шарафига ташкил этилган тантанали маросимда бўлди.

Маросимга олимлар, шоирлар, мусиқачилар ва Хоразм давлатининг улуғ арбоблари тўпланишди. Маъмур ибн Маъмур, Ибн Сино билан Берунийнинг маслаҳатига қулоқ солмай, меҳмонга ўз саройининг нечоғлик маърифатли ва муҳташамлигини намойиш этиш ҳаловатидан ўзини тутиб туролмади.

Меҳмон ва мезбон тўрда, ҳарир ипак парда орқасида ўтирар, бу парда икки ҳукмдорни уларни табриклагани келган сарой аҳлидан ажратиб турарди. Бу ерда ҳам Султоннинг юзидаги сокинлик ва лоқайдлик кишини ҳайратга соларди. Фақат каҳрабодек сариқ кўзларигина табриклаш учун келган одамларга бир лаҳза диққат билан қадалиб, шу ондаёқ бепарволик билан бошқа ёққа оғарди.

— У ҳозир тўқ йўлбарсга ўхшайди,— шивирлади Беруний Ҳусайннинг эътибор билан қараб турганини пайқаб.— Аммо очлигида унга йўлиқишдан худо асрасин!

— Менимча тўқлигида ҳам у Хоразмни ютиб юборишга тайёр,— маъноли жавоб берди Ҳусайн.

Ғазалхонлик нағма-навога алмашинар, олимлар ўз асарларини ўқишгач, яна ғазалхонлик, мусиқа янграрди...

Зиёфат охирида Султон Маҳмуднинг вазири олимларга ўз ҳукмдорининг туҳфаларини — қимматбаҳо узукларни тарқатди. Энг қимматли узуклар ал-Беруний билан Ҳусайнга тегди. Уларни топшириб туриб вазир бундай деди:

— Улуғ ва марҳаматли Султон Маҳмуд, оллоҳ ўз ҳифз-ҳимоясида асрасин, сизларни Ғазнада кўрсалар беҳад хурсанд бўлур эдилар.

Вазир нарироқ кетгач, тинмагур ал-Беруний Ҳусайнга шивирлади:

— Хурсанд бўлишга бўлади-я, аммо бизнинг гапимизга қулоқ солиши даргумон! Эътибор қилдингизми, биз ўз асарларимизни ўқиганда, у балони ҳам тушунмади; афтидан, фан ва шеъриятдан жуда йироқ кўринади... Майли, садқайсар... Аммо нима бўлса ҳам мен Ғазнага бормайман!..

25

Ибн Синонинг маслаҳати билан Маъмун қурдира бошлаган мадраса бита ёзди. Кузда янги бинода ўқишларни бошлаб юбориш мумкин эди. Ҳозирча хоразмшоҳнинг сарой «Академия»сидаги олимлар Ибн Синонинг раҳбарлигида мадрасага муаллим-мударрислар тайёрлаш билан машғул эдилар. Шоҳ мадрасага катта вақф ери ажратиб берди.

Ҳусайн ибн Сино деярли ҳар кун мадрасага келиб турарди. Отини қозиққа боғлагач, миноралар ёнидан ўтиб, гумбазлар остида айланиб, ҳужраларни кўргандан кейин Хоразмнинг кўм-кўк осмони акс этган ҳовли саҳнидаги ҳовуз бўйига борарди. У ўз меҳнатларининг самараси бўлган бу бинони зўр эътибор билан кўздан кечирар, авайлар эди. Аллақачон ҳужраларга кўчиб кирган талай шогирдлар олимнинг баланд қоматини кўргач, эҳтиром билан таъзим этиб, ҳеч бўлмаса уни узоқдан кузатиб қўярдилар. Уларнинг кўзларида кўринган чексиз эҳтиром ифодаси олимга беҳад таъсир этиб, унинг юрагида маънавий ҳаловат ҳисларини уйғотарди.

Ҳусайн бу мадрасага битаёзган асаридек, ўз фарзандидек қараб қувонарди. У бу ерда ёшларнинг қувноқ овози чиқадиغان кунни, биринчи дарслар бошланадиган соатни сабрсизлик билан кутарди. Чунки ана шундагина: «Бу иш ҳам интиҳосига етди!» деб қаноатланиш мумкин бўларди. Аммо бош муфти, имом ва уламоларнинг мадрасага алоҳида эътибор билан қарашлари уни ташвишга соларди. Хоразмшоҳ, Ҳусайн ва ёрдамчиларининг хоҳишига хилоф ўлароқ бир неча руҳоний мударрис этиб тайинланди, мутавалли¹ ҳам шу тонфадан эдики, бу ҳол Ҳусайнни ранжитмай қўймасди.

¹ М у т а в а л л и — масжид ва мадрасаларнинг хўжалик ишлари мутасаддиси, хўжалик мудир.

Нима бўлганда ҳам мадраса бунёдга келди-ку! Бунинг устига мударрисларнинг аксарияти унинг, Ҳусайн ибн Сино ва бошқа хоразмлик машҳур олимларнинг содиқ шогирдлари эдилар: шунинг ўзи билан қувонса арзийди.

Мадрасанинг очилиш овозаси хоразмшоҳ қаламравидаги шаҳар ва қишлоқларга шамол тезлигида тарқалиб, илмга ташна ёшлар ҳар тарафдан Урганчга қараб оқа бошлади. Бутун яқинлари бирга келган илтимосчилар Ҳусайннинг уйини қамал қилган эдилар. Булар асосан имомлар, муллалар, савдогарлар, саррофлар ва мансабдорларнинг ўғиллари эди, аммо баъзан қўллари қадоқ, бесўнақай деҳқон ва шаҳар косибларининг болалари ҳам пайдо бўлардики, булар Ҳусайнни беҳад қувонтирарди.

Мадраса унинг севимли машғулоти бўлиб қолди. Олимнинг фикрича, бу хоразмликлар кўпдан бери орзу қилган илм-маърифат ўчоғи бўлиши керак. Қачон мадрасага оид бирор иш чиқиб қолса, Ҳусайн ачинмай-нетмай, қўлэзмаларини чала қолдириб, шу ишни битиришга киришарди. Унинг бутун фикри янги илмий муаммоларни ҳал этиш билан банд бўлишига қарамай, зарурат туғилган пайтда, ёза бошлаган сўзини чала қолдириб, меъморлар билан гаплашгани ёки талабалардан имтиҳон олгани кетарди.

Сўнги вақтларда у мадраса ва унинг очилишига таалуқли ишлар билан шу қадар банд эдики, уйга кириб бир нафас ўтиришга аранг вақт ажратарди.

Оилада янги меҳмон — кичик Али пайдо бўлди. Энди Ҳусайнни оила бошлиғи — ота маъносида Абу Али Сино¹ деб атайдиган бўлиб қолдилар.

Ҳусайн тўнғич болага самовий бир мукофот сифатида қараб, Робиядан ғоят миннатдор бўлди, унга меҳр-муҳаббати яна ҳам ошди.

Эртадан то ярим кечагача иш билан банд Ҳусайн ичкарида не ҳол кечганидан беҳабар эди. Эндигина дунёга келган гўдак эмизувчи энага ихтиёрига бус-бутун топширилган эди. Робиянинг ўзи эса ҳамма мусулмон шаҳарларидаги бадавлат хонадонларнинг хотинлари сингари бекор, маъносиз ҳаёт кечирарди. У мириқиб ухлар, яхши ер, яхши кийинар эди, холос. Робиа баъзан эрига меҳмонга борганини ёки меҳмонлар келганини айтиб қўярди.

Ҳусайн вақт топиб у билан ўтирганда, Робиа эрининг гапларига эътибор билан қулоқ солгандай туюлса ҳам, гап

¹ Абу — ота, Абу Али — Алининг отаси демакдир.

қизиб турганда олим ўз санамининг эсноғни қайтариш учун назик қўлларини оғзига олиб борганини беихтиёр кўриб қоларди.

Бу Ҳусайнни ранжитарди. У Робиани ўз изига солишга уриниб, унга кичик рисоаларни, айрим таржималарни оққа кўчиришни буюриб кўрди. Робиа дастлаб бу топшириқларни бажаришга ғайрат билан киришса ҳам, кейинча ёлқовланди, охири, кўзларим оғрийди, деб бу ишни ҳам йиғиштириб қўйди. Бора-бора ёш олим билдики, Робиани кийим-кечак, зебу зийнатдан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмайди. У ишчан, бир мақсадга интилган, ҳамиша нима биландир банд Гулнорага сираям ўхшамасди! Баъзан Ҳусайн ўз хотинининг қилмишларига разм солиб, шунча билими ҳеч нарсага бакор келмаса, ўқиб нима қиларди, деб ўйлаб қоларди...

Шундай бўлса ҳам у ўз Робиасини қаттиқ севарди, уни гўзаллиги, назокати учун севарди, бугина эмас, уни оила бахш этгани — фарзанд ато қилгани учун севарди.

Агар Ҳусайннинг ўз оиласига ажратган вақти оз бўлса, унинг қариндошлар билан борди-келди қилишга ажратган вақти бундан ҳам оз эди. Гулнора бу даврда Урганчининг биринчи ҳакимаси бўлиб, бутун вақти беморларни даволаш ва рўзғорга файз киритиш билан ўтарди. Маҳмуд хотинининг тоғасидан қолган мерос уйга кўчиб кетди. Бу уй шаҳарнинг нариги бурчагида эди. Оналари Ситорабону ҳам Ҳусайнникида кам бўларди, чунки у болалариникига навбат билан келиб турарди.

Эски катта оиладан Ҳусайн билан бирга қолгани тутинган укаси, севимли шогирди, эндиликда яқин дўст бўлиб қолган Жаъфар эди, холос.

Бу болани умидли ва жасур олим қилиб тарбиялашди. У Абдусаммад қўл остида юнон тилини, Робианинг тоғасидан хитой тили асосларини ўрганди. Бошқа ҳамма фанларда у ўз устозлари даражасига ета ёзди, олим Жаъфар сиймосида бўлажак мадраса мударрисини кўрарди.

Бироқ мадрасани очишга улгурмай, мамлакат ҳаётида жиддий ўзгариш рўй берди.

Ғазнадан келган элчи тўсатдан хоразмшоҳга масжидларда Султон Маҳмуд номига хутба ўқитишни таклиф қилди. Жуда юмшоқ ва назокат билан қилинган бу таклифни қабул этиш — Маъмун учун Хоразмни Ғазна ҳукмдорига тобе деб тан олишдан иборат эди. Хоразмшоҳ бу кутилмаган ва сурбетларча талабдан жуда қўрққан, дов-

дираган бўлишига қарамай, ўйлаб-ўйлаб охири элчининг талабини рад қилди. Шундан сўнг йўлбарс ҳамлага ҳозирланди. Хоразмшоҳ Султон Маҳмуддан ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган хат олдики, буни қатъий талаб деб аташ маъқулроқ бўларди.

Ўз вақтида хоразмшоҳни, хутба ўқитишга кўнманг, деб даъват қилган Ибн Сино билан Беруний ҳам Султон Маҳмуднинг элчиси билан вазири Маймандий олиб келган мактубни эшитиш учун саройга таклиф қилинганди.

Хоразмшоҳнинг вазири Абул Ҳусайн Суҳайлий ўз ёрдамчиси Маҳмуд ибн Сино билан саройнинг қабул хонасига кириб келди. Уларни бу ерда ташвишга тушган Хоразм зодагонларининг вакиллари кутиб олишди. Хат ҳақидаги овозалар шундай кенг тарқалган эдики, таклиф этилганларнинг ҳаммаси гап нима устидалигини аллақачон билган эдилар. Вазиридан ҳам бадтарроқ ҳаяжонланган, гарангсиган хоразмшоҳ хонага кира солиб, хатни ўқишга ишора қилди.

Тўпланганлар хатнинг даромад қисмига, шунчаки сиёсатдонлик назокати, деб бепарво қарашди, аммо гап асосий мақсадга кўчганда ҳамма сергакланиб қолди.

«Хоразмшоҳ бу ишнинг оқибати нималарга олиб боришини билиб, хутба масаласида бизнинг амру иродамизга бўйсунган бўлурдилар, аммо аёнлари бунга йўл қўймаган кўринади. Ҳукмдорларига «буни қилинг, буни қўйинг!» деб ўз раъйларини ўтказган кимсаларни «фуқаро» ёки «лашкарбоши» деб айтолмаймиз, зеро шунинг ўзидаёқ давлатнинг заифлиги намоён бўлади. Биз бу тоифа боши бузуқлардан дарғазаб бўлиб, Балх шаҳрида узоқ туриб қолдик ва бу ерда юз минг лашкар ва беш юз нафар фили жанги тўплдик. Муродимиз Хоразмга юриш бошлаб, ўз ҳукмдорининг раъйига монелик қилган бадкирдорларга жазо бермоқ, уларни ҳақ йўлга қайтармоқдир. Шунинг билан бирга биз биродаримиз, язнамиз амирни ҳам гафлат уйқусидан уйғотиб, давлатни қандай идора қилишни ўргатиб қўямиз: чунки заиф амир ҳеч ишга бакор келмайди...»

Султон Маҳмуднинг талабларини Маъмун ибн Маъмун хомуш туриб эшитди. Аммо уни билган кимсалар бу дақиқада унинг юрагида қандай ғалаён пайдо бўлганини яхши ҳис этардилар.

Султон Маҳмуднинг шартлари мана бундай эди:

«Нима бўлганда ҳам хоразмшоҳ Султон Маҳмуд Ғазнавий номига хутба ўқитади, ёки унга, Султон Маҳмудга,

муносиб совғалар ва олтин юбореди, аммо Султон Маҳмуд хазинаси тўлиб-тошган ҳукмдор бўлиб, бундай нарсаларга муҳтож бўлмагани сабабли кейинча бу нарсалар махфий равишда хоразмшоҳга қайтарилади ёинки хоразмшоҳ мансабдорлар, фақиҳлар ва имомлардан иборат бир ҳайъат юбориб, Султон Маҳмуддан марҳамат сўрайди, токи эл назарида Хоразм эли ва хоразмшоҳнинг Ғазнага тобелиги ошкор бўлғай...»

Султоннинг сурбетлиги ҳамманинг ғазабини келтирди. Сарой аҳли, шоҳ машваратчилари, лашкарбошилар шовқин солиб, ўзига бино қўйган истилочининг ҳамласига ҳамла билан жавоб беришни талаб қилдилар.

Шоҳ билан вазир эса Султон Маҳмуднинг қатъиятини ҳисобга олиб, ён бериб бўлса ҳам урушнинг олдини олишга тайёр эдилар. Лашкарбошилар бўлса, барибир бу урушнинг олдини олиб бўлмайди, деб душмanning қароргоҳда турган қўшинига дарҳол зарба беришни таклиф этдилар. Ҳусайн ибн Сино ва ал-Беруний, султонга совғаларни юбориб, тезлик билан мамлакат мудофаасини имкон борича кучайтириш зарур, деб айтишди.

— Хоразм яхши мудофаа қилинган,— дейишди улар.— Агар Султон тажовуз бошлагудай бўлса, ўз йўлида жуда кўп қалбаларга ва яхши муҳофаза этилган шаҳарларга дуч келади. Наҳотки ўз ватанини халос этиш ғояси билан руҳланган халқ уни душмандан мудофаа қилолмаса?

— Мудофаа эта олади,— тасдиқлашди шу фикрга қўшилган бошқа лашкарбешилар ҳам.

Душман билан рўй-рост жангга киришмаслик, уни мамлакат чегарасидан ўтказмаслик ҳақидаги қарор ҳаммага маъқул тушди.

Аммо хат ўқишда иштирок этган одамлар бир неча кундан сўнг билишса, шоҳ оқилона маслаҳатга қулоқ солмай, бир гуруҳ маслаҳатчиларнинг гапига кириб, Урганч ва Қиётда эмас, Фарва ва Неса каби яқиндагина Хоразм давлатига қўшилган шаҳарларда Султон номига хутба ўқишга рози бўлибди.

Саройда мажлиси уламанинг навбатдаги йиғилишига тўпланган олимлар бу хунук хабардан беҳад ранжидилар. Уларнинг ҳаммалари ҳам бу ярим-ёрти тадбир Султонни қаноатлантирмаслигини яхши билишарди.

— Модомики шоҳ Султонга бир нарсада ён берган экан, бундан кейин унинг бирор талабини рад этолмайди,— деди Беруний улар Ҳусайн билан мажлисдан қай-

тиб келаётганларида.— Ҳатто бир шаҳарда ўқилган хутба ҳам бутун мамлакатни шу золимга қарам қилиб қўяди! Мен аминманки, бу қадам мамлакат бошига тушадиган оғир мусибатнинг бошланишидир.

26

Султон Маҳмуднинг вазири Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий хоразмшоҳга ўз ҳукмдорининг номасини топшириб, Урганчда номаълум вақтгача қолиб кетди. Одат бўйича уни Маъмуннинг вазири Абул Ҳасан Суҳайлий ўз уйида қабул қилиши керак эди. Бироқ Султон Маҳмуднинг даъволари муносабати билан Хоразм элининг қаттиқ норозилигидан ҳайиқиб, хоразмшоҳ вазир Маймандийни ўзининг яхши ихота этилган саройларидан бирига жойлаштириб, унга соқчилар таклиф этди. Маймандий саройни кўздан кечириб, унинг мустаҳкамлиги, у ерга кириб бўлмаслигига ишонгач, ўзининг шахсий муҳофизлари билан кифояландики, уларнинг ўзи озмунча эмасди.

Маймандийнинг бу ерда нима қилишини, нимани кутишини ҳеч ким билмасди. Меҳмондан бу ҳақда сўраб кўрмадилар, ўзи бирор нарса демади, афтидан, ҳали-вери бу ердан кетишни ўйламасди.

У ниманидир интизорлик билан кутар, чор атрофга суқлик билан назар соларди. Эҳтимол ўз ҳукмдори Султон Маҳмуднинг амру фармонига мунтазирдир.

Маймандийнинг бу ерда бўлиши хоразмшоҳга ҳам, унинг машваратчиларига ҳам ёқмасди. Хоразм халқи эса уйига жосус кириб қолгандай бесаранжом эди.

Маймандий ўзи билан бирга келган ўғли, мирзалари ва шахсий муҳофизлари рафоқатида Урганч атрофида айланаб юрар, ҳеч ким билан гаплашмас, нимагадир разм соларди. Унинг бу сайру саёҳатлари ҳақида шаҳарда ҳар хил гап-сўзлар юрарди. Хоразмшоҳга яқин кишилар даврасида, кўп қолиб кетган меҳмоннинг остини супуриб қўйиш ҳақида бир неча бор гап бўлди.

Беруний ўз ватани бўйлаб кўп кезар, ҳар нарсани ўз кўзи билан кўриб, унга аралашардики, бу унинг беором табиасти ва хоҳишига мос келарди. Баъзан у Ҳусайн ибн Синони ҳам бир-икки кунга ишни қолдириб, Урганчдан чиқиб Хоразм қишлоқларини кўриб келишга кўндиради.

Кунлардан бир кун, шундай саёҳатларнинг биридан қайтиб Урганчга яқинлашганда, олимлар Маймандий бош-лик бир гуруҳ суворийларни учратишди.

— Урганчни осонроқ қўлга киритиш йўллари йўрган-япти,— деди Беруний заҳар олуд оҳангда.— У ҳар кун кўл бўйига ва анҳор бошига келади, ҳолбуки бу ерда у қиладиган иш йўқ, қурбақа овозига хуштор ҳам эмас. Бу қашқирнинг фикру зикри уруш бошланиши билан Урганчни сувсиз қолдириш, албатта... Аммо биз ҳам у ўйлаган-дек анойилардан эмасмиз!..— Беруний овозида нафрат тугёни сезиларди.

Ибн Сино унга тасалли бермоқчи бўлди, бироқ умумий асабийлик гирдоби уни ҳам ўз таъсир доирасига тортиб олди. Шунинг учун у ҳам дўстининг фикрига қўшилиб, чақирилмаган меҳмоннинг хатти-ҳаракатидан ёвуз ниятлар қидиришга киришди ва қуролланган ажнабий суворийларга енгиб бўлмас нафрат билан қаради.

Султон Маҳмуднинг вазири сарой олимларини, Хоразм шоҳининг яқин машваратчиларини танирди, шунга қарамай уларнинг таъзимларига, одоб бўйича отни тўхтатиб эмас, елиб кетатуриб жавоб қилди, улар шу қадар тез ўтиб кетишдики, Ибн Сино уларнинг юзларини аранг кўриб қолди. Улардан бири жудаям танишдай туюлди. Ибн Сино ал-Беруний билан суҳбатлашиб илгари кетиб борар, аммо ҳозиргина олдидан елиб ўтган, ҳатто ўнг қоши устидаги холигача танишдай туюлган шахснинг кимлиги устида тўхтовсиз хаёл сурарди.

«Рустам»,— Абу Алининг қичқириб юборишига сал қолди, у энди эслади, бу хушсурат йигит имом Саиднинг ўғли, ўзининг собиқ шогирди Рустам эди.

Гулнора турмушга чиқиши билан Рустам Урганчдан ғойиб бўлганди. Дастваб уни, аллақаяққа кетди, деб айтишди. Кейинроқ олимнинг уйига тез-тез келиб турадиган бўёқчи Устод, Рустамни Султон Маҳмуд мулозимлари орасида кўрдим, деб айтди. Имом Саиднинг ўзи эса, Рустам Қиётда ҳақимлик қиляпти, деган эди.

Абу Али шогирдларининг тақдирига ҳеч қачон бефарқ қаролмасди. Олим уларнинг аксариятини бепул ўқитар, ишга жойлаб қўяр, тавсифномалар берар, кейин ҳаёт тарзларини кузатиб борар, қўлидан қандай ёрдам келса дариг тутмасди. Аммо Рустам масаласида уни қандайдир эҳтиёткорлик туйғуси таъқиб этарди. Рустам устозидан ёрдам сўрамасди. Шу тариқа уларнинг йўллари ўзгарди. Шун-

дай бўлса ҳам то уйга боргунча Рустам ҳақидаги фикр уни тарк этмади.

«Шубҳасиз истеъдодли бу йигитдан нима келиб чиқди?» деб ўйлади у йигитнинг ўткир ақли ва билимга ташналигини эслаб.

Уйда Робиа эрини гул-гул очилиб қарши олди, шунинг учун у яна ҳам зебороқ кўринди. Абу Алининг юраги ўйнаб кетди. Хоразм заминида очилган хитой чечаги Абу Алини фақат эр сифатида эмас, рассом сифатида мафтун этарди.

— Сиз менда бирор ўзгариш сезмаяпсизми?— сўради Робиа эри олдида қарашма билан айланиб.

Абу Али диққат билан унга қаради.

Ҳинд заргари ясаган гавҳар маржон бамисоли кумуш совутдек хотинининг бўйин ва кўкрагини қоплаб олганди. Катта-катта болдоқлар оқиш нур сочиб елкаларигача тушиб турарди.

Олим бу безакнинг нечоғлик қимматбаҳо эканини дарров пайқади.

Робианинг юз-кўзидан нур томарди. Гавҳар маржоннинг оқиш ялтираши унинг баданига шу қадар келишиб тушгандики, Абу Али ҳайратдан бир-икки қадам орқага тисарилиб, ўз санамига маҳлиё бўлиб қолди.

— Сизда янги, жуда гўзал маржон пайдо бўлибди. Буни қаердан олдингиз?

— Бу сизнинг туҳфангиз-ку.

— Менинг туҳфам? Ҳазилни қўйсангиз-чи.

— Ҳазили борми, сизники дедим сизники-да!— Робиа эрининг таажжубланишидан севиниб куларди.

— Мен бор-будимни йиғиштириб, устига ўзимни қўшиб сотганда ҳам сизга бундай қимматбаҳо маржонни олиб беролмасдим, азизим,— деди Ҳусайн ҳазиллашиб.— Бу алам-ангиз ҳол албатта, начораки ҳақиқатнинг ўзи...

— Ҳар ҳолда бу нарсалар сизники. Сиз эса уларни мендан аямайсиз деб умид қиламан.

— Айтинг-чи, Робиа,— жиддий сўради Абу Али,— ўзи нима гап?

— Эрталаб буларни сизга тортиқ қилиб олиб келишдида, бир мактуб билан қолдириб кетишди.

— Ким олиб келди?

— Иккита йигит олиб келди. Онам уйда бўлмаганлари учун уларни қабул қилолмадим, Раҳматнинг айтишига қараганда, сизни тополмаганлари учун кўп афсусланибдилар.

Мана ўша хат... Сизни кечқурун қаёққадир чақирешяпти... Мен тузук тушунмадим.

Абу Алини туҳфа таажжублантирмасди, чунки у бойларни, энг бадавлат одамларни ҳам даволарди, шундай кимсалардан туҳфа келиши мумкин, бироқ бу гал туҳфанинг қиммати кишини ҳайратда қолдирарди.

У олдида гул-гул очилиб турган Робиадан кўз узмай хатни очди.

Хатнинг биринчи сатрларига кўз тикди-ю, Абу Алининг ранглари оқариб, лабини тишлаб қолди.

— Яна таклифнома! Султоннинг зерикмаганига ҳайронман!

— Бу зийнатлар хўп ярашди-да менга, шундай эмасми?— эрига қарамай гапирди Робиа.— Ҳозир саройга бораман. Сизга бир кўринай деб кутгандим... Қизиқ, подшоҳнинг синглиси мени бу зебу зийнатларда кўрса ўлғудай ҳаваси келар! Шухратпарастлик яхши эмаслигини билман. Аммо не қилайки, ҳар нарсада биринчи бўлгим келади!— Робиа муғомбирона уҳ тортиб, эрига қия боқиб қўйди.

Абу Али тахта сўрининг бир четида хаёлга чўмиб ўтирар, унутилган мактуб оёқ остида, гиламда ётарди.

— Абу Али,— Робиа эрига мурожаат қилди,— юрагимнинг султони, ҳозир мен саройга бораман...

— Робиа!— гўё уйқудан уйғонгандай нидо солди Абу Али,— Робиа, илтимос, бугун уйда ўтиринг.

— Нега?

— Сизга нима деб тушунтиришни ўзим ҳам билмай турибман,— иккиланди Абу Али.— Аммо ҳозирча бу нарсаларни кўз-кўз қилишга ошиқманг...

— Нега «бу нарсаларни» дейсиз, улар меники эмасми?

— Уларни қайтариб юборишга тўғри келар, деб қўрқаман.

— Қайтариб юборишга тўғри келар? Бу нимаси тагин? Улар сизга аталган эмасми? Хатда буларнинг чин юракдан юборилгани очиқ айтилган-ку!..

— Робиа, бунинг учун мендан нималар талаб қилишларини билмайман.

— Менимча булар учун нимаки қилсангиз арзийди! Қаранг, қандай ноёб нарсалар!..

— Робиа, такрор айтаманки, мен ҳозирча ҳеч нарса билмайман, эртагача сабр қилишингизни сўрайман.

— Ҳусайн!— Робиа эрига шундай яқин келдики, унинг

қўллари хотини кўкрагидаги совуқ жавоҳирларга тегди.— Ҳусайн, агар мени яхши кўрсангиз шундай қилингким, маржон менда қолсин. Бусиз мен ҳалок бўламан! Умримда бир нарсага бунчалар берилмагандим, эшитяпсизми? Гавҳарларни менда қолдиришга ваъда беринг, хўпми?..

Ҳусайн унинг гапларини эшитиб, рад маънасида бош чайқади.

— Сиз бу нарса учун мени ҳар қандай жиноятга тайёр бўлишга ундайсизми? Ҳатто ўғирликка, қотилликка ҳам хўп дейинми? Муродингиз шуми?

— Бўлмаган гап! Марваридлар бизникида, сиз уларни ўғирлаган эмассиз, унинг учун бировни ўлдирганингиз ҳам йўқ... Нима бўлса ҳам, уни қайтариб бермаслик чорасини топинг. Гап шу! Уни сизга совға қилишди, сиз уни менга тақдим этдингиз! У энди меники, мен уни ҳеч кимга, ҳатто сизга ҳам қайтариб бермайман!

— Мен уни сизга тақдим этганим йўқ!— жиддий равишда рад этди Абу Али ўрнидан қўзғалиб.— Уни менга юборишибди, у ўз ихтиёримда. Агар лозим кўрсам сизга ҳадя қиламан, лозим топмасам қайтариб эгасига юбораман. Уқдингизми? Энди яхшиси уни бўйнингиздан олиб, яшириб қўйинг.

— Ҳусайн, марварид маржон меники деб бир марта айтдим сизга!— қатъият билан жавоб берди Робиа ва унинг кўзлари бу гал ғазабдан чақнаб кетди.— Менинг ҳусн-жамолимга ва бойлигимга арзигулик биринчи совғанингиз мана шу! Сиз бўлсангиз зикналик қилиб уни мендан тортиб олмоқчисиз...

— Демак, буни ўзимизники қилиш менинг ҳалокатимга сабаб бўлса ҳам майли экан-да?!

— Бу нарса аллақачон бизники. Бундан ташқари, сизга ўхшаш одамлар ҳар қандай нарса учун ҳалок бўлавермайди. Мен саройга кетмоқчиман...

— Сиз бугун уйдан чиқмайсиз!— жиддий равишда эълон қилди Абу Али хотинининг хонасидан чиқиб кетаётиб.

У гарангсиган, ҳайратда қолган эди, икки йил мобайнида биринчи марта рўй берган бу тўқнашиш Ҳусайнга хотини Робианинг номаълум хислатларини очди-қўйди. Ювош ва мулойим жувон ҳам очкўз, ҳам чўрт кесар бўлиши мумкин экан. Унинг юрагини ит таталагандай бўлди.

Абу Али ишхонасининг эшигини қаттиқ ёпиб, иш билан шуғулланишга уриниб кўрди. Бироқ шунча вазминли-

гига қарамай фикрларини тартибга соломлади. Ноилож хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Қутини очиб ундаги пулни санаб чиқди, китоблар қатланиб ётган тоқчаларга яқинлашди-ю, ҳеч нарсага тегмай, катта йўлакдан болалар хонасига қараб кетди.

Кичкинтой Али отасини танирди, у тишсиз оғзини очиб кулар, ўзининг жажжи қўллари билан дадасининг юмшоқ соқолини ушлашга интилар эди.

Абу Али гўдакни бағрига босиб, яна уни оҳиस्ताгина беланчакка ётқизиб қўйди.

— Агар бахт шундан иборат бўлса, мен унга марварид олиб бераман,— гўдирлади у бир оз ўнгланиб,— аммо мана буни қайтариб юбораман.

Шундан сўнг Абу Али дадил юриб, хотини хонасига кирди.

— Робиа,— чақирди у,— Робиа, қаердасиз?

— Бекам саройга кетдилар,— жориянинг овози эшитилди,— у киши ҳали-вери қайтмасалар керак.

Жиги-бийрони чиққан Абу Али биринчи марта пул топиб, бемаънилик, одобсизлик деб юрган нарсаларини сотиб олишга мажбул бўлди. Аммо энг аввал ўзига содиқ, оддий бир одам олдига — Устод ҳузурига кириб, у билан маслаҳатлашмоқчи бўлди. Устод билан биргалашиб аввал судхўр олдига киришди, сўнгра заргарларнинг дўконларини қидириб кетишди.

Бироқ таклиф этилган буюмлар Робиа олиб кетган марварид маржонга заррача ҳам ўхшамасди.

— Қандай бўлмасин ўшанинг ўзига ўхшаш безакни топиш керак,— деди Устод жиддий тус олиб,— ер тагидан бўлса ҳам топиш зарур. Токи бу ғазналик йўлтўсарлар пок одамни ҳам бир ҳовуч ялтироқ тошга сотиб олиш мумкин деб ўйламасинлар! Юринг, мана бу ерга, бир чолнинг олдига кирамиз, мен унда ҳинд марвариди бор деб эшитган эдим...

Хайриятки, бу заргар топиб берган марварид маржон билан исирға ўзининг нозиклиги ва марвариднинг сифати жиҳатдан Султон совғасидан қолишмасди.

Абу Али билан Устоднинг бор пуллари уни сотиб олишга зўрга етди.

Робиа келавермагач, қош қорайган пайтда Абу Али совға билан юборилган таклифномага мувофиқ Султон Маҳмуднинг вазири Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий ҳузурига кетди.

Шаҳар четидаги бу сарой дарвозасидан кириши билан устунларнинг бири орқасида яна Рустамнинг келишган қоматини кўриб қолди, аммо йигитча келиб устози билан кўришишни лозим топмади.

«Афтидан у шу муҳитга кўникиб қолган»,— ўйлади Абу Али диққат бўлиб ва Рустамга бўлган эски шубҳалари яна кўзгалиб кетди.

Султон Маҳмуд вазири олдида меҳмон бор эди. Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий халифанинг хоразмшоҳ ҳузурига юборган элчисини қабул қилганди. Лекин бу Абу Алини таажжублантирмади, чунки у ҳамма хоразмлик ва келгинди руҳонийлар Маймандийга пой-патак бўлиб юрганларини биларди.

Вазир банд бўлишига қарамай, Абу Алини эҳтиром билан қарши олиб, қабулхонага бошлаб киришди.

Маймандий қандайдир кўк саллали мўйсафид рўпарасида ўтириб, уни ўзи билан олиб келган ҳинди ошпазнинг тансиқ таомлари билан меҳмон қиларди.

Абу Али хонага кириши билан хизматкорлар унга махсус ипак гиламча ёзиб, бир неча юмшоқ парқулар қўйишди.

Маймандийнинг муомаласи парқулардек мулоим эди.

Хўжайин меҳмонларини тўхтовсиз ошпаз санъати билан танишишга даъват қиларди. Ёгда қовурилган атиргул япроқлари, какликнинг қорнига бодом мағзи солиб тайёрланган дўлма, қанд қўшилган нилуфар томири, Хоразмда йўқ мевалар—бу тансиқ таомлар имомга ҳузур-ҳаловат бағишласа ҳам, Абу Алини қувонтирмасди.

Зиёфатнинг кети узилмаслиги ва Маймандийнинг ҳали-вери муддаога кўчмаслигини билиб, одобга хилоф бўлса ҳам, Абу Али ўзи гап бошлади.

— Муҳтарам Аҳмад ибн Ҳасан, кўриб турибман, сиз соппа-соғсиз, бас саломат эканлар, мен билан не хусусда гаплашмоқчи эдилар?

Маймандий кўзларини ярим юмиб, таъзим вазиятида қўлини кўкрагига қўйди.

— Мен учун энг азиз бир зотнинг саломатлиги хусусида. Аммо ҳозирча аввал таом, баъдаз калом, қондасигарноя қиламиз.

Абу Али унга тик қаради.

— Мактубда айтилишича, бу ошинғич иш эди-ку.

— Сиз шу ерда бўлгандан кейин ошиқшига ҳожат қолмади, марҳамат қилиб, таомга қаралсин.

Зиёфат яна бир соатча чўзилди. Хизматкорлар гулоб, шарбат деб келтирган нарса аслда хушбўй кўҳна шаробнинг ўзгинаси эди. Май таъсири билан имомнинг калласи лиқиллаб, алжираб қолгандан кейин Маймандий олимга яқинроқ сурилиб ўтирди.

— Узаро бир гап, муҳтарам Али, Ғазна, Ҳирот ва бошқа кўпгина шаҳарларнинг ҳукмдори, бизнинг улуғ Султон Маҳмуд нотоброқ. Унга ишончли бир ҳаким даркор.

Абу Али хомуш тингларди.

— Унга ҳаким, машваратчи ва яқин дўст керак. Ғазнада бундай ҳакимнинг тепасидан зар сочиб, ҳурматини кўкларга кўтаришади,— давом этди вазир Абу Алига тикилиб, ёлғондакам ширин сўзлик билан.— Бундай ҳаким учун биз Ғазнада кошинкор мармар қаср қура бошладик. Мамлакатнинг энг яхши кутубхонаси ҳам шу ерга кўчириб келтирилади...

Абу Али бу маҳоботларга қизиқсинмай, ҳамон хомуш ўтирарди.

— Бундай ҳакимнинг шуҳрати бутун мусулмон оламига тарқалган бўларди. У фақат бизнинг Ғазнадагина эртанинг ташвишини тортмай, илм билан шуғулланиши мумкин. Юзлаб котиблар унинг асарларидан нусха кўчириб кўпайтирган бўлурдилар,— давом этди Маймандий.— Сиз қандай деб ўйлайсиз, азизим, ахир олим учун шуҳрат унчалик ёмон нарса эмас-ку?

— Менимча ҳақиқий олим шуҳрат кетидан қувмайди. Агар у инсоният учун бирор фойдали нарса қилолса, уни замондошлари қадрламаса, келгуси авлод, албатта, қадрлайди. Шуниси ҳам борки, олим ҳамиша ҳукмдорга маъқул нарса ёза бермайди.

— Ҳайф, минг ҳайф! Фақат ҳукмдорга маъқул нарсанига қадр топади. Мисол учун бизнинг ажойиб шоиримиз Унсурийни олиб кўрайлик. Султонимиз уни кўкларга кўтариб турганда, авлодлар ҳақида бош қотиришнинг унга не ҳожати бор?

Абу Али кулиб юборди.

— Тўғри айтасиз, жаноб ибн Ҳасан, авлодлар ҳам Унсурий ҳақида бош қотириб ўтирмасдилар...

— Ҳукмдорнинг шуҳрат ва муруввати — олимнинг ҳаёти ва озодлигини ҳар қандай оғир айблардан ҳимоя қилувчи девордир,— давом этди Маймандий гўё Абу Алининг истехзосини тушунмагандай,— агар мен ҳаким ва

олим бўлганимда Ғазнанинг таклифидан қувонган бўлурдим. Фақат ўша ерда, олампаноҳнинг саховат офтоби нурдагина ҳақиқий истеъдод эгалари инкишоф топмоқлари мумкин.

— Султон Маҳмудни олимлар ва шоирларнинг ҳомийси сифатида биз ҳаммамиз ҳурмат қиламиз,— одоб билан жавоб берди Абу Али,— аммо Ғазнанинг иқлими биз текислик ҳавосига ўрганганлар учун жуда оғирлик қилади. Мен шундай ҳақимларни биламанки, улар саховат офтобининг нурларига қарамай, сўлиб бормоқдалар. Бинобарин, бу ердан улуғ Султон Маҳмуд учун ҳақим тополмасиз деб қўрқаман.

Маймандий лабларини қимтиб, хуриллаб ётган имомга қаради.

— Ҳазрати имом,— вазир кўк саллали мўйсафидни уйғотди,— мен сиздан сўрамоқчи эдим, битта-яримта ҳақим билан сўзлашиб кўринг-чи, у зот бу хавфу хатарли Хоразмни ташлаб кетармикан?

— Афсуски, мен Хоразмдан кетишга тавсия қиладиган ҳақимларни билмайман.

Маймандийнинг кўзлари газабдан чақнаб кетди.

— Сизни бу ерга таклиф этишдан мурод, Абу Али,— совуқроқ оҳангда яна бошлади у,— сизга яхшилик қилиш эди.

— Бундай эътиборлари учун ғоят миннатдорман.

Олим таъзим бажо келтирди.

— Менга етиб келган овозаларга қараганда сизнинг устингиздан халифага чақимчилик қилган эмишлар; агар бу гап рост бўлса, оқибати хайрлик бўлмайди.

Абу Али елкаларини қисиб қўйди.

— Менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ.

— Бироқ сизга қўйилган айбларга асос бор дейишади.

— Агар сизга аён бўлса, айтинг-чи, мени нимада айблашар экан,— Абу Али тик қараб сўради.— Назаримда, мен шариат буюрган худуддан бир қарич ҳам чиққаним йўқ. Беш вақт намозни қанда қилмайман, рўза тутаман, закот бераман. Хўш, мендан яна нима талаб қилишар экан?

— Муслмон бўла туриб ҳам динимизнинг асосларига раҳна солиш мумкин экан. Йўқ, мен сизни айбламоқчи эмасман,— у қўл силтаб қўйди.— Бундай деб ўйлаб юрманг! Мен шунчаки миш-мишлар асосида гапиряпман, хос.

— Миш-мишлар нимадан иборат?

— Овозалар ҳар хил,— гапни айлантириб жавоб берди вазир.— Айтишларига қараганда, сиз мусулмонлар қолиб, маъжусийларга кўпроқ ёрдам қўлини чўзар экансиз. Ўз диндошларингиз қашшоқликдан ҳалок бўлиб турганда, маъжусийларнинг ишларини йўлга қўйишга ҳаракат қилармишсиз...

— Мен ҳеч қачон, ҳеч кимдан ёрдамни аяган эмасман, аммо бу менинг хусусий ишим, бунга пул сарф қиляпман.

— Ҳаммамиз ҳам хоҳлаган нарсамизга пул сарф қиламиз, лекин буни гувоҳлар олдида қилиш шартми?.. Айтгандай, буларнинг бари аҳмоқона овозалар, холос! Эшитимсиз, сиз... бироқ бунисига мен сираям ишонмайман, ношаърий ишлар билан шуғулланиб, мурдаларни ёриб кўрармишсиз...

Абу Алининг ранглари оқариб кетса ҳам, ҳаяжонини сездирмади.

— Агар гувоҳлар топилса, бу ишнинг оқибати нима бўлишини сиз яхши биласиз,— давом этди Маймандий.— Мен ўйлайманки, бундай гувоҳлар бўлиши мумкин эмас, булар шунчаки душманларнинг иғвоси, холос... Кейин,— Маймандий бир оз жим қолиб, фикрларини тартибга солиди,— кейин, айтишларича, сиз фалсафа дарсида ўз фикрларингизни қуръонга зид тарзда баён қилар эмишсиз. Сизнинг фалсафий қарашларингиз гўё оламнинг яратилиши ҳақида қуръони каримда баён этилган фикрларни шубҳа остида қолдириб, ёшларнинг ҳали норасо фикрларини чалғитар эмиш...

Абу Али ўрнидан турди.

— Сизни ортиқча қийнаб, вақтингизни олмайман, муҳтарам Аҳмад ибн Ҳасан. Мен сиздек юксак эҳтиромимга сабаб бир зотнинг бунчалар эътиборига лойиқ эмасман. Вақт алламаҳал бўлибди, шаҳарга етиб олганимча яна кечикади, энди менга рухсат.

Маймандий ҳам уни кузатиш учун ўрнидан турди.

Эшик олдида уни мирзасига топшириб, меҳмонига қараб бундай деди:

— Нима учундир ранг-қутингиз учибди, Абу Али, афтидан тобингиз қочганга ўхшайди. Фикримча, ўз хоҳишингизга хилоф бўлса ҳам, Ғазнанинг мусаффо тоғ ҳавоси Хоразмнинг жазирама ҳавосига қараганда соғлигингиз учун фойдалироқ бўлурди. Бу сизнинг соҳибжамол рафиқангиз

учун ҳам фойдали бўлар эди. Айтгандай, хоним бугун саройда ажойиб марварид маржон билан ҳаммани ҳайратда қолдирди дейишади.

— Ҳа,— эътиборсизлик билан жавоб берди Абу Али.— Наҳотки шунақа бачкана нарса ҳақида ҳам гапириса? Мен яқинда унга Носир номли несалик заргардан яхшигина марварид маржон сотиб олгандим. Хотинлар ялтироқ нарсаларга ўч бўлишади...— Эшикдан чиқиб, гўё тўсатдан бир нарсани эслаб қолгандай, Маймандийга ўгирилиб деди:— Мирзаларингиз мактубни олиб борганларида қандайдир бир қутичани бизникида унутиб қолдирганлар, эрталаб уни хизматкордан бериб юбораман.

Ҳовли тим қоронғи эди. Вазирнинг мирзаси икки хизматкор билан Абу Алини отининг олдигача кузатиб боришди. Олим отга миниб, дарвоза томон йўл олди. У билан бир вақтда қасқандир, сарой ичкарисидан бир неча суворий йўлга чиқди. Тасодикий чироқ ёруғида сафарга тайёр эгарланган отлар кўринди. Шу нур суворийлар бошлигининг юзини ҳам ёритиб ўтди. Абу Али унинг қоши устидаги холни кўриб қолди.

Ланг очилган дарвозадан биринчи бўлиб Абу Али чиқди.

— Тўхтанг, Ибн Сино,— кимдир сунъий овоз билан гапирди,— Урганчга боролмайсиз... Сизни Султон Маҳмуд кутмоқда — демак, отни Ғазна томонга буриш даркор...

— Жаноби Ҳусайн,— бошқа овоз эшитилди, бу Устоднинг таниш хирқироқ товуши эди.— Биз сизга мунтазирмиз, жаноби Ҳусайн...

Абу Алининг кўзлари қоронғига кўника бошлагач, йўлнинг икки тарафидаги ариқлардан чопиб келган одамлар отни ўраб олишганини, унга биргина йўл — Урганч йўлини очиб қўйганларини кўрди. Буни бошқа суворийлар ҳам кўришди.

— Йўқол, яланг оёқлар!— суворийлардан бири бақириб, тўпланган одамлар устига от солмоқчи бўлди, лекин журъат этмади.

— Сизни шу ерда кутиб тўғри қилган эканмиз, жаноби Ҳусайн,— шивирлади Устод ва суворийларга қараб қичқирди:— Урганчда жуда кўп қолиб кетдинглар, энди Ғазнага қараб туёқларингни шикиллатинглар! Йўлингиз очиқ! Тўрт тарафингиз қибла... Жўнаб қолинглар!..

Бироқ улар жўнаш ўрнига оломон устига от солишди.

Абу Алининг дўстлари ҳам бўш келмай, уларни тош бўрон қилишди. Отлар ҳуркиб, суворийларни ҳар қаёққа олиб қочди.

— Сиз билан келганлар кимлар?— сўради Абу Али Устодга энгашиб.

— Менинг қўшинларим: дурадгорлар, мисгарлар, меъморлар,— шошилиб жавоб берди у.— Жаноби Хусайн, тезроқ шаҳарга жўнанг, сиздан илтимос. Биз уларни бир оз тутиб турамиз. Биздан хотиржам бўлинг. Биз бу ердаги ҳар бир бутани биламиз. Улар сизни пойлаб юришибди... — Устод Абу Алининг отини қамчилади.

От бир ирғишлади-ю, яна ўзини ўнглаб шаҳар дарвозаси томон ўқдек учиб кетди.

27

Бир кун кечки пайт, мадраса очилиш арафасида, дўстлар Абу Алининг уйига тўпланишди.

Энди дастурхон ёзилиши билан кимдир дарвозани қоқди. Хусайн хабар олгани чиқди. Ёш суворий пишқириб турган отини аранг тутиб, сабрсизлик билан уни кутарди.

Ёруғ уйдан чиққан Абу Али ғира-ширада отлични баъур таниди, у шогирдларидан бири — вазир Суҳайлийнинг ўғли Иброҳим эди. У уйга киришга кўнмай, атрофга бир назар солгач, домласининг қулоғига аста шивирлади.

— Устоз! Хоразмшоҳ бугун Бағдоддан мактуб олди. Шоҳ бу мактубни дадамга ўқиб берибди, дадам менга айтиб бердилар. Улуғ халифамиз Қодир сиз билан Абу Саҳл Масихийни Ғазнага юборишни маслаҳат берибди. Султон Маҳмуд сизларни илгари ҳам у ерга таклиф этган экан. Ғазна сизларни улуғ инъом-эҳсонлар билан кутиб олармиш. Бу илтимоснинг радди хоразмшоҳнинг касалдан азоб тортиб ётган диндошига эътиборсизлик деб қаралармиш. Халифа хоразмшоҳдан мактубга дарҳол жавоб беришни талаб қилибди. Мен мана шу янгиликни сизга айтай деб келдим, муҳтарам устоз,— Иброҳим энгил табассум билан қўлини Абу Алининг елкасига ташлади.

Йигитнинг кўзлари жиддий ва ғамгин боқарди. Абу Али шогирдини яна уйга таклиф қилди, лекин у ташаккур айтиб, киришга кўнмади, устоз ва шогирд қоронғида хайр-

лашгач, Абу Али ҳеч нарса кўрмагандай меҳмонхонага кириб келди.

Узилиб қолган суҳбат мезбоннинг пайдо бўлиши билан яна қизиб кетди. Суҳбатдошлардан бири нима учундир яқинда ҳалок бўлган Бухоро амири Мунтасирни эслаб, унинг ўлиmidан бир неча кун илгари ёзган шеърини ўқиб берди:

Дегайлар: «Нега кечдинг базми жамшиду сафолардин?»

Не эркан сенга ортиқ сийму зардин, кимёлардин?»

Қиличларнинг жаранги менга афзалдур наволардин,

Сурони жанглар ортиқ шўх гурунгу хуш садолардин.

Кечарман улфату базм ичра танҳо дилраболардин,

Кечолмасман валекин шамширу қалқон сиполардин,

Саройим тунги дашту, тахту тожим ой, самолардин,

Гулу сунбулу лолам найзалардин, ўқу ёлардин.

Абу Али бу ҳикояга қулоқ солиб, ёшлигини, фақат кайфу сафони билган ингичка, сарвқомат йигитчани — шоир ва жангчи, Бухорони, шу билан бирга ватанини йўқотган охирги Сомонийни эслади.

Абу Али ҳазиллашар, дўстлар саломатлиги учун қадаҳ кўтарар, аммо мияси Иброҳим айтиб кетган янгилик билан банд эди.

«Наҳотки Ғазнага, Султон Маҳмуд ҳузурига, шу жоҳил мутаассибнинг олдига боришга тўғри келса? У ерга бормоқ — ҳеч қачон ўзингча бир фикр айтмаслик, мутаассиб руҳонийларга маъқул бўлмаган илм-фан билан шуғуланмаслик, ҳар бир фикрингни нодон Султон ва жоҳил машваратчиларнинг хоҳишига мослаш демакдир, халққа зарур ҳақиқатни излаш ўрнига, нодонларнинг қўлида ўйинчоқ бўлиш демакдир. Йўқ, мен бундай қилолмайман! Мен илмий ҳақиқат излаш ўрнига ҳамиша оллоҳнинг номини такрорлай олмайман! Мен Ҳиндистонга қарши таловчилик юришларини муқаддас уруш деб айтолмайман! Ҳар бир сўзинг дин тарозисида тортиладиган саройда яшолмайман, мутаассиб руҳонийлар ҳукмронлик қилган ўлкага боролмайман, эркин фикрлилар дўзахига ўз хоҳишим билан қадам қўёлмайман!..»

Қувноқ суҳбатдошлар Абу Алини гапга солиб, унинг фикр торини узишса ҳам, у такрор-такрор шу хусусда ўйлари.

«Уз уйингдан қочишдан кўра оғирроқ азоб йўқ! Уз элингдек севиб қолган, унинг равнақи учун жонингни фидо қилишга тайёр бир ўлкадан беёзиқдан-беёзиқ қочиб кетиш алам-ангиз, албатта! Оилангни, битмаган ишларингни ташлаб кетиш ҳазил гапми?..»

«Робиа мени у қадар қўмсамаса керак,— алам билан ўйлади олим.— У маржон можаросини ҳали-вери унутолмайди... Кичкина Али-чи?.. Уни бир неча вақт кўрмай юриш жуда алам қилади. Борган жойда бир оз ўрнашгач, дарҳол оилани олиб кетиш даркор...»

Олим ҳамон оғир ўйлар гирдобида эди. «Хоразмда қанчадан-қанча битмаган ишларни ташлаб кетишга тўғри келади. Бошланган, ўйланган, бошда тайёр бўлиб, қоғозга туширишни талаб қилиб турган ишлар... Мадраса ҳали очилмаган, тўғри, унинг битмаган жойлари оз қолди. Буларни ал-Беруний билан Жаъфар охирига етказди... Бироқ булардан бўлак қанчадан-қанча илмий ишлар, энди бошланган тажрибалар қолиб кетади...»

Хусайн Хоразмда ўтказган йилларига четдан қараб, ҳолис баҳо беришга уринди.

«Мен Урганчда файласуф-олим, кимёгар ва ҳаким сифатида камол топдим, таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятим ҳам шу ерда бошланди. Бухоро менинг шогирдлик даврим бўлса, Урганч камолот давримдир. Энди кучга тўлиб, тўплаган билимимни бошқаларга беришга тайёр турганда, бу ердан қочишга мажбурман!.. Ажабо, қайси гуноҳим учун?..»

Абу Али кетиш тўғрисида совуққонлик билан ўйлаб, режани пухтароқ тузишга уринди ва узил-кесил бир қарорга келгач ҳовлига чиқди-да, Раҳмат билан Абул Қосимни топиб, уларга:

— Менинг сафар жабдугимни тайёрланг,— деб буюрди.— Раҳмат, биз иккимиз субҳидамда жўнашимиз керак, тез бўлинглар, лекин бировга лом-мим дея кўрманг.

Тун алламаҳалга борганда меҳмонлар кетишди. Фақат ал-Беруний билан Абу Саҳни мезбон бир баҳона билан олиб қолди.

Бошқа меҳмонлар жўнаб, эшиклар ёпилиши билан Абу Али дўстларига мурожаат қилди:

— Азизлар, мен совуқ хабар эшитдим. Сизлар қандай маслаҳат берасиз, биз нима қилишимиз лозим?

Абу Али Иброҳимдан эшитган янгиликни мухтасар қилиб тушунтирди. Аҳвол ростдан ҳам жиддий эди. Ал-

Беруний ўйга ботди. Довдираб қолган хоразмшоҳ олимларни мажбуран Султон Маҳмуд ҳузурига жўнатиши мумкин.

— Агар бу бир-икки йил илгари бўлганда,— деди Абу Али,— Маъмун бизни тутиб бермаслигига ишонардим, аммо сўнги йиллардаги воқеалар унинг шаштини анча қайтариб қўйди.

Ал-Беруний ҳам шу фикрга қўшилди, чунки Хоразмнинг мустаҳкам қалъалик даври ўтган эди.

— Энг яхшиси, бу таклифни хоразмшоҳнинг ўз оғзидан эшитмай жўнаш...— хаёлга ботиб гапирди Беруний.— Мен сизларнинг тезроқ қайтиб келишларингиз учун замин тайёрлашга уринаман...

Абу Саҳл бу совуқ хабарни ўзига хос совуққонлик билан эшитди.

— Мен бошпана қидириб биринчи бор йўлга чиқаётганим йўқ,— деди у кулимсираб.— Бизнинг давримизда олимнинг деярли бутун умри йўлда ўтади...

Дўстларнинг қарори қатъий эди: жўнаш, тезроқ жўнаш, Султон Маҳмуднинг таклифни, халифанинг илтимосини хоразмшоҳнинг оғзидан эшитмай туриб жўнаш!

Ҳар эҳтимолга қарши ал-Беруний ўзининг эски ҳомийси, Журжон ҳокими Қабус Вушмагирга тавсиянома ёзиб берди.

Субҳидам чоғи, ҳамма уйқу оғушида. Шарқ қора ридоларини улоқтириб, аргувони либослар билан ўзига оро бермоқда. Шу гўзал, шу фусункор онда сукунат салтанатини бузиб, кичик бир карвон шаҳар дарвозасидан чиқиб кетди.

Абу Али ҳозирча бутун оиласини Хоразмда, укасининг ҳифзу ҳимоясида қолдириб кетмоқда эди. Робиа бу жудоликка ортиқча куюнмади. Чунки унинг юлдузномасида қисқа жудолик борлигини мунажжим олдиндан хабар қилган эди.


Олдинги туяда Раҳмат борарди.

Ун икки йил муқаддам Бухорони ташлаб чиқиб кетаётгандаги сингари Абу Али қайрилиб шаҳарга қаради. Бу жудолик ҳам аввалгиси каби алам-ангиз эди. Шунча йил тинч ижодий меҳнат билан яшагани бу сокин масканга қайтиб келмаслигини гўё у сезиб турарди.

Олдинда, у умид билан кўз тиккан янги элларда, олимни янги ҳаёт, янги учрашувлар, янги муваффақиятлар, янги машаққатлар кутарди...



Икки жаҳон овораси





1

Чор атроф сариқ қум барханлари, тепада кўм-кўк жануб осмони — якранг, дилгир манзара. Қум шу қадар қизиганки, қадам қўйсанг куйдиради, булутсиз осмондан гўё эритилган кўкиш маъдан тўхтовсиз оқаётгандай, унинг нурига кўз бардош беролмайди, ҳароратининг зўридан одам жон терига ботиб, мажоли қурийди.

Бу жазирама қум саҳросида қозиқ устига ташлаб қўйилган яктак тўн озгина ерга соя солиб турибди. Унинг тагида, кичик гиламча устида бемор ётарди. Оғир дард ва ташналикдан унинг юзлари қорайган, кўзлари юмуқ. Шишиб кўкарган чап қўли озгин азобдийда баданига ҳеч алоқаси йўқдай ёнида ҳаракатсиз чўзилиб ётарди.

Уч кундан буён бахтсиз чол шу ерда ётибди, сафар уч кунга кечикди. Раҳматнинг сув ва дори қидириб кетганига анча бўлди, бироқ ҳануз ундан дарак йўқ, қачон келиши маълум эмас, у келгунча шўрлик чол тирик бўладими-йўқми, буниси ҳам номаълум...

Ибн Сино жон бераётган қария устига энгашди. Ўзи ҳам ташналикдан азоб чекарди. Аммо ҳозир унинг бутун

фикри-зикри дўстининг азобини енгиллатиш эди. У чолнинг оғир-оғир нафас олиши ва чакка томирларининг оҳиста уришини кузатиб борарди.

Ҳаким жони узилаётган дўсти қошида туриб, юзинчи бор бу машъум воқеани эсларди...

Йўловчилар Қорақум орқали Марвга қараб анча йўл босганларидан сўнг ўғуз дайди қароқчиларига дуч келишди. Афтидан, улар қаёқдадир босқинчилик қилиб, бой ўлжа билан қайтиб келардилар. Арзимас юк билан кетаётган кичкина қарвон уларни қизиқтира олмасди. Айтгандай, бир шовқин солиб, йўловчиларни нега қўрқитишмасин? Икки ўғуз қароқчиси Ибн Сино туялари кетидан от чоптириб кетишди. Туяларнинг тез юришини кўриб улар дарров тўхташди. Аммо хайр-маъзурга биттадан ўқ узишди. Шулардан бири зинғиллаб, буралиб келиб Абу Саҳлнинг қўлини тешиб ўтди. Офтоб иссиғида яра дарров йиринглаб, қон заҳарланиши бошланди. Мана энди у бу касални нима билан, қандай даволашни билгани ҳолда ночор дўсти ёнида ўтириб, беҳудага Раҳматни кутар, шошилиб, доридармон олмагани учун ўзини койир эди.

«Нега Раҳмат шу чоққача келмади? Эҳтимол у адашиб, қудуқни тополмай, саҳрода ҳалок бўлгандир? Эҳтимол уни кўчманчилар ўлдирган ёки асир қилиб олгандирлар?» Бу беомон фикрлар унга тинчлик бермасди. У Абу Саҳлнинг ярадор бўлганига кўп вақт ўтиб, ҳозир аҳволи ночор, умидсиз эканини биларди. Аммо сув бўлганда, у чекаётган азобни бир даража енгиллаштирарди...

Баъзан Ибн Сино бемордан нарироқ бориб, қумтепалар устига чиқиб, узоқ-узоқларга назар соларди.

Қуёш нури кўзни олади. Уфқда ҳеч нарса кўринмайди, ҳамма ёқ қум, қум, фақат қум...

Хусайн яна қариянинг олдига келиб, унинг қуриқшаб ёрилган лаблари сўзсиз қимирлаганини кўрди. Эгилиб қулоқ солгач, «сув, сув» деган заиф овоз эшитди.

«Нима ичирсам экан унга?— изтироб билан ўйлади Ибн Сино.— Наҳотки Раҳмат сув келтирмаса?»

Аммо чолнинг Раҳматни кутолмаслиги равшан бўлиб қолди. Қуриқшаган оғиз ва томоқ унинг нафас олишига халақит бера бошлади.

Хусайннинг юраги эзилиб кетди. У нажот истаб янз атрофга қаради. Кўзга мажолсизланиб қумда ағанаб ётган туялар кўринди, дарҳол бошига бир фикр келди. У шо-

шилганча тугунлар ичидан бир пиёла олди-да, ханжарни суғуриб, ўйлаб-нетиб турмай, туянинг бўйнига санчди. Жонивор бошини у ёқдан-бу ёққа уриб, бўкириб ўрнидан туришга уринди. Унгача кесилган томирдан қизил қон отилиб чиқиб, пиёлани тўлдирди. Шу зумдаёқ Ҳусайн пиёлани жон бераётган бемор лабига тутди.

Абу Саҳл бир неча қултум ичди-ю, юзида табассумнамо ҳолат зоҳир бўлди.

— Исоий руҳуллоҳ мадаккоринг бўлсин, ўғлим, — деди у аранг овоз чиқариб. Чол яна бир нарса демоқчи бўлди-ю, лекин улгурмади — жон қуши аллақачон парвоз этганди.

Ҳусайн пиёлада қолган қонни ҳўплаши билан ҳушидан кетиб, гиламча устига йиқилди.

Раҳмат қайтиб келганда қуёш уфқда эди. Туялар қумлоқда ҳар тарафга тарқалиб, узоқдан қора муқтадай кўринарди... Кичик қароргоҳ устида қора калхатлар учиб юрар, гиламда ўлик Абу Саҳл билан ҳушсиз Ҳусайн ётарди. Раҳмат олиб келган сув Ҳусайнга жон киргизиб, марҳумни ювишга яради.

Раҳмат туяларни тўплаб чўқтирди-да, ҳолдан кетиб қаттиқ ухлаб қолди. Абу Саҳлга Ҳусайннинг ўзи гўр қазиди.

Саҳарга яқин, сўнаётган ой энди кўтарилиши билан Раҳмат қолган карвонни қум денгизи орқали узоқ, ҳали биров кўрмаган соҳил томон бошлаб кетди.

2

Тўрт кеча-кундуз йўл юриб, чарчаб ҳолдан кетган йўловчилар Хуросоннинг қадимий шаҳарларидан бири Аби-вердга етиб келдилар. Сафарни яна давом эттириш учун ҳордиқ чиқариб, куч тўплаш зарур эди. Шунинг учун улар карвонсаройнинг кичик ҳужрасида бир неча кун қолиб кетишди.

Ниҳоят вақт-соати келиб, сайёҳлар бу серчанг, жазирама ва чўл шамоли қовжиратган шаҳарчадан чиқиб, Неса шаҳрига равона бўлишди.

Ибн Сино Бухорода экан чоғидаёқ бу шаҳар ҳақида кўп нарсалар эшитган эди. Урганчга эса Несадан тез-тез савдогарлар ва олимлар келиб турарди. Шунинг учун

Ҳусайннинг танишлари орасида бир қанча несаликлар ҳам бор эди. Бинобарин, Ҳусайн уларнинг ёрдамлари ва ҳимо-яларига қаттиқ ишона оларди.

Несани кўриши билан Ҳусайн унга мафтун бўлди. Шаҳар чинакам бўстон эди. Кўм-кўк хиёбонлар бир-бирига улашиб кетар, аҳён-аҳёнда ариқ ва анҳорлар кумуш хан-жардек уларни шарт кесиб ўтарди. Бу ернинг аҳолиси ҳам Ҳусайнга ёқиб қолди. Шаҳарда билимли, нуктадон одам-лар кўп бўлиб, ҳақимга эҳтиёж сезиларди.

Хуллас, Неса Ҳусайн учун айни муддао маскан эди.

Несада бир оз яшагандан кейин Ибн Сино шу ерда қо-либ кетмоқчи бўлди.

Раҳматга ҳам шаҳар маъқул бўлиб, хўжайинига соя-салқин бир маҳалладан уй топди. Бу ерда олимга ҳеч ким халақит бермасди. У касалларни кўриб бўлгач, уйга кириб олиб ёзгани ёзган эди.

Сўнгги йилларда ал-Беруний каби ажойиб риёзиюн би-лан яқин муносабатда бўлиш Ибн Синони ҳандаса билан жиддий шуғулланишга даъват этди. Несада яшаб, у Эв-клидни чуқур ўрганди. У ердаги шогирдлари учун риёзий даъволар, сферадаги мувозий чизиқлар ва бурчаклар ҳақи-да бирмунча мақолалар ёзди. Ҳандаса уни ер тадқиқотига олиб келди. Шу тариқа «Хатиство» номли асар вужудга келди. Шогирдлар бу янги фикрларни мароқ билан тинг-лаб, устозларининг асарларини кўп нусхаларда кўчири-шар, уларни Хуросон, Мовароуннаҳр, Озарбайжон ва Хо-разм олимларига юборишар эди. Абу Али ибн Сино бу даврда илмий шухратнинг энг юқори зинасига кўтарилиб, ёш бўлишига қарамай, олимлар уни устоз маъносида «Шайх-ур-ранс» деб атайдиган бўлиб қолдилар. Ўрта Шарқнинг узоқ ўлкаларидан Несага тўхтовсиз келиб тур-ган мактубларда олимлар, мухлислари ва шогирдлари унинг асарларининг давомига мунтазир эканликларини айтиб, айрим фикрларига шарҳ ва изоҳлар ёзиб юборишни илтимос қилардилар.

Мана шулар далласида олим тадқиқот ишларини яна ҳам чуқурлаштириб юборди.

У ҳеч жойда Несадаги каби хотиржам, бемалол ўтириб ишлолмаган эди.

Уни фақат оиласининг тақдири нотинч қиларди, холос. Гарчи Робианинг марварид маржон мижаросидаги ному-носиб қилиғи ҳануз кўнглидан кетмаган бўлса ҳам, Ибн

Сино унингсиз, кичкина Алисиз, тутинган укаси ва шогирди Жаъфарсиз тобора зеркиб борарди.

Бироқ Хусайн билан Раҳмат оилани олиб келиш учун бирор жой топиш, сўнгра Хоразмга карвон юбориш устида ўйлаб, ҳали ўйларига етмасдан бирдан аҳвол ўзгариб кетди.

Кунлардан бир кун, кечки пайт Раҳмат олимнинг ишхонасига кириб, қандайдир мўътабар бир қария Абу Али ибн Синони кўрмоқчи эканини айтди.

Чол хоразмлик танишлардан эди, у анча бадавлат ва яхшигина заргар бўлишига қарамай, шу кунларда имоматчилик қилар экан.

Қария Хусайннинг саломига алик олиб:

— Мен сизни муборакбод этгани келдим, ўғлим, сизга хушxabар олиб келдим,— деб Абу Алига ўралган бир қоғозни узатди.

Хусайн дарҳол қоғозни очиб кўрди. Бу унинг ўз сура-ти эди. Расмнинг остига сарой услубида қуйидаги сўзлар ёзилганди: «Кимки бу улуғ олимни, яъни Абу Али ибн Абдуллоҳ ибн Синони кўргудай бўлса, унга хабар қилгай-ким, Султон Маҳмуд ул зотни кўришга мунтазирдурлар; агар ул ҳакими ҳозиқ Ғазнага ташриф буюрсалар, Султон ул зотни шоҳона муруватлар ила дунёликдан бениёз қилгайлар...»

Олим бу хабарнинг ўзи учун қандай кўнгилсиз эканини билдирмасликка тиришди. Бугина эмас, ҳатто Ғазна ҳукмдори каби улуғ зотнинг бунчалар илтифотига ноил бўлганидан беҳад мамнунлигини кўрсатишга уриниб, ясама табассум қилди ва тез фурсатда бу муруватдан баҳраманд бўлажagini изҳор этиб, сурат келтирган чолни бу гапларнинг ростлигига ишонтиришга эришди. Олим чолни турли таомлар билан меҳмон қилар, суҳбат чоғида табассум этиб хушнудлигини билдирар, аммо кўнглида қандай қилиб Султон Маҳмуднинг ёмон назаридан қочиб қутулишни ўйларди.

Чол, Ибн Синога хушxabар келтирдим-ку, деган ақида билан чиқиб кетган ҳамон Хусайн Раҳматни чақириб, вазиятни тушунтирди ва иккиси дарҳол бу ердан чиқиб кетишга аҳд қилишди.

Меҳмондўст Несадан чикиб кетаётиб Ибн Сино ҳаммага, Ғазнага боряпмиз, деди. Бироқ отлари Ғазна у ёқда қолиб, Хусайн билан Раҳматни Нишопурга олиб келдики, бунинг учун суворийларни сираям айблаб бўлмайти.

— Сиз Нишопурга келиб хато қилмагансиз, жаноби муҳтарам,— деди сергап карвонсарой хўжайини Ибн Синони меҳмон қилаётиб.— Дунёда олимларни севиш, уларнинг иззат-ҳурматини бажо келтиришда бизнинг шаҳардан ўтадиган жой йўқ! Эртагаёқ сизнинг келганингиздан дарак топиб, шу ерлик ва мусофир олимлар илмингиз нурини атрофига тўпланишади. Эшитишимга қараганда, Ибн Раҳим хонадонига ҳамма фанлардан огоҳ, жуда машҳур бир олим келган эмиш! Унинг билими юз минг толибул илмининг билимига барабар келади, десам сиз ранжимасангиз керак! Уни ҳамма билади. Ҳамма жойда шу уламо хусусида гапиришади, уни ҳунармандлар ва савдогарлар ниҳоят даражада ҳурмат қилишади. Эҳтимол у зот сиз билан танишишни истаб қолар, жаноб муҳтарам!

— У машҳур уламонинг исми нима экан?

— Унинг номи Абу Саид. Лекин сиз бу хусусда руҳонийларга гапира кўрманг, улар бу уламони ёмон кўришади...

Ибн Сино хоразмлик дўстларидан бирининг бу қария хусусида айтганларини эслади, ўз асрининг машҳур файласуфи бўлган Абу Саид савдогарлар, ҳунармандлар ва шаҳардаги камбағал табақанинг маънавий раҳнамоси саналарди.

Сергап хўжайин давом этди:

— Шимолий дарвоза ёнидаги карвонсарой бошлиғи Аҳмадникида уч ойдан бери бир мусофир яшайди. У шунақа билимдон, шунақа билагон эканки...— хўжайин осмонга кўз тикди,— ҳатто Аҳмад билан ҳам олимчасига гаплашади! Ижара ҳақини ҳам юлдузлар билан маслаҳатлашиб кейин тўлайди. «Бу тангалар бахтсизлик келтирмагай деб кўрқаман» дейди. Менимча пул ҳеч қачон бахтсизлик келтирмайди. Бу ҳақда ўзлари нима дейдилар, жаноби муҳтарам?

Ибн Сино хаёл ичида бош ирғаб қўйди.

Сергап хўжайин шу билан қаноатланиб хонадан чиқди. Эшик олдида Раҳматга дуч келиб, яна хийла вақтгача унга шаҳардаги ва карвонсаройлардаги машҳур шахслар ҳақида гапира кетди. Ҳусайн эса ичкарида хомуш ўтириб, унинг сафсатасига қулоқ соларди.

Раҳмат эшик олдида ўтириб аста ҳуштак чалар, хўжайин бўлса, булбули гўё бўлиб сайрар, шаҳарда олимлар

мажлиси бўлмаган кун йўқ, деб маҳобот қиларди. Унинг сўзига қараганда шайхлар, имомлар ва уламолар деярли ҳар кун мухтасибнинг уйига йиғилишиб, шундай донишмандона суҳбатлар ўтказишадикки, уни эшитгани девон бошлиқларигина эмас, вилоят ҳукмдори ҳам келиб туради.

— Бизнинг Нишопурда олимлар жуда кўп,— кутилмаганда синиқ оҳангда якунлади хўжайин,— тўғриси айтганда, бундан ҳеч кимга наф йўқ. Мухтасибнинг уйида бир-бирлари билан мунозара қилишади, масжиди жомеда ёқалашиб жанжал кўтаришади, аммо катта ўғлим ўлим олдида ётибди, уни кўриб даволайдиган бирор ҳаким йўқ! Сўнгги ойларида қанчадан-қанча табибларни чақириб кўрсатдим, қанча пул сарф қилдим, бироқ бемор ҳамон кўз очмай ётибди!— Хўжайиннинг овози қалтираб, ҳўнграб юборишига сал қолди.

— Ундай бўлса, биродар,— Хўсайн Раҳматнинг овозини эшитиб қолди,— сиз ҳозир йиғламай, қувониб кулишингиз керак. Уйингизда дунёнинг энг улуғ ҳакими меҳмон бўлиб турибди, сиз бундан беҳабарсиз, шекилли?

Раҳматнинг бунчалар мақтанчоқлиги Абу Алига ёқмаса ҳам, касал ҳақидаги гапларни эшитгач, у дарҳол ташқарига чиқди.

4

Хўжайин муболага қилмабди. Унинг ўғли ростдан ҳам қаттиқ касал экан. У бир ой муқаддам қайноқ сувни оёқлари ва қорнига тўкиб юборибди. Оёқлари бир даража тузалган эса-да, қорнида яра пайдо бўлиб яллиғлана бошлаган. Афтидан бола ҳеч нарсани сезмасди; Абу Алининг эпчил панжалари ярага ёпиб қўйилган сассиқ латтани кўтарганда ҳам боланинг азобдийда юзлари қимир этмади. Юрак тез, лекин заиф уриб турарди. Дадил айтиш мумкин: агар тезроқ чора кўрилмаса боланинг ҳаёт риштаси узилиш арафасида.

Ибн Сино бадан куйиши ва унинг оқибатини энди кўраётгани йўқ. У даставвал ярани қуюқ хитой чойи билан ювди. Бола инграмади, унинг гавдаси ўликдек ҳаракатсиз эди, фақат бир марта катта қора кўзларини очиб уйга, одамларга, шамларга хира назар ташлади-да, яна ҳушидан кетди.

Абу Али ўз хонасига келиб, янги асал, тухумнинг оқи ва ёғдан малҳам ясаб, яна боланинг олдига чиқди.

«Бир оз тинчигандай кўринади!— қувониб ўйлади Абу Али боланинг билagini ушлаб.— Бу яшаши керак! Ҳеч бўлмаганда... Абу Саҳлнинг хотираси учун яшаши керак!»

Абу Али яна ярани ювиб, унга оппоқ малҳам суркади, сўнгра боланинг тепасига энгашиб, унинг ҳушсизлик ҳолатидан тинч уйқуга ўтаётганини сезиб беҳад қувонди.

5

Ҳамма умидини узиб қўйган боланинг тузала бошлагани ҳақидаги хабар бутун Нишопурга тарқалди.

Оғир касаллар дуохон, бахши-қушночларни қўйиб, мусофир ҳаким олдиға ёпирилиб кела бошладилар.

Карвонсарой ҳовлисида эрталабдан беморлар тўпланиб, Абу Алининг чиқишини кутардилар. Уларнинг аксариятини замбарда олиб келишар, айримлари йиғлаб-сихтаб ўзлари келардилар. Абу Али эртадан-кечгача касалларни даволаш билан шуғулланар, қашшоқларни бепул даволар, муҳтожларни даволабгина қўймай, уларга моддий ёрдам ҳам қиларди.

Унинг келганидан хабар топиб, касаллардан ҳам илгари шу ернинг илм аҳллари олим атрофида тўплана бошладилар. Олимнинг номи кўпларига маълум эди. Унинг олдида ҳамма эшиклар бир йўла очилди. Илм-фанга ҳомийлик қилувчи Нишопур бойлари уни зўр аҳтиром билан қарши олишди. Муҳтасибникида ҳам Абу Али уйнинг тўридан жой олди. Нишопурликлар қизиқсинадиган илмий мунозараларда Ибн Синонинг номи Урганч ва Несадаги каби ҳамманинг диққат марказида эди.

Абу Алининг машҳур Абу Саид билан мулоқоти ҳақидаги хабар бутун шаҳарни оёққа турғизди. Мудом илмий мунозаралар ўтказиладиган масжиди жоменинг саҳни саҳардан бошлаб одам билан лиқ тўлган эди.

Мунозараға биринчи бўлиб ясанган, қувноқ Ибн Сино кириб келди. Тездан Абу Саид пайдо бўлди, унинг устида дарвиш жандаси, бошида кулоҳ, қўлида асо бор эди. Қариянинг оппоқ соқоли фатила-фатила бўлиб кўкрагига тушиб турарди. Ҳар икки олимнинг мурид-мухлислари, шогирдлари бор эди. Халойиқ уларни зўр аҳтиром билан табриклар қарши олди.

Шарқнинг машҳур файласуфи ва шоири Абу Саид шаҳарнинг нозик ҳаёт тарзидан йироқ эди. Унинг асарлари

асосан шаҳар ҳунармандларининг энг маърифатли қисмига қаратилган бўлиб, тақводорлик, тақдирга кўниш, риёзат чекиб, маънавий покликка эришишни тарғиб этарди. Унинг дунёқараши туманлироқ бўлиб, бу дунёга эмас, у дунёга ишонч руҳи билан суғорилган, сўфиёна шеърлари рамз, имо-ишоралар билан тўлганди.

Ибн Сино том маъноси билан унинг акси эди. У фан-дан энг аввал асосланган исбот ва мустаҳкам қоида талаб этарди. Бу моҳир нотик ҳар бир илмий ақидани, албатта, ҳаётий далиллар асосида синаб кўриш зарурлигини яна бир қарра эслатиб ўтишга тайёр эди.

Мунозара ҳар икки олим бир-бирига сира ўхшамаслигини, сираям мурасага келолмаслигини шу қадар яққол кўрсатдики, Нишопурнинг мўйсафид донишмандлари кимнинг тарафини олишни билмай, томоқ қириб, бўйинларини қашиб қолишди, ёшлар эса, бу тарихий мунозарадан кейин ҳам, узоқ вақтгача бири Абу Алининг тарафини олиб, бири Абу Саиднинг фикрларини маъқуллаб, жанжалгача борадиган бўлиб қолдилар.

Абу Али билан Абу Саид мунозарада юнон фалсафасидан жаррул-асқол қонунларигача, илми ҳайъатдан маъданларнинг одам баданига таъсиригача, шеърятдан мусиқагача жуда кўп масалаларни ўртага солиб, ўзларининг чуқур ва ҳар тарафлама билимдонликлари билан барчани лол қилиб қўйдилар.

Бироқ бу билимдонлик уларни бир-бирига яқинлаштирмади. Мажлисда ҳозир бўлганлар баҳслашувчиларнинг сўзларини тинглаб, уларнинг нуқтаи назарларини сезган бўлсалар ҳам, улардан ҳеч бири ўз фикрини иккинчисига маъқул қилолмаслигини сезмаган эдилар. Кекса сўфининг ҳар бир сўзидан Абу Алининг кўз ўнгида рақиби тарғиб этган маслакнинг моҳияти очилиб, бу ваъзхон ҳаётга шеърятнинг сеҳрли тумани орқали қараётгани равшан бўлиб қолди. Абу Саид ҳам ёш олим сиймосида ҳаётни идрок этишнинг ўзи учун бегона усулини — фақат тажриба ва хулосалар орқали қабул қилиш усулини кўрдик, бу йўл қария учун номақбул эди. Томошабинлар олдида баҳслашувчиларнинг ҳар иккиси ҳам самимий ва ҳурматга сазовор эди. Ҳар қайсисининг ўз тарафдорлари, мухлислари бор эди. Улар мунозара чуқурлашганда, даъволар исбот қилинганда қойил қолиб: «Офарин!», «Офарин!» дея хитоб этардилар.

— Ҳаёт қисқа, — тасдиқларди Абу Саид, — бинобарин,

уни ёвузликка қарши курашга сарф этишнинг маъноси йўқ, барибир ҳаётдаги нуқсонларни тузатиш одамзоднинг қўлидан келмайди. Бизнинг бутун фикр-зикримиз руҳий поклик, маънавий камолотга қаратилиши зарур, шундагина биз фано бўлиб, ёр васлига восил бўламызки, ҳаётнинг асл маъноси ҳам мана шундан иборатдир!

— Ҳаёт шу қадар узунки,— қизгин эътироз этди Абу Али,— одам ўз ҳимояси учун керагидан кўпроқ нарса қилишга улгуради.

— Кўнгилнинг покизалигига эришмоқ учун ишламаслик, уришмаслик даркор! Булар кўнглимизга кераксиз ҳаяжон ва шубҳа солади. Кўнгил тинч ва покиза бўлиши керак!— эътиқод билан такрорлади сўфи.

— Кўнгил баркамол оламдагина покиза ва тинч бўлади, бундай оламни одам боласи ўткир ақл ва қаттиқ қўл билан бунёдга келтириши мумкин. Фақат маориф ва меҳнатгина одам ҳаётини энгиллаштириб, уни камолотга яқинлаштиради.

Мунозараларда пишиққан Абу Али сўзларини эшитган руҳонийлар уни даҳрийликда айбламасликлари учун у ўз фикрларини иложи борича нозик ва пардали қилиб баён этишга уринарди.

Хайриятки, руҳонийлар унчалик нуктадон одамлар эмас эканлар, шунинг учун Абу Али мухлисларидан фақат бир кишигина олимнинг эркин фикрлари йўналишини пайқаб, таҳминларини тасдиқлаш учун унинг ўзига мурожаат қилди. Ибн Сино кулимсираб туриб, унга қуйидаги рубойи билан жавоб берди:

Менга кифрим айбларга дилимдан ўзга султон йўқ.

Бу оламда менинг покиза имонимдек имон йўқ.

Мусулмонликда мен аҳли замон ичра эдим танҳо,

Агар кофир эсам мен ҳам, бу дунёда мусулмон йўқ.

Мунозарадан чиқиб кета туриб, Абу Саид ўз шогирдларига рақиби хусусида бундай деди:

— Мен кўриб турган нарсаларнинг ҳаммасини у билди.

Бу гапни эшитиб, Абу Али ҳам айни фикрни такрорлади:

— Мен нимани билсам у зот шуни кўради.

Мунозарадан сўнг олимлар мухтасиб Али ибн Муслимнинг меҳмондўст хонадонига боришди. Қувноқ суҳбат тун

бўйи давом этди. Шарқ зиёлилари тўпланган ҳар бир суҳбатда газалхонлик бўлади. Бу ерда ҳам айни ҳол эди.

Зиёфат асноси шароб ҳақида сўз очишди. Май ҳалолми, ҳаромми? Уни истеъмол қилиш мумкинми ёхуд қуръонда айтилганидек май ичмоқ гуноҳми? Меҳмонлар ўз фикрларини айтиб, бу хусусда Абу Али ибн Синонинг фикрини билмоқчи бўлишди.

— Хўп бўлади,— деди олим қўлидаги қадаҳни баландроқ кўтариб,— май хусусида менинг фикрим мана бундай:

Шароб оқилга дўст, бадмастга душман,
Шифо қилгай ўзига кам-кам ичган.
Агар кўп ичсангиз оғу бўлур май,
Ичилгай дору ҳам меъёри бирлан.

Оқилона жавоб ҳаммани қаноатлантириб, аҳли мажлисининг олқишига сазовор бўлди.

— Яхшилар!— деб мурожаат қилди Ибн Сино мухлисларидан бири аҳли мажлисга қараб,— мен шароб душманим бўлишини истамайман! Уни заҳар даражасида ичишни аҳли мажлисга раво кўрмайман! Қадаҳларни қўйинг, энди муҳтарам мезбонимизга дам берадиган фурсат етди.

Шундан сўнг меҳмонлар хайр-хўш қилиб тарқалишди.

Мунозара ва Ибн Муслимнинг уйида узоқ давом этган меҳмондорчиликда чарчаган Абу Али ҳаво айниб турган куз кечасида ташқарига чиқиб, ҳамроҳларига Фирдавсийнинг ажойиб шеърини ўқиб берди:

Қаро суртган юзига тунги осмон,
Қўринмас дона юлдуз — бари пинҳон.
Қилиб тарк максанни кўкда танҳо
Қамар сайр айламоққа чиқди, аммо —
Қоронғулик дилига шубҳа солди,
Булут ортига қўрқувдин йўқолди.
Бу танҳо машъала кетгач самодан,
Зимистон қучди оламни тамоман.

— Ҳозир кексайиб қолган бу улуғ зот қаердадир эҳтиёж исканжасида яшайди, унинг мусибатли ҳаёт йўли дилбар қўшиққа ўхшайди, биз эса ҳаловат ва фароғат оғушида яшаб, унинг бир мисра шеърига арзимайдиган нарсалар ҳақида баҳслашамиз, нуқул қофиябофликка зеб бера-

миз,— шериклари билан хайрлашаётиб қўшиб қўйди Абу Али.

Уйга қайтгач, анча вақтгача уйқуси келмади, хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, охири қоғоз, қалам ва давот ётган хонтахта ёнига ўтириб, шеър машқ қила бошлади, лекин ёзганлари ўзига маъқул бўлмай, шу ондаёқ ўчириб ташларди.

«Мен шоир бўлиб қаёққа борардим,— алам билан ўйлади у.— Менинг аянч шеърларимни Рудакий ёки Фирдавсийнинг шоҳ асарлари билан таққослаб бўладими? Хатто Абу Саид ҳам шоир сифатида мендан устун туради. Йўқ, Ҳусайн, яхшиси ўз илм-фанинг билан шуғуллан! Гулу булбул, ошиқу маъшуқаларни куйлаш сенинг ҳиссанг эмас, шекилли!»

Ибн Сино қаламни ташлаб, давотни нари суриб қўймоқчи бўлганда, тўсатдан бошидаги фикрларга муносиб сўзлар топилиб, мавзун шаклга кираётганини сезиб қолди, қалам қоғоз устида югуриб, янги бир рубоий бунёдга келди:

Яшаб бўлмай жаҳонда умринг, инсон,
Дема ўтган умрга ҳеч пушаймон.
Не қилмоқ истасанг етганча қудрат,
Бугун қил, эрта бўлмас балки имкон.

Эрталаб Ибн Сино келган касалларни кўриб бўлди-да, қаттиқ ётиб қолган камбағал бир мисгарни кўриш ниятида бозор бошига кетди.

У йўлда кетаётиб, одатда эълонлар осиб қўйиладиган майдонга оломон тўпланганини кўрди. Яқинроқ келиб, ўз номининг эл оғзида такрорланаётганини эшитди.

«Яна Султон Маҳмуд!— ўйлади Ҳусайн ва халойиқ ичига кириб ўзининг осиб қўйилган суратини кўриб қолди.— Ажабо, нега энди Нишопур ҳукмдорлари Султон Маҳмуднинг хатини осиб қўйишга рози бўлди экан,— хуноб бўлди Абу Али.— Ахир улар менинг шу ерда эканимни яхши билишади-ку, чақириб ўзимга айтиб қўйганлари маъқул эмасмиди? Эҳтимол бу ўзларини масъулиятдан қутқазиш учун кўрилган тадбир бўлиб, қайси йўлни танлашни менинг ўзимга қўйиб бергандирлар... Тўғриси, бу икки ой мобайнида Маҳмуд мени унутгандир деб ўйлагандим...»

Касални кўриб, унга дори қолдиргач, олим тезроқ уйга қайтишга ошиқди. У уйга келиб, энди қаёққа кетай, деб

хаёл сураркан, кенг Осиё қитъаси унга жуда тордай туюлди. Султон Маҳмуднинг муттасил таъқиби уни безор қилганди. Абу Али ўзига маълум ҳамма вилоятларни, шунингдек, бошқа жойларда бўлган дўстларининг ҳикояларини эслаб кетди. Султон Маҳмуд қўл остига кирмаган вилоятлар шу қадар оз қолгандики, Ибн Сино тамом умидсизликка тушди. Чунки озод фикрлилар учун олам тор эди! «Ғазнага бориш,— ўзича таъкидлади олим,— тафаккурни қул қилиб сотиш демакдир...»

Унинг замон ўғрихонаси Ғазнага бўлган нафрати Султоннинг Хоразмга чанг солиши билан яна зўрайиб, ғазабга айланди. Қариндошлари ва зийрак ал-Беруний мактубларидан Хусайн Султон Маҳмуддан нима кутиш мумкинлигини яхши билиб олди. Абу Райҳоннинг қуйидаги сўзлари бежиз эмасди: «Биз ҳар кун Султон Маҳмуднинг яна қандай талаби бор деб кутиб турамиз. Султон гоҳ Хоразмнинг катта шаҳарларида ўз номига хутба ўқитишни талаб қилса, гоҳ сингласига муносиб иззат-ҳурмат кўрсатилмаслигидан қойинади. Яқинда у Абу Наср Арронни тутиб юборишни талаб қилибди, шўрлик Арроннинг гуноҳи риёзиётга оид асарини Султон Маҳмудга эмас, хоразмшоҳга бағишлагани, холос! Буларнинг кулфатини Хоразм халқи тортиб ётибди. Боёқиш халқ сўнгги чақасини тўплаб, Султонга совға юбориб, уни инсофга чақириши лозим... Мен,— деб тугатганди Беруний ўз мактубини,— ҳукмдорнинг кўзидан йироқда тинч бир маскан топсам деб орзу қиламан. Ҳозир санскрит ва ҳинд тилини ўрганмоқдаман. Жанубий Ҳиндистон ўрмонларида ҳали Султоннинг қадами етмаган шундай жойлар борки, у ерда дарвишона ҳаёт кечириш мумкин дейдилар...»

«Беруний изидан борганим маъқул эмасмикан?— кулимсираб ўйлади Ибн Сино.— Барибир мени алдаб чақираётган шаҳарга бормайман-ку! Барибир Султоннинг: «Бахтиёр бўлай десанг илмингни йиғиштир, менинг хоҳишимга қараб иш тут»,— деган фармонига бўйсунолмайман-ку!»

«Бас, шундай экан, қаёққа кетишим керак? Дарвишона ҳаёт кечириш мумкин бўлган чангалзор қаерда? Икки жаҳон оворасига маскан қаерда?»

Хайриятки, у ал-Берунийнинг Журжон ҳукмдори Қабус ибн Вушмагирга ёзиб берган тавсияномасини эслаб қолди. Олим яна бир марта сарсон-саргардонликда бахт излашга аҳд этди.

Раҳматни китоблар ва анжомлар билан Нишопурда қолдириб, ёлғиз ўзи дарвиш жандасига ўралиб, туя миниб, Журжон давлатининг Ҳазар денгизи бўйидаги узоқ бир шаҳрига қараб равона бўлди.

Олим Журжон ҳукмдорининг бир вақтлар кучли ва мустақил эканини, ҳозирда эса, у ҳам Султон Маҳмудга бож тўлашни биларди. Бироқ Журжоннинг Ғазнадан узоқлиги Ибн Синонинг, мени Султон шу ердан ҳам қидирмаса керак, деб ўйлашига асос бўларди. Ҳеч бўлмаса жосуслари хабар қилгунча тинч туради-ку! Халқ табири билан айтганда, болта келгунча тўнғак дам олади-ку!..

Туяга ортилган бир неча қават сарпо, йўл озуқаси, энг муҳим китоблар, бошланган асарларнинг қўлёзмалари, қимматли ва ноёб дорилар солинган идишлар — янги ҳаёт бошлаш учун олиб кетилаётган нарсалар мана шулар эди.

Унинг руҳи тетик ва қувноқ эди.

«Йўқ, Султон, мени алдаб олтин қафасга туширолмайсан», — истеҳзо билан ўйлади олим туяда лапанглаб бораркан. Шу онда бошидаги фикрлар ғайри-ихтиёрий равишда шеър ва оҳанг бўлиб оқа бошлади.

Гар ўлсам қисматим ҳукмидан огоҳ;
На бўлгай бу ҳаётда менга ҳамроҳ.
Саодат бўлса, кулсам, ўйнасам шод,
Алам бўлса, фиғон этсам чекиб оҳ.

Охирги мисра унга маъқул бўлмади: кўз ёши тўкиш унинг табиатига тўғри келмасди; бошқа сўз топди, аммо олдинда қишлоқ кўриниб, туя илдамроқ юриб кетди, рубоий таҳририни кейинга қолдиришга тўғри келди.

6

Ҳамма ёғини чанг босган, ҳорғин бир мусофир ўзидек чангга буланган, ҳолдан тойган туяга миниб Журжонга кириб келганда, қуёш ғарбга қараб оққан эди. У атрофга зўр эътибор билан қарар, ўзи шундай хушқомат ва кучга тўлган эдики, совуқ сувда бир чўмилиш билан бутун ҳорғинлиги чиқиб кетиши очик кўриниб турарди.

Йўловчи лимон, пўртахол ва хурмо дарахтлари соя солган, биноларнинг кошинлари ялтираб, денгиз шаббодаси эсиб турган салқин кўчаларга синчковлик билан қарарди. Буларнинг бариси шундай нотаниш, кўрилмаган нарсалар эдики, йўловчи ихтиёрсиз ўйга толди:

«Қаерга келиб қолдинг, Ҳусайн! Мана сен қувғиндининг, икки жаҳон оворасининг янги маскани!»

У чарчаганини ҳам унутиб, янги маскан янгиликларига тўймай, аста-секин олға қараб борарди.

Олим камбағал бир ҳунарманднинг уйига қўниб, ўзини несалик ҳаким Ҳусайн ибн Абдуллоҳ деб таништирди. У бу ернинг баланд-пастини ўрганмай туриб, ал-Беруний тавсияномаси билан саройга боришни истамади.

Журжоннинг кўпдан бери аҳолига таниқли ўз ҳакимлари бор эди, улар қандай бўлмасин, касаллик рўй берганда, ёрдам сўраб олдиларига келувчи одамлари ҳам бор эди. Ҳусайн ибн Абдуллоҳ эса ҳеч кимга номаълум, кичик вилоятдан келган оддий бир одам эди.

Эҳтиёж бир неча бор уни исканжага олди, лекин унинг руҳи тушмади. Бундай ҳолларда у: «Пул бамисоли қуш, у учиб кетади, аммо яна учиб келади» деб кулимсирар ва жаҳду жадал билан битмаган китоблари устидаги ишини давом эттирарди.

Олимнинг ҳужраси хўжайиннинг устахонаси устида бўлиб, бирдан-бир даричаси бозор майдонига қараб очиларди. Илк саҳардан бошлаб савдогарларнинг шовқини-ю, болғанинг тарақ-туруқи эшитиларди. Дастлаб Абу Алига ҳеч нарса халақит бермайдигандай туюлди. У ўз эркинлигидан тўла ва қувониб фойдаланди. Ниҳоят у фандаги ёлгончиларни — юлдузларга қараб фолбинлик қилувчи мунажжимларни қаттиқ танқид қиладиган пайт келди, илми ҳайъатга оид ишларини интиҳосига етказди. У Батлимуснинг арабча «Алмагест» номи билан машҳур асарига қайта-қайта мурожаат қиларди. У ёшларни, ўз шогирдларини ўйларди. «Алмагест» ўн уч томдан иборат ғоят мураккаб китоб, уни қисқартириб оммафаҳм бир ҳолга келтириш зарур, чунки бу китобни ўқиб у босиб ўтган йўл ғоят машаққатли эди.

Ибн Сино «Алмагест» устида ишлаб юриб, бир неча бор Берунийни эслади, унинг Батлимус усулига салбий муносабати ораларида жиддий мунозара ва тўқнашувга сабаб бўлганди. У Берунийнинг илми ҳайъатга оид янги асарини сабрсизлик билан кутарди. Ҳозирча унинг даъво-

ларини етарли асосланмаган деб ҳисобласа-да, ўзида ҳам баъзи шубҳалар туғилганди.

Абу Али ҳеч қачон ҳеч ерда Журжондаги каби баракали ишламаганди. У ҳар кун қирқ-эллик саҳифадан асар ёзарди.

У ҳориб-толиб ишдан бош кўтаргандагина девор орқасидаги шовқин-суронни сезар, шовқин бўлмаганда эҳтимол бу қадар тез ҳоримаган бўлардим, деб ўйларди. Олим бу кузатишни ҳам кези келганда текшириб кўрмоқчи бўлди.

Абу Али тинчлик ва сайхонликка майл сезиб, ҳар кун шаҳар ташқарисига, денгиз соҳилига қараб кетар эди.

Журжон деворлари тезда орқада қолиб, кўз олдида сокин, мовий денгиз намоён бўларди. Атроф жимжит, осойишталик, интиҳосиз денгиз сатҳи — ибн Сино орзиқиб кутган айни фароғатгоҳ. У яна олға қараб юрар, охири баланд қамишлар ўсган денгиз соҳилидаги балиқчилар қишлоғига кириб борарди. Офтобда қорайган ярим яланғоч балиқчилар уни яхши танишади. У пайдо бўлиши билан қувониб қарши оладилар. У тезда балиқчиларнинг рағбатини қозониб, уларнинг азиз меҳмони бўлиб қолди. Қишлоқ аҳолиси бу ажойиб меҳмонни соддалиги, донишмандлиги, ҳамма саволларга муносиб жавоб топиб, шубҳа-гумонларини ечишда ёрдам қилгани учун севиб қолгандилар. Ибн Сино бу содда одамларга дунёда энг билагон кишидай туюларди.

Бутун умри денгиз соҳилида ўтган, қайиқчаларига қора елкан тутиб, денгизда танда қўйиб юрган бу тажрибали балиқчилар мачта тиклаш, елкан ўрнатишнинг қайиқларни тез юрар қиладиган янги усулини бу шаҳарлик одамдан ўрганиб ҳайрон қолишди. Олим ёшлигида бир юнон денгизчисининг йиртилган, чанг босган китобини ўқиб шундай маълумот олган эди. Қадимий Миср қомусида махсус куйдирилган хумларда балиқ тузлаш усулидан баҳс этиларди. Олим бу усулни ҳам балиқчиларга ўргатиб, уларни беҳад қувонтирди.

У сипоҳилик қилмас, оч қолса шулар билан ўтириб овқатланар, ёмон ҳавода бод касалидан шикоят қилганларнинг белларини уқалар, хуллас, ҳаминша хизматларига ҳозиру нозир эди.

Шаҳарга қайтишда йўлдаги сабзозорлардан кўпгина янги нотаниш ўсимликларни тўплардики, уларнинг шифобахш хоссаларини аниқлаш лозим эди. У қучоқ-қучоқ

ўсимликлар билан ўз хонасига денгиз ва чўл ҳидини олиб келарди.

Бироқ бу осойишталик ва ярим очлик кўпга чўзилмади. Бир неча оғир касал шифо топиши билан шаҳарда янги ҳақимнинг номи эҳтиром билан тилга олина бошлади. Шундай қилиб Хусайн ибн Абдуллоҳнинг муҳтожлик даври ҳам, ёлғизлик, эркинлик даври ҳам тугади. Несадан Раҳмат кўчиб келди. Ошналар, мухлислар, шогирдлар пайдо бўлди.

Олим атрофга назар солиб, бу шаҳарга кўникиб қолганини, ҳаёт яна ўз изига тушиб бораётганини кўриб тааж-жубланди. Бундан ташқари, у шаҳарда ўзи хусусида жуда кўп гапирётганликларини, буни энди сир сақлаш ўнғай-сизлигини эслаб, тавсифномани кўтариб саройга бориш фурсати етди, деб ўйлади. Абу Али буни сираям истамасди, чунки сарой ҳаётини жуда яхши биларди. Бунинг устига у сохта ном билан ҳукмдор ҳузурига боришни маъқул кўрмас, ўз номини айтиш эса қаердалигидан Ғазнани огоҳ-лантириш билан барабар эди.

Бу чигални тақдирнинг ўзи ҳал қилди. Амирнинг се-викли жияни оғриб қолиб, Ибн Сино уни оёққа турғизди. Бу воқеадан қувонган Журжон амири моҳир ҳақимни ўз ҳузурига таклиф этди.

Олим минг турли хаёл билан унинг олдига кириб борди. Чунки бу қабулнинг руҳи унинг тақдирига нечоғлиқ таъсир қилиши маълум эди.

Новча, озгин амир хайрихоҳ табассум қилиб, жиянини даволагани учун ҳақимга миннатдорлик билдирди ва уни ёнига ўтқазиб, жиянининг касалини қандай қилиб топганини сўраб-сўриштириб кетди.

Амир ҳақимнинг жавобини эшитиб, унинг нуроний юзига диққат билан қаради ва бирдан нидо солди:

— Мен сени биламан, ўғлим! Сен Абу Али ибн Синосан! Сенинг суратингни менга Султон Маҳмуд юборган эди.

Абу Алининг юраги ёрилаёзди.

«Қўлга тушдим!— деб ўйлади у.— Энди Ғазнага боришга тўғри келади!»

Амир гўё унинг ичидагини топгандай, кутилмаганда уни қучоқлаб, оталарча меҳрибонлик билан елкасига қоқиб гапирди:

— Сен бу ерда менинг ҳимоямдасан. Ташвиш тортма, шу ерда қоласан. Лозим бўлса, сен учун ўзим тараддуд қилиб кўраман.

Журжон амири учун ўз саройида Абу Али ибн Сино каби машҳур олимни кўриш омаднинг келиши эди, албатта. Бундан ташқари, у эски эрон анъаналарига мувофиқ фан ва санъатга ҳомийлик қилиши зарур эди. Бунинг устига амир ҳам баъзи нарсалар ёзишга мойил бўлиб, ўзини олимлар жумласидан санарди.

— Сени ўз уйларимдан бирига кўчириб келтираман,— деди амир,— ва сарой ҳакими қилиб тайинлайман. Бундан ташқари, сешанба ва пайшанба кунлари менинг ҳузуримга киришинг мумкин, иккимиз мен кўпдан бери ёзиб келаётган китобни муҳокама қиламиз.

Амирнинг назарида мана шунинг ўзи ҳурматнинг чўққиси эди, Абу Али буни яхши тушунди.

7

Ибн Синочалик кузатувчан бўлмаган кимсалар ҳам Журжон аҳолисининг аксарияти Урта Осиёнинг бошқа ўлкаларидаги сингари оғир аҳволда эканини равшан кўриб турарди. Эҳтимол бошқа жойларга нисбатан ҳам оғирроқдир, чунки бу ернинг амири табиатан бераҳм, дағал одам эди.

Шаҳар атрофларида, балиқчи қишлоқларида ва камбағаллар маҳалласида юриб Абу Али қовоғи осилган, димоғи куйган одамларни кўрди, ғазаб ва ноумидликни ифодаловчи сўзларни эшитди. Бироқ хонавайрон қилинган, бахтсизликка гирифтор бўлган, жабр кўрган одамлар амир ва амалдорларнинг қаттиққўллигидан қўрқиб, бўйинтуруққа бўйин эгардилар.

«Қани энди бир жамият бўлсаки, унда одамлар бўри сингари бир-бирларини емай, тинч, бахтли яшасалар, ғамаламни билмай ҳуқуқ, эрк-озодликдан баҳраманд бўлсалар!.. Бундай жамият қандай тузилиши лозим экан?..» Олим кўпинча шундай саволлар устида бош қотирса ҳам, ҳали уларга жавоб топганича йўқ эди.

У қадимий Юнонистон ва унинг қолиб кетган демократиясини эслади. Ушанда ҳам одамларнинг бир қисми ҳокимият, бойлик ва ҳамма неъматдан фойдаланиб, бошқалари улар учун ишлаб, ўзлари оч қолганлар. Афлотун жамият тузилишининг идеалини хусусий мулкни ҳукмдорлар ва ҳарбийлар ихтиёрига ўтказишда, хотинлар ва ҳар хил ашёларнинг муштараклигида, болалар тарбиясини жамият-

га топширишда кўради. Бироқ унинг усули асосида бояги қулдорлик тузуми ётарди. Ҳуқуқсиз қуллар шу жамият фойдасига ишлаши лозим. Ибн Синонинг севикли файласуфи Арасту ҳам қулдорликни оқлар, уни рўзгор ва ижтимоий ишлар учун зарур деб ҳисобларди. Йўқса, унинг сўзи билан айтганда, қулларсиз бошқа кишилар маънавий камолотлари учун вақт тополмай қоладилар. Арасту учун, бу улуғ олим учун қул қилинган одам шунчаки бир буюм, қулдорнинг хусусий ашёси, холос. Дарвоқе, қадимги замонда фақат қуллар қийинчиликда яшаганми? Ибн Синонинг бошига бир савол келди: ажабо, агар халқ зулм ва адолатсизликка қарши исён кўтарса, шу жиноят бўладими.

«Агар халқ ўзи истаган одамни подшоҳ қилиб кўтарса қандай яхши бўларди?»— деб ўйлади Ибн Сино. У хаёл қилган давлатда подшоҳ, албатта, бутун халқ томонидан сайланган бўлиши даркор.

Бироқ у вақтларда на Журжонда, на бошқа жойларда ҳукмдорни сайлаш одамларнинг хаёлига ҳам келмасди. Кексайган золим подшоҳ ўрнига бир қадар раҳмдилроқ ўғлининг тахтга чиқиши халқ хоҳишининг чегараси саналарди.

Ибн Сино амирга бир неча бор халқ аҳволининг оғирлигидан сўз очишга уринди, бироқ у боши билан вазирга ишора қилиб, гапни бошқа мавзуга бурди. Вазирга бу хусусда гапириш бефойда эди. Амирнинг пинжига кириб олган бу корчалон савдогар фақат ҳукмдорнинг кўнглини топиб, ўз бойлигини кўпайтиришни ўйларди, холос.

Давлат хазинаси ҳамиша бўш эди. Халқдан қанча пул тўплашмасин, у сира тўлмасди. Ҳукмдорнинг қимматга тушадиган ҳашамлари, кўп сонли қўшин, кичкина давлат учун мутлақо кераксиз балохўр вазиру вазаролар, Бағдод халифаси-ю, Ғазна султонига юбориб туриладиган доимий туҳфа-тортиқлар халқдан нимаики тўпланса барини ямлаб-ютиб юборарди. Деҳқончилик издан чиққан эди; савдо-сотик ва ҳунармандлик ривождан қолиб, халқ тобора қашшоқлашиб борарди.

Мамлакатда гулгула бошланди.

Бир кун Ибн Сино пойтахтдан бир неча фарсах жойга иш билан бориб қолди. У борган қишлоқда қандайдир ҳаяжон, гулгула ҳукм сурарди. У бировга сездирмай, дарахт остида туриб, бир умр эсдан чиқмайдиган воқеанинг шоҳиди бўлди.

Қишлоқ масжиди саҳнида ўлпон тўловчи арбоб туяга миниб турарди. Унинг ёнида галла ортилган аравалар, қоп-қоп жун, жойнамоз гиламчалар, қўй ва тойчалар бор эди. Бу — халойиқдан тўпланган ўлпон эди. Аммо баъзи деҳқонлардан ҳеч нарса ундириб бўлмади. Афтидан улар солиқ тўлайвериш шип-шийдам бўлиб қолганлар. Арбоб булар билан бошқача ҳисоб-китоб қилмоқда эди. Худди шу ерда, халқнинг кўз ўнгида, арбобнинг ёрдамчилари шўрлик деҳқонларни ётқизиш узун таёқ билан савалар эдилар. Бутун қишлоқ калтакланаётган одамларнинг фарёди-ю, хотин ва болаларнинг қий-чуви билан қоматга келганди.

Ибн Сино ўлпон тўловчиларнинг ўзбошимчалигидан дарғазаб бўлиб, бу ишга аралашишга хезланганда, ён кўчадан кетмон, болта ва таёқ кўтарган деҳқонлар отилиб чиқиб, ҳалигиларнинг устига ёпирилиб боришди. Кутилмаган ҳужумдан ўтақаси ёрилган ўлпончилар таёқларини ташлаб қочиб қолишди. Мурдадек оқариб-бўзарган арбоб туянинг бошини шаҳар томонга бурди. Деҳқонлар уни тошбўронга олишди. Катта бир тош белига тегиб, бошидаги салласи учиб кетди. Шу алпозда туяга бирин-кетин таёқ уриб, шаҳарга қараб қоча бошлади.

Журжон қишлоқларида бундай ҳоллар тез-тез рўй бериб туриши ҳақидаги овозаларни Ибн Сино илгари ҳам эшитган эди. Ҳатто ҳарбий қисмларнинг пайдо бўлиши ҳам гулгулани бостирмай, баттар кучайтирарди.

Олим бу хусусда амирга бир нарса дейиш бефойда эканини билса ҳам, уни огоҳлантиришни, азобдийда халқ тарафини олиб овоз беришни ўз бурчи деб ўйлади.

Бунга ҳам муносабат топилди. Олимни саройга чақирди.

Амир одатда машваратчиларни қабул қиладиган хонада ўтирарди. У ҳозир одатдагидан кўпроқ букчайиб, касал маймунга ўхшарди.

Эски бод касали аллақачон унинг қўл-оёқларини букиб қўйган, энди ҳеч қандай дори-дармон фойда бермасди. Ҳар хил капдори, малҳам ва буғлашлар оғриқни бир даража пасайтириб, унинг бировга суянмасдан оёққа туришига ёрдам қиларди, холос. Унга табобатнинг бундан бошқа ёрдами тегмасди. Бугун касалнинг аҳволи тузук эди, шунинг учун Абу Али мамлакат аҳволи хусусидаги гапни пайсалга солмасликка аҳд қилди.

Унинг биринчи сўзини эшитиши билан амирнинг қош-қовоғи тушиб кетди.

— Албатта сен катта олимсан,— деди у,— бироқ олим давлатни идора қилишда нимани тушунади? Давлат ишининг соя томонлари ҳақидаги фикринг тўғрими-йўқми ўзим ҳам билмайман. Зероки мен саройдан камдан-кам чиқаман, аммо менинг ҳамма нарсани биладиган, кўрадиган вазири бор. У менинг кўзим ва қулогим. У синалган, тўғри одам, менга садоқати бениҳоя. Бас, нечун мен унга қараганда сенга кўпроқ ишонишим даркор?

— Олижаноблик муборак кўзларига парда бўлмағай деб кўрқаман,— сўзида туриб олди олим.— Вазир кўрганларининг барини сизга гапириб бермайди.

— Демак, ҳаммасини гапиришга эҳтиёж йўқ. У ақлли хизматкор.

— Бу ақлли хизматкор шундай аҳмоқона иш қилиб қўйиши мумкинки, уни кейин тузатишнинг иложи бўлмай қолади...

— Ўзингни вазир қилиб олсам деган фикрим бор,— деди амир калака қилган оҳангда,— бироқ сенинг устингдан шикоят тушмайди деб ким кафил бўлади?

— Муҳтарам ҳукмдор,— хитоб этди Ибн Сино,— сиздан илтижо қиламан, мени вазирлик лавозимини даъво қиляпти деб ўйламанг!

— Агар бўлар-бўлмасга ғашимни келтира берсанг, вазир қилиб тайинлаганим бўлсин!— таҳдид қилди амир.

— Ҳозир аҳамиятсиздек кўринган нуқсонларнинг оқибати даҳшатли бўлиши мумкин, муҳтарам ҳукмдорим!— такрор таъкидлади олим.

Бироқ амир қўл силтаб, уни тўхтатди ва хонтахтадан қўлёзмани олиб, суҳбатдошини унинг янги бобини эшитишга мажбур қилди.

Уқиш узоқ давом этди. Амир ўзи ёзган нарсани шавқ билан ўқиб, ҳаловатдан гул-гул очилиб кетди. Амир ўқтин-ўқтин Ибн Синога назар ташлаб, ундан мақтов ва таҳсин эшитишни истарди. Олимга муаллифнинг билимдонлиги ва чиройли услуби ҳақида бир неча сўз айтишдан ўзга чора қолмади. Гарчи олим ўзини диққат билан эшитаётгандай кўрсатса ҳам, дилида, амирнинг кўрлиги уни оғир фалокатларга олиб келади, деб ўйларди.

У башорат қилган экан. Бир неча кундан сўнг халқ кўзғолонлари бутун мамлакатни қамраб олди. Пойтахтнинг ўзида, Ибн Синонинг билишича, исёнчилар амирни йиқитиб, ўрнига ўғли Манучеҳрни тахтга ўтқазмоқчи эканлар.

Ибн Сино тонг отаргача ишлади. Ер қатламларининг тузилиши ҳақида аллақачонлар бошлаган китобини тугатиши лозим эди.

«Тоғларнинг вужудга келишига икки хил сабаб бўлиши мумкин. Улар ё зилзилада ер қобигининг кўтарилиши натижасида, ёинки сув ўзига янги йўл очиб, ер қатламининг гоҳ юмшоқ, гоҳ қаттиқ жойларига сингиши натижасида бунёдга келган»,— деб ёзди у ва иш билан қизиқиб тонг отганини сезмай қолди.

У тасодифан деразага қараб, ерга қиров тушиб музлаб ётганини кўрди. Бу Журжонда камдан-кам бўладиган ҳодиса эди. Бундан ҳам қизиги, ғалаён кўтарган халқнинг қилич, найза ва болға олиб кўчаларни тўлдириб югуриб юриши эди.

— Шаҳарда нима гап?— сўради Ибн Сино эснаб олдига кирган Раҳматдан.

Бироқ эндигина уйғонган хизматкор бу ҳақда хўжайинидан ортиқ ҳеч нарса билмасди.

— Ҳозир билиб келаман,— жавоб берди у ва чопганича кўчага чиқиб кетди.

Ибн Сино Раҳматни кутар, лекин фикри ўз иши билан банд эди. У яна қўлига қалам олди.

«Ер юзидаги кўп тепаликлар юқорида зикр этилган тарзда вужудга келган. Бунча ўзгаришлар рўй бериши учун жуда кўп вақт ўтганки, бу даврда тоғлар ҳам бир даража кичрайган бўлиши мумкин...»

Ҳовлиқиб кирган Раҳмат уни яна ишдан қолдирди.

— Оломон саройга бостириб кириб, амирни қўлга олибди. Ҳозир уни зиндонга олиб боряптилар. Эҳтимол дарҳол йиғиштирилиб, бу ердан кетганимиз маъқулдир.

Ибн Сино жавоб беришга улгурмай, шогирдларидан бири югурганча хонага кириб келди.

— Устоз!— нафаси тиқилиб хитоб этди у.— Журжонда давлат ўзгариши юз берди. Амир тахтдан олиб ташланди. Исёнчилар унинг яқинларини излаб юрибдилар. Сиз собиқ амирнинг энг яқин кишиси бўлганингиз учун бу шаҳардан қочиб кетганингиз маъқул.

Бироқ Ибн Сино осойишталик билан бош чайқади.

— Мен қашшоқ бир олимман. Ҳеч кимга, ҳеч нарсага дахлим йўқ.— жавоб берди у.— Бу ерда душманларим бўлишига ақлим етмайди. Мен назарногиро бир одамман...

— Ундай бўлса, устоз, бугун уйдан чиқманг. Шундагина бизнинг кўнглимиз тинчийди.

— Хўп, мен ўтириб ишлайман, кўчага чиқиш ниятида эмасман,— ваъда қилди олим ва Жўржон ёшлари унинг шогирдлари раҳбарлигида уйга посбонлик қилаётганини билмай, бемалол ўтириб ишлай бошлади.

У яна қўлига қалам олди.

«Бундай ўзгаришнинг сабаби сув эканини тоғ қатлаamlарида сақланиб қолган ҳайвонларнинг қолдиқлари очиқ исбот қилади»,— деб ёзди у кўчадаги олаговурга эътибор бермасликка уриниб.

Исён икки кундан кейин тугади.

Жўржон тахтига амирнинг катта ўгли Манучеҳр ўтирди. Ибн Сино уни яхши билмас, лекин ундан мамлакат учун ҳам, ўзи учун ҳам бирон яхшилик кутмасди.

Ибн Синонинг дўстлари уни Манучеҳрнинг Султон Маҳмудга муносабати аниқлангунча ўзини бир четга олиб туришга кўндирдилар.

Ибн Сино эски амирнинг зиндонда ўлиб қолгани ҳақидаги хабарни йўлда эшитди.

9

Узоқ маслаҳатлашгандан сўнг Диҳистонга¹ кетишга қарор қилишди. Серёмғир, совуқ Жўржонни қолдириб, йўловчилар Диҳистоннинг ям-яшил далалари ва гуллаб турган боғлари ёнидан чиқиб қолишди. Бироқ бу ерда улар барча амирлардан кўра хавфлироқ душманга — безгак касалига йўлиқиб, яна Жўржонга қайтишга мажбур бўдилар.

— Бекорга кетайлик деб туриб олдинг,— гудиллаб Раҳматга таъна қилди олим.— Бу ерда мен умримда биринчи марта касал бўлдим, бу мен учун жуда кўнглисиз нарса. Ҳаким соғлом бўлиши даркор, йўқса ким шифо ис-таб унинг олдига келади?

Раҳмат гуноҳкорлардек хомуш борарди. Олим эса бутун йўл давомида ғингиб кетди. Кечаси алламаҳал бўлганда йўловчилар Жўржон карвонсаройига етиб келдилар.

Мана шу ерга келгандагина Ибн Синонинг чеҳраси очилди. Хушфеъл хўжайин, унинг ёшгина, чечакдек очилиб

¹ Диҳистон — Ҳазар денгизи ёнидаги кўҳна бир шаҳар.

турган қизи меҳмонларни яқин қариндошларидек илиқ кутиб олишди.

Бу олимни безгак тутмаган биринчи кун эди. Аммо у ўзини ҳориган, заиф ва ҳамма ёғи эзилгандек ҳис этарди. Бу ҳолат унга тамом нотаниш бўлганидан кечаси алламаҳалгача ухлолмади.

Ибн Сино биринчи дафъа ҳадемай ўттиз беш ёшга тўлиши, ёшлик айёми ўтиб, камолот даври бошланажаги ҳақида ўйлаб кетди. Бу даврда у анча иш қилди, талай китоблар ёзди, шогирдлар етиштирди, лекин бу ёшда ҳар бир оддий одамда бўладиган баъзи нарсалар етишмасди. Хотин ва боласи узоқда, оила йўқ, жамғарилган бирор нарса, ҳатто оддий бир кулба ҳам йўқ. Аммо бу нарсалар хусусида Абу Али бир лаҳзагина, ўшанда ҳам афсус-надоматсиз ўйлади.

Ибн Сино ёзни ўзига таниш балиқчилар қишлоғида, денгиз бўйида ўтказишга аҳд қилди.

Балиқчилар қишлоғидан бир неча қадам нарида, ёнғоқ, нок ва бошқа мева дарахтлари ўсиб ётган соя-салқин бир баландликда олимнинг дўстлари — балиқчилар унга бир ҳафта давомида кичкина уй қуриб беришди.

Бу ҳашамсиз уй Ибн Синога ҳам, Раҳматга ҳам ёқиб тушди. Бу ернинг сукунатини соҳил тошларига келиб урилган тўлқинларнинг шарпаси-ю, дарахт япроқларининг шитирлашигина бузарди.

Олим кун бўйи бемалол ишлай оларди. У ҳар кун эрталаб қоғоз-қаламлари ва китоб-дафтарларини дарахт соясига олиб чиқиб, то қош қорайгунча ёзиш-чизиш билан машғул бўларди.

Оқшом пайтлари, агар ов излаб узоққа кетмаган бўлсалар, балиқчилар Абу Алининг олдига келиб, кун бўйи офтобда қизиб ётган тошларга ўтириб олардилар. Олим ҳам уларга жон деб қўшилар ва мириқиб суҳбат қиларди.

Соҳилда ловиллаб гулхан ёнар, хотинлар кечки овқат пиширардилар. Сезилар-сезилмас тутун ҳиди бу ергача келиб, ёнғоқ япроқларининг қуюқ ҳиди билан қўшилиб кетарди. Ибн Сино бу содда ҳаётдан беҳад мамнун, бу софдил одамлар орасида, шуларнинг бири бўлиб яшашидан жуда ҳам рози эди.

Бу атроф-теварақда бирдан-бир саводхон одам имом эди. У ҳар жума кунни бир марта келарди.

Ибн Сино бунақанги руҳонийни биринчи кўриши эди. У димоғдор, очкўз эмасди. Имоматликка ўтар, ибодатдан

кейин қавмларига панду насиҳатлар қилар, аммо ҳеч кимдан ҳеч нарса тама қилмасди, борди-ю, биров бирор нарса берса, минг хижолат ичида оларди-ю, унинг ҳақиға дуойи хайр қилиб кетарди. Чолнинг қарилик пардаси тўсган ожиз кўзлари ҳаммага табассум билан хайрихоҳона боқарди. У ҳаммага муносиб илиқ сўз топар, ҳаммани номма-ном биларди. Бинобарин, тақводорликдан анча йироқ турган балиқчилар ҳам чолни янги тутилган тоза балиқлар билан сийлаб туришарди.

Ибн Сино йўқлигида кекса домла қўлидан келганча касалларни даволар, муҳтожларга маслаҳатлар берар, ҳатто баъзи зийракроқ болаларни ўқитарди.

Ибн Синонинг пайдо бўлишига у қишлоқнинг ҳам, ўзининг ҳам бахти деб қарарди. Абу Алининг олимлиги чолнинг таҳсин-офаринига сабаб бўлар, унинг сипоҳилик қилмай, оддий қишлоқ мулласи билан самимий суҳбатлашиши соддадил қарияда эзгу ҳаяжон кўзгарди. Чол имоматчиликка тааллуқли ишларини тамомлаб, кечки пайт эшагини етаклаб Абу Алининг уйи томон келар, олимга халақит бермаслик учун дарахт соясида, Раҳматнинг ёнида ўтириб секин, хоксорона суҳбат қиларди. Раҳмат, ҳаётга уқуви йўқ, руҳонийларга муносиб ҳаёт кечиришни билмайди, деган андиша билан чолга ҳомийлик қилар, баъзан унинг насиҳатомуз сўзлари олимнинг қулоғига чалиниб қоларди:

— Сиз қавмларингизга бўш келманг, ота. Йўқса улар ҳаққуллоҳ беришни ҳам унутиб қўйишади. Уст-бошларингизга бир қаранг, тақсир, ахир, мулла одамга шундай эски чопон кийиб юриш муносибми?.. Сиз бўлсангиз, қавмлардан ҳеч нарса талаб қилмайсиз!..

Чол жавоб ўрнига алланима деб ғудиллаб қўйди.

— Халқни деб ҳар нарсадан кечавериш яхшими? Ўзингиз ўйлаб кўринг, сиз олим одам, улар нодон, авом кишилар.

— Худонинг олдида ҳаммамиз баравармиз,— маҳмадоналик қилаётган Раҳматга тасалли берди чол.— Тамагирлик гуноҳи азим, болам...

Ибн Сино ишини тўхтатиб, гапга қулоқ солди.

Раҳматнинг қулай фурсат топилса одамларга ақл ўргатадиган одати бор. Ҳозирги гапларига қараб уни ўлғудай суллоҳ, фирибгар деб айтиш мумкин. Бироқ хўжайин дунёда эски дўсти Раҳматдек олижаноб ва ҳалол одамнинг топилиши қийинлигини яхши биларди. Бинобарин, домла

жўнаш олдида Раҳмат ўзининг янги ҳаво ранг чопонини унга тақдим этиши олимни заррача таажжублантирмади.

Бир куни домла қасддан Абу Алининг ишлари тугаши-ни кутиб қолди.

— Жияним ҳоли жонимга қўймапти, жаноби ҳаким,— деди чол шикоятомуз бир оҳангда.— Унга сизнинг хусусингизда гапириб балога қолдим. У «Мадрасанинг қуйи синфларида мантиқ дарси» номли бир рисола тасниф этибди. Мана шуни бўш вақтингизда ўқиб чиқишингизни сўраб, мени ўртада восита қилмоқчи.

Ибн Сино қўл чўзди:

— Беринг, беринг, ота, бажону дил ўқиб чиқаман.

Чол хуржунидан катта бир қўлёзмани олиб олимга узатди.

— Мени маъзур кўринг, жаноб. Биламан, бунингсиз ҳам ишингиз ошиб-тошиб ётибди. Кўриб турибсиз, у қанча қоғозни қора қилиб ташлабди.

— Агар бамаъни нарсалар билан қоралаган бўлса — ҳеч бокиси йўқ. Энди айтинг-чи, жиянингиз нима иш қилади?

— Мен уни мулла бўлиб, ўрнимни босар деб ўйлагандим. У эса мадрасада қолиб халифалик қиляпти. Имом бўлишга рози эмас, ҳозир меникида меҳмон.

— Иккинчи келишингизда уни ҳам бирга олиб келинг. Мен бу рисолани ўқигач, у билан суҳбатлашмоқчиман.

Бир ҳафтадан кейин узоқ соҳилда, худди уфқнинг ўзида икки нуқта пайдо бўлди.

— Раҳмат,— қувнаб чақирди Ибн Сино.— Меҳмон келяпти! Домла жиянини олиб келяпти. Овқатни кўпроқ қил. Мадраса шогирдларининг иштаҳаси карнай бўлади.

Чоштгоҳ пайтда мулла қишлоққа кириб келди. Унинг ёнида йигирма икки-йигирма уч ёшлардаги новча, бесўнақайроқ бир йигит шахдам қадам босиб келарди. Чўтир юз, бароқ қошлар уни қандайдир бадқовоқ қилиб кўрсатарди. Аммо йигит сал бошини кўтариб табассум қилса, чеҳраси ажиб бир олижаноблик, софдиллик нури билан порлаб кетар, бундан суҳбатдошининг кўнгли очиларди.

— Жаноби ҳаким, мана бу менинг жияним,— таништирди қария,— исми Абдулвоҳид. Сиз унинг асари ҳақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз кифоя, биз дарҳол кетамиз. Ишларингизга халақит бермаймиз.

Аммо Ибн Сино уларни узоқ тутиб қолди, куннинг қолган қисмини Абдулвоҳид билан суҳбатда ўтказди. Ри-

соланинг асосий нуқсонларини кўрсатди. Тилнинг аниқлигини, ифодаларнинг равшанлигини мақтади.

— Сиз заковатли йигитсиз, Абдулвоҳид,— меҳрибонлик билан суҳбатни тугатди у.— Қишда Жўржонда бўламан. Ушанда мени қидириб топинг. Суҳбатингиз ҳамisha мени қувонтиради.

10

Сунбула охирларида қишлоққа Ибн Сионинг эски қадрони ва мухлиси қарматий аш-Шерозий келди. У катта савдогар бўлиб, кўп йиллардан буён Жўржонда яшарди. Аш-Шерозий бир вақтлар ёш Ҳусайн ўзининг Бухоро зиндонидан қутулиб чиқишига сабаб бўлганини сира унутмасди. Ибн Сионинг Жўржонга келганини эшитиб, яхшиликка яхшилик қилиш фурсати етди-ку, деб ўйлади ҳамда олимни эътибор ва илтифот билан қўршаб олди.

— Муҳтарам дўстим!— деб хитоб этди у олимнинг уйига кириб унга таъзим қиларкан.— Мен сизни олиб кетгади келдим. Худога шукур, сиз энди қўрқмай, Жўржонга боришингиз мумкин!

— Марҳамат қилиб ўтиринг, муҳтарам Абу Муҳаммад! Келганингиздан беҳад мамнунман. Эҳтимол йўлда ҳориб, оч ҳам қолгандирсиз. Буюринг, кўнглингиз нимани хоҳлайди?

Ибн Сино фармон беришга улгурмай, Раҳмат уйга дастурхон ва шарбат олиб кирди.

Аш-Шерозий юз-қўлларини ювиб, бир оз шарбат ичгандан сўнг, ўзи топиб келган янгиликни айтишга ошиқди.

— Агар сизга, марҳаматли ҳукмдоримизнинг хазинаси раҳматлик отаси даврида қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, яъни бўм-бўш десам таажжубланмасангиз керак, муҳтарам Ибн Сино. Ёлланма сарбозлар ундан эски маошларини талаб қилиб қолишди. Бизнинг тужжорлар¹ шеркатида анчагина пул қарз олишга тўғри келди. Бинобарин, энди у бизнинг ҳеч бир талабимизни рад этолмайди. Мен пулни саройга обориб, амирга, болаларимни ўқитмоқчиман, бунинг учун машҳур бир олимни таклиф этиш ниятидаман, дедим. Амир мендан кимни кўзда тутганлигимни сўради. Мен сизнинг номингизни айтдим. Афтидан, у бошда бир

¹ Т у ж ж о р — савдогар.

оз иккиланди, шундоқ бўлса ҳам охири розилик берди. Кўраб турибсизки, ҳаммаси келишиб қўйилган.

— Манучеҳр бугун розилик берибди, бироқ Султон Маҳмуд сал қовоғини солгудай бўлса, эртага сўзидан қайтади.

— Султон Маҳмуднинг ҳозир бунақа ишларга вақти йўқ. У эндигина Ҳиндистонга қарши янги юриш бошлади, бутун фикри-зикри қўлга кирадиган янги ўлжалар билан банд. Ҳозир ҳамма гап сизда, тезроқ йиғиштирилиб, бирга кетамиз. Мен шу ният билан келганман. Сизга атаб қурдира бошлаган уй битди. Унда ҳамма нарса муҳайё: тинчлик, осойишталик. У ерда сизнинг илмий ишларингизга ҳеч ким халақит бермайди.

Ҳусайн, бундай қисқа муҳлатда йиғиштирилиб бўлмайди, деб ҳар қанча вазир кўрсатса ҳам, аш-Шерозий икки оёғини бир этикка тикиб, гапида туриб олди ва кўчларни йиғиштириш учун фақат бир неча кунга рози бўлди. Олимнинг бор бисотини, китоблари ва қўлёзмаларини тўплаб тугишда, уларни ўзи етаклаб келган туяларга ортишда Раҳматга қарашиб турди.

Ибн Синонинг Журжонга қайтгиси бўлса ҳам, илмий ишлари бу қадар раванқ топган осойишта қишлоқни ташлаб кетишни истамасди. У узоқ йиллар ўйлаб юргани «Ал-Қонун»ни ҳам шу ерда бошлади, бу иш жуда тез бораётган эди. Бундай ижод уйини яна қаердан топиш мумкин?

Ибн Сино шаҳарга жўнаши олдидаги оқшом жуда узун туюлди. Одатда камгап балиқчилар бу оқшом яна ҳам камгапроқ эдилар, улар оғир-оғир сўлиш олиб, олимнинг гапларига қулоқ солардилар.

Пастдан, қишлоқдан уларни кечки овқатга чақиришарди. Оёқ яланг, ярим яланғоч болалар чопиб келишди. Бироқ балиқчилар қўл силтаб, жойларидан жилмадилар, гўё ҳаётнинг мазмунини очиб, уларни бахтли, беташвиш қиладиган бирор ҳикматли сўзни эшитолмай қолишдан қўрқардилар. Суҳбатдошлар ярим кечадан кейин тарқалишди. Ибн Сино ҳам, балиқчилар ҳам суҳбатдан мамнун бўлиб, ҳар қайсилари ўзлари учун қандайдир муҳим бир нарса кашф этгандай рози бўлиб видолашдилар.

Ибн Сино уйнинг эшиги олдида тўхтаб, денгиз ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. У ўз тақдирининг беқарорлиги, фалакнинг гардиши ҳақида ўйлаб кетди. Мана у яна Журжонга қайтиб бормоқда. Ажабо, унинг бу ерда нону насиби қанча экан? Ким билади, бир-икки ойдан сўнг бош-

пана қидириб яна бошқа ёққа қочишга тўғри келар? Унинг икки жаҳон овораси бўлиб юриши, танҳо яшаши қачон тугайди, қачон у оиласи билан бирга осуда ҳаёт кечиради, қачон?

— Раҳмат,— секин чақирди у.

— Мен шу ердаман, Ҳусайн,— қоронғидан овоз чиқди.— Ишингиз бормиди?

Ибн Сино ҳадеганде жавоб бермади. У эшик ёнидаги катта тошга ўтириб олди. Оқшомлари шу тош устида ўтириб хомуш ҳаёл суришни яхши кўрарди у. Тўлин ой денгиз устида қалқиб, унинг майин мавжлари устига кумуш панжаларини чўзди. Ўйроқдан елкан кемасининг сояси кўринди. Соҳилдан тўлқинларнинг бир маромдаги сас-садоси эшитиларди.

— Раҳмат,— секин гап бошлади Абу Али,— шаҳарда жойлашганимиздан кейин сен Урганчга жўна! Бека билан ўғилчани олиб келиш даркор... Бундан кейин ҳам жудоликда яшашимизнинг не ҳожати бор?

— Бораман, бораман, Ҳусайн, албатта уларни олиб келаман. Сизни янги уйга жойлаб хотиржам бўлай, дарҳол жўнайман.

11

Аш-Шерозий Ибн Синога аталган уйни пахса девор билан ўралган катта боғнинг бир четида қурдирди. Кенг, ёруғ бинонинг эшик ва деразалари ўймакор устунлар кўтариб турган баланд пешайвонга қарар, катта ҳовлининг ўртасидаги мрамар ҳовуз тиниқ булоқ сувидан лиммо-лим тўлиб турарди. Ҳовуз атрофига анвойи гуллар экилган. Азим чинор дарахти катта, баланд шохларини бутун ҳовлига чўзиб, бу масканни жазирама иссиқда ҳам соя-салқин бир фароғатгоҳга айлантирарди. Ҳамма ёқда тинчлик, осудалик ҳукм суради. Олим бу ерда бемалол ишлаш мумкинлигига қаноат ҳосил этди.

Хоналарга гилам ва оқ кийгизлар тўшалган, бир хонага саккиз пояли араб хонтахтаси қўйилганди. Бинони олимга кўрсатиб юриб, аш-Шерозий бундай деди:

— Сиз, албатта, ҳақиқий саройга муносибсиз, шундоқ бўлса ҳам, каминадан бу кулбани қабул этарсиз умидидаман; шу ҳам хотири шарифларида бўлғайким, мен ҳар не қилсам ўзларига бўлган ихлос ва муҳаббатим тўфайлидир...

Уй олимга манзур бўлганини кўриб, аш-Шерозий гулгул очилиб кетди.

Савдогар уйнинг ичкари томонига, хотинлар турадиган қисмига ҳам алоҳида эътибор берганди. Фақат Раҳмат уйда ҳам, ҳовлида ҳам ошхонабоп жой кўрмай, ташвишда эди. Аш-Шерозий буни пайқаб, ҳамма таомлар унинг шахсий ошхонасидан келтирилажагини, Абу Али ҳеч тортинмай, хизматкорларга фармон бериши мумкинлигини, улар бунинг хизматига ҳамиша тайёр эканликларини уқдирди.

Янги уйга жойлашгандан сўнг Ибн Сино фурсатни қўлдан бермай ишга шўнғиб кетди. У улўф «Ал-Қонун»ни ёзар, айни замонда шогирдларига атаб Урганчда бошлаган фалсафий асарини таҳрир этар, тўлдирарди. Тинч, осойишта ҳаёт тарзи ва аш-Шерозийнинг, Султон Маҳмуд Хиндистонга қарши жангу жадал билан банд, деб далда бериши Ибн Синонинг, Султон даъвосидан кечди, деб ўйлашига сабаб бўлганди.

Аммо эҳтиёткор ва тажрибали Раҳмат ҳушёрликни бой бермаганди, зотан унинг сергак туришига сабаб ҳам бор эди. Аш-Шерозийнинг бола-чақалари бир неча кундан буён, ё бизникига ўғри киради, ёки шу уйдан бирор кишини пойлаб юришибди, деб ваҳима қилишарди. Қандайдир жулдур кийим кийган бадқовоқ одам ҳовли атрофини кузатиб юрар, булардан бирортасини кўриб қолса дарҳол нари кетиб, кўздан ғойиб бўларди, натижада ҳеч ким унинг афт-башарасини тузук-қуруқ кўролмасди. Бу айғоқчининг хатти-ҳаракати бадавлат хонадонда ҳар куни қизғин муҳокама қилинарди. Аш-Шерозийнинг болалари, уни итга талатиш керак, деб таклиф қилишса, хизматкорлар, уни тутиб, суягини санаш керак, дейишарди, аммо улар аниқ бир фикрга келишолмас, саёқнинг ғалати қилиғига сабаб нима эканини ҳеч ким билолмас эди.

Ҳаммадан кўпроқ Раҳмат ташвишда қолганди. У бировга айтмаса ҳам, ичида, бу Султон Маҳмуднинг одамику, у Абу Алини пойлаб юрибди, деб ўйларди. Қиш бошланиб, Раҳматнинг Хоразмга жўнайдиган фурсати келди. Бироқ Ғазна жосусининг қалтис бир ҳаракати ҳамма режаларни барбод қилиши мумкин.

«Борди-ю, хўжайин яна бирор жойга қочиб кетса нима бўлади? Мен хотини билан боласини олиб келсам-у, бу бўлмаса?.. Йўқ, бу бизга сираям тўғри келмайди!..»

Раҳмат, «бу бизга сираям тўғри келмайди» деб, узил-

кесил бир фикрга келгач, номаълум одамни учратиб унинг муроди нима эканини билмоқчи бўлди.

Кузатувчининг келадиған маҳали ноаниқ эди. Шунинг учун Раҳмат қош қорайғанда «ов»га чиқиб, биринчи тор кўчага кириб яшириниб олди. Кеч кузнинг илиқ пайтлари ўтиб, қишнинг рутубатли кунлари бошланганди. Раҳмат икки соатча қоровуллик қилиб шу қадар тўнғди, шу қадар ивидики, бу ишни эртага қолдириб кетишига бир бахия қолди. Худди ана шу пайтда совуқдан букчайган, беўхшов айғоқчи кўринди.

Совуқ жонига теккан Раҳматнинг ғазаби дучандон ошганди. У номаълум одамнинг устига йўлбарсдек отилиб, унинг гирибонидан тутди.

— Охири қўлга тушдинг-ку, қароқчи! Бу ерда нимани пойлаб юрибсан?— Раҳматнинг оғзидан оқ ит чиқиб, қора ит кирарди.— Ҳозир сени қозига олиб бораман, зиндонда ўтириб жазойингни тортасан, ярамас!

Ҳадеб жаврай берганидан Раҳматнинг нафаси бўғилиб, бир оз жим қолди.

— Мени қўйиб юборинг, тақсир. Мен на қароқчи, на таловчиман,— ваҳимага тушиб ёлворди номаълум одам.

Раҳмат унга тикилиб, оқшом ғира-ширасида ўзига самимий боқиб турган таниш кўзларни кўриб қолди.

— Ҳой, сен Абдулвоҳидмисан?

— Шундай, Раҳмат ака, Абдулвоҳидман,— жавоб берди у энгил тортиб.

— Эсинг жойидами ўзи? Бу ерда нима қилиб юрувдинг? Ахир биз сени ўғри деб гумон қилгандик, фақат қандай қилиб қўлга туширишни билмай юрувдик. Яхшиямки менга дуч келдинг. Бошқа хизматкорлар ушлаб олса, ўлгудек дўпослар эдилар. Нега бу ерда айланишиб қолдинг?

— Мен устоз чиқиб қолсалар, бир зиёрат қилиб кетарман умидида кутиб юргандим.

— Нега уйга киравермадинг?

— Уялдим, уй бундай муҳташам, менинг аҳволимни ўзингиз кўриб турибсиз! Шу аҳволда кириб борсам устозга ёқмас деб андиша қилгандим. Аммо у кишини кўргум бор. Мен қишлоққа кетяпман. Мадрасадаги вазифамдан бўшатишди.

Бу орада ҳовли дарвозаси олдига хизматкорлар тўпланишди. Улар, Раҳмат бадният одамни ушлади, деб ишон-

ган эдилар. Бироқ икки дўстнинг хотиржам суҳбатини эшитиб тамом ҳайратда қолишди.

— Қани, тарқалинлар!— қичқирди Раҳмат.— Меҳмонни қизиқ кутар экансизлар-ку!

Шу сўзларни айтиб Раҳмат Абдулвоҳидни ҳовлига бошлаб кирди.

— Фақат сенга ишонаман,— бир неча кундан сўнг Раҳмат Абдулвоҳидга таъкидлади.— Мен Хоразмга боришим даркор. Янги хизматкоримиз ҳали тажрибасиз. Мен келгунча хўжайинни сенга, сени худога топшираман. У кишининг ғалати одатлари бор: агар сен таом бермасанг ўзлари сўраб ўтирмайдилар... Шу жиҳатларга ҳушёр бўл.

12

Раҳмат бир неча юз фарсах йўл босиб Хоразмга чакки келди, Қорақум биёбонларида кўчманчилар билан тўқнашиб, ўлишига бир бахия қолди. Робиа уни совуққина қарши олди, эри ҳақида тузук-қуруқ сўрамади ҳам, ошам касал, ҳозир уни ташлаб кетолмайман, деган баҳона билан Журжонга боришни ҳам рад этди. Раҳмат Хусайннинг танҳолигини, оиласини кўришга муштоқлигини, интизорлигини тушунтиришга хўп уринди-ю, лекин Робиа инсофга келмади. «Онам қачон тузалса, шунда бораман» деб туриб олди. Агар Раҳмат қистамаганда, эрига оғзаки салом айтиш билан кифояланиб, лоақал икки энлик хат ҳам ёзмаган бўларди.

Бу хат ҳозир Абу Алининг кўз олдида турар, у хатни ўнинчи дафъа ўқиб, алам-ангиз ҳислар таъсирида ўтирарди. Робианинг хати гапларига ўхшарди. У билан гаплашганда овози узоқдан келгандай туюларди. Хат ҳам шундай. Унда оддий сўзлар шундай пардапўш эдики, ўқиганда ҳисларнинг самимийлигига шубҳа туғиларди. Жудолик узоққа чўзилганидан нолиб, кичкина Али отасини яхши эслолмайди, деб ёзганди у. Онаси тузалганда албатта боришга ваъда қилгани ҳолда, узоқ Журжон уни сираям кизиқтирмаслигини писанда этганди. Баъзи жумлалар ҳурмат-муҳаббат билан тўла бўлса, баъзилари совуганлик, бегоналик ва лоқайдликдан дарак берарди. Дарҳақиқат, хотин қалбини билиб бўладими?

Ибн Сино ҳаяжонланган, хаёлга чўмган ҳолда ўтириб, мен-ку Султоннинг раъйига кўнмай, сарсон-саргардон бў-

либ юрибмән, аммо оиламни шу кулфатга гирифтор қилишга ҳақлиманми?— деб ўз-ўзидан такрор-такрор сўради. Эҳтимол ўзи Урганчга бориб, Робиани келишга кўндириши лозимдир? Аммо Раҳмат Маҳмуддан олиб келган мактубда у Хоразмга келиш хавfli эканини айтиб, шоҳ ва аёнлар Ғазна ҳукмдори олдида тол баргидай қалтирайди, унинг ҳеч бир талабини рад этолмайди, деб олдиндан огоҳлантирган эди.

Раҳмат кўлидан келганча хўжайинига тасалли берарди:

— Робиа сизни жуда яхши кўради. Агар онаси касал бўлмаганда албатта келарди. Бу вақтинча бир гап. Қайнанангиз ҳали бардам. У тезда тузалиб кетади. Шундан сўнг бекам ҳам бу ёққа келишга ошиқиб қоладилар. Маҳмуд уни тажрибали, яхши ҳамроҳлар билан юборишга ваъда қилди. Агар истасангиз уларни олиб келиш учун яна ўзим боришим мумкин. Сиздан ўтинаман: хафа бўлманг, охири хайрли бўлади!

Хусайн ўзини Раҳматнинг сўзларига ишонгандай қилиб кўрсатди. Аммо ички бир овоз унга оилавий ҳаёти тамом бузилганини, у ҳанузгача севиб келган рафиқаси билан қайта юз кўришиш имконидан хориж эканини айтиб турарди. Унинг кўнгли гаш бўлса ҳам, бутун иродасини ишга солиб ўзини қўлга олди. Аҳамиятсиз ташвишларга хотима бериш керак! Унинг қисмати — фанга хизмат қилиш! Шахсий кечирмаларни бир ёққа қўйиб, ишлаш даркор, ишлаш! Бутун гап мана шунда! Фақат бир мартаба, Раҳмат келган кечаси, унинг қаламидан қуйидаги сўз дурлари тўкилдими, булар аламзада юракнинг аччиқ фарёди эди:

Аён бўлди менга асрори олам,

Билолдим мен самовот илимини ҳам.

Ва лекин англаёлдимми сени, оҳ,

Биларман ониким, ҳеч нарсa билмам.

13

Аш-Шерозий мурод-мақсадига етганди.

Ғазна султони шунча қудрату салтанати билан ўз пойтахтига келтиролмаган жаҳоншумул бир олим эндиликда унинг меҳмони!.. Бу шараф корчалон савдогарнинг юрагини қувонч билан лиммо-лим тўлдирган эди. Бу қуруқ

суҳратпарастлик эмасди, албатта. Узоқ мамлакатлар билан савдо қилиб, ўз манфаатларини ҳимоя эта олган, бунингсиз ҳам оз бўлмаган давлатини, сармоясини ошириб юрган аш-Шерозий бошқаларга нисбатан маълумотли, савияси юқори одам бўлиб, илм-фаннинг оташин мухлиси эди. У Абу Алини самимий севар, мудом унга жонкуярлик қилар, гез-тез ҳузурига кириб, суҳбатидан баҳраманд бўларди. Айниқса фалсафага ихлоси баланд эди. Бу фанни Ибн Сино ҳам олий фан, «фанлар фани» деб атарди. Аммо савдогарнинг нуқул ҳаётини масалаларга мосланган ақли мавҳум тушунчаларни қабул қилишга тайёрланмаган эди. Шунга қарамай, аш-Шерозий меҳмонидан фалсафий қарашларини баён қилиб бир китоб ёзишни илтимос қилди; Ибн Сино ҳам дарҳол бу таклифга рози бўлди, муаллифнинг фикрича, бу китоб фанга қўшилган янги ҳисса бўлиши лозим эди. Шу тариқа «Умумий мушоҳадалар», «Китоб ал мабда ва ал маод» («Пайдо бўлиш ва қайтиш») номли икки рисола бунёдга келди. Буларда у фалсафа тарихини имкон борича содда, оммафаҳм қилиб баён этди.

Бу ишдан бўшаган соатларида, Абдулвоҳиднинг илтимосига мувофиқ, унга мантиққа оид китобини ёд айтиб ёздириб турди, бунда ҳам фикрни равшан, содда ифода қилишга алоҳида эътибор берди.

Аш-Шерозийнинг меҳмондўстлигини сунистеъмом қилмаслик мақсадида Ибн Сино ўз хоҳиши билан унинг Умар ва Ҳасан номли болаларини ўқитишга киришди. Оталари олимдан булар учун ортиқча вақт сарф этмасликни сўради, лекин Ҳусайн ёшларни ўқитишни, уларга билим беришни яхши кўрарди. Тез фурсатда Умар билан Ҳасаннинг ёнига уларнинг жўралари, кейинча улуг олимнинг дарсини тинглашга ташна бошқа ёшлар келиб қўшилдилар. Шу тариқа уй ҳақиқий мактабга айланди. Шогирдларнинг энг тиришқоғи шубҳасиз Абдулвоҳид эди, у устознинг ҳар бир сўзини зўр диққат билан тинглаб, уни миясига сингдиришга уринарди. Ибн Сино баъзан паришонликдан уни Жаъфар деб атар, лекин хатосини тузатиб ўтирмасди.

Абу Али Жаъфарни ўз укаси Маҳмуддан кўра кўпроқ қумсарди. Урганчдан хабар олиш тобора қийинлашиб, Жаъфардан ҳам аҳён-аҳёнда хат келарди. Ундан олинган хат олимни ҳамиша қувонтирарди. У мактубларида ўз муваффақияти ҳақида батафсил ёзарди. У ҳозир мударрис эди, бир неча рисолалар ёзиб, уларни ҳам хат билан усто-

зи ва дўстига юбориб турарди. Асарларида ҳам, хатларида ҳам жуда муҳим ва катта масалаларни ўртага ташларди. Булардан ташқари унинг мактублари тутинган акасига нисбатан эзгу ҳис-туйғулар, ҳурмат, муҳаббат билан тўла бўларди.

Ибн Сино фикран Жаъфар билан Абдулвоҳидни таққослаб кўрарди. Бу қишлоқ йигити ўзига нисбатан ҳурмат ва садоқатда Жаъфардан қолишмасди, албатта. Бироқ ораларида қандайдир катта тафовут бор! Шубҳасиз Жаъфар катта олим бўлиб етишади. Абдулвоҳид эса, ўзининг тиришқоқлигига қарамай, нари борганда Нотилидек олижаноб муаллим бўлиб қолади. Бу ўринда Абу Алининг қўлидан ҳеч нарса келмайди, чунки Абдулвоҳиднинг истеъдоди ўртача эди.

Ҳафталар, ойлар учиб ўтди. Жанубнинг юмшоқ қиши ҳам тугади. Тоғ ёнбағирларидаги бодом дарахтлари гарқ гулга кириб, баҳор оламни пушти либос билан безади. Ҳазар денгизи соҳилларидаги биёбонлар ҳам сабзаворга айланди. Абу Али илк саҳарда боққа чиқиб, гулларнинг нозик япроқлари ва эндигина пайдо бўлган гунчаларни томоша қиларди. Хиёбонларда кезиб юриб, қайрағочга уя солган нар-мода лайлакнинг бир-бирини эркалашига маҳлиё бўлиб қолди. Кейин уйга қайтди, хонтахтада ёзиб ташланган даста-даста қоғозлар ётарди. Аш-Шерозийга аталган икки фалсафий асар тайёр эди. Абдулвоҳид ҳам ўз навбатида «Ал-Қонун»нинг бир неча бобини ҳуснихат билан оққа кўчирганди. Олимнинг бошида янги бир ғоя пайдо бўлди. У яна бир катта асар ёзишга ниятланганда ҳаётида тагин ўзгариш рўй берди.

14

Журжонга келишининг тўртинчи йил баҳорида у Рай¹ маликаси Сайидадан ўз саройига таклиф қилиб ёзилган илтифотнома олди. У «маърифат бўстонининг гули Абу Али ибн Сино»га Рай давлатининг ҳимояси, мурувват ва саховатини ваъда қилганди.

Ҳазар денгизи жанубидаги бу кичкина хонлик ҳам Ғазна султонининг назари-эътиборидан четда қолмаганди. Бинобарин, Ҳусайннинг у ёққа боргиси йўқ эди, агар аш-Шерозийнинг уйда қулоғига чалиниб, уни ташвишга со-

¹Рай — Техрон яқинидаги бир шаҳар.

либ юрган хунук бир хабар бўлмаганда, Рай маликасининг илтифотини назокат билан рад этган бўларди.

Аш-Шерозий тез-тез уйига дўстларини чақириб, Абу Алини ҳам суҳбатда иштирок этишга таклиф этарди. Мезбон азиз меҳмонларидан лазиз таомларни ҳам, ўткир журжон шаробини ҳам дариг тутмасди, натижада мажлис қизиб, аҳли суҳбат кўнглидагини бемалол ўртага ташларди.

Бир куни зиёфат асноси аш-Шерозий бундай деди:

— Афсуски, Манучеҳр биздан совиб бормоқда. Аниқ маълумотларга қараганда, Султон Маҳмуд унга катта пул ваъда қилган. Султон Ҳиндистонни яна бир карра талагандан сўнг унга олтин писанд бўлмай қолди, аммо у олтинни бекорга бермайди. Ҳар бир қоп олтин уни олувчи амир учун ўз истиқлолининг бир қисми эвазига тушади. Ростини айтсам, азизлар, бу мени безовта қилмоқда. Наҳотки, амир бу пулни биздан олиш афзаллигини билмаса?

Суҳбатда ҳозир бўлган савдогарлар ва саррофлар бошларини қимирлатиб қўйишди.

— Амир ўзининг энг яқин маслаҳатчисига, тужжорлар менинг ҳуқуқимни чеклаб қўйишди, Журжон менинг қўл остида деёлмайман, деб шикоят қилибди,— деди меҳмонлардан бири.

— Султон Маҳмуд пойтахтни забт этиб, Манучеҳрнинг ўрнига ўз ноибини тайинласа, у бундан ҳам қуруқ қолади,— таъкидлади оқсоқол бир сарроф.— Амир Қабус узоқни кўрадиган одам эди. Сиз эслайсиз, албатта, у қарздорлик васиқаларини жуда пухталик билан тузиб чиқарди.

Мезмоннинг ёнида хомуш ўтирган Ибн Сино саррофнинг сўзларига қулоқ солмай қўйди. Унга шунинг ўзи кифоя қиларди. Айтилган гапларнинг ҳаммаси рост эди. Агар Журжон қарам амирликдан Ғазна давлати таркибидаги оддий бир вилоятга айланса, олимнинг Султон Маҳмуд чангалидан қутулиши амри маҳол бўлиб қолади. «Йўқ, фурсатни қўлдан бермай бу ердан кетиш керак!»

Ибн Сино аста ўрнидан туриб, хайрлашмай ташқарига чиқди. У ўз хонасига кириб, Рай маликасининг таклифига розилик билдириб хат ёзди. Хатни Раҳматга бериб, уни дарҳол жўнатишни буюрди. Шундан сўнг ўтириб узоқ хаёл сурди. Мана, яна сарсон-саргардонлик бошланади. У бўлса бу ерга оиласини олиб келмоқчи эди!.. Ажабо, бу галги жой ўзгариши унга нималарни ҳадя қиларкин? У Сайнданинг кичкина давлатда ўзини хийла мустақил ҳис

этишини биларди. Малика Маҳмуд билан мураса қила олади, у ҳам ҳозирча Ибн Синони бер деб хархаша қилиб ўтирмаса керак. Бироқ Сайида ўзининг бу нисбий мустақиллигини узоқ сақлаб қолармикан? Бу мустақиллик туғаша билан олим яна бошпана қидириб бошқа ўлкаларга равона бўлиши керак...

15

Уй олдида бешта малла ранг нортуя чўкиб ётарди. Улар шошилмай кавш қайтарар, баъзан зериккандек бош қимирлатиб, атрофларида уймалашиб юрган одамларга лоқайд қараб қўярдилар. Раҳмат аш-Шерозийнинг хизматкорларига нимани қандай ортиш кераклигини кўрсатиб раҳбарлик қиларди. Ерда тери ва гиламларга ўралиб, тасмалар билан боғланган юклар ётарди. Раҳмат ишнинг боришини эътибор билан кузатар, айни замонда жағи бир зум тинмасди:

— Шундай олимни саройига таклиф қилибди-ю, бирорта туя юбормабди. Мана энди уч баравар ортиқ ҳақ тўлаб кира қилишга тўғри келди. Хайриятки, пулни аямабди. Дарҳақиқат, йўлда озмунча харажат бўлмайди. Худо ҳақи, бу амир ва маликалар Хусайн уларга қанча шараф келтиришини билишмайди! У боришга рози бўлгунча уч мартаба чопар юборишибди. Султон Маҳмуд шунча олтин билан алдай олмаган шундай улуг одам ҳузурига бораётгани учун эҳтимол малика Сайида ҳозир қувонч ёшлари тўкаётгандир... Ростини айтсам, жудаям шошилиб жўнаяпмиз, ҳолбуки у ерда бизни нима кутаётгани ҳали номаълум. Балки бекорга безовта бўлаётгандирмиз. Бу ерда ҳам турмушимиз ёмон эмас эди-ку!..

Хусайн зинада пайдо бўлиши билан унинг жағи тинди. Боғдан шошилганча аш-Шерозий чиқиб келди. Савдогар дўстининг сафаридан норози бўлса ҳам, уни қайтариб ўтирмади. Сўнгги вақтларда аш-Шерозийнинг юзида ташвиш аломатлари сезиларди. Афтидан, Манучехрнинг табиати ҳақидаги тахминлари тўғри чиқа бошлади.

— Сизнинг кетишингиз, муҳтарам Абу Али,— деди у,— қуёш тутилишига ўхшайди. Қора қайғу менинг тепамда қанот ёзмоқда. Бироқ мен учун сизни зўрлик билан Ғазнага олиб боришларини кўришдан бу жудоликка чидаш афзалроқ, осонроқ. Оқ йўл сизга, азизим, худо ҳофиз. Рай — сарсончиликнинг охирги манзили бўлсин!

— Иншооллоҳ, азиз дўстим. Энди меҳмоннавозлик учун беҳад миннатдорлигимни қабул қилингиз, сиз менинг хотиримдан абадул абад чиқмайдиган бўлиб қолдингиз...

Юклар ортилиб, яхшилаб боғланган эди. Икки туяга Раҳмат билан Абдувоҳид миниб олдилар. Аш-Шерозий Хусайн билан хайрлашиб, унинг учинчи туяга миннишига кўмаклашди.

Туячиларнинг таёқ кўтарганини кўриб, жониворлар эринибгина ўринларидан туришди. Қўнғироқлар жаранглаб, кичик карвон йўлга тушди.

16

Ибн Синони Райда зўр эъзоз-икром билан кутиб олишди. Пойтахтга яқин шаҳарларнинг бошлиқлари карвон ўз чегараларига етиб келиши билан маликани огоҳлантириш учун чопар юборишди, шаҳар дарвозасига ярим фарсах қолганда давлат арбоблари пешвоз чиқишди. Бу дабдабани кўриб камтарин олим хижолат тортса ҳам, Раҳмат гулгул очилиб, терисига сиғмасди. У Абдувоҳид билан тенглашиб, тантананинг бирор тафсилотини ҳам кўздан қочирма, дея унинг биқинига туртиб қўйди. Шундай қилиб, Ибн Сино тоза либослар кийган, эгар-жабдуқлари қимматбаҳо суворийлар кузатувида шаҳарга кириб борди.

Ибн Сино саройдан ўзига ажратилган махсус бинога жойлашди. У йўлдан келиб, энди ўзини бир даража тартибга солиши билан сабрсиз малика уни кўрмоқчи эканини изҳор этди.

Абу Али Сайида ҳақида кўп эшитган бўлса-да, уни бошқача тасаввур қиларди. Бу семиз, қарн, ҳассага суйниб аранг юрадиган хотинни Сайида деб аташ мумкин бўлса ҳам, эл оғзида дoston бўлган жасур, мағрур малика эканига ишониш қийин эди. Сайиданинг биринчи сўзлариданоқ Хусайн билдики, уни Райга таклиф қилишдан муроди бир жиҳатдан саройида машҳур олим борлиги билан керилиш — шуҳратпарастлик қилиш бўлса, иккинчиси, энг муҳими, яхши ҳакимга муҳтожлиги эди.

« — Мен сизни қарийб икки ойдан бери кутаман, жаноби ҳаким, — деди малика ерга қараганча. — Ўғлим ўзи ҳам азоб чекапти, бошқаларни ҳам азоблаяпти. Таклифимга тезроқ «лаббай» деб жавоб берарсиз умидида эдим.

— Мен иш билан тугилиб қолдим, маликам, — ҳалим-

лик билан жавоб берди олим.— Аммо эндиликда буткул сизнинг ихтиёрингиздаман.

— Эшитдингизми, Рай ҳукмдори — менинг ўғлим Мажд бетоб. У ҳамиша тарбияси қийин бола эди. Унинг акаси, Ҳамадоннинг ҳозирги ҳукмдори анча хушфёл бола. У сўзимни сира икки қилмаган, буниси доим қаршилик кўрсатиб, ўз ақли билан яшашга уринди, бироқ ўзи ақли расо йигит эмасди...

Сайида меҳрибон қишлоқ аёлидек, Абу Алини ўз ёнига ўтқазиб, мураббо, шарбат ва бошқа ширинликлар билан меҳмон қилар, бутун бало Мажднинг она сўзига қулоқ солмаслигида, ўзбошимчалигида, акаси Шамсдек, баодоб эмаслигида деб уни ишонтиришга тиришарди.

Абу Али бу гапларни эшитиб, ичида куларди. Чунки Сайида мақтаётган Шамс онасини ёқтирмас, бўш, ирода-сиз укаси Маждга раҳми келар, болаларнинг ишларига, оилавий ҳаётга ўзбошимчалик билан аралашаверганидан безор бўлиб, онасини қамаб қўйгани ва уни яқиндагина озод этгани Рай ташқарисида ҳам ҳаммага аён эди.

— Мажд хотин олганда ҳам мендан розилик сўрамади,— шикоят қилди Сайида.— Акасиникига меҳмонга бориб, у ерда унинг қайин синглисини кўриб қолибди, акасини авраб, мени уйлантириб қўйинг, дебди, Шамс укасининг илтимосини сира рад этмасди, шундай қилиб, Мажд менга келин олиб келди. Нима, мен уни кутганмидим? Бунга розилик берганмидим? Йўқ! Ҳеч ким мен билан маслаҳат қилмаган. Оқ сут бериб ўстирган она ҳурмати мана шу бўлди.

— Маликам, наҳотки келинингиз ёмон аёл бўлса?— эҳтиётлик билан сўради Абу Али қайнананинг ортиқча норозилигини кўриб.

— Мен келиндан шикоят қилмайман. Бироқ қандай қилиб Мажд она розилигини олмай уйланади? Мана энди худо жазосини беряпти!

— Келин номуносиб хонадондан бўлмаса керак?— сурштирди олим Сайиданинг суҳбатни давом эттиришга ташналигини кўриб.

— Йўқ! Келинимиз Султон Маҳмуднинг жияни бўлади!

— Жуда яхши-ку! Қани энди худо ҳаммага шунақа хотин берса!

Бироқ Сайида неча йиллик аламзадаликни бундай енгил-елпи йиғиштириб қўймоқчи эмасди.

— Уйлангандан кейин Мажд бутунлай ўзгариб кетди. Кун бўйи уйда хомуш ўтиради. Уни овга чиқариш ҳам қийин бўлиб қолди, ҳарбий юришларни эса бутунлай йиғиштириб қўйди.

— Уйлангунча қандай эди?

— Уйлангунча унинг бекинмачоқ ўйнайдиган кишиси йўқ эди.

Кампирнинг шикоятлари Абу Алининг жонига тегди, бундан қутулиш учун у муғамбирлик қилди:

— Суҳбатингизга қизиқиб, юлдузлар кўрсатган хайрли соатни ўтказиб юбормасам деб қўрқаман, у ҳолда яна тўрт кун кутишга тўғри келади, маликам.

Сайида шошиб қолди.

— Юринг, юринг, бўлмаса, сизни боламнинг олдига ўзим бошлаб бораман.

Рай ҳукмдори Мажд уд-Даула ўттиз уч-ўттиз беш ёшлардаги озгин бир киши бўлиб, бир неча ойлардан буён хафақон касалидан азоб чекарди. У гапирмай, деярли овқат емай, кун бўйи ҳаракатсиз ётарди. Баъзан хизматкорлар уни кўтариб келиб, дераза ёнига ўтқазиб кўярдилар. У боғда очилган гулларга, хиёбонларда юрган гўзал канивакларга лоқайд назар соларди-да, кўзларидан шаш қатор ёш оқарди.

Яқинларининг, қаеринг оғрийди, аҳволинг қалай, каби саволларига Мажд ҳамиша ориқ қўлларини кўкрагига босиб:

— Юрагим эриб кетяпти,— деб жавоб берарди.

Абу Алига ҳам бепарво, заиф овоз билан худди шундай жавоб берди. Мажд уйига нотаниш одам кирганига заррача қизиқмай, нечундир зўр бериб бир нарсага қулоқ соларди.

Абу Али учун ҳар бир бемор, у ким бўлишидан қатъи назар, дарҳол яқин кишидек бўлиб қолар, олим бутун билим ва тажрибасини ишга солиб, уни бу дарддан халос этишга уринарди. Абу Али Маждни даволашга одатдагидек қизиқиш билан киришди. Сайида ҳақимнинг қатъиятини кўриб, бу ишга аралашмади. Ҳукмдорнинг касали вақтидан ўтган, уни даволаш қийин эди. Бу касалликнинг сабаби қўп: иродасизлик, ночорлик, мамлакатни идора қилишдек унинг қўлидан келмайдиган оғир вазифа, онанинг ҳаддан зиёд инжиқлиги, руҳий осудаликнинг йўқлиги.

Абу Алининг вазифаси беморни тузатиб, унда ўзига ишонч туғдириш эди. У бундай ҳолларда кучли дориларни

қўлламай, беморнинг руҳий ҳолатига ижобий таъсир қилувчи воситаларни — суҳбатлар, бадан тарбия машғулоти, бирга сайр қилиш, илиқ сувда чўмилиш ва парҳез каби воситаларни ишга солиб, касалликка қарши изчиллик билан кураш олиб борарди.

Сайида боласининг кун сайин тузалиб бораётганини кўриб ич-ичидан қувонарди, у ҳам улуғ ҳаким олдида қарздор бўлиб қолмай, уни иззат-ҳурмат билан кўкларга кўтарар, ўзини эркин сезиши учун ҳавас қилгудек шароит яратиб берарди.

17

Илк баҳор оқшомларининг бирида Абу Али билан Абдулвоҳид узоқ саҳро сайридан қайтиб келардилар. Раҳмат бир боғлам доривор ўсимликларни кўтариб орқароқда келарди.

Шаҳар четидаги бир уйдан йиғи-сиғи овози эшитилгач, шу жойда тўхтаб, эшикни тақиллатишди. Анча кутганларидан кейин дарвоза қия очилиб, йиғлаб эси кетган жулдур кийимли бир кампир кўринди.

— Қандай бахтсизлик рўй берди, онажон,— мулойимлик билан сўради Абу Али.

— Худо бизни ғазабига олган!— қичқирди кампир.— Ўғлим икки ҳафта бурун қайтиб келди-ю, бирдан оғриб қолди. Кеча ўлди, бугун хотини билан икки ўғли ётиб қолди. Йўловчилар, тезроқ бу лаънати ҳовлидан кетинглар!

Абу Али кампирни оҳистагина нари итариб, Абдулвоҳид билан ҳовлига кирди. Ҳовлининг бир четидаги айвонда юзига юпқа қора латта ёпилган мурда ётарди. Унинг ёнида ёқа йиртиб, дод-фарёд кўтариб беш-олти хотин турарди. Улардан бири марҳумнинг ёнида ўтириб, унинг юзларини силаб, алланималар деб нола қиларди.

Абу Али яқинроқ борди.

Ўликнинг яра-чақа билан қопланган юзини кўриб, устоз билан шогирд ихтиёрсиз бир-бирларига қараб олишди.

— Касалларнинг олдига кирайлик-чи,— хўрсиниб бош тебратди Абу Али.

Хушсиз ётган аёл ва болаларини кўриш унинг ҳадигини тасдиқлади.

— Чечакнинг энг хавфли тури,— деди у ғамгин қиёфада.— Тез чора кўрилмаса шаҳарнинг ярми ётиб қолади. Биз шу ерда қоламиз.

— Ишларингиз-чи, устоз? Малика Сайида билан унинг ўгли нима бўлади?— Абдулвоҳид Абу Алининг қароридан ҳайратланиб сўради.

— Иш кутиб туради, аммо касаллик кутмайди. Малика эса бизнинг бу бахтсизларга ёрдам қилишимиз нечоғлик муҳим эканини билади деб ўйлайман. Борди-ю, билмаса, қора чечакнинг шаҳарда тарқалиши нима эканини дарров тушуниб қолади. Хайриятки, Раҳмат бу ерга кирмабди.

Абу Али дарвозага яқинроқ келиб, Раҳматга алланималар деб қичқирди.

— Хўп бўлади, хўжайин,— деган жавоб эшитилди.

Абу Али дарвозага тамба қўйди.

— Бу ердан ҳеч кимни чиқариш мумкин эмас!— деди у Абдулвоҳид билан қўрқиб қараб турган кампирга писанда қилиб.— Акс ҳолда юқумли касаллик бутун шаҳарга тарқалиб кетади!

— Нимаси юқумли бўларкан?— қичқирди кампир.— Мулламиз, бу худонинг жазоси, дейдилар. Қайси гуноҳимиз учун худойи таоло бизга жазо бераётганини у киши сиздан яхшироқ биладилар!

— Нодонлик, жаҳолат учун жазо берапти,— гудирлади Абу Али.

Раҳмат Абу Алининг буйруғини аниқ бажарди. У Сайиданинг ҳузурига келиб, олим буюрган ҳамма тадбирлар учун рухсат олди.

Раҳмат энг аввал шаҳар соқчиларини тўплаб, уларни ҳовли атрофига қўйди, ҳовлидан Абу Алининг рухсатсиз чиқишни тақиқлади. Сўнгра Абу Алига ёрдамчи қилиб шаҳардан тўртта чўтир одам топиб келди.

Кейин озуқа, дори-дармон ва бир арава ўтин ҳозирлади. Олим ҳовли ўртасида гулхан ёқдириб, унга тутун бурқсиб турган бадбўй дори септирди. Абу Али ҳаяжонланган, ҳайратда қолган аёллар орасида тартиб ўрнатди. Чўтирларга ташланди гўристонда чуқур лаҳад қазиб, кечаси ўликни кўмишни буюрди.

Икки ҳафта давомида олим ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, бирор марта ҳовлидан чиқмай, камбағаллар кулбасида қолиб кетди. Бир неча кундан сўнг яна икки хотин оғриб қолди. Кампир билан йиғлаб турган уч аёлга касаллик юқмади.

Икки бола билан бир хотинни олим ўлим чангалидан юлиб олди, аммо иккитасини гўристонга жўнатишга тўғри келди.

Шу билан Райда чечак йўқолди. Шундай бўлса ҳам, Абу Али маликадан шаҳарларда жар солдириб, унинг эълонини халойиққа етказишни илтимос қилди.

Ноғоралар авжига чиқиб, Рай аҳолисини майдонга чорларди. Хушовоз жарчилар Абу Али уларга ўргатган сўзларни элга эшитдираддилар:

— «...Чечак — юқумли касал, у ҳеч қачон ўзича чиқмайди. Чечакка йўлиқиш бир нав заҳар туфайлидирки, у чечакнинг ўрнида пайдо бўлиб, қуриганда ҳам юқумчанлигини узоқ вақт сақлайди. Бу заҳар ҳавода ҳам бўлиши мумкин.

Агар чечак чиққан одамни кўрсангиз унга яқинлашманг. Дарҳол менга хабар бериб, мен кўрсатган тадбирларга риоя қилинг...»

— Агар Ибн Сино Сайиданинг сарой ҳакими бўлмаганда, — деди бир мулла иккинчисига, — худо берган дардини юқумли касал деб шов-шув кўтаргани учун таъзирини бериб қўярдим!..

18

Уйда уни талай янгиликлар кутарди. Хоразмдан хат келганди. Абу Али қанча совуққон бўлмасин барибир букланган қоғозларни очганда қўллари қалтираб кетди.

Хабар ғамгин эди. Укаси Маҳмуд ўз мактубида Хоразмдаги воқеаларни баён этиб, хоразмшоҳ Маъмуннинг ҳалокати ҳақида ёзардики, Абу Али бу хабарни Журжондан жўнаш олдида чала-чулпа эшитганди. Шоҳнинг Султон Маҳмуд борасидаги қатъиятсизлиги мамлакатда ғалаён кўтарилишига сабаб бўлиб, исёнчилар саройга ўт қўйишди, у ерга кириб яширинган Маъмунни қатл этишди. Унинг тахтига кўтарилган жияни Абул Ҳорис Муҳаммад ибн Алининг ҳукмронлиги тўрт ойдан нари ўтмади.

Султон Маҳмуд язнаси учун қасос олиш баҳонаси билан Хоразмга қарши уруш эълон қилиб, уни забт этди ва ўз кишиси Олтинтошни янги хоразмшоҳ қилиб тайинлади.

«Ўз вақтида Урганчдан кетиб, жуда ҳам тўғри қилган экансиз, ака, — деб ёзганди Маҳмуд. — Биз кўрган даҳшат ва фалокатларни кўрганингизда юрагингиз тарс ёрилиб кетарди. Ҳозир Урганч тинч, гўё жон қуши парвоз этган танадек тинч. Шаҳарни шаҳар қилиб турган одамларнинг бирортаси қолмади, ҳаммасини Ғазнага олиб кетишди. Хо-

размда қолиш учун бутун тадбирларни кўрган ал-Берунийни ҳам хоразмшоҳнинг ҳалокати тафсилотини айтиб бериш учун Султон Маҳмуд ҳузурига чақирди. Афтидан, бу иш узоққа чўзиладиган кўринади, чунки Беруний оиласини олиб кетиш учун одам юборибди. Унинг одамлари сизга жўнатиш учун мактуб олиб келдилар. Аммо мен бу мактубни жуда ишончли одамдан юбориш ниятидаман. Бинобарин, уни андак кутишингизга тўғри келади.

Мен янги вазир қўл остида ишлаб турибман. Кунига икки дафъа масжидга қатнаб, Ғазна воизларининг ваъзаларини эшитаман. Сизга ўхшаб бир ёққа кетиш ниятидаман».

Маҳмуд мактубининг давоми қариндошлари, катта ўғлини қумсаётган онаси, ҳаракатчан Гулнора, мудом аллақаяқларга кетиб, узоқ ғойиб бўладиган Солиҳга бағишланган эди.

Иккинчи мактуб Жаъфардан бўлиб, у жуда яхши, оқилона ёзилганди. Абу Али бу хатни ўқиганда, кўз ўнгига севимли шогирди ва тутинган укасининг сиймоси намоён бўлди. Дастлаб Бухоро яқинидаги чўлда гулханга ўтин ташиб юрган шахло кўзли озғин бола, кейин қунт билан ўқийдиган серҳафсала йигит, жасур ҳаким ва ниҳоят Урганч мадрасасининг мударриси...

«Устоз учун Жаъфардек заковатли шогирди бўлишдан кўра қувончлироқ нима бор?— деб ўйлади Абу Али.— Қани энди сен мени қувонтиргандек шогирдларинг ҳам сени қувонтирса...»

Жаъфар мактубининг охирида бола қўли билан ёзилган бир неча сатр бор эди. «Меҳрибон дадажонимга» деган сўзларни кўриб, Абу Алининг юраги эзилиб кетди, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

Абу Али саройда бошқа янгиликни эшитди. Ҳаяжонланган, ваҳима босган Сайида Султон Маҳмуд катта қўшин билан Рай чегарасида турганини айтди. Ҳозирча у маликага меҳмон бўлиш ниятида эканини хабар қилибди.

Сайида уни кутишга ҳозирланар, бу қудратли ҳукмдорнинг кўнглини оламанми-йўқми деб ташвиш тортарди.

Олим Султон билан учрашишни истамасди. Бу мулоқотдан у ҳеч бир яхшилик кутмасди. Шунинг учун маликадан вақтинча бу ердан кетишга рухсат сўраб, уни кўндиришга муваффақ бўлди. Сайида розилик берди-ю, орага бир шарт қўйди. Бу шартга мувофиқ Абу Али тўғри Ҳамадонга, унинг катта ўғли Шамс уд-Даула ҳузурига бориб туриши, кейин яна Райга қайтиб келиши керак эди.

Абу Али Райга кўникиб қолган, бу жаннатсимон ўладан бутунлай кўчиб кетишга асоси ҳам йўқ эди. Агар Султон Маҳмуд Райга бунчалар эътибор қилмаганда бу ерда узоқ йиллар қолиши мумкин эди.

Султон Маҳмуд ёнида ётган канизакни секин туртиб уйғотди. Қиз дарҳол ўрнидан турди. Якка шам ёруғида унинг сояси ҳукмдорнинг ҳашамли хобгоҳи пардасига тушди. Қиз зардўзи кавушларини кийиб, уйқули кўзларини аранг очиб, билагузукларини жаранглатиб чодирдан чиқишга ҳозирланаркан, Осиё ҳукмдорига таъзим қилди.

Султон уни бепарво, лоқайд назар билан кузатди. Энди ҳукмдорни на ёшлиқ, на гўзаллик қизиқтирарди. Унинг чодирда бундан ҳам яхшироқ қизлар — зодагонлар, боёнларнинг қизлари бўлган; бундан кўра ёшроқ, гўзалроқларини ҳам кўрган эди у. Бироқ Султон уларни лоақал эслаб ҳам қўймасди. Бу қизнинг ягона фазилати номи эди, яъни у пайғамбарнинг севикли хотини Ойша билан ҳамном эди — буни Султон сираям унутмасди.

Қизни ҳарамда тутиб туришларига шу номи сабаб бўлганди, йўқса, аллақачон уни бекларнинг бирига «ҳадя» қилиб берган бўлурдилар.

Ҳукмдорнинг илтифотсизлигидан миннатдор қиз чодирдан чиқиб кетди. Қизифи шундаки, унинг чиқиб кетаётганини на Аббос, на бошқа посбонлар кўрди.

Субҳидам қоронғилигида қароргоҳ сокин эди, ҳукмдор чодирини зич ўраб олган ўтовлар ҳали берк. Ёнгинадан Султон шахсий муҳофизларининг қаттиқ хириллагани эшитиларди. Қароргоҳ четидаги посбонларни алмаштирган муҳофизлар гулхан ёқиб юборишди, учқунлар доира шаклига кириб, бўзара бошлаган осмонга қараб учарди.

Ҳукмдор чодирига борадиган йўлни кўриқлаётган соқчиларни эрта тонг уйқуси ҳолдан кетказди. Улар сўнаётган гулхан ёнида бир-бирларига суяниб ухлаб қолишди.

Улардан фақат биттаси, кулча юзли ёш йигит, чодир йўлига тўсилган гилам олдида ер тепиниб, уйқусини қочирришга тиришарди.

— Аббос ошпазни уйғотгани кетди, маликам, — шивирлади у суҳбатдоши пайдо бўлганидан севиниб. — У ҳозир келиб сизни обориб қўяди. — Муҳофиз ҳарир ҳижобга ўра-

либ, субҳидам салқинида жунжиккан аёлга диққат билан қаради.— Ойша!— бирдан қичқирди у қиз юзига ташлаган парданинг бир четидан ушлаб.— Синглим Ойша, сен мисан?

— Такин!— оқ тортди қиз ва панжасини йигитнинг лабларига босиб, уни оҳиста бир четга тортди.

Муҳофиз ўрнидан қимирлаши мумкин эмаслигини ўйлаб ҳам ўтирмай, қизнинг орқасидан эргашди.

Шу онда Султоннинг эшиги посбонсиз қолишини кутиб турган енгил бир соя чодирга қараб чопди. Узоқдаги гулханнинг заиф ёруғида у бир лаҳза тайсалланиб турди-ю, сўнг оҳистагина чодирнинг ичига кириб кетди.

— Аббос!— газаб билан қичқирди Султон уни хизматкори гумон қилиб.

Шу он кирган одам ханжар кўтариб, унга ҳамла қилди.

Маҳмудни тасодиф қутқазди. Номаълум кимса ним қоронғида гилам четига қоқиниб, ханжар Султоннинг кўкрагига эмас, елкасига санчилди.

Оғриқ ва ваҳимадан кўтарилган доду фарёд қароргоҳни қоплади. Бу уйғоқларни саросимага солди, мудраганларни оёққа турғизди, ухлаганларни чўчитиб юборди.

Такин орқага қайтиб, чодирга қараб югурди. Кетидан шовқинга уйғонган муҳофизлар чопишди. Улар чодирга киришди-ю, дафъатан ҳеч нарсани тушунишмади, чунки у ер қоронғи бўлиб, фақат яраланган Султоннинг инграшигина эшитиларди.

Қотил фурсатни қўлдан бермади. У этагига ёпишиб олган Султон Маҳмуднинг юзига қулочкашлаб бир мушт туширди-да, шамдонни ағдариб, астагина чодирнинг тагидан чиқиб кетди.

Довдираб қолган муҳофизлар не ҳодиса рўй берганини аниқлаб, бақириб ётган Султонга ёрдам бергунларича номаълум шахс чакалакзорга кириб ғойиб бўлди, у ерда уни эгарланган оти кутарди.

Қувиб кетганлар тоғда қотилнинг изини йўқотиб, қуруқ қайтишди.

Султон Маҳмуд газабининг чегараси йўқ эди. Дарҳол Аббоснинг бошини танидан жудо қилишди. Қароргоҳ посбонларини роса калтаклашди, шахсий муҳофизларнинг тонг отарда келганлари ҳисобга олиниб, жазолаш ҳукмдорнинг тузалишига қараб қолганди. Маҳмуд ғозилари кушандани қидириш учун чор атрофга юборилди.

Султоннинг жароҳати хавфли эмасди, аммо қўшин би-

лан бирга келган бир тўда сарой ҳақимлари ҳукмдорнинг кўнглини овлаш учун хўп жонбозлик қилишди.

Суиқасднинг иккинчи куни, уларнинг санъатига ишонмай, ханжарнинг заҳарланган бўлишидан хавфланиб, Султон Абу Алини олиб келиш учун Райга одам юборишга фармон берди.

Маҳмуднинг чопари Райга етиб келганда, Абу Алининг бу ердан жўнаб кетганига икки кун бўлган эди. У отини отхонага ҳайдаб, маликанинг ҳузурига кириб мактубни узатди-да, камоли чарчаганидан ҳушдан кетиб йиқилди. У келтирган мактуб жуда қисқа эди. Султоннинг вазири, Маҳмуд ярадор эканидан дарак бериб, машҳур ҳақим Ибн Синони тездан юборишни талаб қилганди.

Қўрқиб ўтакаси ёрилган Сайида олимга рухсат берганидан пушаймон бўлди. Шундай вазиятда зикна қўшинининг талабини бажармаслик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бироқ унинг Абу Али шаҳарда йўқ, деб жавоб беришдан ўзга чораси қолмаганди. Айни вақтда у шаҳарда қолган Абдулвоҳидни чақиртирди. Гап нимада эканини уқдиргач, Абу Алини қувиб етиб, уни қайтариб олиб келишга буюрди.

Абдулвоҳид маликага таъзим қилиб чиқди-да, ўз ўзича: «Косанинг тагида нима коса бўлса-чи...» деб халёлга чўмди. Бир неча дақиқадан сўнг у отхонадан энг чоп-қир отни олиб, Ҳамадонга қараб учди.

20

Ибн Сино билан Раҳматнинг туялари гоҳ тоққа кўтарилиб, гоҳ водийга тушиб, Ҳамадоннинг қоялар ва сойликлар орасидан ўтадиган қадимий йўлларида юриб борарди. Йўловчиларнинг чор атрофи тоғ чўққиларидан иборат бўлиб, бесўнақай туяларнинг бу ердан қандай қилиб ўтишини тасаввур қилиш ҳам қийин эди.

Аҳён-аҳёнда йўл бўйида қишлоқлар кўриниб қоларди. Уларнинг қўнғир лой деворли уйлари қалдирғоч уясидек қоя тошларга қапишган эди. Эчки ва қўйлар жарликларнинг қирғоғида юриб, шундай жойлардан ризқ қидирардиларки, у ерларда тошдан бошқа ҳеч нарса йўқдай туюларди.

Йўловчилар кечаси баланд тоғ яйловида қўнишди. Абу Али тоғ ораликларини ёқтирмасди. Бундай жойлар унинг нафасини қисгандай бўларди.

— Агар бундай жойда тунасақ тушимга Ғазна киреди.— дер эди у ҳазиллашиб.

Йўловчилар учинчи куни чуқур дарага кириб келишди. Баланд қоялардан соя тушиб, бу ер ярим гира-ширадай кўринарди. Йўл тоғ этаги бўйлаб боради. Абу Али юкларнинг устига ўтириб олиб китоб ўқир, туяни эса, Раҳматнинг туясига эргашиб бор, дегандай ўз ҳолига қўйиб берганди.

— Ҳусайн,— хизматкор олимни чақириб қолди,— қаранг: пастда, ўнг тарафда нимадир қорайиб ётибди.

Ибн Сино китобни ёпиб пастга қаради. Сой бўйида отми, туями ётганди. Унинг тепасида қузғунлар учиб юрганидан баландликдан яхши кўринмасди.

— Эҳтимол ёрдамга муҳтож одамдир,— давом этди Раҳмат.— Сиз секин кетаверинг, мен ҳар эҳтимолга қарши бир тушиб кўрай. Тушадиган жой ҳам бор экан.

Бироқ Раҳмат пастга туша бошлаши билан Абу Али ҳам унинг изидан кетди. Китобга бўлган рағбат бурч олидида чекинди.

Сой бўйидаги харсанглар устида ўлик от ётарди. Йўловчилар унга яқин келиб ёнида бир одам ётганини кўришди. Унинг ўнғайсиз ётиши ва оқарган юзларига қараб ўлган дейиш мумкин эди, шунинг учун Раҳмат туясини орқага қайтармоқчи бўлганди, бироқ Абу Али уни тўхтатди.

— Ҳали жони борга ўхшайди! Қушлар тушишга ботинмай турибди-ку.

У дарҳол туядан тушиб, ётган одамнинг олдига борди.

— Раҳмат!— ҳаяжонланиб хитоб этди у.— Қара!..

Раҳмат бахтсизнинг юзини кўриб орқага тисарилди.

— Солиҳ-ку! Наҳотки ўша бўлса!— қичқирди у ғайритабиий овоз билан.— У қандай қилиб бу ерга келиб қолди?

— Бу ростдан ҳам Солиҳ,— деди Абу Али паст овозда ва Раҳматнинг ёрдамида бахтсизнинг оёғини ўлган отнинг остидан чиқариб олишга уринди.— Афтидан тирикка ўхшайди.

Чиндан ҳам у билинар-билинемас нафас оларди, лекин ҳушсиз эди. Бадани совий бошлаган. Хуллас, қузғунларга ем бўлишига озгина қолганди.

Ярадорнинг томир уриши деярли сезилмасди. Абу Али қулоқ солиб, юракнинг аста уриб турганини эшитди ва ҳаракатчан панжалари билан баданни сийпалаб, оғирлат еган жойни қидира кетди.

Зарарланган жойлар озмунча эмасди. Чап қўли билан

чап оёғи синиб осилиб ётарди. Бундан ташқари мажруҳ қулаб тушганда боши тошга теккан. Бош суяги синган бўлиши ва миянинг чайқалиб лат ейиши хавфи бор эди.

Абу Алига касалнинг аҳволи нечоғлик оғирлиги аён бўлди.

— Раҳмат,— деди олим,— эсингдами, ҳозиргина ташландиқ чодирнинг ёғочлари олдидан ўтгандик. Дори солинган қутини менга бериб, ўзинг дарҳол бориб шу ёғочларни йиғиштириб кел.

У Солиҳнинг оғзига бир неча томчи шароб қуйиб, уни ҳушига келтиришга уринди. Абу Али бир лаҳза кўзини касалдан олиб атрофга қараган эди, кўча томонда Раҳматнинг қандайдир бир суворий орқасидан қайтиб келаётганини кўриб қолди. Ҳар иккалалари қияликдан пастга тушиб яқинлашганларида Абу Али отличнинг кимлигини таниди.

— Бу мен, устоз,— деди Абдулвоҳид отдан сакраб тушаркан.— Дарров отга миниб тоққа қараб қочинг. Сизни Султон Маҳмуд аскарлари қидириб юришибди. Мен улардан бир-икки соат олдинроқ келдим.

Абдулвоҳид шошилиб, нафаси тикилиб устозига сўнгги кунларда рўй берган воқеаларни айтиб берди.

— Мен Солиҳни ташлаб кетолмайман. Унинг олдида бўлишим керак.

— Ҳусайн,— деди Раҳмат йиғлашига бир бахия қолиб,— ахир у ҳадемай ўлади-ку. Уни мен ўзим кўмаман. Худо ўз омонатини олмагунча унинг бошидан жилмайман.

— Унинг аҳволи қанча умидсиз бўлмасин, бари бир уни ташлаб кетолмайман.

— Майли, биз Раҳмат ога билан қолайлик,— деди ёлвориб Абдулвоҳид.

— Сизлар ҳаким эмассиз, унга ёрдам қилолмайсиз, охирги дақиқаларида тасалли ҳам беролмайсиз.

— Бўлмаса, нима қилишимиз керак?— довдираб гудирлади Абдулвоҳид.

— Чодир қуришимизга ёрдамлаш, ҳозирча бошқа нарса қилиб бўлмайди.

Устоз билан мунозара қилиш фойдасиз эди. Абдулвоҳид билан Раҳмат билишардики, устознинг кўзлари ҳозиргидек осойишта ва лоқайд бўлганда, унинг бир қарорга келганини кўрсатади, бу қарорни ўзгартириш одам боласининг қўлидан келмайди. Ҳозир устознинг айтганларини

қилишдан бошқа илож қолмаганди. Ҳзи эса хаёлга чўмиб Солиҳнинг ёнида тик турар, оқариб кетган юзлари, қимтилган лаблари ички ҳаяжонини яширолмасди.

«Нима бўлса бўлар,— ўйлади у,— бари бир Солиҳни ташлаб кетолмайман».

Раҳмат билан Абдулвоҳид қоянинг ёнгинасига чодир тикишди ва Солиҳни авайлаб шу ерга ётқизиб, туяларни дарага ҳайдаб юборишди.

Абу Али яна ҳушсиз дўстининг устига энгашди.

— Устоз,— деб шивирлади Абдулвоҳид,— от чоптириб келишяпти! Бу Султоннинг одамлари!

Унинг юзлари ташвиш ва ҳаяжон билан қопланган эди.

— Сиздан илтижо қиламан, устоз, агар улар бизни кўриб қолишса, нима десалар ҳам чодирдан ташқарига чиқманг... Бундан ташқари, ипак саллангизни Раҳмат оғанинг оддий салласига алмаштириш керак.

Абу Али истар-истамас шогирдининг ҳийласига кўнди. Бўлмаса у ҳозир кийим алмаштирадиган кайфиятда эмас эди.

— Раҳмат оға,— деди ҳовлиқиб Абдулвоҳид,— дарров менинг ёнимга келиб йиғини бошланг! Чодирда хўжайинингиз Абу Али ўляпти, ёнида унинг шогирди. Биз хизматкорлари. Тушундирганими, дўстим?

— Тушунишга-ку тушундим-а, лекин назаримда улар бизни кўрмай ўтиб кетишди.

Абдулвоҳид қулоқ солди.

Чиндан ҳам жарликда акс садо бераётган от туёғининг овози пасайган эди.

— Худонинг марҳамати кенг. Наҳотки улар бизни кўришмаган бўлса?

— Йўлдан фақат ўлган от кўринади, холос,— оқилона изоҳ берди Раҳмат,— улар эса ҳаром ўлган от эмас, одам қидириб юрибдилар... Бунинг устига ўқдай тез кетишяпти.

Оғир инграш унинг гапини бўлиб қўйди. Абу Али Солиҳни ҳушига келтирди.

Бемор хириллаб оғир-оғир нафас оларди. Солиҳ аранг кўтарилган қовоқлари орасидан Абу Алига тикилиб қолди.

— Ҳусайнмисиз?— шивирлади у ва яна ҳушдан кетди.

Ибн Сино бир неча кун мижжа қоқмай, дўстининг ҳаёти учун курашди. Дарахт пўстлоғи бўлмагани сабабли китобларнинг қалин чарм муқоваларини ишга солди. Тар-

новчадай эгилган муқовалар Солиҳнинг синиқ суякларини яхши тутиб турарди.

Учинчи куни кечга яқин бу курашда ҳақимнинг ўлимни енгизишига бир оз умид пайдо бўлди.

Энди тинч ухлаб ётган Солиҳни Абдулвоҳидга топшириб, Абу Али бемор дўсти ёнига ётиб ухламоқчи бўлди. Аммо оғир кечинмалар унинг ором олиб ухлашига халақит берарди. Солиҳ уйқу аралаш бирор нарса дегудай бўлса, оромдан озори кўп мудроқни ҳайдаб унга қулоқ соларди.

— Мен қасос олишим керак эди...— шивирлади Солиҳ.— Мен онт ичганман...

«Ҳа-а, гап бу ёқда экан,— ўйлади Абу Али.— Солиҳнинг пайдо бўлиши менга ғалати туюлганди, демак бежиз эмас экан! Уни тезроқ бу ердан олиб кетиш даркор».

21

Абу Алининг олдида бирмунча масалалар турарди. У бу даранинг вақтинча ва хавфли жой эканини яхши биларди. Йўловчиларнинг бу ерда тасодифдан бошқа ҳимояси йўқ эди.

Отнинг ўлигини улар сал нарига силжитган ҳамон қузғунлар еб битирди, қуруқ суяклар эса бу хилват йўл ёқасида ноёб нарса эмасди. Бироқ ҳар бир йўловчи сойга тушиб сув ичиши ва уларнинг чодирини кўриб қолиши мумкин эди. Ана шундай одамнинг душман эмас, дўст бўлишига ким кафил бўла олади?

Бунинг устига Абу Али Солиҳнинг бу фалокатга йўлиқиши сабабини ҳалигача билмасди. Нима бўлганда ҳам Солиҳни олиб кетиш, бирор жойга яшириш зарур. Амир Шамснинг саройи бу ишга муносиб жой эмас. Ҳар ҳолда у Маҳмуднинг куёви. Ким билади, қудратли қариндошининг кўнглини олиш учун меҳмонларини тутиб бериши ҳам мумкин!

Солиҳ ўзини бир оз тузук ҳис этиши билан уни олиб кетиш имкони туғилди. Раҳмат Казвинга қараб йўл тутди. Йўловчилар дастлаб фақат кечалари йўл босиб, ниҳоят бу шаҳарчага етиб келишди.

Бу ерда бир неча вақт пинҳоний ва осойишта яшаш мумкин деб ўйлашга асос бор эди.

Икки ҳафтадан сўнг Солиҳ бир оз оқсоқланиб бўлса

ҳам хонада юрадиган бўлиб қолди. Абу Али, ўзи гап бошлар, деб ундан ҳеч нарса сўраб-суриштирмади.

Дарҳақиқат, бир кун Раҳмат билан Абдулвоҳид бозорга кетиши билан Солиҳ қалтираган овозда Абу Алини чақирди.

— Ҳусайн, сиз мени иккинчи марта ўлим чангалидан халос этдингиз! Қандай қилиб, нима билан бу қарзимни узаман? Қани энди худойим менга шундай бир имконият берсаки, лоақал сиз қилган яхшиликларнинг ўндан бирини қайтаришга қодир бўлсам...

— Ундай деманг, дўстим. Бу ҳақда гапиришнинг ҳожати йўқ,— унинг сўзини бўлди Абу Али.— Хўш, қандай қилиб бу жарликка тушиб кетдингиз?

— Мен қулаб кетдим. От тошга қоқиниб, иккимиз жарга ағдарилиб тушдик.

Абу Али енгил тортди.

— Яхшиям одам қўли билан қилинмаган бу иш. Аммо бир ўйлаб кўринг-а, агар сизни ушлаб олиб, кимлигингизни аниқлаганда, Гулнора ва оилангиз қандай таҳлика остида қолган бўларди?

— Худо ҳаққи, ҳеч қандай қийноқ номимни айтишга мажбур этолмасди.

— Сизни Ғазнадаги одамлар орқали таниб олишлари мумкин эди. Майли, бўлар иш бўпти. Энди, бу нарса такрорланмайди, деб умид қиламан. Сиз шунга ваъда бера-сизми?

Солиҳ қошларини чимириб, бошқа ёққа қаради.

— Ваъда бера-сизми?— қатъият билан такрорлади Абу Али.— Гулнорани эсласангиз-чи...

— Ваъда бераман!— хўрсиниб жавоб қилди Солиҳ.

— Менимча,— кулимсираб давом этди олим,— Урганчга қайтишингиз керак. Кейинроқ, агар мен бирор жойда ўрнаша олсам, ҳаммаларингиз меникига келасизлар, унда Алини ҳам бирга олиб келасиз...

Алининг номини тилга олганда Ҳусайннинг овози титраб кетди. Солиҳ буни пайқаб, сергакланди.

— Сиз мени аяб хомуш ўтирибсиз,— давом этди Абу Али.— Аммо укам Маҳмуднинг мактубидан маълумки, Робиа мени оилани сабабсиз ташлаб кетишда айблаб, талоқ хати олган. Эҳтимол у бошқа эрга теккандир. Бу ҳақда Маҳмуд ҳам ҳеч нарса демаган, аммо мен хатда ёзилмаган гапларни ҳам ўқий оламан... Мен Робинани айблаб ўтирмайман. Бу ёш жувон танҳо яшаш учун, фидойилик учун яра-

тилган эмас. Аммо болани ўзим тарбиялашим даркор, токи у савдогарнинг эркатої невараси эмас, фойдали одам бўлиб етишсин... Менинг саргардонлигим ҳам абадий бўлмайди-ку...

Солиҳ Абу Алининг маслаҳатига кўнди. Бир оз дармонга кириши билан Урганчга жўнади, чунки Абу Али ҳам дўсти Кадбонувейхдан таклифнома олиб, Казвинга эмас, Ҳамадонга қараб йўл тутди.

Райдан чиқиб кетганига икки ой бўлди, аммо Абу Али хануз Ҳамадонга етиб борганича йўқ. Амирнинг олдига бундай ҳаяллаб бориш ўнғайсиз эди. Кадбонувейх Абу Алини тавсиянома билан ўзининг энг яқин ва бадавлат дўсти, Ҳамадон савдогарларининг оқсоқоли Маҳмудиддин ҳузурига юбориб, уни бу ўнғайсизликдан қутқарди.

22

Ҳукмдорнинг бетоблиги ҳақидаги хабардан ташвишга тушган бутун Ҳамадон олимлари ўз машғулотларини ташлаб, эрталабданоқ амирнинг боғ уйига тўпландилар. Улар кичик бир хонада қисилишиб, бир-биридан хунук хабарлар таъсирида сира ўзларига келолмас эдилар.

Кичкина, юм-юмалоқ, курк товукдай ҳурпайган сарой риёзиюни ортиқ чидолмай, биринчи бўлиб ўзини саройга урди.

— Муҳтарам Илès, сизнингча, бизлар жар ёқасида турибмизми?— секин сўради у амирнинг шахсий ҳақимини сарой йўлагининг бир бурчагида тўхтатиб.— Айтинг-чи. мурувватпарвар, саховатпеша валинеъматимиздан жудо бўлиш хавфи борми?

— Секироқ, секироқ,— Илès унга қўл силтади,— бу ерда деворнинг ҳам қулоғи бор!— Сўнгра шивирлаб давом этди:— Худонинг марҳамати чегарани билмайди, аммо беш кундан бери ҳукмдорнинг қорни шундай огрияптики, нима қилишимизни ҳам билмай қолдик. У бутунлай шишиб кетган, ҳеч бир дори наф қилмайди: Убайдуллоҳдек ҳақими ҳозик ҳам ҳайрон. Иккинчи ҳақим наштар уришни маслаҳат кўрмоқда, унинг фикрича, бу сариқ сув касали, аммо Убайдуллоҳ тайсалланиб турибди. Ахир, ким ўз қўли билан ўзига гўр қазади?

— Хотиримда, улуғ ҳукмдоримиз ўтган йили ҳам шундай қорин огриқдан азоб чеккан эдилар.

— Утган йили тўсатдан оғриб қолган эдилар, унда селдерейн уруғини қайнатиб берган эдик. Аммо ҳозир аҳвол ёмон. Жуда ёмон, дўстим!— Шуларни айтиб ҳақим дарров жўнаб қолди.

Риёзиюн эса эшитганларини ҳамкасбларига айтиш учун физиллаб ташқарига чиқди.

У топиб келган янгилик умумий руҳсизликни яна ҳам кучайтирди.

— Ҳукмдоримизнинг ҳаёти — бизнинг ҳаётимиз,— ўйга толиб гапирди шоир,— унинг ўлими бизга ҳалокат келтирмаганда ҳам, катта фалокатлар келтириши мумкин.

Кекса фақиҳ Абул Усмои эса, гўё бунинг учун риёзиюн жавобгардай, унга зарда қилиб:

— Наҳотки бирор чора топилмаса? Наҳотки уни тузатиб бўлмаса?— деб ўшқирарди.

— Тузатиб бўлади,— риёзиюн учун сарой файласуфи жавоб берди,— бироқ бунга ҳақимлар рози бўлармикан?

— Сиз қандай чора ҳақида гапиряпсиз, жаноби муҳтарам?— ҳамма олимлар файласуфга қараб қолишди.

— Мен ҳеч қандай чорани билмайман, аммо менга, Абу Али ибн Сино Ҳамадонга келди, у Маҳмудиддиннинг меҳмони, дейишди.

— Абу Али ибн Сино!— Ҳамма бир оғиздан қичқириб юборишига оз қолди.— Қандай қилиб? Наҳотки Абу Али шу ерда бўлса! Шу вақтгача унга одам юборганлари йўқми?

— Убайдуллоҳ унга одам юборадими?— кулди шоир.— Уни охири дақиқада чақириб, кейин ҳукмдорни Абу Али ўлдирди, дейиши мумкин.

— Қандай қилиб Абу Алининг шу ердалигидан ҳукмдорни огоҳлантириб, унинг бирдан-бир халоскори ўша эканини тушунтириш мумкин? Хўш, яхшилар, нима қилмоқ даркор?— деди тўлқинланиб фақиҳ.

Риёзиюн эса нима қилмоқ кераклигини дарҳол пайқаб, тўғри саройга — амир хобгоҳига қараб чопди.

У яширин йўллар билан бориб, ҳукмдорнинг ишончли мулозимини чақиртиришга муваффақ бўлди. Унга Абу Алининг келганидан хабар бериб, яна бир неча сўзни такрор-такрор айтди:

— Эсингда бўлсин, Сафар, Абу Алининг келганидач биринчи бўлиб мен дарак топдим ва ҳукмдоримизнинг нотобликларидан куйиниб дарҳол хабар бергани келдим. Буни унутмагин-а?

Ўзларига таниш мулозимлар орқали ҳукмдорга хабар қилиш учун бошқа олимлар ҳам шоша-пиша саройга қараб югуришди.

Кечқурун бу хабар ҳукмдорга етиб, кечаси пайдар-пай тақиллаган эшик Маҳмудиддин билан унинг меҳмонини уйғотди.

— Донишманд ҳаким Абу Али ибн Сино жанобларини амир ҳазратлари ўз саройларида кўрмоқ истайдилар!— баланд товуш билан эълон қилди чопар.

23

— Бу аҳмоқлар мени ўлдиришмоқчи!— деди Шамс уд-Даула ҳузурига кириб келган Абу Алига оёқ томонида турган сарой ҳакимларини кўрсатиб.— Мен бунақа эшакларни камдан-кам учратганман! Беш кеча-кундуздан бери бетобман, улар эса кенгашгани кенгашган, берган дорилари дардни кучайтиради, холос. Оҳ, жоним ҳалқумимга келди! Қорнимга босиб қўйган иссиқ нарсаларни дарҳол олиб, ўзларинг ҳам кўзимга кўринманглар!— дея қичқирди у ва ҳолсизланиб ёстиққа ёнбошлаб қолди.

Ҳакимлар типирчилаб қолишди, Абу Али бош ҳаким Убайдуллоҳ ат-Таймига яқинлашиб у билан саломлашди. У сертакаллуф таъзим қилиб, ҳамма саволларга яширин таҳқир билан жавоб берди.

— Сиз биздан кўра донишманд ва билагонсиз, муҳтарам Абу Али, ҳаммасини ўзингиз кўриб турибсиз. Менинг аҳмоқона изоҳларимга қулоқ солишнинг не ҳожати бор?— у яна бир бор таъзим этиб, виқор билан нари кетди.

«Эҳтиёт бўл, Абу Али,— кулимсираб ўйлади олим уни зимдан кузатаркан,— Убайдуллоҳнинг қўлидан косасини ола кўрма!»

Бош ҳакимдан сўнг бошқа ҳакимлар ҳам чиқиб кетишди. Абу Али амирнинг ёнида ёлғиз қолди. Дарпардалар ва деворларга осилган гиламларнинг оралигидан ўнлаб кўз тикилиб турганини у яхши биларди.

У ошиқмай, ўзи билан бирга олиб келган қутичадан ҳапдори олиб, ундан бирини амирга берди. У дорини ичиб бир даража тинчигандан кейин, икки гапнинг бирида ҳакимларини сўкиб, ўз касалини тушунтира кетди.

— Йўқ, муҳтарам ҳукмдорим! Убайдуллоҳ ат-Тайми зўр ҳаким, билимдон одам,— олижаноблик билан рақиб-

ни ҳимоя қилди Абу Али.— Сизни бу касалдан қутқазиш учун у киши ҳамма тadbир-чораларни кўрганлар. Агар ичаклардаги яралар бўлмаганда, сизни бу дарддан халос этган бўлардилар. Бироқ бу яраларни у киши дарров сезмаганлар. Ана шуларни даволаш билан биз қоринни ҳал тузатамиз. Ишни мана бу доридан бошлаймиз!— Абу Али чаққонлик билан амирнинг оғзига қорамтир суюқ дори қуйди.

У дорини ютиб ихтиёрсиз юзларини буриштирди, аммо бир нарса демай, бирпасда ухлаб қолди.

Абу Али қирқ кеча-кундуз Шамс уд-Даула ёнидан жилмади. Бошқа ҳар бир касалнинг ёнидан нари кетиш мумкин бўлса ҳам Шамснинг ёнидан жилиб бўлмасди. Абу Али сал узоқлашдими, амир дарров кайфу сафо қилиб, кечалари оғриқ, санчиқ жафосини чекарди.

Абу Али амир ҳузурда бўлиб, ҳукмдор яқинларининг ахборотларини эшитди, давлат ишларининг ҳал этилишини кўриб турди. Шу тариқа у мамлакат аҳволи билан танишди, мамлакатда ҳам, давлат хазинасида ҳам аҳвол яхши эмаслигини пайқади.

Абу Али Шамс хобгоҳида мудом давлат хазиначиси Тоҷул Мулкка дуч келадиган бўлиб қолди. У юзлари кулиб турган, овози мулойим муғамбир одам эди. У Шамсни қўғирчоқ қилиб ўйнатарди. Ўзини гўё давлат иши, ҳукмдорнинг бахт-саодати учун жонкуярдай қилиб кўрсатар, хазинада пул йўқ баҳонаси билан фақат ўзига пора бериб юрган лашкарбошиларга маош тўлар ва шу билан ҳалол саркардарларнинг гашини келтирарди. Ҳамадон қўшини ҳожибларининг уни кўришга кўзлари йўқ эди, устидан Шамсга шикоят қилишарди. Аммо ҳазиначи аскарларга фақат жанг олдидагина ҳақ тўлаш мумкин деб ўйларди. У амирнинг шахсий муҳофизлари саркардаси билангина яхши алоқада бўларди.

Аскарларнинг олинмай қолган маошлари сабабли тез-тез такрорланиб турадиган жанжалларнинг бирида Шамс хазиначи ва ҳожибдан юз ўгириб, Абу Алининг ёнига келди.

— Аҳволим яхши эмас, азизим,— деди у таъзим қилиб чиқиб кетаётганларга кўз қирини ташлаб,— бу ҳожиблар билан хазиначи бошимни тамом айлантириб юборишди!— хитоб қилди у қайта жойига ётиб.— Менга дардни пасайтирадиган бирор дори ичкизинг, сизга айтадиган гапим бор.

— Айтишларича, кеча яна парҳезни бузибсиз, бундай қилаверсангиз сизга қандай дори ичкизишим мумкин?..

— Фармонларингиз жонимга тегди. Мен амирман, менга бундай муомала қилишларига йўл қўёлмайман. Сиз бошқа касалларга буйруқ берсангиз ҳам подшоларга бундай қилмаслигингиз керак.

— Мени касал кўргани чақирганларида, бемор подшо саройида туғилганми, гадо кулбасидами, деб сўрамайман. Мен унга ўз виждоним амри-ю, ўз фанимнинг талаблари асосида ёрдам қиламан. Ҳамиша мана шуларга бўйсунман,— виқор билан жавоб берди олим.

Бу олижаноб дадиллик Шамсга таъсир қилди. У ҳақимни олиб қолиб, унинг сўзларига тўла итоат этди.

— Сизнинг гапларингизга қулоқ солишга тўғри келади,— деди амир кулимсираб.— Бир ойдан сўнг мен ўз қўшинимдаги энг бақувват навкардай саломат бўлишим лозим.

— Бир ойдан сўнг сиз энг бақувват навкардай саломат бўлмайсиз, аммо ўзингизни анча тетик ҳис этасиз, шунда ҳам менинг сўзларимга қулоқ солишингиз шарт.

— Мен бир ойда соппа-соғ бўлишим керак деяпман! Уз ҳукмдорини даволай олмаган одам ҳақим бўлиб қаёққа борарди?

— Мен оллоҳ эмас, шунчаки ҳақимман,— совуққина жавоб берди Абу Али,— сиз йиллар давомида вайрон этган тан мулкени мен бунчалик қисқа муҳлатда обод этолмайман.

— Саройга қанақа одамларни тўпладим ман?— хўрсинди Шамс.— Бири, пул чиқаролмайман, дейди, иккинчиси, аскарларимни тинчита олмайман, дейди. Учинчиси мени ўз вақтида даволай олмайди! Ундай бўлса, сизларнинг менга нима кераклигингиз бор? Афтидан, ўзим ҳожиб, ўзим хазиначи, ўзим ҳақим бўлишимга тўғри келади!

Шамснинг жаҳли чиқди.

Абу Али шошилмай асбобларини йиғиштира бошлади. Сўнгги вақтда амир ҳамма гапни унга айтадиган одат чиқарганди; Абу Али амир кайфсизлигининг сабабини қачон айтаркан, деб кутарди.

— Мен яқинда юриш болашим лозим,— ниҳоят Абу Алига тикилиб гап бошлади Шамс.— Сиз буни тушунасизми?

Олим хомуш ўтирарди.

— Бугун эшитдингиз, хазинада аҳвол танглиги хусуси-

да биринчи эшитишингиз эмас, албатта. Фақат уруш-юришгина хазинани тўлдирга олади. Бинобарин, мен роса бир ойдан кейин Ҳамадондан чиқиб кетишим зарур. Уқдингизми энди? Бу хусусда сизнинг фикрингиз қандай?

— Сизнинг саломатлигингизга келганда, парҳезга риоя этиб туриб, қўшинга раҳбарлик қилишингиз мумкин. Аммо мен тушунмай турибман, ҳукмдорим, нега сиз хазина тўлдиришнинг ягона йўли уруш деб биласиз?

— Яна қаердан олтин, ғалла, ҳайвонот ва мол-дунё олиш мумкин? Вазирнинг ахборотини ўзингиз эшитдингиз. Аҳоли камбағаллашиб қолди. Ёзда ҳосил бўлмади, ўлпончилар боқимондаларни ундириб турибдилар. Ўлпонлар ҳам икки йил олдин ундириб олинган.

— Мана буниси ёмон. Агар боғбон олма тераман деб дарахтини кесиб юборса, келгуси йили унинг на олмаси, на дарахти бўлади. Ўлпонни кўпайтириш эмас, озайтириш даркор. Ушанда хазинага кўпроқ даромад келади. Ўлпон кўп бўлса, ўн одам тўлаши мумкин, қолган тўқсон одам хонавайрон бўлади, ҳеч нарса тўлолмайди. Агар ўлпон камроқ, енгилроқ бўлса, юз одамнинг бари тўлайди. Шу тариқа ҳаммасидан оз-оз олинган даромад ўн кишидан олингандан кўпроқ бўлади. Солиқлар енгил бўлса — савдогарлар кўпроқ нарса олиб келишади, ҳунармандлар кўпроқ буюм тайёрлашади. У ҳолда урушга эҳтиёжингиз қолмайди. Бундан ташқари, ерларга сув чиқаришга кўпроқ эhtiбор қилмоқ зарур. Сизда, Ҳамадонда, бу масалага кам эhtiбор қилинар экан, ҳолбуки ҳосил сувга боғлиқ. Хуллас, ўзлари ҳаммадан яхшироқ билиб турган масалалар ҳақида гапириб ҳам нима қилдим...

— Ўзингиз яхши тушунмайдиган нарсалар ҳақида гапиряписиз деб қўрқаман,— қўполлик билан унинг сўзини бўлди Шамс.— Мен ариқ, анҳорлар қаздиргунча, савдо ва ҳунармандликка ривож бергунча қўшиним қўзғолон кўтариб, қочиб кетади. Сиз биласизки, эгасиз қиличдан фойда йўқ. Қўшнилари бундан истифода қилиб Ҳамадонни босиб олишади. Ҳозир аскарларим маош талаб қилмоқда, агар тўланмаса, албатта, исён кўтаришади... Яхшиси менга айтинг-чи, бу урушда зафар топаманми-йўқми? Ахир, сиз самовий илмдан хабардорсиз-ку. Осмон ёритғичлари бу сифарни беҳатар деб кўрсатадими-йўқми?

— Ростдан ҳам мен сайёраларнинг ҳаракати ҳақида баъзи нарсаларни биламан, улардан ҳар бирининг ўз ҳаракат доирасини тугатиб, қайси юлдузлар туркумига яқин-

лашганини ҳисоблай оламан. Бироқ уларнинг ердаги воқеалар ва одамларнинг тақдирини идора қила олишларига ишонмайман.

— Майли, бу ишни менинг мунажжимим бажаради, афтидан, бу борада у сиздан билимдонроқ кўринади...

Шамс жиддий равишда урушга ҳозирлана бошлади, чиндан ҳам у бетоб ётишни истамасди, Абу Али ҳам энди уни ўз ёрдамчисига ишониб топшириши мумкин эди.

Абу Алининг Ҳамадонда уй-жой қилиб, мустақил яшаш фурсати келганди.

24

Амирнинг амри билан Абу Алига саройга яқин жойдан катта, шинам уй беришди. Олим бу ерга кела солиб, янги китоб ёзишга киришди. Шамс уд-Даула касалини кузатиб бориш натижасида олимнинг қорин оғриғи касаллиги борасидаги билими яна ҳам кенгайди. У ҳар хил дориларнинг ҳукмдор баданига таъсирини диққат билан ўрганди, касалликнинг турли нишонларини, юрак, томир уриши ва уйқунинг қандай эканини, шунингдек касалнинг кайфиятини, ўқтин-ўқтин қайтариладиган санчиқ ва бошқа ҳолларни батафсил ёзиб борди. Бу кузатишларни бошқа беморларда кўрганлари билан таққослаб, буларнинг барисини бир китобда баён қилиш хоҳиши пайдо бўлди. Ҳакимларга атаб ёзилган «Китоб-ул куланж» («Санчиқ ҳақида китоб») шу тариха бунёдга келди.

Абу Али кечқурунлари ҳордиқ чиқариб, Ҳамадоннинг эгри-бугри кўчаларида юришни яхши кўрарди. Шаҳар тоғ этагида бўлганидан унинг кўчалари гоҳ юқорига қараб тик кўтарилар, гоҳ пастга тушарди. Уларнинг баъзиларигина тўғри, яқин йўл билан бориб майдонни майдонга қўшарди. Шаҳарда бундай майдонлар анчагина бўлиб, у ердаги ҳовузлар, дарахтлар бу жойларни шаҳарнинг ҳаёт марказига айлантирганди. Оқшомлари бу ерга теварак-атрофдан одамлар йиғилиб, ўтган-кетганлардан ҳангома, турмушнинг оғирлигидан шикоят қилишарди. Абу Али бу майдонлардан секин юриб ўтишни, гап-сўзларга қулоқ солишни яхши кўрарди. У қабристон сукунати ҳукм сурган эски масжидга кириб, шаҳарнинг қадимий, қалин деворига синчковлик билан қараб қоларди. Тошлар орасидан яна ҳам қадимийроқ биноларнинг изларини топар ёки катта харсанг

тошларда тасвирланган қанотли буқалар, танаси ҳайвон, боши одамга ўхшаш махлуқларни кўриб таажжубда қоларди.

Ҳунармандлар растаси ҳам олимнинг диққатини тортарди. Сўнги ҳафтада темирчилар ва қурол-яроғ растасида иш айниқса қизиқ кетди. Яқинда бошланадиган ҳарбий юриш ҳаммага аён эди. Ҳарбий қисмларнинг бошлиқлари ва деҳқонлар қурол сотиб олмоқда эдилар. Оқшомлари алламаҳалгача кўралар ёниб, болғаларнинг тарақ-туруқи эшитиларди. Усталар кўпроқ темир қалпоқ, қалқон, қилич ва найза тайёрлашга шошилардилар. Ҳамиша ҳам бунақа сердаромад иш топиб бўлмайдиди. Эгар-жабдуқ усталарининг қўли-қўлига тегмасди.

Бу ҳарбий тайёргарликлар Абу Алининг таъбини хира қилиб, нафратини кўзгарди. Бу шаронгта китоб саҳифаларига нақш солиб, нодир асарларни кўчираётган хаттоғлар ва эпчил қўллари билан гиламга гул солиб ишлаётган чеварларнинг маҳсули ҳам кўзга, ҳам кўнгилга неъмат берарди.

Галнинг тўғриси, бу хил сайру саёҳатлардан сўнг у баъзан уйига қайтмасди. Ҳамадондаги ошналари машҳур олимни зўрлаб уйларига олиб кетардилар.

Ёши қирққа яқинлашган Абу Алининг мардона гўзаллиги, донишмандларга хос виқору салобати, табассум аримайдиган чеҳраси ва танҳолиги кўп соҳиб жомолларнинг диққатини жалб этганди. У бир неча кибор хонимлардан мактублар ҳам олди, уларнинг мазмуни изҳори муҳаббат эди.

Қуйидаги рубоий шу кайфият баёнидир:

Қизикма, эй кўнгил, дунёга ҳеч вақт,
Сени банд этмасин зар, тож ила тахт.
Саодат бахш этар он қадрига ет,
Ки бахт қадрига етмас асли бебахт.

Амирнинг уруш тайёргарлиги тугади. Ҳар куни шаҳарга кўчманчилардан сотиб олинган туяларни ҳайдаб келишар, узоқ қалъалардаги ёлланма қўшин қисмлари — ғуломлар келиб турарди. Булар интизомсиз, бўзатўр жангчилар эдилар. Улар маҳаллий халқни талаб, таланган буюмларни шаҳар бозорига чиқариб сотардилар. Бутун халқ бу жирканч тўданинг Ҳамадондан чиқиб кетадиган кунини сабрсизлик билан кутарди. Амир ҳам ўз навбатида

катта заминдорлар ваъда қилган ҳарбий қисмларга мунтазир эди. Уларнинг аксарияти, жангга одам юборолмаймиз, чунки қўшнилари ўзимизга ҳужум этиш хавфи бор, деб хабар қилган эдилар. Амир чопар кетидан чопар юбориб, охири билдики, урушга яроқлик ҳамма одам тўпланган, ортиқча кутиш фойдасиз.

Абу Али турли қабилалардан амир байроғи остига тўпланган бу қаланғи-қасанғи тўдага нафрат билан қарарди. У ҳам бутун шаҳар халқи сингари бу қароқчиларнинг тездан шаҳардан чиқиб кетишини кутарди. Бироқ жўнаш олдида Шамс уд-Даула уни ўз ҳузурига чақириб, жангда ҳамроҳ бўлишга амр этди.

Олимнинг ўз ишини ташлаб кетишга заррача хоҳиши йўқ эди. У бу даврда «Юрак касаллиги дорилари» номли асарини ёзишга киришган эди.

— Сизга ҳамроҳ бўлишимга эҳтиёж бормикан?— сўради у амирдан.— Мен ҳарбий илмлардан тамом беҳабарман, бинобарин, сизга ҳеч бир ёрдам қилолмайман, деб қўрқаман.

— Ёнимда ўз ҳакимим бўлишини истайман. Худо билади, балки йўлда касалим тутиб қолар. Бунинг устига мени ярадор қилишлари ҳам мумкин.

— Бунинг учун сизга ҳамиша йўлдош — сафар ҳакими Убайдуллоҳ ат-Тайми бор-ку.

— Мен унга ишонмай қолдим. Сиз менга ҳамроҳ бўласиз.

Бошқа чора қолмаганди. Абу Али билан Раҳмат дарҳол йўл ҳозирлигини кўришди.

Кирмоншоҳга доvon оша энг қийин йўл билан боришга тўғри келарди. Бу йўл гоҳ қорли тоғлар чўққисига кўтарилса, гоҳ тор дараларга тушиб кетардики, бу жойларда душман қўшинининг пистирмасига йўлиқиш мумкин эди. Одамлар ва ҳайвонлар тезда чарчаб қолди. Отлар қояларнинг ўткир тошларига қоқиниб, туёқларини майиб қилиб қўйишди. Уларнинг беллари яғир, яғринлари яра бўлиб кетди. Навқарлар йўлнинг кўп қисмини пиёда босишди. Шамс, душмани гафлатда қолдираман, деб қўшинини айланма йўллар билан, тоғлардаги тор йўлаклар билан олиб борди. Аммо унинг ғуломлари Ҳамадон чегарасидан чиқа солиб элни талай бошладилар. Бундан норизо ва аламзада бўлган аҳоли Кирмоншоҳга, амир Аназ ҳузурига бориб уни душман босиб келаётганидан хабардор қилди.

Кўпдан бери қўшнисидан ҳадиксираб юрган Кирмон-

шоҳ ҳукмдори Шамс уд-Даула ҳужумга ҳозирланганидан кўра мудофаага яхшироқ тайёрланган эди.

Дудмоллик билан бошланган, ёмон ташкил этилган бу урушдан ҳеч нарса чиқмаслиги олдиндан аён эди. Бу ҳақиқатни фақат Шамс уд-Даула кўрмасди, холос.

Йўл азобидан кейин икки қўшин биринчи тўқнашгандаёқ Ҳамадон ҳукмдорининг аскарлари озиқ-овқат танқислиги ва қурол-яроғ камлиги азобига йўлиқишди. Улар аҳолиси оч чўл вилоятлар орқали ўтишганди. Ҳосилдор ерлар амир Аназнинг моҳирона мудофаа чизиғи орқасида эди. Шунинг ўзиёқ урушнинг оқибати нима бўлишини кўрсатиб турарди. Мағлубият Ҳамадон ҳукмдорига қаттиқ таъсир қилди. Унинг яна қорин оғриғи бошланиб, сўнгги икки кунда қароргоҳ бўлган тоғлиқ бир қишлоқда ётиб қолди.

Аммо энг кўнгилсиз ва кутилмаган ҳодиса кейин рўй берди. Мағлубиятдан бир кеча-кундуз ўтмай, Шамс уд-Даула ғулومлари ихтиёрий равишда Аназ аскарларига асир тушаётганликлари маълум бўлди.

— Бу ерда ҳеч бўлмаса оч қолмасмиз,— деб айтишди улар аҳолидан Кирмоншоҳда яхши ҳосил олаётганларини эшитиб.

Дарғазаб бўлган Шамс уд-Даула ўз ҳарбий бошлиқларини чақириб сўроқ қила бошлади. Қизиққон ва қўпол бош ҳожиб Шамснинг таъналарига жавобан бундай деди:

— Юпун ва оч навкар — навкар эмас! Биз сизни огоҳлантирган эдик, бироқ сиз бизнинг сўзимизни эмас, ҳазиначининг сўзини инobatга олдингиз! Унинг фикрича, навкар қанча оч бўлса, шунча ёвуз бўлармиш...

Санчиқ унинг жонини ҳалқумига келтирган эса-да, у ёлғиз қолишни истамасди — қўл остидаги одамларни мутасил ҳузурига чақириб, улардан ҳисоб сўрар, мағлубият сабабларини аниқлашга уринар, катта-кичик жангларнинг тасвири ва баёнини сўраб-суриштирарди.

Абу Али бу фойдасиз ҳаракатларга ғамгин назар соларди, афтидан, бундай қайғули оқибатга олиб келган сабабларни ҳаммадан кўра равшанроқ кўриб турарди. Кечаси бир вақтга бориб қолганда ҳаяжон ва дарддан толиққан Ҳамадон ҳукмдори ҳаким ҳимоясига эҳтиёж сезиб, уни ўз ҳузурига чақирди.

— Эҳтимол, сиз қувониб тургандирсиз? — оғриқдан тишларини ғижирлатиб, даволашга киришган Абу Алидан сўради у.

У кулимсираб қўйди.

— Қувонишимга асос йўқ.

— Нега энди? Сиз бу урушдан мени қайтарган эдингиз! Мағлубият ва касалнинг қайтарилиши эҳтимоли билан таҳдид қилган эдингиз-ку! Худди сизнинг айтганингиз келди.

— Муҳтарам ҳукмдор, мен бировнинг бахтсизлиги билан ҳеч қачон қувонмайман. Менинг айтганларим ақлимнинг ишораси эди. Сиз ўз билганингизча иш тутдингиз. Агар бу масалада мен ҳақ бўлиб чиққан бўлсам, бу муносабат билан заррача қувонмайман, аксинча сизга иш билан, маслаҳат билан ёрдам қилишга тайёрман.

— Сизнингча ҳозир нима қилиш даркор?

— Менимча, ҳозир сизни замбарга солиб, қоронғидаёқ бу ердан олиб кетиш зарур. Агар бу ерда узоқ қолгундай бўлсангиз бутунлай қўшинсиз қоласиз деб қўрқаман! Қаранг, қанча гуломларингиз ўз бурчларини унутиб, душман томонга ўтиб кетишди. Агар Аназ жинни ёки қўрқоқ бўлмаса, азонда ҳужум бошлайди. Ана шундан илгари жўнаш даркор. Бунинг учун ҳозирданоқ Ҳамадон йўлига бир қисм аскар юбориб, йўлларнинг хавфсизлигини текшириб кўрмоқ зарур.

— Аназ эртага ҳужум қилолмайди, бунга тайёрланишга улгурмайди. Бундан ташқари, эртага биз ўзимиз ҳужумни давом эттиришимиз лозим,— эътироз этди Шамс.

— Сиз менинг фикримни сўрадингиз, ҳукмдорим, мен уни айтдим. Сиз эса мудом ўзингизга маъқул йўлни тutasиз...

Амир қўллари билан ичига тушган, атрофлари кўкарган кўзларини ёпиб, хийла вақтгача ҳаракатсиз ётди.

Агар Шамс касал бўлмаганда, Абу Алидек ҳарбий ишдан узоқ одамдан маслаҳат сўраш хотирига ҳам келмасди. У ҳозиргача ҳамма жангларда ғолиб чиққани учун ўзини улуг саркарда ҳисоблаб юрарди. Шунга ўзи ҳам самимий ишонарди.

Бу гал душман анча кучли ва мудофаага тайёр бўлса ҳам, Шамс мағлубиятнинг сабаби жангга пухта тайёргарлик кўрмагани эканини тан олгуси келмади. Унингча, мағлубиятнинг сабаби касаллиги эди, холос. Агар у соғ бўлганда уруш албатта ғалаба билан тугарди. У Кирмоншоҳ деҳқонларининг Аназ атрофида жипслашиб, ўз ватанларини, уй-жойларини мудофаа қилганликларини ҳам пайқаманган эди, ҳолбуки бу куч Шамснинг ёллама қўшинида йўқ эди.

Абу Алининг панду насиҳатлари амирга заррача таъсир қилмади. Олимга равшан кўриниб турган омиллар ҳукмдорга бутунлай асоссиздек туюлди. Унинг учун энг ишончли нарса қўшинларидан яна бир қисмининг душман томонга қочиб ўтгани ҳақидаги хабар бўлди — шу хабар ҳамма нарсани ҳал қилди. У бу ердан кетиши зарур бўлиб қолганини пайқади. Шамс ўзини касали оғирлашгандай кўрсатиб, ҳарбий бошлиқларга ҳақимнинг фармони ўз амри билан баравар эканини айтиб, уни олиб кетиш учун замбар тайёр деган хабарга итоаткорона бўйсунди.

Кирмоншоҳнинг итоатсиз ерларини ташлаб кетаркан, Шамс ўзини, мағлуб амирни, Ҳамадонда қандай қабул қилишларини билмасди. Қани бир одам бўлсаки, мағлубият учун бутун айбни ўшанинг устига ағдара қолса. Ҳожиблар орасидан бундай айбдорни топиш қийин, уларнинг орқасида қўшин турибди, қўшин ўз саркардаларини ранжитиб қўймайди. Фақат сарой можарожўйлигидан йироқ, Ҳамадонда нуфузли дўстлари бўлмаган олимгина ҳамиша норозилар олдига ташланадиган суяк вазифасини ўтамоғи мумкин. Ана шу фикр билан Шамс ўз пойтахтига қайтиб бормоқда эди.

25

Ҳамадон йўлидаёқ Абу Али Шамс уд-Даула ўзига алоҳида эътибор қилаётганини сезиб қолди. Бу дағал ва ўзбилармон ҳукмдорнинг табиатига унча мос келмасди.

Касаллик унинг табиатини ва ўзбошимчалигини юмшатди деб ўйлаш мумкин эди. Аммо эҳтиёткор Абу Али ҳукмдорнинг асл ниятини яхши пайқагани учун бунга ишонмасди. Абу Али ўзининг пухта, аниқ фармонлари билан Шамсга маъқул бўлганини бир неча бор сезганди. Муғамбир ҳукмдор анча яхши бўлиб қолишига қарамай, бетоблигини пеш қилиб, Кирмоншоҳдаги мағлубиятдан сўз очишдан қочар, бу иш билан шуғулланишни Абу Али билан ҳожибларга ташлаб қўйганди. Шамс ҳозиргача олимни ўзига яқинлаштириб олижаноблик қилаётганига чиндан ҳам ишонарди. Абу Али уни бир неча бор гўр оғзидан қайтариб келгани учун унинг олим ҳақидаги фикри ўзгарди. Амир, Ҳамадонга бехатар қайтгандан кейин Абу Алини мағлубиятнинг айбдори қилиб кўрсатишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда уни давлат ишига тортиш зарур, деб аҳд қилди.

Йўлдаги бир манзилда кутилмаганда Шамс уд-Даула Абу Алига, вазирлик лавозимини қабул қилинг, деб таклиф қилиб қолди.

— Кўриб турибсизки, давлат емирилиб бормоқда... қўшиним тарқалиб кетяпти, хазинам бўм-бўш. Бизнинг бахтсиз ўлкамизга, унинг бадбахт ҳукмдорига ёрдам қилинг...— Шамс муғамбирлик билан Абу Алининг олижаноблиги ва хайрихоҳлигидан фойдаланишга уринди.

Вазирлик лавозими олимни заррача қизиқтирмасди, аммо у Шамснинг шикоятни тўғри эканини биларди. Ҳамадон халқи оч, хонавайрон ва бахтсиз эди. Ҳосилдор ерларда йил сайин ҳосил нобуд бўларди. Бефаҳмлик, калтабинлик билан хўжайинлик қилиш шаҳарни қуритиб қўйганди. Оз-моз ўзига тинч одамлар бор-будини амирга қайтмас қарзга беришдан қўрқиб, кўчиб кетмоқда эдилар.

Абу Али бу ерда бегона одам бўлгани учун асрлар давомида амир билан халқ орасида ўрнашиб қолган муносабатни тезда тушуниб ололмаслигини яхши биларди. Абу Али сабаблар кўрсатиб, бу таклифни рад этди. Шамс Абу Алининг важларини қабул этган бўлса ҳам, ичида олимни вазирликка кўтаришга қатъий аҳд этди.

Буни Абу Али ҳам жуда яхши тушунди. У Ҳамадондан кетишни истамасди. Бинобарин, бу таклифни рад этиб бўлмаган тақдирда, қандай қилиб бу лавозимга тайёрланиш кераклиги устида ўйлай бошлади.

Абу Алининг Ҳамадонга қайтганига бир ҳафтадан ошди. Абдулвоҳид устози билан Раҳматнинг қайтганидан севиниб терисига сигмасди.

Хушфёъл йигит ҳамманинг кўнглини олиш учун ўзини ҳар ёққа урар, баъзи ишни палапартиш қилиб қўяр, шунга қарамай, унга таъна қилиш, унинг устидан кулишга ҳеч ким ботинмасди. У уйда ёлғиз қолганда «Ал-Қонун»нинг айрим бобларини оққа кўчирди, ҳозир олимнинг уйдаги хонтахтада хаттот санъатидан кўз қувонадиган бир даста ёзиқлик қоғоз ётарди.

Абу Алининг қайтганини эшитиб ҳамадонлик дўстлари, шогирдлари ва ошналари бирин-кетин келā бошлашди. Олим ҳанузгача ўзига келолмас, ҳанузгача жанг майдонида эмас, уйда эканига ишонолмас эди. У ўз ҳаётида кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлганди, у иликхонларнинг Бухорога бостириб киришларини, кўча жангларини, Бухоро ва Урганчда қатл этилган одамларни, ўлаётган ярадорларни

кўрганди. Аммо бевосита уруш жаҳаннамани биринчи кўриши эди.

Ут ичидаги қишлоқлар, ваҳшиёна қиргин, жон бераётганларнинг фарёди — мана шуларнинг ҳаммаси Абу Алига шунчалар ақлсизлик, шунчалар гайри инсоний бўлиб кўриндики, у ҳатто тушида ҳам қон дарёларини, фарёд этаётган мажруҳларни кўрадиган бўлиб қолди. У эндиликда урушнинг ҳеч нарсани ўзгартира олмаслигини, турмушни яхшилашга ҳеч қандай восита бўлолмаслигини, одамларни эзгуликка эмас, ёвузликка олиб боришини ҳар вақтдагидан яхшироқ, чуқурроқ тушунарди.

Шамс уд-Даула Ҳамадонга қайтгандан кейин Абу Алисиз бир кун ҳам яшай олмайдиган бўлиб қолди. Олимни саҳарлаб саройга чақиртиришарди. Шамс ундан мажлисларда, учрашувларда, вазир ва хазиначи билан суҳбатда, ҳатто элчиларни қабул этган вақтларда ҳозир бўлишни талаб қиларди.

Бу ҳурмат Абу Алини унча қувонтирмаса ҳам, Шамс уни иш билан таништираётганини тушунарди.

Ҳамадон амирининг эски вазири ҳарис, муғамбир хазиначи Тожул Мулкнинг қариндоши эди. У бундан сўнг бу сердаромад, фахрий лавозимда туриши мумкин эмаслигини пайқаб, Абу Алининг кимлигини, таг-тугини сўраб-суриштириб кетди. У шу қадар суриштирдик, бу борада нимани билиш мумкин бўлса барисини билиб олди. Аммо ҳозирча унга бирор зарар-заҳмат етказишга ботинмасди, чунки Султон Маҳмуднинг рақибига эътибори қўлини тутиб турарди. Вазир ҳам, Тожул Мулк ҳам бу илтифотнинг замирида нима ҳикмат борлигини билолмай, Султон ва амирининг «севгилисидан» ҳайиқиб келардилар.

Ана шу кунларнинг бирида амир Абу Алини барвақт чақиртирди-да, унга:

— Бугундан эътиборан вазирсиз! Савдогарлар ва сарофлар сиз бу лавозимга тайинлансангиз менга қарз беришга розилик билдиришди,— деди.

Абу Али ё бу лавозимни қабул қилиши, ёки Ҳамадондан чиқиб кетиши лозимлигини пайқаб, аҳтиром билан ҳукмдорга таъзим қилди.

— Мен розиман, ҳукмдорим, лекин аввал давлат ишлари билан бир танишиб чиқишга ижозат беринг.

— Бу хоҳишингизга мен ҳам розиман!— деб қўл слтади Шамс ниҳоят ўжар олимни кўндирганидан мамнун бўлиб,

Абу Али иш билан таниша бошлагач, эски вазир ўз лавозимини сунистеъмол қилиб, давлат хазинасини талон-торож этгани дарров равшан бўлиб қолди. Собиқ вазир уялмай-нетмай давлат мулкининг талайини ўзлаштирган. Хешу ақраболари, ёру дўстларига катта-катта мулклар инъом этган. Давлат девонида порахўрлик, давлат мулкни ўғирлаш авж олиб кетган. Қозилар ким кўпроқ пора берса, шунинг фойдасига ҳукм чиқарганлар. Ҳожиблар аскарларга бериладиган пулнинг кўпини чўнтакларига урганлар.

Абу Али қандай оғир вазифани ўз зиммасига олганини шундагина пайқади.

Ҳамадон савдогарлари ва ҳунармандлари Абу Алининг вазир этиб тайинланишини ўз ғалабаларидай қабул қилишди. Савдогарлар оқсоқоли Маҳмудиддин амирга ваъда қилинган олтинларни эшакларга ортиб, шахсан ўзи саройга олиб келди-да, Абу Алига бундай деди:

— Савдогарлар сизга ишонишади. Биринчи марта Ҳамадон халқи фойдасига харшланар умидида ҳукмдорга қарз беряпмиз. Бу олтиннинг лоақал бир қисми йўл чиқаришга, карвонларимизни ҳимоя қилишга, ариқ, анҳорлар қозишга сарф этилса, у юз карра зиёд фойда келтиради. Бутун умид сиздан, амирнинг фойдасиз совуриб юборишига йўл қўйманг...

Хазинага пул тушгани маълум бўлиши билан унинг талабгори ҳам кўпайди. Биринчи бўлиб ҳожиблар пайдо бўлишди. Уларнинг кетидан сарой вакиллари етиб келди: амирнинг хотинлари, қизлари кийим-бош, зебу зийнат ва уй харажатларига пул талаб қилишди. Ҳатто ўн икки яшар шаҳзода валиаҳд Сама уд-Даула ҳам қарздор бўлиб қолган экан.

Абу Али бировга бир динор бермай, амир ҳузурига кетди.

Олим қуруқ жўнатган икки ҳожиб амир ҳузурига экан. Улардан бири — юзлари чандиқ, оёқлари калта эроний Абу Алининг келганидан беҳабардай деразага қараб олди; иккинчиси, амир шахсий муҳофизлари ҳожиби, баланд бўйли, хушқомат, мўйловдор курд эса, аксинча, янги вазирга хўмрайиб қаради-да, номигагина бош силкиб қўйди. Гулдор ипак чопонлар, нақшин камарлар ва дастасига қимматбаҳо тошлар қадалган ханжару шамширлар ҳожибларга салобат бағишлаб турарди.

Шамс уд-Даула Абу Алига мурожаат қилиб, аскар

ларга бериладиган маошнинг тўхтатилиш сабабини сўраб турганда хонага Тождул Мулк кириб келди.

У юзларини имкон борича ёқимтой қилиб, мулоим овоз билан вазирга қараб деди:

— Дарду балонгизни олай, жаноби Абу Али! Мен сизга муносиб ёрдамчи бўлмоқ учун субҳу шом, лайлу ниҳор хизматларига ҳозир унозирман...

Абу Али елкасини қисиб қўйди. Ўзини сарой учун зарур киши қилиб кўрсата олган бу тулки унинг ҳам гашини келтирар, ҳам ҳайратда қолдирарди. Ҳозирча Тождул Мулк хазиначи бўлиб, Шамснинг ниятларини рўёбга чиқаришда унинг ўнг қўли ҳисобланарди. Олим истеҳзо билан унинг ялтироқ юзига боқди, унинг юзи бичилган эркакни ёки узоқ яшаган болани эслатарди, шунинг учун Абу Али юзинчи бор ўз-ўзидан сўрарди: «Ажабо, бу хонахароб неча ёшга кирган, ўттизгами, олтмишгами?»

— Ибн Сино,— мурожаат қилди Шамс уд-Даула,— амр этинг, ҳожибларга пул беришсин.

— Шоҳим,— жавоб берди Абу Али Тождул Мулкнинг қимтиниб турганини кўриб,— ҳожиблар янглишяпти, чоғи... Тилхатларга қараганда, улар ўз ҳақларидан ортиқроқ пул талаб қилмоқдалар.

— Аскарларга бир йилдан ортиқ ҳақ тўланмаган,— деди тундлик билан саркарда.— Улар ҳадемай исён кўтаришади.

— Мени афв этинг, ҳожиб,— деди Абу Али,— сиз яқинда, муҳаррам ойида, улар учун ярим йиллик ҳақ олгансиз, мана тилхатингиз.

Ҳожиб бир парча қоғозни ушлаганча кўз қири билан Тождул Мулкка қаради-ю, ҳеч нарса демай бир четга бориб турди.

Курд шокосадай кўзларини Абу Алига тикиб, унинг ёнига келди.

— Бироқ менинг тилхатим йўқ-ку,— истеҳзо билан чўзиб гапирди у,— марҳамат қилиб, бизга пул беринг!

— Сизнинг ҳам тилхатингиз топилди,— осойишталик билан жавоб берди олим.

— Бу йил мен пул олганим йўқ, ҳеч қандай тилхат ҳам берганим йўқ,— гапида туриб олди ҳожиб.— Ўн ойдан бери навкарларим маошсиз...

— Мана сизнинг бир йил муқаддам берган тилхатингиз,— деди қоғозни кўрсатиб Абу Али.— Бир йил муқаддам сиз икки минг икки юз навкарга маош олгансиз. Ҳам-

мага аёнки, ҳукмдорнинг шахсий муҳофизлари минг кишидан иборат...

— Бир минг!— деб нидо солди амир,— ҳамиша бир минг эди, бундан кейин ҳам мингта бўлади!

— Бу хусусда гапиришга ҳам арзймайди, шоҳим. Ахир хазинангиз тўлиб ётибди-ку!

Ғазабдан амирнинг юзи буришиб кетди.

— Бу нимаси тагин!— хитоб этди у ҳожибларга ўгирилиб,— ҳақингизни аллақачон олиб, яна менга шикоят қилишга журъат этдингизми? Менга исён билан таҳдид этишга жасорат қилдингизми? Агар бир навкар маошсиз қолса, ҳожибнинг боши кетади! Тушундингизми?

Ҳар икки ҳожиб жимгина хонадан чиқибди. Амир муҳофизлари саркардаси хўмрайиб вазирга кўз қирини ташлади. Курд эса хайрлашув чоғида унга мушт кўрсатиб қўйди.

Бу гапларга хомуш қулоқ солиб турган Тождул Мулк ҳожиблар чиқиб кетиши билан амирнинг пинжига кириб, бундай деди:

— Шоҳимнинг бу даража ғазабланишларига ҳожат йўқ эди, чоғи. Ҳожиблар, албатта, навкарларнинг пулини ўзлаштириб юради, бироқ ҳамиша, ҳамма жойда аҳвол шу. Бу ҳол уларни сизга муте қилиб қўяди. Сиз уларга суянишингиз мумкин. Уларни ўзингизга зид қилиб қўйишнинг ҳожати йўқ. Ўзингизга аён, вазиримиз — янги, тажрибасиз. У киши фанга қандай муносабатда бўлишни яхши биладилар, аммо одамларга қандай муомала қилишни билмайдилар. У киши ҳали сизга керакли одамлар билан қандай гаплашишни ўрганишлари даркор.

— Сен фирибгар ҳожибларга ҳомийлик қиляпсан!— амирнинг жаҳли чиқди.— Уларга бемаҳал пул бериб, бу қилиқларини яшириб келган ҳам ўзингсан!— Шамс уд-Дуала Абу Али шу ердалигига қарамай, хазиначига қараб бақирарди.— Мен бу ишларни текширтириб кўраман! Мени лақиллатиб юришларига йўл қўймайман! Бу ҳожиблар бутун давлатни ямлаб ютмоқдалар...

Шамс аранг тинчланди. Аммо шу заҳоти Абу Алининг эътирозига қарамай, шароб талаб қилди ва икки косани пайдар-пай сипқорди.

— Мен бўлсам, ҳамиша ёш валиаҳдимиз ҳақида ўйлайман, шоҳим,— гапга киришди Тождул Мулк Шамс уд-Даулада бефаҳмлик кайфияти бошланганини кўриб.— У шўрлик зерикади! У жуда қобилиятли, ғоят зийрак бола,

тенгқурлари эса унга муносиб эмас. О, ҳукмдорим, қандай бахтли отасизки, ёнингизда шундай гул очилиб боряпти!

Бахтсиз жўраларини қамчилаб, қуръондан тўрт мисра шеърни ёдлашга ялқовлик қилиб юрган бу «гул»ни Абу Али томоша қилиб тўйганди. Абу Али унга дарс бериб юриб, бу ёш каллакесарнинг қанақа махлуқ эканини яхши билиб олган эди. Аммо Шамс уд-Дауланинг энг заиф жойи шу эдики, у ўн тўрт қиз, биргина ўғилнинг отаси эди. Тожул Мулк тез-тез мана шу нозик торни чертиб турарди. Болани мақташи билан дарҳол отанинг кўнгли очилиб кетарди.

— Менга муҳтарам Абу Алининг ҳам худди шу ёшда ўғли бор деб айтишди,— ғамхўрлик, меҳрибонликни давом эттирди хазиначи.— Бундай отанинг ўғли, шубҳасиз, маълумотли ва одобли бўлади. Мана шу бола сизнинг валиаҳдингизга муносиб ҳамдарс бўлмасмикан, ҳукмдорим?

Абу Али сергакланди. Модомики Тожул Мулк унга бу зайлда меҳрибонлик қилишга бел боғлабди — демак, у билан дўстона алоқани кучайтирмоқчи.

— Менинг ўғлим узоқда,— деди олим,— ҳозирча у ҳақда гапиришнинг ўрни йўқ.

Шамс мастона кўзлари билан унга қаради.

— Қаерда у?

— Хоразмда, қариндошларим билан бирга.

— Хоразмда? Бунинг иши осон! Уларни олиб келиш учун яхши бир одамни юборамиз.

— Агар сиз рухсат этсангиз, кейинроқ фақат ўғлимни эмас, бошқаларни ҳам — укамни оиласи билан, синглим ва язнамни ҳам чақириш ниятида эдим. Маошимни олиш билан уларни чақираман...

— Рухсат бераман! Кимни истасангиз чақиравеинг! Хазиначи, ёз, мен бу кишининг маошларини тўлашга рухсат бераман.

Тожул Мулк қоғоз-қалам қидириб қолди.

— Сиз кимларни бу ерга чақиртирмоқчисиз, муҳтарам вазир?— мурожаат қилди у Абу Алига.— Мен қаерга, қандай карвон юборишни билмоғим керак. Мен кўп карвонбошилارни танийман... Қариндошларингизнинг номларини айтинг, ҳозир айни фурсати...— Тожул Мулк олимга кўз қисиб қўйди.

Абу Алига кутилмаганда хазиначининг шериги бўлиб қолиш ёқмаса ҳам, унинг ёрдамисиз ҳозир ўз яқинларини

келтиролмаслигини пайқаб, бу ҳиссиётни югиб туришга мажбур бўлди.

Тожул Мулк Маҳмуд ва Солиҳнинг номларини ёзиб олди. Кейинги ном унга таниш эди.

— Бухоролик машҳур саррофнинг ўғлими?

Абу Али бош қимирлатиб, тасдиқлади.

— Уни менга ёрдамчи қилиб тайинлаш мумкин, укангизни эса, менинг маслаҳатим шуки, девон хизматига олинг. Ўз кишингиз ҳеч ерда, ҳеч қачон халақит бермайди.

Абу Али ҳукмдор ҳузуридан чиқиб кетиши билан бутун сарой аҳли, Шамс уд-Даула ҳожиблардан норози, улар давлатни ямлаб ютмоқдалар, янги вазир қўшин ишларини тафтиш қилмоқчи, аксари саркардалар ишдан олинган, бош ҳожиб — ҳожиб ал-ҳужоб қилиб ўз укасини тайинламоқчи деган овозлар тарқалди.

Тожул Мулкдан сўраб-суриштирганларида у бу овозани тасдиқ ҳам этмади, рад ҳам қилмади, фақат сирли кулимсираб қўйди, холос.

Шаҳарда тарқалган овозалар Абу Алини ҳарбийлар душмани, деҳқонлар, савдогарлар ва косибларнинг ҳомийси сифатида талқин этарди.

Бу кўп жиҳатдан тўғри эди, унинг тўғрилигини вазирнинг хатти-ҳаракати ҳам тасдиқларди. Аммо унинг асл мақсадини ҳеч ким билмас, тўғриси, у билан ҳеч ким тувук-қуруқ қизикмасди. Овозалар оғиздан-оғизга кўчиб тобора кучаяр, заррача ҳақиқатга бир арава уйдирма қўшиларди.

— У гўзал Ҳамадонни савдогарлар уясига айлантirmoқчи, — шивирлашарди саройдагилар. — У амирни сеҳрлаб қўйган. Вазирни сотиб олиш қийин... У шундай аҳмоқки, ўзи ҳам совға-салом олмайди, бошқаларнинг ҳам олишига йўл бермайди. Бунақа вазир билан бойиб бўлмайди...

— У савдогарларга сотилган, — катта заминдорлар бошқаларни шунга ишонтирмоқчи бўлардилар. — У Ҳамадонни бозорга айлантirmoқчи!

— У қўшинга қасд қиляпти, у Ҳамадонни сотмоқчи! — ўзларининг сердаромад лавозимларини йўқотишдан қўрққан ҳожиблар шундай деб жар солардилар.

Савдогарлар ва ҳунармандлар Абу Али вазир қилиб тайинланиши билан анча енгил тортишди, аммо ҳали улар вазирнинг ишончли таянчи бўлиш учун етарли кучга молик эмасдилар. Ҳолбуки вазирнинг душманлари аллақачон бирлашиб, бир ёқадан бош чиқарган эдилар.

Амирнинг, илгари олинган пулдан навкарларнинг маошлари тўлансин, деган фармонини ҳожиблар бажаришмади. Бунинг ўрнига улар бир неча юзбоши ва ўнбошиларни сотиб олиб, уларни игво-фасод қилишга, қутқу солишга даъват этишди. Улар, Абу Али қўшинга пул тўлашдан бош тортди, пойтахт муҳофизларини узоқ чегараларга юбормоқчи ёки қўшинни тарқатиб, навкарларни уй-уйларига жўнатмоқчи, деб овоза тарқатдилар. Қандайдир шубҳали муллар қўшин қароргоҳларига бориб, Абу Али жодугар, амирни сеҳрлаб қўйган, у кофир, қуръонга ишонмайди, бу муқаддас китобни ёндирмоқчи, деб игво қилишди. Нодон навкарлар лақ этиб бу тузоққа тушишди. Қўшин орасида норозилик кучайди.

26

Абу Али давлат ишлари билан банд бўлиб, илмий ишлар фақат кечасига қараб қолганди. Шунга қарамай «Ал-Қонун» ва «Аш-Шифо» бита ёзган эди. Шогирдлари ва мухлисларига ваъда қилинган китобларнинг бу зайлда тез тугалланиши Абу Алини беҳад қувонтирарди.

У қўлёзмони тўлдириб, тузатиб, кечаси алламаҳалгача ўтириб қолди.

Шу топда у ал-Форобийнинг қадимий файласуфлар ҳақидаги китобини эслади. Китобдаги баъзи фикрларга қўшилмаса ҳам, бу ажойиб олимнинг фикридаги мантиқий изчиллик Абу Алини мудом мафтун қиларди.

У ёзиб туриб кўчадан келган шовқин овозини эшитди. Оломоннинг олағовури ва қичқириқлар тобора аниқ эшитила бошлади.

— Раҳмат!— ишдан бош кўтармай секин чақирди Абу Али.— Назаримда қўшниларникида ёнгин чиққанга ўхшайди, бориб қара-чи, нима гап?

Сергак ётишга ўрганган Раҳмат сакраб туриб, ташқарига чиқди, чиқди-ю, шу зумда қайтиб келди.

Унинг кулча юзи бўздай оқарган эди.

— Хўжайин,— деди у қалтираган овоз билан,— дарвозамизни қандайдир навкарлар тақиллатиб турибдилар... Ё исён кўтарилган, ёки душман босиб келганга ўхшайди. Мен ҳозир уларнинг олдига чиқаман, сиз орқа эшикдан чиқиб кетишга уриниб кўринг...

Аммо Ибн Сино Раҳматнинг ҳам, энди уйғонган Абдулвоҳиднинг ҳам гапига қулоқ солмай зинага чиқди.

Ростдан ҳам кимдир дарвозани бузмоқда эди. Уйнинг деразаларини мўлжаллаб, девор ошириб тош отишарди. Шовқин тобора кучайиб борар, гўё тўлқинланган денгиз шу ерга, вазирнинг тинч масканига яқинлашиб келгандек туюларди.

Хўжайиннинг шу ердалиги оломонни ҳайиқтирар умидида Абу Али эшик бузарларга ҳай-ҳуй деб кўрди. Бироқ унинг овози оломоннинг ҳайқириги орасида йўқолиб кетди. Олим билдики, унинг овозини битта-яримта одам эшитса ҳам қулоқ солмайди. Одамларнинг нияти бошқа эканлиги равшан кўриниб турарди.

У довдираб қолган шерикларини тинчитиш учун уйга кириб, уларни қизгин иш устида кўриб қолди. Раҳмат, энг муҳими шу деб, майда-чуйдаларни сандиққа солиб қулфларди. Абдулвоҳид бўлса, шошилганча қўлёзмаларни йиғиштириб қопга соларди. У устози учун энг муҳими мана шулар эканини яхши биларди.

Абу Али уларнинг ёлворишларига қарамай яна зинага чиқди. Утган қисқа муддатда вазият тамом ўзгарган эди.

Исёнчилар дарвозани бузиб ҳовлига киришди. Уларнинг машъалларидан девор ва дарахтларга гоҳ шуъла, гоҳ соя тушиб, қандайдир ваҳима кўзгарди.

Абу Али қоматини кўтариб зинада жимгина турарди. У диққат билан қараса, босқинчиларнинг ҳаммаси шаҳар муҳофизлари экан. Оломон ичида бир неча кичик ҳарбий бошлиқлар яшириниб юрарди. Улар таловчилик, емириш-йиқитишларга бевосита иштирок этишмаса ҳам, ҳайқириб, бақириб боши бузуқларга далда берардилар. Баъзи бировлари: «Чопиб ташла, чопиб ташла, уни!» дея бақиришарди. Аммо олимнинг машъаллар ёритиб турган қиёфасида шундай осойишта салобат, улуғворлик бор эдики, оломон ихтиёрсиз тўхтаб қолди, ҳатто остонага яқинлашишга журъат этолмади.

— Менинг уйимга бостириб киришга ким рухсат берди? Ниятларингиз нима? — Абу Алининг товуши кескин янгради. Шовқин босилди. — Бу нима — исёнми? Дарҳол тўданинг бошлигини чақиринг!

Абу Алининг ўзини тутиши, унинг қатъияти, афтидан, одамларни ташвишга солди, улар аланглаб ўзларининг қутқучиларига қарашди. Қутқу солган юзбошиларни таниб Абу Али истеҳзо билан уларни номма-ном чақирди.

— Нимадан қўрқиб турибсиз? Яқинроқ келиб, муддаонгизни айтинг...

— Бизнинг маошимиз қани? Нега бизни шаҳардан жўнатмоқчисиз?— бир неча киши бараварига қичқирди.

Абу Али жавоб беришга уринди, лекин навкарлар шундай гавго кўтаришдики, олимнинг овози бу олағовурда кўмилиб кетди. Тўсатдан оломон ичида арқон пайдо бўлди. Навкарлар ёпирилиб келиб, Абу Алини ўраб олишди.

Аmmo олимнинг бу хатарли пайтдаги осойишталиги, ўзини тута билиши уни муқаррар ҳалокатдан қутқарди. Афтидан, салобатли, улуғвор вазирга нисбатан қилинаётган зўравонлик навкарларни довдиратиб қўйди. Улар вазирни йиқитиш, уриш каби ортиқча қўполликка боришмади. Қутқучиларнинг бири унинг қўлларини боғлаб, шу заҳотиёқ ўн навкар билан зиндонга олиб кетди.

Қамоққа олиш шундай тез, шундай силлиқ ўтдики, бу фитна сарой доирасидаги бирор шахснинг амри билан қилинган бўлса керак.

Шаҳар уйқуда эди. Абу Али бошини тик кўтарганча кўчалардан ўтиб борар, ўзини зиндонга олиб кетаётганларга нафрат билан боқарди. У қадим файласуфлар ҳақидаги китобдан: «Осойишталик — кучлининг донишмандлиги» деган ҳикматли сўзларни эслади.

Раҳмат билан Абдулвоҳид қўлёзма ва китобларни бир ёқлик қилиб бўлган ҳамон навкарлар эшикларни синдириб ичкари киришди, вазирнинг бор бисотини талашди, ўғирлашди, яксон этишди.

Ҳожиблар бошлиғи фурсатни қўлдан бермай, Тожул Мулкка вазирни ўлдириб, айбни ўз бошимча навкарларга ағдариш ҳақидаги режалари барбод бўлганини хабар қилди. Ҳазиначи саройга қараб чопди ва амирни уйғотишни сўради, уни дераза олдига бошлаб бориб, кўчани тўлдириб ҳайқираётган ғуломларни кўрсатди.

— Қаранг, шўрлик дўстимиз Абу Али буларни қандай аҳволга солиб қўйди,— қаттиқ куюнгандек гапирди Тожул Мулк.— Исёнкорларни ўзингга душман қилиб қўйма деб айтгандим унга. Ҳозир булар ё уни ўлдиришади, ё сизни, ҳукмдорим, яхшиси уни қатл қилиш даркор. Йўқса, ҳарбийлар сиздан норизо бўлармикан деб қўрқаман... Бу боёқиш олимга жудаям раҳмим келади!..

Қўрқиб ўтакаси ёрилган амир ҳар нарсага рози эди, бироқ шу онда амир хобгоҳига сарой вакили чопиб кирди.

— Шоҳим, яна мусибат!— нидо солди у.— Оломон бо-

зорга тўпланиб, шу томонга қараб келмоқда. Савдогарлар, ҳунармандлар ва ҳаммоллар вазирнинг ҳаёти хавф остида деб эшитибдилар, уни қутқаргани келмоқдалар...

Бу янгиликни амир ҳам, Тожул Мулк ҳам кутмаганди. Ишга катта куч аралашганини, орада қирғин юз бериб, тахтни ҳам титратиши эҳтимоли борлигини ўйлаб, муғамбир хазиначи бир оз довдираб қолди. Сўнгра фикрга толиб, бу оғир вазиятдан қутулиш чорасини топди ва:

— Муҳтарам ҳукмдорим, сиз ҳожибларга бундан кейин олимни давлат ишларига аралаштирмайман, ҳозирча зиндонда сақлайман, деб жавоб беринг, халқни эса, ҳозирги вазиятда олим учун энг ишончли бошпана зиндон деб ишонтиришга урининг,— деб маслаҳат берди.

Амирнинг Тожул Мулк маслаҳатига қулоқ солишдан ўзга чораси қолмаганди. Вазирларининг ҳимояси учун бош кўтарган шаҳарликлар ҳам ҳукмдорнинг қарорига рози бўлишди.

27

Шу тариқа Абу Али ўз озодлиги бадавлат ва нуфузли дўстларига нимага тушганини сираям билмади.

У зиндонда ётган бир ярим ой мобайнида улар олимни қайси йўл билан бўлса ҳам қутқаришга — зиндонbonларни сотиб олишга, зиндондан қочиришга, ҳукмдорга илтимосномалар ёзиб, уни афв этишга ҳўп уриниб кўришди, лекин ҳеч натижа чиқмади, ниҳоят саройдаги оғолар¹дан бири катта пора эвазига, гўёки олимни Ҳамадондан бадарға қилинган ҳақида амирнинг фармонини чиқариб беришга рози бўлди.

Абу Али зиндондан жудаям қашшоқ бўлиб чиқди. У бир куни хуфтон пайтида ҳамадонлик дўстларидан Абу Сад ибн Дохдукнинг эшигини аста қоқди, Раҳматдан билишича, бу одам ўз уйига таклиф қилган эди.

— Мени уйингизга қабул қиласизми? Бор-йўғидан жудо бўлган бир қашшоққа бошпана бера оласизми?

У жавоб ўрнига кучоғини очди.

Кекса шайх Абу Саднинг сажараси ҳазрат Алининг ўғли имом Ҳусайнга бориб тақалар ва у бу ердаги шиъий-

¹ Оғо — Шарқ ҳукмдорларининг ҳарамларида хизмат қиладиган бичилган эркак ходим,

ларнинг маънавий раҳнамоси саналарди. У кўп йиллар давомида муттасил Карбалого, бобокалонларининг қабри зиёратига қатнади, у ерда савдо-тижорат билан шуғулланиб, катта давлат орттирди. Сўнгги вақтда шогирдлари ва мухлислари даврасида осуда ҳаёт кечирарди. Бадавлат, обрўли савдогарларнинг тавсияси билангина эмас, шахсан ўзи ҳурмат қилгани учун уйига таклиф этилган Ибн Сино бу ерда ўзини хавфу хатардан тамом холи деб ҳис этиши мумкин эди. Ҳатто амирнинг ўзи ҳам мамлакатдаги шиъийларнинг исён кўтаришидан қўрқиб, Абу Сад хонадонининг даҳасизлигини бузишга журъат қилмасди.

Абу Алининг қаердалигини Абдулвоҳид билан Раҳматдан бўлак ҳеч ким билмасди. Олим боғда, чор атрофини узум занглари ўраб олган соя-салқин жойда яшаб, кун бўйи ёзарди. У шарқ донишмандлиги ҳақида китоб бошлади ва айни замонда бир неча рисоалар ҳам ёздики, уларни оққа кўчириш учун Абдулвоҳид уйига олиб кетган эди, у шаҳар четидаги бир кулбада яшаб, устозининг тақдирида ўзгартириш бўлишини кутарди.

— Мен энди сўфийлар ва уларнинг халафларини жуда яхши тушунаман,— дер эди Абу Али содиқ шогирдига ҳазил қилиб.— Энди ўзим ҳам қашшоқликнинг тарғиботчиси бўлишим мумкин! Ҳамма нарсадан маҳрум бўлиш — ҳамма мажбуриятдан қутулиш демак. Ким билади, балки бахтнинг томири ҳам шу заминда ўсгандир? Мен ҳеч қачон ҳозирги ва Журжондаги қашшоқлигимдай осойишта яшаган эмасман... Ҳеч қачон бундай сермахсул ишламагандим. Ҳеч қачон бошимга бундай содда, бундай зарур фикрлар келмаганди! Қара, қўлёзмаларим кун сайин ўсиб бормоқда,— Абу Али қўли билан даста-даста қоғозларни кўрсатди.— Мен учинчи рисоламни тугатаёзим, бунинг номи «Мунозарали масалалар тадқиқи» бўлади. Ҳамадон фақиҳлари нотўғри ҳукм чиқарган баъзи воқеаларни таҳлил қилиб, ўзимнинг фақиҳлигим эсимга тушди, назаримда анча тўғри хулосага келдим... Бўш вақтларда эса, биласанми, дўстим, мен нима билан шуғулланаман?

Абдулвоҳид савол назари билан устозига қаради. У токчадан қизиқ бир асбобни олди, у думи билан юлиб олиниб, тенг иккига бўлинган ошқовоққа ўхшарди. Асбобнинг узунасига торлар тортилганди.

— Мен яна шу нарса устида бош қотирдим. Бунинг номи гижжак бўлади,— деди Абу Али кулимсираб ва шогирдига ўзи ихтиро этган янги мусиқа асбобини узатди.



У эҳтиётлик билан асбобни олиб айлангириб кўрди, назарида унинг қосаси нафас олишдан титрарди, ёғочдан ўйиб ишланган бу нозик асбоб шундай ҳозиржавоб, шундай сезгир эдики, йигит лол бўлиб қолди. Асбоб сал панжа тегса куйлаб юборгудай туюларди. Уни қайтариб бераркан, Абдулвоҳид устозига илтимос назари билан қаради. Абу Али унинг муддаосини пайқаб, мулоким кўлимсираб қўйди.

— Жаноби шайх-ур-раис, — навозишкорона сўз қотди Абдулвоҳид устози нохунни олгунча, — мен сизни дурадгор пичоғини ушлолмайсиз деб ўйлагандим. Энди маълум бўлдики, пичоқ билан ёғоч ҳам бошқа билимлар сингари сизга таслим бўларкан.

Ҳамадоннинг сокин оқшоми бошланди. Осмон мовий тусга кирди. Дарахтларнинг шохлари аста қорайди. Қушлар тунаш учун жой қидириб учиб ўтишди. Ғижжак Абу Алининг қўлида дарахт баргларини шилдиратиб ўтган енгил шаббода каби майин куйларди.

Устози ғижжак чалиб туриб нимани ўйлаган бўлса, Абу Алининг рўпарасида ўтирган Абдулвоҳид ҳам бу куй таъсирида шу нарсани кўрган бўлиши мумкин — она ватаннинг бепоён далалари, боғлари, тоғлари, ложувард осмон, аллақачон ўтиб кетган ёшлик, нозик қўлларини чўзиб турган қандайдир Марям ёки Ширин...

Абу Али сеҳрли куй таъсирида сархуш бўлиб, ҳамон ғижжак чаларди, бу орада ой чиқиб, аввал дарахт учларига, сўнгра бугун борлиққа нур сепди. Агар ичкаридан хизматкор келиб кечки таомга таклиф этмаганда, устоз ва шогирд, моҳир созандаю зийрак шинаванда яна узоқ вақт бу фусункор куйлар сеҳридан қутулолмас эдилар. Шундагина Абдулвоҳид бошини кўтариб, секин шивирлади:

— Бу билан руҳни даволаш, ҳар қандай ғаму гурбатдан тасалли топиш мумкин, устоз!..

Тахминан бир соатдан кейин, кечки таом охирида Абу Сад бундай деди:

— Сизни, муҳтарам Абу Али, бутун шаҳарда қидириб юришибди: Шамс уд-Даула сизни кўришга муштоқ. У яна оғриб қолибди, сиздан бошқа ҳеч ким уни муолажа қилолмайди. Бугун мендан, олимни қаердан қидириб топиш мумкин, деб сўрашди.

Абу Али бир неча дақиқа жим қолди. Унинг юрагида ҳақимлик бурчи билан иззат-нафси орасида кураш борарди. У Шамсдан хафа эди, чунки амир исённинг олдини

олишга заррача ҳаракат қилмаганидек, бу фитнани бостиришга ҳам уриниб кўрмади, лоақал ўз вазирини тезроқ зиндондан чиқариб олишга ҳам ярамади. Амирнинг назарида олимнинг билими ва меҳнатларидан кўра жирканч оғонинг сўзи инобатлироқ бўлиб чиқди, амир, афтидан Ибн Синога бошқа сарой аъёнларига қарагандай қарарди. Эҳтимол бошқаларни ундан аъло кўрарди, чунки уларнинг гаразлари амирга аён эди. Аммо олимнинг беғараз одам-парварлиги ҳамиша ҳукмдорнинг шубҳаланишига сабаб бўларди. Яқинда унга хиёнат қилган одам эндиликда ундан нажот кутмоқда, уни кўришга муштоқ бўлиб турибди.

Абу Али бошини кўтарди, ҳақимлик бурчи ҳамиша голиб чиқарди.

— Агар ҳукмдоримиз бетоб бўлса, албатта, унинг ёнида бўлишим лозим,— деди у қатъият билан.— Эртага ўзим саройга бораман. Бугунги кеча тамом сизнинг ихтиёрингизда, азизим,— мезбонга таъзим қилди у.

— Созандаларга одам юбор, дўстларга хабар қил,— Абу Сад хизматкорига фармон берди.

28

Абу Али саройга қайтиб келганда, уни орада ҳеч гап ўтмагандай кутиб олишди. Бемор амир, одатдагидай, тева-рагидаги одамларнинг ҳаммасига аччиқ-турсук гапирар, зарда қилар, тинмай зорланарди, тузалгандан кейин эса, Абу Алига яна вазирлик лавозимини таклиф этди. Бу илтифотнинг асли сабаби мана бундай эди: Ибн Синонинг ҳаёти таҳлика остида қолганда, олимга бўлган ишончини исбот этган савдогарлар, агар у қайта вазирлик лавозимга тикланса, амирга яна қарз беришга ваъда қилган эдилар. Абу Али ўз озодлигининг сабабчилари бўлган аҳли тижоратни унутолмасди. Бошқа чора йўқ эди, яхшиликка яхшилик қилиш учун бу серташвиш лавозимни қабул қилишга тўғри келди.

Аммо унинг юрагида бу лавозимни биринчи дафъа қабул қилгандаги сингари ҳарорат, унақа жонкуярлик йўқ эди. Бу ерда, Ҳамадонда, унинг халқ ҳаётини яхшилаш ниятида бошлаган ҳар бир иши сарой аъёнларининг мутасил қаршилигига дуч келишини яхши биларди. Анқов зодагонлар мамлакатни қашшоқликдан қутқариш борасида ҳеч қачон ўйлаб кўришмасди. Бир Абу Алининг ўзи

бу нодонлик, бу қолоқлик деворини қулата олмасди. Бунинг устига ҳукмдорнинг унга нисбатан ғайри инсоний қилмишларини унуттиш ҳам қийин эди.

Абу Али кун бўйи ё саройда, ё ўз девонида иш билан банд бўларди. Аммо оқшомлари уй меҳмонга тўларди. У маҳаллий олимларни ва илмга рағбат кўрсатган ёшларни тўплаб, улар билан суҳбат ўтказишни яхши кўрарди. Булар унинг эзгу ниятларини бир даража тушунадиган одамлар эдилар. Ҳамадоннинг кўпгина ёшлари унинг дарсларини ярим кечадан кейин эшитишарди — олимнинг бўш соатлари шу эди.

Меҳмонларнинг баъзилари қимматбаҳо либослар кийиб келса, баъзилари эски-туски чопон кийиб келардилар. Мезбон уларни ҳам, буларни ҳам бир хилда меҳрибонлик билан кутиб оларди. Унинг дастурхони теварагида кекса файласуфга ҳам, мадраса шогирдига ҳам ўрин топи-ларди.

Серташвиш кунларга қараганда тунги соатлар жуда тез ўтиб кетгандай туюларди. Илм ва санъатга бағишланган мажлислар қанча кўнглили, қанча ёқимли бўлмасин, давлат иши ўзига эътиборни талаб этарди. Ўз ташвишларининг бировнинг елкасига юкломмайсан, вазирлик масъулиятини ўзингдан соқит қилолмайсан! Жонга теккан давлат мансабдори вазифасига чор-ночор қайтишга тўғри келарди.

Ҳазина яна бўшаб қолганди. Абу Али кетгандан бери ҳеч ким уни тўлдириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади, ҳолбуки бу бевосита Тоғул Мулкнинг вазифаси эди. Маъмурлар қазила бошлаган ариқ, анҳорларни тўхтатиб қўйишди. Ҳамадонда яна қурғоқчилик бўлиб, ердан ҳеч нарса унмади.

Абу Али қайтиб келгандан кейин тинчиб қолган ҳарбий бошланқлар яна гивирсиб, амирни бой Тарим амирлигига қарши урушга даъват қила бошладилар.

— Мен биламан, сиз урушга қаршисиз,— олимнинг кўзига қарамай гапирди амир Шамс уд-Даула бир куни.— Мен ҳам бу хусусда сиз билан маслаҳат қилмоқчи эмасман, ўзим билан Убайдуллоҳ ат-Таймини урушга олиб бораман, сиз бу ерда қоласиз. Мен мамлакатим ишончли қўлда эканига қаноат ҳосил қилиб кетмоқчиман.

Амирнинг товуши қалтираб кетди. Абу Али унда ясама эмас, ҳақиқий ҳаяжонни сезиб қолди. У Шамснинг юзига тикилиб қаради. Амирнинг ранглари ўчган, юзи шишинқираган ва носоғ кўринди.

«Назаримда унинг ҳарбий юришлари интиҳосига етди. Эҳтимол у шуни пайқагандир»,— ўйлади олим ва овоз чиқариб, бундай деди:

— Сиз ўз саломатлигингиз ҳақида сира ўйламайсиз, ҳукмдорим, йиллар ўтиб боряпти, бундай қила берсангиз, соғайиб салимул аъзо бўлолмайсиз.

Шамс қўл силтади.

— Очлик ва ҳапдори ичиш жонимга тегди. Зафар мени ҳар қандай ҳақимдан яхшироқ муолажа қилади... Мен,— бир оз жим қолиб яна бошлади у,— Тожул Мулка кўзқулоқ бўлиб туришингизни сўрардим. Баъзан бошимга шундай фикрлар келади: назаримда, у оллоҳ таоло белгилаган вақт-соатни кутмай, тахтдан мени тушириб, ўғлимни чиқаришга тайёрдай кўринади. У жудаям боланинг пинжиги кириб, уни ўзига ром қилиб олди. Бунақа ишлар ғаразсиз қилинмайди. Сама сизни яхши кўради, у билан бир гаплашиб кўрсангиз... Эҳтимол у Тожул Мулка қулоқ солмай кўяр...

— Шоҳим, мен сизни аллақачон огоҳлантирган эдим. Энди кечикмадикми, деб кўрқаман...

— Эсимда бор,—Шамс гуноҳкорлардек Абу Алига қаради.— Биламан, сиз ҳамиша ҳақ бўлиб чиқасиз. Ўзим саломат, мамлакатим бой ва қудратли бўлган даврларда сизнинг маслаҳатларингизга қулоқ солмай чакки қилган эканман... Жангдан қайтгач, мамлакатни бошқачасига идора қиламан...

Бу амир билан Ибн Синонинг охирги суҳбатларидан бири эди.

Бир неча кундан сўнг Шамс ҳарбий юриш эълон қилди.

Қўшин Ҳамадон девори орқасида саф тортди. Майдонни ноғора ва карнай садолари тутиб кетди. Отлар турган ерида ўйнар, суворийлар юганни маҳкам тортиб, уларни аранг идора этардилар. Қуёш нури қалқон ва совутларга, отларнинг темир безакларига тушиб ярқирарди. Ғарбга қараб кетган йўлда қўшин учун овқат ва қурол-аслаҳа ортилган туялар турна қатор бўлиб кетиб борарди.

Шаҳар дарвозасидан бир қисм ҳарбийлар от чоптириб чиқишди. Булар, амир, унинг шахсий муҳофизлари, ҳожиб-

лар ҳамда вазиру вазаролар эдилар. Амир ўзининг саман отига миниб, қоматини тик тутиб турса ҳам, йўлда у тушиб кетиши учун алоҳида арава ҳозирланганди. Унинг катта салласи, унга қистирилган тожи, қиличи, отнинг эгар-жабдуқлари, вазир-вазароларининг либослари сон-саноқсиз қимматли безаклардан ялт-ялт қилиб ёнарди. Буларнинг бари ҳарбий юришга қувноқ бир сайру саёҳат тусини берар эди. Амирнинг орқасида зар тикилган ипак байроқ кўтариб, норғул яловбардор турарди.

Амир югани сал бўшатиши билан саман оти уни шамол тезлигида сафнинг олдига обориб қўйди. Шамс фармон кутиб турган қўшин олдида от ўйнатиб, қиличини ғилофидан суғурди-да, уни уч марта ҳавода ўйнатди. Мингбошилар қўмонда беришди, юзбоши ва ўнбошилар уни такрорлагач, қўшин йўлга тушди.

Абу Али ёнидан ҳожиблар от чоптириб ўтишди. Улардан бири, олимга мушт кўтариб, кўзларини олайтириб ўтди. Бу амир шахсий муҳофизлари бошлиғи эди.

Вазир Шамсни биринчи қишлоққача кузатиб борди. Хайрлашган чоғда амир ўз илтимосларини такрорламади, ammo вазирига шундай қарадики, Абу Али уни сўзсиз тусунди. Шамснинг нигоҳида ташвиш ифодаси бор эди.

Абу Али қўлини кўкрагига қўйиб таъзим қилди, Шамснинг чеҳраси бир оз ёришди.

— Мен сизга ишонаман,— шивирлади амир хайрлашув ўтказилган чодирдан чиқаётиб.

Орадан ўн кун ўтмай, навкарлар Шамс уд-Дауланинг шишган, ҳидланган мурдасини пойтахтга кўтариб келишди, қарийб йигирма беш йил Ҳамадонни идора қилган ҳукмдорнинг ҳаёт йўли ҳарбий юришда тугади.

Дафн маросимига ҳарбий юришни ўзбошимчалик билан барбод этиб, орқага қайтган қўшин ва унинг саркардалари қатнашди. Улар янги ҳукмдорга — Шамс уд-Дауланинг кичкина ўғли Сама уд-Даулага садоқат билдириб, қасамёд этишга ошиқдилар.

Дафн ва қасамёд маросими гўёки Тожул Мулкнинг шахсий ғалабасига айланди. Бу кунларда у ўзини шундай сипоҳ қилиб кўрсатдики, гўё амирнинг валнаҳдига эмас, унга қасамёд қилинганди. У ҳаммага хайрихоҳона табасум ҳадя этиб, ҳаммага ваъда қиларди. Ҳатто Абу Алининг ҳам елкасига қоқиб, бирга аҳил бўлиб ишлашга ваъда берди. Тожул Мулк бир неча йиллар мобайнида саройдаги хотин зотини беҳудага авраб юрмаганди. Шамс уд-Даула-

нинг беваси ёш ҳукмдорни Тождул Мулкнинг оталигига топширди-қўйди. Шу тариқа собиқ хазиначи Ҳамадон давлатининг энг муҳим сиймоси бўлиб қолди.

Абу Али бу мугамбир сарой аёни ўз ваъдасидан қайтишини кутмай, қасамёд этмай туриб, бу даргоҳдан қочишга ҳаракат қилди. Уйда қолиш жудаям хавфли эди. Қаёққа кетишини ҳам билмасди, бунинг устига у Ҳамадонга таклиф этилган қариндошлари келиб қолар деб умидвор эди.

Эски дўсти Маҳмудиддин Абу Алининг бекинишига ёрдам қилди. Атриётлар ва упа-элик савдогари ал-Атторнинг назар ногиро уйда олим ўзини бир вақтлар Абу Сад хонадонидаги сингари хавф-хатарсиз ҳис этди.

Яширинча Абу Алининг олдига келиб-кетиб турган Маҳмудиддин савдогарлар ва ҳунармандлар уни ёш ҳукмдорнинг вазири ва раҳнамози ўрнида кўриш ниятида эканликларини айтди.

— Мен давлат ишларидан кетмоқчиман,— қатъият билан гапирди Абу Али,— менинг ишим — илм-фан. Бунда мен кучлиман, сарой можаролари эса менга бегона, мен уларни тушунмайман, тушунишни ҳам истамайман. Ҳозир менинг бутун фикру зикрим қариндошларимнинг келишларини кутиб, улар билан бирга қаёққадир узоқ, тинч бир тарафга кетишдир.

— Сиз бу ердан қочишингиз даркор,— кутилмаганда таклиф этди Маҳмудиддин.— Ҳозирча Йисфаҳон ҳукмдори Ала уд-Даулага мактуб ёзинг. У олимларга ҳомийлик қилади, сиз унинг саройида тинч маскан топасиз... Хатни менга берасиз, мен уни ишончли одам орқали юбораман...

Абу Али узоқ ўйлаб ўтирмай, дўстининг маслаҳати асосида иш кўрди. Хатни ёзиб бўлгач, назарида ҳозир қўлидан келадиган ҳамма ишни қилгандай туюлди. Шу билан хотиржам бўлган Абу Али яна ишга киришди.

Ал-Атторнинг уйда унинг на қалам-қоғози, на китобу дафтари бор эди. Хўжайин унга бир даста қалин Самарқанд қоғози, қалам, сиёҳ ва довот келтириб берди — Абу Алига бундан бошқа ҳеч нарса керак эмасди. У ишга киришди. Унинг энг зўр таянчиги ажойиб хотираси — муҳофиза кучи эди. У бир вақтлар ўқиб чиққан ҳар бир китоб хотирасида абадий нақшланиб қоларди. Шунинг учун китоблардан кўчирилган парчаларга, илгаритдан ёзиб тайёрланган ҳар хил маълумотга эҳтиёж сезмасди, ҳамма нарсани саҳв-хатосиз ёд биларди.

У бировнинг уйида яшаб, эртаси хавфу хатарсиз ўтишига ишонмагани ҳолда, ҳеч нарсани ўйламай, сабот билан ишлади. «Меҳнат — мен учун ҳаёт, — такрорларди Абу Али, — қолган ҳаммаси шунчаки мавжудият!»

Шундай қилиб, ал-Атторнинг уйида аллақачон бошланган «Аш-Шифо»нинг икки катта қисми тайёр бўлди. Унинг биринчи қисми илоҳиётга, иккинчиси табиётга бағишланганди. Унда Ибн Сино юлдузга қараб фол очиш, алкимё, сеҳргарлик каби ҳамма сохта илмлар устидан ўлим ҳукми чиқарди. Шу ерда у номаълум сабаблар натижасида вужудга келадиган кўп табиий ҳодисаларга тегиб ўтганди.

Абу Али ал-Атторнинг уйида яшириниб юрган кунларда унинг укаси Маҳмуд ибн Сино узоқ йўл юриб, кўп азоб-уқубат чекиб, ниҳоят Ҳамадон шаҳрига етиб келди. У тасодифан учраган бир савдо карвони билан биргалашиб келди, у акасини кўрмоқчи, Урганчдан Ҳамадонга кўчиб келиш мумкинми-йўқлигини билмоқчи эди. У йўлда учраган савдогарлардан пойтахтда рўй берган воқеаларни эшитганди. Улар, вазир ўз лавозимидан воз кечиб, шаҳардан ғойиб бўлди, деб айтган эдилар. Маҳмуд Абу Алининг ўзи ҳақида бирор хабар қолдирмай кетганига ишонмади. Аммо янгиликлар Маҳмудни жуда ҳам эҳтиёт бўлишга мажбур этди. У назар ногиро бир карвонсаройга тушиб, ўзини бошқа ном билан таништирди, ошиқмай, зимдан ҳар нарсага сарсоб солиб юриб, акасининг қаердалигини, унинг ҳоли не кечганини билишга уринди. Охири Абу Али укаси Маҳмуднинг келиши ҳақида огоҳлантирган савдогарни топиб олди.

30

Маҳмуд ибн Сино ярим тунда савдогарнинг хизматкори орқасидан Ҳамадоннинг тор, эгри-бугри кўчаларидан юриб борарди. Ой аллақачон ботган, кеча зимзиё эди.

Улар гўё интихосиз ер ости йўлагидан юриб борардилар, Маҳмуд ўз йўлбошчисининг бу чироқсиз зулумотда тор кўчаларнинг кайрилишини қандай топиб бораётганига таажжубланарди. Ниҳоят, хизматкор бир эшикни аста тақиллатди, бир оздан сўнг эшик аста очилиб, келганларни ичкарига бошлаб киришди.

Қарийб ўн йил давомида кўришмаган биродарлар ўзла-

рини бир-бирларининг оғушларига отиб, хийлагача бирор сўз деёлмадилар. Биринчи бўлиб каттаси ўзига келди. У Маҳмудни кўрпачага таклиф қилиб, унга узоқ тикилиб қолди, Абу Али қирқ яшар укасига қараб, уни тарк этган, лекин ўз хотирасида қолган ёшлик нишонларини қидирарди. Бу нишонлар укасида кўринмагач, эҳтимол ўзим ҳам тамом ўзгариб кетгандирман, деб ўйлади. Ана шунда унинг юзларида надоматни ифодаловчи истеҳзо пайдо бўлди.

Маҳмуд кўп янгиликлар топиб келди. Улар иккиси ҳам ҳурмат қилган мушфиқ оналари Ситорабону яқинда оламдан ўтибди. У охириги нафасигача меҳрибон Хусайнини эслаб, оллоҳдан, уни бир лаҳза кўришни насиб эт, деб сўрабди. Али катта бўлиб қолибди, ўқишда пешқадам шогирдлардан экан. Маҳмуд, йўлда бирор кор-ҳол рўй бермагай, деб бирга олиб келишга ҳайиққан. Жаъфар ҳозир Урганчнинг энг забардаст олими саналади, лекин ўзини бахтиёр ҳис этмайди. Хоразм Ғазнанинг оддий бир вилоятига айлангандан сўнг у ерда олимлар эркин фикр айтишдан маҳрум этилган.

— Хўш, Солиҳ қалай, Гулнора-чи?

— Солиҳ Урганчга қайтгач, савдо-тижорат билан шуғулланди, омади келиб иши ривож топди. Аммо Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни забт этгандан сўнг Солиҳ дилгир бўлиб, бу ерда қолишни истамасди. Шу даврда катта савдо карвони рус элига қараб жўнашга ҳозирланди, Солиҳ ҳам шулар билан кетди. У Новгородга бориб, ўша ерда дўкон очди ва катта савдогар бўлиб қолди. Гулнора боласини олиб эрининг олдига кетди. Аҳволлари яхши, аммо ўз ватанларини ёдлаб эслари кетади! Солиҳ охириги мактубида сизга салом айтиб, сизни ўзининг халоскори деб атайди.

Ибн Сино ўзи сўрашга тортиниб, Маҳмуднинг Робиа ҳақида гапиришини сабрсизлик билан кутарди. Мана, охири у хотини ҳақида ҳам эшитди.

Ақасининг юрагидаги ярани янгиламаслик учун у ўз вақтида Робиянинг эрга теккани ҳақида мужмалроқ қилиб ёзганди. Энди Маҳмуд акаси ҳозиргача билмаган ҳамма гапларни айтиб берди. Робиа Маҳмуд Ғазнавийнинг бир вақтлар Абу Алига қимматбаҳо маржон ҳадя қилган вазирига тегибди. Робиа худди шунинг учун биринчи эридан осонлик билан ажралиб кетган. У ҳозир бахтлими-йўқми, айтиш қийин! Робиянинг хулқида жуда кўп зиддият ва ўзига хослик бор. У ҳали ҳам соҳибжамол! Унга ҳали ҳам эркаклар маҳлиё, ёшлар ҳали ҳам ишқий ғазаллар

бағишлайди. Аммо унинг ўзи нияти нима эканини билмайдди. Баъзан уни ғам босади, енгилтаклик билан қўлдан чиқарган бахт қушидан надомат чекканга ўхшаб кетади.

Ака-ука тун бўйи гаплашиб, ўтмишни эслашди, келажакнинг режаларини тузишди. Маҳмуд бировга билдирмай, бу уйдан чиқиб кетиши лозим бўлганидан, субҳидамга бориб хайрлашдилар. Улар Абу Алига Исфаҳондан жавоб келиши билан шу ёққа кетишга қарор қилган эдилар.

Ака-уканинг бу қарорни амалга оширишларига яна ўша Тожул Мулк монелик қилди. Ала уд-Дауланинг олимга юборган хатларидан бири унинг қўлига тушди. Уша кечасиёқ амир навкарлари ал-Атторнинг уйига бостириб кириб, Ибн Синони қамоққа олишди.

31

Ҳамадонликлар бир неча асрлар муқаддам пойтахт остоналарини ҳимоя қилиш учун қалъа қурган эдилар. Бу қалъа ўқ отиш учун тешиклар қўйилган кенг, баланд девор, занглаган занжирлар кўтариб турган осма дарвоза, пойтахт муҳофизлари турадиган бинолар, қалъа бошлигининг уйи ва зиндондан иборат бўлиб, унда ақлдан озган, жинояти ҳамманинг хотиридан кўтарилган бир бадбахт кўп йиллардан бери азоб чекиб ётарди. Абу Алининг янги уйи мана шундан иборат эди.

Олим ўзига кўрсатилган хонага кириши билан бошида мана бу аччиқ сатрлар жаранглаб кетди:

Бу даргоҳга қадам қўйдим, машаққат иш эмас кирмоқ,
Ва лекин қайтибон чиқмоқ бўлуր минг бора мушкулроқ

Агар шу ерда ёшлиги ва хотирасинигина эмас, ақлини ҳам йўқотган ана у бахтсизнинг тақдирини ҳисобга олганда, ростдан ҳам бу ердан сиҳат-саломат чиқиб кетиш гумон эди. Ким билади, Абу Алининг қисмати ҳам шундай бўлар?

Аммо олим бу хусусда узоқ ўйлаб турмади. У тўнг отардан қош қорайгунча ёзар, фақат қош қорайиб кечки салқин тушгандагина қалъа деворига чиқарди. Абу Али камончани ғижжақ торлари устида оҳиста юргизиб, мовий осмонга, Элвенд¹нинг оқ чўққисига назар соларди.

¹ Элвенд—Эрондаги бир тоғ чўққиси.

Аста-секин қоронғи қуюқлашиб, тоғ этакларидаги ўрмонлар қорая бошлади, осмонда бирин-кетин юлдуз чирроғи ёниб, тутқунга устози Нотили билан қўшни масжид минорасига чиқиб, сайёраларни кузатган чоғларини эслатди. Шундан бери қанча ўзгаришлар юз берди! Қанчадан-қанча одамларнинг умр чирроғи сўнди!..

Кўпни кўрган кекса зиндонбон Ҳай ибн Яқзан, Абу Али юлдузларга қараб ўзининг озод бўладиган кунини билмоқчи шекилли деб ўйлаб, унга яқин келди:

— Тақдирингни синамай қўя қол, ўғлим! Тақдир ўзи сени қидириб топади, сен ундан қочиб қутулмайсан. Наинки юлдузлар келажагингни айтишга қодир бўлса? Тақдирни юлдузлардан сўраш — бойларнинг эрмаги, фирибгар мунажжимларнинг даромади!

— Йўқ, ота,— кулимсиради Абу Али,— мен юлдузлар билан келажак ҳақида эмас, ўтмиш ҳақида гаплашмоқдаман.

— Ўтмиш ҳам бир вақтлар келажак эди, шунингдек, келажак вақти келиб ўтмиш бўлиб қолади. Гарчи юлдузлар ўтмишни кўрган ва келажакни кўришлари муқаррар эса-да, барибир улар ҳеч нарса демайдилар. Уларнинг биз билан иши йўқ!

Ҳай ибн Яқзан оддий, бесавод сарбоз бўлса ҳам, унинг суҳбатидан Абу Али тасалли топарди, чунки бу қариянинг бутун вужудидан фавқулодда бир осойишталик анқирди. Барваста, семиз, мошкичири соқоли кўкрагига тушган бу одам зоҳири кўриниши билан ювош айиқни эслатса ҳам, жиддий, ўйчан кўзлари бу ғалати қиёфада олижаноб, меҳрибон қалб борлигини кўрсатиб турарди.

Қария соддадил ва шинаванда эди. Уйқусизлик касалига мубтало бўлганидан суҳбатдош келиб, кечанинг бир қисмининг гап билан ўтказиш имкони туғилганидан севинарди. Абу Али Шамс ва отасининг кўп ҳарбий юришларига қатнашган, кўп воқеаларнинг жонли шоҳиди бўлган бу оддий сарбоз билан шу тариқа танишди.

Чол ўз кўрган-кечирганларини шу қадар батафсил, шу қадар жонли қилиб гапириб бердики, Абу Али буларни бошдан-охиригача, бирор сўзини қолдирмай ёзиб олмоқчи бўлди, аммо бир оз ўйлаб, у фақат асосий масалаларни олишга қарор қилди. Шундай қилиб унинг бошида «Ҳай ибн Яқзан» номли фалсафий қисса шакллана бошлади. У ўзини ўраб олган муҳитнинг моҳиятини идрок эта билган, табнатга яқин оддий одамнинг маънавий инкишоф босқич-

ларини кўрсатиб берди. Қисса устида олиб борилган ижодий меҳнат тутқун ҳаётнинг якраглигини билинтирмай турди. Шу бўлмаганда қамоқ тезда азобга айланарди.

Кунлар кетидан ойлар ўтиб кетди. Бу орада Абу Али ташқи оламдан бирор хабар эшитмади. Аммо қудратли қўшнилари қуршовида қолган кичик мамлакатга кун йўқ эди, подшоҳнинг тахти ҳам мустақил эмасди. Бир куни эрталаб Ҳай олимга, яқинимизда уруш боряпти, Ҳамадон қўшини кечаси қалъа атрофига чодир тикди, азонда Исфаҳон томонга жўнаб кетди, деб хабар қилди. Абу Али буни озодликнинг биринчи хабари деб билди.

Дарҳақиқат, орадан бир ҳафта ўтмай, Ибн Сино тўрт ой тутқунликда ётган Фаражон қалъаси Ҳамадоннинг энг мўътабар кишилари учун бошпана бўлиб қолди. Исфаҳон ҳукмдори Ала уд-Даула бир неча кун ичидаёқ урушда ғолиб чиқиб, Ҳамадонга бостириб кирди, Сама уд-Даула ва унинг отахони Тожул Мулк эса қалъага яшириндилар. Мамлакат ҳукмдорлари ва улар қамаб қўйган тутқун бир хил вазиятга тушиб қолдилар.

Собиқ хазиначи Исфаҳон амири Ала уд-Дауланинг Абу Алига бўлган яхши муносабати ғолиб билан музокара вақтида Ҳамадоннинг мағлуб ҳукмдори учун фойдали бўлишини дарҳол тушунди. Шунинг учун у юзини қора қилиб, заррача эманмай:

— Муҳтарам Абу Али, бу ерда сизга муносиб иззат-ҳурмат кўрсатган бўлсалар керак деб ўйлайман? Эҳтимол сиз бу ерда ҳеч нарсага муҳтож бўлмагандирсиз?— кира солиб одатдаги сохта табассум билан олимга мурожаат қилди Тожул Мулк.— Биз сизга биров заҳмат етказолмайдиган бошпана топишга ҳаракат қилган эдик. Чунки қутурган ғуломлар тўдасининг уйингизга бостириб кирганлари ҳамон хотирамда!

Тожул Мулк олимнинг жавобини кутмай, ўз хонасига ўтиб кетди, Абу Али тушундики, ҳозирдан бошлаб у зиндонга тушишини тутқунлик эмас, унинг ҳаётини сақлаш учун ҳукмдорнинг ғамхўрлиги деб санаши лозим экан.

Бошқа чора йўқ эди — маккор Тожул Мулкнинг найрангларига бардош беришга тўғри келарди, чунки Абу Али унинг йўлини тўсишдан ожиз эди.

Сулҳ музокаралари вақтида Абу Али Ала уд-Даула билан саройда — кўпчилик орасида кўришди. Тожул Мулк уларнинг яккама-якка учрашмасликлари учун бутун чораларни кўриб қўйганди. Бироқ ғолибнинг олимга кўрсатган

ҳурмати собиқ хазиначининг ҳийла-найрангларини бир пул қилиб қўйди.

Исфаҳон ҳукмдори ишончли одам орқали Абу Алига салом айтиб, қўшни амирликка қарши бошлаган ҳарбий юришдан қайтгунча кутишини сўрабди, ўшанда мўътабар меҳмонни муносиб эъзоз-икром билан қабул эта олар экан.

Ала уд-Дауланинг муруввати олимга бўлган муносабатни ҳал қилди. Музокаралар тамом бўлиши биланоқ Тождул Мулк ва Сама уд-Даула олимни иззат-икром билан ўзлари Ҳамадонга олиб кетишди.

32

Тождул Мулк Абу Алига икки йил муқаддам Шамс уд-Дауланинг исён кўтарган ғуломлари уни зиндонга олиб кетган илгариги уйга кўчиб боришни таклиф этди. Ушандан бери бу уй бўм-бўш ётарди — деразалари синган, эшиклари турмидан суғуриб олинган, бўш хоналарида эса чўлдан эсган шамол елиб-югурарди. Бундай уйга кўчиб келиш мумкин эмасди. Аммо содиқ дўстлар яна ёрдам қўлларини чўзишди, уй битгунча олимга бошқа муносиб жой топишди, ҳозиргача шаҳарда яшириниб юрган Маҳмуд акасининг шогирдлари билан бузилган иморат таъмиротига киришди.

Ниҳоят, кўпчиликнинг саъю ҳаракати билан бу иморат ўз шаклига келиб, ҳатто эски ҳашаматини эслатадиган бўлди. Энди талон-тарождан омон қолган, қўни-қўшни ва ошна-оғайниларнинг уйларида сочилиб ётган буюмларни тўплаш керак эди. Абдулвоҳид Раҳмат ва Ибн Синонинг севимли шогирдларидан бири Алишернинг кўмагида олимнинг китобларини ташиб келтирди. Учовлон китобларни токчаларга тера бошладилар.

— Устозимизнинг билими жудаям кенг! — деди Абдулвоҳид Алишерга, хаттот кўчирган янги жилдга қараб туриб. — Мен боя унинг «Юрак касалликлари ҳақида» деган китобининг варақларини тартибга солиб чиқдим, ҳозир қўлимда «Қушлар ҳақида рисола»си турибди. Сен қутидан унинг «Жуғрофия, давлат ва қитъалар» номли китобини олдинг, кўриб турибман, сенинг у ёғингда «Бурчаклар ҳақида» номли мақола турибди. Токчадаги китобларга бир қараб қўй! Уларнинг ҳар бирига қанча меҳнат кетган, бун-

ча китобни ёзиш учун қанча китобларни ўқиб чиқиш, қанча билимга эга бўлиш керак!

Алишер тоқчага яқин келиб, олдида турган китобларга қарай бошлади.

— Мана у кишининг дарсда бизга айтган «Илми ҳайъат» китоблари, мана «Эзгулик ва ёвузлик» номли китобларининг икки жилди, унинг ёнида устознинг «Муסיқа санъатига кириш» деган рисоалари,— Алишерга кўрсатди Абдулвоҳид.— Мана бу мақолани эса сохта олимлар жон деб ўтда ёндирган бўлардилар.

У гиламга ўтириб, Раҳмат олиб келган қопдан титилган қўлёзмаларни олиб олдига ёзиб қўйди.

— Мақоалардан бири мунажжимларнинг сафсаталарини рад этади, иккинчисида устозимиз тилсимот, тумор, дуохонлик, бахши-қушночлар ва жодугарлик устидан кулади. У киши бундай деб ёзибдилар,— Абдулвоҳид ҳадиксираб атрофга қаради, бегона одам йўқлигига қаноат ҳосил этгач, давом этди:— «Мусулмон авлиёлари орасида бунчалар тарқалган башорат этиш — руҳий хасталик самараси бўлиб, ҳеч қандай илоҳий асосга эга эмас...» Бундай фикрларни айтган устозимизнинг «Жон ҳақида» номли китобига мана бу зайлда сўзбоши ёзиши таажжуб эмас, албатта. «Мен бу сирни энг яқин шогирдларимга ўқитиш учун очдим... Аммо ўз таълимотимни қабул этган шогирдларим ва дўстларимга менинг фикрларимни норасо одамларга айтишларини, қўлёзмани хавфли жойда сақлашларини ман этаман...» Раҳмат ога,— хизматкорни чақирди Абдулвоҳид,— кўриб қўйинг, буларнинг барини мана бу жойга қўйяпман! Бирор ҳодиса рўй берса, ҳаммадан олдин шуларни йиғиштиринг.

Китоблар жуда кўп эди. Ҳамма тоқчалар китоб билан тўлди. Аммо яна бир қоп бўшатилмай қолган эди. Абдулвоҳид уни очиб, ичидан сариқ ва қизил сахтиён муқовали катта-катта китобларни олди.

— Бу нима?— сўради Алишер унинг тепасига энгашиб.

— Устознинг энг улуғ асари «Ал-Қонун»,— жавоб берди Абдулвоҳид.— Беш китобдан иборат бу мажмуаи кабир табобат илмининг мукамал қомусидир.

Алишер билан Раҳмат «Ал-Қонун»га жой қидиргунларича Абдулвоҳид «Аш-Шифо» китобини очди. У бу китобни қайта-қайта кўчиргани учун шерикларига ёддан қуйидаги сатрларни ўқиб берди: «Биз бу ерда Арасту

фалсафий мактаби давомчилари усулини танлаб, мураккаб масалаларни ҳал қилишга уриниб кўрамиз. Биз кўп илм аҳллари кўрдикки, улар аҳамиятсиз ва аниқланиши осон масалаларни талқин этганда, бутун кучларини сарф қилиб, тадқиқотнинг ҳар хил далил ва воситаларини ишга солишади, аммо оқилона далиллар талаб этиладиган мураккаб масалаларга келганда уни дарҳол четлаб ўтишади. Биз бу масалада бошқа йўлдан борамиз деб умид қиламиз...»

Абу Алининг аксари китобларини Абдулвоҳид кўчирганди, бинобарин, уларни бошидан охиригача яхши биларди. Аммо улар танишгунча кўчирилган китоблар ҳам бор эдики, уларни яхшилаб ўқиб чиқишга ҳозиргача вақт етмай келарди.

Абдулвоҳид шулардан бири «Эвклид ҳандасасининг боши» номли китобни олиб варақлади, сурат ва чизмаларга қизиқиб қараб қолди.

«Буни ҳам Абу Али шогирдлари учун ёзган,— ўйлади у.— Бу унинг Журжондаги ишларидан бири. У мисгарнинг уйида истиқомат қилган даврида шу иш билан шуғулланаётганини бир бор айтган эди. Дарвоқе, мана буни-си нима экан?— Абдулвоҳид бир неча варақ қоғозни олди.— Эҳтимол устоз бирор асарига илова ёзгандир...»

Абдулвоҳид қайси бобга тааллуқли экан деб биринчи варақни ўқиб кўрди. Майда хат билан ёзилган саҳифанинг тепасида сарлавҳа кўринди:

«Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сионинг таржиман ҳоли, ўзи ёзгани».

Ҳайратда қолган Абдулвоҳид ўқишда давом этди. Устозидан ўз таржиман ҳолини ёзаётгани ҳақида ҳеч қачон эшитмаганди. Аммо шогирдлар учун ҳам, келгуси авлодлар учун ҳам яхши бўлибди! Фақат шуниси ёмонки, бу ерда жуда қисқа ёзилган. Болалиги, ўқиш йиллари ва кекса мураббийси Нотили ҳақида озгина, холос. Ҳаёт йўли тасвири Деҳистондан Журжонга қайтиш билан узилиб қолади.

«Журжонда менга Абу Убайд Жузжоний шерик бўлди. Мен ўз аҳволим ҳақида қасида ёздим, у мана бу байт билан бошланади:

Мен олим бўлдим у олам менга тор бир қафас бўлди,
Кўнги паймонаси лим-лим, тутай кимга шаробимни?

Абдулвоҳид ўз номи эслангани учун жуда мутаассир бўлди. У янги номига шу қадар ўрганган эдики, асли исми — Жузжонийни унутиб юборишга тайёр эди. «Аммо

устоз унутмабдилар... У киши эҳтимол бу нарсани ташлаб юборгандирлар, балки давом эттиришни истамасалар керак. Бироқ ул зот менинг номимни бекорга эсламаганлар,— ўйлади Абдувоҳид,— уни мен давом эттиришим лозим...»

33

Анча вақт ўтди. Бухоро, Хоразм ва Исфаҳон ариқларидан кўп сувлар оқди.

Абдувоҳид хонтахта ёнига ўтириб олиб, шам ёруғида устознинг чала қолган таржимаи ҳолини ёзарди. У бир оз фикрга толиб, сўнги жумласини қайта-қайта ўқирди: «Шу тариқа анча вақт ўтди. Бу орада Тождул Мулк кўп нарсалар ваъда қилса ҳам, бирортаси рўёбга чиқмади. Охири шайх-ур-раис Исфаҳонга қочиш кераклигини пайқаб қолдилар, мени, укалари ва яна икки хизматқорни олиб, Ҳамадондан Исфаҳонга жўнадилар. Йўлда бизни таниб, тутиб олмасинлар деб ҳаммамиз сўфиёна жанда кийиб олдик...»

Абдувоҳид узоқ йўл азобидан кейин Исфаҳонга етиб келганларини, шаҳар дарвозаси олдига тўпланган халқнинг кутиб олиш маросимини эслади. Кейин унга айтишларича, кўпдан бери зориқиб кутилган улуғ олимни кўриш учун одамлар бу ерга эрталаб тўпланган эканлар. Абу Али сарой дарвозасига етиб келгунча халқнинг олқиш садолари тинмади, у саройга яқинлашгач, сакраб отдан тушди-да, шерикларидан олдинга ўтиб, гилам поёндозлар устидан юриб кетди.

Кейин нима бўлганини Абдувоҳид устозидан сўраб олмагунча ёзолмайди, чунки бошқа тафсилотни у кўролмади. Устоз олдида ланг очилган сарой дарвозаси унинг камтарин шогирди олдида ёпилди.

Абдувоҳид кўролмаган тафсилот мана бундай эди: эшиклари катта очилган қабулхона олдида Абу Алини кутиб Исфаҳон ҳукмдори Ала уд-Дауланинг ўзи турарди.

Унинг ёши анчага бориб қолган эса-да, қадди-қомати келишган, ёш йигитдай чаққон эди. Чўзинчоқ юзи, қийғир бурни остидаги ингичка, узун мўйлови, қўй кўзлари унинг қиёфасини салобатли ва хотирдан чиқмайдиган қилиб қўйганди. У Абу Алини зўр иззат-икром билан қарши олди. Уни ўз ёнига ўтқазиб, қўлига катта зумрад кўзли узугини тақиб қўйди, олимнинг изҳори миннатдорлик қилиб айтган сўзларига жавобан бундай деди:

— Жаноби шайх-ур-ранс, сиз файласуфлар сардори, ҳақимлар султони, олимлар халифасисиз! Сиздан сарой ҳақими лавозимини қабул қилишингизни сўрайман, яна шунини ҳам хотири муборақларида тутсинларким, бу жаноблари мени ҳузуримда туриб борадиган йўлнинг фақат бошланиши. Энди марҳамат қилиб ўзларига ажратилган уйни бориб кўрсинлар, кечқурун эса саройнинг мўътабар аёнларини ўз суҳбатлари билан баҳраманд қилгайлар.

Абу Алини амир саройидан ўзига ажратилган уйга ҳам худди шундай тантана билан кузатиб қўйишди. Унинг уйи Зиндаруд соҳилидаги катта бир боғда бўлиб, дарёнинг сувлари бинонинг мрамор зиналарини ювиб турарди.

Кечқурун Абу Али Ала уд-Даула ўз шарафига ташкил этган зиёфатнинг энг мўътабар меҳмони бўлди.

Амир ёнида ўтирган Абу Али ҳозир бўлганларга кўз қирини ташлаб, бир неча таниш одамларни кўриб қолди. Мана рўпарада Шамс уд-Даула ҳаёт вақтида Ҳамадондан қочиб кетган риёзиюн ал-Қаливий, унинг ўнг томонидан шоир Баламий ўтирибди, бу зот бир вақтлар Абу Али билан Райда яшаб, ҳар бир асарида малика Сайидани мадҳ этарди. Шоирдан беш киши нарида юзлари қовоқдай бир киши ўтирибди, бу ҳам танишдай туюлди. Ажабо ким бўлди экан? Уч бағбақа унинг бошини тираб турибди. Осиқ қовоқлари орасидан кўзи аранг кўринади, елпиштовқдай семиз юзидаги катта ясси бурни эзилган анжирни эслатади.

«Дарвоқе, бу менинг эски дўстим Убайдуллоҳ ат-Тайми-ку!— кулимсираб эслади Абу Али.— Яна мен унинг йўлини тўсаман, шекилли. Ҳар ҳолда менинг мавжудиятим унинг иштаҳосини бўғмайдиган кўринади».

Амирнинг оҳиста қарсак уриши олимнинг фикрини бўлди.

Улкан хонанинг нариги четидаги парда орқасидан уд садоси эшитилиб, кимдир майин, дилбар овоз билан қўшиқ бошлади. Абу Али қулоқ солса, ўз ғазали куйга солиниб айтилмоқда экан. Ростдан ҳам амир олимга иззат-ҳурмат кўрсатишда ҳаммадан ҳам ўзиб кетди.

Аммо сарсон-саргардонликлар ва улғайган ёш ора-сира ўзини кўрсатиб туради. Эъвоз-икром қанча кўп бўлса, ҳорғинлик ҳам шунча кўп. Олим азонда туриб ишлаши — ёзиши керак. Бинобарин, Абу Али узр сўраб, чўзилган базмдан чиқиб кетди.

Мана бир неча ойдирки, олим Исфаҳонда истиқомат

қилади, тақдирнинг шафқатсиз қўли уни қаерга ирғитмасин, у ҳамиша, ҳамма жойда — Бухоро, Хоразм, Неса, Нишопур, Рай, Ҳамадон ва ниҳоят Исфаҳонда кишилик маданиятининг бешигини тебратиб, жаҳон фанига янги дурдоналар қўшмоқда.

— Раҳмат,— ўз хизматкорини секин чақирди Абу Али.

— Лаббай, хўжайин!

— Вақт бўлди, шекилли.

— Ҳамма нарса тайёр.

Тонг гира-ширасида Абу Али ўрнидан туради. Раҳмат таҳоратга сув беради. Абу Али ювиниб, бадан тарбияси билан шуғулланади, кийинади.

Ташқари анча ёришган, янги бошланган қўлэзма, тоза қоғоз, давот-қаламни Раҳмат алақачон тайёрлаб қўйибди. Абу Алининг шогирдлари келишига яна икки соат чамаси вақт бор. Илк саҳар ижодий иш учун энг муносиб вақт.

Бу икки соатда Абу Али бир бобни ёзишга улгуради. У бугун қувноқ, мамнун, шогирдлар тўпланган ҳамон шавқ билан суҳбатни бошлайди.

Бугунги суҳбат ҳуқуқ тарихига бағишланган, Абу Али илҳом билан ўз шогирдларига Ликурга ва унинг қонунари ҳақида гапириб беради. Эртага улар билан мусиқа хусусида, индинга эса, эҳтимол, юлдузлар олами ҳақида суҳбат ўтказар...

У шогирдлари билан синф-хонадан ташқарига чиқади.

Дарвоза олдидаги майдонда юзлаб одамлар дарахтлар соясида ўтириб, унинг чиқишини кутардилар.

Деҳқонлар, шаҳар камбағаллари, ўнлаб чақирим йўл босиб, улуғ олимни кўргани келган одамлар уни сабрсизлик билан кутишарди. Бу ерда беморлар, оқсоқоллар билан бирга шифо истаб эмас, маслаҳат ва кўмак сўраб келган сиҳат-саломат кишилар ҳам бор эди. Улардан сал нарида буларга қўшилишни истамай, давлатманд заминдорлар, йирик савдогарлар, мансабдорлар турарди. Ҳолбуки Абу Али учун шоҳу гадо баравар эканини билишарди. Ибн Сино Абдулвоҳид, яна бир неча шогирдлари рафоқатида чиқиб, кутувчиларнинг олдига боради. Шол бўлиб қолган қизча, букри йигит, тутаноқ касалига йўлиққанлар, қарлик ва очликдан қалтираб қолган кампир, қозининг адолатсизлигидан шикоят қилиб келган чол, қичмага гирифтор бўлган гўдак — буларнинг ҳаммаси Абу Алининг эътиборидан шифо ва ёрдам топадилар...

Чоштгоҳ вақти эди.

Абу Али яшаган уйнинг биринчи қаватидаги даричани очиб, одамларни оши худойнга таклиф қилишди. Таклифни такрорлашнинг ҳожати йўқ эди. Бева-бечоралар «гур» этиб дарича томон чопишди. Ҳар кун олимнинг уйида шу катта онла учун «шилён» пишириб тарқатар эдилар.

Абу Али ҳам шогирдлари билан салқинда ўтириб, тушки таомни баҳам кўришади. Таомдан сўнг ҳукмдор ҳузурига — саройга бориши зарур.

Абдулвоҳид устозининг таржимаи ҳолини ёзишда давом этарди: «Шундай қилиб, у Ала уд-Дауланнинг энг яқин ва ишончли кишиси бўлиб қолди... Амир янги ҳарбий юриш бошлаганда...»

— Нима билан шуғулланияпсан, азизим? — кутилмаганда орқасида устозининг овозини эшитиб қолди. Йигит бир гуноҳ қилиб қўйгандай хижолатдан қип-қизариб кетди.

Ибн Сино аллақачон бу хонага кириб, шогирди ёзаётган саҳифани орқасида туриб ўқиб чиққанди.

— Устоз, сиз ўзингиз бошлаб, сўнг ёзмай қўйган таржимаи ҳолингизни давом эттирмақдаман, — уялиқираб тушунтирди Абдулвоҳид.

— Бунга вақт сарф қилиш керакмикан? — олимнинг юзида энгил табассум пайдо бўлди. — Мен Муҳаммад пайгамбар эмасман! Мусулмонлар ана унинг ҳаёт йўлини батафсил ўрганишлари лозим. Худо ва пайгамбардан беҳад узоқда турган оддий бир олимнинг таржимаи ҳолини ёзишнинг нима ҳожати бор?

— Ахир, бунини ўзлари бошлаганлар-ку... — хижолат тортиб гапирди Абдулвоҳид, — мен сизни ранжимассиз деб гумон қилгандим.

Абу Али унинг елкасига қоқди:

— Мен ёшлигимда босиб ўтган сўқмоқларни эслаш учун бошловдим. Бу сенга не даркор?

— Шайх-ур-раис, сизнинг илм-фан учун, инсоният учун қилган хизматларингиз асрларча яшайди. Эҳтимол, минг йиллардан сўнг келгуси авлодлар сизнинг номингизни, ишларингизни мадҳ этиб, кўкларга кўтарар. Улар улуғ Абу Али ибн Сино ким эди, қаерда туғилган, қандай яшаган, қандай ишлаган, қандай воқеаларнинг шоҳиди бўлган деб қизиқишади, шуларни билмоқни истайди.

— Агар сен айтгандай бўлса, мен ҳақимда қолдирган асарларим-китобларимга қараб ёзишади.

— У ҳолда улар асрлар мобайнида инсоният хотиридан кўтарилган воқеаларни қаердан билишади?

— Агар у одамлар асарларимнинг қадр-қимматига етадиган кимсалар бўлса қолган тафсилотларни ўзлари ўйлаб тўлдирадидлар, уларнинг хаёллари ҳақиқатга яқин бўлади.

Амир Ала уд-Даула фан, санъат донишманди, унинг ҳомийси сифатида донг чиқариш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Унинг саройида дарбадар юрган барча файласуфлар, риёзюнолар, ҳақимлар, кимёгарлар, мунажжимлар маскан топди. Аммо у ҳаммадан кўпроқ Абу Алига илтифот, мурувват кўрсатарди. Абу Али биринчиларнинг биринчиси бўлиб, бу даргоҳда олимлар олими, олимлар мураббийси, олимлар бошлиғи маъносида шайх-ур-раис унвонини олди. Бироқ бу унвон ўзига нисбатан кам биладиган олимлар орасида уни у қадар қувонтирмасди. У мудом ал-Беруний билан Хоразмда бирга ишлаган чоғларини эсларди, бу қисқа муддатда унинг ёнида шогирд эмас, сафдош турганди.

Улуғ хоразмлик ҳақида Абу Алига жуда кам хабар етиб келарди, мактублари эса, яна ҳам сийраклашиб қолган эди. Ал-Берунийнинг Султон Маҳмуд саройига бориб қолганига ўн икки йил бўлганди. Султон уни хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмуннинг ўлими тафсилотини сўзлаб бериш учун чақириб, шу билан қайтиб кетишига йўл қўймади. Олимлар ўз асарларини бир-бирларига юборишга камдан-кам муваффақ бўлардилар. Абу Али ишончли одамдан «Ал-Қонун»нинг дастлабки уч китобини юборди, ал-Беруний эса Ҳиндистон тарихига оид китобининг бош қисмини юбордики, у биринчи дафъа Султон билан ҳарбий юришга қатнашгандан буён шу асар устида ишларди.

Абу Али бу китобнинг аҳамиятини ҳаммадан яхшироқ тушунарди, у бу китобни биладиган одамлар билан муҳокама қилишни истаса-да, атрофида ундай одамлар йўқ эди. Ундан таълим олаётган шогирдлари эҳтимол келажакда ал-Берунийнинг илм-фанга қўшган ҳиссасини қадрлай оладиган кишилар бўлиб етишар, бироқ ҳозир уларнинг ақли камол топганича йўқ.

Шундай бўлса ҳам сафдошининг йўқлиги Абу Алини тамом танҳоликда қолдирмади. Олим Исфаҳонга келган кундан эътиборан ҳукмдор Ала уд-Даула барча фақиҳларга, файласуфларга пайшанба оқшомлари саройга тўпланиб, янги китобларни ўқиш ва шу хусусда мунозара ўтказишга амр қилди. Ала уд-Дауланинг ўзи бу мажлисларнинг ҳаммасига мунтазам қатнашар ва уялмай-нетмай олимдан, сиз тушунмаган жиҳатлар борми, деб сўраб ҳам қўярди.

— Мен ўзимга ўхшаш амирга мурожаат қиламан,— дерди ҳукмдор кулимсираб.— Абу Али — олимлар ҳукмдори бўлса, мен — оддий фуқаронинг ҳукмдориман.

Абу Али Ала уд-Дауланинг лутфларига таъзим билан жавоб берса ҳам унга ишонмасди. У узоқ тажрибасида бу шакар гуфторликлар қуруқ сўз эканига аллақачон ишонганди. Амир фуқаро устидан ҳукмронлик қилишдан воз кечмагандек, олимлар устидан ҳукмронлик қилишдан ҳам воз кечмайди.

Шу мажлисларнинг бирида Абу Али дари тилида (қадимий форс-тожик тили) ёза бошлаган фалсафий асаридан парчалар ўқиб берди. Ҳукмдорнинг ўзи ҳам, Исфаҳон аҳолиси ҳам шу тилда сўзлашарди, бу уларнинг ҳам, Абу Алининг ҳам ўз она тиллари эди. Ала уд-Даула қувонганидан терисига сизмасди. У араб тилини ўрта-миёна билар, бу унинг илмий масалаларга тушунишини қийинлаштирарди. Эҳтимол, энди шу китоб ёрдамида у фалсафий мунозаралардаги зиддиятларнинг нозик нуқталарига ча билиб олар, эҳтимол ўзи ҳам баъзи фикрларини ўртага ташлаб қолар.

Шундай сарой олимини ҳурмат қилмай бўладими?.. Бироқ Абу Али амирни хурсанд қилиш учун эмас, асарининг кенг оммага етиб боришини кўзда тутиб, дари тилида ёзган эди. Ҳатто унинг исфаҳонлик шогирдлари орасида ҳам арабчаси заиф, лекин ўзлари истеъдодли, умидли ёшлар бор эди.

Куз бошланди. Ҳавода олма, узум ва сарғая бошлаган япроқларнинг ҳиди анқирди.

Амир навбатдаги ҳарбий юришдан қайтгач, биринчи пайшанба оқшомида, Абу Али саройга боришга барвақтроқ тараддудланди. Уйдан жўнаганда ҳали кун ёруғ эди. Раҳмат унга ҳамроҳ бўлиб борди. Иккала от ҳам узун, бўм-бўш кўчада оҳиста қадам ташлаб борарди.

Яқиндаги дарвозаларнинг биридан бир суворий чиқди-

да, уларнинг рўпарасига келиб, отининг бошини тортди ва эҳтиром билан Абу Алига салом берди.

— Хусайн, сиз мени танимаяпсизми?— секин сўради у ва олимнинг ҳамроҳига қараб давом этди:— Сен ҳам эслолмаяпсанми, Раҳмат?

Абу Али ва хизматкори отлиқнинг юзига диққат билан қараб қолишди. У эллик ёшларда эди. Унинг катта малла соқоли ажнабий эканини кўрсатса ҳам, соф тожик тилида гапириши кишини таажжубда қолдирарди.

Абу Али танимамай турибман дегандай бош чайқади. Унинг танишлари орасида бу суворийга ўхшаши йўқ эди.

Шунда у олижаноблик билан кулиб, ҳазиломуз деди:

— Ўзим ҳам қизиқман, орадан ўттиз йилдан зиёд вақт ўтибди-ю, мени танимаяпсизми, деб сўраб ўтирибман. Лекин Раҳмат мени унутмаслиги керак эди, чунки унинг қовоғида ҳали ҳам қўлимнинг изи бор!

— Ҳой, ҳали сен Ёқубмисан?— қичқириб юборди Раҳмат ва эски ўртоғига яқинроқ келиб, қўлини унинг елкасига қўйди.— Жуда бачамард бўлиб кетибсан-ку!

Ёшликларини эслаётган бу кекса одамлар мана шундай тасодифий учрашиб қолдилар. Улар бир-бирларига диққат билан боқиб, йиллар қатлами остида қолиб кетган таниш изларни қидирар, уни аранг топардилар. Абу Алининг кўзлари олдида Ёқубнинг синглиси Марямнинг табассумдан ёришган чеҳраси намоён бўлди.

— Онанг, бизнинг энагамиз Софиат хола қаерда?— сўради у.

— Ун йил муқаддам вафот этдилар.

— Марям-чи?— бир оз қалтираган овоз билан сўради Абу Али.— У ҳаётми? Эрга тегдими? Қаерда яшайди?

— Марям ҳам, мен ҳам Марвдамиз. Эрга тегдими, дедингизми?— Ёқуб кулиб юборди.— Ҳа, у мен жўнаш олдида неварасини эрга берди. Унинг эри савдогар, аммо ишлари унча яхши эмас. Қўлимдан келганча ўзим қарашиб тураман... Мени кечиринглар, дўстларим, мен кетишим керак. Карвоним ҳозир жўнайди. Хиралик бўлмасин деб саройга, ҳузурингизга бормамай, шу ерда кутиб тургандим. Эски ошна ташлаб юборилган эски кўйлакка ўхшайди, ҳеч қачон керак бўлмайди. Хайр, саломат бўлинглар!

— Бу аҳволда сен билан хайрлашмайман, Ёқуб! Қайта Исфаҳонга келганингда бизникига киришга ваъда бер! Энди андак сабр қил.— Абу Али белбоғидан оғир халтани ечиб олди.— Бунини Марямга бер,— деди у ва тўсатдан.

Ала уд-Дауланинг бебаҳо совғасини — қўлидаги зумрад кўзли узукни чиқарди.— Буни ҳам Марямга бер...

— Саройга кечикиб қолмасмиканмиз, жаноби Абу Али?— орқасидан кимнингдир маккорона овози эшитилди.

Олим орқасига ўгирилиб, аста ёнига етиб келган Убайдуллоҳ ат-Таймини кўрди.

— Ҳа, жадаллаш керак,— совуқ жавоб қилди у ва:— Хайр, Ёқуб!— деб қичқиргач, отга қамчи урди.

«Хукмдорнинг узугини берганимни бу доғули кўрдимикан? Агар кўрган бўлса, бу тасодифдан фойдаланиб, менга нисбатан қачон разиллик қиларкан?»— ташвиш билан ўйлади Абу Али.

Дарвозага яқинлашгач, у бир оз орқада қолиб, Раҳматга шивирлади:

— Ҳозир уйга бориб қўлёмалар, китоблар ва нарсаларни йиғиштириб, уларни Абдулвоҳидга бер, ўзинг мен билан йўлга ҳозирлан.

Раҳмат пайқагандай бош қимирлатди, Абу Али бўлса, Убайдуллоҳ ат-Тайми кетидан саройга кириб кетди.

Мунозара ва кечки таом тугаб, аҳли мажлис чиқиб кетаётганда, шоир Баламий олимнинг ёнига келди.

— Мен сизни огоҳлантиришим керак, муҳтарам Абу Али,— шивирлади у.— Ҳукмдоримиз Убайдуллоҳга сизнинг қўлингизда узуклари йўқлигидан ранжиб гапирдилар, зоти шоҳоналари туҳфаларининг қадрига етмаган кимсани ўз қўллари билан бўғиб ўлдиришга тайёрлар...

— Раҳмат, азизим,— жавоб берди Абу Али,— бу хизматингизни асло унутмайман.

«Узук шунчаки бир баҳона,— ўйлади у йўл-йўлакай,— ўзини менга сохта меҳрибон қилиб кўрсатиш ҳукмдорнинг жонига теккан. Назаримда, у кўпдан бери менинг таъзимини беришни ўйлаб юрибди... Начора? Сарсон-саргардонлик бошимга энди тушаётгани йўқ-ку! Муте сарой аёни бўлгандан кўра икки жаҳон овораси бўлиш менга муносиброқ. Бу муҳитдан кетиш, оддий халқ орасида бўлиш, шулар билан, шулар учун яшаш қандай яхши! Ҳайҳот, бу имкондан хорижман: мени ҳамма жойда билишади, ҳамма жойда ўз хоҳишимга хилоф ўлароқ кўзга ташланиб тураман!»

Раҳмат уйда йўл тайёргарлигини кўриб бўлганди.

Улуғ олим яна енгил йўл кийимида, яна уйсиз, дарбадар, у яна қочоқ...

Абу Али Райда озгина истиқомат қилди, холос. Олимнинг ўта аҳтиёткорлиги бу гал ортиқча бўлиб чиқди. Бу амирларга яқин бўлиб орттирган аччиқ тажрибалар натижаси эди, албатта. Бироқ мустабид Ала уд-Даула, аҳтимол, ҳеч кимга Абу Али сингари дўстона муносабатда бўлмагандир, олимни иззат-икром билан яна Исфаҳонга олиб келгандан кейингина хотиржам бўлди.

Йиллар ўтади. Абу Али ибн Сионинг шуҳрати тобора ошиб боради. Унинг янги авлодни тарбияловчи ажойиб асарлари Шарқ мамлакатларида кенг ёйилиб кетади. Бағдодда, Дамашқда, Мисрда унинг шогирдлари ва мухлислари бор. Шайх-ур-раиснинг сўзларини ва маслаҳатларини эшитиш учун бутун Ўрта Шарқ олимлари Исфаҳонга қараб йўл оладилар. Унга изҳори миннатдорлик қилиб мактублар ёзишади, қўлёзмаларини юборишади, маслаҳат сўрашади. У ўзига бошпана берган кичкина мамлакатнинг шуҳратини оширади.

Амир Ала уд-Даула буни биларди. Олимга ҳеч қачон бирор масалада таъна қилмас, мудом унга мурувват этар, ўзига муносиб эъвоз-икром кўрсатарди.

Аммо Абу Алини қувонтирган нарса бошқа эди. Ала уд-Даула аста-секин илмнинг ҳақиқий моҳиятини тушуна бошлади. У Абу Алининг ҳар бир ташаббусини жон деб қувватлайди, унга жиддий, муҳим ишлар топширади, аҳтимол бундан муроди Исфаҳоннинг ҳам, ўзининг ҳам довруғини оширишдир. Унинг тахт вориси Абу Алининг шогирди бўлиб, олимнинг кўп ишларида бевосита қатнашарди. У кўп вақтини Абу Алининг ишхонасида ўтказарди, амир Ибн Синога эски йил ҳисоби жадвалларини текширишни топширганда, у устозига ёрдам қилиб турди. Бу катта иш эди. Янги жадвал тузиш ниятида юлдузларни кузатиш учун олимнинг тархи ва режаларига асосан сарой боғида расадхона қуришди. Абдулвоҳиднинг ёрдамида Абу Али шундай аниқ кузатиш асбобларини яратдики, бунақаси ҳеч бир ҳайъатшунос олимда йўқ эди.

Фақат ҳарбий юришлар жонга тегарди. Абу Али уруш ва жаҳонгирлик билан сира келишолмасди, ундан ҳеч қачон, ҳеч қандай яхшилик кутмасди. Бунга у амирни ҳам ишонтиришга уринди, лекин бу бефойда эди. Ҳар сафар илмий ишларини тўхтатиб, Ала уд-Дауланing ёнида урушга бориш айниқса қийин эди.

Бунинг устига сарсон-саргардонлик ва оғир меҳнат билан ўтган йиллар олимнинг саломатлигига анча таъсир қилган эди. Бу даврда унинг ёши элликдан ошганди, у эрталаб маъдандан сайқаллаб ясалган ойнага қаради: юзи ҳорғин, рангпар, чека сочларига оқ тушган, қовоқлари шинқираган, гавдаси бир оз тўлишган.

Баъзан шароит тақозаси билан бошланган ҳарбий юришлар кўп машаққатларга сабаб бўлади. Абу Алининг эски ошнаси, Рай маликаси Сайиданинг ўлимидан кейин худди шундай бўлди. Гўё фақат шуни кутиб тургандай, Султон Маҳмуд дарҳол Райга қўшин тортиб, бу ўлкани ўз давлатига қўшиб олди. Исфаҳоннинг вазияти бирдан оғирлашди. Рай ноиби — Маҳмуднинг ўғли Масъуд билан яхши алоқада бўлмоқ учун Абу Али бутун ҳаётини тажрибасини, бутун қобилиятини ишга солиб, Ала уд-Даулага ёрдам қилди. Шунга қарамай, можарожўй Масъуд Исфаҳонга қарши уруш бошлаб, уни забт этди. Бу иш шундай қўққисдан рўй бердики, амир билан яқин машваратчиларигина шаҳардан чиқиб кетишга улгурдилар. Ҳатто уларнинг оилалари, жумладан, ҳукмдор оиласининг бир қисми ва соҳибжамол сингисини Заира ҳам Исфаҳонда қолиб кетди.

Ала уд-Даула ўз яқинлари билан қалъага бекиниб олди. Улар бу ерда ўтириб Абу Али ёзиб юборган номага Масъуднинг жавобини кутардилар. Олим ўз номасида инсон қалби ҳақида билган ҳамма билимини ишга солди ва шуҳратпараст Масъуднинг табиатидаги заиф томонларни топиб, таъсир қилишга уринди. Ғолибнинг жавобида, Масъуд Заирага уйланиб, шу муносабат билан Исфаҳон тахтини унинг акасига қайтарармиш, деган хабар бор эди.

Сўнгги икки йил деярли тинч ўтди. Бирдан Исфаҳонга Султон Маҳмуднинг ўлим хабари етиб келди. Абу Алига ҳомийлик қиламан деб унинг ҳаётини бу қадар чигаллаштирган Султоннинг ўлими Исфаҳон ҳукуматини ҳам, Абу Алини ҳам заррача қувонтирмади. Бу хабар фақат ташвиш орттирди. Масъуд отасининг тахтига миниб, Ғазна ҳукмдори бўлди, Рай ноиби қилиб Абу Саҳл Хуросонийни тайинлади. Абу Саҳл Исфаҳон билан яхши қўшничилик қилишдан кўра уни босиб олишга интиладиган ёвуз қўшни эди.

Исфаҳон ва Ғазна аскарлари чегарада тез-тез тўқнашадиган бўлиб қолишди, охири Абу Саҳл қўшини шаҳар-

га бостириб кирди. Исфаҳонликлар эсанкираб қолди. Бебош гуломлар уйларга ўт қўйиб, халқни талашди, дўконларда нимаики бўлса ташиб чиқишди, бозорни талон-тарож қилишди. Ҳукумат ва боёнлар шаҳардан қочишди, уларнинг мол-мулклари қолиблар қўлига тушди.

Бир неча кундан кейин ўзига келган Исфаҳон қўшини тўсатдан ҳужумга ўтиб, душманни шаҳардан ва мамлакатдан қувиб чиқарди. Исфаҳон тозаланган, энди қайта қуришга киришмоқлари мумкин эди. Бироқ халқ қандай оғир мусибатга дучор бўлганди! Аҳоли қандай хонавайрон қилинганди!

Абу Алининг уйи ҳам бошқаларники сингари талон-тарож этилган эди. Ҳамма уй анжомлари олиб кетилган. Лекин энг муҳими — ҳеч қачон, ҳеч ким қайта тиклай олмайдиган бебаҳо китоблар, қўлёзмалар нобуд қилинганди!

Бу галги мусибат беҳад оғир эди. Бунақанги йўқотишни пул билан, мол-дунё билан тиклаб бўлмайди...

Олим ўз уйига яқинлашди. Деразаларнинг ўрни кўрнинг сўнган кўзидай бўм-бўш эди. У секин юриб ичкари кирди ва ҳамма хоналарни бир-бир айланиб чиқди. Дарпарда ва гиламлар юлиб олинган, девор нақшларини қурум босиб таниб бўлмайдиган даражага келган, ерда похол, лой ва тошлар уйилиб ётарди. Бурчакда китоб солинган сандиқлардан бири қолибди, у ҳам синдирилган, очиқ. Китоблар қўйилган бошқа хоналар ҳам вайрон. Абу Али букчайиб, ўз ишхонасининг пешбурунида турарди. У ҳали ҳам, ҳеч бўлмаса, сўнгги асарининг пароканда варақлари сақланиб қолгандир деб умид қиларди. «Китоб-улинсоф» олимнинг кўп йиллик ҳаётини тажрибаси, баркамол ақли ва мислсиз ижодий заҳмати самараси эди. Бироқ бу ҳам йўқ. Нобуд бўлган. Фақат шаббода чала куйган қоғозларни ҳовлида учуриб юрарди.

Олимни оғир танҳолик ҳисси чулғаб олди. Абу Али бу ҳиссиётнинг қаердан пайдо бўлганини билолмайди. Ажабо, у мудом одамлар орасида эмасмиди? Наҳотки унинг содиқ дўстлари, сидқидилдан севгувчи шогирдлари бўлмаса? Наҳотки булар йўқолган ашёлар, ҳатто қўлёзманинг ўрнини босолмаса?.. Кўпдан бери юрагига шивирлаб юрган бир фикр тўсатдан миясига урилди. У ўз асридан жудаям ўзиб кетди. Ёнида унинг қўлидаги билим машъалини олиб, келгуси авлодларнинг йўлини ёритадиган бирор кимса йўқ эди. Шогирдлари, у ўз даражасига кўтариш учун қанча



уринмасин, унинг орзусини ушатгудай бўлиб чиқмадилар. Фақат биргина Жаъфар у бошлаган ишнинг давомчиси бўлмоғи мумкин, бироқ у йироқда. Хурофот ботқоғига ботган руҳонийлар, фақат риёзатни раво кўрган сўфийлар, сохта олимлар бирикиб унга қарши чиқишди, буларнинг муроди унинг қўлида ёниб турган машъални тортиб олиб ўчиришдир, ҳолбуки бу ўт мудом ёниб, инсониятнинг йўлини ёритиб турмоғи зарур.

Абу Али сўнги вақтда тез-тез ўлим ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолганди. Ҳозир бу фикр яна уйғонди.

Аммо у ўлим ҳақидаги фикрни ўзига яқин йўлатгуси келмасди. Йўқ, ҳали у бардам, ҳали у ҳар қандай касалликка бардош бера олади.

36

Бироқ шундай соғлом тан ҳам бедаво дардга таслим бўларкан.

Абу Али илк саҳарда оғриб қолди. Унинг қорни оғрир, нафаси қисиларди.

«Йиллар таъсирсиз ўтмас экан-да! Эллик олти ёш — наҳотки шу қариллик бўлса? — ғамгинлик билан ўйлади у. — Қилган ишларим жуда оз, аммо ниятларим шу қадар улурки, ўлимнинг яқинлигига, уни бўсағага келиб турганига сираям ишонгим келмайди».

Гўё унинг фикрини тасдиқлагандай яна санчиқ ва тоқатдан ташқари оғриқ бошланди.

Қорнига иссиқ нарса тутиш, буғлаш каби ишларни ёш, ғайратли бир ҳаким бажарарди. Бироқ олимнинг олдида Абдулвоҳид йўқ эди — у ҳукмдор билан урушга кетганди. Абу Али касалини даволаш учун юборилган Убайдуллоҳ ат-Таймининг шогирди ва дўстига у қадар ишонмас эди. Яхшиямки ҳакимнинг ҳар бир ҳаракатини кекса Раҳмат кузатиб турди. Бунинг устига, худди ўчакишгандай, чопар Ала уд-Дауланинг Айзежга келинг, деган фармонини олиб келди.

Абу Али кўзларини юмиб, ҳамма дорилар ва уларнинг омухтасидан ўзига наф қиладиганини эслаб кетади. Раҳмат овқат учун фақат хом тухумнинг оқини бериш, янги ҳакимнинг ҳамма дориларини чиқариб ташлаш ва кўк идишдаги суюқ доридан ичкизиш ҳақида фармон олади.

Ёш ҳаким Абу Алининг фармонидан норози — Убайдуллоҳ қорин касалини бутунлай бошқача даволаш керак деб ўргатганди. Бироқ улуғ ҳаким билан мунозара қилиб бўлмайдди. Уч-тўрт кунда Абу Али анча шифо топиб, ҳукмдорнинг чақирғига мувофиқ йўлга тушади. Бироқ йўлда қаттиқ оғриқ тутиб, бу гал уни тамом йиқитади, энди у ўзини ким, нима билан даволаётганини кузатолмай қолади. Ҳаким эса, ўз мураббийсининг маслаҳатига амал қилиб, олимнинг қорнига икки мартадан зиёд селдерейн уруғини юбориб, ичакларнинг ярасини яна ҳам зўрайтиради.

Абу Алини, бу улуғ, серғайрат, жонсарак одамни тасодифий карвонсаройнинг кичкина ҳужрасида ночор аҳволда тасаввур этиш ҳам қийин. Бутун умри фақат эзгулик билан ўтган, ўзгаларга шунчалар меҳрибон киши эндиликда қаттиқ азоб чекиб, бепарво ва бегона одамлар орасида ётибди. Қисматнинг бемаънилигига қаранг-а! Шогирдлари ё Исфаҳондан кетишган, ёки амир билан бирга урушга жўнаган, укаси Маҳмуд — Ҳамадонда. Олимни даволаш топширилган ёш ҳаким Убайдуллоҳ ат-Таймининг Абу Алига хусуматини ёқлайди. Доғули хизматкорлар унинг тузалишини кутмайди, бирдан-бир содиқ одам — Раҳмат ҳакимнинг топшириғи билан ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа чопади.

Абу Алининг аҳволи тобора оғирлашади. Дард кучаяди.

— Унга тарёк бериш лозим, — дейди ҳаким хизматкорларидан бирига ва пиёлага қора суюқ нарсани томизади. — Ун ёки ўн беш томчи бўлишининг аҳамияти йўқ, — изоҳ беради у ортиқча томизиб қўйганини хаспўшлаш учун ва пиёлани хизматкорга бериб, ўзи чиқиб кетади.

У ўйламай-нетмай яна қуяди.

— Йигирма томчими, ўттиз томчими, бунинг ҳам аҳамияти йўқ, қайтага яхши, тезроқ ўлади... — пўнғиллайди у ва Абу Алининг олдига киради.

Бироқ олим ҳали бардам эди. Унинг кучи заҳарни ҳам енгди. Атрофдагилар шафқатсиз сукутда эдилар. Раҳматгина бу хомушликда фитна, хусумат ва қабоҳат борлигини пайқаб, хўжайинини Исфаҳонга олиб кетади.

Урушдан қайтган Ала уд-Даула олимни касал ҳолда кўради, лекин у аввалгидек, ҳали ҳам илмий иш билан банд эди.

Ҳукмдор билан Абдулвоҳид ҳам қайтиб келди. Абу Али аста-секин тузалаётгандай кўринарди. Ҳар ҳолда, ёз

бошида, ҳукмдор ўзи босиб олган Ҳамадонга йўл олганда Абу Али унга ҳамроҳ бўлиб боради. Аммо йўлда яна уни дарди тутиб қолади.

Ажойиб ёз кунларининг бирида голиб Ала уд-Даула вазиру вазаролари орасида дабдаба билан Ҳамадонга кириб келди. Кечга бориб, шаҳар гулхан ва машъаллар нуридан чароғон бўлди. Карнай-сурнай садолари кўкка чирмашиб, фотиҳни муборакбод этиб турганда, тўрт нафар қул ўлим олдида ётган олимни тахти равонда кўтариб шаҳарга олиб киришди.

Олим билан видолашиш учун Ҳамадонда уни билган ҳамма одамлар тўпланди. Укаси Маҳмуд беморнинг қўлини ушлаб ёнида турарди.

Аммо у укасига эмас, ҳаётини ҳаммадан яхши билган хизматкори, доимий ҳамроҳи, дўсти Раҳматга васият қилади:

— Азизим Раҳмат,— йиғлаб турган кекса дўстига мурожаат қилади Абу Али,— қулламга пул бериб, ҳаммасини озод қил. Ўзингга ажратилган маблағни олиб, қолганини бева-бечораларга улаш. Лекин тезроқ бўл! Мен қашшоқ ва озод бўлиб ўлишни истайман...

— Шайх, сизга қандай дори берай?— сўрайди Абдулвоҳид ҳали ҳам устозининг табобатдаги маҳоратидан умид узмай.

Бироқ олим енгилгина қўл силтайди.

— Бадан мулкининг шоҳи уни идора қилолмагач, даволаш бефойда...— жавоб беради у.

Сўнгра бир оз куч йиғиб, енгил истеҳзо билан шивирлаб ўқийди:

Жаҳонда қолмади мен билмаган фан,
На мушкул бўлса ечдим дониш илан,
Ва лекин бу ўлим отлик тугунни
Ечолмасдан ўтар бўлдим жаҳондан...

Тошкент, 1942 — Москва, 1954.

МУНДАРИЖА

I. Бухоро	7
II. Хоразм.	151
III. Икки жаҳон овораси	289

Смирнова-Ракитина В. А.

Урта Осиёнинг минг йил муқаддам яшаган жаҳоншумул олими — улуғ ҳакими, риёзиони, мунажжими, файласуфи, шоири ва бастакори Абу Али ибн Сино қиссаси. (Тўхтасин Жалолов тарж.). Т., «Еш гвардия», 1966. 400 бет. Тиражи 46000.

1. Абу Али ибн Сино қиссаси.

Смирнова-Ракитина В. А. Повесть об Авиценне.

P2

7—3—2

На узбекском языке

СМИРНОВА-РАКИТИНА ВЕРА АЛЕКСЕЕВНА

ПОВЕСТЬ ОБ АВИЦЕННЕ

Издательство «Еш гвардия» — Ташкент — 1969

Перевод с издания «Советский писатель», 1969 г.

Иккинчи нашри

Редактор Э. Миробидов
Рассом-редактор К. Назаров
Техн. редактор Л. Шишикина
Корректор Ю. Муқимбоев

Босмахонага берилди 1/IX-1968 й. Матрицадан босишга рухсат этилди. Формати 84×108¹/₃₂. Босма листи 12,5. Шартли босма листи 21,0. Нашр. листи 21,5. Шартнома 49—68. Тиражи 30.000. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети "Ёш гвардия" нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Қоғоз № 2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг ихтисослаштирилган набор фабрикасида терилиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонасида босилди, Тошкент, "Правда Востока" кўчаси, 26. Заказ 313. Баҳоси 79 т.